

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАХРИРИЯТ ХАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:

проф. **Набиев Д.Х.**

Бош муҳаррир ўринбосари

доц. **Холмирзаев Н.С.**

Масъул котиб

ф.ф.д. **Жумаев Т.Ж.**

Тахририят хайъати аъзолари:

проф. Бахриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборов А.М.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

к.ф.д. Камолов Л.С.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

т.ф.д. Мўминова Г.

проф. Нормуродов М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

проф. Очилов А.О.

п.ф.д. Расулов А.И.

ф.ф.д. Тожиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умирзаков Б.Е.

проф. Хайриддинов Б.Х.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев А.Ч.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрназарова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Курбонов Ш.Қ.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳакимов Н.Ҳ.

доц. Орипова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Курбонов П.Қ.

доц. Хамраева Ё.Н.

**Журнал 2009 йилда
ташкил этилган**

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.

Қарши давлат университети,

Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@mail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlari

2022
5/2(55)

ҚАРДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Ижтимоий-гуманитар
фанлар**

Муассис: Қарши давлат
университети

**Журнал Қашқадарё вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармаси
томонидан 17.09.2010 йилда
№ 14–061 рақамли гувоҳнома
билан қайта рўйхатдан ўтган.**

Мусаххихлар:

З.Рахматова
М.Набиева
З.Кенжаева
Ж.Буранова
Б.Турсунбоев

Сахифаловчи

Я.Жумаев

Навбатчи

Т.Жумаев

Техник муҳаррир

М.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг қарорлари
билан **физика-математика, кимё,
биология, тарих, фалсафа,
сиёсатшунослик, филология,
педагогика-психологи ва иқтисод**
фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига
киритилган

**Йилига 6 марта
чоп этилади**

Журналдан олинган материалларга
“ҚарДУ хабарлари” журналидан
олинди”, деган ҳавола берилиши
шарт.

Муаллифлардан келган қўлёзма
материаллар эгаларига
қайтарилмайди.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

| | |
|---|----|
| Каримов Б. XIX асрда Шаҳрисабз беклигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маъмурий худуди..... | 4 |
| Аллаберганов А.А., Қурбонов Б. Ғ. Балоғат илмининг ривожланиш тарихи..... | 6 |
| Авазов Ф.А. Тарихий тадқиқотларда султон Абу Саид Мирзо даврининг ёритилиши..... | 10 |
| Суяров Н.Р. XX асрнинг 80-йилларидаги совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати туфайли жабр кўрган қашқадарёлик ўзга миллат вакиллариининг тақдири..... | 14 |
| Қувватова Н. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иккинчи жаҳон уруши йилларида..... | 22 |
| Сатторов Н.А. Қадимги Турон аҳолисининг ёзма манбаларда акс этиши..... | 28 |
| Рауфов И.С. Ўзбекистонда нефт ва газ қазиб олиш жараёни тарихидан..... | 31 |
| Бердиев Ж. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг XIX аср охири – XX аср бошларида этник таркибига доир ёзма манбалар..... | 35 |
| Раҳмонқулова О.А. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя масаласи – давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида (Жанубий вилоятлар мисолида)..... | 38 |
| Раҳмонов Ф. Жанубий Ўзбекистон ўзбеклари дехқончилиги ва сув хўжалигининг этнохудудий хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср)..... | 41 |
| Мўминов У. Қарши шаҳри аҳолисининг тавсифи (XIX–XX аср бошлари)..... | 44 |
| Янгибоева Д.Ў. Шарифжон Садри Зиё асарларида Бухоро илмий-адабий муҳитига оид масалаларнинг ёритилиши..... | 47 |
| Тўраев Ш.Р., Рўзиқулова Л.А. Ўзбек халқининг қадимги ва ўрта асрларда шаклланган анъанавий хўжалигининг ўрганилиш тарихи..... | 53 |
| Сайфуллаева Ю. Музейлар – халқ тарихининг кўзгуси..... | 56 |
| Тўйев Ф. 2018 – 2021 йилларда Бухоро вилояти иқтисодиётига инвестициялар жалб этиш: ечим ва муаммолар..... | 59 |
| Жабборов А.Т. Ўзбек миллий ўйинларининг ёш авлодни камол топтиришдаги ўрни ва аҳамияти..... | 62 |

ФАЛСАФА

| | |
|---|----|
| Усенов Ж. Қорақалпоқ халқ оғзаки дурдоналарида ёшлар миллий менталитети..... | 67 |
| Юсупов А.Қ. Фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётини маданий жиҳатдан демократлаштиришдаги роли..... | 71 |
| Shaymanova А.Е. Uchinchi renessans poydevorini shakllantirish va mulkdorlar qatlami: tushuncha va mohiyat..... | 77 |
| Қурбонмуратов Б.У. Ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг муҳим омиллари..... | 80 |
| Мухсимов Д.Т. Тасаввуф ва ижтимоий-маънавий ҳаёт..... | 83 |
| Тўраева А. П. Глобаллашув шароитида оила аъзолари функцияларининг трансформацияси..... | 88 |
| Юлдашев Б.Э. Замонавий раҳбар фаолиятини мураккаблаштирган жараёнлар..... | 91 |
| Норқобилов М. Замонавий социумда ижтимоий капитал аҳволини ўлчаш услубияти..... | 97 |

| | |
|---|-----|
| Boybekova Sh.A. Ilm-fan yutuqlari qadriyat sifatida..... | 101 |
| Бекмуродова Г. Маънавий деструкция – замонавий жамиятдаги жараёнларнинг муҳим тенденцияси..... | 105 |

СИЁСАТШУНОСЛИК

| | |
|---|-----|
| Омонов Р.Р. Давлат ҳокимияти органларини модернизациялашувида ахборот коммуникацияларининг роли..... | 111 |
| Рашидов Р.Р. Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги ва Самарқанд саммити – мамлакатимиз прагматик ташқи сиёсатининг амалий ифодаси..... | 115 |
| Хушматова Г.Н. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёшлар ташкилотларининг ўрни ва роли..... | 120 |

ФИЛОЛОГИЯ

| | |
|--|-----|
| Ибрагимов Ж. Ўзбек тилшунослигида валентлик назарияси ва ундаги муаммолар..... | 125 |
| Жумаев Т. Сингармонизм тарихий ўзак ясаилишининг мезони сифатида..... | 130 |
| Суярова Н. Инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорик терминларнинг онтологик табиати..... | 133 |
| Sabirova Sh. Pragmatic analyses of phraseological units..... | 137 |
| Йўлдашева Х.Қ. Бадиий матннинг яратилиши ва таснифида социопрагматик билимларнинг аҳамияти..... | 142 |
| Ахмедов А.Б. Неологизмнинг бошқа инновацион ходисалар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари..... | 147 |
| Очилова Д.Б. Аллюзия интертекстуалликнинг муҳим омили сифатида..... | 154 |
| Муратова М.И. Феълларнинг аспектual таркибланиши..... | 157 |
| Davurova U.J. “To see”– fe’lida observer semantikasi va uning kognitiv tahlili..... | 160 |
| Хамраева М.Г. Эвиденциаллик категорияси ва эвиденциал клише бирликлари Европа ва Осиё тиллари туркумида..... | 163 |
| Fayzullayeva O.X. She’riy turkumni shakllantiruvchi birliklar..... | 166 |
| Қораев Ш. XVI – XVII аср манбаларида Муҳаммад Шайбонийхон адабий кечалари..... | 171 |
| Файзуллаев Х. Н.Норқобиловнинг “Қуёш тутилган кун” ҳикоясида “табиат ўчи” концепцияси..... | 179 |
| Qurbonova F.I. Xurshid Do‘stmuhammad romanlarida obraz, xarakter, portretlar tasvirida psixologizm va majoz uyg’unligi..... | 182 |
| Porsieva Z.M., Ismoilova M.B. Yoshlar ma’naviyatini shakllantirishda kitobning o‘rni.... | 185 |
| Буранова Ж.А. Теоретические основы мифологизма в русскоязычной литературе Узбекистана..... | 188 |
| Садинова Д.У. Вариантность узбекских народных термина..... | 191 |
| Жумаева Н.Г. Анализ сюжета и образов в романе Уильяма Фолкнера «Авессалом, Авессалом!»..... | 194 |

ХІХ АСРДА ШАҲРИСАБЗ БЕКЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ ВА МАЪМУРИЙ ҲУДУДИ

Каримов Б. (ҚарДУ)

Аннотация. Бу мақолада Бухоро амирлигининг муҳим иқтисодий ва сиёсий ҳудудларидан бири ҳисобланадиган Шаҳрисабз беклигининг ХІХ асрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, аҳоли турмуш тарзи, хўжалиги, этник таркиби, маъмурий ҳудуди ва сиёсий чегаралари ҳақида маълумот берилади.

Таянч сўзлар: *Қадимий Кеш, «Кеш-Кашш», «Кас», КАТЭ, “Катта подшолик уйи”, Буюк Ипак йўли, Чор Россияси зобити Григорьев, Тошкўприк, Ургут, Қаратена, Шаҳрисабз Афросиёби, Регистон, Чорсу, Сомон бозори, Оқсув.*

Аннотация. В данной статье представлены сведения о социально-экономической жизни, образе жизни, хозяйстве, этническом составе, административной территории и политических границах Шахрисабз бека, который является одним из важных экономических и политических районов Бухарского эмирата.

Ключевые слова: *Древний Кеш, «Кеш-Кашш», «Кас», КАТЕ, «Большой царский дом», Великий шелковый путь, офицер царской России Григорьев, Ташкуприк, Ургут, Каратена, Шахрисабз Афросиоби, Регистан, Чарсу, соломенный рынок, Оксув.*

Annotation. This article provides information about the socio-economic life, lifestyle, economy, ethnic composition, administrative territory and political borders of Shakhrisabz province, which is one of the important economic and political regions of Bukhara Emirate.

Key words: *Ancient Kesh, "Kesh-Kashsh", "Kas", KATE (Kesh archaeological topographical expedition), "Big Royal House", Great Silk Road, officer of Tsar Russia Grigorev, Tashkuprik, Urgut, Karatena, Shahrisabz's Afrasiyab, Registan, Charsu, Straw Bazaar, Aksuv.*

Кеш воҳасининг географик жойлашуви, аҳолисининг турмуш тарзи, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, ҳамда бу воҳанинг тузилишини ўрганиш Ўрта Осиё тарихининг босқичларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё воҳаси географик жиҳатдан иккита йирик тарихий вилоятга Шаҳрисабз ва Қаршига бўлинади. Шаҳрисабз (Қадимги Кеш) Қашқадарёнинг юқори оқимида жойлашган бўлиб, шарқдан Ҳисор тоғ тизмалари билан ўралган. [1; 21] Ўрта асрларда Кеш воҳаси Зарафшон тоғлари этаги ва Ғузордарё атрофида жойлашган туманларни ўз ичига олган. Археологларнинг таъкидлашича, воҳа пойтахти ҳам Кеш номи билан аталган. У Китоб ва Шаҳрисабз ўртасида жойлашган. [2; 7]

Манбаларда Шаҳрисабз шаҳри «Кеш-Кашш», «Кас» ва «Қис-Қис» шаклларида тилга олинган. [3; 108] Шаҳрисабз атамаси ҳам шаҳарни қадимий номи бўлиб, яшил шаҳар маъносини билдиради. [4; 22] 1351 йилда зарб этилган кумуш тангаларда “Шаҳрисабз номи учрайди. ”Шаҳрисабз илк ўрта асрларда Китоб шаҳри ўрнида жойлашган. КАТЭ (Кеш археологик-топографик экспедицияси) тадқиқотлари натижасига кўра, бу шаҳар IX асрдан бошлаб ҳозирги Шаҳрисабз ўрнига кўчган. [5; 22] Жумладан, эски шаҳар ташқарисида янги иншоотлар қурилган бўлиб, шаҳар ҳукмдори саройи ва бозор ҳам шу ерда жойлашган. [6; 19] Кейинчалик шаҳарнинг мудофаа девори билан ўраб олинishi ва мустаҳкамланиши Амир Темур фаолияти билан боғлиқ. Шаҳрисабз бу даврда аниқ режали, баланд ҳимоя девори ва мустаҳкам минораси бўлган шаҳарга айланган. [7; 10] ХІХ аср охири ва ХХ аср бошларида Қашқадарё воҳаси, шу жумладан Шаҳрисабз беклиги Бухоро амирлигининг муҳим сиёсий-маъмурий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири ҳисобланган.

Аҳоли сони жиҳатидан Қарши ва Шаҳрисабз бекликлари амирликда олдинги ўринларни эгаллаган. [8; 152]

Тадқиқотчилар таъкидлашича, кўрғонда бек, унинг оиласи ва ҳокимият бошқарувчи вакиллари истиқомат қилган. Сарой аёнлари ҳам бек кўрғонига, яқин гузарларда яшаган. Масалан, Санги охур гузариди “Катта подшолик уйи” жойлашган бўлиб, унда бекликнинг юқори табақа аҳолиси истиқомат қилган ва ҳурматли меҳмонлар кутиб олинган. [9; 32]

Шахрисабз беклигининг маркази Шахрисабз шаҳри бўлиб, у ўзининг тузилиши, қурилиши, тарихийлиги ва салобатлиги билан амирликда муҳим аҳамият касб этган. Манба ва адабиётларда қайд этилишича, Шахрисабз шаҳри тузилиши жиҳатидан Ўрта Осиё шаҳарларидан фарқланмаган, яъни кўрғон, қалъа ва работдан иборат бўлган. [10; 17]

Шахрисабз шаҳрининг географик жиҳатдан қулайлиги унинг Буюк Ипак йўлида, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларини Ўзбекистоннинг энг қадимий ва йирик шаҳри Самарқанд билан боғловчи йўл устида жойлашганлигидадир. У Зарафшон ва Ҳисор тоғларининг этакларидаги ерлари унумдор жуда гўзал Китоб ва Шахрисабз чўкмасида Қашқадарё билан Танхоз дарёларининг қўшиладиган еридан унча олис бўлмаган боғлар, экинзорлар бағридадир. Шаҳар атрофидаги ерлар деҳқончилик ва боғдорчилик учун жуда қулай бўлган. [11; 28]

Чор Россияси зобити Григорьев томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларга кўра, Самарқанддан жануброқда ундан бир кунлик масофада маҳаллий халқ гоҳ Ургут, гоҳ Қоратепа деб атайдиган тоғ тизмалари ортида, катта қарвон савдо йўллари билан бир оз четроқда унча катта бўлмаган Шахрисабз беклиги жойлашган.

Беклик бир-биридан 4-5 тош масофа узокликда жойлашган бир неча қишлоқлардан ташкил топган. Воҳа уч томондан тоғлар билан ўралган ва Ҳисор, Самарқанд вилоятлари ҳамда Бухоронинг Чироқчи, Қарши, Яккабоғ ерлари билан чегарадош бўлган.

Шахрисабз беклигига воҳанинги жанубий ва қисман ғарбий қисмида жойлашган қишлоқлар қараган. Шарқий томонда иккита дарё - яъни тоғ ёнбағирлари Тошкўприк (баъзилар уни Улоч ҳам деб атайдилар) ва Танхоз мавжуд.

Ўзбеклар Оксус деб атайдиган ҳамда Ҳазрати Султондан бошланадиган Оқдарё бўйида Қорасув, Миришкор, Мўминобод, Бешкапа, Буми, Чори, Шакартепа, Сойбўйи, Бўзари, Шавкан, Полмон яна Улоч каби қишлоқлар бўлиб, улардан энг йириклари 22 хонадонли Мўминобод ва 100 хонадонли Қорасув, Миришкор, Улоч қишлоқлари бўлган.

Шаҳарга яқин қишлоқларга шимол томонига жойлашган Керайит, Синабоғ, Хўжамуродбахши, Тарахли, Говжаллоб ва бошқа томондан Занги, Сарисийё, Говушмон, Тўхлибой, Капкан, Хўжахурасон, Ўртақўрғон, Шаматон, Чоштепа, Қўнғирот, Тезгузар каби 30 га яқин қишлоқлар кирган. Китоб ва Шахрисабз ўзларига яқин қишлоқлар билан бирга ягона “Чим” девор билан ўраб олинган. [12; 95]

Шахрисабз шаҳри уч қисм — ўрта кўрғон, қалъа ва работдан иборат бўлган. Бек кўрғони шаҳарнинг шимоли-шарқий бурчагида жойлашган ҳамда у халқ орасида Шахрисабз Афросийёби номи билан аталган. Кўрғоннинг иккита дарвозаси бўлиб, шарқий дарвоза Тўпхона, жанубий дарвоза Кўк дарвоза деб номланган. [13; 7] Кўрғон олдида шаҳарнинг асосий майдон — Регистон жойлашган. Шаҳар марказида жойлашган айланма гумбазли Чорсудан шаҳарнинг тўрт томонига кўчалар кетган ва бу кўчалар орқали шаҳар дарвозаларига борилган.

Шаҳарни ташқи муҳитдан ажратиб турувчи қалъа деворларининг 6 та дарвозаси бўлган. Шимолий дарвоза — Китоб, шарқий дарвоза — Кунчиқар, ғарбий дарвоза — Қушхона, жанубий дарвоза (Яккабоғ) Чармгар деб аталиб, унинг ёнида Катта Чармгар ва Кичик Чармгар гузарлари жойлашгани боис, Чармгар номлари билан ҳам юритилган. [14; 130] Бундан ташқари, жануби-шарқий бурчақда иккинчи даражали Қалмиқ дарвоза ва Симхона дарвозалари ҳам мавжуд бўлган.

Шаҳарда 7 та қарвонсарой ва 2 та ҳаммом бор эди. Шаҳар гузарларга бўлинган ва ҳар бир гузар ўз масжидига эга бўлган. Шунингдек, тадқиқ қилинаётган даврда Хўжа Мирҳамид ва Ҳазрати Малик Аждар масжидлари ҳам шаҳарни асосий масжидлари ҳисобланган. А. Л. Кун келтирган маълумотларга кўра, XIX асрнинг охирида шаҳарда 14 та гузар мавжуд бўлган. [15; 224] XX аср бошига келиб эса гузарларнинг сони 52 га етган.

Аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этган. Ўзбеклардан ташқари, тожиклар, яҳудийлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилган. Шунингдек шаҳарда яҳудийларга қарашли ўнга яқин уй-жойлар мавжуд бўлган. Яҳудийлар ғайридин ҳисоблангани учун уларнинг мусулмон гузарларига кириши ман этилган ва бу Шахрисабз беги томонидан назорат қилинган. [16; 85]

Шунингдек, шаҳарнинг шимоли-ғарбий томонида жойлашган Сўпигузарда шаҳар дин пешволарининг уй-жойлари бўлган. Бундан ташқари, Култпепа, Ҳазрати Шайх, Ҳазрати Имом гузарларида яшовчилар: хўжалар Ҳазрати Шайх ва Ҳазрати Имом мазорларига келиб тушган хайру эҳсонлар ҳисобидан ҳаёт кечирганлар. Хўжагузар ва Эшонгузар эса деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган.

Шаҳарда ҳар кун савдо бўладиган ушбу бозордан ташқари, бир қанча майда бозорлар ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган Сомон бозорида чорва моллари савдоси олиб борилган. Шаҳарнинг ғарбий қисмидаги Сомон бозори худудида ҳам каттагина карвонсарой мавжуд бўлиб, унда ғарбий худуддан келган ва асосан, чорва моллари савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар тўхтаб ўтганлар.

Шаҳрисабз беклигининг маркази бўлган Шаҳрисабз шаҳри ўзининг аҳамияти ва катталиги жиҳатдан XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигида учинчи шаҳар ҳисобланган.

Шаҳарда ҳунармандчилик гузарлари, бозорлар, карвонсаройлар ташқари, кўплаб масжидлар, мадрасалар, ҳаммом ва бошқа жамоатчилик бинолари ҳам қад кўтарган. Умуман, Шаҳрисабз шаҳри нафақат ҳунармандчилик, балки йирик савдо ва маданий марказ ҳам эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Hasanov A. Qashqadaryo vohasi shaharsozligi va me'morchiligi (XVI-XIX asrlar) – Тошкент: Voris, 2019. – Б. 21.
2. Сағдуллаев А.С. Гау Суғд – Наутака-Кеш // San`at. – Тошкент, 2001. – №1. – Б. 7.
3. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Саъда Абулкарима ибн Муҳаммада ас-Саъмани как исторический источник по истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 108.
4. Массон М.Е., Пугаченкова Г. А. Шаҳрисабз при Темуре и Улугбеке // Труды САГУ. Новая серия. Гуманитарные науки. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1953. Вып. 49. – С. 22.
5. Луин Б.С и др. Шаҳрисабз 1968 г., – №8. – С. 22.
6. Бертгер Е. К. Извлечение из книги «Пути и страны». – Ташкент: Изд-во САГУ, 1957. – С. 19.
7. Пугаченкова Г. А. Темуридское архитектурное наследие Шаҳрисабза // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маърузалари тезислари. – Тошкент, 2002. – Б. 10.
8. Сафаров Д.Т. XIX аср охири ва XX аср бошларида Қуйи Қашқадарёдаҳолиси (тарихий-этнографик маълумотлар) // Қадимий Қарши. Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи. – Қарши: – Насаф, 1999. –Б. 152.
9. Ҳамидова М. Қашқадарё ҳунармандчилиги тарихи. – Ташкент, 2021, 4-жилд, – №7. – Б. 32.
10. Григорьев В.В. Очерки Шаҳрисабзского бекства. ИВЛ, 1958. – С. 57.
11. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Том. 11. – Б. 28.
12. Давлатова С. Бухоро амирлигида манғитлар сулоласи билан кенагаслар уруғи ўртасидаги ихтилофлар. – Тошкент, 1995. – Б. 95.
13. Дресвянская Г., Усманова З. Из истории Кеша. – Ташкент, 1976. – С. 7.
14. Кун А. Очерки Шаҳрисабзского // ЗРГО. Т. VI. – СПб., 1880 г. – С. 224.
15. Сухарева О. А. К истории городов. – Ташкент: Издательство АН Уз.ССР, 1958. – С. 130.
16. Бекчурин Й. Шаҳрисабзские владения по рассказам Джурабека Бабабека // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. – Спб. 1873. Вып. II. – С. 85.

Наишга проф. О.Бўриев тавсия этган

БАЛОҒАТ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Аллаберганов А.А., Қурбонов Б. Ғ. (Тошкент ислом институти)

Аннотация. Балоғат илмини таҳсил қилиш орқали Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар маъноларини тўғри тушуниш ва нозикликларини теран англаш осон кечади ҳамда Қуръони каримнинг фасоҳат ва балоғат эътиборидан иъжози (мўъжизакорлиги) кашф бўлади. Шу боисдан, Қуръони карим тафсири, ҳадиси шарифлар шарҳи ва шариат китобларини ўрганмоқчи бўлган киши

юқорида таъкидланганидек, луғат, сарф, наҳв илмлари билан бир қаторда балоғат илмини ҳам пухта эгаллаши лозим. Шунингдек, мумтоз адабиётимиз дурдоналари ҳисобланган шеър ва ғазалларда ҳам мажоз, ташбеҳ, истиора, киноя каби балоғат қоидаларидан кенг фойдаланилган. Демак, буюк аждодларимиздан қолган бой адабий меросимизни тўғри ва чуқур ўрганиб бошқаларга ҳам етказишимизда балоғат илми катта аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб ҳам балоғат илмини ўрганишимиз ва уни келажак авлодга ўргатишга эҳтиёжимиз ўта юқоридир.

Таянч сўзлар: *Қуръони карим, Ал-Қашишоф, тафсири, илми маоний, илми баён, илми бадий, мажоз, ташбеҳ, истиора, сарф, наҳв.*

Аннотация. Изучая науку Балагата, будет легче понять смыслы и тонкости Корана и хадисов, и откроется чудесность Корана с точки зрения красноречия и зрелости. Поэтому человек, желающий изучать толкование Корана, толкование хадисов и книг Шариата, как уже говорилось выше, должен овладеть наукой лексикографии, траты, грамматики, а также наукой о балагат. Также в поэмах и газелях, считающихся шедеврами нашей классической литературы, широко используются правила зрелости, такие как метафоры, аллегории, аллегории, сатира. Итак, наука о половом созревании играет важную роль в правильном и глубоком изучении богатого литературного наследия наших великих предков и передаче его другим. Даже сегодня нам необходимо изучать науку балагат и обучать ей подрастающее поколение.

Ключевые слова: *Священный Коран, Аль-Қашишоф, тафсири, знание смысла, знание объяснения, знание бадий, метафора, ташбеҳ, истиора, сарф, наҳв.*

Annotation. By studying the science of Balagat, it will be easier to understand the meanings and subtleties of the Qur'an and the hadiths, and the miraculousness of the Qur'an in terms of eloquence and maturity will be discovered. Therefore, a person who wants to study the interpretation of the Qur'an, the interpretation of hadiths, and the books of the Shari'ah, as mentioned above, must master the science of lexicography, grammar, grammar, as well as the science of balagat. Also, in the poems and ghazals, which are considered to be the masterpieces of our classical literature, the rules of maturity, such as metaphors, allegories, allegories, satire, are widely used. So, the science of puberty plays an important role in the correct and in-depth study of the rich literary heritage of our great ancestors and its transmission to others. Even today, we need to study the science of balagat and teach it to the next generation.

Key words: *The Holy Qur'an, Al-Kashshof, tafsir, knowledge of meaning, explanation and badii, metaphor, parable, illustration, sarf, nahv.*

Долзарблиги:

Бу фанни ўрганиш билан биз аввало Аллоҳ таъолонинг каломи Қуръони каримни яхши тушунамиз, аждодларимизнинг юксак маданият ва муомаласи шунингдек теран ақл ва тафаккури нечоғлик кучли бўлганлигини англаймиз. Араб тили Қуръони карим тили, жаноб Пайғамбаримиз соллалоху алайҳи васалламнинг тиллари. Шунинг учун ҳам уни ўрганиши йўллари саҳобаи киромлар давридаёқ йўлга қўйилган. Бу тилни ўрганиши учун ҳам бошқа тиллар каби керак бўладиган луғат, морфология, грамматика яъни сарф ва наҳв илмлари мукаммал ўрганилади. Балоғат илмини таҳсил қилиши орқали Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар маъноларини тўғри тушуниши ва нозикликларини теран англаш осон бўлади. Шу сабаб, Қуръони карим тафсири, ҳадислар шарҳи ва шариат китобларини ўрганмоқчи бўлган киши юқорида таъкидланганидек, луғат, сарф, наҳв илмлари билан бир қаторда балоғат илмини ҳам чуқур эгаллаши лозим. Бу ҳақда юртдошимиз Абдурауф Фитрат қарийб бир аср олдин шундай деган эди: “Такрор ва такрор айтдик-ки, диний ва ижтимоий таълимотимиз Қуръон ва ҳадисларда мавжуддир. Қуръон ва ҳадислар эса араб тилидадир. Яна динимизга оид аксар китобларимизни олимлар араб тилида ёзганлар. Бинобарин, шуларни тушунмоқ ва билмоқ учун араб тилининг сарфу-наҳвини ўрганишимиз зарур. Лекин бу етарли эмас, балки Қуръон маъноларини тушунишимиз учун балоғат илмини - баён, бадий ва маъоний илмларини ҳам билишимиз лозим”. [1:49]

Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Истиқлолга эришганимиздан сўнг мустақил Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида муносиб мавқега эга бўлди. Барча соҳалар каби диний эътиқод борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, диний таълим тизимида кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Араб тилини мукаммал ўрганиши ва уни тадқиқ учун балоғатни пухта билиши керак.

Ҳаммамизга яхши маълумки, динимизнинг устуни бўлган тафсир, ҳадис, ақоид илмлари Арабистон диёрида пайдо бўлган бўлсада, унинг қуввати, ривожини Мовароуннаҳрда бўлди. Юртимиз уламолари нафақат бу илмларда, балки араб тили грамматикасида ҳам сўнмас асарлар битиб, динни тўғри англашга ва келажак авлодга соф диний таълимотларни етказишга беминнат хизмат қилдилар. Уларнинг қарвонбошиси сўзсиз Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарийдир. У зот «Кашшоф», «Асосул-балоғ», «Муфассал фин наҳв», «Унмузаж фи наҳв» ва яна бир қанча асарларнинг муаллифи ҳисобланадилар. Замахшарий бобомиз биз авлодларга бой ва қимматли илмий маънавий мерос қолдирган. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, у киши таълиф қилган араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жўғрофия, тафсир, ҳадис, ва фикҳга оид асарларнинг сони олтмишдан орттирдир. *Ҳозирги кунда бизнинг диёр мисолида оладиган бўлсак, аждодларимиз бу борада бизга иш қолдиришмаган. Биз бу борада ёзилган китобларни ўқиб ўрганиб чиқсак ҳам жуда катта иш қилган бўламиз.*

Тадқиқот натижалари:

Араб тили дунё тиллари ичида энг мукаммал ва ранг-баранг талаффузга эга ҳамда энг кўп ўрганилган тил ҳисобланади. У сўз бойлиги, қоидаларининг турли-туманлиги, бир калимани бир неча услубда талқин қилиш билан бошқа тиллардан ажралиб туради. Қадимда араб тилида ёзилган минглаб диний, бадиий, тарихий ва бошқа илмий маълумотларга асосланган битик ва асарлар дунёнинг барча кутубхоналарида кўплаб топилди. Бу эса араб тилининг дунё ривожига кўшган ҳиссасининг нақадар буюклигидан далолат беради.

Аmmo араб тилида мукаммал гаплашиш ва уни тушуниш учун албатта, балоғат фани қоидаларини яхши билиш керак. Мазкур қоидалар араб тили руҳини тўла очиб бергани учун Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, шариат китоблари ҳамда арабларда мўътабар ҳисобланган жоҳилият даврида ўтган буюк араб шоирларининг ижодлари маҳсулидан баҳраманд бўлиш ва тўғри идрок этиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам балоғат фанининг аҳамияти юксакдир.

Балоғат фани бўйича ҳижратнинг II асридан бошлаб китоблар битила бошлангани тўғрисида тарих зарварақлари шохидлик беради. Энг биринчи бўлиб илми баён ҳақида китоб ёзилган дейиш мумкин. 206 ҳижрий санада дорул бақога рихлат қилган Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанний ал-Басрийнинг «Мажозул-Қуръон» китоби илми баённинг биринчи бўлиб алоҳида илм сифатида шаклланишига тамал тошини қўйди. Абу Убайда Ҳалил ибн Аҳмаднинг шогирди бўлиб, ҳазрат Сибавайҳнинг шайхидирлар.

Илми маоний ҳақида биринчи бўлиб қалам тебратган олим ким эканлиги маълум эмас. Бу борада кўплаб муаллифларнинг асарлари мавжуд. Лекин, услубида ягона бўлган, адиблар сардори дея танилган Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жохизнинг (вафоти 255 ҳижрийда) «Ал-Баён ват-табийн» ҳамда "Иъжозул-Қуръон» номли китоблари улар орасида алоҳида ажралиб туради. У кишидан кейин Абу Аббос ал-Мубаррад «Ал-Комил» асари билан, ибн Қутайба «Аш-Шеър ваш-шуаро» китоби билан бу фанга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Балоғатнинг бадиъ илми бўйича биринчи бўлиб асар ёзган олим халифа Абдуллоҳ ибн ал-Муътаз ибн ал-Мутаваккил ал-Аббосийдир (в. 296 х.). У гап беазаги, яъни бадиий тасвир воситаларини чуқур ўрганиб, улардан ўн еттисини ўзининг «Ал-Бадиъ» асарида келтириб ўтади. Кейинги асрларда ҳар бир олим бу илмни ривожлантирди.

Балоғат илми чўққисини эса, шайх имом Абдулқоҳир ибн Абдураҳмон ал-Журжоний (в. 471 х.) ўзларининг «Далоилул-иъжоз» ва «Асрорул-балоғ» китоблари билан забт этдилар. У кишидан кейин беназир шохсупага форс ўғлони Абу Яъқуб Юсуф ас-Саккокий (в. 626 х.) чиқдилар.

Қуръони карим тилни балоғат ва фасоҳати юзасидан мақсадни етказишда сўз ишлатиш йўналишларини кенгайтириб таълим берди. Зеро, шу нозик жиҳатлар воситасида араб тили бошқа тилларда учрамайдиган маъноларни ифодалашда ўзига хослик, гўзаллик, бетакрорлик ва улуғликка эришди.

Қуръони қарим мўъжизаларни кашф этишда балоғат илмларининг аҳамияти буюқдир. Бу илм бошқа фанлардан ўзининг фазилати билан ажралиб туради. Унинг луғат сир-асрорларини очишда ва хазиналарини кашф этишда бетакрор ўрни ва услублари бор. Шунинг учун ҳам у тилнинг нозик, нафис ва дақиқ жиҳатларини ўрганишда бекиёсдир. Буюқ ватандошимиз муфассирлар устози Жоруллоҳ Маҳмуд Замахшарий «Ал-Кашшоф ан ҳақоик ғовамизи ат-танзийл ва уюнул ақовийл фи вужуҳи ат-таъвийл» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш») асари тафсир ҳамда балоғат илмларида муҳим ўрин тутди.

«Ал-Кашшоф» Замахшарий Маккада турган пайтида ёзилган. Замахшарийнинг чуқур билими ва бу тил борасида ёзган асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқда унга катта шуҳрат келтирган. Олимни чуқур ҳурмат ва меҳр билан “Араблар ва ажамлар устози” ва “Хоразм фаҳри” деган шарафли номлар билан номлашган. Муаллиф ушбу асарида Қуръони қаримнинг хусусиятлари ҳамда унинг мўъжизавий тарзда баён этилганини кўрсатиб беради. Мажозий маънода қўлланилган ҳар бир оят устида тўхталиб, балоғат нуқтаи назаридан шарҳлайди.

Немис шарқшуноси Карл Броккелман дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида «Ал-Кашшоф»нинг юзга яқин қўлёзмалари ва асарнинг ўзига битилган йигирмадан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар борлиги ҳақида ёзиши Замахшарий асарининг катта шуҳратидан далолат беради. Қоҳирадаги бутун дунёга машҳур Ал-Азҳар диний дорулфунунининг талабалари ҳам «Ал-Кашшоф» асари асосида Қуръонни ўрганадилар. Замахшарий «Ал-Кашшоф»нинг муқаддимасида шундай дейди: “Тафсир илмига киришган киши Қуръонга хос бўлган икки илм - илми маъоний ва илми баёнда билимдон, иккисини ўрганишда бироз шошилмаган, тафтиш қилишда бир муддат машаққат чеккан бўлсагина унинг (тафсирнинг) ҳақиқатларига ета олади”. [2:16]

Хулоса:

Бундан хулоса қилиш мумкинки, балоғат илми муфассирнинг энг катта таянчларидан бири экан. Балоғат илми аввалда бу балоғат фани деб юритилмаган. Тил олимлари, ўзи алоҳида мустақил ва бир-бирини тўлдирувчи бўлган учта илм: илми маоний, илми баён ва илми бадиъдан таркиб топган балоғат илмлари ҳақида сарф-наҳв ва луғатга оид китобларни чуқур ўргангандан кейин бу илмни ўрганишар эдилар. Илми маонийда маъноларни, баъзи лафзларни ишлатиш усуллари ва баъзи калималарнинг ўрни ва салмоғи ҳақида баҳс юритади. Илми баён эса, керакли мақсадни ифодалаш ва етказишда, шунингдек, таъсирини оширишда калималарни ҳақиқий ва кўчма маъноларидан фойдаланиш усуллари; Илми бадиъ эса, илми маоний ва баёнлардан фойдаланган ҳолда гапириладиган ёки хатга тушириладиган фикрларни чиройли, бадиий, қофияли, жарангли ва сўзларни бир-бирига уйғун қилиб келтириш услублари устида баҳс қилади.

Шундай қилиб, кичик рисола ва мақолалар тўпланиб бориб, уни алоҳида мустақил фан сифатида шаклланишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурауф Фитрат. Нажот йўли. – Т.: 2001.
2. Маҳмуд Замахшарий. Кашшоф. – Қоҳира: Мустафо ал-Бобий, 1948.
3. Муҳаммад ибн Абдурахмон Қазвиний. Ал-ийзоҳ фи улум ал-балоға. – Байрут: Дорул-жил, 1960.
4. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. – Қоҳира 2005.
5. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурахмон Қазвиний. Талхисул мифтах. Алмақтабат ул-асрийя. – Байрут 2008.
6. Маннонул Қаттон. Улумул Қуръон. – Байрут: Муассаса рисала, 1980.
7. Обидов. Қуръон, тафсир ва муфассирлар. – Тошкент.: 2003.
8. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннаҳр 2002.
9. Хайбуллин И. Н. Стилистика арабского языка. – Москва, 2008.
10. «Islom.uz» Интернет портали.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

**ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА СУЛТОН АБУ САИД МИРЗО
ДАВРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ****Авазов Ф.А.** (ТошДШУ)

Аннотация. Мақола Темурийлар сулоласи вакили бўмиш Султон Абу Саид Мирзо даври тарихини ўзбек, рус, инглиз ва турк тилларидаги илмий нашрларда ёритилишига бағишланган. Ушбу давр тарихига оид илмий адабиётлар тарихшунослик нуқтайи назаридан таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *Султон Абу Саид Мирзо, Темурийлар салтанати, Кўрагон, Мовароуннаҳр, Хуросон, Оққўйинлилар, Қорақўйинли.*

Аннотация. Статья посвящена изучению истории периода Султана Абу Саида Мирзы, представителя династии Тимуридов, в узбекской, русской, английской и турецкой историографии. В статье литература этого периода анализируются с точки зрения историографии.

Ключевые слова: *Султан Абу Саид Мирза, Государство Темуридов, Кураган, Мавераннахр, Хорасан, Ак-Коюнлу, Кара-Коюнлу.*

Annotation. The article is devoted to the study of the history of the period of Sultan Abu Said Mirza, a representative of the Timurid dynasty, in Uzbek, Russian, English and Turkish historiography. The article analyzes the literature of this period from the point of view of historiography.

Keywords: *Sultan Abu Said Mirza, State of the Temurids, Kuragan, Maverannahr, Khorasan, Ak-Koynlu, Kara-Koynlu.*

XX аср охири – XXI аср бошлари минтақамизда, Марказий Осиёда рўй берган чуқур сиёсий ўзгаришлар, янги мустақил республикалар ташкил топиши муносабати билан миллий тарихларни чуқур ўрганиш ҳамда кенг оммани ўз тарихи билан ошно қилиш зарурияти юзага келди. Айниқса, минтақа халқларининг муштарак тарихий жараёнларида айрим олинган этносларнинг иштироки масаласи турли хил, баъзан қарама-қарши қарашларга сабаб бўлмоқда. Шу жумладан, давлат ҳокимияти, сиёсий жараёнларнинг хусусиятлари, дин ва маънавият соҳалари ҳақида фикр юритувчи олимлар фиклари бир жойдан чиқмаётгани кузатилади. Ваҳоланки, Марказий Осиё ҳудудларида ташкил топган тарихий давлатларнинг барчаси минтақа халқлари учун муштарак асосларда амал қилган. Шу маънода Темурийлар даври ҳам давлатчиликнинг этносларни ўз атрофида бирлаштириш эътибори билан ушбу анъанадан четда эмас эди.

Амир Темур ва Темурийлар салтанати тарихи серқирра муаммоларни ўртага қўйиб, уларни ҳал қилиш йўлида олимлар салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Турли муаммоларга қаратилган йирик монографик тадқиқотлар яратилган. Давр ёзма манбаларининг аксарияти илмий нашрларда ўқувчиларга етказилган. Лекин, бугунги кунга қадар Темурийлар даври тарихшунослиги ҳақида сўз кетганда, мазкур давр тарихига оид илмий адабиётларнинг аксариятида асосий эътибор Амир Темур, Шохрух Мирзо ва Мирзо Улуғбек даври тарихини ёритишга қаратиб келинмоқда. Бу давр тарихи 1370 йилдан то 1449 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Фикримизча, 1450 йилдан бошлаб то Темурийлар давлатининг сўнгги йиллари бўлмиш, 1507 йилга қадар бўлган давр тарихи илмий тадқиқотлар асосида етарлича ўрганилган эмас.

Мазкур ярим асрлик давр тарихида Темурийлар сулоласи вакили Султон Абу Саид Кўрагон¹ (1451-1469 йиллар ҳукмронлик қилган) даври тарихи ҳам етарлича тадқиқ этилмаган бўлиб, ушбу давр тарихини ўрганиш, темуршунослик соҳасидаги асосий вазифалардан бири саналади.

Мазкур давр тарихига бағишланган дастлабки тадқиқотлар В.В. Бартольд томонидан амалга оширилган. У асарида "... Абу Саид ўзининг ҳаёт тарзи, ишларининг буюклиги, шижоати, ва истеъдоди бўйича давлат раҳбари сифатида Бобур, Акбар, ва Шох Жаҳонларнинг муносиб аждоди эди" [1:69], деб юқори, лекин ҳаққоний баҳо беради. Ўз фикрини давом эттираркан, Абу Саид Мирзо ҳукмронлик йилларида накшбандия

¹ Султон Абу Саид Мирзо (1424-1469) ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ Мирзо ибн Амир Темур. У ўзини Оққўйинлилар ҳукмдори Узун Ҳасанга йўллаган битигида Султон Абу Саид Кўрагон деб атайди.

тариқатининг йирик вакили Хожа Ахрорнинг нуфузи кучайиб, Султон Абу Саид Абдулло Мирзо билан Мовароуннахр учун қарши курашганида Хожа Ахрорнинг маънавий мададига таянгангани таъкидлайди [1:164-165].

А.Ю. Якубовский [2:68] ҳамда Б. Аҳмедов [3:5-68] асарларида ҳам мазкур давр, яъни XV асрнинг ўрталарида Темурийлар давлатининг ижтимоий, сиёсий ҳаёти тўғрисида маълумотлар берилган.

А.Ю. Якубовский «Мовароуннахр ва Хуросон Темурийлар даврида» номли тадқиқотида Мирзо Шоҳрух вафотидан то XVI аср давр тарихини батафсил очиб беришга ҳаракат қилган [4:335-380]. Ҳокимият учун курашларда 1457 йилда ғолиб келган Султон Абу Саидга тўхталаркан, уни мамлакатни амалда бирлаштиришга эришган бўлса-да, унинг ҳокимияти номинал, сепаратистик кучлар ҳали ҳам курашларни давом эттирар ва Абу Саид уларни бутунлай тўхтатишга эриша олмади, деб ёзади [4:359].

Академик А.Муҳаммаджоновнинг “Темур ва Темурийлар салтанати” тарихий очеркида ҳам мазкур давр тарихи қисқача баён қилинган [5:77-79]. Муаллиф Мирзо Улуғбек вафотидан кейин Темурийлар салтанатида юзага келган ва XV аср бошларига қадар давом этган сиёсий вазиятга Темурийлар сулоласини инқирози остида баҳо беради. Шунингдек, 1457 йилда Хуросон ва Мовароуннахрнинг Султон Абу Саид Мирзо бирлаштиришга муваффақ бўлса-да, унинг ҳокимияти ҳам мустаҳкам эмас эди, дея таъкидлайди.

“Амир Темур жаҳон тарихида” номли йирик тадқиқотда – Султон Абу Саиднинг Темурийлар сиёсий саҳнасига чиқиши, Мирзо Абдулло билан Мовароуннахр учун олиб борган курашлари ҳамда 1451 йил Булунғур чўлида рўй берган жангда ғолиб келиб, Самарканд тахтига чиқиши баён қилинган. Шунингдек, асарда Темурийлар давлатини 1457 йилда Абу Саид томонидан бирлаштирилиши салтанат қудратининг ошишига имкон бериб, унинг бундай натижаларга эришиши ёшлигидан Улуғбек Мирзонинг назоратида ўсиб, тарбия олганлиги ва Улуғбек Мирзо унда илм-маърифатга меҳр уйғотганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган [6:117]. Бундан ташқари мазкур тадқиқотда 1469 йил Абу Саид Мирзонинг туркманлар билан бўлган жангда ҳалок бўлиши, Темурийлар давлатининг маъмурий-худудий жиҳатдан узил-кесил икки қисмга: Мовароуннахр (Туркистон) ва Хуросонга бўлиниб кетишига сабаб қилиб кўрсатиб ўтилган [6:119].

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи билан шуғулланган яна бир тадқиқотчи Т.Файзиев бўлиб, унинг Темурийлар шажараси номли монографияси ушбу йўналишда кам сонли тадқиқотлардан биридир. Монографияда Султон Абу Саиднинг даври тарихига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Унда темурийзоданинг сиёсат майдонига кириб келиши ва фаолияти, давлат тепасига келиш учун олиб борган курашлари, кўшни мамлакатлар билан алоқалари баён этилган [7:176-180]. Шунингдек, ушбу китобдан Султон Абу Саиднинг аҳли аёллари, фарзандлари хусусида ҳам етарлича маълумот олиш мумкин. Муаллиф Султон Абу Саид Мирзо ҳокимият учун курашларда айрим Темурийзодаларга шафқат қилмаганини таъкидласа-да, ўз ўрнида салтанатда тартиб ва адолат ўрнатишга ҳаракат қилганлигини ёзади. Хусусан бунга мисол тариқасида 1462 йилда амалдорлардан Шайх Аҳмад билан Муиззиддин Хўжа порахўрликда айбланиб, қаттиқ жазога тортилгани ҳақида маълумот келтирилади [7:179].

Азамат Зиёнинг “Ўзбек давлатчилиги тарихи” номли монографиясида ҳам Султон Абу Саид Мирзо Самарқандда ҳокимиятни Абулхайрхон ёрдамида қўлга киритганлигини, Абу Саид Мирзо гуёки Мовароуннахр, Хуросон ва Эронни бир марказ остида бирлаштиришга эришгандек туюлса-да, алал-оқибат мамлакат унинг вафотидан кейин икки қисмга бўлиниб кетди, дея таъкидлайди. Шунингдек, Азамат Зиё ўз асарида “... Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши мамлакатдаги сиёсий бошбошлик ва ички низоларга чек қўйган бўлса, унинг номи билан боғлиқ сулола тақдирини оқибатда шу ҳол – ўзаро чиқишмовчилик ва тарқоқлик ҳал этди”, дея хулоса қилади [8:169-170].

“История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов” номли монографияда Амир Темур ва Темурийлар даври сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти ёритилган. Китобнинг Мовароуннахр XV аср иккинчи ярмидаги сиёсий аҳволи ҳамда Темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволнинг мустаҳкамланишида

диннинг ўрни хусусидаги маълумотлар тадқиқ этилаётган мавзу билан бевосита боғлиқдир. Мазкур монографияда ҳам Абу Саид Мирзонинг 1451 йилдан бошлаб Мовароуннахр тахтига чиқиши, Темурийлар давлатини бирлаштириш йўлидаги ҳаракатлари ҳамда 1469 йилгача бўлган ҳукмронлик йилларидаги асосий сиёсий воқеалар баён қилинган [9:86-89, 449-454]. Китобда “Мирзо Улуғбек даврида таълим тарбия олган инсон сифатида Абу Саид ҳам илм-фан ва санъат ҳомийси бўлган. Унинг номидан зарб қилинган тангаларда, худди Мирзо Улуғбек тангалари сингари Амир Темур тамғаси ҳамда “Кўрагон” унвони босилган” дея таъкидланади [9:87].

О. Бўриевнинг “Темурийлар ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси” номли монографиясида асосий мавзу сифатида Марказий Осиёнинг XIV – XV асрлардаги тарихий географияси тадқиқ этилган. Лекин монографияда давр нуқтаи назаридан Абу Саид ҳукмронлик йилларининг манбаларда ёритилиши, унинг сиёсий ва ҳарбий фаолияти, Темурийлар давлатининг Абу Саид ҳукмронлик йилларидаги маъмурий-худудий тузилиши ҳамда этник аҳволи хусусида маълумотлар берилган. Шу билан бир қаторда мазкур асарда Абу Саид ва унинг ўғли Улуғбек Мирзо Кобулий (Кобул шаҳрида) давридаги ободончилик ишлари ҳақида тўхталиб ўтилган [10:295].

Абу Саид Мирзо тарихига бағишланган рисола нашр қилинган бўлиб, унда мирзонинг илк сиёсат саҳнасига чиқиши, Самарқанд ва Ҳирот тахти учун олиб борган курашлари, ўзбеклар ҳукмдори Абулхайрхон ва Мўғулистон, оққўйинли ва қорақўйинли туркманлар билан олиб борган сиёсий ва дипломатик муносабатлари хусусида маълумотлар берилган [11:46]. Рисолада Султон Абу Саид Мирзо Темурийлар ичида Шохрух Мирзодан кейинги даврда салтанат худудларини бирлаштирган сўнгги ҳукмдор ҳисобланади, у ўзининг 18 йиллик фаолияти давомида мамлакатда тартиб ва адолат ўрнатишга ҳаракат қилган бўлса-да, лекин Ғарбий Эронга нисбатан тутган сиёсати унга муваффақият олиб келмади, дея таъкидланади [11:43].

Султон Абу Саид Мирзонинг Ғарбий Эрон ва Озарбайжонга юриш қилиш олдидан 1468 йилда Оққўйинли туркманлар ҳукмдори Узун Ҳасанга йўллаган мактуби бугунги кунгача сақланган келган бўлиб, ушбу туркий битик борасида ҳам махсус тадқиқотлар олиб борилган [12:10-18].

Юқорида келтирилган адабиётлардан ташқари Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидаги мақолада Абу Саид ҳукмронлик йилларида Мовароуннахр ва Хуросонда хунармандчилик, савдо-сотик ривожланган, қўшни мамлакатлар билан элчилик муносабатлар яхши йўлга қўйилгани, Ҳирот шаҳрида сарой, камончилар машқгоҳи, кўприклар, кўшклар, шаҳар дарвозалари курдиргани, ариқ ва ҳовузлар қазитиб, боғ-роғлар бунёд эттиргани хусусида ҳам маълумот берилган [13:53].

Б.Ф. Манзнинг Темурийлар давлатига оид йирик тадқиқотида асосий эътибор Шохрух Мирзо ҳукмронлик йилларига қаратилган бўлса-да, Шохрухнинг вафотидан юзага келган Темурийзодалар ўртасидаги ички курашлар, XV аср иккинчи ярмида Темурийлар давлатининг сиёсий ҳолати ҳамда Абу Саиднинг 1451 йилда Мовароуннахр ҳокимият тепасига келишида сиёсий ва ижтимоий омиллар хусусида тўхталиб ўтади [14:296]. Шунингдек хорижий тадқиқотчилардан Ж.Вудс [15:35], Дж. Локхарт [16:113], М.С.Сиддикий [17:206] ва бошқаларнинг асарларидан ҳам кўплаб маълумотлар олиш мумкин.

Жамшид Наврузи ва Вирия Азизийнинг Темурийлар салтанатининг ташқи алоқаларига бағишланган мақоласида Абу Саиднинг ҳукмронлик йиллари ҳамда Амир Темур давридан бошлаб темурийларнинг Қорақўйинли ва Оққўйинли туркманлар билан олиб борган алоқалари хусусида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, мақолада Султон Абу Саид ва Қорақўйинли давлати ҳукмдори Жаҳоншоҳ билан муносабатлар тарихи, улар ўртасидаги Хуросон учун кураш (1457), икки ўртада сулҳ тузилиши (1459) қисқача бўлса-да, очиб берилган. Бу сулҳга кўра Ғарбий Эрон худуди Жаҳоншоҳ қўлига ўтади, Хуросон Султон Абу Саид ҳокимияти остида қолади. Мақолада Султон Абу Саид ҳукмронлик даврида Темурийлар салтанати тахтига жуда кўплаб даъвогарлар бўлса-да, бу курашларда

Абу Саид ғолиб келиб, у 18 йил мобайнида Туркистон, Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Хуросондан иборат йирик давлатга ҳукмронлик қилди ҳамда пойтахтни Ҳиротга кўчирди, деб таъкидланади [18:1195-1202].

Темурийлар сулоласи тарихининг йирик турк тадқиқотчиларидан бири Ҳайрунниса Алан бўлиб, унинг докторлик диссертацияси “Султон Абу Саид даврида (1451-1469) Темурийлар тарихи”га бағишланган бўлиб, тадқиқотда ушбу давр тарихий манбалар ва илмий адабиётлар орқали батафсил очиб берилган [19:184]. Аввало тадқиқотчи олима бу даврни ёритиш учун давр манбаларига таянганлигини кўришимиз мумкин. Бу давр манбаларига Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Абу Бакр Тихранининг “Китоби Диёрбакриййа”, Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Мирхонд “Равзат ус-сафо”, Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”, “Дастур ул-вузаро”, “Хулосат ул-ахбор”, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”, Ҳасанбек Румлу “Аҳсон ут-таворих”, Маъсуд Кўхистоний “Тарихи Абулхайрхоний”, Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкираи шуаро”, Ҳусайн бин Али “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”, Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” ва “Муиззъ ул-ансоб” кабилар киритилган. Султон Абу Саид Мирзо ҳақида хулоса қиларкан, Ҳ.Алан унинг 1458 йилда малаткатни бирлаштирганига қарамай, умрининг сўнгига қадар Темурийлар салтанатини олдинги сарҳадларини тиклашга ҳаракат қилди, бунинг учун аввало, Алоуддавла, Иброҳим Султон, Санжар Мирзо ва Ҳусайн Мирзолар билан курашишига тўғри келди. Кейинчалик эса, Оққўйинлар билан мамлакатнинг Ироқ ва Озарбайжон ҳудудларини қайта бўйсундиришга бўлган ҳаракатлари натижасиз тугади, деб таъкидлайдир [19:168-170].

Шунингдек, олиманинг бир қатор тадқиқотлари Темурийлар сулоласининг тарихини ўрганишга қаратилган бўлиб, улар орасида Абу Саид даврига оид алоҳида бўлимлар ҳам топилади [20:324].

Турк тарихчиси Й. Ўзтуна ўзининг Темурийлар сулоласи тарихига бағишланган асарида “... Абу Саид ибн Муҳаммад ибн Мироншоҳ ибн Темур, Темурнинг чевараси ва Бобуршоҳнинг бобосидир. У Темурийлардан чиққан энг буюк ҳукмдорлардан бири, Ҳиндистон Темурийлари (Бобурийлар – А.Ф.) нинг бобоси. Салтанат ҳудуди: бутун Эронни, Афғонистонни ва Мовароуннаҳрни ўз ичига қамраб олган. Султон Абу Саид Мирзо Султон Фотиҳ¹ билан замондош бўлиб, ҳокимият тепасига бир вақтда (1451 йил) чиқишган” дея маълумот беради [21:321].

Б.Б. Қарибаев ўз мақоласида XV аср ўрталарида Марказий Осиёда Темурийлар сулоласида юзага келган ички сиёсий ҳолатнинг барқарор эмаслиги, ҳокимият учун курашларнинг авж олиши, Мовароуннаҳр ва Мўғулистон ўртасидаги муносабатлар, ўз навбатида Қозоқ хонлигининг ташкил топиши учун қулай сиёсий вазиятни юзага келтирди, деб хулоса қилади [22].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Султон Абу Саид Мирзо Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ авлодидан бўлиб, ўз даврининг етук давлат арбоби, мохир саркардаси ва Амир Темурнинг буюк авлодларидан бири эди. К.Э.Босвортнинг фикрига кўра, Абу Саид Мирзо Усмонлилар султони “Маҳмуд (Меҳмет II) сингари ўз даврининг энг қудратли давлат раҳбари эди” [23:324]. Айнан унинг даврида амалда икки қисмга бўлиниб кетган Темурийлар давлати бирлаштирилиб, Султон Абу Саид бирлашган Темурийлар давлатининг сўнгги ҳукмдори сифатида тарихда қолди.

Юқорида келтирилган маълумотлар орқали Султон Абу Саид Мирзо ҳукмронлик йиллари тарихшунослиги масаласи турли тадқиқотларда турлича ёндашувни кўришимиз мумкин. Бир қатор тадқиқотчи олимлар Султон Абу Саид Мирзонинг давлатни марказлаштиришга бўлган ҳаракати ҳамда икки сарҳадга бўлинган Темурийлар давлатини бирлаштиришга эриша олган сўнгги сулола вакили сифатида эътироф этганлар. Султон Абу Саид Мирзо даври тарихини ёритишда ҳам маҳаллий ҳам хорижий адабиётларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда, тарихий манбаларга суяниб, ушбу давр тарихига ҳолисона баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

¹ Усмонлиларнинг 1451-1481 йиллардаги султони Маҳмуд II назарда тутилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В.В. Улугбек и его время // Соч. т. II, ч. 2. – М.: 1964. – С.69.
2. Якубовский А. Ю. Самарканд при Тимуре и Тимуридах. Очерк. – Л.: 1933. – 68 с.
3. Ахмедов Б. А. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра первой половины XV в. Из истории Улугбека. – Т.: ФАН, 1965. – С. 5-68.; Из политической истории Хорезма XV в. Известия АН УзССР. – 1960. – № 5.
4. Якубовский А. Ю. Государство Тимура. Мавераннахр и Хорасан при Тимуридах // История Узбекской ССР. Т.1. – Ташкент: 1967. – 707 с.
5. Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати (Тарихий очерк). – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – 160 б.
6. Амир Темур жаҳон тарихида / Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов, Г. Асанова, А. Ахмедов, Б. Ахмедов ва б.– Тошкент: “Шарқ”, 1996. – 336 б.
7. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 324 б.
8. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 368 б.
9. История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов / Отв. редакторы: Э.В. Ртвеладзе, Д.А.Алимова; АН РУз, Инс-т истории, Инс-т искусствознания. – Т.: Фан, 2017. – 568 с.
10. Бўриев О. Темурийлар ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2017. – 324 б.
11. Файзиев Т., Файзиев Х. Султон Абусайид Мирзо. – Тошкент: Zamin, 2022. – 46 б.
12. Содиқов Қ. Султон Абу Саид битиги / Темурийлар тарихига оид манбалар. – Тошкент: 2010. – Б. 10-18. Özyetgin A. M. Eski Türk Resmî Yazışma Geleneğine Dair: Timürlü Hükümdarı Ebû Sa'id Küregen'e Ait Uygur Harfli 1468 Tarihli Bir Bitik // In Turcology in Turkey. Selected Papers , Szeged: Studia Urola-Altaica, 2007, pp. 423-453.
13. Абу Саид (Султон Абу Саид Мирзо) // ЎЗМЭ. I жилд. – Т.: “ЎЗМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 53.
14. Manz B.F. Power, Politics and Religion in Timurid Iran. New York. Cambridge University Press, 2007. Pp. 313.
15. John E. Woods. The Timurid Dynasty. – Indiana University: Research Institute for Inner Asian Studies, 1990. p. 35.
16. P.Jackson, L. Lockhart. The Cambridge History of Iran. Vol. VI. – Cambridge University Press. p. 113.
17. M.Sh. Şiddiqī.The Ruling Dynasties of Central Asia. Area Study Centre (Central Asia), University of Peshawar. p. 206.
18. Norouzi J. Azizi W. Relationships between Timurid Empire and Qara Qoyunlu & Aq Qoyunlu Turkmens // Journal of Novel Applied Sciences. 2015. № 4 (11). pp. 1195-1202.
19. Hayrunnisa Alan. Sultan Ebu Said Dönemi Timurlu Tarihi (1451-1469) / Mimar Sinan Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Tarih Anabilim Dalı. – Istanbul: 1996. – 184 sayfa.
20. Hayrunnisa Alan. Mirza Sultan Ebu Said'in Saltanati / Bozkirdan Cennet bahçesine Timurlular (1360-1506). – Istanbul: Otuken: 2007. 324 s.
21. Тарихдан сабоқлар 2 / Бокиев А., Йўлдошева З. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2017. – Б. 321.
22. Карибаев Б.Б. Политическое положение Мавераннахра в середине XV века проблемы образования Казахского ханства. [Электронкй доступ к статье]: <http://dspace.nbu.gov.ua/handle/123456789/45858>
23. Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии / Пер. с англ. и примеч. П.А. Грязневича. – М.: 1971. – 324 с.

Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган

**XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДАГИ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚАТАҒОН
СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ ЖАБР КЎРГАН ҚАШҚАДАРЁЛИК ЎЗГА МИЛЛАТ
ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАҚДИРИ**

Суяров Н.Р. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада мустабид Совет ҳокимиятининг 1980 йилларда амалга оширган охирги қатағони, яъни "пахта иши" доирасида айбланган, Қашқадарё вилоятида истиқомат қилган ўзга миллат вакиллариининг тақдири ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: Совет ҳокимияти, қатагонлик, “Пахта иши”, тергов изолятори, Коммунистик партия, “қайта қуриш”, турғунлик, Т.Гдлян, Н.Иванов, пахта яккоҳокимлиги.

Аннотация. В этой статье речь идёт о судьбе представителей иных национальностей, проживавших на территории Кашкадарьинской области, обвинённых в рамках последних репрессий, проводимых тираническим режимом Советской власти в 1980-е годы, которые получили название "Хлопковое дело".

Ключевые слова: Советская власть, репрессии, «Хлопковое дело», СИЗО, Коммунистическая партия, «реконструкция», застой, Т.Гдлян, Н.Иванов, хлопковая диктатура.

Annotation. This article focuses on the fate of representatives of other nationalities living in the territory of the Kashkadarya region, accused as part of the last repressions carried out by the tyrannical regime of the Soviet government in the 1980s– "Cotton case".

Key words: Soviet power, repression, "Cotton case", detention center, Communist Party, "reconstruction", stagnation, T.Gdlyan, N.Ivanov, cotton dictatorship.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, Қашқадарё, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари катори абгор ҳолда келиб қолган эди. 1984 йил 23 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XVI Пленумида янграган чақириқлар ва ушбу чақириқлар ортидан келган “кадрлар тўдаси” вакиллари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият олиб бордилар. Уларнинг сони 400 дан ошиқ бўлиб, улар маҳаллий бошқарувчилар иродасизлиги туфайли ўзлари хоҳлаганча мамлакатга таъсир кўрсатар эдилар. Масаланинг иккинчи томони эса, ўзбек халқи уларни ўз яқинларидек қабул қилди, уларга ажратиш ёки яққалаш каби ишларни раво кўрмади.

Афсуски, 1983 йилнинг декабридан бошлаб дастлаб 12 кишидан иборат тергов гуруҳига СССР Бош прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича прокурори Телман Гдлян бошлиқ, Мурманск вилояти прокуратурасининг оддий ходими Николай Иванов ўринбосар бўлиб Ўзбекистонга келишади.

Уларнинг мақсади нафақат Ўзбекистон, балки бутун совет давлатида вужудга келган иқтисодий бухронни яъни қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, давлат мулкани талон-тарож қилиш каби жинойтлар урчиган вазият айбдорларини жазоланаётган қилиб кўрсатиш, омманинг асосий диққат марказини юзага келган муаммолардан чалғитиш, совет мафқурасини мустаҳкамлаш каби масалалардан иборат эди.

Т.Гдлян «Пахта иши»га раҳбарликни СССР Бош Прокурори ўринбосари, тергов бўлимининг бошлиғи, арманистонлик ҳамюрти Герман Каракозов орқали қўлга киритган эди.

Ўзбекистонда шу даврда биргина «Пахта иши» (бошқа ишлар ҳам бор эди) бўйича 22 мингга яқин киши ҳибсга олинган. Бу жараёнда Пахта тозалаш саноати вазири В.Усмонов отилди. Бухоро вилоят фирқа кўмитасининг собиқ биринчи котиби Каримов олий жазога ҳукм қилинди, аммо кейинчалик узоқ қамоқ жазоси билан алмаштирилди. Қашқадарё вилоят фирқа кўмитасининг собиқ биринчи котиби Р.Ғоипов, Ички ишлар вазири Эргашев, унинг ўринбосари Давидов, жумҳурият, вилоят, ноҳия даражасидаги яна бир неча раҳбар ходим ўз-ўзини ўлдирди. Жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида 442 нафар жамоа хўжалиги раиси, давлат хўжалиги директори, 94 нафар пахта заводи директори, 37 нафар фирқа ва шўро ходими бор эди. Ҳаммаси бўлиб 70 минг киши ҳибсга олинган¹.

Қашқадарёда “Пахта иши” доирасида қатағонга учраган бошқа миллат вакиллари ҳам жуда кўп эди. Улар хўжаликнинг турли соҳаларда ўзбек халқи билан самарали меҳнат олиб борар эдилар. Ана шундай кишилардан бири Шамилов Фанис Газимович 1946 йилда Андижон вилояти Шахрихон шаҳрида туғилган. Татар миллатига мансуб бўлган Ф.Шамилов 1984 йилнинг ўрталаридан, Ғузор тумани пахта тозалаш заводининг раҳбарлиги лавозимидан бўшагач, Яккабоғ пахта тозалаш заводида бош инженер лавозимида фаолият юритган. Ф.Шамилов ўз соҳасининг тажрибали мутахассисларидан

¹ <https://www.xabar.uz/uz/siyosat/qotil-qoli-qilich-soldi-mast> - «Қотил қўли қилич солди маст...» Яна ўша машғум «Пахта иши». - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, филология фанлари номзоди Олим Тошбоев мақоласи.

эди. Ғузур пахта тозалаш шахарчасида оиласи ва 2 нафар фарзанди билан биргаликда яшаган. Ва уни Яккабоғ пахта тозалаш заводининг директори Авлаев Муртоза иши доирасида хибсга олишади. Шу иш доирасида уни партия ташкилоти сафидан чиқаришади. Ф.Шамилов 1985 йилнинг 28 сентябр куни Яккабоғ Пахта заводида бош инженер лавозимида ишлаш жараёнида мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, завод директори М.Авлаев ва бошқалар билан тил бириктирган ҳолда ҳужжатларни сохталаштириб, талон-тароқликда яъни жами 424352 сўмни ўзлаштиришда айбланиб хибсга олинади.

1986 йил 10 сентябрида Қашқадарё вилояти Суди Жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясида Ф.Шамиловнинг ва шу иш доирасида хибсга олинганларнинг суд жараёни бўлиб ўтади. Ҳукмнинг баёнот қисмида Ф.Шамилов ушбу қонунбузилишлари ортидан моддий ва маънавий манфаатдор бўлмаганлиги, вазият қурбони бўлганлиги, ўзидан юқори лавозимдаги шахсларнинг ноқонуний топшириқларини бажарганлигини ҳисобга олиб, унга қўйилган 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳамда ЎзССР Жиноят кодексининг 42-моддаси қўлланилиб, белгиланган жазонинг енгилени оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш чораси қўлланилади.

Шунингдек, ҳукмнинг баёнот қисмида кўрсатилган асосларга кўра, ЎзССР Жиноят кодексининг 23/2 моддаси қўлланилиб, унга қўлланилган 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли равишда 3 йил мажбурий меҳнатга жалб этиш жазоси билан алмаштирилган¹. Кейинги суд протестларида ҳам ушбу жазо ўзгаришсиз қолдирилади. 1991 йилнинг 7 июнда ЎзССР Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг қарорига кўра, Ф.Шамиловнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли ушбу иш тугатилган.

Аметов Сервер Бадирович 1932 йилда Қрим вилояти Ялта туманида маҳаллий татар миллатига мансуб оилада туғилган бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга кўчирилган, у ва унинг оиласи хўжаликнинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилаётган эди. XX асрнинг 80-йиллардаги гдлярчи терговчилар томонидан амалга оширилаётган қатағон – “қама-қама”лардан у ҳам четда қолмади. С.Аметов Самарқандда “Агроишлабчиқариш” бирлашмасида ишлаб юрган пайтидаёқ “Меҳнат”, “Ҳурмат белгиси” каби орденлари, “Меҳнатда ўрнатқан бўлганлиги учун” медаллари билан мукофотланган эди.

1980 йилдан бошлаб 1984 йил декабригача Қашқадарё вилояти Баҳористон(Миришкор) тумани партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимида фаолият юритади. Прокурор айбномасида келтирилишича², Баҳористон партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимида фаолият юритган пайтида шон-шўҳрат орттириш мақсадида ўз мансабини қасддан суистеъмол қилиб, тумандаги С.Муродов номли 29-совхоз директори Абдурахмон Очилов, 35-совхоз директори Буриев Энвер, 25-совхоз директори Бобониёз Кўчқоров, 27-совхоз директори Амин Ризаев, 9а-совхоз директори Рифат Илёсов, С.Муродов номли пахта қабул қилиш пункти мудирини Ҳабибулло Раҳматов, шу пунктнинг 2-зона классификатори Жўра Арабов, Хамза номли пахта қабул қилиш пунктининг 2-зона классификатори Бердимурод Элмуродов, “Помук” пахта тайёрлаш пунктининг 2-зона классификатори Анор Маҳадов, “Баҳористон” пахта тайёрлаш 2-зона классификатори Сафар Равшанов ва бошқаларга топширилмаган пахтани топширди деб қўшиб ёзишга топшириқлар беришда, вилоят статистика бошқармасига сохта маълумотлар бердирган ва жуда катта миқдорда давлат манфаатларига зарар етказилишида ташкилотчилик қилиб шароит яратиб берганликда айбланади.

¹ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви. Авлаев Муртоза ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 118-173-томлар. – Б. 93-108.

³ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви. Авлаев Муртоза ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 118-288-томлар. – Б. 108-144.

² Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви. Авлаев Муртоза ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 288-томлар. – Б. 263-273. – Қашқадарё вилояти Прокуратураси тергов гуруҳининг терговчиси, адлия маслаҳатчиси, Х.Хуррамовнинг С.Аметов ва бошқаларнинг устидан 1986 йил 23 декабрь куни ёзилган айблов фикри.

Шунингдек, юқоридаги совхозлар учун қўшиб ёзилган пахталар учун Қарши пахта тозалаш заводи ҳисобидан шу совхозларнинг жорий ҳисоб-рақамига 5.475.212 сўм қонунсиз ўтказилиб, давлатга катта зарар етказиш айби ҳам қўйилади.

1986 йилнинг 2 июл куни Қашқадарё вилояти судида ушбу иш доирасида дастлабки суд жараёни бўлиб ўтади. Унга қўйилган айбловлар – ўз исботини топган деб ҳисобланади ҳамда 8 йилга озодликдан маҳкум қилинади, жазони умумий режимдаги ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўташи тайинланади. Тилхат олинди, очикда сакланишга рухсат берилди. Жазони ўтаб бўлгандан сўнг 2 йил муддатда раҳбарлик ишларида ишлаш таъқиқлаб қўйилади.

1987 йилнинг 15 октябр куни ЎзССР Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг мажлисида С.Аметов ҳамда ушбу иш бўйича унинг адвокати А.Содиқов билан биргаликда Қашқадарё вилояти суди томонидан чиқарилган юқоридаги ҳукм устидан келтирилган кассация шикоятини жиноий ишни кўриб чиқишади. Ушбу суд мажлиси ҳукмига кўра, 1986 йилнинг 2 июл куни Қашқадарё вилояти судининг С.Аметов ва бошқалар устидан чиқарилган ҳукм бекор қилинади ҳамда С.Аметовнинг иши бошқа таркибда кўриб чиқиш учун қайтариб юборилади – суд судланган С.Аметов ва унинг адвокати А.Содиқовларнинг кассация шикояти қисман қаноатлантиради. С.Аметовдан эҳтиёт чораси ўлароқ ҳеч қаерга кетмаслик ҳақида тилхат олинади.

1988 йилнинг 31 октябри куни Қашқадарё вилояти Жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси, ЎзССР Олий суди Жиноят ишлари бўйича коллегиясининг ажримига биноан С.Аметовнинг иши бошқа тартибда кўриб чиқади. Совет давлатидаги муҳим сана (“Улуг Октябр Революциясининг 70 йиллиги”) муносабати билан қабул қилинган амнистия фармонининг 6 моддаси б-банди билан (ўз вақтида самарали меҳнат қилганлиги ҳамда “Меҳнат”, “Ҳурмат белгиси” каби орденлари, “Меҳнатда ўрнатилган бўлганлиги учун” медаллари билан тақдирланганлиги учун жиноят иши тугатилади¹.

Мамлакатимизда Аметов Сервер Бадиорович каби ўз вақтида самарали меҳнат қилган ва ўз навбатида ноҳақ жазоланиб, қамалганлар, қийноқларга тортилган бошқа миллат вакиллари кўплаб топилади. Уларнинг аксарияти Мустақиллигимиз арафаси ва бошларида меҳнатлари инobatга олинди, соф номлари тикланиб, тўлиқ оқландилар.

Ана шундай меҳнаткаш ватандошимиз Мирза Гаджиев эди. Мирза Гаджиев 1929-йилда Доғистон АССР, Новалок тумани, Чор қишлоғига туғилган. Миллати Лезгин, оиласи 5 нафар фарзанди билан биргаликда Ульянов(ҳозирги Касби) туманининг маркази 34 уйда истиқомат қилган. Судлангунга қадар собиқ Ульянов тумани Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тарқатиш бирлашмаси(РаПо)да техник назоратчиси вазифасида фаолият юритган. Самарали меҳнатлари эвазига 1972 йилда “Меҳнат қизил байроғи” ордени, 1978 йилда эса “Октябр революцияси” ордени билан мукофотланган эди. М.Гаджиев иши 1984 йил 8 февралда Қашқадарё вилояти прокурори адлия бош маслаҳатчиси Б.Колонов Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 149-моддаси билан қўзғатилган.

М.Гаджиев номи билан номланган қўзғатилган жиноий иши 1984 йил 1 декабридан бошлаб жуда ката кўламда бошланади. Тергов гуруҳи ташкил этилиб, ушбу тергов гуруҳига Ўзбекистон Прокуратураси тергов гуруҳининг раҳбари М.Абдуллажонов бошлиқ, Андижон вилоят Хўжаобод тумани прокурор ёрдамчиси А.Маннонов, Қозоғистон ССР Жезказган вилояти прокуратурасининг бош терговчиси Б.Смогулов, Ўрта Осиё темир йўл милицияси бош терговчи Т.Хамитбоев кабилар аъзо сифатида фаолият киритилгандилар².

¹ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати архиви. Авлаев Муртоза ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 288-том. – Б. 310-420.

⁶ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати архиви. Гаджиев Мирза ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 129-том. – Б. 2-129.

² Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати архиви. Гаджиев Мирза ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 129 том. Ўзбекистон ССР Прокуратураси тергов гуруҳининг раҳбари М.Абдуллажоновнинг 1985 йил 15-июл кунги айблов фикри. – Б. 3.

М.Гаджиев 1979 йилнинг 1 январида “XXIV-партсъезд” хўжалиги негизида ташкил этилган 15 сонли хўжаликда фаолият юритган бўлиб, 1979 йилнинг ноябр ойидан бошлаб, 1984 йилнинг 5 декабригача хўжалик директори вазифасида фаолият юритган эди. Ушбу хўжаликнинг 4064 гектар ери мавжуд бўлган ҳамда асосий йўналиш пахтачиликка ихтисослашиб, ушбу соҳа бўйича 4 та бўлим ташкил этилади ҳамда жами эди.

1985 йил 18 декабр куни Қашқадарё вилояти Суди Жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясида очик суд мажлисида М.Гаджиев ва бошқалар иши доирасида суд мажлиси бўлиб ўтади. М.Гаджиев узил-кесил 11 йил озодликдан маҳрум қилинади. Белгиланган муддатни кучайтирилган меҳнат-ахлоқ тузатиш колониясида ўташ белгиланади. Мол-мулки мусодара қилинадиган бўлиб, жазони ўтаб бўлгандан кейин муайян мансабни эгаллаш ёки моддий жавобгарлик бўлган вазифада ишлаш ҳуқуқидан 3 йилга маҳрум қилинади¹.

1991 йилнинг 15 март санасида Ўзбекистон ССР Олий суди Президиуми Ўзбекистон Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.А.Полвонзоданинг келтирган протести бўйича М.Гаджиев ва бошқаларнинг жиноят ишини кўриб чиқадилар. Протестда ушбу жиноят иши бўйича М.Гаджиевдан ушбу жиноий ҳаракатларни ўзидан юқори лавозимдаги раҳбарларнинг ноқонуний топшириқларини бажарганлиги ҳисобига айбловларини олиб ташлаш сўралган эди. Протест қаноатлантирилиб, М.Гаджиев унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ётқизилади.

Ушбу иш доирасида сохта айблар билан қамалганларлар: 5 савхозининг собиқ директори М.Гаджиев қатори бошқа жабридийдаларни ҳам, хусусан, собиқ “Шакаржўй” пахта қабул қилиш пунктида 2-зона классификатор бўлиб ишлаган Юсуп Жўраев, 15 савхозининг собиқ бош бухгалтер, ушбу совхознинг собиқ кассири А.Қурбонов, собиқ пахта топширувчи Н.Қоржовов, собиқ 4-бўлим бошлиғи Б.Бозоров, ушбу совхозда жойлашган эски Толстой номидаги ўрта мактаб собиқ директори Х.Давронов, собиқ кассир Н.Қурбонов, ушбу совхозда жойлашган чорвачилик фермаси мудир А.Ортиқов ҳамда Уल्याнов туман пахта тозалаш заводи қошидаги пахта қабул қилиш пунктининг 2-зона классификатори Қодир Адилловлар иши Ўзбекистон ССР Олий суди Президиумининг 1991 йилнинг 20 декабр куни Ўзбекистон ССР Олий суди Президиуми қарори билан уларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун бутунлай ётқизилади.

1960 йилда Туркменистон Республикаси Чоржўй вилояти Хаджианбас туманида туғилган Жумаев Бўри Турақулович фаол меҳнатқашлардан эди. Туркман миллатига мансуб Б.Жумаев Нишон тумани пахта тозалаш заводида пайвандчи (электрик) ҳамда 2-зона классификатори лавозимларида ишлаб, шу туманнинг Нишон хўжалигида Ғ.Ғулум кўчасида оиласи билан яшаган ва 1988 йилнинг март ойида ҳибсга олинган.

Унга 1985 хўжалик йилида Нишон туман ҳудудида жойлашган Нишон пахта тозалаш ва қайта ишлаш заводида қарашли бўлган собиқ “Дўстлик” пахта қабул қилиш пунктида 2 зона классификатори бўлиб ишлаб келиб шу туманда жойлашган “СССРнинг 50 йиллиги” номли 2-сонли хўжалигида амалда етиштирилмаган ҳамда хўжаликнинг пахта далаларида умуман терилмаган ва пахта қабул қилиш пунктига топширилмаган 589 тонна пахтани қабул қилиб олмаган бўлсада, ўзининг хизмат вазифасидан фойдаланиб, қабул қилиб олганлиги ҳақида қалбаки ҳужжатлар ёзиб бериб, хизмат сохтакорлигида, ҳисоботларни бузиб кўрсатишда, давлат қонуни билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказганликда айбланади.

1988 йил 16 май куни Қашқадарё вилояти суди Жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясида ушбуни юзасидан суд жараёнлари бўлиб ўтади. Б.Жумаев Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 149-1, 149, 151, 155 моддалари қўлланилиб, узил-кесил 3 йилга

¹ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳай’ати архиви. Гаджиев Мирза ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 129-том. Қашқадарё вилояти Суди Жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг очик суд мажлиси ҳукми. – Б. 98.

⁹ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳай’ати архиви. Гаджиев Мирза ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 129-том. Ўзбекистон ССР Олий суди Президиуми қарори. – Б. 2-6.

озодликдан маҳрум қилиш, Ўзбекистон ССР Ж/Кодексининг 44-1¹ моддаси қўлланилиб ҳукм ижроси 2 йилга қисқартирилади.

Қолган ноҳақ қамалган юртдошларимизни номини оқлаш, Гдлян ва Ивановнинг тергов усуллари орқали айбдор қилинганларга нисбатан адолатни тиклаш борасидаги ишлар қаторида Ўзбекистон ССР Олий суди Президиуми Ўзбекистон Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.А.Полвонзоданинг келтирган протести ҳамда ушбу протестда келтирилган далиллар асосида 1991 йил 11 март куни Ўзбекистон Олий суди Президиумида Б.Жумаев ва ушбу иш бўйича қамалганларнинг иши қайтадан кўриб чиқилади. Олий суд Президиуми қарори билан Қашқадарё вилояти судининг 1988 йил 16 май куни Б.Жумаев устидан чиқарган ҳукми бекор қилиниб, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ётқизилади².

Аллаёров Мамаша 1926 йилда Баҳористон (ҳозирги Миришкор) туманининг Помук қишлоғида туғилган – миллати туркман. Оилали, 10 нафар фарзанди билан Помук қишлоғида яшаган. Қашқадарё вилояти Бўрдоқчилик (наслчилик) бирлашмасида бир неча йил давомида бош агроном лавозимида самарали меҳнат қилган ҳамда Совет давлатининг бир қанча орден ва медаллари билан тақдирланган ҳамда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор”, “Халқ маорифи аълочиси” каби фахрий унвонларга лойиқ топилган эди. Шунингдек, М.Аллаёров 2 марта Ўзбекистон Олий Советига, бир неча марта вилоят ва туман депутатлигига сайланган эди.

Шафқатсиз қатағон сиёсати ана шундай меҳнатқаш, халқ орасида улкан обрў-эътиборга эга бўлган инсонларни ҳам тухмат ва сохта айбловлар билан ўз домига тортган эди. М.Аллаёров 1976 йилнинг июн ойидан 1984 йилнинг апрел ойигача Қамаш туман партия комитетида биринчи котиб вазифасида ишлаган. Унга қўйилган айбловда, у юқоридаги Қамаш туман партия комитетида биринчи котиб лавозимида ишлаб келган даврда, хизмат мансабини ғараз мақсадларда тизимли равишда суиистеъмол қилиб, сохта шон-шухрат қозониш мақсадида тумандаги пахта етиштирувчи ва давлатга топширувчи хўжалик бошлиқларига пахта кўшиб ёзиш ҳақидаги қонунсиз кўргазма бериб, режа маълумотларини қасдан бузиш, катта миқдордаги пулларни ўзлаштириш ва талон-тарож этиш пора олиш-бериш каби жиноятларда айбланади.

М.Аллаёровнинг иши Қашқадарё вилояти суди Жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясида кўриб чиқилиб, 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади, ушбу жазо кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида ўташ белгилаб қўйилади. Мол-мулки мусодара қилинади.

1987 йилнинг 8 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Судининг Жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг очиқ суд мажлисида М.Аллаёров ва бошқаларнинг ҳимоячилари томонидан келтирилган кассация аризалари, ишда судланган М.Аллаёров қисми бўйича хусусий протести кўриб чиқилади. Келтирилган аризада М.Аллаёров ўзининг жиноятчи эмаслигини, суд иш материаллари чуқур текширилмай, гувоҳларнинг кўрсатмаларига эътибор бермасдан дастлабки тергов органининг қонунсиз тўпланган далилларига асосланганлиги ҳамда ўз айбига иқдор эмаслиги алоҳида таъкидланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Судининг Жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг ҳукми эълон қилинади: М.Аллаёров нисбатан аввалги ҳукм бекор қилиниб, унга тааллуқли бўлган айбловларни янги таркибда кўриб чиқиш учун

¹ <https://lex.uz/docs/-111453>

² Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви. Гаджиев Мирза ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 207 том. Қашқадарё вилояти суди Жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ҳукми. – Б. 1-10, Ўзбекистон ССР Олий суди Президиуми ҳал қилув қарори. – Б. 1-4.

¹² Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви. Аллаёров Мамаша ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 139-том. Қашқадарё вилояти прокурори бош терговчи С.Қаттабоевнинг 1986-йил 29-30 март куни ёзилган Айблаш фикри. – Б. 1-52.

Қашқадарё вилояти судига юборилади. М.Аллаёров устидан чиқарилган Қашқадарё вилояти суди ҳукмига келтирилган протест қаноатлантирилади¹.

1992 йилнинг 24 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Президиуми қарорига биноан юқоридаги Қашқадарё вилояти суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг М.Аллаёровга нисбатан ажримлари бекор қилинади. Унга пулларни ўзлаштирган деб қўйилган айбловлар етарли далиллар бўлмаганлиги учун ҳамда унга айбли деб қўйилган бошқа ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун ётқизилади².

Халилулина Фания Зияевна 1957 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Миллати татар. Баҳористон (ҳозирги Миришкор) туманининг 22 савхозда тракторчи бўлиб ишлаган. Шу савхоз марказида 4 нафар фарзанди билан биргаликда истиқомат қилган.

Суд ҳужжатларида келтирилишича³, 1982 йилда Ф.Халилулин 22 совхозининг 1 бўлимида бошлиқ лавозимида фаолият юритган даврида совхоз директори Рифат Илёсовнинг топшириқларига асосан ўзи раҳбарлик қилган савхознинг ҳисобига 100 тонна пахтани “Баҳористон” пахта қабул қилиш пункти 2-3 зона классифакатори Самад Равшанов орқали қўшиб ёзганлиги бўйича тергов олиб борилади. Ушбу иш муносабати билан 34 минг 23 сўм пулларни Самад Равшановга совхоз бош бухгалтери Р.Тошпўлатов, совхоз кассири Ғулом Қодиров, 1-бўлим бухгалтери Жабборовлар орқали олиб бориб берилганлиги аниқланади. Ф.Халилулина ва шу иш бўйича судланганларнинг аксарияти ушбу қонунбузилишлар ортидан келган пуллардан манфаатдор бўлмаган эди.

1986 йилнинг 15 октябр Қашқадарё вилояти Суди ҳукмига кўра, Ф.Халилулина Баҳористон туманининг 22 совхозидagi қонунбузилишларда бевосита иштирокчиси бўлсада, унга нисбатан жазо унинг ёшлиги, тажрибасизлиги, туман партия кўмитасининг собиқ раҳбарлари ва собиқ совхоз директорларининг ноқонуний топшириқларини бажарганлиги, ушбу ҳаракатлар натижасида ҳеч қандай моддий ёки маънавий манфаат кўрмаганлиги ҳисобга олиниб нисбатан енгилроқ жазо – 2 йил жамоат ишларига мажбурий меҳнатга жалб этилади.

Аслида эса Ф.Халилулин ҳам вазият қурбони бўлганлиги, бошқаларнинг топшириғини босим остида бажарганлиги аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1991 йил 4 январдаги қарорига мувофиқ Фания Халилулиннинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун тугатилган⁴.

Китоб тумани кузги-баҳорги кийимлар учун мўлжалланган тикувчилик фабрикасида уста-тикувчи лавозимида фаолият юритиб келган Умрияева Гўзал Исмоиловна ҳам 1980-йиллардаги катта микёсдаги тергов жараёнларига тортилди – катағончилик жабрига дучор бўлди. Умрияева Гўзал Исмоиловна - 1935 йилда Мордова АССР Резаевка тумани туғилган. Миллати татар. “Пахта иши” доирасида Коммунистик партия сафидан чиқарилади. Терговга тортилгунга қадар 1979-1985-йилларда Китоб тумани кузги-баҳорги кийимлар учун мўлжалланган тикувчилик фабрикасида катта уста, яъни бошлиқ вазифасида фаолият юритаётган эди.

Умрияева Гўзал номи билан очилган жиноят иши ҳужжатлар тўпламида маълум бўладики, тикувчилик комбинатида қарашли Китоб тумани К.Маркс номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган пахта титиш цехида бригада бошлиғи З.Алиқулова, ходимлар Р.Холова, К.Эшқувватова, А.Шарипова ва Н.Раҳмоновалар терговга тортилган

¹ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви. Аллаёров Мамаша ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 139 том. Аллаёров Мамаша ва унинг ҳимоячиси томонидан Қашқадарё вилояти суди ҳукмига келтирилган протести бўйича Ўзбекистон ССР Олий Судининг Жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг қарори. – Б. 210-229.

² Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви. Аллаёров Мамаша ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами. 115-том. – Б. 2-9.

³ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви – Тоҳиров Ибрагим ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами – 183 фонд, 3-рўйхат, 1-84-томлар. – Б. 1-232.

⁴ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви – Тоҳиров Ибрагим ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами – 183 фонд, 3-рўйхат, 39-84-томлар. – Б. 1-241.

хамда айби исботланмаганлиги, ушбу ташкиллаштирилган конунбузилишлардан бевосита манфаатдор бўлмаганликлари учун жавобгарликка тортилмаганлар.

Г.Умрияева Нишон Пахта тозалаш заводи собиқ директори Парда Худойбердиев, шу завод 2 зона классификатори О.Нажимов билан ўзаро келишиб, Нишон туманининг бир нечта совхоз директорларидан пахта ўрнида пул олишда айбланади.

Лекин Г.Умрияева ҳақиқат ва адолат учун қатъий курашади – ўзининг давлат мулкани ўзлаштирилмаганлигини, вазият қурбони бўлганлигини, яъни Пахта тозалаш заводи раҳбари Парда Худойбердиев ва туман, вилоят партия қўмитасининг топшириғи билан бажарганлигини исботлашга жуда кўп ҳаракат қилади. Унга адвокатлик қилган Х.Махмасобиров Ўзбекистон Олий Судига Қашқадарё вилоят Судига 1986 йил 10 июн куни чиқарилган қарор устидан 16955-рақамли ордер билан Кассация шикоятни билан мурожаат қилади.

Шу муносабат билан Г.Умрияева иши 1987 йилнинг 8 январ куни Ўзбекистон Олий Суди Жиноят ишлар бўйича Судлов коллегиясида кассация тартибида кўриб чиқилади. Ушбу суд қарори билан Г.Умрияева амнистия актига тушиб суд залидан озод қилинади.

Ушбу қатагон қурбонларидан бири – дастлаб, Яккабоғ пахта заводида оддий ишчи, бўлим бошлиғи, кейинчалик бош бухгалтер лавозимларида фаолият юритган З.Перипелесина эди. У ўз ишига бўлган муҳаббати ва самарали меҳнатлари эвазига “Меҳнат шухрати” ва “Меҳнат фахрийси” унвон – медаллари билан тақдирланган эди. З.Перипелесина устидан Яккабоғ пахта тозалаш заводи собиқ директори М.Авлаев, Яккабоғ туман партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби Сами Боқиевлар иши доирасида текшириш ва тергов жараёнлари бошланиб кетади.

1986 йилнинг 10 сентябр куни Қашқадарё вилоят Суди Жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг ҳукми билан З.Перипелесина жами 11 йил озодликдан маҳрум қилинади, ушбу жазони енгилени оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил 5 йил озодликдан маҳрум қилинади. Жазони ўтаб бўлгандан сўнг 2 йил давомида бош бухгалтерлик лавозимида фаолият юритиш тақиқланади. Мол мулки мусодара қилиниб, белгиланган 5 йиллик жазо – умумий меҳнат-ахлоқ тузатиш колониясида ўташ белгилаб кўйилади.

1989 йилнинг 11 август куни Қашқадарё вилояти Суди ҳукмига кўра, амнистия фармонида биноан жазодан озод этилади. Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1991 йилнинг 7 июндаги қарорига биноан З.Перипелесинанинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганли учун жиноят иши ётқизилади¹.

Биз юқорида мамлакатимиз тарихида энг қора кунлардан бўлган собиқ шўроларнинг жон талвасига тушган ва шу боисдан ичи бўш иқтисодий сиёсатини қутқариб қолиш мақсадида тўқиб чиқарган ва бутун Ўзбекистон халқи, шу жумладан бошқа миллат вакилларига қилган хунрезликларидан баъзиларигагина тўхтаб ўтдик. Аслида, иккинчи жаҳон уриши йилларида исботланган – рад этиб бўлмас ҳақиқат ўзбек халқининг миллий тотувлиги, бағрикенглигига Гдлян ва Иванов бошчилигидаги манфур ижрочилар хиёнат қилишди. 1930-йиллардаги қатагонларданда ортиқ маънавий зарба беришди – бутун бошли Ўзбек миллати ва Ўзбекистон халқига нисбатан собиқ мустамлака, балки бутун дунёда нотўғри тушунча пайдо бўлишига замин яратишди. Инсоният англаб етган буюқ қадрият – инсоннинг улуғ қадрият эканлиги, унинг номи, шаъни, номуси дунё яралгандан буён ҳар неъматдан нарсадан устун эканлигини инкор этмоқчи бўлишди.

Аммо, забардаст, улуғ тарих соҳиби бўлган Ўзбек миллати ва халқи қурбонликлар ва хўрликлар эвазига ушбу тарихий синовдан ҳам ўтиб олди. Улуғ неъмат – мустақиллик туфайли ушбу ишларга холис баҳо берилди. Ноҳақ айбланганлар номлари оқланди, бу билан инсоний шаъни ва кадр-қиммати тикланди.

¹ Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати архиви – М.Авлаев ва бошқалар жиноят иши бўйича ҳужжатлар тўплами – 183 фонд, 3-рўйхат, 1-173 томлар. – Б. 1-103.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

1. Қашқадарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳай'ати архиви манбалари.
2. Сурхондарё вилояти Суди, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳай'ати архиви манбалари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Қашқадарё филиалининг манбалари.
4. Равшанов П. Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986-1989 йиллар”. – 260 б.
5. Виктор Илюхин., “Қабоҳат ёхуд..(“Ўзбеклар иши” деган уйдирма хусусида)” китоби.
6. Шамсутдинов Р. ва бошқалар. Ватан тарихи. – 360 б.
 - a) 1. Интернет манбалари, хусусан:
 - b) <https://www.xabar.uz/uz/siyosat/qotil-qoli-qilich-soldi-mast> - “«Қотил қўли қилич солди маст...» Яна ўша маш’ум «Пахта иши»” . - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, филология фанлари номзоди Олим Тошбоев мақоласи.
 - c) <https://www.trt.net.tr/uzbek/madaniyat-va-san-at/2020/05/11/1234567890-1414831>
 - d) <https://daryo.uz/2018/05/04/ozbekistonlik-ziyolilar-telman-gdlyanni-javobgarlikka-tortishni-talab-qild>
 - e) <https://lex.uz/docs/-111453>
 - f) <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/safar-kattaboyev/>
 - g) <https://www.xabar.uz/uz/siyosat/shuhrat-barlos-gdlyan-jazolansa-tarixiy-adolat-tiklanadi>
 - h) <https://www.youtube.com/watch?v=7caIXBStyIg> – Пахта иши, хужжатли филм, 2020 йилнинг 27 декабр. Ушбу хужжатли филм 2016-йил октябр ойида тузилган Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди доирасида тайёрланган. Ушбу фондни ташкил этилганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-йил 25-январдаги ПҚ-2744-сонли қарорида тасдиқланган.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

Қувватова Н. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада архив хужжатлари ва илмий адабиётлар асосида қишлоқ хўжалигининг аҳволи ва муаммолари таҳлил қилинган, Ўзбекистон fronti ва аҳолисини озиқ-овқат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари очиб берилган, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ирригация иншоотлари қурилиши, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага ўзбек деҳқонларининг қўшган ҳиссаси ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат таъминоти, ирригация, қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, Ўзбекистон.*

Аннотация. В статье на основе архивных документов и научной литературы анализируется состояние и проблемы сельского хозяйства, раскрываются вопросы обеспечения фронта и населения Узбекистана продуктами питания и продовольственными товарами, а также строительство ирригационных сооружений в годы второй мировой войны, вклад узбекских деҳқанов в победу во второй мировой войне.

Ключевые слова: *сельское хозяйство, продовольственное обеспечение, ирригация, строительство, сельскохозяйственная продукция, Узбекистан.*

Аннотация. The article discloses the condition of agriculture in Uzbekistan during World War Two and the issues of providing the population and the front of with food supply and industrial based on archival documents and literature. Besides, there is analyzed the construction of irrigation facilities and deficiencies in this field.

Keywords: *agriculture, food supply, irrigation, construction, sugar bett, fruits, Uzbek farmers, Uzbekistan.*

Иккинчи жаҳон уруши СССР иқтисодиётининг барча соҳалари каби қишлоқ хўжалигига ҳам катта талофатлар келтирди. Саноатдан фарқли равишда, даладаги экинларни кўчириб кетишнинг имкони йўқ эди. Улар ёки душманга қолдирилиши, ёки йўқ қилиниши керак бўларди. Бу икки ҳолатда ҳам иқтисодиёт учун экинлар – озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқотилишини аниқларди. Қишлоқ хўжалигини саноатдан яна бир

фарқи унинг ҳудуд ва иқлимга боғлиқлиги эди. Масалан, Беларуссияда экиладиган маълум экин турини бошқа ҳудудда ҳар доим ҳам муваффақиятли етиштириб бўлмас эди.

Урушнинг дастлабки босқичида қишлоқ хўжалигидаги йўқотишларнинг оғирлигини маълум даражада Ўзбекистон каби фронт орти ҳудудлари қоплаши керак эди. Шунинг билан бирга, Ўзбекистон ўз аҳолисини озиқ-овқат ва фронтни зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (асосан, пахта ва ипак) билан таъминлаши зарур эди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги ходимлари машаққатли меҳнат қилдилар.

1941 йил 17 ноябрда қабул қилинган ВКП (б) МҚ ва СССР ХКСнинг кўшма қарорида янги мураккаб шароитларда қишлоқ хўжалиги олдига қўйиладиган асосий вазифалар белгилаб берилди. Қарорда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан фронтни таъминлашда дон, техника экинлари ва сабзавотлар ҳосилини кўпайтиришда Урал, Сибир, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг алоҳида аҳамияти кўрсатилди¹.

Қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш жуда қийин эди. Бир томондан, қишлоқ хўжалигига тегишли техника ва ишчи кучи бошқа халқ хўжалиги тармоқлари ва фронтга жалб қилиниши оқибатида вазият мураккаблашганди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маълум даражада “иккинчи даражали” тармоқ деб қаралиши натижасида соҳага ажратиладиган умумий маблағ миқдори камайганди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кескин вазият юзага келди. Бундай шароитда Ўзбекистонда асосий техник ва сабзавот-полиэ экинлари ялпи ҳосили тушиб кетиши муаммосини икки йўл билан ҳал этса бўларди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳосилини кўтариш учун экстенсив йўлдан бориб, экин майдонларини кенгайтириш ёки интенсив усулни қўллаб ҳосилдорликни ошириш керак эди. Мавжуд вазиятда экстенсив усулдан фойдаланиш учун имкониятлар кенгрок эди. Чунки СССРнинг шарқий ҳудудларида (Ўрта Осиё, Қозоғистон, Сибир) янги ерларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар бор эди.

Иккинчи йўлга келсак, интенсив усулда мавжуд ер майдонларида ҳосилдорликни кўтариш учун ишчи кучи, техника, кимёвий ўғитлар, маблағ, сифатли уруғлар етишмас ва бу йўлда самарага эришиш узоқ вақтни талаб этарди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини кўтаришда экстенсив йўлдан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам СССР қишлоқ хўжалигини кенгайтиришда экстенсив йўл ҳукмрон бўлиб келди. Буни қишлоқ хўжалигининг моддий ва техник қолоқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистонда ирригация қувватларини ошириш ва шу асосда экин майдонларини кенгайтиришни таъминлаш муҳим вазифага айланди. Суғориш иншоотларини қуришда техника, ишчи кучи ва қурилиш-муҳандислик ашёлари кескин етишмасди. Бундай қурилишлар оғир шароитларда, содда меҳнат шароитларида аҳоли меҳнат кучи билан амалга оширилди.

Бундай қийинчиликларга қарамасдан, уруш йилларида Ўзбекистонда йирик суғориш иншоотлари Шимолий Тошкент (Тошкент вилояти), Чуст ва Юқори Учқўрғон (Наманган вилояти), Сўх-Шоҳимардон (Фарғона вилояти), Косонсой (Наманган вилояти) сув омборлари, умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган Фарҳод ГЭС қурилиши, эскидан фойдаланиб келинаётган Ҳазорбоғ, Овгир, Хайрибод, Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Охунбобоев номли ариқлар қайта таъмирланди².

Ўзбекистон суғориш иншоотларини қурилишида ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Янги ерлар ўзлаштирилаётган бир пайтда, фойдаланиб келинаётган ерлар қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқа бошлади. Янги ўзлаштирилган ҳудудларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши ва давлат томонидан ажратиладиган маблағнинг камайиши натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетди.

Мавжуд суғориш тизимини таъмирлаш ишларига республика бюджетидан маблағ ажратилиши йил сайин камайиб бориб, бу мақсадларга 1941 йили 49 900 000 рубл ва

¹ История Великой Отечественной войны Советского Союза 1941-1945 гг. Москва.1961. – С.168.

² Насриддинов К. Ўзбекистон 1941-1945 йил уруш йиллари даврида ирригация ва мелиорация ишлари // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси. – Тошкент, 1996. – Б. 174.

кейинги 1942 йили эса 43 900 000 рубл сарфланди¹. Қўриқ ерларни охиригача ўзлаштирмаслик, мутахассис ва ишчи кучининг етишмаслиги ҳамда “ўзлаштирилган гектар”лар ортидан қувиш Ўзбекистон ер ва сув имкониятларидан самарасиз фойдаланишга сабаб бўлди. Натижада, оғир меҳнат ва кўплаб маблағ сарфланишига қарамай, қўлга киритилган ютуқлардан тўлиқ фойдаланиш имкони бўлмади.

Юқорида иккинчи жаҳон уруши йилларида ғарбий ерларнинг душман томонидан босиб олингани туфайли маълум экин турларининг етиштирилиши кескин камайиб кетгани таъкидланган эди. Бундай кишлоқ хўжалик экинлари жумласига қанд лавлаги ҳам кирган. Ҳолбуки, урушгача СССР микёсида етиштириладиган қанд лавлагининг 87 фоизи Украина ССР ҳиссасига тўғри келарди².

Украинанинг тўлиқ босиб олиниши ва РСФСРда қанд лавлаги ялпи ҳосилнинг тўрт баробар камайиши шакар билан таъминот масаласини қийинлаштирди. Шакар озиқ-овқат саноати учун жуда зарур маҳсулот бўлгани сабабли, йўқотилган қанд лавлаги майдонларини шарқий ҳудудлар, жумладан, Ўзбекистонда тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

Республика деҳқонлари қанд лавлаги етиштиришни ўзлаштиришга катта эътибор берадилар. Ўзбекистон ҳудудида қанд лавлагининг экилиши асосан бошқа экинлар майдонларининг қисқартирилиши эвазига амалга оширилди. 1941 йил СССР ХКС ва ВКП (б) МҚнинг қўшма қарори асосида 1942 йили Ўзбекистонда қанд лавлаги учун 70 000 гектар ер майдони ажратиш мақсадида 52 400 гектар беда ва 22 600 гектар пахта майдони қасқартирилди³.

1943 йили ўзбек деҳқонлари давлатга 1 565 000 центнер қанд лавлаги топширдилар⁴. 1942 йили қанд лавлаги ҳосилдорлиги гектаридан 162 центнерга ва 1944 йилда эса гектаридан 260 центнерга тенг бўлди⁵. Ўзбекистон бутун СССРда етиштирилган қанд лавлагининг чорак қисмини ишлаб чиқара бошлади. Бу эса, фақат республикадаги қанд ишлаб чиқариш корхоналаринигина эмас, балки бошқа республикаларни ҳам қанд лавлаги билан таъминлаш имконини берди.

1944 йили қанд лавлаги экиладиган ҳудудлар озод этилиши билан Ўзбекистонда ушбу экин учун ажратиладиган ер майдонлари қисқартирилди. Шу йили республика таркибидаги тўрт вилоятда, жумладан, Тошкент вилоятида 5 900 гектар, Фарғона вилоятида 14 300 гектар, Самарқанд вилоятида 18 800 гектар ва Қашқадарё вилоятида 1 000 гектар ер майдони қанд лавлаги учун ажратилган эди⁶.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Ўзбекистондаги қанд корхоналари маҳсулотлари маҳаллий аҳолига деярли сотилмаган. Одатда, республика аҳолиси шакар эмас, қайта ишланмаган қанд лавлаги билан таъминланган. Республика йиғиштириб, олинган қанд лавлагининг барчаси ҳам корхоналарда қайта ишланмасдан, унинг маълум миқдори қайта ишланмаган ҳолатда аҳоли истеъмоли учун ажратиларди. Масалан, 1943 йилнинг ўзида 20 700 тонна қанд лавлаги республика ташкилотлари ҳамда Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро вилояти аҳолиси ўртасида тақсимланган⁷. Шунингдек, 1943 йил ҳосили ҳисобидан Тошкент шаҳридаги жамоат ошхоналари учун кунига 30 вагон қанд лавлаги юборилгани маълум⁸.

1943 йилдан СССРнинг ғарбий ҳудудлари озод қилиниши бошланди. Ўша ҳудудларда ишлаб чиқариш ва кишлоқ хўжалиги вайрон этилган эди. Ўзбекистон ушбу ҳудудлардаги иқтисодий инфратузилмани, ишлаб чиқариш ва кишлоқ хўжалигини

¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3318-йиғма жилд, 16-варақ.

² Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. – Москва, 1990. – С. 96.

³ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787-рўйхат, 3318-йиғма жилд, 265-варақ.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 447.

⁵ Тилекулов С. Социалистические преобразования орошаемого земледелия Узбекистана. – Ташкент, 1981. – С. 143.

⁶ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4163-йиғма жилд, 122-варақ.

⁷ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғма жилд, 66-варақ.

⁸ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғма жилд, 6-орқа варақ.

тиклашда ёрдам кўрсатди. Масалан, 1943 йили Россиянинг Краснодар ўлкасида қоракўлчиликни тиклаш мақсадида Ўзбекистондан 150 бош зотли қоракўл қўй юборилди¹.

1943 йил 17 сентябрдан 17 октябргача эса Ўзбекистондан Украинанинг озод этилган худудларига 3 636,7 центнер дон, 1075 бош йирик қорамол, 7 989 бош қўй ва эчки, 295 центнер сабзавот, 1 975 центнер қуритилган мева, 34,5 центнер гўшт ва ёғ ҳамда 1 018,5 центнер бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди². Умумий ҳисоб китобларга кўра, Ўзбекистондан Украинага жами 200 000 бош чорва юборилди³. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, шу йилларда Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги чорвачиликка эмас, асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган эди.

Уруш йилларида кишлоқ хўжалигининг муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тармоқларидан бири чорвачилик ҳолати ҳам кескин ёмонлашди. Ўзбекистон чорвачилиги XX асрнинг 30-йилларида қолхозлаштириш ва қулоқлаштириш туфайли анча зарар кўрган эди. Уруш бошланиши туфайли аҳвол янада қийинлашади. Юзага келган мураккаб шароитларга қарамадан, 1941 йили Ўзбекистонда давлатга гўшт топишириш режаси 108,3 фоизга бажарилади⁴.

Ўзбекистон чорвачилиги армияни гўшт билан таъминлашда барча имкониятларни ишга солди. Ем-хашак ва озуқанинг етарли эмаслиги ҳолатида чорва моллари вазнда ортда қолиб кетдилар. 1942 йили республика бўйича гўштга топширган 45 фоиз чорва моллари етарли вазнга эга эмас эди⁵. Бу ҳолатдан яна икки муаммо келиб чиқарди. Яъни, етарли вазнга эга бўлмаган чорва моли гўшти сифатида қониқарсиз эди. Иккинчидан, давлат гўшт режасини (тонна ҳисобида) бажариш учун 80 000 чорва молини қўшимча топширишга тўғри келган. Режани бажариш учун гўштга бузоқли сигирлар ҳам топшириб юборилади⁶.

Шу билан 1941-1943 йилларда республикадан давлатга гўшт топшириш режасини бажариш учун икки имконият ва захираларни сарфлаб бўлинган эди. 1944 йили республика чорвачилиги тўлиқ инқироз ҳолатида эди. 1944 йилнинг биринчи чорагида давлатга мажбурий гўшт топшириш режаси Тошкент вилоятида 9,5 фоиз, Сурхондарё вилоятида 12,7 фоиз, Наманган вилоятида 16,1 фоиз, Фарғона вилоятида эса 18,6 фоизга бажарилди. Наманган, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ҳамда ҚҚАССРда Қизил Армия жамғармасига гўшт топшириш умуман барбод бўлган⁷.

Республика чорвачилигида муаммолар туфайли ҳар йили ўн минглаб чорва моллари ҳалок бўларди. 1942 йили Ўзбекистон қоракўлчилигида фавқулотда вазият юзага келди. Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг чорвачилик савхозларида ем-хашак етишмаслиги оқибатида кўплаб қўйлар нобуд бўлди. Масалан, Бухоро вилоятининг қоракўлчилик савхозларида қўйларнинг нобуд бўлиши ўртача 10-15 фоиздан ошиб кетганди. Жумладан, “Томди”, “Жангелди” совхозларида 500 тадан, “Чорвадор” ва “Муборак” совхозларининг ҳар бирида 2000 дан ортиқ чорва нобуд бўлган⁸.

Урушгача бўлган йилларда республика кишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиши қониқарсиз аҳволда эди. 1943 йилнинг биринчи ярмида республика МТСларининг эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Шу сабабли эҳтиёт қисмларининг етишмаслиги ва техник хизмат сифатининг пастлиги шароитида кишлоқ хўжалик техникаси ҳолати қониқарсиз даражага келади. Масалан, 1943 йили баҳорги чопиқ ишларига тайёр бўлмаган тракторлар сони Самарқанд вилоятида эса 28,7 фоизни ташкил этди⁹.

¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3740-йиғма жилд, 183-варақ.

² Советский тыл в Великой Отечественной войне. – Москва, 1987. – С. 329.

³ История советского крестьянства. Том. 3. – Москва, 1987. – С. 329.

⁴ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3012-йиғма жилд, 5-варақ.

⁵ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғма жилд, 153-варақ.

⁶ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғма жилд, 153-варақ.

⁷ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4163-йиғма жилд, 17-варақ.

⁸ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғма жилд, 210-варақ.

⁹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3774-йиғма жилд, 217-варақ.

Уруш йилларида бузилиб, эскириб яроқсиз ҳолатда келаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг ўрни асосан уй ҳайвонларидан фойдаланиш эвазига тўлдирилди. Мавжуд вазиятда бошқа йўл ҳам йўқ эди. 1944 йилнинг 1 январига қадар республика колхоз ва совхозларида меҳнатга яроқли уй ҳайвонлари сонини, хусусан, отларни 369100 тага, туяларни 38019 тага ва эшакларни 1190720 тагача етказиш режалаштирилди¹.

Республикада қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш даражаси секин-аста деярли йўққа чиқиб борган. Қишлоқ хўжалигида уй ҳайвонларидан фойдаланиш меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини пасайтирди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинган уй ҳайвонлари республика бўйича ем-хашак сарфини кўпайтириб, гўшт ва сут чорвачилиги билан озуқавий емлар учун рақобат қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги жиддий ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммолардан яна бири мутахассислар масаласи эди. Уруш йилларида қишлоқ меҳнатқашлари асосини аёллар, қариялар ва болалар ташкил этган. Уларнинг меҳнати туфайли янги ариқлар қазилди, фронт ва фронт орти озик-овқат, саноат эса хом ашё билан муттасил таъминланди. Қишлоқ хўжалик ишларига қисман шаҳар аҳолиси ва ҳашарчиларнинг жалб қилиниши муаммонинг енгиллашувига жиддий таъмир этмади.

Уруш йиллари деҳқонларнинг масъулияти ва фидокорона меҳнатига қарамасдан, уларга нисбатан мустабид тузумнинг ишончсизлик сиёсати ҳамон давом этаётган эди. Совет давлати колхоз қурилишининг бутун тарихи давомида колхоз ва совхозлар мулкани қўриқлашга алоҳида эътибор берди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳам бундан истисно бўлмади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қандай камчилик ва суистеъмолчилик учун жиноий жавобгарлик жорий этилганди.

Масалан, 1942 йил 24 октябрда Ўзбекистон ССР ҲҚСнинг 1421-қарори билан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг баъзи моддалари тўлдирилди. Унга кўра, қанд лавлагига ҳар қандай зарар етказиш, қанд лавлаги бўйича давлат давлат режасини бажаришга қарши тўсқинлик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат барча мол-мулк мусодара қилинган ҳолда, ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган бўлди².

Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет даври тарихшунослигида колхоз тизимининг иқтисодий устунлиги тўғрисидаги фикрлар кўплаб учрайди. Бу ҳақда 1945-1991 йилларда қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Уларнинг баъзиларида уруш йилларида қишлоқ хўжалигида ўсиш бўлгани ҳақида таъкидланади. Тадқиқотлар бундай фикрларда ҳеч қандай асос йўқлигини кўрсатмоқда. Юқорида берилган фикрлар ва далиллар уруш йилларида республика қишлоқ хўжалигида ҳеч қандай ўсиш бўлмагани ва умуман бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатиб беради.

Уруш давомида қишлоқ хўжалигидаги муаммолар йил сайин йиғилиб, вазият ёмонлашиб борди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги урушнинг дастлабки йилларида ички захиралар эвазига фронт ва аҳолининг юқори талабларини қондирди. Бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш даражаси, унинг тикланиш имкониятларидан ўзиб кетганди.

1943 йилдан бошлаб республика қишлоқ хўжалигининг қониқарсиз ҳолатини кўрсатиб берувчи турли белгилар кўрина бошлади. Улар сифатсиз бажарилган иш, ҳосилдорликнинг кескин пасайиши ва ржаларнинг барбод бўлишида кўрини бошлади. Масалан, 1943 йили республика бўйича кейинчи уч йил учун картошка уруғини тайёрлаш 33,2 фоизга, бухоро вилоятида эса 0,1 фоизга бажарилган, холос. Текширувлар натижасида мавжуд уруғликлар сифатсизлиги ва далалар кейинги йил учун деярли тайёрмаслиги аниқланган³. Бундай ҳолатлар йилдан-йилга қишлоқ хўжалигидаги аҳволнинг ёмонлашаётганлигини аниқлар эди.

¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3740-йиғма жилд, 47-варак.

² Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2289-йиғма жилд, 20-варак.

³ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғма жилд, 169-варак.

Уруш колхоз тизимидаги ишлаб чиқариш муносабатлари унумсизлигини яна бир бор кўрсатиб берган эди. Ҳатто, XX аср 30-40 йилларида СССР қишлоқ хўжалиги асосий кўрсаткичлар (ялпи ҳосил, ҳосилдорлик, иш унумдорлиги, чорва сони ва бошқалар) бўйича Россия империясининг биринчи жаҳон урушигача бўлган даражасигача етмаган. Колхозчилар қанча маҳсулот бера олишидан қатъий назар, давлат улардан ўзи учун керак нарсанинг ҳаммасини тортиб оларди. Фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудларда колхоз ва совхозларнинг сақлаб қолинганининг сабаби ҳам улар босиб олинган ҳудудлар қишлоқ хўжалигиниталашда колхоз ва совхоздан мақбулроқ тизимни ўйлаб тополмаганлари билан боғлиқдир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам қишлоқ хўжалигига иккинчи даражали соҳа сифатида қаралди. Республика қишлоқ хўжалигидаги мураккаб вазиятни қандайдир яхшилаш мақсадида 1944 йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 13 700 000 рубл узок муддатли ишлаб чиқариш қарзлари ажратилди. Ушбу миқдордан 4 500 000 рубл чорвачиликка, 300 000 рубл экин майдонларини қайта тиклашга, 1 000 000 рубл минерал ўғитлар сотиб олишга, 700 000 рубл томорқа хўжаликларига ҳамда шулардан ортган маблағ ижтимоий мақсадларга йўналтирилди¹.

Бу маблағ Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги жуда оғир вазиятни тўғрилаш учун етарли бўлмади. Қишлоқ хўжалигидан ресурсларнинг ҳаддан ташқари тортиб олиниши ва уларни қайта тиклашга эътиборнинг сустлиги 1944 йил охири ва 1945 йил бошларида республика қишлоқ хўжалигини чуқур инқироз ҳолатига тушириб қўйди.

Ўз қишлоқ хўжалигидаги техника ва мутахассислар етишмовчилиги шароитида ҳам Ўзбекистон озод этилган ҳудудларга ёрдам берди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий бўғини сифатида иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Қишлоқ хўжалиги фронтни озиқ-овқат, ҳарбий саноатни эса хом ашё билан таъминлашга мослаштирилди. Қишлоқ хўжалигининг техник ва моддий таъминоти ёмонлашди. Натижада, қишлоқ хўжалигида инқирозли вазиятлар пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалик экинларининг майдонлари қисқариб, ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик пасайиб кетди.

Республика қишлоқ хўжалигида юзага келган мураккаб вазиятга қарамай, Ўзбекистон барча имкониятларини фронт, саноат ва аҳоли таъминотига йўналтирди. Уруш йиллари мобайнида республика деҳқонлари давлатга 4 148 000 тонна пахта, 82 000 000 пуд ғалла, 54 067 тонна пилла, 195 000 тонна шоли, 57 444 тонна мева, 36 000 тонна қуритилган мева, 159 300 тонна гўшт, 22 300 тонна жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб бердилар².

Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалаба фақат курол-яроқ орқали эмас, озиқ-овқат, кийим-бош, дори-дармон сингари ҳар бир жангчи учун зарурлиги тенгсиз маҳсулот, ашёлар эвазига ҳам юз бергани борасида иккиланиш йўқ. Юқорида келтирилган ҳужжатли далиллар ва уларнинг илмий таҳлили эса, ғалабани таъминлашда ўзбек халқи, жумладан, деҳқонларининг фидокорона меҳнатлари улкан амалий аҳамият касб этганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. История Великой Отечественной войны Советского Союза 1941-1945 гг. Москва. 1961. – С. 168.
- Насриддинов К. Ўзбекистон 1941-1945 йил уруш йиллари даврида ирригация ва мелиорация ишлари // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси. – Тошкент, 1996. – Б. 174.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 447.
3. Тилекулов С. Социалистические преобразования орошаемого земледелия Узбекистана. – Ташкент, 1981. – С. 143.
4. Советский тыл в Великой Отечественной войне. – Москва, 1987. – С. 329.
5. История советского крестьянства. Том. 3. – Москва. 1987. – С. 329.

Наируза проф. О.Бўриев тавсия этган

¹ Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4163-йиғма жилд, 326-варак.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 450-бет.

ҚАДИМГИ ТУРОН АҲОЛИСИНING ЁЗМА МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ

Сагторов Н.А. (ТДПУ)

Аннотация. Ушбу мақола қадимги Турон аҳолиси, унинг халқ бўлиб шаклланишидаги этногенез босқичи масаласида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг тарихшунослигини очиқ беради.

Таянч сўзлар: *Бйейшида, Суйшуда, Ханшуда, “Авесто”, Окс ҳамда Яксарт, “номаълум ёзув”, “Тарихий хотиралар”*

Annotation. this article reveals the historiography of the scientific research conducted on the ethnogenesis stage of the population of ancient Turan, its formation as a nation.

Key words: Byeishi, Suishuda, Hanshu, "Avesta", Ox and Yaxart, "unknown writing", "Historical memories"

Аннотация. в данной статье раскрывается историография научных исследований, проведенных на этапе этногенеза населения древнего Турана, его формирования как нации.

Ключевые слова: *Беешида, Суйшуда, Ханшуда, «Авеста», Бык и Яхарт, «неизвестная письменность», «Исторические воспоминания».*

Кириш

Қадимги Турон аҳолиси ҳақида турли хил талқин ва тасаввурда жуда кўп мақолалар чоп этилган. Аммо, у ҳақида тўлақонли чуқур илмий тадқиқотлар, фундаментал асарлар кўп эмас. Шундай бўлсада ҳозирги вақтгача Қадимги Турон аҳолиси, шу жумладан ўзбек халқи этногенезига бағишлаб ёзилган китобларни тарихшунослик нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқадиган бўёқ, бу асарларда илмий адабиётлар таҳлили ҳар хиллигига гувоҳ бўламиз.

Таниқли элшунос олим К.Шониёзов ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихига бағишланган илмий адабиётларни уч гуруҳга бўлади: биринчи гуруҳга илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда яшаган халқлар ҳақидаги илк (дастлабки) маълумотлар Хитой воқеанависларининг асарларида, чунончи, “Шимолий (Хитой) хонадонларининг тарихи” Бйейшида (550—577); “Суй сулоласининг тарихи” — Суйшуда (581—618); “Хан сулоласининг тарихи” -Ханшуда (618—907); учрайди. Иккинчи гуруҳга ўрта асрларда араб, форс ва туркий тилларда ёзилган адабиётларни келтириб ўтади ва охириги учинчи гуруҳ адабиётларига тарихий, антропологик, археологик, нумизматик ва тилшуносликка оид янги даврда ёзилган асарларни киритади¹.

Асосий қисм

Академик А.Асқаров ўз асарларда ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақидаги барча тарихий манбалар ва илмий адабиётларни чуқур илмий тарзида таҳлил қилиб, масалага доир илмий адабиётларларни йеттита гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳга Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган “Авесто” ва унинг қисмлари киради. Иккинчи гуруҳ адабиётларга Аҳамонийлар даври қоятош битикларини киритади. Учинчи гуруҳ адабиётларига- юнон муаллифлари томонидан ёзиб қолдирилган тарихий асарларни киритади. Тўртинчи гуруҳ адабиётларига- Хитой тилида ёзилган манбалар киритади. Бешинчи гуруҳ адабиётларига - маҳаллий тиллардаги ёзма манбалар маълумотлариини киритади. Олтинчи гуруҳ адабиётларига- Чор Россияси ва Совет даврида яратилган археологик, антропологик, нумизматик, этнографик ва бошқа асарларни киритади. Йеттинчи гуруҳ адабиётларига-Ўзбекистонда истиқлол йилларида ўзбек халқи этногенези масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотчи олимлар томонидан яратилган асарларни киритади.

Академик А.Асқаров XX-XXI асрларда яратилган асарларни ёзилиш мақсади ва мазмуни жиҳатидан ҳам уч хил ёндашувли асарлар гуруҳига ажратиб таҳлил қилиб ўтади. Уларнинг биринчисида ўзбек этноси қадимдан шу заминда яшаб келган туркий қабила ва элатлардан таркиб топган. Бу заминнинг маҳаллий суғдий ва хоразмий, бохтарий ҳамда сак-массагет қабилалари ҳам қадимдан туркий тилда сўзлашувчи элатлар бўлган, деган

¹ Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001. – В. 33-46.

руҳиятда ёзилган асарлар. Иккинчиси, ўзбеклар бу заминга сўнгги ўрта асрларда кириб келган Шайбоний ўзбекларидан таркиб топган, деган мазмунда ёзилган асарлар. Учинчиси, XX асрнинг 40 йиллари бошларида академик А.Ю.Якубовский томонидан ишлаб чиқилган миллий автохтонизм концепсияси асосида ёзилган асарлардир¹.

Машхур этнограф олим Исо Жабборов ўз асаларида Ўрта Осиё халқлари этнографияси ва тарихига оид фойдаланган манбаларини 11 гуруҳларга бўлади². У бошқа олимлардан фарқлироқ фақатгина этногенезга оид маълумотларни олмасдан умумий этнографик ва этнологик маълумотларнинг барчасини ўз асарига киритганлиги учун унинг фойдаланган адабиётлар гуруҳи анча кўпроқ таснифланган. И.Жабборов фойдаланган асарларнинг биринчи гуруҳига Ўрта Осиё халқларининг энг қадимий аجدодлари ва уларнинг турар жойлари, урф-одат ва маросимлари тўғрисида ноёб маълумотларни бизгача етиб келган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ни киритади.

Иккинчи гуруҳ ёзма манбаларга Қадимги Шарқ мамлакатлари Эрон, Бобил, Оссурия ҳукмдорлари ўзларини улуғлаш мақсадида тошга биттирган зафарномаларни киритади.

Учинчи гуруҳ манбаларига қадимги Юнонистон ва Рим муаллифларининг асарларини киритади.

Тўртинчи гуруҳ манбаларига, Хитой сайёҳларининг эрамиздан аввалги II—I асрлардан бошлаб араб истилосигача Ўрта Осиё халқларига тегишли маълумотларни киритиш мумкин.

Бешинчи гуруҳ манбаларига IX—XII асрларда яшаган муаллифлардан машхур географ ва сайёҳлар Ибн Хурдодбек, ал-Балхий, ал-Истахрий, ибн Ҳавқал, Масъудийлар томонидан ўз саёҳатномаларида замондош элатлар тўғрисида нисбатан бой маълумотлар ёзиб қолдирган асарлари киради.

Олтинчи гуруҳ манбаларга Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари — ажойиб энциклопедист олимлар Муҳаммад ал-Хоразмий, файласуф ва мусиқашунос Абу Наср Форобий, улуғ энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний ва буюк табиб Абу Али ибн Сино, географ ва тарихчи ал-Фарғоний, Абу Саъд Абдул Карим, Ибн Муҳаммад Саъмоний қабиларнинг асарларида ўзбеклар ва бошқа Ўрта Осиёлик халқларнинг бевосита аجدодлари, уларнинг маиший турмуши ва маданиятининг айрим томонлари таърифланган.

Еттинчи гуруҳ манбаларига Туркий халқлар, шу жумладан ўзбеклар этнографияси ва этник тарихини ўрганишда XII—XIV асрларда яшаган маҳаллий муаллифларидан Маҳмуд Кошғарий, тарихчи Рашидиддин, тарихчи ва географ Фахриддин Абу Сулаймон Банокатий қабилар томонидан ёзилган асарни киритади.

Саккизинчи гуруҳ манбаларига Амир Темур ва унинг ворислари ҳукмронлик қилган даврда Ўрта Осиё яшаган ва сарой тарихчиси бўлиб темурийларга хизмат қилган Ҳофиз Абрў, Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳусайн Қубравий, Али Қушчи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Хондамир, Маҳмуд Ҳайдар, Муҳаммад Солих, Биноий, Бобурнинг тўнғич қизи Гулбаданбегим ва бошқаларнинг асарларида Ўрта Осиё халқлари этногенези ва этник тарихи ҳақида қатор маълумотларни учратиш мумкин.

Тўққизинчи гуруҳ манбаларига уч хонлик даврида ижод этган тарихчи ва ўлкашунос Ҳофиз Таниш Бухорий, Маъсуд ибн Қўхистоний, Камолиддин Биноий, Абулхайр Файзулла Рузбехон, Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Баёний каби тарихчи олимларнинг асарлари киради. Ўнинчи гуруҳ адабиётларига Чор Россияси даврида Ўрта Осиёга келган олимлари, сайёҳлари, элчилари Александр Бекович-Черкасский, Иван Бухгольц, Флорио Беневени, Дмитрий Гладйшев, Иван Муравин, Данил Рукавкин, унтер офицер Филипп Ефремов, кўз доктори маёр Бланкеннагел, географ Н.К.Кириллов, Н.Н.Муравёв, А.Ф.Негри, Н.В.Хаников, Г.И.Данилевский, Э.А.Еверсман, Х.Пандер, П.Яковлев, Будрин, полковник Г.Мейендорф, А.И.Левшин, П.П.Семёнов, И.В.Мушкетов, Николай Хаников, А.Вамбери сингари чет эллик олим, офитсер, савдогар, саёҳатчилар

¹ Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т., 2015. – Б. 41.

² Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи. – Б. 21-52.

томонидан яратилган тарихий асарларда ҳам баъзи муҳим этнографик лавҳалар келтирилган.

Натижалар ва муҳокамалар

1917 йилда бўлиб ўтган инкилобдан кейин яратилган асарлар ўн биринчи гуруҳ асарлари сирасига киради. Этнографлар Н.Г.Маллиский, М.С.Андреев, А.А.Семёнов, А.А.Диваев, Н.С.Ликошин, Я.Ф.Фуломов, Р.Н.Набиев, Б.В.Андрианов, Я.Р.Винников, Т.А.Жданко, С.К.Камолов, К.Шониёзов, А.Аскарлов, Р.Қўсбергенов, Ш.И.Иноғомов, Б.А.Аҳмедов, Р.Г.Муқминова, Б.Х.Кармишева, Т.К.Хўжаевлар сингари олимларнинг асарларини киритиб ўтади.

Россиялик олим Сергей Абашин ўз диссертациясида Ўрта Осиё халқлари этногенези ва этник тарихи мавзусида ёзган маълумотларини асосий уч гуруҳга бўлади¹: Биринчи гуруҳ адабиётларига- Чор Россияси даврида изланишлар олиб борган тадқиқотчилари- Н.А. Аристов, Махмудхўжа Бехбудий, В.В. Бартолд, А. Богданов, А.В. Буняковский, В.В. Веляминов-Зернов, М.В. Гаврилов, И.И.Гейер, А.Д. Гребенкина, Ф. Ефремов, И.И. Зарубин, Д. Иванов, Л.Ф. Костенко, П.Е. Кузнецова, А. Кун, А.Ф. Миддендорф, Н.Н. Муравёв, В.П. Наливкин, Н.П. Остроумов, А.П. Федченко, Н.А. Хаников, Ю.Д. Южаков, И.Л. Яворский ва бошқалар, Иккинчи гуруҳ манбаларига совет тарихчилари ва этнографларининг асарлари - Ю.Е. Брежел, М.Г. Ваҳобов, В.Р. Винников, С.С. Губаев, Т.А. Жданко, В.Ю.Зоҳидов, Ш.И.Иноғомов, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, А.А.Аскарлов, К.К.Шониёзов, ва бошқалар, ниҳоят, учинчи гуруҳ адабиётларига XX асрнинг сўнгги икки ўн йиллиги ва XXI аср бошларида ёзилган муаллифларнинг асарлари - Д.А. Алимова, А. Амин, З.Х. Арифонов, А. Аскарлов, О.М. Бронников, И. Жабборов, А. Илҳомов, Ш. Камолиддин, А.Қойчиев, Р.Масов, А.Мирбабобоев, Х.Раҳматиллаева, П.Д.Шозимова ва бошқалар.

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи тарихшунослиги мавзусида изланиш олиб борган тадқиқотчи Д.Ф.Ҳошимова “Ватан тарихшунослигида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг ўрганилиши (XIX аср ўрталари—XX аср)” диссертациясида у ҳам фойдаланган илмий адабиётларини 3 асосий гуруҳга бўлади²: Биринчи гуруҳ адабиётларга- XIX аср давомида чоп этилган рус муаллифларининг Ўрта Осиёга бағишланган асарлари киради. Шундай муаллифларга А.Ф.Миддендорф, Н.В.Хаников, Н.П.Остраумов, Э.К.Мейндорф сингари олимлар томонидан ёзилган эсдаликлар, мақолалар ва илмий адабиётларни киритади.

Иккинчи гуруҳ адабиётларга XX асрнинг бошларидан то 50-йилларгача яратилган илмий адабиётлар, биринчи навбатда, машхур шарқшунос олим, академик В.В.Бартолд, С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский, Н.Вернштам, Л.В.Ошанин, Л.Н. Гумилёв каби олимларнинг асарлари киритади.

Учинчи гуруҳ адабиётларга XX асрнинг 50-90 йилларда илмий фаолият кўрсатган олимларнинг тадқиқотларини киритади. Бу давр тадқиқотчиларига Я.Ф. Фуломов, К. Шониёзов, А. Аскарлов, Б.А. Аҳмедов, И. Жабборов кабиларнинг илмий асарларини киритади.

Этнолог А. Аширов томонидан 2013 йилда чоп этилган “Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид нашрлар ҳақида баъзи мулоҳазалар” мақоласида умуман ўтган йилар давомида бажарилган тадқиқот ишларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиган³:

Биринчи гуруҳ адабиётларга -Тарихий йўналишда бажарилган академик тадқиқотлар;

Иккинчи гуруҳ адабиётларга бадиий услубда ёзилган асарлар ва нашрлар;

Учинчи гуруҳ адабиётларга хорижий муаллифларнинг илмий нашрлари.

Хулоса

Хуллас, келтириб ўтилган олимларнинг илмий изланишлар олиб бориши натижасида яратилган асарларида ўзбек халқи этногенези муаммоларининг қатор жиҳатлари тадқиқ

¹ Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней Азии («проблема сартов» в XIX – начале XXI в.): Канд. дисс. ... ист. наук. – Москва, 2008. – С. 11-12.

² Ҳошимова Д.Ф. Ватан тарихшунослигида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг ўрганилиши (XIX аср ўрталари—XX аср). Канд. дисс. ... ист. наук. – Москва, 1997. – Б.17-20.

³ Аширов А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига доир нашрлар ҳақида баъзи мулоҳазалар. O‘zbekiston tarixi, 2013. – № 2. – Б. 63.

килинган ва атрофлича ўрганилган. Ушбу асарларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш орқали шу нарса маълум бўлдики, Қадимги Турон худуди қадимдан инсониятнинг бешикларидан бири бўлган, ўзбек халқи этногенези эса узоқ даврлардан бери давом этиб келаётган мураккаб ўзига хос жараён эканини, унинг этник гуруҳлар ва қабилаларнинг ўзаро аралашуви ва қоришуви натижасида содир бўлганлиги, бу жараёнларнинг айнан Ўзбекистоннинг қадимий бой вилоятлари билан боғланганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001. – В. 33-46.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т., 2015. – Б. 41.
3. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи. – Б. 21-52.
4. Абашинов С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней Азии («проблема сартов» в XIX – начале XXI в.): Канд. дисс. ... ист. наук. – Москва, 2008. – С. 11-12.
5. Хошимова Д.Ф. Ватан тарихшунослигида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг ўрганилиши (XIX аср ўрталари—XX аср). Канд. дисс. ... ист. наук. – Москва, 1997. – Б.17-20.
6. Аширов А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига доир нашрлар ҳақида баъзи мулоҳазалар. O'zbekiston tarixi, 2013. – № 2. – Б. 63.

Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА НЕФТ ВА ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШ ЖАРАЁНИ ТАРИХИДАН

Рауфов И.С. (БухДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон худудида нефт ва газ конларининг очилиши, уларнинг қайта ишланиши ва мустақиллик даврида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилади. Жумладан, давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, биринчи навбатдаги вазифа, ер ости бойликларидан унумли фойдаланиш, уларни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш вазифаси алоҳида аҳамият касб этди. Бу масалаларнинг ечими энг долзарб вазифага айланганлиги мақолада ўз аксини топган.

Таянч сўзлар: *кон, хом ашё, геология, минтақа, захира, қудуқ, газ, нефт.*

Аннотация. В данной статье говорится об открытии и переработке нефтегазовых месторождений в Узбекистане, а также развитие отрасли в годы независимости. В частности после достижения страной независимости очередной задачей стало бережное отношение к ископаемым недрам и открытие перерабатывающих предприятий. Решение этих вопросов стало жизненно важной проблемой независимого Узбекистана.

Ключевые слова: *месторождение, сырьё, геологический, регион, запасы, скважина, газ, нефть.*

Annotation: This article tells about the discovery, processing of oil and gas fields in Uzbekistan, as well as about the development of the industry during the years of independence. In particular, after the country achieved independence, the first task was to take care of the mineral resources and open processing enterprises. The solution to this issue has become vital.

Key words: *deposits, raw material, geological, region, stocs, bore hole, oil, gas.*


Дунё иқтисодиётида сўнгги пайтларда юз берган ўзгаришларни таҳлил қилар эканмиз, энг долзарб муаммо бу энергетика масаласи бўлиб келмоқда. Европанинг кучли иқтисодиёт эгалари бўлмиш давлатларнинг бу соҳа билан нақадар боғлиқ бўлганликлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайиб бораётганлигига таъсир қилиб, нефт газ маҳсулотлари нархининг ўсишига уларнинг етишмовчилиги олиб келмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистонда мавжуд нефт ва газ захиралари яқин 25-30 йил ичида бемалол ички эҳтиёжларни қондирибгина қолмай, балки четга экспорт қилиш имконини ҳам берди. Аммо хом ашёни қазиб олишнинг ўзигина кифоя қилмайди, уни сифатли қайта ишлаш масаласи муҳим роль ўйнаб келмоқда. Бу борада мамлакатимизда охириги 15 йил ичида қилинган ишларни таҳлил қилар эканмиз - Марказий Осиёда давлатимиз бу соҳада етакчилик қилмоқда. Бунга мисол қилиб – Қадим газни қайта ишлаш заводи ва GTL

заводларининг ишга тушиб, тайёр маҳсулот бера бошлаганлигини таъкидлаш керак. Дунё андозалари талабларига жавоб берадиган бу икки корхона мамлакатимиз эҳтиёжларини бу соҳада бемалол қондира олади. Бу эса давлатимиз энергетика масаласида ҳақиқий мустақилликга эга бўлганидан далолатдир.

Қадим замонлардан Ўзбекистон ўзининг ер ости бойликлари билан машҳурдир. Давлат нефт газ саноатининг пайдо бўлиш тарихи – қарийб 130 йил машаққатли меҳнатнинг ифодаси бўлиб хизмат қилди. Ушбу тарих Фарғона водийсидан бошланди. У ерда XIX аср охирларидан 200 дан ортиқ нефт конлардан нефт қазиб олиш ишлари бошланган. 1885 йил илк бора Чимён конининг ишлатилиши бошланди [1:12-14]. Буни бемалол Ўзбекистонда нефт қазиб олиш жараёнининг бошланиши деб таъкидлаш мумкин.

Ҳозирги кунда давлатимиз ҳудудида бешта нефт қазиб олинадиган жой топилган. Булар Бухоро-Хива, Устюрт, Сурхондарё, Жанубий – Ғарбий Ҳисор ва Фарғона бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда нефт ва газга бой бўлган яна 4 та конда геологик изланиш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган. Булардан ўрта-Сирдарё, Хоразм, Зарафшон ва марказий Қизилқум конларини кўрсатиш мумкин. Хар бир коннинг ўзига хос тарихи, ажралиб турадиган хусусиятлари ва геологик тузилишлари мавжуд. Бошланғич захиралари ва олдиндан фарз килинган миқдорлар нуқтаи назаридан уларни қуйидагича жойлаштириш мумкин [2:35-37];



Қазилма бойликлар жойлашувининг минтақалар бўйича тақсимланиши:

- 2) Бухоро-Хива минтақасида- 76.7 фоиз
- 3) Жанубий-Ғарбий Ҳисорда- 4.1 фоиз
- 1) Устюртда - 12 фоиз
- 5) Фарғонада - 3.7 фоиз
- 4) Сурхондарёда эса - 3.5 фоиздан тўғри келади [3:10-12].

Умумий қазилма бойликлар жойлашган ерларнинг майдони 54 минг км кв. га тенг. У ўз ичига Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятларни олади. Бу ҳудудда нефтегаз қазилма ишлари қарийб 60 йилдан бери олиб борилмоқда. Ҳудуднинг бурғилама-ўрганилганлиги хар бир қудуқ учун – 21,9 км кв.майдонга тўғри келади. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Бухоро-Хива минтақаси ҳозирги кунга келиб бойликларнинг захираси кўплиги билан бир қаторда, уларни қазиб олиш бўйича ҳам етакчилик қилмоқда. Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, хар бир нефт газга бой минтақада геологик

изланишлардан то юкори кўрсаткичли қазиб олиш даражасигача чиқиш учун бир неча босқични ташкил этади. [3:13-16].

Биринчи босқичда минтақада изланиш ишларининг олиб борилиши жараёнида фойдали конларни кидириб топиш учун 10-15 тагача бўш қудуқларга дуч келинади.

Иккинчи босқичда самарадорликнинг ўсишини кузатиш мумкин. Бунда олдиндан бурғиланган конлардан энг йирикларини танлаб, ўша жойда иш суръатини ошириш имконияти бор. Бу босқич бир неча ўн йилларни ўз ичига олиши мумкин. Яна бир қулай томони унчалик чуқур бўлмаган қудуқлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Учинчи босқичда эса қазиб олиш ишлари пастлашиб боради, бу ўз навбатида хом ашёнинг камайиб боришидан далолат беради. 1956 йилда Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган – Газли кони очилган. Яна кейинги 10 йил ичида – 25 та янги кон топилиб қазилган ишлари бошланган. Газли конининг ишга туширилиши янги магистрал газ қувурлари шахобчасининг қурилишига сабаб бўлди. Янги газ конларининг очилиши ўз навбатида уларни қазиб олиш ва бевосита қувурлар орқали бошқа ҳудудларга жўнатиш имкониятини яратди. Газли конининг ишга тушириши билан унга яқин ҳудудлардаги бошқа конларда ҳам изланиш ишлари фаоллашиб, Алан, Зеварде, Ўртабулоқ ва яна бир қатор конларда ишлар бошланиб кетди. 2020 йилга келиб газ қазиб олиш давлатимизда - 49,7 млрд.куб метрга етди. Бу даврда бутун мавжуд геологик маълумотларни таҳлил қилиниш ишлари бошланди. Айнан шунда Чахоржўй поғонасидаги илк конлар очилди. Бунга – Учқир (1960й), Ўртабулоқ (1963й.) ҳамда Самонтепа (1964й.) конларини мисол келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда шу даврда янги нефтга бой ҳудудларнинг яъни, Кўкдумалоқ, Шимолий Ўртабулоқ ҳамда Круқларнинг очилишини мисол келтириш мумкин.

1970 йилларда Жанубий Муборак, Зеварда ва Култак конларининг очилиши хом ашё қазиб олиш ишларини жадаллаштириб юборди. 1972 йилда эса Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Муборак газни қайта ишлаш заводи қурилди. 1974 йилда очилган янги – Шўртан конининг фаолияти туфайли – 1980 йилда Шўртан газни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланиб, 2001 йилда газ-техник мажмуага айланди. Лекин бу даврнинг энг катта ютуғи сифатида 1985 йилда – Кўкдумалоқда нефтегазоконденсат конининг очилишини алоҳида қайд этиш лозим. Бу факт ўз навбатида Республикамиз нефт захирасини – 10,8 млн. тоннага оширишга имкон яратди. Лекин доимий қазилган ишларининг олиб борилиши ушбу ресурснинг – 2,45 млн. тоннадан то – 0,58 млн. тоннагача пасайишига олиб келди [4:4-8].

Иқтисодимизнинг бу соҳасига кейинги йилларда келаётган сармоялар Ўзбекистон Республикасининг чет элда тутган ўрни ва салоҳиятининг ўсишидан далолат бера қолмай, давлатнинг барча чет эл компанияларига берилган гарантияларнинг амалда тўлиқ бажариб келинаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Янги технологик усуллар ва ускуналарнинг соҳага татбиқ этилганлиги, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизация ва автоматлаштирилганлиги - чет эл сармоядорларининг бизнинг давлатимизга ва бу соҳага бўлган иқтисодий қизиқишларини оширади. Бемалол айтиш мумкинки кейинги 10-15 йил ичида бу соҳа – иқтисодимизнинг энг муваффақиятли йўналишига айланади.

Айни пайтда эски конлардан унумли фойдаланиш учун уларни ўз вақтида капитал таъмирлаб туриш лозим. Бу ўз навбатида меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Янги конларни очиш учун бурғилаш ишлари режага мувофиқ олиб борилмоқда. Жумладан: Муборак нефт қазиб олиш бошқармаси корхонасига тегишли 156-қудуқда (Ж.Кемачи) катта таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Ҳозирги кунда бу қудуқдан 50минг куб метр газ ва 1,4 тонна газ конденсати қазиб олинмоқда.

Шу билан бир қаторда айтиш жоизки, мустақиллик даврида республикаимизда янги газ конларини очилишига катта эътибор берилмоқда. Фақатгина Бухоро вилояти ҳудудида топилган янги газ конларидан олинадиган хом ашёни қайта ишлаш мақсадида Ўрта Осиёда йирик ҳисобланган Қандим газни қайта ишлаш заводининг 2018 йилда ишга туширилиши давлатимиз иқтисодига улкан ҳисса қўшди. Бу ерда олтингугурт моддасига бой газни – алоҳида қисмларга ажратиб қайта ишлаш жараёни йўлга қўйилган. Ажратиб олинган олтингугурт моддаси ўз навбатида – Навоий-Азот корхонасига темир йўл шахобчаси

орқали қайта ишлаб кадоқлаш учун юборилади. Ушбу лойихага Россиянинг «Лукойл» компанияси – 3,5 млрд. долларга яқин сармоя киритган. Корхона лойихаси ва барча лозим асбоб-ускуналар Ж.Кореянинг «Хендай Инжинеринг» компанияси томонидан етказиб берилди. Корхона йилига 8млрд.куб метр газни қайта ишлаб, ундан 225минг тонна-конденсат ва 576минг тонна олтингугурт маҳсулоти олиш имкониятига эга. 71та кудуқ, 70 км. газ қувурлари, 285 км автойўллари ётқизилган. Шахарчада доимий 1150 кишига яраша уй-жой қурилган. Ҳозирги кунда завод жадал суръатлар билан ишламоқда [5:25].

Яна бир йирик лойиха бу – Газли газни сақлаш ер ости омбори ҳисобланади. Ҳозирги кунларда унинг қурилиши олиб борилиб 2025 йилга қадар ишга тушиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунларда бу соҳада анча ижобий ўзгаришлар юз беряпти. Жорий йилнинг 15июн кунидан GTL заводида илк бора синтетик нефт ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди [6:18]. Бу ўз навбатида кимё-нефт ва газ-нефт маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси ривожланишига янги технологик босқич ҳисобланади. Бухоро вилояти Олот туманидаги Тегирмон конидан кунига 130минг куб табиий газ ва қарийб 1 тонна газ-конденсати қазиб олиш мумкин [7:11]. Шу қаторда Хожиқазғон конининг кудуқларида кунига 70 минг куб табиий газ ва 1 тоннага яқин газ конденсати қазиб чиқариш имконияти яратилди. Зеварда конининг 332 кудуғидан эса кунига 96 минг куб газ ва 1 тонна газ конденсати қазиб олина бошланди [8:47].

Қашқадарё вилояти Ғузор туманида барпо этилган GTL заводи эса дунё миқёсида 5-завод ҳисобланади. Ж.Кореянинг HYUNDAI Engeneering компанияси томонидан қурилган булиб, ҳозирги кунда 13 мингдан ортиқ ишчи ва муҳандисларни иш билан таъминлаб келмоқда. Корхона йилига 3,6млрд.газни қайта ишлаб ундан 307минг тонна керосин, 724минг тонна дизель ёқилғиси ва 53минг тонна суюлтирилган газ олади. Умумий қиймати 3,42млрд.АҚШ доллари булган завод йилига 1млрд.долларга тайёр маҳсулот чиқаради.

Юқорида баён этилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш лозимки, ҳозирги кунда дунё миқёсида рўй бераётган энергетик танқислик кўпгина давлатларнинг, жумладан, ривожланган Европа мамлакатларининг нақадар газ хом ашёсига муҳтож эканлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда давлатимизнинг бу соҳани такомиллаштиришга қаратилаётган диққат-эътибори келажакда юқори даражада ривожланган иқтисодиётга эга бўлишимизга пойдевор яратмоқда. Бизда мавжуд ер ости бойликларимиздан унумли ва самарали фойдаланиш давр талабига айланмоқда. Бу ўринда яна бир муҳим масала яъни соҳага оид етук мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг кўпгина ОТМлари нефт-газ саноати учун кадрлар тайёрлашни жадаллаштириб юборди. Уларни биз ҳозир йирик корхоналарда техник-муҳандислик вазифасини бажараётганлигида кўришимиз мумкин. Жумладан Қандим газни қайта ишлаш заводида ҳамда Ғузордаги – GTL корхонасида қатор ёшларимиз фаолият олиб бормоқда. Улар давлатимизнинг келажакдаги ишончи булиб хизмат қилмоқда.

Бугун шуни алоҳида эътироф этишимиз мумкинки, ҳозирги кунга келиб нефт ва газ саноатимиз жадал суръатлар билан Ўзбекистоннинг келажакига хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Г.С. Надежная сырьевая база углеводородов – основа для привлечения иностранных инвестиций в нефтегазовую отрасль Республики Узбекистан // Узбекский журнал нефти и газа. Специальный выпуск, – Ташкент, 2013. – С. 2-4.
2. Абдуллаев Г.С. Перспективы развития геологоразведочных работ на нефть и газ и наращивания запасов углеводородного сырья на территории Республики Узбекистан // Узбекский журнал нефти и газа. Специальный выпуск. – Ташкент, 2016. – С. 35-39.
3. Абдуллаев Г.С., Богданов А.Н. Проблемные вопросы отечественной геологоразведки на нефть и газ // Узбекский журнал нефти и газа. – Ташкент, 2013, – № 4. – С. 10-16.
4. Бабаев А.Г. Принципы и методы анализа продуктивности недр применительно к задаче раздельного прогноза нефтеносности и газоносности перспективных зон // Проблемы геологии нефтяных и газовых месторождений Узбекистана. – Ташкент: Изд-во Мингеол. УзССР, 1988. – С. 29-34.

5. Бережковский М.И. Хранение и транспортирование нефти и нефтепродуктов. – Москва: Химия, 1983. – С. 7-9.
6. Гайказов М. Нефть всегда в моде // Нефть России. – Москва, 1997. – №7. – С. 18.
7. Дронов В.П., Максаковский В.П., Ром В.Я. Экономическая и социальная география – М.: Просвещение. – Москва, 1994. – С. 15-18.
8. Комарова Н., Фукс И. Все началось с эмбенской нефти // Нефть России. – М., 1997. – №5-6. – С. 57.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЭТНИК ТАРКИБИГА ДОИР ЁЗМА МАНБАЛАР

Бердиев Ж. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё воҳаси аҳолисининг XIX аср охири – XX аср бошларида этник таркибига доир ёзма манбалар киёсий таҳлил этиб ўтилган.

Таянч сўзлар: *сайёх, элчи, этник таркиб, савдогар, шарқшунос, этномаданий муҳит, ёзма манбалар, араб ёзуви, тарихнавислик, Чим девори.*

Аннотация. В данной статье сопоставляются письменные источники об этническом составе населения Кашкадарьинского оазиса в конце XIX - начале XX веков.

Ключевые слова: *турист, посол, этнический состав, купец, востоковед, этнокультурная среда, письменные источники, арабская графика, историография, стена Чим.*

Annotation. In this article, written sources on the ethnic composition of the population of Kashkadarya oasis in the late 19 th - early 20 th centuries are compared.

Key words: *tourist, ambassador, ethnic composition, kupets, orientalist, ethnocultural environment, written istochniki, arabic graphics, historiography, grass wall.*

Ўрта Осиё халқларининг XIX аср охири – XX аср бошларида этник таркибига доир ёзма манбалар асосан араб ёзуви негизидаги форс ва туркий тиллардаги манбалар ҳамда европалик муаллифлар асарларидан иборат. Европа тилларидаги ёзма манбалар каторига рус тилида ёзилган турли хил материалларни ҳам киритиш мумкин. Бошқа тиллардаги манбаларга қараганда кўлами анча кенг бўлган рус тилидаги асарлар қисман XVII – XVIII асрларга, кўпроқ XIX – XX асрлар оралиғига тўғри келиб, уларнинг кўпчилигини россиялик сайёх, элчи, савдогар, шарқшунос, харбий ва ҳоказолар томонидан ёзилган қайдномалар ташкил этади.

Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумот берувчи ушбу асарларнинг сезиларли бир қисми Бухоро амирлиги билан боғлиқ бўлиб, улар орасида Қашқадарё воҳасига тегишли кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Аҳамиятлиси, маҳаллий тарихчилар бўлсин, хорижий муаллифлар бўлсин, уларнинг сезиларли бир қисми бевосита Қашқадарё воҳасига ташириб буюрган бўлиб, воҳа аҳолисининг этник таркиби ва этнотопонимларини ёритишда улар ёзиб қолдирган маълумотларнинг ўрни бекиёсдир.

Бу даврда Қашқадарё воҳаси аҳолисининг этник таркиби ва этнотопонимлари бўйича асосий маълумотлар берувчи ёзма манбаларни асарларнинг ёзилган этномаданий муҳити ва турига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин.

Кўп асрлик анъаналарга эга Бухоро тарихнавислиги XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида янада ривож топиб, бу давр амирлик муҳитида ёзилган тарихнавислик намуналарининг сони анчагина катта рақамни ташкил этди. Бу даврда Аҳмад Дониш (1827-1897), Мирзо Сомий (1838-1907), Мирзо Салимбек (1850-1930), Садр Зиё (1867-1931) каби йирик муаррихлар билан бир қаторда Тамкин Бухорий, Абдулазим Шаръий (1839-1893), Мир Сиддик Ҳашмат, Носириддин тўра каби муаллифлар амирлик ижтимоий-сиёсий ҳаётини ёритдилар. Ушбу муаллифларнинг бир қисми Қашқадарё воҳасида, хусусан, Шахрисабз ва Китоб атрофида юз берган воқеликларни бирмунча кенг ёритганлиги билан ажралиб туради.

Бухоро тарихнависларидан бири Мирзо Салимбекнинг (1850-1930) тарихий асарлари “Кашкули Салимий” ва “Тарихи Салимий” номлари билан маълум. Асарда манғит амирларининг сўнгги уч вакили – Музаффар, Абдулахад ва Олимхон (1910-1920)ларнинг ҳукмронлик даврлари батафсил ёритилган. Муаллиф амир Музаффар даврида Ҳисор, Кўлоб, Балжувон ва Дарвозда бўлиб ўтган исёнлар, Бухоро – Қўқон муносабатлари ҳақида тўхталгач, амирлик ҳудудларининг Россия

томонидан забт этилиши воқеалари баёнига ўтар экан Қашқадарё воҳасидаги воқеликларга ҳам бирмунча тўхталади.

Бухоро тарихнависларининг илғорларидан бири Садр Зиё (1867-1932) бўлиб, унинг “Тарих”, “Мунтахаб ат-таворих” (“Тарихдан сайланмалар”), “Рўзнома” (“Кундалик”) каби асарлари Бухоро, шу жумладан, Қашқадарё воҳаси тарихини ўрганишда муҳимдир. Унинг “Тарих” асарида Ўрта Осиёнинг XVIII-XX асрлардаги тарихи, шунингдек, Туркия, Афғонистон, Эрон ва Россия тарихи, амир Музаффар ҳокимиятни эгаллаганидан сўнг йирик исёнларни бостириши, амир ёрдамида Худоёрхоннинг Қўқон тахтини эгаллаши, Шаҳрисабз ва Китобда бўлиб ўтган кенагаслар қўзғолони ҳақида қисқача маълумотлар тилга олинган.

Қизиғи шундаки, Садр Зиёнинг қисқа бир муддат Қашқадарё воҳасида бўлиб, бу ердаги воқеликларга бевосита гувоҳ бўлган муаллифлардан бири ҳисобланади. 1918 йили Садр Зиё инқилобчиларга хайрихоҳликда айбланиб ҳибсга олинади ва қўлёмалари ўзининг кўз ўнгида ёқиб ташланади.[7;118] Икки ойдан сўнг у озод этилиб, Шаҳрисабзга қози этиб тайинланади. Инқилобдан сўнг Садр Зиё турли ташкилотларда ишлаб, 1932 йилда вафот этади.

Бухоро тарихнавислари орасида Мирзо Сомийнинг (1838-1907) ижоди алоҳида ажралиб туради.[10;30,35] “Миръот ул-хаёл”, “Манозир ал-иншо” сингари асарлар ва салмоқли шеърый мисралар унинг адабий ижодини бежаб турса, “Дахмаи шоҳон”, “Тухфаи шоҳий”, “Тарихи салотини манғитийа” каби асарлари тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.[5] Мирзо Сомий узоқ йиллар Бухоро ҳукмдорларидан амир Музаффар (1860-1885) ва амир Абдулаҳад (1885-1910) саройида муншийлик вазифасида хизмат қилди.[9;102,103] Россия империяси истилолари даврида амир Музаффар қўшинида воқеаларни ёзиб борувчи (нависанда) вазифадор сифатида иштирок этди.

Бухоро тарихнавислари орасида Мирзо Сомий асарларининг Қашқадарё воҳасида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларни нисбатан кенг ёритганлиги учун ушбу муаллифнинг қайдларига бирмунча кенгрок тўхталиб ўтамиз. Муайян бир амалдор сифатида кўп вақтини лашкарбошилар ва бевосита амир ҳузурда ўтказган Мирзо Сомий Бухоро амирлиги ҳудудларининг Россияси томонидан забт этилиши арафасида, уруш даврида ва ундан кейинги йилларда Бухоро давлати олиб борган ички ва ташқи сиёсатига бевосита гувоҳ бўлади. Айниқса, у амир Музаффарнинг Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари (1863-1864), Ҳисори Шодмон (1864) ва Қўқон хонлигига (1866) қарши юришларида воқеликларни ёзиб борувчи, Рус-Бухоро урушида воқеаларни кузатувчи вазифасида иштирок этиб, жанг тафсилотларини қайд этиб борган.[3] Шу туфайли унинг қайдларини бевосита воҳадаги сиёсий жараёнларга гувоҳ бўлган, маҳаллий аҳоли билан яқиндан танишган муаллифнинг маълумотлари сифатида эътироф этамиз.

“Тухфайи шоҳий”да Сомий 1868-1870 йилларда Шаҳрисабз ва Китоб бекларининг Абдумалик тўра атрофида бирлашиб, душманга қарши олиб борган курашлари ва Россия империяси билан Бухоро давлати орасида сулҳ имзолангач, рус қўшинлари ёрдамида бу бекликлар бўйсундирилгани тафсилотлари ҳам кенг ёритилган.

У 1870 йилнинг 7 августида Абрамов бошчилигидаги қўшинни Шаҳрисабз ва Китобга қарши жўнатади. Сомий икки орада бўлиб ўтган шиддатли жанг тафсилотларини батафсил ҳикоя қилиб, рус қўшинларининг Китоб шаҳри атрофидаги фаолияти, Чим девори бўйлаб юз берган шиддатли жанглар, кенегас уруғи бошлиқларининг матонати ва ҳоказолар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Қисқаси, Мирзо Сомий асарлари орқали Қашқадарё воҳаси аҳолисининг этник таркиби, воҳада яшаган уруғлар бўйича муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин. XIX – XX асрларда Қашқадарё воҳаси аҳолисининг этник таркиби ва этнотопонимлари масаласида рус муаллифлари ёзиб қолдирган маълумотлар катта аҳамиятга эга.

1834 йил апрелда П.И. Демезон томонидан тўпланган дастлабки маълумотлар битилган мактуб Оренбургга қабул қилинади. У ўз қайдларида Бухоро амирлиги шаҳарлари, қарвонсаройлари, бозорлари ва уларнинг тузилиши, ихтисослашганлиги, амирликнинг ҳарбий қудрати, ташқи ва ички савдоси ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.[12;11,12] Унинг ёзишича, “Бухоро 9 та вилоятдан иборат эди: 1. Қоракўл; 2. Бухоро ўзининг 7 та тумани билан бирга; 3. Кармана; 4. Миёнкол ёки Кармана; 5. Самарқанд; 6. Жиззах; 7. Қарши; 8. Сабия (Сабйоб) ёки Сиёб; 9. Балх ўзининг жанубий туманлари билан бирга” амирликнинг йирик маъмурий бирликлари эди.

Қашқадарё воҳасидаги илк маълумотларни ёзиб қолдирган рус муаллифларидан бири Н. Ханиковдир. 1840- йилларда Бухоро амирлигининг бир неча бекликларида бўлган ушбу рус элчиси Қашқадарё воҳаси Чирокчи беклиги орқали Самарқанддан Қарши ва Шаҳрисабз бекликларига ўтган. Жом йўлидан Қаршига йўл олган элчи Чирокчи беклиги, Қўнғиртов (Қўнғиртоғ) оралиғидаги айрим аҳоли масканлари ҳақида ёзган.[11;107] Ушбу ҳудудда асосан чорвадор ўзбеклар яшашига эътибор қаратган муаллиф йўл бўйлаб ўнлаб қудуқлар борлиги, аҳоли ва йўловчилар улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишини ёзиб, бекликка қарашли Шўр-қудуқ, Қора-тегин деб номланувчи кишлоқлар

ҳақида айтиб ўтади. Унинг ёзишча, Жомдан кейин Қаршига кетувчи йўлда ўзбекларнинг кўплаб овул (қишлоқ)лари жойлашган бўлиб, улар “сарой” уруғига мансуб бўлишган.[11;64] Қайдлардан маълум бўлишича. Унинг хулосалари кўпроқ йирик ўзбек уруғлари ва улар амирликнинг қайси худудларида кўпчиликни ташкил этишидан келиб чиққан.

Ўз асарини 1880- йилларда тўпланган маълумотлар асосида ёзган В.В. Крестовский Қашқадарё воҳасига катта эътибор қаратади. Қизиғи шундаки, ушбу муаллиф Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий, маъмурий ва иқтисодий-маданий ҳаётига тўхталар экан, асарининг қарийб ярмини Қашқадарё воҳасига бағишлаб, воҳадаги бекликлар, йирик шаҳарлар (Қарши, Шаҳрисабз, Чироқчи ва х.к.), катта-кичик аҳоли масканларига қаратади. В.В. Крестовский воҳа аҳолиси этник таркиби ҳақида ёзар экан, аҳолининг кўпчилигини ташкил этган ўзбеклар ҳақида тўхталиб ўтади.[2;240]

Қашқадарё воҳаси аҳолисининг этник таркиби бўйича бирмунча батафсил маълумотлар Д.И. Логофетнинг асарида учрайди. Муаллиф воҳа аҳолиси ҳақида айтиб ўтар экан кўпроқ ўзбек уруғларига эътибор қаратади. Шунингдек, у амирликнинг маҳаллий аҳолиси бўлмиш “Бухоро яҳудийлари”га тўхталар экан, уларнинг асосан Бухоро, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида яшашини қайд этади. Логофетнинг ёзишча, XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги аҳолиси кўп шаҳарлар орасида Бухоро шаҳридан ташқари Қарши, Шаҳрисабз, Ҳисор, Ғузор, Балжувон, Кўлоб, Керки, Чоржуй бекликлари ва ушбу бекликларнинг мазкур номлари билан аталувчи маъмурий марказларини санаб ўтади.[4;39]

Руслардан ташқари Европадан Қашқадарё воҳасига ташриф буюрган муаллифлар орасида А.Вамбери, Ю. Скайлерни асарлари алоҳида эътиборга лойиқ. 1860- йилларда Бухоро амирлиги ва унга қўшни худудларга ташриф буюрган можор (венгер) шарқшуноси А. Вамберининг маълумотлари ҳам воҳа тарихини ёритишда ўзига хос ўрин тутди.[1] Ю. Скайлер эса бевосита Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Қарши бекликлари худудидан ўтиб, бу ерларнинг маҳаллий аҳолиси билан суҳбатлашишга муяссар бўлган. Унинг асарида воҳа аҳолиси ҳақида бирламчи маълумотлар учраб, муаллиф бу ердаги ўзбеклар ҳаёти билан яқиндан танишишга улгурган.[8]

Қашқадарё воҳасининг сўнгги ўрта асрлардаги аҳолиси, унинг этник таркиби, аҳоли масканлари, этноним ва этнопонимлар бўйича нафақат амирлик муҳитида етишган тарихчи ва адиблар, европалик сайёҳ ва элчилар, балки статистик материаллар ҳам муҳим манбалар вазифасини бажаради. Уларнинг бир қисми мамлакатимиздаги марказий ва вилоят архивларида сақланиб, бир қисми Тошкент шаҳрида, бир қисми эса Бухоро, Самарқанд, Қарши шаҳарларидаги архивларидан ўрин олган. Айниқса, XX асрнинг биринчи чорагида дастлаб Россия империясининг, кейинчалик Шўроларга қаршилик кўрсатган маҳаллий аҳоли вакиллари бўйича тўпланган маълумотлар: хуфя маълумотлар, сўроқ ва тергов натижаларига оид қайдларни Қарши шаҳри архивларида учратиш мумкин.[6] Улар орасида “босмачилик” тамғаси билан суриштирув ишлари олиб борилиш жараёнида “айбдорлар”нинг яшаш манзили, қаршилик кўрсатувчилар яширинган аҳоли масканлари, қишлоқ ва гузарлар, “босмачи”ларнинг этник мансублиги, уруғи, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳоказоларга доир бирламчи маълумотларни учратиш мумкин.

Қашқадарё воҳаси аҳолиси, айниқса, улар билан боғлиқ аҳоли масканлари ҳақидаги бирламчи материаллар Бухоро амирлигига тегишли ҳужжатларда ўрин олган. Айниқса, Қушбеги архиви XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихини ўрганиш учун бекиёс бўлиб, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланмоқда. Қушбеги архивининг таркиби ҳар хил ҳужжатлардан ташкил топган. Улар орасида турли мулкий муносабатлар, ҳуқуқий масалалар, ижтимоий, маънавий соҳаларга оид минглаб ҳужжатлар учраб, уларнинг бир қисми бевосита Қашқадарё воҳаси аҳоли масканлари билан боғлиқ.

1914 йил маълумотларига кўра, амирликдаги аҳоли манзилларининг маъмурий номланишида учта атама етакчилик қилган: қишлоқ (туркийча), мавзе (арабча), деҳа (тожикча). Баъзи амлоқликларнинг аҳоли манзиллари тўлалигича шу номлардан бири билан аталган. Масалан, рўйхатлардаги ҳужжатларга кўра Деҳати вилояти Чироқчи, Қишоқони тумани шаҳри Яккабоғ ёки мавзехон вилояти Кармана каби тафсилотлар ишлатилган.

Хуллас, XIX – XX асрларда яратилган Бухоро амирлиги даври ёзма манбаларидан маълум бўлишича, Қашқадарё воҳаси аҳолисининг этник таркиби асосан ўзбек (ўтроқ ва чорвадор), тожик, туркман, араб ва қисман лўли, афғонлардан иборат бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865.
2. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
3. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского: Путевой дневник. – СПб., 1887.

4. Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России (Бухара) / Под ред. и при участии Урунбаева А. – Ташкент: Фан, 1965.
5. Логофет Д.Н. Страна бесправия (Бухарское Ханство и его современное состояние) – СПб., 1909.
6. Мирза Абдал’азим Сами. Та’рих-и салатин-и мангитийа / Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой, – Москва: Изд-во восточной литературы, 1962.
7. Равшанова Г. Қашқадарё: XX аср бошлари тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016.
8. Садр Зиё. Наводири Зиёя / Тахияи Шукуров М. ва Сиддиқов С. – Душанбе: Адиб, 1991. – Б. 118.
9. Скайлер Южин. Туркистон. Ўзбек тилига ўтирган З. Саидбобоев. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019.
10. Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Борьба мусульман Туркестана и других восточных порок за национальное существование и культуру / Перевод с турецкого В. Б. Феоновой, Москва: 1997.
11. Тўраев Ҳ. Мирзо Абдулазим Сомийнинг тарихий асарлари // Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари Республика XII илмий-амалий конференция материаллари. 1- қисм. – Тошкент, 2020.
12. Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб, 1843. – С. 107.
13. Хўжаева Ш. Россия империясининг Осиё департаменти махфий топшириқлари тарихидан. П.И. Демезоннинг Бухоро амирлигига “Саёҳати” // O‘zbekiston tarixi jurnali. – Т.: 1/2016.
14. Хайруллаев М.М. Ўзбек дипломатияси тарихидан тарихий очерклар ва лавҳалар. – Тошкент, 2003.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАСАЛАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА (Жанубий вилоятлар мисолида)

Раҳмонқулова О.А. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда муаммолари, муаммоларни ҳал этишда давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар натижалари Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари мисолида таҳлил этилган. Давлат томонидан яратилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим эканлиги кўрсатилган.

Таянч сўзлар: *хотин-қизлар, гендер тенглик, хотин-қизлар қўмитаси, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси, мустақиллик, вилоятларда, чора-тадбирлар.*

Аннотация. В данной статье анализируются проблемы женщин в общественной жизни, результаты созданных государством условий в решении проблем на примере южных регионов Узбекистана. Показано, что нормативно-правовые документы, создаваемые государством, имеют важное значение в повышении интеллектуальной компетентности женщин.

Ключевые слова: *женщины, гендерное равенство, комитет женщин, правовая и социальная защита женщин, независимость, в регионах, меры.*

Annotation. This article analyzes the problems of women in public life, the results of the conditions created by the state in solving problems on the example of the southern regions of Uzbekistan. It is shown that the legal documents created by the state are important in increasing the intellectual competence of women.

Key words: *women, gender equality, women's committee, legal and social protection of women, independence, in the regions, measures.*

Ўзбекистонда мустақилликка эришгач, хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги [1] таъкидланади. Бу эса хотин-қизларнинг мамлакатда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида иштирокининг кенгайиб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида иловасидаги 69-мақсад – “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини таъминлаш” деб номланиб, унда Янги

Ўзбекистондаги хотин-қизлар сиёсати бўйича барча устувор масалалар комплекс тарзда теран баён этилган [2].

1992 йил Ўзбекистон аҳолисининг 10 млн. нафардан ортигини (50,6 %) хотин-қизлар ташкил этди [3.]. 1997 йилда аҳоли сони 23,867 минг нафар кишини ташкил этиб, шундан 12,008 минг нафари хотин-қизлар эди. 2002 йилда жами аҳоли сони 25,523 минг, шундан 12,700 минги, 2007 йили аҳоли сони 27,167 минг бўлиб, шундан 13,593 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Вилоятлар кесимида таҳлил қилинганда, 1997 йилда Қашқадарё вилоятида 1,030 минг нафар, Сурхондарё вилоятида эса 832 минг нафарни хотин-қизлар ташкил қилди [4].

Демак, юқоридаги рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолининг тенг ярмини ташкил этган хотин-қизлар масаласига давлат томонидан жиддий эътибор талаб қилинди.

Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда 1991 йили ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси муҳим роль ўйнади [5.]. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 208 та бўлим ва бўлинмалари, 41 мингга яқин бошланғич ташкилотлари фаолият олиб борди [6]. 1997 йилда Сурхондарё вилоятида хотин-қизлар кўмиталари ва уларнинг аъзолари қуйидагича ташкил топди: вилоят хотин-қизлар кўмитасида 39 нафар, шаҳар хотин-қизлар кўмитасида 23 нафар, туман хотин-қизлар кўмитасида 640 нафар, корхона ва муассасаларда ташкил этилган хотин-қизлар кўмита аъзолари 759 нафар хотин-қизларни ташкил этди [7]. Натижада, хотин-қизлар муаммолари билан боғлиқ масалаларни ечишда, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатини таъминловчи қатор ишлар амалга оширилди.

1995 йилда Хитойнинг Пекин шаҳрида “Тинчлик ва тараққиёт” шиори остида Бутунжаҳон хотин-қизларининг IV конференцияси ўтказилди. Пекин декларациясига асосан Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кафолатловчи ҳукумат даражасидаги “Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар масалалари бўйича концепция ва дастур ҳужжатлари” ишлаб чиқилди [8]. Дастурларда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратилди:

– хотин-қизларнинг маиший турмуш даражасини, ижтимоий-сиёсий мавқеини, интеллектуал кўрсаткичларини дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларидаги даражага етказишга олиб борадиган йўللарни аниқлаш;

– оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилаш, оналар ва болалар ўлим даражасини ва миқдорини камайтириш чора-тадбирларини белгилаш;

–хотин-қизлар, шу жумладан, боғча, мактаб ёшидаги қизларнинг саломатлигини муҳофазалаш йўллари такомиллаштириш;

–хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш каби йўналишлардан келиб чиқиб устувор вазибалар республиканинг барча ҳудудларида татбиқ этилди [9].

Республикада хотин-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги хизматларини кафолатловчи ва манфаатларига хизмат қилувчи бир неча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар [10] қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ходимлари, фаол аёллардан иборат гуруҳлар ташкил этилди. Даврий ҳужжатлари моҳияти айнан шу гуруҳ аъзолари томонидан кенг оммага етказилди [11]. Ҳукумат томонидан белгиланган бундай имтиёзлар хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси учун хизмат қилди. Масалан, 1999–2000 йил маълумотларига кўра “Сурхонтекстил” акциядорлик жамиятида 1013 нафар хотин-қиз меҳнат қилган, шундан 718 нафарини болали аёллар ташкил этди. 442 нафар аёл 2 ёшгача қисман маош тўланадиган таътилда ва 3 ёшгача маош тўланмайдиган таътилда бўлиб, ёш болаларини тарбиялади. Демак, хотин-қизларга оид меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир норматив ҳужжатларнинг юритилиши натижасида жойларда аёлларнинг меҳнат самарадорлигини таъминлади.

Ўзбекистонда меҳнат тўғрисидаги қонунлар аёллар учун махсус меъёрларни белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4235-сон Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига [12] биноан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинди, шу билан биргаликда,

аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланди, болани парваришlash учун таътил олиш ва иш жараёни давомида танаффус қилишнинг гендер тенгликни акс эттирувчи янги тартиби белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги қуйидаги шахслар учун қўшимча кафолат ва имтиёзларни белгилайди:

- аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан банд бўлган шахслар;
- ёшлар;
- ҳам ўқиб ҳам ишлаётган шахслар.

Ушбу кафолат ва имтиёзлар ишга қабул қилишда, иш ҳақи ҳисобланишида, таътил берилаётганда, саломатлигига таъсир қиладиган ишларга қабул қилинаётганда ва ҳ. қўлланилади.

Масалан, ҳомиладорлик ва болали бўлганлиги сабабли аёлларга ишга қабул қилишда рад жавобини бериш ва иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди [13].

Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади [14].

Қарорда кўрсатилган хотин-қизларга оид бундан муҳим бандлар аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишга, оиладаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Хуллас, ўрганилаётган минтақада истиқлол даврида хотин-қизлар фаоллигини ошириш бўйича нафақат бугунги глобаллашув шароитида, мустақиллик йилларида аёлларга энгилликлар, қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Мақолада аёлларнинг ҳуқуқлари, уларга яратилаётган шароитлар ва имкониятлар таҳлил қилинди. Муаммолар билан бирга белгиланган чора-тадбирлар самарали натижаларга эришилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 17 – 66.
 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.
 3. ЎзМА, М-69 фонд, 1-рўйхат, 88-иш, 52-варақ.
 4. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. 2008. – Т., 2009. – Б. 46 – 47.
 5. Ўз МА, М-69 фонд, 1-рўйхат, 93-йиғмажилд, 12-варақ.
 6. Ўз МА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 2565-иш, 90-варақ.
 7. СВДА, 1091-фонд, 1-рўйхат, 688-иш 148-варақ.
 8. ЎзМА, М-69 фонд, 1-рўйхат, 88-йиғмажилд, 53-варақ.
 9. СВДА, 1091-фонд, 1-рўйхат 328-иш, 11-варақ.
 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2246-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/212762>; 2000 йил 25 май.
 11. “Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <https://lex.uz/docs/31846>.
 12. СВДА, 1091-фонд 1-рўйхат, 466-иш, 86-варақ.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

13. Alikulovna, R. O. (2021). Development of carpet weaving in Uzbekistan. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research*, 10(9and10), 36-41.

14. Темирова, Ч., & Раҳмонқулова, О. (2021). Таълим тизимида амалга оширилган кенг камровли ва тизимли ўзгаришлар. *Academic research in educational sciences*, 2(3), – Б. 840-847.

Наширга проф. О. Бўриев тавсия этган

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ДЕҲҚОНЧИЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЭТНОХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ (XIX аср охири – XX аср)

Раҳмонов Ф. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада XIX аср охири – XX асрда Жанубий Ўзбекистон деҳқончилигининг этнохудудий хусусиятлари мавжуд манба ва адабиётлар ҳамда дала этнографик маълумотлари асосида илмий тарзда очиб берилган.

Таянч сўзлар: *Жанубий Ўзбекистон, Қашқадарё, Сурхондарё, воҳа, деҳқон, кузги экин (оқ), баҳорги экин (кўк), деҳқончилик, боғдорчилик, полиз, сабзавот экинлари.*

Аннотация. В данной статье на основе доступных источников и литературы, а также полевых этнографических данных научно раскрываются этнотерриториальные особенности земледелия Южного Узбекистана в конце XIX-XX вв.

Ключевые слова: *Южный Узбекистан, Кашкадарья, Сурхандарья, оазис, крестьянин, озимый (белый), яровой (синий), земледель, садоводство, овощ.*

Annotation. In this article, based on available sources and literature, as well as field ethnographic data, the ethnoterritorial features of agriculture in southern Uzbekistan at the end of the XIXth-XXth centuries are scientifically revealed.

Keywords. *Southern Uzbekistan, Kashkadarya, Surkhandarya, oasis, peasant, winter (white), spring (blue), farming, horticulture, vegetable.*

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг энг етакчи тармоғи деҳқончилик- қишлоқ хўжалигининг ерга экин экиб, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланадиган соҳаси ҳисобланади.

Маҳаллий деҳқончилик турлари суғориш хусусиятига кўра ҳам, экилган экинларга қараб ҳам бир-биридан фарқ қилган. Суғорма деҳқончилик маҳаллий аҳоли орасида “сувли ер”, тожикча-форсча “обикор” ёки “оби” термини билан, суғорилмайдиган ерлар эса “лалми” ёки “баҳори” деб аталган.

Минтақада ерларга ишлов беришда икки усулдан фойдаланилган. Биринчи усулда, асосан, ҳосилдан бўшаган экин майдонларига дам берилиб, бўш қолдирилган, иккинчисида эса экин майдони шудгор қилинган. Ҳар икки усул воҳанинг турли жойларида турли номлар билан юритилган. Чунончи, минтақанинг тоғ олди худудларида ерга дам бериш усули “Дам додан”, ерларни шудгорлаш усули эса, “Қора шудгор” деб юритилган. Шудгорлаш ишлари куёш тақвими бўйича “ҳамал” ойининг кириб келиши билан бошланган бўлиб, ҳозирги ой тақвими бўйича бу 21 мартдан 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади [1:92].

Ўзбек қишлоқ жамоаси анъаналари минтақадаги пайкал тизими мисолида ўзини яққол намоён этади. XIX аср охири-XX аср бошларида Марказий Осиё ва қўшни мамлакатларда ер-сувдан фойдаланишда пайкал тизими мавжуд бўлган. “Пайкал” сўзи туркча “пай”-қисм, жой, “кал”-тожикча қазимоқ деган маъноларни англатади. Шунингдек пайкалга марза, ариқ, йўл ва шу кабилар билан ажратилган катта экин майдони, пол, чек деб ҳам таъриф берилган [2:201].

Академик К.Шониёзовнинг маълумотича, ўтмишда пайкал тизими фақат Жанубий Ўзбекистоннинг Қарши ва Шеробод воҳаларида ҳамда Шимолий Афғонистонда анча барқарор сақланиб қолган эди.

Жанубий Ўзбекистон аҳолиси анъанавий хўжалик машғулотларида деҳқончилик энг қадимий турлардан бири бўлиб, оиладаги даромадининг катта қисмини ташкил этади ва этноиқтисодиётда ҳам муҳим ўринга эгадир.

Ўрта Осиёда қадим замонлардан бошлаб ғаллачилик мавжуд бўлиб, кўплаб бугдой ва арпа навлари етиштирилиб келинган. Бугдой экишнинг икки мавсуми мавжуд: кузги (баъзи ҳудудларда тиромойи, қишки деб ҳам аталган) ва баҳорги бугдой экини[3:271]. Минтақада кузги ҳосиллар йиғиштириб олиниши билан (ноябрнинг бошида) ўрнига кузги бугдой экилган. Бугдой эрта (июннинг бошида) пишиб етилган ва у йиғиштириб олинган, ўрнига яна бошқа экинлар (қовун, тарвуз ва бошқ.) экилган. Арпани экиш технологияси бугдойга ўхшаш бўлиб, молларга ем сифатида берилган, баъзан рўзғорда нон тайёрлашда ҳам фойдаланилган.

Жанубий воҳаларда 1930 йилларгача донли экинлар етиштириш қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган. Масалан, 1920 йилларнинг ўрта-ларидаги маълумотга кўра, минтақада ўсимликлар экини нисбатида 60 фоиз донли экинлар, 16,3 фоиз пахта, 8,5 фоиз ёғли ўсимликлар, 6,5 фоиз полиз ва сабзавот, 4,9 фоиз шולי, 3,6 фоиз беда ва бошқа экинлар эса 0,2 фоизни ташкил этган. Кейинчалик, узоқ давом этган пахта яккахокимлиги даврида донли экинлар, айниқса бугдой, арпа етиштириш иккинчи даражали соҳага тушиб кетган [4:59].

Мустақиллик йилларида минтақа аҳолиси бугдой етиштирадиган майдонларни кенгайтириш, унинг ялпи ҳосилини кўпайтиришга эътибор берилди. Иқлим шароити бўйича жанубий вилоятлар Ўрта Осиёнинг қадимдан пахта етиштириладиган асосий майдони ҳисобланади ва бу ерда ғўзанинг “оқ ғўза”, “қора пўчок”, “маври ғўза”[5.], кўк, малла ва қора чигитли навлари экилган [6.].

Боғдорчилик ва узумчилик ўзбек халқининг энг қадимий касбларидан биридир. Минтақанинг тоғолди қисмларида суғориладиган ерлар камлиги учун маҳаллий яшовчи ўтроқ аҳоли боғдорчиликка ихтисослашган. Минтақада олма, ўрик, беҳи, нок, олхўри, гилос, шафтоли, тут, анжир ва бошқа мевали дарахтлар экилган. Масалан, Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Бойсун, Олтинсой, Денов, Сарисиё туманларининг тоғли минтақаларида истиқомат қилувчи аҳоли данакли мева дарахтлари, айниқса, ўрик, анор, жийда ҳамда шафтолини кўпроқ экишган. Шунингдек, ўрик баргаги ва кишмишнинг олий навларини етиштирганлар [7.].

Худуднинг энг баланд тоғ олди худудида жойлашган Ғилон (Шахрисабз) ва Сангардак (Сарисиё) қишлоқлари ҳам боғдорчиликда катта тажрибага эга бўлган. Баҳор келиши билан аҳоли қишлоқдан сойларда ўз чорбоғларига кўчиб ўтишган. Бундай чорбоғлар жумласига Мунаввар, Пистамозор, Оммоғон, Тотумдара, Оққон, Товқон, Боғхойиболо, Чолоқон, Терак, Катта кўл, Кичик кўл, ҳамда Арчамозор қабиларни киритиш мумкин [8.].

Минтақанинг асосан тоғолди қишлоқлари аҳолиси узум етиштириш билан шуғулланган. Ҳисор тоғ этакларидаги Шахрисабз туманининг Мираки, Чоршанбе, Шанба, Қамаш туманининг Оқработ, Денов туманининг Ҳовуз, Сина, Вахшивор, Бойсун туманидаги Пасурхи, Шеробод туманидаги Қорабоғ Зарабоғ ва Новбоғ қишлоқлари қадимдан узумчиликнинг маркази сифатида машҳур бўлган.

Минтақада полиз экинларидан кенг тарқалган турларидан бири помидор ҳисобланади. Помидор анча вақтгача маҳаллий халқ томонидан ўзлаштирилмаган, бироқ кейинчалик, ушбу экин турининг бир қанча навлари етиштирила бошланган.

Полиз экинларидан тарвуз апрель ойида экилиб, август ойида йиғиш-тириб олинган. Воҳа аҳолиси тарвузнинг “қоратарвуз”, “олачипор тарвуз” ва “чини тарвуз” каби навларини етиштиришган [9:37]. Мазкур тарвуз навлари минтақа табиий иқлимига мослиги, ҳосилдорлиги, эрта пишарлиги ва хуштаъмлиги билан ажралиб туради.

Минтақада полиз экинларидан қовун ҳам етиштирилиб, қовун уруғи камида икки йиллик бўлиши керак бўлган. Минтақада эртачи қовунлар ҳамал ойининг бошидан 15 кун давомида экилган, бошқа навлар эса савр ойида экилган. Қовуннинг қишда асраб истеъмол

килинадиган турлари-“Оби-новвот”, “Зармитон”, “Қора-қўтир”, “Чоржўйи”, “Қорақиз” ва “Шакарпора” навларидан катта ҳосил олинган [10:13-14].

Сабзининг эса минтақада уч хил нави етиштирилиб, улар “қизил сабзи”, “оқ сабзи” ва “сарик сабзи” деб юритилган. Сабзи уруғини экишдан аввал, у майин тупроқ билан яхшилаб аралаштирилган ва бир-бирига ёпишиб қолмаслиги учун озроқ ўсимлик мойи ҳам қўшилган [11.].

Шолғомнинг минтақада икки хил-“оқ шолғом” ва “қизил шолғом” навлари мавжуд бўлиб, воҳа деҳқонлари кўпроқ “қизил шолғом” навини етиштирган [12.].

Картошканинг “оқ картошка”, “нимранг картошка”, “қайчи барг”, “қал-моқи”, “қора қизил” ва “ненец” картошка каби 23 турдан ортиқ навлари етиш-тирила бошланган [13.].

XIX аср охири-XX аср бошларида биз ўрганаётган ҳудудда суғориш тизимлари фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор берилган. Минтақада қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун суғориш тизимини ривожлантириш талаб этиларди. Мунтазам тарзда эски ариқларни созлаш, янги каналлар қозиш, сув чиқариш муаммолари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш талаб қилинган.

Минтақа деҳқончилигида суғориладиган ерлар оби (суғорма) ва лалми ерларга бўлиниб, минтақанинг табиий-географик шароити қишлоқ хўжалиги йўналишида уч минтақага: яъни тўла суғориладиган (дарё минтақаси), шартли суғориладиган (тоғ олди), лалмикор (чўл ҳудудлар)га бўлинади. Минтақани сув билан таъминланишига кўра икки ҳудудга (шимолий ва жанубий) ажратиш мумкин. Шимолий ҳудуддаги дарёлар серсув, уларга асосан Оқсув, Қорадарё, Қашқадарё, Тўпаланг, Сангардак, Хўжаипок ва бошқалар қиради.

Ноёб сув иншооти ҳисобланган коризларни қозиш сермашаққат иш ҳисобланиб, Ўрта Осиёда, жумладан, Жанубий Ўзбекистонда тоғ олди ҳудудларида ҳам сув манбаи сифатида катта аҳамият касб этганлиги диссертацияда ёритилган.

Сунъий суғориш тизимида хизмат қилувчи ходимлар вазифасига кўра турлича номлар билан аталган. XI асрларда малакали миробларни “обишиканда-тузун” деб аталиши, йирик суғориш тармоқларига “панжабеги” ёки “ариқ оқсоқоллари” бошчилик қилгани бунинг исботидир [14:42-44]. Шу билан бирга, дарё ва ирмоқлар ўзанига тўғон-бандларлар ўрнатувчи “варқбон” ёки “бандибон” лар, бошариқларнинг мироблари-“жўйбон”лар, сувни дарёнинг юқори оқимидан қуйи томонга оқизувчи-“обандоз”, “оброн”, “манкуват”лар, қишлоқ ариқлари-нинг мироблари “арбоб” ва “пойкор” каби терминлар билан аталган.

Хуллас, Жанубий Ўзбекистон деҳқончилик маданиятининг қадимий илдизлари шаклланган ҳудудлардан бири бўлиб, зироатчилик кадриятлари ва экин экиш усуллари ривожланиши натижасида асрлар давомида минтақага хос бўлган анъанавий хўжалик тизими яратилган. Аҳоли хўжалигида деҳқончиликнинг дончилик, пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, поллизчилик ва сабзавотчилик каби турлари муҳим аҳамият касб этган. Сунъий суғориш тармоқларининг такомиллашиб бориши, янги ариқларнинг қазилиши, кориз ва булоқ сувларидан самарали фойдаланиш бўйича тўплаган тажрибалари деҳқончиликнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Узбеки. – М.: Наука, 2011.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-ж, -Т., 2007.
3. Современный кишлак Средней Азии: соц.-экон. очерк. Вып. 3. Китабская волость Кашка-Дарьинской области Узбекской ССР. 1926.
4. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. – Т.: Жайхун, 1996.
5. Дала ёзувлари. Ғузур тумани Қовчин ва Олтинсой тумани Қоратепа қишлоқлари. 2020 йил.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви (бундан кейин ЎЗМА). 96-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 6-варақ.
7. Янгибоев М. Қашқадарё вилояти. – Қарши: Насаф, 1993. – Б. 67.
8. Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани Ғилон ва Сариосиё тумани Хуффор қишлоқлари. 2021 йил.
9. Пивоваров В.Ф., Аромов М.Х., Турдикулов Б.Х. и др. Овощные и бахчевые культуры в Узбекистане. – М., 2001.

10. Логофет Д.А. Бухарское ханство под русским протекторатом. т. I. – СПб., 1911.
11. Дала ёзувлари. Косон тумани Эсабой ва Кумқўрғон тумани Ачамайли кишлоқлари, 2020 йил.
12. Дала ёзувлари. Касби тумани Оқжангал ва Месит кишлоқлари, 2020 йил.
13. Балашев Н.Н. Картофель //Труды Узбекстанской опытной станции садоводство и огородничество имени Р.Р.Шредеръ. –Ташкент.: 1930. Вып. 11. –С. 83-86;
14. Балашев Н.Н., Лучинина Е.Г. Вопросы семеноводства картофеля в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 43-48.
14. Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). /3 томлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Ташкент., Фан, 1960.

Нашрга проф. О. Бўриев тавсия этган

ҚАРШИ ШАҲРИ АҲОЛИСИНING ТАВСИФИ (XIX-XX аср бошлари)

Мўминов У. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё воҳасининг сиёсий ҳам маданий марказларидан бири бўлган Қарши шаҳрининг XIX – XX аср бошларидаги аҳолисининг таркиби ва жойлашуви ёзма ҳамда этнографик тадқиқотлар асосида киёсий таҳлил этиб ўтилган.

Таянч сўзлар: *Қарши шаҳари аҳолиси, маҳалла-гузарлари, этник жараёнлар, ўзбек уруғлари, мангит, қовчун, ўзга миллат вакиллари, араб, яҳудий, ҳинд, рус, украин.*

Аннотация. В данной статье на основе письменных и этнографических исследований анализируется состав и размещение населения Карши, одного из политических и культурных центров Кашкадарьинского оазиса, в начале XIX-XX вв.

Ключевые слова. Жители города Карши, кварталы, этнические процессы, узбекские кланы, мангиты, ковчуны, представители других национальностей, арабы, евреи, индийцы, русские, украинцы.

Annotation. In this article, the composition and location of the population of Karshi, one of the political and cultural centers of the Kashkadarya oasis, in the early 19th-20th centuries, is analyzed based on written and ethnographic research.

Keywords. *Residents of the city of Karshi, neighborhoods, ethnic processes, Uzbek clans, Mangit, Kovchun, representatives of other nationalities, Arab, Jewish, Indian, Russian, Ukrainian.*

Бухоро амирлигининг энг йирик шаҳарлари аҳолиси ҳақида тарихий манбаларда турли хил маълумотлар келтирилган. Пойтахт Бухородан кейинги ўринда турувчи Қарши шаҳари аҳолисининг сонига келсак, кўплаб муаллифлар, 1917 йилгача бўлган давр учун статистик материаллар етишмаслиги сабабли, ноаниқ маълумотларни келтиришган. 1917 йилгача бўлган адабиётда Қарши аҳолиси 60-70 минг кишидан иборат бўлган, деб маълумот берилса, [9;117] шаҳарга келган сайёҳ Вамбери асарида шаҳар аҳолиси сонини 25 мингдан иборат, деб маълумот берилади. [4;170] Шаҳар аҳолиси сонини аниқлаш учун унинг таркибидаги масжидлар сонига эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. XIX асрнинг биринчи ярмидаги шаҳарни тавсифловчи Н. Хаников, шаҳарда масжидлар кам эканлигини таъкидлайди ва шаҳарда 6 та масжид борлиги ҳақида маълумот беради. [10;109] Кейинги даврда шаҳарнинг ўсиши масжидлар қурилишининг янада кўпайишига олиб келган. Масжидларнинг кўплиги аҳоли сонининг ошганлиги билан боғлиқлигини ҳисобга олган О.А. Сухарева Қарши шаҳри аҳолисини 15-20 минг аҳолига тенг бўлиши мумкин, деб маълумот берган. [9;118]

Мавжуд барча адабиётларда Қарши шаҳри аҳолисини асосини турли қабилаларга мансуб ўзбеклар ташкил қилганлиги таъкидланган. Шаҳар аҳолиси орасида энг кўп сонли гуруҳ мангитлар бўлган. Маълумотларга кўра, Қаршида ҳам, вилоятнинг бошқа жойларида ҳам асосан мангит уруғидан бўлган ўзбеклар яшайдилар, улар бошқа қабилалардан устун бўлган ва шу билан бирга, имтиёзли ўзбек уруғи бўлган. [5;22] Шаҳарда яшовчи барча қабилавий гуруҳлар келиб чиқиши бўйича Қарши атрофида (мангитлар) ва Қарши ҳамда

Шахрисабз тоғлари орасида (кўнғиротлар) кўчиб юрган қабилалар билан боғлиқ эди. Кўпчилик, айниқса, кекса авлодлар даштдан шаҳарга кўчиб келган аҳолини ташкил этган. [10;65]

Шаҳар аҳолисининг катта қисми томонидан уруғ ва уруғ урф-одатлари сақланиб қолганига қарамай, улар билан дашт қариндошлари ўртасидаги алоқалар аллақачон анча сусайган, биз ўрганаётган даврга келиб қабилавий муносабатлар чуқур парчаланиш босқичида бўлган. Шаҳарда кўплаб ўзбек қабилалари вакилларининг тўпланиши ва улардан янада кўпроқ ҳарбий аралашма шаклланиши шундан далолат беради. Қарши вилояти ўз қўшинларини етказиб берганда, Қарши шаҳри қабилавий бўлмаган махсус гуруҳга ажратилган эди, агар баъзи бир қабилаларга мансуб шаҳар аҳолиси улар билан чамбарчас боғлиқ бўлган бўлса, шубҳасиз, Бухоро қўшинини ташкил этиш асосидаги қабилавий тамойил бузилмаган бўлар эди. Этнографик маълумотларга кўра, қабилавий бўлиниш ғояси шаҳар аҳолиси учун хос бўлган. Агар аҳолининг бир қисми орасида у сақланиб қолган ва кучли бўлган бўлса, унда бошқалар учун бу узок, ярим унутилган хотира бўлиб чиқади ёки умуман йўқ эди.

Шаҳар аҳолисининг асосий қатламини ташкил этган ўзбек қабилалари вакиллари билан бир қаторда, унинг аҳолиси орасида қабилавий бўлинишни билмаган ўзбеклар ҳам бор эди, уларнинг этник келиб чиқиши қадимги эронийзабон аҳолига мансуб бўлган. Қарши аҳолисида тожик компонентининг мавжудлиги унинг топонимикасида кўплаб тожик номлари билан кўрсатилган, А. Вамбери Қарши шаҳри аҳолисини таркибида ўзбеклардан ташқари тожик, ҳинд, афғон ва яҳудийлар яшашлари ҳақида маълумотлар беради.[4;170] Қарши шаҳрида кўп қабилали туркий аҳоли орасида умуман тожиклар бўлмаган, ҳеч бўлмаганда улар ҳақида бирон бир алоҳида зикр қилинмаган.[5;23] Тожиклар бирон бир сабабга кўра ўз тилларини йўқотиб, ўзбек аҳолиси билан тўлиқ бирлашиб кетишган. Фикримизча, ушбу кўшилиш XIX асрнинг ўзида тугалланган.

Бухоро амирлари ва Шахрисабз беклари ўртасидаги кураш пайтида Қарши шаҳрига маълум гуруҳлар кўчирилганлиги ҳақидаги маълумотлар бор. [3;86] Шунингдек, бу ерга Бухородан келган кичик бир гуруҳни (50-60 уй), Ўрта Осиё яҳудийларининг бир нечта оилаларини ва уйғурларнинг муҳим гуруҳини (1926 йилдаги рўйхатга олиш бўйича - 287 киши) Қарши аҳолиси ўз ичига олган. Аммо, уйғурларнинг бу ерда истиқомат қилган вақти номаълум. [9;121] Н. Хаников Қарши шаҳрида яҳудийларга тегишли битта карвонсарой борлигини такидлайди. [10;110] Баъзи маълумотларда Қарши шаҳрида яҳудийлар 3-4 та оиладан иборат бўлиб, 40 йил олдин (1842 йил назарда тутилмоқда) шаҳарга келганликларини қайд этиб ўтган. [1;48] Архив маълумотларида амирликдаги ҳинд ва яҳудий жамоалари жузья тўлаганликлари ҳақидаги маълумот қайд этилган, [12;16] улар давлатга жузья тўлаганлар ва давлат ҳимоясида бўлганлар. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Қарши шаҳрида 37 нафар ҳинд миллатига мансуб кишилар истиқомат қилишган. [8;146]

Л. В. Ошанин 1927 йилдаёқ антропологик материалларни йиғиб “Қаршида у билан суҳбатлашган икки юз кишидан 57 нафари ўзларининг қайси қабиллага мансублигини билишмаганлигини ҳамда Шахрисабз ва Қаршининг асосий замонавий ўзбеклари илгариги маҳаллий ўзбекларнинг бир хил туридир”, деб маълумот беради. [7;141] Қарши шаҳрида яшовчи ўзбеклар, ўзларининг қабилавий бўлинмаларини қатъий сақлаб қолишган. [5;23]

Россия босқинидан сўнг Ўзбекистон қадимги шаҳарларини сунъий равишда “янги шаҳар” (европаликлар қисми) ва “эски шаҳар” (осиёликлар қисми) га бўлиниши оқибатида икки хил маданият вужудга келган. 1913 йилга келиб Бухоро амирлиги ҳудудидан Когон, Қарши – Ғузор, Келиф, Термиз шаҳарларини боғловчи темир йўл лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 1914 – 1918 йилларда қуриб битказилди. [2;41,42] 1915 йилнинг 15 декабригача Қарши шаҳрида йўловчилар учун 107 метр квадратлик кутиш зали ва ишчи, муҳандислар, техник ходимларга тўққизтадан ҳажми 100 метр квадратлик турар жой бинолари қуриб битказилди. [11;17] 1913 – 1915 йилларда гумбаз шаклидаги темир йўл шоҳбекати, бир қатор тошдан қурилган бинолар қурилган. Темир йўл қурилгач, поездларнинг қатнаши туфайли Қарши шоҳбекати атрофига рус ишчилари жойлаштирила бошланди. [6;48]

Қарши шаҳрида рус аҳолиси (1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра 2773 киши), шу қаторда Россиядан кўчиб келган бошқа этник гуруҳларнинг вакиллари: украинлар, яҳудийлар, немислар, татарлар ҳам истиқомат қилишган. [4;122] Подшо Россияси ҳокимияти ўз диққатини, маданий хизматни ва ободонлаштиришни шаҳарнинг фақат Европа, руслар қисмига жалб этиб, кўплаб замонавий бинолар, истироҳат боғлари барпо қилган. Лекин, "туземцы" (маҳаллийлар), "инородцы" (бегона уруғлар) осийликлар яшаётган қисмига умуман эътибор ҳам берилмаган.

Шу боисдан ҳам янги шаҳар ободонлаштирилган бўлса, маҳаллий аҳоли яшаган эски шаҳар қисми эса ўрта асрлар хонликлари замонидаги каби жуда аянчли ва хароба ахволда бўлган, ободончилиги учун ҳеч қандай маблағ ажратилмаган. Шаҳарларнинг сунъий эски ва янги шаҳар қисмлари ўртасида аниқ чегара ўрнатилган бўлиб, ҳаттоки эски шаҳар аҳолисининг янги шаҳарга ўтиши ҳам қатъиян ман этилган эди. Россиянинг бу мустамлакачилик сиёсати халқлар ўртасида миллий адоватни кучайтиришга қаратилган эди. 1919 йилда темир йўл шоҳбекати атрофида истиқомат қилувчи аҳоли томонидан амирлик ва беклик тутган сиёсат қораланган. Бухоро амиридан кўмак олган Қарши беги Тоғайбек шоҳбекат атрофида яшовчи аҳолидан қаттиқ ўч олган. [6;48]

Шаҳарнинг девор ташқарисидаги қисмлари, девор ва хандақ билан ўралган эски шаҳарнинг кичик маҳаллалардан фарқли ўлароқ анча каттароқ бўлиб, уларнинг ҳар бирида бир нечта масжидлар ҳам мавжуд бўлган. Худди шу номдаги шаҳар дарвозалари орқасида жойлашган Чармгар гузарида тўртта масжид Қуйи масжид, Ўрта масжид, Ҳазрати Қутбшайх масжиди ва Катта масжидлар жойлашган бўлиб, 300 га яқин уйдан иборат бўлган. Чармгардан бир оз шимолда жойлашган Қўрғонча гузарида тахминан бешта масжид (Ҳонако, Ўрта масжидлари ва иккита кичик масжидлар боғлар чизигида ва айвон-соябон шаклида енгил биноларда жойлашган) ташкил этган 160 та уйдан иборат эди. [4;116]

Эски шаҳарнинг шимолида жойлашган Зоғза гузарида 300 хонадон ва учта масжид жойлашган (Қуйи Зоғза, Юқори Зоғза, учинчи масжид номи аниқланмаган). Тўртинчи гузар Арабхона ёки Кумравотда жойлашган уйлар ва масжидларнинг сони аниқланмаган ушбу гузар нисбатан кичик гузар бўлган. Чармгар дарвозасининг жанубида жойлашган Бузурравот гузарида (Бузург-равот) 300 хонадондан истиқомат қилиб, иккита масжид унинг худудида фаолият кўрсатган. (масжидлардан бирининг номи Дукчи Масжид, иккинчисининг номи аниқланмаган). Бузурравотнинг жанубида жойлашган Бешгумбаз гузарида иккита масжид (Ичкари Масжид ва Ташқари Масжид) мавжуд эди. Махсумовот гузари эски шаҳарнинг жануби-ғарбида жойлашган бўлиб, у иккита масжиддан (Абдуқодир оқсоқол ва Ичкари масжид) иборат бўлган. [4;116] Бу маълумотлардан кўриниб турибдики Қарши атрофидаги масжидлар сони 20 – 22 тани ташкил этган.

Қарши шаҳри Самарқанд сингари қитъа, ёки Тошкент шаҳрига ўхшаб даҳаларга бўлинмаган. Шаҳар икки қисмдан иборат бўлган. Биринчи қисм шаҳарнинг марказий қисми, яъни, қўрғон, иккинчи қисми қўрғон атрофи эллардан ташкил топган. Биринчи, яъни, шаҳар қўрғонида илм аҳли, амалдор ва бой савдогарлар истиқомат қилган бўлса, иккинчи қисмида хунарманд, деҳқон, майда савдогарлар истиқомат қилишган. [13;19]

Шаҳар аҳолиси Чармгар ва Бузрукобод деб аталадиган иккита элга бирлашган бўлиб, Чармгар элига Чармгар, Қўрғонча гузарлари билан бирга Гунгон, Кат, Чўғдумба, Қавали, Орол, Худойзот, Чавқай каби қишлоқлар кирган бўлса, Бузрукобод элига Бузрукобод, Бешгумбаз, Қарлуқхона гузарлари билан Харамжўй, Гулшан, Арабхона, Пистакент, Шуллауктепа, Кўчак, Чорвоқ бойғунди ва Говхона қишлоқлари қараган. [13;19]

Шаҳарнинг марказий қисми аҳолиси амалдорлар ва бой савдогарлар, бу уюшмалардан узоқ турганлар. Элни шу номдаги мавжуд бўлган хунармандчилик уюшмалари билан бирга уста (бобо) бошқарган. Худди шу эл аъзолари ўртасидаги ички муносабатлар, шунингдек, турли хил эллар ўртасидаги муносабатлар нафақат Қарши, балки шу каби гуруҳлар мавжуд бўлган бошқа шаҳарлар учун ҳам ҳали ўрганилмаган.

Эллар ўртасидаги анъанавий душманлик ва рақобат ҳамма жойда қайд этилган бўлиб, улар ўртасида бўлиб ўтган жангларда ифодаланган. Қаршида бундай жанглар "дук" деб

номланган ва кураш оёқлар билан бошланган, рақиблар бир бирларини зарбалар билан йикитишга ҳаракат қилишган, агар шу тарзда муваффақиятга эришиш имкони бўлмаса, муштлашиш бошланган, агар рақибларнинг ҳеч бири мағлуб бўлганини тан олмаса, улар таёқ олишган ва жанг томонлардан бири қочиб кетгунча давом этган. [9;122]

Хуллас, Ўрта Осиё шаҳарлари аҳолиси узоқ давр мобайнида ижтимоий муносабатларда икки гуруҳ амир бошчилигидаги олий табақа аҳли ва деҳқонлар, хунармандлар, майда савдогарлардан иборат меҳнаткаш табақа ахлидан иборат бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Lansdell H. Russian Central Asia, including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv. – London, 1885. Vols. II.
2. Абдурахмонов Э. Тўйчиев А. Жанубий сарҳадларда (Ўзбекистон жанубий вилоятлари темир йўллари тарихи). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
3. Бекчурен И. Шахрисабзкое владение, по рассказам Джурабека и Бобобека. Материалы для статистики Туркистанского края. Вып. II, 1874.
4. Вамбери А. Путешествие по средней Азии. – Москва: Восточная литература, 2003. – С. 170.
5. Вяткин В. Л. Каршинский округ, организация в нем войска и события в период 1215-1217 (1800-1803) годов / ИСАОГРО. М.: 1928. Т. XVIII. – С. 23.
6. Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Қарши: Насаф, 2006.
7. Ошанин Л. В. К сравнительной антропологии этнических групп, пришлых из Средней Азии – евреев и арабов, и этнических групп Узбекистана – узбеков и таджиков. Материалы по антропологии населения Узбекистана. Вып. I. – Ташкент – Самарканд, 1929.
8. Разақов Д. Бухоро хонлигини ташки савдо алоқалари (XIX асрнинг 60-90-йиллари): Тарих фан. номз. ...дисс. – Т., 1994.
9. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – СПб., 1883.
10. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843.
11. Ўз М.А. фонд-39, рўйхат-1, ягона жамғарма -16, варақ -17.
12. ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 657-ийғма жилд, 16-варақ
13. Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. – Т., 2006. – Б. 19.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

ШАРИФЖОН САДРИ ЗИЁ АСАРЛАРИДА БУХОРО ИЛМИЙ-АДАБИЙ МУҲИТИГА ОИД МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Янгибоева Д.Ў. (ТерДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаб, ижод қилган олим, маърифатпарвар, давлат арбоби ва ўзидан улкан илмий мерос қолдирган Мухаммад Шарифжон махдум Садри Зиёнинг асарларида ўз даврининг илмий, маданий муҳити ҳақидаги маълумотлари таҳлил қилинади. У илмий-маданий муҳит вакилларини тўплаб, тараққийпарварлар етишиб чиққан мактабнинг давомчиси эди. Аҳмад Дониш, Садри Зиё хонадонларида ташкил этиладиган адабий кечалар бир гуруҳ XX аср тараққийпарварларини етиштирган ўзига хос мактаб ролини ўйнаган. Шунинг учун унинг асарларини ўрганиш, таҳлил қилиш Ўзбекистон ёшларини тарихий муҳитда тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Таянч сўзлар: *ижтимоий-сиёсий муҳит, илмий-адабий кечалар, тазкира, “Тазкор ул-ашшор”, “Рўзнома”, “Феҳристон”, Аҳмад Дониш, Мирзо Абдуазим Сомий, Ҳожи Мулла Иқром, Мир Исо Махдум.*

Аннотация. В данной статье анализируются сведения о научной и культурной среде своего времени в трудах Мухаммада Шарифджона Махдума Садри Зии, ученого, просветителя, государственного деятеля, жившего и творившего во второй половине XIX - начале XX века и оставшего огромное научное наследие. Он был продолжателем школы, собравшей представителей научной и культурной среды и породившей прогрессистов. Литературные вечера, организованные в домах Ахмеда Дониша и Садри Зии, сыграли роль своеобразной школы, воспитавшей группу прогрессивистов XX века. Поэтому изучение и анализ его произведений имеет особое значение в воспитании молодежи Узбекистана в исторической среде.

Ключевые слова: общественно-политическая среда, научно-литературные вечера, тазкира, «Тазкор ул-ашъор», «Рузنامه», «Фехрист», Ахмад Дониш, Мирза Абдуазим Сами, Хаджи Мулла Икрам, Мир Иса Махдум.

Annotation. This article analyzes information about the scientific and cultural environment of his time in the works of Mohammad Sharifjon Makhdum Sadri Ziya, a scientist, educator, statesman who lived and worked in the second half of the 19th - early 20th centuries and left a huge scientific heritage. He was the successor of the school that brought together representatives of the scientific and cultural environment and gave rise to progressives. Literary evenings, organized in the homes of Ahmed Donish and Sadri Zia, played the role of a kind of school that brought up a group of progressives of the twentieth century. Therefore, the study and analysis of his works is of particular importance in the education of the youth of Uzbekistan in a historical environment.

Key words: social and political environment, scientific and literary evenings, tazkira, Tazkor ul-ashor, Ruzname, Fehrist, Ahmad Donish, Mirza Abduazim Sami, Haji Mulla Ikram, Mir Isa Makhdum.

Манғитлар сулоласининг сўнги уч ҳукмдорлари амир Музаффар (1860-1885), амир Абдулахад (1885-1910) ва амир Олимхон (1910-1920) даврида Бухоро зиёлилари онгида янги қарашлар вужудга кела бошлади. Илғор тоифа вакиллари Бухорони ҳар томонлама ривожлантириш, тараққий эттириш ва бунга, асосан, ислохотлар йўли билан эришиш тарафдорлари бўлиб, улар давлат ва идора бошқарувининг турли бўғинларида мансаб ва лавозим эгалари бўлишларига қарамай, ўзларининг мустақил фикрлари билан муаммоларни ечиш учун тайёр турганлар. Ўз қарашларида собитқадам бўлган, халқ ва жамият манфаати йўлида заҳмат чеккан фидокор зиёлилар орасида Ахмад Дониш (1827-1897) нинг маърифатчилик ғоялари ва сабоқлари ўша даврдаги бир қатор зиёлиларга илҳом берган. Булар сирасига Исо Махдум – Исо (1826-1887), домулло Абдулфазл Сийрат (1898 йилда вафот этган), қози Абдулвоҳид Садри Сарир (1810-1886), Мирзо Абдулазим Сомий (1839-1907), Шамсиддин Шохин (1859-1894), Шарифжон махдум Садри Зиё (1865-1932) каби издошлари ва бошқа бир қанча шу даврнинг машҳур ёзувчилари маърифатпарварлик ҳаракатининг моҳиятини англаб етмаганлар ва хануз жамиятда ҳеч қачон риюя қилинмаган адолатпарварликни излаш доирасида қолишди.

XIX аср охирида Ахмад Дониш каби етакчилар бошлаб берган маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик ҳаракатини XX аср бошида кўплаб издошлари давом эттирдилар. Маърифатпарварлик ғоялари тарғиботи ва мулоқотлари Бухорода илмий ва адабий муҳит шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Ахмад Донишдан кейин Муҳаммад Шарифжон Махдум Садри Зиё ва Муҳаммад Сиддиқ – Ҳашмат Бухоро илмий ва адабий муҳитининг раҳбарлари, ҳомийлари, расмий амир ҳукуматига муҳолиф бўлган зиёлиларнинг маънавий бошлиқларига айландилар. Уларнинг уйлари Бухоро илмий ва адабий муҳитининг маркази, адабий кечалар ўтказиладиган манзилларга айланган эди.

Маърифатпарвар ва тарихнавис Шарифжон махдум Садри Зиёнинг хонадонидида Ахмад Дониш бошлаб берган анъанага кўра ҳафтада уч кун – сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари шаҳарнинг зиёли ва маърифатпарварлари тўпланиб, турли мавзуларга оид мунозаралар ўтказишган. Садриддин Айний Садри Зиё хонадонидида хизматда бўлган кезларда ушбу илмий-адабий кечаларнинг иштирокчилари билан яқиндан танишишга ҳаракат қилган ва ўз асарларида улар ҳақида маълумот бериб ўтган. Айни пайтда бу давралардаги суҳбатлардан баҳраманд бўлиб, ўз дунёқарашини кенгайтиришга муяссар бўлган [1].

Назрулла Лутфий, Абдулмажид Зуфунун, Яҳёхўжа, Содикхўжа, Гулшаний, Ҳомидбек Ҳомид, Абдуллохўжа Таҳсин, мулла Бурхон, Муштоқий, Қори Абдулкарим Офарин - Дўзахий, Мирзо Азим Сомий Бўстоний, Мулла Раҳмат сартарош, Азизхўжа Азиз кабилар маърифатпарварлик давраларининг доимий аъзолари саналишган[1]. Бундай давралардаги илмий-ижодий суҳбат-у мунозараларда Бухорода яқин ўн йилликларда бошланадиган жадидчилик ҳаракатига пойдевор қўйилган. Зеро, Бухоро жадидчилик ҳаракати асосчилари Мирзо Абдулвоҳид Бурҳонов - Мунзим, Садриддин Айний, Абдулмажид Зуфунун, Ҳамдий, Яҳёхўжа, Содикхўжа Гулшаний, Ҳамидхўжа Меҳрий ва бошқалар ушбу маърифатпарварлик давраларидаги мулоқотларнинг фаол иштирокчилари саналган.

Ҳар бир даврнинг илмий-адабий муҳити, шу муҳит вакилларининг таржимаи ҳоллари, адабий мерослари тазкираларда ўз аксини топган. Тазкира (араб. эслатмоқ, зикр этмоқ) – ўрта аср форсий ва туркий тиллардаги адабиётшунослик жанрларидан бири бўлиб, кенг маънода – тарих, тасаввуф, санъат соҳасидаги воқеа ва шахслар ҳақида эсдалик руҳида яратилган асар ҳисобланади [2].

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида шоир ва мутафаккирлар, тарихчи олимлар томонидан 7 та тазкира яратилган. Булар куйидагилар: Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкиратил асҳоб” (1871 йилда тузилган) [3], Ҳожи Азим Шаръийнинг “Тазкират уш-шуаро” [4], Мир Муҳаммад Сиддиқ-Ҳашмат¹ нинг “Тазкират уш-шуаро” (1904-1905 йилларда тузилган), Афзал маҳдум Пирмастийнинг “Афзал ут-тазкор фи зикри шуаро ва-л ашъор” тазкираси (1904 йилда тузилган) [5], Абдуллоҳ хожа Абдийнинг “Тазкират уш-шуарои мутааххирини Бухоро” (1904 йилда тузилган) [6], Ҳожи Неъматулло Муҳтарамнинг “Тазкират уш-шуаро” [7] ва Садри Зиёнинг “Тазкор ул-ашъор” (1907-1911 йилларда тузилган) тазкираларидир. Ушбу ижод намуналарининг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга. Садри Зиёнинг “Тазкор ул-ашъор” асари Афзал маҳдум Пирмастий ва Абдулла хожа Абдийнинг тазкираларига тақлидан эмас, балки жавобан яратилган. Пирмастий ва Абдий тазкиралари Бухоро амири Абдулаҳад буйруғига биноан ёзилган бўлиб, унда юқори табақа вакилларига маъқул келувчи, расмий давралар қарашларини ифода қилувчи, ҳақиқатдан анча йироқ бўлган маълумотлар келтирилган.

Расул Ҳодизода шундай дейди: “Тазкиранавис ёзувчиларнинг ҳеч бири Шоҳин асарлари тўғрисида Садри Зиё сингари очиқ ва равшан ёзишга журъат этмаган” [8]. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, Садри Зиё ўзининг тазкирасини тузишда ҳукмдорларга яқин бўлмаган шоирларга нисбатан холисона ёндошган [9]. Улардан кўпчилиги амир ва унинг атрофидагиларга нисбатан ҳатто қарши турганлар. Булар сирасига Аҳмад Дониш, Шамсиддин Шоҳин, Абдулқодирхожа Савдо, Исо-маҳдуми Исо, Абдулмажид Музтариб, домулло Икромии Акрам, Аҳмаджон Ҳамдий, Саиджон маҳдум Назмий, Абдурауф Фитрат, Абдулмажид Офарин - Дўзахий, Мирзо Абдулазим Сомий, Мирзо Абдулвоҳид Мунзимларни киритиш мумкин. Садри Зиё биринчилардан бўлиб, адабиётшунос сифатида Шоҳин, Айний, Ҳайрат, Саҳбо, Савдо каби шоирларнинг асарларига баҳо берган. Шу ўринда таъкидлаш керак-ки, “Тазкори ашъор” таркибига фақат Бухоро шоирлари қиради. Садри Зиё фақат ўз ватанининг таниқли бўлган ва унинг таржимаи ҳолидан, ижоди намуналаридан етарлича маълумот тўплай олган шоирларни эслатиб ўтади. “Тазкори ашъор” муаллифининг кўпгина ёзма хотиралари XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги Бухоронинг адабий ва маданий ҳаётини ўрганиш ва баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга [10]. Садри Зиёнинг тазкираларидан ташқари “Наводири Зиёия” тўплами, “Рўзнома”, “Феҳрист” каби асарлари ҳам Бухоро илмий – маданий муҳитини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро адабий муҳитини кенг ёритган тазкиралардан (Афзал маҳдум Пирмастийнинг “Афзал ут-тазкор фи зикри шуаро ва-л ашъор” тазкираси, Абдуллоҳ хожа Абдийнинг “Тазкират уш-шуарои мутааххирини Бухоро” тазкираси, Ҳожи Неъматулло Муҳтарамнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкирасидан) шу маълум бўладикки, Аҳмад Дониш, Шамсиддин Шоҳин, Абдулқодирхўжа Савдо, Исо маҳдум Исо, Абдулмажид Музтариб, Мирзо Азим Сомий ва Тамкин Бухоройларнинг ўзлари ва асарларини сарой аҳли ва ҳукмрон табақа вакиллари турли йўл ва воситалар билан таҳқир ва танқид остига оладилар [11]. Бироқ Садри Зиё улардан фарқли ўлароқ ўз тазкираларида илму адаб ва маданият сиймоларига ижобий баҳо берган, уларнинг таржимаи ҳоллари, шахсиятлари ва

¹ Саййид Мир Сиддиқ тўра – *шаҳзода Мир Муҳаммад-Сиддиқ ибн амир Музаффар Ҳашмат (1862-1927)*, Абдуладхон ва амир Олимхон даврида тутқинликда ушлаб турилган. Бироқ, амирзода Ҳашмат Бухоро шаҳрининг илмий ва адабий муҳитининг ёрқин вакили сифатида танилган. Шодмон Воҳидовнинг ҳулосасига биноан у 1931 йили Мадина шаҳрида вафот этган. Қаранг: Воҳидов Ш.Х. Жизнь, посвященная вечности. О царевиче Мухаммад Сиддиқ Хашмате, сыне эмира Музаффар (1864-1932): жизнь и научное наследие // Молодой учёный, 2015. – №15(95). – С. 494-501.

ижодларига нисбатан эҳтиром кўрсатган. Масалан, Садри Зиё Аҳмад Дониш ҳақида куйидагиларни ёзади:

*“...Ки буд он ки машҳури офоқ буд,
Накўном Мираҳмад ўроқ буд.
...Чи ў хусрави мулки донишвари,
Надидаст одам на жину на пари.
Касеро, ки Эзид таол,
Карам кард з-ин гуна фазлу камол.
...Татаббў намудам қасоид басе,
Ба меъёри табъаш надидам касе” [11].*

Мазмуни: [...Бутун оламга машҳур бўлган киши ким у, Эзгу ном қолдирган Мир Аҳмади ўроқ эди у. ...Билим мулкида у каби хусравни, На одам кўрган ва на жину на пари. Аллоҳ Таоло ҳеч бир одамни, У каби фазлу камолот билан муқаррам қилмаган. ...Татаббў килиб, қасд килиб қидирдим, Аммо у каби табъи баландни топмадим.]

XIX асрнинг 50-60 йилларидаёқ Аҳмад Дониш Бухоро мактаб ва мадрасаларидаги ўқиш-ўқитиш усулларини тубдан ислоҳ қилиш масаласини кун тартибига кескин қўйган эди. Бухорода XIX асрнинг иккинчи ярмида анъанавий тусга кирган маърифатпарварлик давраларининг тор доирадаги иштирокчилари мавжуд тузумнинг муҳолифати саналар эдилар. Аҳмад Дониш эса мана шундай маърифатпарварлик давраларининг ташаббускори эди [1].

Аҳмад Дониш 1857 йили амир Насруллоҳ, 1869 ва 1874 йиллари амир Музаффар (1860-1885) элчилиги таркибида Санкт-Петербургда бўлди ва Россиянинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишди. Бу сафарлар олимнинг дунёқарошига катта таъсир кўрсатди. Бу ҳақда Садри Зиё шундай ёзади: “Сўзлашда моҳир нотик бўлгани сабабли насронийлар ғалаба қозониб, Бухорони руслар босиб олганидан сўнг Амир Саййид Музаффар Баҳодирхон икки давлат ўртасида дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш учун Русияга элчи жўнатганида, Рус императори хузурига кўпинча Мир Аҳмад маҳдумни юборарди” [12]. Аҳмад Дониш илоҳиёт, астрономия, география, адабиёт ва тарихга оид 20 дан ортиқ (баъзи маълумотларда 23 та) асар ёзиб қолдирди. «Манозир ул-кавокиб», «Меъёру-т-тадаюн», «Жадвал-и соат», «Наводиру-л-вақое», «Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи» каби асарлар шулар жумласидандир [13].

Садри Зиё Аҳмад Дониш билан илк суҳбатданок, унинг тафаккури ва илмий салоҳиятига юксак баҳо бериб, у билан ҳар доим мулоқотда бўлиб туришга ҳаракат қилган [11]. Садри Зиёнинг эътирофича, Аҳмад Дониш бутун умрини амир, вазир, қозикалон ва бошқа амалдорларни келажакдан огоҳ этиш, оддий одамларга зулм ўтказмасликка чорлаш, уларни зўравонлик, бераҳмлиқдан қайтаришдек эзгу ишларга сарфлаган. Лекин жамият ҳаётида бирон бир ўзгариш кўрмаган [14].

Бухоро илмий ва маданий муҳитида ўзининг сермахсул ижоди билан из қолдирган серкирра олим, тарихнавис, шоир, нотик, табобат дарсгўйи, географ ва ўз даврининг машҳур маърифатпарвари Қори Раҳматуллоҳ бин Ашур Муҳаммад Бухорий Возеҳдир. Возеҳнинг машҳурлигини Садри Зиё шундай ёзади: “Қори Возеҳнинг овозаси Эрон ва Турон, Мовароуннаҳр ва Туркистон аҳлининг барча ёш ва қариси қулоғига етган. Ул зот Саййид Амир Музаффар Баҳодирхоннинг маддоҳи ва ул шохдан ғамхўрлик кўрган фозиллардан биридир” [13]. Шарифжон Садри Зиё Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг ихлосмандлари ва издошларидан бири эди. У Возеҳнинг ҳаёти, илмий мероси ва “Тухфат ул-аҳбоб” тазкирасининг китоб ҳолига келтирилишида муҳим рол ўйнаган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлғазмалар хазинасида №2336/1, 1237 рақамлари остида Возеҳнинг “Тухфат ул-аҳбоб” асарининг нусхалари сақланади. Бу нусхалар Садри Зиёнинг буюртмасига кўра Мирзо Абдулвоҳид Мунзим ва Мирсиддиқхон Ҳашмат томонидан кўчирилган [8]. Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ ва Садри Зиё ўртасида маънавий яқинлик бўлган. Тазкирашунослар ичида Садри Зиё ўзининг “Тазкор ул-ашъор”ида Возеҳнинг ҳаёти ва мероси ҳақида батафсил маълумот берган. Бундан ташқари, намуна сифатида Возеҳнинг ижодидан 1 та маснавий ва 2 та қасидани келтирган

[10]. Жумладан: “Возех - Қори Раҳматуллоҳ ҳаким Бухорийнинг таҳаллуси бўлиб, “Тазкират уш – шуаро” ва “Савонех ул-масолик”нинг муаллифидир. Унинг камтарлиги, закийлиги, расмий мақомга эга фузало, яқин ва ўтмиш воқеаларини билгувчи, қорию ҳожи, қиссахон тарихчи табиб, маҳоратли шоир, фазилатли адиб каби сифатларини таърифлашга тил ожиз” [10], дея унинг шахсиятига ижобий баҳо беради [14].

Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1838-1907) XIX аср охири – XX аср бошларида Бухорода яшаб ижод қилган тарихчи, адабиётшунос, шоир, хаттот, мунший ва етук луғатшунос олим ҳисобланади. Амир Абдулаҳад ҳукмронлигининг ўрталарида (1898 ёки 1899 йилда) саройдан четлатилиб, умрининг охирини ночорликда кечирган [13]. Садри Зиё “Наводири Зиёя” тўпламининг “Бухоро инқилобининг сабаблари” асарида шундай ёзади: “Сомий таҳаллусли Мирзо Азим Бўстоний, фидокор инсон эди, амир, вазир-у қозикалонга насихатгўйлик қилиб, ҳозирги аҳвол ҳақида ариза воситасида, мактуб тарзида вазир-у қозикалонга хатлар ва шикоятномалар ёзиб, маъракаларга Ҳожи Домулло Икромидан судур ва Аҳмад маҳдум каби кириб олиб, ўзини хавф-хатарга қўйиб, охир-оқибат унинг исми енгилтак ва кўрнамакка чиқарилиб, бунинг устига мирзолик (муншилиқ) мансабидан тушириш жазосини олиб, амир меҳрибонлиги ва вазир илтифотидан узоқлашарди...” [14]. Садри Зиё ўзининг тазкирасида Сомийнинг иқтисодий ва руҳий қийинчиликларни бошидан кечирганлиги борасида шундай ёзади:

*Дар ин асру овон худди у зиндааст,
Вале зиндаи бадтар аз мурдааст.
Балое бувад пирию нести,
Балотар аз он мирию нести [11].*

(Маъноси: “Эрур ул шу кунда тирик ҳам омон, Тирик гарчи, холи ўликдан ёмон. Бало – йўқлигу кексалик, бегумон, Бироқ йўқлигу мирлик ундан ёмон [1].)

Сарой муҳитидан узоқлашган Сомий [15] Бухоронинг илғор фикрли, тараққийпарвар ижодкорлар даврасига яқинлашади. Маърифатпарвар ва тараққийпарвар зиёлилар таъсири остида амир, амалдорлар ва замонага нисбатан танқидий қарашлари кучайган бўлса-да, унинг асарларида [16] мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлат қурилиши, маданий соҳасида ислоҳот ўтказиш тўғрисида ҳеч қандай фикр билдирилмайди [17].

Икром домла, Мулла Икромча таҳаллуси билан танилган Муҳаммад Икром ибн Абдусалом Бухорода яшаб, фаолият кўрсатган тараққийпарвар уламолардан бўлиб, муфти ва мударрис бўлган [2]. Муҳаммад Икром (1847-1925) Бухородаги Бадалбек мадрасасини яқунлаб, Жаъфархожа, Турсунжон, Мири Араб, Қўқалтош ва Абдуллаҳон мадрасаларида узоқ йиллар мударрислик қилган [18]. Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик ғояларига қўшилиб, мадрасалардаги таълим тизимини танқид қилган, уни ислоҳ қилиш йўлларини ишлаб чиққан. Мулла Икром Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб қайтгач, 1910 йилда “Ийқозу-н-ноимийн ва иълуму-л-жоҳилийн” (“Уйқудагиларни уйғотиш ва жоҳилларга билдириш”)¹ асарини ёзади [19]. Икром домла Бухорода кўплаб илми толибларга, жумладан, Садриддин Айнийга устозлик ва ҳомийлик қилган [20]. Файзулла Хўжаев ва Садриддин Айний ўзларининг Бухоро инқилоби тарихига бағишланган асарларида Икром домланинг тараққийпарварлик фаолиятига юксак баҳо беришган². XX асрнинг бошларида

¹ Бу асар халқ орасида “Дар баёни бидъаоти машхура” (“Машхур бидъатлар баёни”) номи билан танилади. Бу китоб 1912 йилда нашр қилинган бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланмоқда. Асар кириш, 2 боб ва хулосадан иборат бўлиб, биринчи боб “Одамлар орасида машхур бўлган, ҳаром қилинган лаззатлар баёнида”; иккинчи боб эса “Замоннинг ўзгариши сабабли ҳаром қилинган ишлар баёнида” деб номланади.

² 1900 йилда Шарифжон маҳдум Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоеъ” кўлёмасини Ҳашматдан сўраб олганидан кейин ундан бир нусха кўчиришни Абдулвоҳид Мунзимга топширади. У топшириқни бажарганидан кейин Садриддин Айний билан бирга кўчирилган нусхани асл нусха билан солиштириб, хато-камчиликларини тузатишади. “Бу китоб, - деб ёзади Айний, - бизларга шунчалик таъсир қилдики, бизнинг амир, вазир, мулларга ва умуман, ўша давр ҳаётига қарашимиз деярли батамом ўзгарди” (Айний Садриддин. Эсдаликлар. 8 томлик. 1 том. –Тошкент, 1965. –Б.58). Кейинчалик мазкур асарни Шарифжон маҳдум хонадонидagi мунозараларда фаол қатнашадиган маслакдошлардан Аҳмаджон маҳдум Ҳамдий, Ҳамидхўжа Меҳрий, Шоҳин ва яна бир қатор маърифатпарварлар ташналиқ билан мутолаа этишади.

жоҳиллар билан баҳслашиш борасида муфти Икром журъат этиб жасорат кўрсатди. XIX асрнинг иккинчи ярмида бундай жасоратни домулло Абдушукур Оят – Садри Зиёнинг отаси кўрсатган бўлиб, Икром муфти унинг шогирди эди.

“Тазкори ашъор”ни ёзишдан асосий мақсад, Бухоро адабий муҳитида пайдо бўлган “янги шеър” (“шеъри нав”) ва “янги услуб” (“услуби тоза”) билан таништириш бўлган. Аксарият адабиётшунослар “янги шеър” (“шеъри нав”, “шеъри сафед”, “шеъри модерн”)ни адабиётда XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар. У Эрону Афғонистондан Ўрта Осиёга кириб келган деган қарашлар мавжуд. “Тазкори ашъор” муаллифи маълумотларига кўра, янги шеър ва янги услуб 1905-1907 йилларда пайдо бўлган [11].

Садри Зиё тазкиралари назмда битилган бўлиб, асосан Бухоро адабий муҳити намояндалари ва уларнинг асарларини зикр қилган. Бизнингча, Садри Зиё ўз даврининг машҳур сиймолари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлган. Унинг ташаббуси билан Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоеъ”[21], Қори Раҳматуллоҳ Возехнинг “Тухфат ул-аҳбоб”, Шамсиддин Шохиннинг “Бадоеъ-ус-саноеъ” ва бошқа шу каби XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган адибларнинг қўлёзмалари китоб ҳолига келтирилган. XX асрнинг бошларида ушбу маърифатпарварларнинг асарлари тараққийпарварлар орасида янада оммалашди, тадбиқ этилди.

Хулоса тарзида таъкидлаш мумкинки, XIX аср охири-XX аср бошларидаги мураккаб иқтисодий-сиёсий вазиятга қарамадан Бухоро амирлигида илмий, адабий муҳит ривожланди, тараққий этди. Мустамлакачилар илм-маърифатга интилиш, илғор ғоялар ва озодликка интилиш истагини бўғиб ташлай олмадилар. Ушбу муҳитда вояга етиб, фаолият юритган ижодкорларнинг ҳаёти ва адабий мероси бугунги кунда тарихчи ва адабиётшунослар томонидан муфассал ўрганилмоқда. Бу даврда Қори Раҳматуллоҳ Возех, Аҳмад Дониш, Шамсиддин Шохин, Абдуқодирхўжа Савдо, Мирзо Абдулазим Сомий, Ҳайит Саҳбо, Шарифжон Садри Зиё каби кўплаб маърифатпарварлар яшаб, ижод қилди. Аҳмад Дониш ва Садри Зиёнинг маърифатпарварлик давралари илмий, адабий муҳит вакилларининг ижоди ва сиёсий дунёқарашига маълум даражада таъсир кўрсатган. Бир сўз билан айтганда, бу йиғинлар бир гуруҳ XX аср тараққийпарварларини тарбиялаб етиштирган ўзига хос мактаб вазифасини ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айний С. Эсдаликлар. 6-жилд. –Тошкент, 1965. –Б. 10; 31-32; 22;23.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8 том. –Тошкент, 2005. –Б. 41-42; 104
3. Возих Қори Раҳматуллоҳ. Тухфату-л-аҳбоб фи тазкирати-л-асҳоб. –Тошкент, 1332/1913-1914.
4. Шаръий Хўжа Азим. Тазкирату-ш-шуаро / Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 3393/III рақам.
5. Пирмастий Афзал Маҳдум. Афзал ут-тазкор фи зикри-ш-шуаро ва-л-ашъор. – Тошкент, 1336/1917-1918.
6. Абдӣ Абдуллоҳожа. Абди, Абдуллоҳожа. Тазкират уш-шуъаро/Абдуллоҳожа Абди// бо тасҳех ва муқаддимаи Асгари Чонфидо. Зери назари Саҳобиддин Сиддиқов. –Душанбе: Дониш, 1983.
7. Мухтарам, Ҳожи Неъматуллоҳ. Тазкират-уш-шуаро // Бо тасҳех ва муқаддимаи Асгари Чонфидо. Зери назари Камол Айни. –Душанбе: Дониш, 1975.
8. Хади-заде Расул. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX века. – Сталинобод: Госиздат. 1956. –С.-67; 24;
9. Эшонқулов И. Таҳлилу баррасии ду сарчашмаи муҳим (дар мисоли “Тазкират-уш-шуаро”-и Мирсиддиқхони Хашмат ва “Тазкори ашъор”и Шарифжон маҳдуми Садри Зиё) // Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. III-тўплам.-Тошкент, 2012. –Б.207-214.
10. Шарифджан маҳдум Садри Зийа. Тазкори ашъор / Мусаҳҳих С.Сиддиқи. Ба кушиши Мухаммаджан Шуқуров. – Тихрон: Суруш, 1380 (2002). – С. 25; 85; 167; 348; 304; 41;152
11. Шақури, М. Садри Бухоро. Чопи дуввум. Бо тасҳех, такмил ва иловаҳо / М.Шақури. –Душанбе: Деваштич, 2005. – С. 108; 20-23; 114.
12. Воҳидов Ш., Чориев З. Садри-и Зия и его библиотека. –Т., 2007. (CLX)
13. Зиё Садри Бухорий: кутубхонамадаги китоблар ҳақида...(Бухоро илмий-адабий муҳитига оид материаллар). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 133-137; 130;138;125-127;

14. Садри Зиё. Наводири Зиёя / Тоҷик тилидан таржима, кириш, изоҳлар муаллифи т.ф.н. Аминов Б. Исмлар, тарихий-географик номлар кўрсаткичи Замонов А. томонидан тайёрланган. – Тошкент: “BAYOZ”, 2017. – Б. 60; 55-60; 105;102-105
15. Тошова Ш. Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тухфаи шохий” асари тарихий манба сифатида. /тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – мТошкент, 2012. –Б. 52.
16. Мирза Абдал Азим Самий. Тарих-и салатин-и мангити-йа. (История мангитских правителей). Перевод, издание текста и прим.Л.М.Елифановой. –Москва, 1962.
17. Ходизода Р. Адабиёти тоҷик дар нимаи дуввуми асри XIX. – Душанбе: Дониш, 1968. –Б. 111.
18. Воҳидов Ш.Х. Домулло Икромча Муфти Бухори (1847-1925): жизнь и деятельность. // Иран-наме. – №9-2. 0252. – С.101-102.
19. Жамолова Д.М. Ислохотчи муфти // Мозийдан садо. –Тошкент, 2017. - № 3. –Б. 37-39.
20. Жамолова Д.М. Домла Муҳаммад Икром Муфти Бухорийнинг илмий мероси (“Ийқозу-н-ноимийн ва иълуму-л-жоҳилийн” асари ҳақида) // “Марказий Осиё ва ислом цивилизацияси” мавзудаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент, 2018. – Б. 66-68.
21. Айни С. Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе, 1987. – Б.218.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАРДА ШАКЛЛАНГАН АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Тўраев Ш.Р., Рўзиқулова Л.А. (ҚарДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган анъанавий хўжалиги ҳисобланган деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик ва у билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлар XX-XXI аср тарихшунослиги контекстида таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *ижтимоий-иқтисодий, эътиқод, дин, геосиёсат, Ислом тарихи, ижтимоий модернизация, аграр муносабат, анъанавий хўжалик, этнография, этнология.*

Аннотация. В данной статье в контексте историографии XX-XXI веков анализируются земледелие, животноводство и ремесла, являющиеся формировавшимся веками традиционным хозяйством узбекского народа, и связанные с ними обычаи и обряды.

Ключевые слова: социально-экономический, вера, религия, геополитический, исламская история, социальная модернизация, аграрные отношения, традиционное хозяйство, этнография, этнология.

Annotation. In this article, in the context of the historiography of the XX-XXI centuries, agriculture, animal husbandry and crafts, which have been formed over the centuries, the traditional economy of the Uzbek people, and the customs and rituals associated with them are analyzed.

Keywords: *socio-economic, faith, religion, geopolitical, Islamic history, social modernization, agrarian relations, traditional economy, ethnographic, ethnological.*

Бугунги кунда жаҳон халқларнинг хўжалик юритиш маданияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги тараққиётининг жадаллашуви турли эътиқод, дин ва миллатга мансуб халқлар ўртасида интеграциялашув жараёнини шиддат билан боришига асос бўлмоқда. Тарихий тараққиётнинг турли босқичларида инсониятнинг ҳаёт кечиришини таъминлашга замин бўлган ер, сув ва ҳамда табиий ресурслар истеъмол ва хўжалик ишлаб чиқаришда анъанавий шунингдек, интенсив шаклланининг турли халқлар ва минтақаларга хос бўлган хўжалик тажрибалари ва анъаналарини тарихини ўрганиш долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Дунёнинг турли геосиёсий вазият ҳукмрон бўлган минтақаларида яшаб келаётган халқларининг ўзига хос хўжалик-маданий анъаналарини этнографик, этнологик ва ҳамда хўжалик тарихи нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда ўрганиш миллий, маданий ва минтақавий хусусиятларини аниқлаш жаҳондаги Марказий Евроосиё тадқиқотлар жамияти (Central Eurasian Studies Society - CESS), Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази (Research Centre For Islamic History, Art and Culture – IRCICA), Марказий Осиё тадқиқотлари бўйича Европа жамияти (European Society for Central Asian Studies -

ESCAS), Халқаро Осиё тадқиқотлар институти (The International Institute for Asian Studies – IIAS) каби етакчи илмий марказларда тадқиқ этилаётган долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади [1]. Ижтимоий модернизация жараёнлари иқтисодий муносабатлар тизимида хўжалик ҳаётининг ривожланиш тенденциялари, анъанавий хўжалик турларининг трансформацияси ва уларнинг тараққиёт динамикасини тарихшунослик аспектида тадқиқ этиш заруриятини юзага келтирди.

Ўзбекистонда узоқ тарих давомида шаклланиб, истиқомат қилиб келаётган халқларнинг аграр муносабатлар билан боғлиқ анъанавий хўжалик масалалари амалий тажрибаларини илмий ўрганиш тарих, этнология, археология каби ижтимоий фан тармоқларининг асосий устувор вазифаларини ташкил этди. Бу каби хўжалик масалалари доирасида олиб борилган тадқиқотлар асосида тарихий билимларнинг ривожланиш динамикасини турли тарихий даврлар контекстида кўрсатиб бериш нафақат илмий, айни пайтда амалий жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон халқларнинг турмуш тарзи, хўжалик ҳаётини ўрганиш доимо илмий-амалий аҳамиятга молик масала ҳисобланган. Ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги билан бевосита боғлиқ тадқиқотлар тарихшунослигини ўрганишда илмий адабиётлар хусусиятидан келиб чиқиб, уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) ўрганилаётган муаммо ва белгиланган вазифалар асосида бажарилган махсус тарихшунослик ишлари; 2) бевосита анъанавий хўжалик масалаларини ёритиш жараёнида унинг тарихшунослик таҳлилларига асосланган тадқиқотлар; 3) хорижий тадқиқотчилар томонидан ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги ўрганилган асарлар.

Биринчи гуруҳ тадқиқотларига махсус тарихшунослик ишлари жалб этилган бўлиб, уларда муаммонинг назарий-методологик жиҳатлари акс эттирилган бўлиб, ушбу гуруҳ тадқиқотчиларининг асарлари халқимизнинг хўжалик маданияти тарихшунослигига бевосита алоқадорлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, Б. Лунин [2], Д. Алимова [3], К. Иноятов [4], А. Дониёров [5], Ю. Мамазоитоваларнинг [6] илмий асарларида ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган анъанавий хўжалиги, халқ хўжалиги ва аграр муносабатлар замирида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш тенденцияларига бағишланган кенг кўламдаги тадқиқотларнинг тарихшунослик таҳлиliga эътибор қаратилган.

Иккинчи гуруҳга тегишли бўлган тарихий, этнографик ва этнологик ишларда хўжалик анъаналари ёки уларнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилиши билан бир қаторда, муаммонинг тарихшунослигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, ўзбек халқи деҳқончилиги, чорвачилиги ва хунармандчилиги анъаналари тарихига оид маълумотлар М. Сазонова [7], У. Абдуллаев [8], А. Аширов [9], Ф. Раҳмонов [10], З. Исоқов [11], С. Давлатовалар [12] томонидан олиб борилган тадқиқотларда келтириб ўтилган.

Учинчи гуруҳга бевосита ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги тарихшунослигига оид илмий тадқиқотлар доирасига кирмада, С. Абашин [13], Н. Крадин [14], Акиро Уэдо [14], А. Куришов [16], В. Побережниковлар [17] каби хорижий олимларнинг ўзбек халқи хўжалик анъаналарининг минтақавий хусусиятлари билан боғлиқ асарларини киритиш мумкин.

Ўзбек халқининг анъанавий хўжалик тармоқлари ҳисобланган деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик йўналишларда XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида этнографик ва этнологик тадқиқотлар минтақавий (Фарғона водийси, Тошкент, Зарафшон, Хоразм воҳалари ва Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари) мисолида амалга оширилган. Хусусан, С. Губаева, Ш. Абдуллаев, У. Абдуллаев, В. Ҳақлиев, А. Аширов, З. Исоқов, А. Саримсоқовлар ўз тадқиқотларида Фарғона водийси аҳолисининг хўжалик ҳаёти, этнослараро хўжалик-иқтисодий алоқалари, табиат билан боғлиқ қарашлари, деҳқончилик ҳамда ердан жамоавий асосда фойдаланиш анъаналари ҳақида муҳим маълумотлар берадилар.

Этнолог тадқиқотчи олимлардан О. Бўриев, Ф. Раҳмонов, А. Қаюмов, А. Маликов, С. Давлатова, А. Тагаев, К.Шониёзов, С.Турсунов, Н. Турсунов, А.Қурбонов, М.Файзуллаева, М.Ибрагимовалар муаммовий-худудий ёндашув асосидаги Зарафшон, Тошкент воҳалари, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари бўйича тадқиқотлар олиб бориб, нафақат анъанавий хўжаликдаги ўзига хосликлар, балки деҳқончилик ва у билан боғлиқ урф-одатлар, қишлоқ аҳолисининг замонавий хўжалик ҳаётидаги ўзгаришлар билан боғлиқ асарлар яратдилар.

Ўзбек халқининг худудлар кесимидаги анъанавий хунармандчилиги ва унинг ривож масалаларини Қ. Жумаев, Р. Қиличев (Бухоро), М. Ҳамидова (Қашқадарё), Б. Фармонова (Фарғона)ларнинг тадқиқотларида кузатиш мумкин.

Ўзбекистоннинг турли тарихий-маданий минтақалари аҳолисининг этник тарихи ҳамда этнослараро жараёнларида анъанавий хўжалик, савдо-сотик алоқаларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш, аграр соҳадаги ислохотлар, асрий хўжалик анъаналарининг тикланиши каби масалалар этнологик, этносоциологик жиҳатдан таҳлил этилган қатор мақола ва монографияларда ўз аксини топган.

Юқоридаги илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги масалаларини ўрганилишига оид асарларни шартли равишда қуйидаги йўналишлар бўйича бўлиш ва таҳлил этиш мумкин: 1.Қадимдан шаклланиб келган ер билан боғлиқ деҳқончилик хўжалиги ва у билан боғлиқ урф-одат, анъаналарга оид тадқиқотлар; 2.Чорвачилик хўжалиги ва чорвадор қабилаларга мансуб урф-одатлар таҳлил қилинган ишлар; 3.Хунармандчилик, унинг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсири ёритилган илмий адабиётлар.

Хуллас, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги фаолияти, хўжалик-маданий анъаналари ҳамда у билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари каби мавзулар тарихий-этнографик, этнологик, этносоциологик тадқиқотларда кенг ўрганилган. Бироқ, ҳозиргача анъанавий хўжалик масалалари комплекс ўрганилган этнологик тадқиқотларнинг тарихшунослик таҳлили амалга оширилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Одилов Б. А. XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари тадқиқотларида Ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги масалалари: Тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. ... автореф. –Б. 5.
2. Лунин Б. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане: Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917 гг.). – Ташкент, 1958 – 322 с.
- 3.Алимова Д. А. К вопросу о взаимодействии кочевой и оседлой культур народов Центральной Азии: историографический аспект / История как история, история как наука. – Ташкент: Узбекистан, 2008. – С. 80–94.
- 5.Дониёров А. Этнографические исследования в Узбекистане в XX веке: основные этапы, проблемы, перспективы развития: Дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 80 б.
- 6.Мамазаитова Ю. Х. Сельское хозяйство Узбекистана в отечественной исторической литературе (от завоевания Средней Азии до обретения независимости): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995.
- 7.Сазонова М. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л., 1978. – 95 с.
- 8.Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 215 б.
- 9.Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007. – 275 б.
- 10.Рахмонов Ф. Обычаи и обряды населения Кашкадарьинского оазиса связанные с земледелием (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002. – 24 б.
- 11.Исоқов З. С. Характерные особенности традиционного земледельческого хозяйства Ферганской долины в конце XIX – начале XX века: Автореф. Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2011 –144 б.
- 12.Давлатова С. Т. Мустамлакачилик даврида Туркистонда хунармандчилик: анъана ва ривожланиш муаммолари // O'zbekiston tarixi. – 2013. – №1. – Б. 12–22.
13. Абашин С. Социальные взаимоотношения в современном узбекском кишлаке: по материалам Ферганской долины: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – М., 1997.
- 14.Крадин Н. Кочевники Евразии Казахстан. – Алматы, 2007. – С. 357.
- 15.Akira Ueda. How did the Nomads ct during the 1916 Revoltin Russian Turkistan? // Journal of Asian Network for GIS-based Historical Studies Vol.1 (Nov. 2013) 33-44.
- 16.Курышов А. М. Традиционное хозяйство в научно-историческом дискурсе // Иркутский историко-экономический ежегодник. 2019. – С.451 – 458.
- 17.Побережников В. И. Переход от традиционного к индустриальному обществу: теоретико-методологические проблемы модернизации. –М.: РОССПЭН, 2006. – 240 с.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

МУЗЕЙЛАР – ХАЛҚ ТАРИХИНИНГ КЎЗГУСИ

Сайфуллаева Ю. (Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Музейшунослик кафедраси)

Аннотация. Мақолада юртимиз ва дунёдаги музейлар фаолияти, уларнинг халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш, миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши ва халқлар ўртасида ҳамфикрликни ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, музейларнинг халқаро майдонга чиқиши билан уларнинг таъсир доираси кенгайиб бораётгани ҳам эътироф этилган.

Таянч сўзлар: музей, музейшунослик, меъморий ёдгорликлар, хотира, маъбуд, ҳайкал, муза, қимматбаҳо ашё, гўзал санъат асарлари.

Аннотация. В статье рассматривается деятельность музеев в нашей стране и мире, их большой вклад в расширение международных культурных связей, взаимообогащение национальных культур, развитие консенсуса между народами. Также признано, что сфера влияния музеев расширяется по мере их выхода на международную арену.

Ключевые слова: музей, музеология, памятники архитектуры, память, богиня, статуя, муза, драгоценный предмет, прекрасное произведение искусства.

Annotation. The article discusses the activities of museums in our country and the world, their great contribution to the expansion of international cultural relations, the mutual enrichment of national cultures, and the development of consensus among peoples. It is also recognized that the scope of influence of museums is expanding as they enter the international arena.

Key words: museum, museology, architectural monuments, memory, goddess, statue, muse, precious object, beautiful work of art.

Музейлар маданий-маърифий муассаса сифатида тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш билан умуммаданий ишга муносиб ҳисса қўшиб келади. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда музейшунослик соҳаларининг ривожланишида Уйғониш даври бўлди десак, муболаға бўлмайди. Бу, айниқса, янги музейлар ташкил этилишида яққол кўзга ташланади. Фикримиз далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи, Шаҳрисабз шаҳрида “Мақом музейи”, “Сармишсой”, “Шаҳрисабз”, “Термиз” ва “Кўкон” давлат музей-кўриқхоналари, Эркин Воҳидов мемориал музейи ҳамда Ҳазиний уй-музейи ва шу каби бошқа бир қатор музейлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлис қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида “...мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳар бир музейнинг каталогини яратиш лозим”, деб қайд этгандилар. Дарҳақиқат, музей коллекцияларини комплекшлаш мазкур соҳадаги энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

“Музей халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсақ, у шу халқнинг фарзандлари – келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат”, деганди Биринчи президентимиз Ислом Каримов.

Республикаимиз Президентининг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони музей ва музей ходимларининг ҳаётида катта аҳамият касб этди. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида юзлаб музейлар, шулар қаторида ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбобларининг уй музейлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Музейлар маданий-маърифий муассаса ҳисобланиб, унинг вазифаси тарихий ҳужжатлар, маданий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, табиий бойликлардан намуналар жамлаш ва сақлаш, уларни илмий жиҳатдан ўрганиб кўргазмаларга қўйиш ва кенг халқ оmmasига ҳавола қилишдан иборат. Музейлар халқнинг тарихий тараққиёт жараёнида

ривожланиб бориши, қўлга киритган ютуқлари ҳамда қолдирган бой маданий-маънавий мероси хусусида жуда катта билимлар беради. Шунингдек, улар маданий-маърифий муассаса сифатида кенг оммани маънавий камолотга етказишнинг энг етакчи воситаларидан ҳисобланади. Чунки, музейларда сақлаб, намойиш этилаётган тарихий ҳужжат ва халқ маданиятига оид осори-атиқалар янги авлодга аждодлари ўтмиши, ҳаёти, юксак маънавиятидан дарак бериб, унинг воситасида Ватанга бўлган муҳаббат, ота-боболари қолдирган маданий меросга нисбатан ҳурмат, эъзоз, уларга муносиб ворислар бўлиш туйғусини уйғотади.

Мамлакатимизда очик осмон остидаги музейлар ҳам талайгина, булар сирасига буюк тарихий шаҳарлар – очик осмон остидаги ёдгорлик – меъморий иншоотлар киради. Бунга кўҳна Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги тарихий меъморий ёдгорликларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бундан ташқари, Имом Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий ва бошқа улуғ алломалар хотираси шарафига бунёд этилган қошоналар, ҳайкал ва майдонлар ҳам очик турдаги музейлар ҳисобланади. Бу музейларда халқнинг кўп йиллик меъморий тажрибаси, билими, маданияти ва маънавияти яққол намоён бўлади.

Музей – юнонча атама бўлиб, муза сўзидан келиб чиққан, қадимги Юнон мифологиясида санъат ва фан маъбудалари музалар, деб юритилган. Музалар, яъни маъбудалар ёки худолар шоир ва санъаткорларга илҳом беради, деб эътиқод қилинган. Шунинг учун антик поэзия асарларининг бошида кўпинча Музага мурожаат қилинган. Муза образи Европа тасвирий санъатида ўз ифодасини топган.

Маъбудалар – турли шаклдаги ҳайкаллар алоҳида эҳтиром билан муқаддас саналган иморатларда сақланган. Одамлар маъбудаларни зиёрат қила туриб, орзу-истакларини амалга оширишини тилаганлар. Натижада музалар жойлашган даргоҳ инсонларнинг зиёратгоҳига айланган. Бу даргоҳда энг асл буюмлар, нодир, қимматбаҳо ашёлар ва гўзал санъат асарлари ҳам сақлана бошлаган. Улар бу бино саҳнини безаш билан бирга, зиёратчилар қалбида ҳам алоҳида таассурот қолдирган. “Музеун”, бу - гўзал буюмлар сақланадиган, илҳом парилари тўпланадиган жой, деган маънони англатади.

Музейлар – тарих кўзгуси. Халқ ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзини ифода этувчи нимаики бўлса, шу ерда жамланади. Халқнинг маънавий дунёсини бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ҳам музейларнинг ўрни бекиёс. Шу боис ҳар йили 18 май – Халқаро музейлар куни сифатида бутун дунёда кенг нишонланади. Бу кунда музейлар фаолиятига кенг эътибор қаратилиб, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Музейлар аждодларимиздан бизга мерос бўлган бойликни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазина бўлиб, у йиллар давомида бойиб, тўлиб боради. Ҳар бир давлат тараққиёт сари одимлар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ҳамда қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий. Бу борада эса музейларнинг ўрни бекиёс. Чунки улар ўтмишдан келган маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимга солинган йиғиндиси бўлиб, амалдаги қонун-қоидага мувофиқ сақланади ва намойиш қилинади.

Ўзбекистонда музейлар XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил этила бошлаган. XX аср бошларида мамлакатимизда фақат 3 та музей бўлган. Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб турли соҳадаги музейлар ташкил этила бошланган. Музейлар ва маданият ёдгорликлари давлат ихтиёрига ўтказилиб, муҳофазага олинган. Илмий экспедициялар уюштирилиб, Музейлар учун коллекциялар тўплаш иши йўлга қўйилган. Ҳозир Ўзбекистондаги музейларнинг асосий қисми Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги қарамоғида. Ҳозирда Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон санъат музейи, А. Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи, Ўзбекистон табиат музейи каби йирик музейларимиз фаолият юритиб келади, Республиканинг деярли барча вилоятларида ўлкашунослик музейлари, жаҳон аҳамиятига молик мемориал музейлар мавжуд.

Мамлакатимиздаги музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маркетинг сиёсати ва хизматлар соҳасини комплекс ривожлантириш, музейларга инновацион технологияларни самарали қўллаш, шунингдек, музейларда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврлари, буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига оид замонавий янги экспозицияларни яратиш, музей тўпламларидаги бой тарихий ва маданий меросимизни кенг тарғиб қилиш мақсадида 2022 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарор музейлар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, юртимизда музейлар, маданий мерос объектларига давлат даражасидаги аҳамиятли вазифа сифатида қаралади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Хива шаҳридаги “Ичан-қалъа”, “Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси” объекти, Бухоро ва Шаҳрисабз тарихий марказлари ҳамда Чотқол биосфераси ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Музейларга эътибор тобора ошмоқда. 1977 йилдан буён дунёда анъанавий тарзда 18 май Халқаро музейлар куни сифатида нишонланиб келинмоқда. Мустақиллик йилларидан бошлаб бу сана Ўзбекистонда ҳам нишонланиб келинаётгани қувонарли ҳол.

1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ўзининг салоҳияти ҳамда бадиий ижод соҳасида мутахассис кадрларни етказиб берувчи Марказий Осиёда ягона бўлган олий таълим муассасаси - Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ташкил этилиб, Институт қошида эса илк бор музейшунос мутахассис кадрларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган йўналиш очилди. Бу албатта, Ўзбекистон тарихида музейшуносликнинг фан сифатида ривожланиши учун қўйилган тамал тоши бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Музейлар фаолиятини такомиллаштириш ички ва ташқи туризмнинг ривожланишига олиб келади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризмни ривожлантириш борасидаги қуйидаги фикрларни билдириб ўтдилар: “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири – бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш зарур. Ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозим”.

Дарҳақиқат, музейларимиз, маданий мерос объектларимиз ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Қолаверса, юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда турли йўналишда 1200 дан ортиқ давлат ва нодавлат музейлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ажодларимиздан бизга мерос бўлган бойликни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазинадир.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мамлакатимиз бўйича жами 8208 та маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Шундан 354 таси пойтахтимиз Тошкент шаҳрида жойлашган.

Наишра т. ф. д. Г. Мўминова тавсия этган

**2018–2021 ЙИЛЛАРДА БУХОРО ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИГА
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ: ЕЧИМ ВА МУАММОЛАР****Туйев Ф. Э.** (БухДУ)

Аннотатсия. Бухоро вилоятида инвестиция киритиш йилдан йилга ортиб борган. 2018-2021 йиллар мобайнида ҳам чет эл давлатлари билан ушбу йўналишларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, бир қатор қўшма корхоналар ташкил қилинган.

Таянч сўзлар: *республика, иқтисодиёт, инвестициялар, Бухоро, вилоят, кичик корхона, микрофирмалар, дебиторлик, ташкилот, чет эл, АҚШ доллари.*

Аннотация. Инвестиции в Бухарскую область с каждым годом увеличиваются. В течение 2018-2021 гг. расширились кооперационные отношения с зарубежными странами по этим направлениям, создан ряд совместных предприятий.

Ключевые слова: *республика, экономика, инвестиции, Бухара, регион, малый бизнес, микрофирмы, дебиторская задолженность, организация, иностранная валюта, доллар США.*

Annotation. Investments in Bukhara region have been increasing year by year. During 2018-2021, cooperation relations with foreign countries in these directions have expanded and a number of joint ventures have been established.

Key words: *Republic, Economy, Investments, Bukhara, Region, Small business, Micro-firms, Receivables, Organization, Foreign, US dollar.*

Бухоро вилоятига инвестиция киритиш йилдан-йилга ортиб борган. 2018-2021 йиллар мобайнида ҳам чет эл давлатлари билан ушбу йўналишларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, жумладан 2019 йил 30-31 март кунлари Бухоро вилоят ҳокимининг фармойиши (12.03.2019 йилдаги 74-Ф-сон) Ф.Ю.Т.га мувофиқ вилоятда фаолият юритувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда сармоялар кўпайтиришни ташкил этиш ва етказишда амалий ёрдам йўлга қўйилди. Бу борада махсус анжуман ташкил этилиб, Бухорода Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг қўллаб қувватлаши билан 25 дан ортиқ хорижий компания вакиллари ва хорижий инвесторларнинг иштироки таъминланди. Вилоят ҳокимлиги таклифига биноан инвестиция форумининг 30 нафар чет эллик иштирокчилари учун виза (чақирув) сўровларини тезкорлик билан қўриб чиқиш тартиби жорий этилди. Мазкур форум якунлари бўйича “Бухоро агро”, “Ғиждувон” эркин иқтисодий зона дирекциялари, вилоят, туман ва шаҳарлари ҳокимликлар ҳамда хорижий компаниялар ўртасида жами: 393,0 миллион АҚШ доллари ҳиссасида инвестиция шартномалари имзоланди [4. 28].

2020 йилда асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 5866,1 млрд. сўми, 2019 йилда асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 5585,4 млрд. сўми ташкил этди [5. 41].

2020 йилда вилоятда 5659,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилга нисбатан 117,0 фоизни ва қурилиш ишларидаги улуши 6,4 фоизни ташкил қилган. 2020 йилда чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 15,2 фоизни ташкил қилганди. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 25,2 фоизни ташкил қилганди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг умумий товар айланмасидаги улуши 59,6 фоизга тенг бўлди [3. 3].

2021 йилнинг январь ойидан токим октябрь ойигача бўлган даврда Бухоро вилоятида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий қиймати 13805,4 миллиард сўмга етиб 2020 йилнинг худди шу даврига нисбатан қиёсланганда ўсиш суръати 125,1 фоизга кўтарилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Шунингдек, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми давлат ихтиёрида бўлган давлат ташкилотлари томонидан 2001,1 миллиард сўмга етказилган бўлса, нодавлат ташкилотлар улуши 11804,4 миллиард сўм эди. Таъкидлаш лозимки, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби бўйича қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 5834,4 миллиард сўми, асбоб-ускуна ва жиҳозлар қиймати 7189,9 миллиард сўм ва бошқа капитал ишлар ва харажатлар қиймати 781,1 миллиард сўми ташкил қилган [2. 3].

2022 йилнинг 1 январь ҳолатида 2021 йилдаги юқорида қайд этилган инвестиция ҳажми ошиб, Бухоро вилоятида октябрь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 18995,6 миллиард сўми ташкил қилганди. 2020 йилга нисбатан қиёслайдиган бўлсак, умумий ўсиш суръати 136,4 фоизга етган. Жумладан, асосий капиталга киритилган инвестициялар қиймати давлат

ташкilotлари томонидан 2595 миллиард сўмни, ҳамда нодавлат ташкilotлари томонидан 16400,6 миллиард сўмни ташкilot этган. Шунингдек, вилоятга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби бўйича қурилиш-монтаж ишлари қиймати 8343,2 миллиард сўмни, асбоб-ускуна ва жиҳозлар қиймати 9542,1 миллиард сўм, шунга ўхшаган бошқа капитал ишлар ва харажатлар қиймати 1110,3 миллиард сўмни ташкilot қилган [3.3]. Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар ҳақиқатдан ҳам 1991-2021 йилларда Бухоро вилоятининг иктисодий аҳволини йиллар давомида яхшиланиб ўсиб борганлигини кўрсатади. Лекин шу ривожланиш билан бирга ушбу соҳада бир қатор камчилик ва муаммолар юз бергани яққол кўзга ташланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкilot раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари [б. 6-7 сон] ижроси юзасидан доимий равишда назорат ва текширишлар ўтказилиб, унинг натижасига кўра аниқланган ҳар бир конун бузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш чора-тадбирлари қўлланилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайд этган фармонлари ижроси бўйича 1998 йил май ойидан 1998 йил 25 ноябрга қадар бир неча марта Бухоро вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши ўтказилиб, тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, ушбу тадбирлар асосида иш олиб борилганди. Мазкур Фармон асосида вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам тегишли тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Бундан ташқари, юқоридаги тадбирлар прокурори томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларига аниқ вазифаларни белгилаган ҳолда топшириқлар берилиб, улар асосида олиб борилган ишлар ҳар 20 кунда таҳлил қилиниб, ушбу таҳлиллардан келиб чиқилган ҳолда, топшириқлар ва улар асосида ўтказилган режали текширишлар такомиллаштириб жамлаб, бу тўғрида ҳар ойда Республика Прокуратурасига ахборотлар бериб борилган. Ушбу тадбирлар асосида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 1998 йил 1 ноябрь ҳолатида вилоятдаги минтақавий комиссия томонидан молиявий ҳисоб-китоблар ўтказилиши натижасига кўра жами: 8,1 млрд сўм дебиторлик ва 9,7 млрд сўм кредиторлик қарзлари, шундан банк ичида ўзаро ҳисоб-китоблар асосида 5,6 млрд сўмлик дебиторлик қарзлари камайтирилган. Шунингдек, фақат вилоят прокуратураси идоралари томонидан 1998 йилнинг ўтган 10 ойи давомида Республика Президентининг ушбу фармонининг жойларда бажарилиши юзасидан ўтказилган текшириш натижасига кўра, прокуратура идораларининг аралашуви билан 500 млн сўмлик дебитор қарзлари ундирилиб, шунча миқдорда кредиторлик қарзларининг камайтирилиши таъминланганди, корхона ва хўжаликлар фойдасига муддати ўтган 200 млн сўмлик дебиторлик қарзларини ундириб бериш тўғрисида вилоят хўжалик судига 72 та даъво аризаси киритилиб, уни қаноатлантирилиши таъминланган, шунингдек аниқланган конунбузарликларни зудлик билан бартараф этиш тўғрисида 265 та мансабдор шахсларга ҳайфсан берилган, ушбу конун талабларини бузмаслик тўғрисида 947 нафар мансабдор шахслар расман оғохлантирилиб, 394 та раҳбар ходимлар маъмурий жавобгарликка тортилган, ҳамда маҳаллий ҳокимликларга 18 та тақдимнома ва 12 та ахборотномалар юборилган, мансабдор шахсларга нисбатан 42 та жинойт иши кўзгатилиб 80 та раҳбар ходимлар жинойт жавобгарликка тортилган ва уларга суд ҳукмига кўра тегишли жазо чораси қўлланилган. Юқоридаги чораларга қарамадан вилоятда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари йилдан йилга кўпайиб борган. Ушбу фикрни вилоят статистика бошқармаси маълумотлари тасдиқлайди. 1998 йилнинг 1 январь ҳолатида жами дебиторлик қарзлар 17 млрд 17 млн сўмни, шундан муддати ўтгани 4 млрд 836 млн сўмни, кредиторлик қарзлари эса 17 млрд 178 млн сўмни, шундан муддати ўтгани 6 млрд 200 млн сўмни ташкilot қилган.

Ушбу дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг купайиб бораётганлигининг асосий сабаблари, вилоятдаги корхона ва ташкilot раҳбарларининг кўпчилиги Республика Президентининг қайд этилган Фармон талабларига риоя қилмасдан ва уни бажармасдан, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ғараз ва паст ниятларни кўзлаб, корхона ва ташкilotлар билан олдиндан ҳисоб-китоб ишларини амалга оширмаган.

Прокуратура томонидан "Пахтасаноатсотиш" ҳиссадорлик бирлашмасининг жойлардаги тизимларида Республика Президентининг (1995-1996 йиллар) қайд этилган Фармони ижроси юзасидан ушбу йўналишда текшириш ўтказилганда, бирлашмага қарашли айрим пахта тозалаш заводлари раҳбарлари томонидан юқоридаги Фармон талабларига зид равишда мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб конун бузилиш ҳолларига йул қўйилгани аниқланган.

Ушбу ҳолатда Когон шаҳридаги "Олтин-тола" ҳиссадорлик жамияти раҳбарларининг конунсиз ҳаракатлари оқибатида ҳам хўжаликларга ўз вақтида олинган маҳсулотни пулини қайтармасдан уларнинг манфаатларига зарар етказилган [1. 63-70].

Қайд этилган конунбузилиш ҳолатлари вилоят “Пахтасаноатсотиш” бирлашмаси Пешку, Шофиркон, Ромитан, Корақўл ва бошқа пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари томонидан ҳам содир этилгани аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан текшириш ишлари олиб борилган.

Бундан ташқари, вилоят “Тайёрловсавдо” ҳиссадорлик жамияти раҳбари томонидан 1995 йил давомида Россия Федерациясининг Курган шаҳридаги “Россия савдо уйи” корхонаси билан махсулот айирбошлаш тўғрисида шартнома тузилган, ушбу шартномага асосан юқоридаги кичик корхонага Республика Президентининг юқоридаги Фармони талабларига зид равишда олдиндан 15 фоизлик тўловни ҳам амалга оширмасдан Бухоро шаҳридаги “Тайёрловсавдо” базасидан 2 млн 41 сумлик, Шофиркон тумани “Тайёрловсавдо” корхонасидан жами 900 минг сўмлик, Қоровулбозор “Тайёрловсавдо” корхонасидан 96 минг сўмлик, ҳамда Когон “Тайёрловсавдо” корхонасидан 46.000 сўмлик махсулотларни бепул бериб юборилган. Лекин ушбу корхоналардан 1998 йил 25 ноябрга қадар юқорида жами 3 млн 100 минг сўмлик махсулотни пули олинмасдан вилоят тайёрловсавдо идораси бухгалтерия ҳисобларида умидсиз дебиторлик қарз бўлиб келганлиги маълум бўлганди.

Чунки, ушбу ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси ходимлари томонидан Курган шаҳрида бориб, текшириш ўтказганларида “Россия савдо уйи” кичик корхонаси банкротга учраб уни директори қамалиб, кичик корхона фаолияти тугатилгани, ҳамда вилоят “Тайёрловсавдо” идораси раҳбариятининг хатига асосан юқоридаги юборилган махсулотлар сўммаси Россия Республикасида яшовчи Анвар Хамраев томонидан олиниб талон-тарож қилингани аниқланганди.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан вилоят “Тайёрловсавдо” ҳиссадорлик жамияти собиқ раиси, Бухоро шаҳар “Тайёрловсавдо” базаси директори ва бошқаларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари давом эттирилган эди.

Шунингдек, Олот туманидаги “Агрохизмат” корхонаси раҳбарлари томонидан 1996 йилда Россия Республикасидаги “Росагротекстиль” фирмасига 159 минг АҚШ доллари миқдоридан пахта толаси юборилиб, 1998 йил 25 ноябрь кунга қадар юборилган пахта толасини 39.000 АҚШ доллари олинмаган ва бу сўмма “Агрохизмат” бухгалтериясида ишончсиз дебиторлик қарз бўлиб келмоқда эди. Чунки Россия Республикасидаги “Росагротекстиль” фирмаси фаолияти тўхтатилиб ҳисоб рақамлари ёпилган бўлган. Ушбу ҳолат юзасидан Олот туманидаги “Агрохизмат” корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилганди.

1998 йил 25 ноябрнинг ўтган даврида прокуратура идоралари томонидан қайд этилган жиноятлар яъни олдиндан тўлиқ ҳисоб-китоблар амалга оширмасдан Республикадан ташқарига Шофиркон туманидаги “Улгуржимевасабзавот” ва Охунбобоев номи хўжалиги, Пешку туманидаги “Тайёрловсавдо” ва “Агрохизмат” идоралари, Когон шаҳридаги “Бухороқурилишматериаллари” ҳиссадорлик жамияти ва бошқа корхона раҳбарлари томонидан ҳам Республика ташқарисига махсулотлар юборилиб, 1998 йил 25 ноябрь кунга қадар уларни ўрнига бирор бир махсулот ёки пули олинмасдан умидсиз дебиторлик қарзлари содир этилгани аниқланиб, прокуратура идоралари томонидан юқоридаги барча корхона ва ташкилот раҳбарларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, улар жиноий жавобгарликка тортилиб, суд ҳукмига кўра тегишли жазо чораси қўлланилган.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан 1998 йилнинг ўтган 10 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайд этилган Фармон талабларига зид равишда олдиндан тўлов муомалаларини амалга оширмасдан махсулотлар берилиб, бунини оқибатида фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган ҳолатлари бўйича юқорида кўрсатилган прокурорлик таъсир чораларидан ташқари 42 та жиноят иши қўзғатилиб, 80 та раҳбар ходимларни жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланганди, ҳамда ушбу корхона ва муассасаларга юқоридаги жиноятларни келиб чиқиши ва уни олдини олиш чоралари тўғрисида 50 та тақдимнома киритилганди.

Шу ўринда айтиш жоизки юқорида кўрсатилган корхона, ташкилот ва жамиятлар раҳбарлари Республика Президентининг Фармон талабларига зид равишда иш олиб бориб, олдиндан тўлов муомалаларини амалга оширмасдан махсулотлар бериб юбориб жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлари юзасидан ушбу ташкилот ва жамиятларнинг юқори турувчи идоралари раҳбарлари томонидан била туриб муносабат билдирилмаган. Чунки қайд этилган корхона ва ташкилотлар томонидан ҳар ойда юқори турувчи ташкилотларга ҳисоботлар топширилган бўлсада, ушбу ҳисоботлар юзаки қабул қилиниб, содир этилган жиноятларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қўрилмаган эди.

Ачинарлиси шундаки, ушбу дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ундириш юзасидан вилоятдаги хўжалик раҳбарлари томонидан хўжалик судларига бирорта ҳам даъво аризалари

киритилмаган. Ваҳоланки вилоят прокуратураси ташаббуси билан 1998 йилнинг ўтган 10 ойда хўжаликлар фойдасига 101 млн 154 минг сўми ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига 65 та аризалари киритилиб, ушбу даъво аризаларининг каноатлантирилиши таъминланганди. Юқорида қайд этилган маълумотлар ҳақиқатдан ҳам аянчли ҳол бўлиб ҳисобланади шу сабабли бўлса керак хорижий инвесторлар мустақилликнинг дастлабки йилларида Бухоро вилоятига инвестиция киритишга у қадар шошилмасдан секинлик билан ҳаракат қилганлар.

Бутун дунё иқтисодиёти ривожланишининг энг муҳим қонуниятларидан бири, иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги ва миллий иқтисодиётда хизматларнинг тобора ортиб бораётган роли ҳисобланади, бу хизматлар соҳасида фойдаланиладиган меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар улушининг ортиши билан изоҳланади.

Жамиятнинг ривожланиши ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши билан хизматлар соҳасининг муайян ривожланиши юз берди. Ҳозирги кунда соҳада иш билан бандликнинг ошиши, меҳнатни техник жиҳозланишининг ўсиши ва илғор технологияларнинг жорий этилиши кузатилмоқда.

Хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган турли хил фаолият турларини ўз ичига олади.

Мазкур соҳа халқаро корпорациялар, банклар, авиакомпаниялар, компютер марказлари, телекоммуникациялар, суғурта, юридик ва консалтинг фирмалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, шунингдек, нотижорат ташкилотларини қамраб олади.

Хулоса, Бухоро вилоятида инвестиция киритиш йилдан йилга ортиб бorgan. 2018-2021 йиллар мобайнида ҳам чет эл давлатлари билан ушбу йўналишларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, бир қатор қўшма корхоналар ташкил қилинган. Қўшма корхоналарнинг ташкил қилиниши вилоят аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволни янада яхшилашга маълум даражада ўз ҳиссасини кўшган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бухоро вилояти давлат архиви. Фонд-1459, 1-рўйхат, сақлаш бирлиги-188.
2. Бухоро вилояти статистика бошқармасининг жорий архиви. 2021 йил, 12 октябрь, Буюртма рақами, №133. – Б. 21.
3. Бухоро вилояти статистика бошқармасининг жорий архиви. 2022 йил, 12 январ, Буюртма рақами №12. – Б. 21. Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармасининг жорий архиви. 2018-2021 йил ҳисоботи
4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Бухоро вилоят филиали, жорий архиви.
5. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Бухоро вилояти статистика бошқармаси. Бухоро вилоятининг 2018-2020 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотнома. – Бухоро, 2021. – Б. 140.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995, 5-сон, 89-модда; 1999 й., 7-сон, 168-модда; 2003, 6-7-сон, 92-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2018 й., 06/18/5564/2137-сон; 06.03.2019 й., 06/19/5684/2708-сон.

Наишга проф. Б. Эшов тавсия этган

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ КАМОЛ ТОПТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Жабборов А.Т. (ҚарДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада ёш авлоднинг шаклланишида миллий ва замонавий ўйинларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, миллий ва замонавий ўйинлар баркамол авлодни комил инсон бўлиб тарбияланишида асосий омил бўлиб хизмат қилиши кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: *миллий ўйинлар, жисмоний тарбия ва спорт, баркамол авлод, саломатлик, чаққонлик, ташаббускорлик, фаоллик, ривожланиш, тарбия, педагогик, психологик, тарбиявий, “дўл”, “чиллик”.*

Аннотация. В данной статье рассматривается роль и значение национальных и современных игр в формировании подрастающего поколения. Также считалось, что национальные и современные игры служат главным фактором воспитания зрелого поколения как совершенной личности.

Ключевые слова: *народные игры, физическая культура и спорт, здоровое поколение, здоровье, ловкость, инициатива, активность, развитие, воспитание, педагогические, психологические, воспитательные, “град”, “чилиқ”.*

Annotation. This article discusses the role and importance of national and modern games in the formation of the younger generation. It was also believed that national and modern games serve as the main factor in educating the mature generation as a perfect personality.

Key words: *folk games, physical culture and sports, healthy generation, health, dexterity, initiative, activity, development, education, pedagogical, psychological, educational, “grad”, “chilik”.*

Ўзбек халқининг миллий ўйинлари ўзининг узоқ ўтмиши, бой тарихига эга бўлган, аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган, маънавий бойлигимиз, кадриятларимиздан саналади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб, миллий кадриятларимиз, анъана-ю удумларимиз, шу жумладан, халқ ўйинларини қайта тиклашга катта эътибор қаратилди. Бугун юртимизда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга, миллий халқ ўйинларига кенг жалб қилиш ёш авлодни вояга етказишнинг муҳим омили сифатида қарашиб келинмоқда. Юртимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом бўлиб, жисмоний ва маънавий камол топишида миллий ўйинлар муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, бутун Ер юзидан ҳар бир халқ миллат сифатида шаклланибдики, улар ўзининг миллийлигига эгадир, шу қаторда ўзбек халқининг анъанавий урф-одатлари, кадриятлари ва шу билан биргаликда миллий ўйинлари шаклланиб борди.

Ўйинлар – халқнинг табиий ва тарихий эҳтиёжи сифатида шаклланган, яъни ҳар бир шахс ўйинга нисбатан ўзида яхши эҳтиёж сезган. Шу боисдан инсонлар ўз машғулотларидан, меҳнатидан, яшаш шароитидан ҳамда ижтимоий муҳитдан келиб чиққан ҳолда ўйинларни яратишган. Шунингдек, халқ ўйинлари аждодлар турмуши, меҳнати, тарбияси, ютуқларини ўзида акс эттирган. Улар соғлом авлодни шакллантирувчи тарбия воситаси ва болаларни ижтимоий-руҳий, ақлий ривожланишига хизмат қилувчи муҳим омил ҳисобланган.

Халқ ўйинлари инсон ҳаётидаги бўшлиқни тўлдирадиган, танасидаги ортиқча кучни сарфлашга, етмаганини эса тўплашга ёрдам берувчи восита ҳисобланган. Бундан ташқари болалар ўйинлар орқали ҳаётга тайёргарлик кўришган, турмушдаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, иш ва курашда ғалаба қозонишни ўрганишган.

Миллий ўйинлар – бўш вақтни унумли ва мароқли ўтказишга қаратилган, ҳар бир шахсни ақлан расо ва жисмонан соғлом бўлишга ундайдиган, кўтаринки руҳ ҳамда кайфият улашувчи, мардликка, эпчилликка, чакқонликка қолаверса, эзгуликка чорловчи тарбия воситасидир.

Бизгача етиб келган халқ миллий ўйинлари ҳақида бир нечта олим-у мутафаккирларимиз қимматли маълумотлар ёзиб қолдиришган. Хусусан, Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девони луғоти-турк» асарида халқ ўйинларининг 150 га яқинини тилга олиб, улардан 20 тасига таъриф беради.

Бундан ташқари «Авесто»да ҳам бир қанча олов ўйинлари ҳақида маълумот берилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида ҳам миллий ўйинлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Миллий халқ ўйинларининг соғлом авлод тарбиясидаги аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Миллий ўйинларнинг педагогик аҳамияти – ўйин ҳар бир шахснинг ҳис-туйғусини, тасаввурини, дунёқарашини бойитиб боради. Яна уларнинг кузатувчанлигини, зийраклигини, зеҳнини таҳлил қилиб, билимини оширади. Ўйинлар орқали ёшларга маданиятимиз ва урф-одатларимиз таништирилади. Психологик аҳамияти эса – ўйинлар шахснинг руҳияти ва кайфиятини кўтаришга хизмат қилади. Тарбиявий аҳамияти – ёшларни иродали, сабр-тоқатли, ҳаёт қийинчиликларини енгадиган, ғалаба қозонишга интиладиган, чакқон, эпчил, мард қилиб тарбиялайди. Жисмоний ва соғломлаштирувчи аҳамияти – миллий ўйинлар ўйналганда организм тизимлари ва нафас олиш, мушак, юрак

қон томирларга самарали таъсир қилади. Ҳайвонлар очик ҳавода ўйналганда қон кислород билан тўйинади ва бу модда алмашинувини кучайтиради. Бу эса организмга ижобий таъсир кўрсатади ва барча хужайралар уйғонади. Ҳайвон ўйнаган ҳар бир шахс жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етади.

Ўзбекистон қадимги замонлардан буён инсоният яшаб келаётган маданият марказларидан биридир. Ўзбекистон худудида топиб ўрганилган Селенгур, Обираҳмат, Мачай, Зараутсой каби маданият манзилгоҳлари, шунингдек, Қашқадарё воҳасидаги илк ўтрок деҳқончилик манзилгоҳлари ҳамда илк шаҳар уюшмалари бўлган Ерқўрғон, Шуллуктепа, Узункир, Сангиртепа қабиларнинг вужудга келганлиги қадимдан маданиятнинг шаклланишидан далолат беради. Шу жиҳатдан ўзбек халқи миллий ўйинлари узок тарихга эга бўлиб, ибтидоий жамият давриданок шаклланиган.

Анъанавий ўйинлар ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб, қадимдан халқимиз орасида кўплаб баҳодирлар, паҳлавонлар ҳамда ботирлар етишиб чиқишида ўзига хос ўрнига эга. Аждодларимиз фарзандларини умумбашарий туйғулар, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда анъанавий халқ ўйинларидан самарали фойдаланиб келишган. Ҳайвонлар халқ оmmasининг ижодий меҳнати натижасида вужудга келиб, минг йиллар давомида турли хил кўринишларда оmmалашиб, халқнинг ижтимоий ҳаёти, миллий хусусиятлари, қолаверса маиший ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланиган. Шунинг учун бу анъанавий ўйинларнинг келиб чиқиши, тарихи, келажак авлод тарбиясидаги аҳамиятини тадқиқ этиш бугунги этнография фани учун долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур ўйинларни тўплаш ҳамда илмий таҳлил қилиш ота-боболаримизнинг келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги қадимий ва илғор анъаналарни тиклаш, ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистонда мустақил буюк давлат куришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадриятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Чунки, ҳар қандай улуг мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш куриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир.

Ҳозирги миллий уйғониш даврида унутилган халқ ўйинларини тўплаш ва қайта тиклаш ҳамда ҳаётга тадбиқ этиш баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Анъанавий халқ ўйинларининг ёш авлодни жисмоний тарбиялаш ва камол топтиришда ўрни бекиёслигини ҳисобга олиб, 1998 йил 13-14 ноябрь кунлари Термиз шаҳрида Алпомиш ўйинлари биринчи Республика фестивали ҳамда “Миллий спорт ўйиндари”га бағишланган илмий-назарий анжуман ўтказилди. 1999 йил октябрида эса Жиззахда республика хотин-қизлари учун “Тўмарис” фестивали бўлиб ўтди. Спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинлари бўйича ҳар йили туман мусобақалари, икки йилда бир марта Республика фестивали ўтказиш белгиланган¹.

Республикамизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шarti сифатида болалар оmmавий спортини таъминлаш мақсадида 2002 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида” фармони², 2002 йил 31 октябрда Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди³.

Жаҳон халқлари ўйинларини ўрганиш, уларни қай тарзда бажарилиши ҳамда илмий таҳлил этиш масаласи XIX асрдаёқ бошланган эди. Бу борада Фарб олимлари томонидан ишлаб чиқилган илмий хулосалар ўзига хос амалий аҳамиятга эга. Кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борган Карл Гросс халқ ўйинларини тўрт асосий гуруҳга ажратади:

¹ “Халқ сўзи”, 1999 йил.

² “Ўзбекистон овози” газетаси, 2002 йил 26 октябрь.

³ “Халқ сўзи”, 2002 йил 1 ноябрь.

жанговор, ишқий, тақлидий ва ижтимоий ўйинлар¹. Алис Гомм эса халқ ўйинларини иккита асосий гуруҳга ажратади: драмматик, чаққонлик ва муваффақият асосида вужудга келган ўйинлар. Шунингдек, у ўйинларни вертикал, яъни тик ва горизантал, яъни тўғри чизик йўналиши бўйича кичик гуруҳларга ажратади². Собик Иттифок халқларининг ўйинларини тўплам ҳолида чоп эттирган В.Н. Всеволодский-Гернгросс ҳам халқ ўйинларини, учта катта гуруҳга ажратган: драмматик, спорт ва орноментал³. Шунингдек, Я.Р.Вилькин⁴ белорус халқ ўйинларини, С.Л. Паролов⁵ туркман халқ ўйинларини илмий тадқиқ қилишган.

Ўзбек халқининг анъанавий ўйинлари, унинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятига М.Кошғарий, Байҳақий, А.Навоий, З.М.Бобур, З.Восифий, С.Айний, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ойбек, Ҳ.Ҳошимов, Н.Сафаров, Ш.Холмирзаев, Тоғай Мурод каби адибларнинг асарларида катта эътибор берилган.

Шунингдек, А.Васильев, Е.М.Пешчерева, М.С.Андреев, А.К.Боровков, К.Шониёзов, И.Жабборов, Ғ.Жаҳонгиров, Ҳ.Исмоилов, О.Сафаров, У.Қорабоев, Р.Йўлдошев, И.Жалилов каби этнограф ва фольклоршунос олимлар ўзларининг илмий мақола ва монографияларида ёритиб берганлар⁶. Аммо Қашқадарё воҳаси анъанавий ўйинлари махсус тадқиқот объекти бўлмаган ва бу мавзуга бағишлаб мукамал илмий иш ҳам яратилмаган. Юқорида зикр этилган адабиёт ва манбаларнинг айримларидагина биз ўрганаётган муаммога турли жиҳаддан у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган, халос. Шуни таъкидлаш жоизки, Қашқадарё воҳаси аҳолисининг анъанавий ўйинлари тарихий этнографик ишларда тўлиқ ўз аксини топган эмас.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан кейин Миллий курашга муносабат ўзгарди. 1992 йилдан бошлаб республикада вилоятларида кураш мусобақалари оммавий тарзда Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд, Шаҳрисабзда Амир Темур, Термизда Ал-ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб икки йилда ўтказилиб келинмоқда.

Хуллас, анъанавий ўйинлар ўзбек халқининг бир неча минг йиллик ижодий маҳсули бўлиб, улар миллий маданиятнинг ажралмас бир қисми сифатида ижтимоий турмушда асосий ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Ўқувчиларда халқ ўйинлари орқали ахлоқий хулқ-одоблар, иродани ривожлантирувчи сифатлар: матонатлилиқ, қатъиятлилик, жасурлик, оғир-вазминлик, ўзини тутта билиш кўникмалари шаклланиб боради. Шундай экан, ёшларимиз онгида маънавий бўшлиқ бўлмаслиги ва уларни ҳар томонлама маънан ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялашда миллий ўйинларнинг аҳамияти жуда катта ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Всеволодский-Гернгросс В.Н. Игры народов СССР. – М.– Л.: Академия, 1933. – С.33-34.
2. Вилькин Я.Р. Белорусские народные игры второй половины XIX-начала XX вв.: Автореф.дисс... канд.ист.наук. – Минск. 1971. – С.18.

¹ Всеволодский-Гернгросс В.Н. Игры народов СССР. – М.– Л.: Академия, 1933. – С.33-34.

² Шу асар. – Б.34.

³ Шу асар. – Б.16-18.

⁴ Вилькин Я.Р. Белорусские народные игры второй половины XIX-начала XX вв.: Автореф.дисс... канд.ист.наук. – Минск. 1971. – С.18.

⁵ Паролов С.Л. Туркменские игры. –Ашхабад, 1931, – С. 3-48.

⁶ Қаранг: Васильев А. Игры сартовских детей // Туркестанские ведомости, 1909, – №109; Пешчерева Е.М. Игрушки и детские игры у таджиков и узбеков (по материалам 1924–35гг) // Сб. МАЭ.Т.17.–М., 1957, – С. 22-94; Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Вып.1. – Сталинабад, 1957. – С.104-113; Боровков А.К. Игры узбекских детей // Сб. научного кружка при Востфаке САГУ. Вып.1. – Ташкент, 1928, – С.31-42; Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964, – С.165-178; Шу муаллиф. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974, – С.330-334; Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.– Тошкент, 1994. – Б. 207-208; Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент, 1975; Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари, – Тошкент, 1992, – Б.55-61; Сафаров О. Ўзбек халқ болалар поэтик фольклори. –Тошкент, 1985; Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Т., 2001. – Б. 6-1.

3. Паролов С.Л. Туркменские игры. – Ашхабад, 1931, – С. 3-48.
4. Пешчерева Е.М. Игрушки и детские игры у таджиков и узбеков (по материалам 1924–35 гг) // Сб. МАЭ. Т.17.–М., 1957, – С. 22-94.
5. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Вып.1. – Сталинабад, 1957. – С.104-113.
6. Боровков А.К. Игры узбекских детей // Сб. научного кружка при Востфаке САГУ. Вып.1. – Ташкент, 1928, – С.31-42.
7. Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964, – С.165-178.
8. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.– Тошкент, 1994. – Б. 207-208.
9. Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари,– Тошкент, 1992, – Б.55-61.

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ДУРДОНАЛАРИДА ЁШЛАР МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИ

Усенов Ж. (НДПИ)

Аннотация. Маколада ёшларнинг миллий менталитетини шакллантиришда халқ донолиги ўғитлари, оғзаки адабиёт намуналари, бадиий адабий меросларнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида эканлиги келтириб ўтилган. Яна қарақалпоқ халқи тарихи ва миллий кадриятларини ўрганиш борасида янги вазифаларни белгилаб берган. Айниқса қарақалпоқ халқининг қадимги давлатчилик урф-одат дастурлари этник тарихи ва этногенезига алоқадор фикрлар билдирилган.

Таянч сўзлар: *халқ, тарих, миллий қадрият, дастур, этногенез, миллий менталитет, диний урф-одат, глобаллашув, адабиёт, бадиий адабиёт, адабий мерос, дoston, хулқ- атвор, менталитет, характер.*

Аннотация. В статье утверждается, что формирование национального менталитета молодежи характеризуется спецификой и значимостью народных сказок, устной литературы и художественного литературного наследия. Каракалпакцы также ставили новые задачи по изучению истории и национальных традиций. Высказаны взгляды каракалпакцев на этническую историю и этногенез античных государственных традиций.

Ключевые слова: *фольклор, история, национальные ценности, практика, этногенез, национальный менталитет, религиозная традиция, глобализация, литературная критика, литературное наследие, литературное наследие, учебный план, поведенческие установки, умственные способности, характер.*

Annotation. The article argues that the formation of the national mentality of youth is characterized by the specificity and significance of folk tales, oral literature and artistic literary heritage. Karakalpak people also set new tasks for the study of history and national traditions. The views of Karakalpak people on the ethnic history and ethnogenesis of ancient state traditions are expressed.

Key words: *folklore, history, national values, practice, ethnogenesis, national mentality, religious tradition, globalization, literary criticism, literary heritage, literary heritage, curriculum, behavioral attitudes, mental abilities, character.*

Ўзбекистонда бугун жадал тарзда олиб борилаётган жамиятни демократиялаштириш, давлатни тенг ҳуқуқли фуқаролик жамиятга айлантириш ишлари инсон, айниқса, ёшларнинг ўй-фикр даражасини, ақл-идрокини ва маънавий салоҳиятини жуда мураккаб бир феномен сифатида қарашни, объектив турда таҳлил қилишни талаб этади. Бундай янги таҳлил усули ижтимоий турмушни янгидан қуриш борасида ёшларнинг миллий менталитети билан ҳисоблашиш зарурлигини туғдирмоқда.

Менталитет – халқнинг тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ақл-фаросати, миллий характери, миллий ўзлигини кўрсатадиган белгилар йиғиндиси бўлса, ёшларнинг миллий менталитети – миллат келажагининг юзи ва қиёфаси демакдир. Миллатнинг эртанги куни ёшларимиз миллий менталитетининг қай даражада шаклланишига боғлиқ бўлади. Агар ёшларнинг миллий менталитети кучли ва мустаҳкам бўлса, унда бундай миллатнинг келажаги ёрқин бўлади, агар ёшларнинг миллий менталитет даражаси паст ва ночор бўлса, унда бундай миллатнинг келажаги йўқ. Шу сабабли жамият ёшларнинг миллий менталитетини шакллантиришга янада кучли диққат қаратиши керак. Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳам мана шундай буюк мақсадларни кўзлаган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу боисдан ёшларимизнинг миллий менталитетини ҳозирги замон нафаси билан уйғун ҳолда шакллантириш, миллий менталитетимиздаги ўтмишдан сарқит бўлиб қолган айрим салбий иллатлардан, жумладан, фарзандларимизнинг ўз кучига, билимига, имкониятига ишонмай, бировга юк бўлиб яшаши, масалан, «ағам барда, аркам тамда» (оғам бор бўлса, менга не ғам) деб, қатта лавозимда ишлайдиган отаси ёки қариндошининг ёрдамидан фойдаланиш, шу тариқа, «тайёрга айёр бўлиб», «олма пиш, оғзимга туш» қабилдаги ярамас психологиядан биратўла қутилиш, унинг ўрнига, ёшларимизнинг миллий менталитетига ўз билими, ўз кучига ишониб яшашни сингдириш орқали ўз «мен»ига эга бўлган комил

ёшларни тарбиялаш, уларнинг қалбига давлат, умумхалқ манфаатига масъулият, фидойилик, жонқуярлик билан қараш каби илиқ туйғуларни олиб киришимиз лозим. Ушбу йўналишда ёшларимизнинг миллий менталитетини шакллантиришнинг самарали усулларида бири – бу халқ донишмандлиги, халқ оғзаки ижодиёти десак янглишмаймиз.

Қорақалпоқ халқи азалдан оғзаки ижодга бой халқлардан бири бўлиб, улар ўз фарзандларини нақл-мақоллар, ҳикматли сўзлар, жумбоқлар, тез айтишлар, миф ва афсоналар, ривоятлар, эртақлар, дostonлар орқали тарбиялаб миллий ўзлигига содиқ инсонлар сифатида камолга келтирган. Ота-боболаримиз томонидан қўлланилган шундай фалсафий тарбияни бугунги кунда ҳам ёшларимиз миллий менталитетини шакллантириш учун фойдалансак мақсадга мувофиқ иш қилган бўламиз. Чунки халқ донолиги – ёшлар миллий менталитетининг пойдевори. Миллий ўзликни англаш, ўз халқининг миллий урф-одат, анъаналарини билиш ва булар билан ғурурланиш – халқ оғзаки ижодиётига сингдирилган фалсафий ўй-фикрлардан бошланади. Ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган миллий тарбия – ёшларнинг жони бўлиб, халқ донолигида:

Ойланып-билип бабалар,

Сөзди дурге теңгерген,

Ойланып айтқан ҳар сөзин,

Ойлама кем деп гаўҳардан, – деб айтилган.

Ота-боболаримизнинг ўз фарзандларини уч сўз билан-оқ тарбиялагани бизни хайратга солади. Бу сўзлар: «уят бўлади», «ёмон бўлади», «увол бўлади». «Уят бўлади» дегани – уят ўлимдан ҳам кучли бўлиб, «уяттың үстінде тәнимдеги жаным менен арнамысым турады», дегани. Шу сабабли доно халқимиз «жер жарылмады, мен кирмедим» деб нақл этган.

«Ёмон бўлади» дегани – «ёмонликдан овлоқ юр!», «ёмондан қоч, яхшига ёндаш», «яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз жон қозиғи», шунинг учун ҳам «яхшининг шарофати, ёмоннинг касофати тегади» дегани. Халқимиз бола тарбиясида жуда эҳтиёткор бўлиб, хаттоки фарзандларига аччиғланса ҳам, уларни ёмон сўзлар билан қарғамай, кўнгилига тегмасин деб яхши сўз билан, яхши тилак билан койган. Масалан, «ха, кўп яшагур!», «ха, ўзидан кўпайгур!», «ха, етти хазинага дуч бўлгур!» ва ҳоказо ибораларни айтиб, қайтанга ёшларни улуғ ишларга даъват қилган. Шунинг натижасида «яхши сўзга жон семириб», уларнинг чиройли тилаклари билан ўраб айтилган койишлари ҳам Аллоҳ-таола даргоҳида қабул бўлиб, болалари бахтли, давлатли, кўп фарзандли бўлган, узоқ умр кўрган. Олимларнинг таъкидлашича, сўзларда каромат бўлиб, одам ўз оғзидан чиққан сўзга кун сайин яқинлашиб борар экан. Менинг кузатишларим бўйича, ҳозирги вақтда айрим ота-оналар болалари жаҳлини чиқарса, уларни қарғаб-силтаб «қирчинингдан қийилгур», «жувонмарг бўлгур», «ер тортгур» ёки кизларини «бахти қора бўлгур», «ха, хотин» деган ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб ташлайди. Шу сабабли, менимча, кейинги вақтлари бундай қарғишларнинг ёшларимизга акс таъсири тегиб кетаётгандай туюлади. Шу сабабли ота-оналар ёшлар тарбиясида ота-боболаримизнинг йўлини давом эттириб, фарзандларини яхши сўз билан, яхши дуолар билан ардоқлаб, уларни ёмон йўлдан қайтариб, тўғри йўлга йўналтириши керак деб ўйлайман.

«Увол бўлади» дегани – табиатдаги ҳамма нарсанинг сўрови бор, хаттоки сувнинг ҳам сўроғи бор бўлиб, сен учун ҳеч қандай қадр иўк нарсани бошқа одам топа олмай юрган бўлиши мумкин, шунинг учун ҳеч нарсани зое қилма, ортиқ ҳеч нарса иўк, ҳар бир нарсанинг қадрини бил, исрофгарчиликка иўл қўйма, увол бўлади, уволи тутади, дегани.

Халқимизнинг халқ бўлиб шаклланиши қадимги вақтлардаги уруғ, қавм бирлашмаларига бориб тақаладиган бўлганликдан улар азалдан жамоат бўлиб яшагга, кўни-кўшничиликка, уруғ-аймоқчиликка, қариндошнинг ори учун от солишга интилиб келган ва ҳозирда ҳам шундай миллий ўзига хосликларини сақлаб келмоқда. Бундай миллий менталитет белгилари халқимизнинг оғзаки ижодида ҳам ўз аксини топган. Масалан, кўни-кўшничилик ҳақида: «Аталастың аты озғанша, Аўылластың тайы озсын», «Гилем сатсаң қонсыңа сат, Бир шетинде өзиң отырасаң», «Жаксы қонсыны сатып ал»,

«Жақсы қонсы жарасық», «Қоңсы болсаң қорған бол», «Қоңсыны қозғама көширерсең, Отты қозғама өширерсең», «Қоңсы қонсыдан тәлим алады»; уруғ-аймоқчилик ва туғишганлик ҳақида: «Төрт аяқлыда бота татыў, Еки аяқлыда бөле татыў», «Ғарға тамырлы қарақалпақ», «Ағайин болсаң урыўлас, Арымыз ушын даўлас», «Урыўлы ел – уялы терек», «Уў ишсең урыўың менен» каби нақл-мақоллар яратилган. Агар ушбу пурҳикмат сўзларнинг маъносини чақиб қарасак, халқимизнинг уруғчилик анъанасининг сақланиб келаётганининг ҳам ўзига хос фойдаси борлигини кўришимиз мумкин. Агар йигит вақти келиб уйланадиган бўлса, ўзига муносиб қиз танлайди. Қиз билан танишганда унинг қайси уруғданлигини сўрайди. Нима учун? Чунки ўша қиз ўзининг уруғидан бўлмаслиги учун. Мабода қиз йигитнинг уруғдоши бўлиб чиқса, йигит у қизга ортиқча сўз айтишдан ўзини тўхтатиб, уни синглицидай кўриб, энди унга оғасидай муносабатда бўлади. Халқимизнинг миллий менталитетига хос бўлган бу ўзига хослик натижасида минг йиллардан бери ота-боболаримиз авлоднинг соғ-саломат униб-ўсишини, қонининг тозалигини, авлоднинг асиллигини кўз қорачиғиндай сақлаб келмоқда. Демак, халқимизнинг уруғ бўлиб яшашига фақат бир томонлама кўзқараш билан қарамай, уларнинг авлод келажagini ўйлаб иш тутиши айни миллий тарбия, узокни кўзлаб қилинган донолик деб тушунишимиз ва ёшлар онгига ҳам шу миллийликни сингдириб боришимиз шарт.

Шу ўринда қорақалпоқ улусининг улуғ бийи Сасиқ бий ва у бошчилик этган «Жети жарғи» («Етти арра») Низоми айрим бандларининг халқимиз менталитетига қоришиб кетган ва бугунги кунда ҳам сақланиб келаётган айрим ўзига хосликлари ҳақида сўз юритмоқчимиз¹:

1. Ўзи мансуб уруғдан ёки туғишганларидан қиз олиб, қиз бериш ўлимга ёхуд қариндошлари белгилаган жазога тортилган.

Ушбу қарор қорақалпоқ ва қозоқларнинг қонига сингиб кетган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она тили чиққан боласига «кимнинг боласисан, уруғинг қандай, миллатнинг ким?» деб сўраб ва унга жавоб қайтаришни ўргатади. Бунинг маъноси – миллатини билиш ва ватанпарварлик туйғусини шакллантирса, уруғини билиб юриш наслнинг тозалигини сақлашга асос яратади. Чунки ҳар қандай уруғнинг туб томири дастлаб бир одамнинг аждод-авлодига бориб тақалади. Бир уруғдан никоҳланганларни Таўке хон (XVII асрнинг иккинчи ярмида Қасим хоннинг боласи Таўке хон уч юзнинг улуғ хони бўлган) замонида ўлимга буюрган бўлса, бугунги кунда ундай ҳолатлар учрамайди, учраганда ҳам улардан барча қариндошлар, ҳатто, эл-юрт юз ўгириб, элдан чиқариб юборади.

Баъзан «яхши қиз ётга кетмасин», деган беъмаъни тушунча билан яқинларидан қиз олишган ҳолатларда (унда ҳам ота теги бир туғишганлардан эмас, бўла ёки жиян) наслнинг бузилишига, майиб-мажруҳ болаларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Шўролар даврида уруғ сўрашишни эскилик қолдиғи, халқнинг тотувлигини қочириш ёки ўз уруғига тортишликка олиб келадиган ҳолат деб сиёсий тус бериб инкор қилиб қўйилди. Ваҳоланки, бу бир томонлама баҳолаш бўлиб, бунинг оқибати наслнинг бузилишига олиб келар эди. Буни англаган халқимиз чеклашларга қарамай ўз менталитетини сақлаб уруғ сўрашишни унутмади.

2. Ота-онасига тил теккизган ўғилни бўйнига қурим (кигиз) боғлаб, қора сигирга тескари миндирган ва ўзини қамчи билан савалаб, овулни айлантриб чиққан. Ота-онасига тил теккизган қизни эса оёқ-кўлини боғлаб, онасининг ҳукмига ташлаган.

«Жети жарғи»даги бу жазо тури ҳозирги вақтда бўлмаса ҳам, бу қатъий тартиб бизнинг қонимизга сингиб, миллий менталитетимизга айланиб кетган. Ота-онани ўлгунича қадрлаш, ҳурмат қилиш фарзанднинг фарзига айланган.

Бундан бошқа ҳам тартиб-қоидалар бу низомдан ўрин олган бўлиб, улар ҳозир ҳам халқимиз менталитетининг бир бўлаги сифатида бизнинг турмушимизда давом қилмоқда. Биз мана шундай давлат даражасида катта аҳамиятга эга бўлган, ҳаттоки, бизнинг менталитетимизга айланган фазилатларни ёзиб кетган бобомиз Сасиқ бийнинг ишларини ғурур билан тилга оламиз.

¹ Нызанов М. Қарақалпақлар. Роман-эссе. Биринши китап. – Нөкис: Билим, 2020. – Б. 102-103.

Меҳмондўстлик халқимизга хос бўлган азалий миллий қадриятларимиздан бири. Бу ҳақда халқимиз «Үйге қутлы қонақ келсе, Қой егиз туўады», «Ат болатуғын тай жылқыға үйир, Адам болатуғын бала қонаққа үйир», «Мийман атаңдай уллы», «Келгенше қонақ уялады, Келген соң қонақ жер уялады», «Қонағын сыйлаған ел бай болады», «Биреўдин дузын ишсең, Үйиңе кел де қазан, ошағыңды сазлай бер», «Қонақ келсе есиктен, Ырысқалы кирер тесиктен», «Қонақ келсе ет писер, Ет писесе бет писер» ва Ҳ. нақл-мақоллар яратган. Шу ўринда охирги мақолни таҳлил қилиб кўрайлик. Уйга меҳмон (қонақ) келганда бизнинг халқ дастурхонга борини сочиб, кўрадаги сўйимлиги (кўй-эчки)га қараб югуради. Қозонга ет солиб ош беради. Агар қозонга солгандай гўшти бўлмай қолса, қаттиқ довдираб, уятдан қизариб ўзини кўярга жой топмайди. «Ет писесе бет писер» дегани шу. Демак, бул мақол уят, ор-номус билан ҳам боғлиқ экан. Шунингдек, халқимизда «Тапқан биреўин, таппаған екеўин сояди» деган доно сўз бор. Мол-холи бор одамнинг кўрадаги шохли (кўй, эчки)дан биттасини сўйиши тушунарли гап. Аммо манглайига тиккан битта жонлиги бор одам кўноқ келиб қолса, кўноққа ўзининг йўқчилигини билдирмаслик учун, мол кетса ҳам, ор кетмасин деган принцип билан кўрадаги бўғоз жониворини сўяди. Мана бу халқимизнинг меҳмондўстлигини, сахийлигини, кенг феъллигини, мардлигини кўрсатадиган ягона миллий ўзига хослиги. Бу ҳақда Қ.Камалов бундай ёзади: «Тапқан биреўин сояди, таппаған екеўин сояди» – деган мақол кўноқ учун бисотида борини ишлатади, ҳаттоки, туғай деб турган кўйини ҳам сўйиб юборади деган маънони англатади. Бу мақол фақат қорақалпоқ халқидагина бор. Бу гапни мен бошқа миллатларни камситиш учун айаётганим йўқ. Меҳмондўстлик бизнинг халқимизга хос хусусият»¹.

Халқнинг миллий тарбиясида азалдан бор бўлган ота-онани сийлаш, ота-онани рози қилиш фазилатлари ёзма адабиётда масалан, «Ата-анаңды қәдирле, Өлгениңше жақсы сөйле. Мал тапсаң торқаға бөле, Өсерине жақсы, балам» (Бердақ) деса, оғзаки адабиётда ҳам бунинг энг яхши намуналари учрайди. Масалан, «Алпомиш» достонида Алпомиш Гулбарчинни олиб қайтиш учун от сўраб Қултой бобога борганда, бобо унга дастлаб ота-онасидан рухсат сўраш кераклигини айтиб бундай дейди:

*Атаң менен енеңнен,
Ақ пәтия ал, дейди.
Ата менен енени,
Наразы қылған баланың,
Сирә жолы болмайды»².*

Алпомиш бу сўзга қулоқ тутиб ота-онасидан рухсат сўраб, оқ фотиҳа олиб жўнайди.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, қорақалпоқлар азалдан қиз фарзандни ўғил болага қараганда ортиқ кўриб авайлайди, гулдай қилиб асраб ўстиради, оилада уларнинг яхши тарбия олишида барча шароитларни яратиб беради, уни эркин камолга келтиради. Шу сабабли қорақалпоқ қизлари кўпинча қайсар, мард, ўзи фикрини эмин-эркин билдира оладиган шахс сифатида кўзга тушади. Демак, қиз болани шундай руҳда тарбиялаш усули қорақалпоқларнинг азалдан миллий менталитетида шаклланган ўзига хосликларидан бири дейиш мумкин. Қиз фарзанднинг эркинлиги дostonларда ҳам акс этган.

Масалан, «Қирик қиз» достонида Оллоёрнинг кизи Гулойимга кенг эрк бериши, уни олти ўғил фарзанди орасида бошқача кўриб эъозлаб ўстириши, унга аскарый ҳунар билан шуғулланишига рухсат бериши, қизидаги бундай ботирлик, жанговарлик хусусиятларини кўриб қувониши, ҳаттоки, қизининг қирқ қиз йиғиб, улар билан бирга аскарый машқ ўтказиши учун Мевали боғ қалъасини куриб бериши – булар халқимиз менталитетида азалдан давом этиб келаётган қиз фарзандга бўлган алоҳида эътиборнинг, ўзгача меҳрнинг намунаси ҳисобланади.

«Алпомиш» достонида Гулбарчин қизнинг бўйи етиб ўн тўрт ёшга чиққанда, Тойчакон билан Қоражондан совчилар келади. Шунда Бойсари: – Хондан келган хон иним, бийдан келган бек иним, бизнинг элда шарият бор эди, шариятнинг китобида сўз бор: Қиз

¹ Камалов Қ. Ел хызметинде. – Нөкис: Билим, 2021. – Б. 448.

² Қарақалпақ фольклори (көп томлык). 1-8-томлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 18.

бола бўйи етгандан сўнг ўзидан бежавоб кишига бериш шариятнинг масхабига сифмайди. Менга бироз муҳлат беринг, мен бир уйимга кирайин, қизимга кенгаш солайин, қайсисига тегаман деса, ўзим чиқиб жавобини берайин, – дейди¹. Бу келтирилган мисолдаги Бойсарининг хон совчиларига берган жавоби қиз фарзанди бўй етиб, уни сўраб келганларга қиздан кенгаш сўрайин, ўзининг фикрини билайин, қайсисига тегаман деса ўзининг эрки, дейиши – бу халқимизнинг азалдан қиз болани эркин тарбиялашининг бир нишони, элда шарият бор эди дегани элнинг анъанаси эканлиги, анъана бўлса халқнинг миллий менталитетининг бир белгиси эканлигини кўрсатади.

Демак, дostonлар халқнинг ўзлиги, миллий менталитетидан сабоқ берадиган асосий тарбия курали. Уни ёшларимиз қанча яхши ўрганса, шунча муваффақиятларга эришади, улар онгида миллий менталитет шунча енгил, шунча теран шаклланади. Дostonларда келтирилган миллий кадриятлар, урф-одатлар, урф-одатлар, тушунчалар инсон тарбияси ва инсон комиллигининг талабларига ҳар томонлама мос келади. Академик Ж.Базарбаев дostonлар ҳақида: «Улар халқимизнинг минг йиллик ижтимоий турмуши, ҳаёт йўли, тафаккур тарзи, ўзига хос одоби, кўп йиллик тажрибаларининг натижаси, эрюррак қахрамонлар, вафодор гўззаллар образи мустақиллигимиз асосида шаклланаётган олий маънавиятимиз учун бебаҳо намуна вазифасини бажаради» – деб дostonларнинг миллий менталитетни шакллантиришдаги аҳамиятини таъкидлайди².

Ёшларда миллий менталитетни халқ донолиги орқали шакллантириш масаласи янада чуқур ўрганадиган долзарб масалалардан бири. Буни фақат битта мақола билан ёритиб бериш қийин. Сабаби, бу иш замонавий ёшлар менталитети бўйича социологик тадқиқот олиб боришни, уни теран таҳлил қилишни талаб этади. Боболаримиздан занжирма-занжир ўтиб келаётган халқ оғзаки ижодиёти ёшларни миллий менталитет руҳида тарбиялашда энг бой тажриба мактаби ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нызанов М. Қарақалпақлар. Роман-эссе. Биринши китап. – Нөкис: «Билим», 2020. – Б. 102-103.
2. Камалов Қ. Ел хызметинде. – Нөкис: Билим, 2021. – 448 б.
3. Қарақалпақ фольклори (көп томлык). 1-8-томлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 18.
4. Базарбаев Ж. Миллий идея – жол көрсетиўши жулдыз. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2011. – Б. 31.

Наишга проф. С. Чориев тавсия этган

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ МАДАНИЙ ЖИҲАТДАН ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ

Юсупов А.Қ. (Кўкон ДПИ)

Аннотация. Мақола Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолатини баҳолаш ва унинг учта энг муҳим институти: жамоат ташкилотлари, касаба уюшмалари ва сиёсий партиялар фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган. Ўзбекистонда нотижорат сектори фаолиятининг йўналишлари ва хусусиятлари таҳлил қилинмоқда; мустақил касаба уюшмалари фаолиятидаги қийинчиликларни ўрганади; Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиш динамикаси ва сиёсий партияларнинг жамоатчилик онгидаги ўрни баҳоланади.

Таянч сўзлар: *фуқаролик жамияти, демократия, концепция, сиёсий фаолият, сўз эркинлиги.*

Аннотация. Статья посвящена оценке состояния гражданского общества в Узбекистане и анализу работы его трех важнейших институтов: общественных организаций, профсоюзов и политических партий. Проводится анализ направлений и особенности деятельности некоммерческого сектора в Узбекистане; рассматриваются трудности работы независимых профсоюзов; прослеживается динамика развития многопартийности в Узбекистане и оценка роли политических партий в общественном сознании.

¹ Шу жойда.

² Базарбаев Ж. Миллий идея – жол көрсетиўши жулдыз. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2011. – Б. 31.

Ключевые слова: гражданское общество, демократия, концепция, политическая активность, свобода слова.

Аннотация. The article is devoted to assessing the state of civil society in Uzbekistan and analyzing the work of its three most important institutions: public organizations, trade unions and political parties. An analysis is being made of the directions and features of the activities of the non-profit sector in Uzbekistan; examines the difficulties of the work of independent trade unions; the dynamics of the development of a multi-party system in Uzbekistan and an assessment of the role of political parties in the public consciousness are traced.

Keywords: civil society, democracy, concept, political activity, freedom of speech.

Инсоният тарихидан маълумки, инсонлар адолатли жамиятда яшашни орзу қилган ва шуни амалга ошириш учун асрлар давомида кураш олиб борган. Адолатли жамият бу демократик жамиятдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач асосий вазифа инсонпарвар, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдан иборат бўлди. Юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар инсон учун, унинг келажаги учун деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шунингдек, бугунги кунда жамият ҳаётида амалга оширилаётган ҳар бир ислохот албатта, ҳар бир фуқародан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаолликни талаб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев шундай дейди: - Биз Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов бошлаб берган кенг қўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттираемиз. Бу йўл - эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада раванқ топтиришнинг мустаҳкам заминидир.¹

Жамиятдаги демократлашув жараёнини фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиш мушкулдир. Фуқаролик жамияти – бу юксак фазилатларга эга бўлган инсонлар жамиятидир, унда қонун устуворлиги таъминланади, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар ва институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланади, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллари эркин танлаш қарорланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи юксак бўлади. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси фуқаролик институтлари фаолиятларида кенг иштирок этади ва улар орқали сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини қондиради.

Фуқаролик жамияти тушунчаси антик даврдан ғарб маърифатчиларигача бўлган узок давр мобайнида турлича кўринишларда намоён бўлган. Ушбу тушунча илк бор Қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Дастлабки фикрлар Аристотелнинг “Сиёсат” асарида ёритилган. Унинг фикрига кўра, инсоннинг эркин яшаши учун жамиятда қонунлар устувор бўлиши лозим.

Қадимда бу концепция фозил жамият тушунчасига мос равишда, давлатдан ажралмаган ҳолда талқин этилган. Афлотунга кўра, давлат адолатли жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиши, одамлар эса жамият манфаатлари йўлида, оқиллик, жасурлик, босиқлик ҳамда адолат билан, ўзларига топширилган вазифаларни пухталиқ билан бажаришлари керак. Жамият ҳақида қайғуриш “доно ҳукмдор”нинг вазифаси сифатида белгиланган.²

Шарқда бу одоб-ахлоқ, маданият ва ҳуқуқнинг уйғунлашган шакли билан боғлиқ. “Авесто”да кишиларнинг биргалашиб яшаши, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқ нормаларига таяниши каби ғоялар олдинга сурилган. Абу Наср

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этаемиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 8.

² Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма / А.Жалилов, У.Муҳаммадиев, Қ.Жўраев ва бошқ. – Тошкент, 2015. – Б. 7.

Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида давлатни бошқаришда адолатли қонунларга таяниш лозимлиги уқтирилади. Бу каби ғоялар Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Амир Темур каби буюк шарқ донишмандлари томонидан ҳам илгари сурилган.

Фуқаролик жамияти фуқаро ва унинг эркинликларидан бошланади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш эҳтиёжлари, аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳаётда амал қилишини муқаммал равишда ташкил этиш заруратидан келиб чиққан. “Фуқаро” сўзининг ўзи шахснинг мустақиллиги, тенг ҳуқуқлилиги, шаъни ва ўз-ўзини ҳурматлашининг синоними сифатида янграйди. Бундай жамият ҳамиша турли табақавий бўлинишлар, одамларнинг тенгсизлиги, ҳуқуқларнинг чекланишига қарши қўйилган. Фуқаролик жамиятининг асоси бўлган инсоннинг “фуқаро” мақомига эга бўлиши унга шу жамиятнинг барқарор ривожланиши ва таъминлашга қаратилган бурч, масъулият юклайди.¹ Бундай бурч ва масъулиятдан келиб чиқиб фуқаро жамиятда ўзининг фаоллигини ундаги мавжуд муаммолардан келиб чиқиб намоён қилади.

Ҳозирги кунда биз “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига асосланган демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга оширмоқдамиз. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва эркин ривожлантириш, уларнинг жамиятни демократик ўзгартириш ва либераллаштиришда фаол иштирок этишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитлари, иқтисодий ва ҳуқуқий қафолатларини яратиш бўйича улкан кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси мамлакатимиз аҳолисининг оммавий ва шахсий онгига сингиб улгурди. “фуқаролик жамияти” атамасининг тушунилишини аниқлашга йўналтирилган сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги (яъни 44 фоизи) “бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи мустақил институтлар мажмуи” деб ҳисоблашларини, сўровда иштирок этганларнинг 28 фоизи бу тушунча остида фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин бўлган қонун устуворлиги таъминланадиган маконни тушунишини, 14 фоизи фуқароларни ягона мақсад ва вазифалар остида бирлаштиришини, 6 фоизи жамоатчиликнинг турли қатламлари манфаатларини ифодалашини, 5 фоизи шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштиришини тушунишини айтган².

Бундан ташқари сўровда иштирок этганларнинг 34 фоизи ўзининг фуқаролик жамиятидаги ўрнини ҳашар, ҳудудларни ободонлаштириш ва шунга ўхшаш ижтимоий вазифаларни жамоа бўлиб ҳал этишини айтган, бундай ҳолат фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ҳам ошириш лозимлигини кўрсатиб турибди. Ёйинки, фуқаролар фаоллигининг юқори кўрсаткичи, яъни 18 фоизи хайрия соҳасини яъни маҳаллалардаги ёрдам кўрсатишни назарда тутган.³ Кўриниб турибдики, фуқароларнинг янада фаоллашишида, айниқса сиёсий фаоллашишида фуқаролик жамияти институтларининг ҳам ролини ошириш лозим.

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий фаолиятини таъминлаш, фаоллигини оширишда сиёсий партиялар билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлар(ННТ) ҳам ўз фаолияти орқали фуқароларни ижтимоий, сиёсий қўллаб-қувватлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган фуқаролик жамияти институтлари сирасига киради.

¹ Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари. У.Э.Фозилов ўқув қўлланма. – Т., 2016. – Б.10

² Ўша манба.

³ Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши: доклад – 2015 / Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти. – Т., 2016. – Б. 79.

«Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз.¹

Фуқаролик жамияти ташкилотларига бўлган ишончни кучайтириш учун тармоқлар (давлат, жамият ва иқтисодий тармоқлар назарда тутилмоқда) ўртасидаги ишончни юқотмаслик лозимлигини таъкидлаган Линда Милбоурне ва Мике Кушманлар ҳаммуаллифлигидаги ўзларининг илмий мақоласида. Шунингдек, ушбу олимлар учинчи секторнинг ролини кучайтириш учун аввало унинг молиявий ва инфратузилмавий жиҳатини қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидланган.

Агар учинчи сектор фуқаролик жамиятининг тарқибий қисми ҳисобланадиган бўлса, ҳам давлат, ҳам кўнгилчилар хизмати учун давлат молиялаштирилишининг пасайиши ўзаро тармоқлараро ишончни рағбатлантиришга тўсқинлик бўлади. Ўзаро учинчи сектор ўртасида ишончни тиклаш натижалари хизматларни такомиллаштириш ва ривожлантириш, шу билан бирга кенгроқ ижтимоий иштирок этишга қаратилган янгиланишлар учун муҳимдир.²

Фуқаролик жамияти институтлари ўз моҳиятидан келиб чиқиб мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий жараёнлардан ташқарида тура олмайди. Улар ўз фаолияти ва амалий ишлари билан фуқароларнинг сиёсий фаолиятига таъсир кўрсатади.

Сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа турли оммавий ҳаракатлар ўз фаолиятларида жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг дунёқараши ҳамда манфаатларини ифодалаган ҳолда фаолият олиб бориши натижасида фуқароларнинг жамият бошқаруви ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишлари учун зарурат туғилади, қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасидагина уларнинг сиёсий маданияти юксалиб боради. Ана шу демократик кадриятлар ва анъаналардан келиб чиқиб Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида кенг иштирок этиши натижасида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги йилдан-йилга ошиб бормоқда, ҳақиқатдан ҳам жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаол фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятининг ошиб бориши бугунги жамият ҳаётининг фаоллашишидан далолатдир.

Фуқароларнинг сиёсий онг ва маданияти, сиёсий фаоллиги ошиб боргани сари, давлат ўз вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб боришилозимдир.

Ўз навбатида фуқаролик жамияти институтларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

-аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифода этади;

-фуқаролар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим омил саналади;

□ улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришнинг асосий воситаси ҳисобланади;

□ миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва миллий дунёқарашини юксалтиришда, миллий ғоя ва миллий истиклол мафқурасини жорий этишда уларнинг имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади;

□ бутун жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳаётга татбиқ этишда улар давлатнинг тенг ҳуқуқли ижтимоий ҳамкори ҳисобланади;

□ нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтиради ва мустаҳкамлайди;³

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 13.

² From the Third Sector to the Big Society: How Changing UK Government Policies Have Eroded Third Sector Trust Author(s): Linda Milbourne and Mike Cushman Source: International Journal of Voluntary and Nonprofit Organizations, Vol. 24, No. 2 (June 2013), pp. 485-508 Published by: Springer Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/42629819> Accessed: 28-01-2018 07:57 UTC

³ Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/ А. Жалилов, У. Муҳаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. – Тошкент, 2015. – Б. 173.

-фуқаролар ўзларидаги мавжуд эҳтиёж ва талабларни қондиришни улар орқали муҳокама қилишади, ҳамда бошқа секторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишади.

Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислохотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд, 29 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамадан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.” – деб айтади, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 22 декабрида Олий Мажлисга Мурожаатномасида.¹

Ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг родини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли фармонининг қабул қилиниши муҳим қадам бўлди.² Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тузилди.

Натижада:

-фуқароларнинг сиёсий маданияти ва сиёсий фаоллигини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига;

-давлатнинг жамият билан яъни кенг жамоатчилик билан фикр алмашишга;

-фуқаролик жамияти институтлари фуқароларнинг турли ижтимоий, сиёсий манфаатларини кўзлаган ҳолда жамият ҳаётининг муҳим масалаларидаги дастур ва ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнига жалб қилинишида эътибор кучайди;

-фуқаролар ҳаётини янада демократлаштириш, эркинлаштириш, сиёсий фаолликни ошириш йўлида инновацион ғоялар билан фаол фаолият олиб бораётган, давлат органлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан рағбатлантиришга ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;

-фуқаролик жамияти институтларининг хорижий амалиётни ўрганиш, ҳамкорликни йўлга қўйишига янада кенг имкониятлар яратилди.

Ҳақиқатдан, ҳам бугунги кунда ушбу маслаҳат кенгашининг тузилиши фуқаролик жамиятини ривожлантиришга бўлган айна давр талабидир. Олиб борилаётган ислохотлар фуқаролар ҳаётини фаровонлаштиришга қаратилган экан, бунинг учун:

-фуқаролик жамияти институтлари янада фаоллашиши ва фуқароларни эргаштириши,

-жамият ҳаётининг демократлашувида фуқароларнинг мавжуд эҳтиёж, талаб ва масалаларини ижтимоий марказларда муҳокама қилиш ҳамда уларга ечим топиш,

-фуқаролик жамияти институтларининг мавжуд муаммо ва эҳтиёжлар тўғрисида ижро органига маълумот тақдим этиш лозим³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 22 декабрида Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

² “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти – www.lex.uz

³ Ўша манба.

Қолаверса, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада фаоллаштириш масалаларини ҳозирги глобаллашув даврида оммавий ахборот воситалари ҳамда интернет тармоқларисиз тасаввур қилиш мушкул масаладир.

Оммавий ахборот воситалари – жамиятни демократлаштириш ва фуқаролар эркинлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Демократик ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, янгича дунёқарашни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, шу билан бирга, уларнинг онги, дунёқараш ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, боғлаб турувчи, улар орасидаги шаффофликни таъминлаб берувчи бирдан-бир восита ҳам оммавий ахборот воситаларидир.

Бугунги кунда фуқаролар ўртасида ижтимоий тармоқларнинг янада оммалашуви ва фаоллашуви улар ўртасида ахборотни тезкорлик билан алмашунувидан далолат бермоқда. Бу борада фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кузатиш мумкин бўлсада, ушбу фаолликнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий асосларини яратиш давр талабидир.

Фуқаролик жамиятида жамият ҳаётининг демократлашуви бу бевосита фуқаролик жамияти институтлари фаоллигига боғлиқ бўлади. Худудларда фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари ҳақида, баъзан бундай ташкилотларнинг мавжудлигидан кенг жамоатчиликнинг беҳабарлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Сиёсий фаол инсонларни тарбиялаш мақсадида сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, жойлардаги давлат органлари аҳоли ўртасида маърифий тадбирларни амалга ошириши, жойларда аҳолининг барча қатламлари орасига кириб бориши лозим. Фуқаролар фуқаролик жамияти институтларининг қандай ишларни амалга ошираётганларидан хабардор бўлишлари учун уларга доимий ахборот узатиб туриш, яъни газеталар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда уларининг фаолиятини ёритувчи доимий рукнлар ташкил этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 58.
2. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма / А.Жалилов, У.Мухаммадиев, Қ.Жўраев ва бошқ. – Тошкент, 2015. – 264 б.
3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари. У.Э.Фозилов ўқув қўлланма. – Т., 2016. – 124 б.
5. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши: доклад – 2015. / Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти. – Т., 2016. – 95 б.
6. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 58 б.
7. From the Third Sector to the Big Society: How Changing UK Government Policies Have Eroded Third Sector Trust Author(s): Linda Milbourne and Mike Cushman Source: International Journal of Voluntary and Nonprofit Organizations, Vol. 24, No. 2 (June 2013), pp. 485-508 Published by: Springer Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/42629819> Accessed: 28-01-2018 07:57 UTC.
8. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма / А. Жалилов, У. Мухаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. – Тошкент, 2015. – 264 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 22 декабрида Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
10. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти – www.lex.uz

Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган

**UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI SHAKLLANTIRISH VA
MULKDORLAR QATLAMI: TUSHUNCHA VA MOHIYAT****Shaymanova A.E. (QarDU)**

Аннотация. O‘zbekistonda uchinchi renessans poydevorini shakllantirish o‘zining yangi ijtimoiy-iqtisodiy negiziga asoslanmoqda. Mulkdorlar qatlamining shakllanishi va rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratib berilmoqda. Zero, yangi uchinchi renessanning shakllanishida mulkdorlar qatlamining vujudga kelishi aholi farovonligini oshishiga, uning turli qatlamlarini ish bilan ta’minlanishiga olib keladi hamda mamlakatning taraqqiyotiga keng yo‘l ochib beradi.

Maqolada mamlakatimiz taraqqiyotiga katta o‘zgarishlarni olib kelgan birinchi va ikkinchi renessans haqida so‘z borgan, shuningdek, uchinchi renessans poydevorini barpo etishda mulkdorlar qatlamining tutgan o‘rni va roli masalasi ijtimoiy falsafiy jihatdan asoslab berilgan.

Tayanch so‘zlar: *birinchi renessans, ikkinchi renessans, uchinchi renessans, yangi uyg‘onish davri, jamiyat, fuqarolik jamiyati, mulkdorlar qatlami, jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy negizi, mulk xilma-xilligi, kichik va xususiy tadbirkorlik, jamiyatning tayanchi, barqarorlik.*

Аннотация. Формирование фундамента третьего возрождения в Узбекистане базируется на его новой социально-экономической основе. Создаются необходимые условия для формирования и развития имущественного слоя. Ведь формирование нового третьего ренессанса приведет к росту благосостояния населения, занятости его различных слоев, откроет путь для развития страны.

В статье рассматриваются первый и второй ренессансы, принесшие большие перемены в развитие нашей страны, а также роль и место имущего класса в построении основ третьего ренессанса с социально-философской точки зрения.

Ключевые слова: *первый ренессанс, второй ренессанс, третий ренессанс, период нового пробуждения, общество, гражданское общество, слой собственников, социально-экономическая основа общества, имущественное многообразие, малое и частное предпринимательство, опора общества, стабильность.*

Annotation. The formation of the foundation of the third renaissance in Uzbekistan is based on its new socio-economic basis. Necessary conditions are being created for the formation and development of the property layer. After all, the formation of a new third renaissance will lead to an increase in the welfare of the population, employment of its various strata, and will pave the way for the development of the country.

The article deals with the first and second renaissance, which brought great changes to the development of our country, as well as the role and place of the property class in building the foundations of the third renaissance from a social and philosophical point of view.

Key words: *first renaissance, second renaissance, third renaissance, new awakening period, society, civil society, stratum of owners, socio-economic basis of society, property diversity, small and private entrepreneurship, support of society, stability.*

Uchinchi renessans poydevorini shakllantirish mulkdorlar qatlami bilan uzviy bog‘liq jarayondir. Ushbu qatlamga bo‘lgan munosabat jamiyat taraqqiyotida muhim rol o‘ynaydi. Hamda shu munosabatlarning qanday o‘rnatilganligi unga ijobiy yoki salbiy ta‘sir ko‘rsatishi mumkin. Bu esa jamiyat taraqqiyotini jadal sur‘atlarda tezlatishi yoki sekinlashtirishi, barqaror yoki beqarorlashtirishiga olib kelishi mumkin.

Shu nuqtai nazardan yondashganda, “mulkdorlar qatlami” to‘g‘risidagi g‘oya va qarashlarning mazmun-mohiyatiga, uni jamiyat taraqqiyoti bilan qanday bog‘liq holda tushunishga, hamda hayotga tadbiriqiga bog‘liq bo‘ladi.

Bugungi kunga kelib, mamlakatimizda “Uchinchi renessans poydevorini yaratish g‘oyasi” ilgari surilmoqda. Amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohatlar va ular bilan bog‘liq jarayonlardan ko‘zlangan asosiy maqsad ham yangi O‘zbekiston orzusi, ya‘ni farovon hayot, barqaror taraqqiyot bilan bog‘liq orzulardir. Eng muhim xususiyat shundaki, orzu orzuligicha qolib ketmasligi lozim. “Jahon xalqlari siyosiy lug‘atlarida “Amerika orzusi”, “Rossiya orzusi”, “Britaniya orzusi”, “Yaponiya orzusi”, “Xitoy orzusi” degan tushunchalar mavjudligi buni yaqqol tasdiqlaydi. Ular besabab va tasodifan shakllanmagan. Ushbu tushunchalarning har biri o‘sha xalqning umumiy orzu-umidlari, ular yashayotgan davr va kelajakka doir maqsad-

muddaolarni ifoda etadi”¹. Shu o‘rinda siyosiy lug‘atlarga “Yangi O‘zbekiston orzusi” atamasi kirganini alohida e’tirof etish lozimdir. Bular bugun yangicha talqin etilmoqda. Bu avvalo, jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy, ma’naviy-g‘oyaviy negizlarining o‘zgarganligi bilan bog‘liq. Bu esa o‘z navbatida, ijtimoiy-falsafiy, iqtisodiy-huquqiy ongda bo‘lgan yangicha qarashlar bilan bog‘liq deb ham hisoblash mumkin.

Har bir insonning o‘z hayot falsafasi va o‘z yo‘li bo‘lgani kabi, har bir davlatning esa o‘z rivojlanish strategiyasi mavjuddir. Uni belgilashda xalqdan va uning yetakchilaridan yuksak salohiyat bilim va keng dunyoqarash talab etiladi. Misol uchun, Singapurni olaylik. Majoziy ma’noda yo‘qdan paydo bo‘lgan bu davlat dunyoning barcha burchaklarida ma’lum. Endi osmono‘par binolarni ko‘rib, atigi 50 yil oldin bu yer kimsasiz bo‘lganiga ishonish qiyin. Singapur nafaqat iqtisodiyoti, balki ajoyib inshootlari tufayli ham eng yorqin nuqtalardan biriga aylandi. Buyuk o‘zgarishlar Li Kuan YU nomi bilan bog‘liq bo‘lib, u davlat va fuqarolar o‘rtasidagi yaqin munosabatlarni ta’minlash g‘oyasini amalga oshirishga muvaffaq bo‘ldi, jahon iqtisodiyoti lug‘atiga "Singapur mo‘jizasi" yangi iborasini kiritdi. Yoki, deylik, Xitoy iqtisodiyotida o‘ziga xos inqilobni amalga oshirgan Den Syaopinning islohotlari bu mamlakatni qator yetakchi davlatlarga olib chiqdi. Kichik sexlar – kichik biznesni rag‘batlantirishdan boshlangan o‘zgarishlar jahon bozorini zabt etgan yirik kompaniya va korporatsiyalar darajasiga ko‘tarildi. Xitoy mahsulotlarini - oziq-ovqatdan tortib, maishiy texnikagacha - butun dunyoda ko‘rish mumkin.

O‘zbekistonda keyingi yillarda amalga oshirilayotgan islohotlarda jahon siyosatida yangi yuksak ko‘tarilishni ko‘rish mumkinligini jahon hamjamiyati e’tirof etmoqda. Bu yuksak ko‘tarilishni harakatga keltiruvchi kuch Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan belgilab berilgan yangi taraqqiyot yo‘li - uchinchi renessans poydevorini shakllantirish bilan bog‘liqdir. Bu rivojlanishning o‘ziga xos yo‘li bo‘lib, u yopiq iqtisodiyotdan shaffof va samarali iqtisodiyotga o‘tish, inson manfaatlariga ustuvor ahamiyat berish bilan tavsiflanadi. Darhaqiqat, beshta ustun – integratsiya, innovatsiyalar, inson kapitali, ishonch va iqtisodiy o‘sishga asoslangan rivojlanishning yangi formulasi uchinchi renessans poydevorini shakllantirishning tom ma’noda asosi hisoblanadi. Hayotning ko‘plab sohalarida ushbu tamoyillar bir nuqtada birlashib, ulug‘ maqsad yo‘lida yangilanishlarni amalga oshirmoqda.

Zero, mamlakatimiz taraqqiyotiga misilsiz o‘zgarishlarni olib kelgan birinchi va ikkinchi renessans davrlari, biz barpo etmoqchi bo‘lgan uchinchi renessans uchun mayoq vazifasini o‘tamoqda. Barcha sharq va g‘arb olimlarining e’tirof qilishlaricha, Yevropada 15-17 asrlar orasida yuzaga kelgan Birinchi Renessans yurtimizda undan bir necha yuz yil avval, ya’ni IX-XI asrlarda vujudga kelgan². Mazkur ulkan yuksalish va ko‘tarilishning o‘z tarixiy sabablari mavjud bo‘lib, ushbu davrda mamlakat taraqqiyoti uchun juda muhim bo‘lgan yangi-yangi islohotlar amalga oshirildi. Jumladan, jamiyat taraqqiyotiga xizmat qiladigan qonunlar joriy qilindi, yer-suv hamda yaxshi qo‘shnichilik munosabatlari shuningdek, soliqlarni joriy etishgacha tub yangilanishlar amalga oshirildi. Davlat tomonidan amalga oshirilgan islohotlar va siyosatdagi yangiliklar ilm-fan kishilarini ezgu g‘oyalar tevaragida birlashtirib, turli-tuman fanlarga asos solindi. Ushbu davrda yashab ijod qilgan olim va mutafakkirlar ko‘pgina sohalar va fanlar, shu jumladan, fizika, kimyo, matematika, falakiyot, geografiya, tibbiyot va qishloq xo‘jaligining rivojlanishiga o‘zlarining ulkan hissalarini qo‘shganlar. Muhammad Muso al-Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Ahmad al-Farg‘oniy, Abu Nasr Forobiy, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Koshg‘ariy, Mahmud Zamaxshariy, imom Buxoriy, imom Termiziy, imom Moturudiy, Abul Muin Nasafiy kabi buyuk ajdodlarimiz o‘zlarining serqirra ijodlari bilan butun olamga ilm dunyosida shuhrat qozondi. Bu davr dunyo taraqqiyotining yuksalishini belgilab berdi. Buning yorqin isboti Daho mutafakkirlarni o‘z bag‘riga to‘plagan oliy dargoh – Xorazmda barpo etilgan Ma’mun akademiyasi bo‘lib, butun dunyo uchun akselerator vazifasini o‘tagani haqiqat.

¹ Mirziyoyev Sh. Yangi O‘zbekiston-strategiyasi. – T.: O‘zbekiston, 2021. – B. 14.

² Birinchi va ikkinchi renessans – buyuk daholar davri. <http://uchildiz.uz/birinchi-va-ikkinchi-renessans-buyuk-d.05.10.2021>.

Ikkinchi Renessans nafaqat mintaqamizda, balki juda katta jo'g'rofiy hududlarda siyosiy-iqtisodiy va ijtimoiy islohotlarni amalga oshirgan ulug' bobomiz, sohibqiron Amir Temur nomi bilan chambarchas bog'liq¹. Bu davrga kelib, markazlashgan qudratli davlat barpo etish g'oyasi bilan birga, yangi ilm-fan va madaniyatni yuksalish uchun qulay vaziyat ham yuzaga keldi. Amir Temur o'z yurtiga turli hududlardagi iste'dodli olimlar, shoirlar, hunarmandlar, me'morlarni jamladi va ilmi-fan taraqqiyoti uchun kerakli barcha shart-sharoitlarni yaratib berdi. Bunday oqilona siyosat mamlakatning ilmiy va madaniy qudratini kuchaytirdi.

Shu bilan birga, Ikkinchi renessans "Islom madaniyatining oltin asri" deb e'tirof etildi. Davlatimiz rahbari bu haqda, - "Xalqimizning orzu-intilishlari Mirzo Ulug'bek, Qozizoda Rumi, Ali Qushchi, Davlatshoh Samarqandiy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi Ikkinchi uyg'onish davrining buyuk siymolarini uyg'otdi, ularning asarlari va faoliyatida o'z talqinini topgan odil podsho, adolatli jamiyat, komil inson g'oyalarida namoyon bo'ldi"² deb e'tirof etgani bejiz emas. Zero, uzoq tarixiy o'tmishdan bugungi kungacha milliy tafakkurimiz negizida shakllanib kelgan, turli g'oya va amaliy harakatlarda o'z ifodasini topgan xalqimizning orzu-umidlari bugun barpo etmoqchi bo'lgan yangi Uchinchi renessansda mujassam bo'lmoqda.

Biz uchun Uchinchi renessans – erkinlik va ozodlikning yangi davri, bunyodkorlik va farovonlik yo'lining yuqori bosqichidir. Bunda qonun ustuvor bo'lib, u insonning o'z-o'zini kamol topishiga yordam berib, shaxs manfaatlarini, uning huquq va erkinliklarini ro'yobga chiqishiga ko'maklashadi. Uchinchi renessansni poydevorini qurish ko'pgina omillarga bog'liq. Ularning orasida Uchinchi renessansning ijtimoiy negizi bo'lgan mulkdorlar qatlamini shakllantirish va rivojlantirish muammosi alohida ahamiyatga egadir. Tarixdan jamiyatlar rivojida "mulk", "mulkga munosabat", "mulkdorlarga munosabat" masalasiga turlicha yondashib kelingan. Buni bir tomondan, jamiyat taraqqiyotiga sinfiy nuqtai nazar bilan qarashning o'ziga xos natijasi deb hisoblash va ikkinchidan, mulkning turli shakllarini, xususan, xususiy mulkni inkor etish, yagona ijtimoiy mulkni e'tirof etilgani bilan bog'liq deb qarash mumkin.

Ma'lumki, taraqqiyotning sotsialistik yo'li tufayli mulkning xilma-xilligini e'tirof etmaslik, xususiy mulkni barcha ijtimoiy illatlarning manbai, deb qarash mamlakatlar, xalqlar taqdiriga, turmush tarziga, ongiga o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatdi. Jamiyat hayotida yagona ijtimoiy mulkchilik munosabatlarining o'rnatilishi, mulkka nisbatan egasizlik tuyg'usini qaror topishiga, kishilarda esa mulkdan begonalashuv tuyg'usini yuzaga kelishiga sabab bo'ldi.

Mamlakatimizda mulkchilikning turli shakllari, jumladan, xususiy mulk vujudga keldi. Mulkdorlarning teng huquqliligi davlat tomonidan kafolatlandi va amalda ta'minlana boshlandi. Ayni vaqtda, xususiy mulk rivojlanishiga alohida ahamiyat qaratilmoqda. Bugun mamlakatimizda davlat mulki, AJ, MCHJ, xususiy korxonalar, qo'shma korxonalar, kichik biznes korxonalar, aralash mulk korxonalar, fermer xo'jaliklari va boshqa turli-tuman mulkchilik shakllari mavjud bo'lib, ular erkin faoliyat yuritmoqda.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekiston jamiyatida bozor munosabatlariga asoslangan yangi taraqqiyot yo'lining tanlanishi mulkning xilma-xilligini kafolatlaydi. Bu esa o'z navbatida turli ijtimoiy guruhlarning shakllanishi va ularning mulkdorlik holati hamda ijtimoiy mavqeining o'zgarishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Eng muhimi, biz barpo etmoqchi bo'lgan Uchinchi renessansning ijtimoiy negizini ham ana shu mulkdorlar qatlami tashkil etadi.

Ikkinchidan, jamiyatimizning ijtimoiy suyanch tog'i bo'lmish mulkdorlar qatlamiga keng yo'l ochib berish – yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasining ijtimoiy-iqtisodiy asosini tashkil etadi.

Uchinchidan, O'zbekistonda barpo etilayotgan yangi Uchinchi renessansning ijtimoiy tayanchi, barqaror taraqqiyot, totuvlik va mamlakat xavfsizligining ishonchli kafolati bo'lgan mulkdorlar qatlamining shakllanishi va rivojlanishiga to'sqinlik qilayotgan har qanday illat va to'siqlarga qarshi kurashni kuchaytirish zarur. Bu dolzarb muammoni oxirigacha hal etmay turib, erkin va farovon hayotni ta'minlovchi yangi jamiyatni bunyod etish mumkin emas.

¹ Birinchi va ikkinchi renessans – buyuk daholar davri. <http://uchildiz.uz/birinchi-va-ikkinchi-renessans-buyuk-d.05.10.2021>.

² Mirziyoyev Sh. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – T.: O'zbekiston, 2021. – B. 18.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida"gi Farmoni. PF-4947-son. 2017-yil 7-fevral. Manba: lex.uz
2. Mirziyoyev Sh. M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. – T.: O‘zbekiston, 2021.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning. Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020-yil. 24-yanvar. Manba: <https://uza.uz/politics/uzbekiston-respubl...>
4. O‘zbekistonda Kambag‘allikni kamaytirish dasturi ishlab chiqiladi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasidan... 2020 /01/24. y. Manba: <https://www.xabar.uz/jamiyat/oz...>
5. Birinchi va ikkinchi renessans – buyuk daholar davri. [http://uchildiz.uz /birinchi-va-ikkinchi-renessans-buyuk-d.05.10.2021](http://uchildiz.uz/birinchi-va-ikkinchi-renessans-buyuk-d.05.10.2021).

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Қурбонмуратов Б.У. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг муҳим омиллари илмий жиҳатдан таҳлил этилган бўлиб, ёшларга диний билимлар аслида дунёвий билимларни инкор этмайдиган хусусиятга эга эканлигини тушунтирадиган мазмундаги алоҳида мавзуларни ўзида акс эттирувчи фанларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгаллиги, ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларда янгича тафаккурни ривожлантиришда мутахассисларнинг ўрни беқиёс эканлиги илмий асосда очиқ берилган.

Таянч сўзлар: *ёшлар, маънавият, менталитет, тил, эзгу урф-одатлар, анъаналар, Ватан туйғуси, шарқона лутф ва маънавият, замонавийлик, "оммавий маданият", Тарбия фани, иммунитет.*

Аннотация. В статье научно анализируются важные факторы формирования духовности молодежи. Также отмечено, что религиозные знания не отрицают мирские знания и при этом важное значение имеет широкое использование возможностей предметов, которые отражают в содержании конкретные темы по этому вопросу. На научной основе выявлено, что несравнима роль специалистов в формировании мировоззрения молодежи и развитии у них нового мышления.

Ключевые слова: *молодежь, духовность, менталитет, язык, обычаи, традиции, чувство Родины, восточная духовность и благосклонность, современность, "массовая культура", дисциплина Воспитание, иммунитет.*

Аннотация. In the article, the important factors of the formation of the spirituality of young people are scientifically analyzed, the importance of wide use of the opportunities of sciences that reflect special topics in the content of explaining to young people that religious knowledge does not negate worldly knowledge, the role of experts in shaping the worldview of young people, developing new thinking in them. It has been revealed on a scientific basis that it is incomparable.

Key words: *youth, spirituality, mentality, language, values, traditions, sense of the Motherland, Eastern spirituality and oriental charm, modernity, "popular culture", science of Education, immunity.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ёшларнинг бундай ўзгаришларга иштирокларини фаоллаштирмақ учун уларда ҳам диний ҳам дунёвий илмларни шакллантириш зарур. Ёшларга диний билимлар аслида дунёвий билимларни инкор этмайдиган хусусиятга эга эканлигини тушунтирадиган мазмундаги алоҳида мавзуларни ўзида акс эттирувчи фанларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларда янгича тафаккурни ривожлантиришда мутахассисларнинг ўрни беқиёсдир. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат [1] олдимизда турган биринчи даражали вазифамиздир. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ёшларда ҳам

диний ҳам дунёвий билимларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнга диншуносларни жалб қилиш, улар воситасида ҳар қандай диннинг асосий мақсади, ўзига хос хусусиятлари, жамият тараққиётидаги ўрни, роли каби масалаларга тўхталиш орқали ёшлардаги ватанпарварликни юксалтириш, улардаги инсоний фазилатларни оширишга муваффақ бўлиш муҳим. Юртнинг ўтмиши, бугуни, келажаги билан фахр-ланишда ўз аксини топади. Худди шунинг учун ҳам мамлакатимизда янги жамият қурилаётган бугунги шароитда “Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак... Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимизга бугуни ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айланиши лозим...” [2; 82]. Хадисларимизда ҳам акс этган “*Ватанни севмоқ – иймондандур*” деган концептуал ғоя мазмунини, Қуръони Каримда энг кўп маротаба такрорланадиган илмга ундаш масалаларини ёшларга асосли қилиб сингдиришга эришиш керак. Ватанпарварлик ниҳоятда серкирра бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, кадр-қимматини, тақдирини, истиқболини қанча кўп англаса, кишиларда ватанпарварлик туйғуси шунча баланд бўлади. Бу жараён чексиздир. Инсонда ҳеч қачон тугалланган ватанпарварлик шаклланмайди. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичлари ватанпарварликнинг янги-янги қирраларини бўрттириб чиқара боради. Бинобарин, ҳар бир шахсдаги ватанпарварлик туйғуси жамият тараққиёти билан боғлиқдир. [3; 6]

Агар бу борада диншуносларни жалб қилиш орқали бу йўналишдаги мавжуд муаммоларга барҳам бериш имкони бўлмаса, у ҳолда умумтаълим мактабларида ўтилиши режалаштирилаётган “Тарбия” фанидан дарс берувчи мутахассислар учун қисқа муддатли, уларнинг диний билимини оширадиган мазмундаги махсус курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ана шундагина ушбу ўқув фани доирасидаги муҳим масалаларнинг ўқувчилар ҳаётида ўз ифодасини топишига кенгроқ эришиш мумкин бўлади.

Ҳар бир миллатни-миллат, халқни-халқ қиладиган муҳим омилларнинг мавжудлиги жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиши билан бир қаторда миллий менталитетнинг барқарорлигини ҳам таъминлайди. Булар қаторига тил, эзгу урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар, шарқона лутф каби хусусиятлар мажмуига миллатидан қатъий назар шу давлатда яшайдиган барча фуқаролар маълум бир маънода риоя этадиларки, бу ҳам ўз навбатида ана шу жамият фуқароларининг яқдиллигига, жипслигига сабаб бўлади. Бу борада гап кетганда Ўзбекистонда кўп йиллар яшаган рус миллатига мансуб фуқароларимиз ё саёҳат билан, ё хизмат сафари билан Россияга ташриф буюриб, – “Биз ўзбек бўлиб қолибмиз, у ердаги миллатдошларимиз билан бизнинг фикрлашимиз, бизнинг ҳаётга, инсонларга бўлган муносабатимиз уларникидан фарқ қиляпти, бизга ўзбек халқининг меҳрибонлиги, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаши каби хислатлари шу қадар сингибдики натижада Россиядаги кўплаб инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг фақат манфаатга асосланиши бизга малол келди” деган фикрларини мисол қилса бўлади. Шундай экан, халқимизга хос бу каби фазилатларни ёш авлодга сингдиришда турли (визуал, вербал ва новербал) усуллардан кенг фойдаланиш масаласига эътиборли бўлиш керак. Бу мақсадга йўналтирилган (Шарқона маънавиятни, маданиятни тарғиб қилишни назарда тутувчи) видеороликларни тайёрлаш ва уларни ТВ, интернет, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилишига эътибор қаратиш ҳам яхши самара беришини унутмаслик керак. Чунки тезкор глобаллашув жараёнида миллатни, халқни сақлаб қолиш, уни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялашда миллий урф-одатларимиз, кадриятларимизнинг роли бекиёс. Айнан ана шу миллий хусусиятларимиз кези келганда турли “замонавийликлар”га, “оммавий маданият”га қарши иммунитет вазифасини ўтайди.

Собиқ шўро даврида социалистик тизим ҳаммани тенглаштиришга интилди. Бу тизим замирида инсоннинг эркин тафаккур қилиши, ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилиши чегараланган эди. Барча фуқаролар ўз нуқтаи-назарларини фақат мавжуд сиёсий тизим манфаатларидан келиб чиқибгина гапиришлари мумкин эди. Хозирги кунда эса плюрализм (яъни, фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар ранг-баранглиги) асосида барча

жабҳаларда таракқиётимизга хизмат қиладиган ғояларни илгари суриш имкониятлари яратиб берилган. Шундай бўлсада, бугунги кун ёшлари эркин фикрларини баён қилишларида ўзларини кўплаб ғарб ёшларидек (катталарга нисбатан тарбиясизликка йўғрилган оҳангдаги кескин, сурбетларча қарши фикр билдирувчи ҳолатида) тутмасликлари мақсадга мувофиқ. Чунки Шарқ демократиясининг Ғарб демократиясидан фарқли томонларидан бири биз хатто ўз фикрларимизни билдиришимизда ҳам шарқона лутф, ўзбекона тарбия нормаларига риоя қилишимиз билан ҳам белгиланади. Афсуски, бугунги кунда ғарбдан кириб келаётган манфаатга асосланган муносабатлар билан бир қаторда хоҳлаган фикрингни хоҳлаган жойингда эркин билдиришинг мумкин, аслида демократия ҳам шудир деган нотўғри фалсафани учратишимиз мумкин. Демак, бугунги кун ёшларига ўзбекона толерантлик хиссини сингдиришга ҳам эътиборли бўлишимиз керак. Таълим бериш жараёнида тарихан шаклланган миллий менталитетимизга хос кадриятларни сингдириш, ўқувчиларнинг ички имкониятларини, генетик хусусиятларини ҳам инobatга олиш муҳим ҳисобланади. Яъни, масалага тарихий, генетик нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак бобокалонларимиз томонидан асрлар мобайнида катталарга, умуман инсонларга бўлган муносабат ўзининг олийжаноблиги, камтарлиги, меҳрибонлиги, ўзаро бир-бирини кўллаб-қувватлаши билан тавсифланади. Демокчимизки, агар ана шу жиҳатларнинг мазмуни ва шаклларига эътибор қаратиш орқали уларни дарс жараёнида (Тарбия фани дарсида) ёшларга сингдиришда амалий машғулотлар салмоғини кенгайтиришга эътибор қаратилса катта самарага эришиш мумкин.

Олдимизда турган эзгу мақсадларимиз - мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам - буларнинг барча - барчаси, авваламбор, янги авлод, униб - ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Ватанимиз эртанги кунини, ўз зурёдларининг бахту истикболини истайдиган ҳар бир одам - у ким бўлиши, қандай лавозим эгаси эканидан қатъий назар, фарзандларимизнинг маънавий, ғоявий тарбия масаласидан четда турмаслиги керак. Бугун бу ўта муҳим масалага бепарво қарашга, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Миллий мустақиллик шароитида баркамол авлод ўз Ватанига, халқига, она ерига, миллатига, ота - онасига содиқ, ҳар томонлама камол топган инсонларни тарбиялаш энг муҳим аҳамиятни касб этади. Янгиланган давлат тизимида тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари ҳам янгиланди. Бу янгиланиш, аввало, тарбияни инсонпарварлик ва демократия принципи асосида кўрилиши билан фарқланади. Тарбияни инсонпарварлаштириш ва демократиялаш принципи ўқувчилар, ўқувчи - тарбиячилар ижодий фаоллик ва мустақиллигини ривожлантириши, уларни турли хил ижтимоий фойдали ишларни амалга оширишда ҳамкорлигини таъминлаш учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Ёшларда ижодий фаоллик, ақлий заковат, ахлоқий салоҳият, илмий дунёқарашни шакллантиришнинг алоҳида ўрни бор. Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарбиявий усул ва воситалари бўлади. Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши - бу ғоявий тарбиядир. Бу - инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охиросиқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра, ғоявий тарбиядир. Чунки оилани оламизми, болалар боғчасиними, маҳалла, мактаб, махсус мактаблар, касб-ҳунар мактаблари, университет ёки академияни оламизми - ҳаммасида бериладиган таълим ва тарбия жараёнлари талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган бўлади. Бу ишлар боланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу том маънода, мафкуравий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гуруҳ, миллат, халқ, жамият бўлиши мумкин эмас.

Тарбия - узлуксиз давом этадиган ижодий изланиш жараёнидир. Тарбиявий фаолиятдаги ижобий тажрибаларни мунтазам равишда ўрганиш ва умумлаштириш, уларни

мураббийлар орасида, кафедра ва бошқа олий таълим тузилмаларида оммалаштириш зарурати бор. Шунга кўра, олий таълимдаги тарбия концепцияси мунтазам равишда ижодий ривожлантирилиши ва бойитилиши зарур. У ҳаётнинг ўзи тақозо этадиган ўзгаришлар учун ҳамма вақт очикдир.

Аммо назарий билимлар билан чегараланилса ва қайд этилган муҳим фазилатларни кўникмага айлантиришга муваффақ бўлинмаса, унда ёш авлод “замонавий” хусусиятлар таъсири остида қолишлари ва оқибатда шарқона миллий хусусиятларимизнинг йўқолиб бориши жараёнининг қурбонига айланишлари кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 21 сентябрь.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 369 бет.
3. Юсупов Э.Ю. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари. – Т.: 1996. – 126 б.

Наишга проф. С. Чориев тавсия этган

ТАСАВВУФ ВА ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

Мухсимов Д.Т. (БухДУ)

Аннотация. Мақолада тасаввуфнинг келиб чиқиши борасидаги турли қарашлар уларнинг моҳияти ва тасаввуфнинг ислом қобиғидан чиққан таълимот эканлиги, унинг ривожланиши учун муҳим ҳисса қўшган мутасаввиф олимларнинг қарашлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *сўфий, мутасаввиф, калом, фалсафа, ирфон, уламо, илм, маърифат, шариат, тасаввуф, шайх, илоҳиёт, теология, фикҳ, тариқат.*

Annotation. The article analyzes the different views on the origin of Sufism, their essence and the fact that Sufism is a doctrine that came out of the Islamic shell, the views of Sufism scholars who made an important contribution to its development.

Key words: *Sufi, mystic, kalam, philosophy, irfan, ulama, science, enlightenment, sharia, mysticism, shaykh, theology, fiqh, tariqat.*

Аннотация. В статье анализируются различные взгляды на происхождение суфизма, их сущность и то, что суфизм – это учение, вышедшее из исламской скорлупы, взгляды суфийских ученых, внесших важный вклад в его развитие.

Ключевые слова: *суфий, мистик, слово, философия, учение, ученый, наука, просвещение, шариат, суфизм, шейх, теология, богословие, фикх, тариқат.*

Тасаввуфнинг пайдо бўлиши тарихи ва ривожланиши каби мураккаб масалага тадқиқотчилар турлича ёндашдилар. Айрим Ғарб, рус тадқиқотчилари тасаввуфни ислом учун бегона воқелик, бошқа мистик оқимлар таъсирида исломга кириб келган қатлам деб ҳисоблашга, унинг пайдо бўлишини номусулмон диний ва фалсафий тизимлар таъсири деб тушуниришга мойил эдилар. Ғарб олимларидан бири, дастлаб тасаввуфни зардуштийликнинг мероси деб ҳисоблаган Ф.А.Толук кейинчалик бундай исботланмаган нотўғри тахминдан воз кечди ва тасаввуф илдизларини ислом пайдо бўлган даврдан бошлангани ва ҳатто Муҳаммад пайғамбарга бориб тақалишини тан олди.

Тасаввуф ҳақида XX асрнинг иккинчи ярмида Рейнольд Никольсон ва Луи Массиньон қарашлари аввалги исломшунослар қарашларига нисбатан манбаларни, яъни, сўфиёна адабиётнинг анча кенг ва чуқурроқ тадқиқ қилишга асосланган. Бу олимлар тасаввуфга исломга четдан киритилган бегона қатлам сифатида эмас, аксинча, ислом замирида табиий, ўз-ўзидан пайдо бўлган воқелик сифатида қарайдилар. Бу назарияни исломий деб атаса ҳам бўлади. Р. Никольсон сўфиёна илоҳиётни исломда хижрий I аср давомида пайдо бўлган зоҳидлик анъаналарининг табиий такомиллашуви ҳамда насроний зоҳидликнинг ҳам бироз таъсири натижаси деб ҳисоблайди.

Л.Массиньон тасаввуф манбаларини аниқлаш учун сўфийларнинг асарлари тилини, ибораларини ўрганиш муҳимлигига эътибор қаратиб, ўзининг сўфийлар техник луғати манбалари тўғрисидаги фундаментал асарини яратди. У сўфийлар луғатининг қуйидаги манбаларини аниқлади:

1) Қуръон тили, бунда сўфийлар ноаниқ, маъхум жумлаларга ўз талқинларини қўшдилар; 2) исломнинг дастлабки йилларидаги араб илмий тили; 3) мусулмон илоҳиётшунослик мактаблари тили; 4) асосан шарқий фалсафий синкретизм натижасида пайдо бўлган яхлитлик ёрдамида милодий биринчи олти аср давомида шаклланган ўзига хос оромий-сурёний, қисман юнонча ва паҳлавий тиллардан олинган иборалардан иборат зиёлилик тилидир.

Маълумки, Мовароуннаҳр IX-X асрларда жуда мураккаб диний-сиёсий муҳитни бошидан кечирган эди. Бу даврда Хуросон турли оқимлар, мазҳаблар, хилма-хил қарашлар жанг майдонига айланган эди. Бу ерда ҳанафийлар, шофеъийлар, ҳанбалийлар, ашъарийлар, муътазиллийлар, жаҳмийлар, карромийлар, исмоилийлар ва бошқа турли оқимлар фаолият кўрсатган [1: 27-30]. Яна бир бир томони IX-XII асрлар илк Шарқ Ренессанс (Уйғониш) даври эканлиги, бу даврда Марказий Осиёдан йирик қомусий олимлар, муҳаддис ва мутасаввифлар етишиб чиққанлиги жуда катта маънавий ҳодиса эди. Ренессанснинг энг буюк хусусиятларидан бири инсонпарварлик тамойилларига таянишида намоён бўлди. Улуғ мутафаккирлар, алломалар халқни маърифатга ундовчи диний ва дунёвий илмлари орқали даврнинг ижтимоий моделларини акс эттирадиган асарлар яратдилар. X асрга келиб Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Чунки бу даврга келиб асрлар давомида ҳукмронлик қилиб келаётган Араб халифалигининг сиёсий мавқеи пасая бошлаган ва Сомонийлар давлати ташкил топиб, бу давлат янгича тартиб қоидалар асосида бошқарила бошлаган.

Мовароуннаҳрда X-XI асрлардаги тасаввуфнинг ўзига хос томони шундаки, бу даврда тасаввуфга ҳеч бир сиёсий кучлар томонидан расмий тан олинган таълимот сифатида қаралмас эди [2: 224]. Ҳаттоки, баъзи тадқиқотчилар ислом шариати ва тасаввуф ўртасида кескин зиддиятлар бор бўлганини кўрсатишга уринадилар. Шу йўналишда ўрта йўлни топишга Абу Бакр Калободий ҳаракат қилади. У ўзининг “ат-Таъарруф” асарида “Шу вазият мени қўлга қалам олиб, тасаввуф аҳлининг тариқатларини ушбу китоб орқали кўрсатиб беришга мажбур этди. Қаламим билан имкони борича кашф этдим, зоҳирий илм воситаси ила ишоратларни тушунмайдиганлар ва ибораларини англамайдиганлар учун изоҳ бердим” [3: 2],-деб ёзади. Кўриниб турибдики, тасаввуфда нафақат ўзаро тариқатлар, мазҳабий тортишувлар ёки оқимлар балки тасаввуфда ички бузилишлар уни риёга ёйиш, сохта шайхлар фаолияти, тушунчаларини юзаки тушуниш шу аҳволга олиб келган.

Умуман олганда, тасаввуф ва шариат ўртасидаги муносабатга нисбатан икки хил қараш бор. Энг кенг тарқалган қарашга кўра, Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг (ваф. 505/1111 й.) “Ихйо’ улум ад-дин” асари пайдо бўлгунга (XII аср бошлари) қадар тасаввуф ислом оламида ярим қонуний ҳолатда бўлиб, унинг вакиллари эса расмий сунний исломга зид келувчи мавқеъни эгаллаганлар. Бироқ кейинчалик расмий сунний шариат мўътадил тасаввуфни эътироф эта бошлади [2: 330].

Иккинчи қараш – “тасаввуф – маълум муддат анъанавийликка асосланган бўлиб, бу анъанавийлаштириш Ғаззолийгача содир бўлган. Зеро, Ғаззолийга қадар ҳам кўплаб уламо ва фақиҳлар мутасаввифлар бўлганлар. Уларнинг фикр ва қарашлари ҳам тасаввуфий эди. Тасаввуф ҳадисларни ва анъанавий фанларни ўрганиш билан изоҳланар ва фикр билан боғлиқ эди” [4: 180]. Ушбу фикрларнинг умумий томони шундаки, тасаввуфни шариатга мослаштиришга ҳаракатлар бўлган.

Тасаввуф исломга қарши, унга зид ёки унга ёт ҳаракат бўлмаган. “Шариатга мослашиш” деганда ҳам улар ўртасидаги тафовутли ва ихтилофли нуқталарни хронологик, географик ва шахсий омилларни ҳисобга олиш керак бўлади. Чунки ҳанбалия мазҳабининг асосчиси Аҳмад б. Ҳанбал (ваф. 241/855 й.) IX асрда илк тасаввуф назариётчиларидан ал-

Ҳорис ал-Мухосибийга (ваф. 243/857 й.) қарши жуда кескин мавқеъни эгаллаган бўлса¹, XII асрда эса ханбалий ‘Абдулқодир ал-Жилоний (ваф.562/1167 й.) кодирия тариқатининг муассиси бўлди [5: 119]. Демак, тасаввуф ва шариат ўртасидаги ихтилофлар фақатгина муайян сўфийлар ва уларнинг издошларигагина хос бўлган.

XIV-XV асрларда Амир Темур ва Темурийлар даврига келиб, тасаввуф ва тариқатлар кенг ривожланиши учун имкониятлар пайдо бўлди. Амир Темур ва темурийларнинг тасаввуф ва тариқат шайхларига, олимларига бўлган муҳаббатлари, ихлослари тасаввуфнинг мумтоз даври билан темурийлар даврининг ўзаро боғланишига йўл очди. Кўплаб мутасаввифлар халқни, жамиятни маърифат илмидан баҳраманд этишга ҳаракат қилдилар. Бу даврнинг йирик вакили Хожа Муҳаммад Порсо ҳам ўзидан кўплаб асарлар ёзиб қолдирди. У ўзидан олдин ўтган йирик сўфий алломаларнинг асарларини ўрганиб уларнинг ғояларини ўз даври ғоялари билан боғлади. Тариқатларнинг географияси кенгайишига муносиб ҳисса қўшди айниқса, Нақшбандиянинг темурийлар даврида мафкуравий, ирфоний-фалсафий таълимотга айланишини таъминлади. Хожа Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотини Ҳанафия мазҳабининг асосчиси Имом Нўъмон ибн Собит (699-767 й.) таълимоти асосида ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Чунки, тасаввуфнинг бош мақсади шариат аҳкомларига тўлиқ мос кела олиши билан ҳам муҳимдир. Ҳар қандай тариқат йўлига кирган солиқ, аввало шариат босқичидан ўтиши шарт. Шу жиҳатдан, Хожа Муҳаммад Порсо аввало факих, муҳаддис, мутакаллим, мутасаввиф олим сифатида шариат ва тариқат илмларини мукаммал тадқиқ қилишга ҳаракат қилган. Олим ўз асарларида Ҳаким ат-Термизий, Абу Бакр Калободий, Мустамлий Бухорий, Нажмиддин Кубро, Мажидуддин Бағдодий ва бошқа кўплаб аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг улуғ уламолари ва машойихларининг тасаввуфга бағишланган асарларига мурожаат қилади. Чунки, тасаввуф айрим диний қоидалардан чиқиши, айрим ҳолларда сохта тариқатлар учун қўл келиши эҳтимоли бор эди. Шайхлар баъзан ўз манфаатларига мослаштирган қоидаларни ҳам тасаввуфдан деб, даъво қилар эдилар. Хожа Муҳаммад Порсо назариётчи олим сифатида тасаввуфнинг назарий масалалари билан кўпроқ шуғулланган. Ундан бой маънавий мерос сақланиб қолган. Унинг хизмати тасаввуфни таълим бериш, истилоҳларини шарҳлаш, уларнинг тариқат йўлига кирган солиқ амалий фаолияти учун назарий асосларини ишлаб чиққанлиги билан аҳамиятлидир. Хожа Муҳаммад Порсонинг тасаввуфий, диний-фалсафий концепциялари Қуръон ва суннага асосланган эди.

Илк тасаввуф даври тарихи ҳақида маълумот берувчи Абу Бакр Калободийнинг “Ат-Таъарруф” (“Таништириш”) Абу Наср Саррож (вафоти 958 й.) нинг “Китобул-лумаъ” (“Нурлар китоби”), Абу Толиб Маккий (вафоти 998 й.) нинг “Қут ул-қулуб” (“Қалбларнинг қуввати”), Қушайрий (вафоти 1072 й.) нинг “Рисола фи тасаввуф” (“Тасаввуф тўғрисида рисола”), Ал-Хужвирийнинг (вафоти 1076) “Кашфул маҳжуб” (“Ҳижобнинг очилиши”), Абдуллоҳ Ансорийнинг (XI аср) “Манозилу-с-соирин” (“Сайр қилувчиларнинг манзиллари”) асарлари Хожа Муҳаммад Порсо тасаввуфий қарашларининг шаклланиши унинг ўзига хос бир таълимот сифатида ривожланишида муҳим аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин.

Тасаввуфнинг пайдо бўлиши тарихини ўрганишда шайхларнинг йирик вакили Абдуллоҳ Ансорий Харавий (1006-1089) асарлари диққатга сазовордир. У Суллабий асарларининг кучли ғоявий таъсири остида ўзининг “Табақот ас-сўфийа” (Сўфийлик даражалари), “Сад майдон” (100 дала), “Манзил ас-соирин” (Сайр қилувчилар манзили), “Расоил” (Рисола) ва бошқа биографик асарларини яратди. Ансорий асарларининг афзалликлари шундаки, у тасаввуф шайхларининг таржимаи ҳолинигина бериб қолмай, ўқувчини сўфийлар жамоалари таълимотлари ва анъаналари билан ҳам таништиради.

Зуннун ал-Мисрий (796-861) биринчи бўлиб, тасаввуф тамойилларини баён қилди, кўрсатмаларни сўзлар билан ифодалади, тариқат ҳақида ўз фикрини билдирди ва тасаввуф ҳақида батафсил маълумот берди. Шунинг учун у тасаввуф анъанасида мақомат ва аҳвол тўғрисидаги таълимотнинг асосчиси ҳисобланади.

¹ Ал-Мухосибий вафот этганда уни кўмишга фақатгина содиқ 4 шогирди журъат этган.

Илк ўрта асрларда тасаввуф ғояларининг шаклланиши, исломнинг кейинги диний ҳуқуқий мажмуаси асосини ташкил қилган асарларнинг муаллифлари бўлган мутафаккирларнинг орасида ҳадисшунослик ҳаракатига катта таъсир кўрсатди. Бу жараён айнан муҳаддислар томонидан илм тўғрисида олиб борилган музокаралар даврида рўй берди. Имом Ғаззолий ижоди ўша дастлабки фикрларнинг фойдали эканлигини тасдиқлайди. “Илм тўғрисидаги биринчи фикр муқаддималар анъанаси, назаримизда Бухорийнинг “ал-Саҳих”идан бошланган бўлиб Ғаззолийнинг “Ихёи улум ад-дин” асари кириш қисми бўлган илмлар китобида ўз чўққисини эгаллади,

Сўнги IX-XIV асрлар оралиғида тасаввуф ўзига хос тарзда шаклланиб назарий тизими узил кесил ишлаб чиқилди. Илк Ренессанс даври ғоялари, тасаввуфий қарашлар, диний-фалсафий, ирфоний қарашлар ўзаро боғлиқликда ривожланди. Сўнги Ренессанс илк Ренессансдан озикланди. Мутасаввифларнинг тасаввуф ва тариқатлар борасидаги қарашлари хилма-хилликда ўзаро таъсирда ривожланди. Тасаввуфий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланишида албатта иқтисодий, ижтимоий-маданий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тасаввуф асрлар оралиғида инсониятни эзгуликка ўзаро меҳр шафқатли, бирдамликка, муросага, ҳалол меҳнатга, касб-корга, аҳил жамоа бўлиб яшашга чорлаб келди. У гадонинг кулбасидан шоҳларнинг саройигача кириб борди. Маънавий ҳодиса сифатида шарқ халқлари ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. XIV-XV асрларда ижтимоий-маънавий ҳаётда тариқатларнинг таъсири кучли бўлган. Хусусан, Нақшбандия тариқатининг халқчил ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётга яқин ғоялари халқни жипслаштиришга, ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун муҳим ижтимоий-мафкуравий омил сифатида шаклланган эди. Тариқатнинг ижтимоий келиб чиқиши, табақаси, тили ва миллатидан қатъий назар Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларидаги халқларни бирлаштирди. Ўзида инсонпарварлик, маърифатпарварлик, яқдиллик, ахлоқий поклик, беозорлик, бағрикенглик, ҳалол меҳнат қилиш каби юксак ғояларни жамлаган бу мўътадил таълимот оддий фуқародан тортиб, подшоҳларга қадар тушунарли бўлиб, ўз таъсирини кўрсата олди.

Тасаввуф – Қуръони карим, ҳадиси шариф ва шарият тушунчалари билан тасаввуф. Акс ҳолда сўфийлик, илоҳий ишқ, комиллик тўғрисида айтилган фикр-мулоҳазалар таъсирли бир аҳамият ва қиймат касб этмайди. Маълумки, ботилликдан фориғ, ҳар турли фитна ва жаҳолатдан йироқ мусулмон оламидаги барча йўл, барча тушунча оқимлари тўғридан-тўғри тариқи Муҳаммадияга бориб боғланади. Бу фикр тасаввуфга ҳам тўла тегишли. Бунга қаноатланарли даражада ишонч ҳосил қилмоқ учун тасаввуфнинг зухд босқичи ва илк сўфийларнинг амалий ҳаёти, мулоҳаза ва хулосалари билан танишиш лозим. Юқорида келтириганимиздек, X айниқса XII асрларга келиб эса салбий ўзгариш, инонч-эътиқодда бузилишлар устунлик қила бошлаган. Сўфийликда сохтакорлик, макр, ҳийла ва риё авж олган. Буни мумтоз тасаввуфшуносларнинг афсус-надомат тўла танқидий гапларидан ҳам бемалол англаш мумкин. Абу Бакр Калободий тасаввуфнинг софлигини сақлаш ва чин сўфийлар ҳақида ҳақиқатни баён этиш, тариқатнинг моҳияти, сўфийлик исломнинг инсонпарварлик ғояларига таянишини исботлаш мақсадида ёзганлигини қайд этади. Абу Бакр Калободий бу ҳолатга нисбатан шундай ёзади: “Бу вазият тасаввуф аҳлининг тариқатларини ушбу китоб орқали кўрсатиб беришга, уларнинг зийнатлари-ю сийратларини, тавҳид, сифат ва бошқа тушунчаларини уларнинг йўлларини билмаган ва машойихларга хизмат қилмаган кишиларга шубҳали бўлиб туюлган гапларни изоҳлаб беришга мажбур этди” [6: 67]. Шу билан бирга уларнинг фазилатлари, ҳислатлари ҳақида ҳам ўз фикрларини баён қилган: “ат-Таъаруф” асарининг муқаддимасида Абу Бакр Калободий “...ғойиб нарсаларни ҳам кўра оладиган, шоҳлар олдида ҳам дарвешона киймда борадиган, қабилаларнинг ихтилофларини бостирадиган, барча инсоний фазилатларни ўзида жамлаган, ҳужжат ва далиллар манбаи, қулоқлари тингловчи, диллари мусаффо таърифлари кенг тарқалмаган нуруний соф”,- деганда, тариқат аҳлининг инсонийликдан илоҳиётга қадар тутган йўлининг мазмун-моҳиятини кўзда тутгани янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Шу маънода, тасаввуфда тафаккурнинг энг мухташам, энг завқли энг ҳосилдор

майдони илм ва маърифатдир. Демак маърифат соҳиби бўлмоқ учун, унинг сирру-асрорига етиш шунчаки инсон онги, ёки қалбига ташқаридан олиб кириладиган зоҳирий бир неъмат, ё қудрат эмас, балки инсоннинг илоҳий мавжудлигидан юзага келадиган фикрий ва руҳий қудрат бўлиши билан бирга Абу Бакр Калободий таъбири билан айтганда илоҳий марҳаматга эришиш ва шунга лойиқ бўлиш керак.

Шу йўналишда Абу Наср Саррожнинг фикрлари ҳам ўша давр ҳақидаги қарашларимизни бойитади. Унинг фикрига кўра, тасаввуфдан баҳс юритадиганлар бугун жуда кўпайди. Сўфийларга тақлид қилиб, тасаввуфий мавзуларда ишорат йўли билан сўзловчилар сони ортди. Бу гуруҳлардан ҳар бирининг ўзларига доир иборалар билан ёзилган асарлари ҳам бор. Ҳолбуки, сўфийлик ҳақида сўз айтган илк машойихлар, дунё билан орани очик қилмасдан, нафсларини мушоҳада, риёзат, важд ила таслим этмасдан ҳеч нима демаган ва ёзмаганлар. Тасаввуфни бузиш ва бузилиш тарихини изоҳловчи бундай сўзлар мўътабар манбаларда кўп айtilган. Тасаввуф назарий жихатлар билан бир қаторда амалий хусусиятларни ҳам ўзида акс эттиради. Сўфийлар илоҳий ҳақиқатларни маълум бир йўлни амалий босиб ўтиш орқали кашф қиладилар. Улар анъанавий исломий илмларга мустаҳкам таянган ҳолда илҳомга ҳам урғу берганлар. Улар “ирфон” деб аталувчи ладуний илмни маълум бир риёзат натижасида тўпланган ички тажриба ва ақлий мушоҳада асосида кашф қилиш орқали ҳосил қилганлар. Сўфийлар соф иймон билан қўшилган тажрибаларини ўз хулқ-атворларида, турмуш тарзида ва жамиятдаги муносабатларда акс эттиришга ҳаракат қилганлар, яъни илмларини амалиёт билан бирлаштирганлар. Сўфийлик йўлининг бош ғояси инсон камолоти бўлса, сўфийлар бу камолотга руҳни чиниқтириб, нафсни поклаш интилишган. Шундай қилиб тасаввуф, бир томондан, шариат илмлари, иккинчи томондан, ҳикмат ва фалсафа илмига хос ғоялар таъсирида сўфийларнинг ўз-ўзини ва Ҳақни англаб етиш йўлидаги амалий-руҳий усуллари шаклланишини ва бу йўлнинг назарий асосларини яратилганлигини кузатиш мумкин. Аввало, шуни қайд этиш жоизки, илмнинг қайси соҳаси бўлишидан қатъи назар етарлича билим эгаллаш ва батафсил тадқиқот олиб бориш учун, ўша соҳага доир тадқиқотлар, манбалар ва махсус асарларни тадқиқ этиш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф таълимоти ва ислом тасаввуфи фалсафасининг манбалари асрлар давомида ўрганилиб келинган ва бугунги кунда ҳам бундай ишлар давом этмоқда. Лекин тасаввуф таълимотига доир кўплаб қўлёзмалар бирқанча қўлёзмалар институтларида ҳали ҳам тадқиқотлар ўтказилишини кутиб ётибди. Мамлакатимизда ҳам тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг ўрганилишида кўплаб натижаларга эришилган. Шундай бўлса-да, тасаввуфий ғояларнинг талқин қилинишида, ундаги қарама-қаршилиқларнинг тўғри ёритилишида янгича ёндашувга асосланган тадқиқотлар ҳам зарурлиги маълум бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. – Б. 28-30.
2. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Б. 319.
3. Абу Бакр Калободий . Ат-таъарруф. Тарж. Отакул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отакул кизи. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 92.
4. Макдиси Дж. Суннитское возрождение // Мусульманский мир. 950-1150. – М., 1981. – Б. 180.
5. Нирша В.М. Традиции и новации в суфизме // Из истории суфизма: источники и социальная практика / Под ред. Хайруллаева М.М. – Т.: Фан, 1991. – Б. 119.
6. التعرف لمذهب أهل التصوف. أبو بكر كلابادى. تعليق عليه أحمد شمس الدين. بيروت. 1992. ص. 67.

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОИЛА АЪЗОЛАРИ
ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ****Тўраева А. П. (ҚарДУ)**

Аннотация. Мақолада глобаллашув ва бозор муносабатлари шароитида оилавий муҳит трансформацияси содир бўлаётганлиги хусусида сўз юритилган. Объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсирида оила аъзолари функцияларининг ўзгариши кузатилаётганлиги таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *оила, оилавий муҳит, эр ва хотин, бозор муносабатлари, глобаллашув, оила аъзолари функцияси, трансформация.*

Аннотация. В статье автор размышляет о сущности функциональных обязанностей членов семьи. Функциональные обязанности есть конкретно-историческое понятие. Следовательно, они меняются под воздействием объективных условий и субъективных факторов. Автор констатирует изменения функций членов семьи в условиях рыночных отношений.

Ключевые слова: *семья, семейная среда, муж и жена, рыночные отношения, глобализация, функции членов семьи, трансформация.*

Anotation. In article author speculates about essence of the functional duties of the members to families. The Functional duties there is concretely-history notion. Con-sequently, they are changed under influence of the objective conditions and sub-jective factor. Author defines change a function members to families in condition market relations.

Key words: *family, family structure, husband and wife, market relations, globalization, function of family members, transformation.*

Кишилиқ жамияти тараққийнинг барча босқичларида оила муҳим аҳамиятга молик ижтимоий институт бўлиб келган. Шу боисдан турли даврларда мутафаккирлар ва мутахассислар оиланинг мазмуни ва моҳияти, ундаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари, оила аъзоларининг асосий функциялари хусусида мулоҳаза юритганлар. Мазкур муаммолар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Чунки ХХІ аср бўсағасига келиб, айниқса оилавий муносабатлар характерида жиддий таъсир ўтказувчи омиллар ва воситалар кўпайди. Шу муносабат билан оила аъзоларининг функциялари мазмуни, ундаги ўзгаришлар хусусида алоҳида фикр юритиш зарурияти туғилмоқда.

Шарқ халқларининг кўпчилигида, жумладан, ўзбек халқи оиласида ҳам эркаклар хонадон бошлиғи ҳисобланган, шу боис эркакларнинг энг муҳим функцияси оилани моддий жиҳатдан таъминлаш бўлиб келган. Шунингдек, оиладаги маънавий ва маиший муаммоларни ҳал этиш ҳам асосан эркакнинг зиммасига юклатилган.

Пандемия ва бозор муносабатлари шароити, жаҳонда бўй кўрсатаётган истеъмолчилик кайфияти бугунги оила бошлиғига яна талай вазифаларни юкламоқда. Коронавирус инфекциясининг юқумлилиги ва тарқалиши эса оила аъзоларининг соғлиғига жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай ҳолатлар эса эркакка пул топиш учун янада кўпроқ меҳнат қилиш вазифасини юкламоқда. Ишсизликнинг ортиши ва меҳнат бозоридаги мураккаб вазият туфайли эса мамлакатимизда ҳам иш излаб ўзга юртга кетганларнинг орасида нафақат эркаклар, балки аёлларнинг ҳам улуши ортиб бормоқда. Россия расмийлари интернет орқали тарқатган маълумотларга кўра, 2021 йилнинг дастлабки 9 ойида Россияга иш излаб борган ўзбек мигрантларининг сони 3 миллионга етган. Бу эса айрим оилалардаги муҳит отасиз, баъзан эса онасиз кечишига олиб келмоқда.

Кўп оилаларда шуни кузатиш мумкинки, аксар ҳолларда она оила ва ширин сўз бўлса, кизлар ҳам яхши тарбия топадилар. Эркак ақлли, уддабурон бўлгани ҳолда ўғилнинг эркатой, ноқобил бўлиб ўсиши, ҳаётда ўз ў-нини топишга қийналиши фактлари учраб туради. Бу эса оилада, теварак-атрофда ўғил бола тарбиясида ижтимоий назоратнинг сусайиб кетганлигидан дарак беради.

Анъанавий ўзбек оиласида аёлнинг оиладаги асосий функцияси бола туғиб-тарбиялаш, рўзғор юритиш, оила маблағларини, оила бюджетини оила аъзоларининг эҳтиёжларига қараб тўғри тақсимлай билиш ҳисобланган.

Шунингдек, фарзандлар онги ва хатти-ҳаракатида орасталик, чеварлик, эстетик дидни шакллантириш, ахлоқий қадриятларни шакллантириш, меҳнаткаш ва хушхулқ қилиб тарбиялаш ҳам онанинг вазифаларидир.

Бугун глобаллашув жараёни натижасида ижтимоий тараққиётнинг жадаллашгани, ижтимоий муносабатларнинг интенсивлашгани туфайли ота ва онанинг жамиятда, иш жойида ўтказадиган вақти оилада ўтказадиган вақтидан бениҳоя ошиб кетганлиги фарзандларни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялашда ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан биргаликда ота ва онанинг ҳамжиҳатликдаги функцияси оилада юзага келган, юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини ола билишларида намоён бўлади. Машхур Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Сино таъкидлаганидек: «Оилада катта ёки кичик нарса бўлмайди. Ҳамма нарса, хатто, энг оддий бўлиб кўринган оилавий муносабатлар ҳам болага таъсир кўрсатади...»

Яқин-яқингача ўзбек оиласида мавжуд бўлган бир ҳақиқат шунда эдики, унда бола шахсини шакллантириш, ақлан, руҳан, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда онанинг ўрни катта бўлган, қисқаси, оиланинг маънавий таъминотининг маълум қисми аёлнинг зиммасида эди. Ота боланинг тарбияси билан бевосита шуғулланмай, балки кўпинча она тарбия жараёнида ота шахсидан фойдаланар эди. Масалан: оналаримиз «отангга айтаман», деб биз фарзандларни ёмон ишдан қайтарар, «отангга қандай айтамин?» деб қилган ишимизнинг ёмонлик даражасини англаатар ва бу билан бизга отамизнинг таъсир кучини оширар эди. Фарзандини тарбиялашда онага отанинг шахси, обрўи кўл келар эди. Ота эса тарбия жараёнига фавқуллодда ҳолатларда, ёки боланинг қилмиши «газак» олганда бевосита аралашган. Бунгача бўлган жараён она орқали бошқарилар эди.

Бугун ҳам оилада отанинг шу мавқеини йўқотмаслик, миллат, халқ ва жамият тақдирига бефарқ эмаслигимизни кўрсатади.

Глобаллашув жараёни ва бозор муносабатлари эса оила бюджетини мустаҳкамлашда эр ва хотиннинг биргаликда меҳнат қилишини тақозо этмоқда.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллашуви кўрсаткичлари таълим, фан, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, бошқарув соҳаларида йил сайин ортиб бормоқда. Айни пайтда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида жами депутатларнинг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизини аёллар ташкил қилмоқда.[1:6] Туман ҳокими, Сенат раиси, элчи лавозимларида ҳам аёллар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбек аёллари орасида ўнлаб Ўзбекистон қаҳрамонлари, фан арбоблари, халқ ўқитувчилари бор...Бундай фидойи аёллар ҳақида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев:«...Уларнинг барчаси Ўзбекистон инсоний салоҳиятининг олтин фондини ташкил этади»[2:107], деган эди. Ўз вақтида машхур мутафаккир А.Фитрат ҳам аёлнинг билими ва маданий савиясининг оилавий муҳитга таъсирини таъкидлаб, шундай ёзган эди:«Бу матлаб(тараққиёт-А.Т)га эришиш учун хотинларимиз ва қизларимиз –миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда хотинларимиз эркаклардан ҳам кўрқокроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар. Мана шу ояти карима ҳам шу маънога ишора қилади:»Покиза ердан тоза ва фойдали ўсимлик осон ўсади ва покиза бўлмаган ердан хор-хасдан бошқа нарса чикмайди»[3:98] (Қуръони Карим. Аъроф сураси, 58-оят).

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллашуви, унинг оилавий муносабатларига таъсир этишига олиб келиши мумкин бўлган муваффақиятлар билан бирга баъзи муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Аёлларнинг оила таъминотидаги улушининг ортиб бориши оқибатида назаримизда, уни оила бошқарувида гегемон ва баъзан ҳукмфармон бўлишга интилиши намоён бўлмоқда.. Айниқса бошқарув тизимидаги аёл салоҳияти ва унинг бу мавқеининг шахсий фазилатларига таъсири масалалари сезилмоқда, бу жараёнда шахсий фазилатларда аёллик фазилатлари (назоқатлилиқ, ширин сўзлилиқ...) дан воз кечиб, эркаклик фазилатлар (қатъиятлилик, қаттиққўллик, тутган жойидан кесишга интилиш...)ига эришиш лозимлиги кўринади, йўқса иш фаолиятида самара камдек туюлиши мумкин.

Аёлнинг асосий вақти оила бюджетига ҳисса қўшишга сарфанаётганлиги боис, фарзандлар тарбиясида узилишлар, кўпгина нохушликлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Болаларнинг шахсий муаммоларига бефарқлик, унинг ички дунёси, манфаатлари, қизиқишларига нисбатан лоқайдлик она ва бола ўртасида бегоналашув жараёнини келтириб чиқармоқда.

Эркаклар оилада ўз функцияларини муносиб бажариши учун эса уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишга ҳаракат қилмоқ лозим. Мутахассисларнинг фикрича, бугун Ўзбекистонда эркаклар аёлларга нисбатан ўртача ҳисобда 5-8 йил кам умр кўришяпти. Чунки уларнинг организми жисмонан бақувват бўлса-да, маънавий-маиший муаммоларга, қийинчиликларга нисбатан чидамсиз. Шунингдек, эркаклар руҳан тушкунликка тушганида, турли шахсий муаммоларга дуч келганида уларга ёрдам кўрсатувчи, уларни бирлаштириб турувчи марказлар, ҳимоя қилувчи ташкилотлар йўқ. Оталари, акалари билан гаплашиш ноқулай ва ёқимсиз бўлган мавзуларда дардқаш тополмай қийналишади, махсус маслаҳатхоналарга, етук психологларга эҳтиёж сезишади.

Аёлнинг ютуқларини тарғиб этувчи, муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашувчи кўплаб газета-журналлар, махсус кўрсатувлар бўлгани ҳолда, эркаклар бу каби эътибор ва кўллаб-қувватлаш, имтиёздан маҳрум.

Хуллас, оиланинг жамият ривожига салмоқли улушини таъминлаш учун бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Табиат аёлни зоҳиран эркакка тобе қилиб яратган бўлса-да, ботинан эркак аёлга тобедир. Аёл фақат фарзандининг тарбиячисигина эмас, балки эрининг ҳам тарбиячисидир. «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деган ўзбек мақоли Анатолий Францнинг «Аёл эркакни тарбияловчи инсондир» деган фикри билан уйғунлашиб кетади.

Чунки аёлларимиз фикри, дунёқараши, хатти-ҳаракати эркакларимиз фаолияти, жамиятдаги ўрни учун таъсир кўрсатиши билан бирга қизларимизнинг келажаги учун аёлларнинг ҳар бир босган қадами ўрнатқуч бўлиши, сабоқ бўлишини унутмаслик лозим. Абдурауф Фитрат таъкидлашича, «оналар тақдири қизлар тақдирида тақдорланур».

Шундан кўринадики, аёлнинг билиб-билмай қилган хатоси, гуноҳи фарзанди – қизлар келажагига таъсир қилиши, тақдорланиши мумкин экан. Демак, қизларимизни тарбияли, муносиб она бўлишга тайёрламоғимиз даркор.

Шунинг учун пандемия муносабати билан юзага келаётган глобал молиявий инқироз шароитида фарзандларимизни замонавий касб-корли, меҳнатқаш, билимли ва уддабурон бўлишларини таъминлаш мақсадида ота-она биргаликда уларда энг юксак инсоний туйғуларни шакллантиришга ҳаракат қилмоқлари, ижтимоий мўлжални тўғри олишга, маданий идеални қарор топтиришга кўмаклашмоқлари лозим.

Шунингдек, эркакларнинг оиладаги мавқеини кўтармоқ учун уларнинг дардини тинглайдиган шифокорлар, педагог-психологлар мулоқотларини уюштириш, уларнинг муаммоларини ўрганадиган марказлар тузиш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Чунки одатда, қизлар билан саломатлик юзасидан, оилавий ҳаёт сабоқ-лари хусусида профилактика ишлари олиб борилади-ю, йигитлар кўпинча назардан четда қолади. Айниқса, талаба йигитлар турмуш шароитида энг оддий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, вақтида овқатланмаслик, сурункали ва наслий касалликлар, зарарли одатлар – спиртли ичимликлар ичиш, чекиш, тасодифий жинсий муносабатлар оқибатида кўп касалликлар келиб чиқиши мумкин ва уларнинг олидини олиш ғоят муҳимдир.

Шунингдек, олий ўқув юртларида «Оила этикаси» деб аталган махсус фанни мутахассислар ўғил-қизларга алоҳида-алоҳида ўтишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

Немис файласуфи И.Кант ўзининг «Гўзаллик ва юксаклик туйғулари-нинг ўзаро муносабати» асарида таъкидлашича, аёллар гўзаллик рамзи бўлса, эркаклар юксаклик рамзидир, деб ёзади. Кантнинг хулосасига кўра, ҳар бир жинс вакилининг ўзига хос қобилияти бўлиб, бу қобилият унга табиат томонидан инъом этилган бўлади. Уни алмаштириш Яратганнинг тартибларига шак келтиришдир.

Шунинг учун ҳам улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой «Бўйнига фартук боғлаб, кир юваётган эркакни кўрганимда аёлдан жирканаман», деб ёзган эди.

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистон тараққиёти, жамиятимиз истиқболи, миллатимиз тақдири ҳақида қайғурар эканмиз, энг аввало оила билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш лозим. Ана шундагина биз кўзлаган чўкқиларни забт этишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

2. Нарбаева Т. Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва Гендер тенгликнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2021, 1-сон.

3. Фитрат А. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Т., Маънавият, 2000.

Наирга проф. С. Чориев тавсия этган

ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИ МУРАККАБЛАШТИРГАН ЖАРАЁНЛАР

Юлдашев Б.Э. (ҚВПЯМЎММ)

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий раҳбар фаолиятини мураккаблаштирган жараёнлар ҳақида сўз бориб, жумладан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, миллий кадрларнинг тикланиши, раҳбарлар олдида қўйилаётган сиёсий талабларнинг кучайиши, мамлакатда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиб бораётгани, Ўзбекистонда сўз эркинлиги ва ошкораликнинг кескин ошиши, коронавирус пандемияси қабилад раҳбар фаолиятини мураккаблаштирган омил вазифасини ўтаганлиги илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *замонавий раҳбар, раҳбарнинг ижтимоий қиёфаси, идеал раҳбар, демократик бошқарув усуллари, заҳира кадрлари номенклатураси, “устоз-шогирд” системаси, “ёш етакчи”, “касбий маҳорат”, раҳбарнинг ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа хислат ва фазилатлари.*

Аннотация. В данной статье говорится о процессах, усложняющих деятельность современного лидера, в том числе о проводимых в Узбекистане за годы независимости экономических реформах, восстановлении национальных ценностей, усилении политических требований, предъявляемых к лидерам, развитию институтов гражданского общества в стране, резкий рост свободы слова и прозрачности в Узбекистане, пандемия коронавируса и т. д. научно проанализировано, что это послужило фактором, осложняющим деятельность лидера.

Ключевые слова: *современный руководитель, социальный облик руководителя, идеальный руководитель, методы демократического управления, номенклатура резервных кадров, система “устоз-шогирд” “молодой лидер”, “профессиональные навыки”, умственные, моральные, правовые, политические и другие качества характера руководителя.*

Annotation. This article talks about the processes that complicate the activity of a modern leader, including the economic reforms implemented in Uzbekistan during the years of independence, the restoration of national values, the strengthening of political demands placed on leaders, the development of civil society institutions in the country, the sharp increase in freedom of speech and transparency in Uzbekistan, the coronavirus pandemic, etc. it has been scientifically analyzed that it served as a factor complicating the leader's activity.

Key words: *modern leader, social image of the leader, ideal leader, methods of democratic management, nomenclature of reserve personnel, “ustoz-shogird” system, “young leader”, “professional skills”, mental, moral, legal, political and other qualities of the character of the leader.*

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жамиятда кечаётган турли ижтимоий жараёнлар замонавий раҳбарлар фаолиятини муттасил мураккаблаштириб бормоқда. Замонавий раҳбар деганда бугунги кунда турли соҳалардаги корхона, ташкилот, муассасада бошқарув фаолиятини амалга ошираётган кадрлар тушунилади. Иқтисодиёт,

ижтимоий ва сиёсий ҳаёт, маънавий маданият соҳасидаги турли ҳодиса ва воқеалар бошқарув фаолияти билан машғул раҳбар кадрларнинг стратегик, инновацион, маъмурий, коммуникацион, ижтимоий функцияларига янгича мазмун бахш этмоқда. Ижтимоий янгилашларга мослаша олмаган раҳбарлар эса аксар ҳолларда ўз фаолиятларига яқун яшашга мажбур бўлмоқдалар. Шу муносабат билан “ижтимоий жараёнлар-раҳбар фаолияти” контекстидаги диалектик алоқадорлик тадқиқи, унинг натижалари ва оқибатлари таҳлили долзарб аҳамият касб этипти.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар мамлакатдаги раҳбарлар фаолиятини тубдан ўзгартирган асосий омил вазифасини ўтади. Маълумки, Совет ҳокимияти йилларида иқтисодий соҳа режали иқтисодиёт ҳақидаги социалистик назарияларга мувофиқ бошқариб борилди. Марказлаштирилган иқтисодий бошқарув дастлабки йилларда муайян самара касб этган бўлса-да, жаҳондаги технологик тараққиёт жадаллашгани сайин бесамар тизимга айлана борди. Унинг оқибати ўлароқ мамлакатда норасмий ва яширин иқтисодиёт институтлари шаклланди, коррупция ва порахўрлик кучайди, ташкилот ва корхоналарда унумли меҳнатга рағбатлантирувчи омиллар заифлашди.¹ Корхона фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёнига доир барча масалалар ягона марказдан ҳал қилинган туфайли ташаббускорлик кўрсатишга, рационализаторлик таклифларини илгари суришга, мустақил фаолият юритишга ҳеч қандай ҳожат қолмади.

Мамлакат иқтисодиётида ҳукм сурган бундай вазият раҳбар кадрлар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатгани, албатта. “Маъмурий бошқарув тизими шароитида хўжалик раҳбарига ишлаб чиқариш жамоасини бошқариш анча осон эди: ишлаб - чиқариш маҳсулотларининг марказлаштирилган тақсмоти ва тегишли меҳнат воситалари ҳамда курулларини олиш ҳаммага маълум бўлган Госнаб тизими орқали амалга оширилди. Унинг амалда маҳсулот-ни сотиш, таъминот, рақобат, талаб ва таклифни ўрганиш, реклама каби бо-зорга хос бўлган муаммоларни ҳал қилишига зарурият йўқ эди”.¹ Бундай вазиятда раҳбарлик фаолияти юқоридан белгилаб берилган кўрсатмаларни бажариш, тақдим этилган режани адо этишдан иборат бўлиб қолди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишга қаратилган иқтисодий ислохотлар ўзига хос тарзда амалга оширилди. “Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз,- деб ёзган эди Ислон Каримов, - республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади. Айни чоғда бизнинг моделимиз жаҳон тажрибаси, мамлакат ва жамиятни янгилаш ҳамда ўзгартиришнинг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар тўплаган энг яхши жиҳатларни ўзида мужассам этган.”² Бундай моделга асосан амалга оширилган ислохотлар давомида “маблағ ва заҳираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан тўлдириш йўлидан” борилди.³

Бозор иқтисодиёти институтларининг вужудга келиши, бозор тамойилларининг жорий этилиши, юқорида каби мутлақо янги характердаги корхоналарнинг пайдо бўлиши раҳбарлардан ўз фаолиятини кескин ўзгартиришни талаб қилди. Энди раҳбар корхонани хом-ашё билан таъминлаш, меҳнат жараёнини ташкил этиш, уни моддий-техник жиҳатдан такомиллаштириш, бозордаги талаб ва таклифни таҳлил қилиш, ўз корхонасини реклама

¹ Қаранг: Явлинский Г.А. Плановая экономика СССР: особенности, эволюция, причины краха // Экономическая наука современной России, 2005, –№1. – С. 25-38.

² Чеченова Л.С. Экономические основы адаптации хозяйственного руководителя к условиям рыночной экономики: Автореф. дисс. на соиск. уч.степ.канд. экон. н. – М., 1997. – С. 3.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.162.

³ Ўша ерда. – Б. 165.

қилиш, рақобат муҳитида самарали фаолият кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни мустақил ҳал қиладиган бўлди. Тўғри, янги иқтисодий вазиятга барча раҳбарлар ҳам бирдан мослаша олганлари йўқ. Масалан, Россия Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти маълумотларига қараганда, бозор иқтисодиётига ўтилган илк йилларда раҳбарларнинг 75 фоизи янги иқтисодий муносабатларга мослаша олмаганлар.¹ Бунинг оқибати ўлароқ мамлакатда касод бўлган корхоналар сони кескин ошди. Ўзбекистон шароитида ҳам шундай вазият ҳукм сурганди.

Лекин аста-секинлик билан ташкилот ва корхона раҳбарлари бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатишга кўника бошладилар. Улар маблағ ва захираларни корхона таркибий ўзгартиришга сарфлашга, уни илғор технология базаси билан жиҳозланган корхонага айлантиришга, бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга одатландилар.

Мустақиллик йилларида *миллий қадриятларнинг тикланиши* мамлакатдаги раҳбар кадрлар фаолиятининг характерида жиддий таъсир кўрсатди. Маълумки, Совет ҳокимияти йилларида коммунистик дунёқарашни ўзида мужассам қилган кадрлар ва идеаллар тизими ҳукмрон эди. Жамиятнинг барча соҳаларига хос бўлган ҳодисалар, жараёнлар, феноменлар коммунистик мафкурага мос бўлсагина кадрлар, акс ҳолда социалистик тузумга ёт ҳолат сифатида қаттиқ қораланади. Собиқ СССРда коммунистик кадрларни сингдиришнинг давлат сиёсати устувор йўналишларидан бирига айланиши миллий қадриятларнинг жамиятдаги позицияларини кескин сусайтирди. Республикалар ижтимоий ва маънавий ҳаётида миллий қадриятлар деградацияси ҳоллари кузатилди. Коммунистик кадрларни ўзлаштирган шахс “совет кишиси” деб улуғланди, миллий қадриятларга содиқ кишилар миллатчи тамғасига муносиб топилди. Табиийки, кадрлар дунёсидаги бундай вазият Иттифок ҳудудида фаолият кўрсатган корхона ва ташкилотлардаги меҳнат жараёнида ҳам, жамоалардаги маънавий-руҳий вазиятда ҳам, улардаги шахсларо муносабатлар характерида ҳам, раҳбар кадрлар фаолиятида ҳам ўз аксини топди.

Совет даврида жамиятнинг турли соҳаларида меҳнат қилган раҳбар кадрлар ўз фаолиятини коммунистик кадрларга мос ҳолда йўлга қўйишга мажбур эди. Масалан, коммунистик кадрларнинг энг аҳамиятлиларидан бири ижтимоий тенглик ғояси, яъни барча жамият аъзоларининг мутлақ тенглигини таъминлаш зарурлиги ҳақидаги қарашлар билан боғлиқ. Ҳар қандай совет ташкилоти раҳбари ўз фаолиятида мазкур коммунистик кадрларни четлаб ўта олмас эди. Шу боисдан у корхонадаги қобилятли, самарали меҳнат қилаётган ходимга ҳам, уқувсиз ва бесамар ишлайдиган ходимга ҳам бир хил шароит яратишга, бир хил маош белгилашга, бир хил талаблар қўйишга интиларди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар жамиятнинг турли соҳаларида ҳукм сурган аянчли вазиятни тубдан ўзгартирди. Хусусан, кенг кўламли ижтимоий янгиланишларнинг маънавий-мафкуравий асоси миллий қадриятларни тиклаш билан боғланди. “Ўзбекистон мустақиллик сари йўл олар экан,- деган эди истиқлолнинг илк йилларида Ислом Каримов,- дастлабки кунларданок ўтмиш маданияти ва кадрларини тиклаш, ноҳақ жабрланган инсонларнинг муборак номларини юзага чиқариш, миллий онгни ўстириш каби вазифаларни ўз олдимишга олиб мақсад қилиб қўйдик.”¹ Биринчи Президентнинг ташаббуси билан мамлакатда миллий қадриятларни тиклаш борасида амалга оширилган ишлар яхши маълум. Бу саъй-ҳаракатлар охири-оқибатда кишилар дунёқарашини коммунистик мафкура ва кадрлар таъсиридан ҳалос қилди. Шунинг назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: “Биз учун энг муҳи-ми шуки, одамларнинг дунёқарашини сифат ўзгаришлари рўй бермоқда, бу ўзгаришлар ҳозирги замон воқелиги талабларига монанд

¹ Қаранг: Чеченова Л.С. Экономические основы адаптации хозяйственного руководителя к условиям рыночной экономики: Автореф. дисс. на соиск. уч.степ.канд. экон. н. – М., 1997. – С. 4.

¹ Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 26.

келади, кадрятларга муносабат, ҳаётий мақсадлар ўзгармоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси ислохотлар биринчи босқичининг алоҳида ажралиб турадиган белгисидир”,- деб ёзган эди.²

Раҳбар олдига қўйиладиган сиёсий талаблар ижтимоий тузум характериға, давлат сиёсатининг мақсадларига, айни пайтдаги ижтимоий-сиёсий вазиятға, жамият олдига турган вазифалар ва муаммоларға мутаносиб равишда муттасил ўзгариб боради. Ижтимоий бурилишлар, кенг қўламли ижтимоий ислохотлар даврида бу талаблар, айниқса, мураккаб ва зарурий тус олади. Ўзбекистонда ҳам худди шундай ҳолат кузатилди.

Мамлакат мустақиллигининг илк йилларида мустақилликни асраш, тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш, долзарб ижтимоий муаммоларни бартараф этиш кўп жиҳатдан раҳбар салоҳиятиға, ташаббускорлиғига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам амалға оширилган ижтимоий ислохотлар давомида раҳбар ва раҳбарлик самарадорлиғига бўлган сиёсий талаблар муттасил ошиб борди. Ислом Каримовнинг мавзуга доир мулоҳазаларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу сиёсий талаблар қуйидагилардан иборат бўлганиға амин бўламиз:

Биринчидан, турли даражадаги раҳбар одамларнинг орзу-умидларини рўёбға чиқаришға интилноғи даркор. “Ҳар бир раҳбар, - деб таъкидлайди

И. Каримов,- у қайси вазифада ишлаши, қайси бўғинни бошқаришидан қатъий назар, авваламбор ўзининг манфаати билан эмас, одамларнинг дарду-ташвишлари билан яшаши, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш ҳақида чуқурроқ ўйлаши, узоқроқни кўриши ва жамоатчиликни ўз ортидан эргаштириш учун уларнинг ишончини қозониши керак”.¹

Иккинчидан, раҳбар фаолияти Ватан тараққиётини таъминлашға йўналтирилган бўлноғи даркор. Ватан равнақи мақсад-муддаоларига бўйсундирилмаган раҳбар фаолияти бесамардир. Шуни назарда тутган ҳолда Ислом Каримов барча раҳбарларға қарата шундай деган эди: “Менинг сизларға мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалға оширилаётган ислохот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларға сафарбар этадиган умумий мақсадға айланиши учун барча имкониятларни ишға солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик”.²

Учинчидан, раҳбар олдига қўйиладиган сиёсий талаблардан бири юрт тинчлигини сақлашға хизмат қилиш билан боғлиқ. Жаҳондаги сиёсий вазият йил сайин кескинлашиб бораётган бир пайтда Ватан тақдири учун қайғурган ҳар бир раҳбар шахс ўз фаолиятининг барча жиҳатларини юрт тинчлигини асрашға сафарбар қилмоғи лозим. Шу сабабдан ҳам Ислом Каримов 2015 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида мамлакатнинг турли вилоятларида қилган маърузаларида мазкур фикрни такрор ва такрор баён қилди.³

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнининг жадаллашиши, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг рўёбға чиқарила бошланиши мамлакатдаги раҳбарлар олдига қўйилаётган сиёсий талабларни кучайтирди ва уларнинг фаолиятини янада мураккаблаштирди. Шуни назарда тутган ҳолда давлат раҳбари: “Халқнинг дарди ва ташвишларини писанд қилмайдиган, эл-юртимиз осойишталиги ва жамоат тартибини сақлашға, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашға қурби етмайдиган ҳар қандай

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 276.

¹ Каримов И.А. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ // uza.uz>politics, 2015, 4 февраль.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-том. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 103-104.

³ Қаранг: Каримов И.А. Она юртимиз бахту-иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

даражадаги раҳбарларга нисбатан жиддий чора кўрилади. Лўнда қилиб айтганда, бундай лоқайд ва бефарқ шахсларга раҳбарлик лавозимларида мутлақо ўрин йўқ,-” деб таъкидлаганди.¹

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида эса фуқароларнинг ижтимоий ислохотлардаги иштирокини янада фаоллаштириш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни муфассал аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари излаб топиш, турли соҳаларда меҳнат қилаётган раҳбарлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш зарурияти юзага келди. Бу вазифаларни эса жамиятдаги сўз эркинлиги ва ошкоралик даражасини ошириш орқалигина ҳал этиш мумкин эди. Шунинг назарда тутган ҳолда давлат раҳбари: “Барчамизга яхши аъёнки, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда”,- деб уқдирди.² Шу боисдан мамлакат тараққиётининг янги босқичида сўз эркинлиги ва ошкораликни таъминлаш, уни жамият турмушининг муҳим мезонларидан бирига айлантириш, фуқароларнинг ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий муаммоларни муҳокама қилишдаги иштирокини фаоллаштириш масалалари давлат сиёсатининг аҳамиятли жиҳатларидан бирига айланди. Бугунги кунда “мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, миллий медиамаконда турли мулк шакли ҳамда сиёсий-ижтимоий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.”¹ Айниқса, “глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда ҳам фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод – Интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир.”² Шунингдек, кейинги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлардан ахборот олиш, ижтимоий муаммоларни муҳокама қилиш имкониятлари кенгайганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Коронавирус пандемияси ҳам раҳбарлар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Хитойнинг Ухань шаҳрида 2019 йилнинг ноябрь ойида илк бор аниқланган коронавирус инфекцияси тез орада бутун дунёга тарқала бошлади. Шу боисдан Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти бу эпидемияни 2020 йилнинг 30 январидан халқаро аҳамиятга молик фавқулодда ҳолат деб, кейинроқ эса (2020 йилнинг 11 мартида) пандемия деб эълон қилди. Шу йилнинг 15 мартдан коронавирус билан касалланиш ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам кузатила бошланди. Шу сабабдан мамлакат ҳукумати пандемия оқибатларини бартараф этишга қаритилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди, бу дастурни амалга ошириш имконини берадиган махсус жамғарма ташкил этди, ривожланган хориж мамлакатларидан малакали тиббиёт мутахассисларини таклиф қилди, беморларни даволаш билан боғлиқ моддий-техника базасини кенгайтди. Лекин қатъий чоралар чоралар кўрилганига ва карантин ҳолати жорий қилинганига қарамадан, 2020 йилнинг кузига келиб, касалланганлар сони 46 мингдан ошиб кетди.

Бундай шароитда барча тоифадаги раҳбар кадрлар фаолияти мисли кўрилмаган даражада мураккаблашди. Жумладан, мамлакат раҳбарияти иқтисодиётнинг буткул тўхтаб қолишининг олдини олиш, мавжуд ишчи ўринларини сақлаш қолиш, жамиятдаги камбағаллар сонининг ошиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўришга мажбур бўлди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 53.

² Мирзиёев Ш.М. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 378.

¹ Мирзиёев Ш.М. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 378.

² Мирзиёев Ш.М. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 498.

Шу мақсадда кам таъминланган фуқаролар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилди, давлат раҳбарининг қарори билан ёрдамга муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, ташкилот ва корхона раҳбарларига иш ўринларини қисқартирмаслик тавсия этилди, турли солиқларни тўлаш муддати узайтирилди. Эътироф этиш зарурки, давлат раҳбари ва мамлакат ҳукумати томонидан кўрилган чоралар шарофати ўлароқ иқтисодий қоллапснинг олди олинди.

Коронавирус пандемияси мамлакатдаги турли корхона ва ташкилот раҳбарларининг фаолиятига ҳам жиддий ўзгаришлар киритди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

а) раҳбарлар корхона фаолияти билан боғлиқ масалаларни нафақат анъанавий бошқарув услублари, балки масофавий меҳнат услубларидан фойдаланиб ҳал қилишга одатлана бошладилар;

б) раҳбар фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиёти ривож топди, шу муносабат билан уларнинг инфорацион технологиялар билан боғлиқ саводхонлиги даражаси юксалди;

в) турли тоифадаги раҳбарлар корхона ёхуд фирмани экстремал вазиятда бошқариш тажрибасига эга бўлдилар, шу муносабат билан уларнинг муайян шароитда муҳим вазифаларни иккинчи даражадаги вазифалардан ажратиш олиш билан боғлиқ малакалари юксалди;

г) раҳбарлар нафақат ишлаб чиқариш заруриятига қараб, балки масаланинг гуманистик жиҳатларига ҳам эътибор берган ҳолда қарор қабул қилишга одатландилар;

д) замонавий раҳбарларга хос бўлган мажлисбозлик, тўрачилик иллатлари кескин камайди – жамоа аъзолари бажариши зарур бўлган топшириқлар онлайн тарзда етказила бошланди;

е) раҳбарларнинг жамоа аъзолари соғлиғи, моддий жиҳатдан таъминланганлиги, ижтимоий ҳимояланганлиги учун масъулияти даражаси ортди.

Бир қарашда, раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ бу ўзгаришлар муваққатдек, вақтинча характерга эгадек кўринади. Балки ҳақиқатан ҳам шундайдир. Коронавирус пандемияси интихоси карантинлар даврига хос бўлган айрим чекловлар, фавқулодда чораларни кун тартибидан олади, албатта. Бироқ раҳбарлик фаолиятини йўлга қўйишда рақамли технологиялардан фойдаланиш тажрибаси, корхонадаги меҳнат самарадорлигини оширишга диққатни жамлаш билан кифояланмасдан, жамоанинг ижтимоий ҳимояланганлиги даражасига ҳам эътибор бериш амалиёти, турли муаммоларни нафақат ишлаб чиқариш заруриятига, балки гуманистик аспектларига ҳам қараб ҳал қилиш ёндашувининг сақланиб қолиши эҳтимоли ниҳоятда катта. Шу боисдан коронавирис пандемияси шароитида раҳбар фаолиятида юз берган ўзгаришларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Хулоса шундан иборатки, Ўзбекистонда кечаётган турли ижтимоий жараёнлар замонавий раҳбарлар фаолиятини муттасил мураккаблаштириб, уларнинг стратегик, инновацион, маъмурий, коммуникацион, ижтимоий функцияларига янгича мазмун бахш этди. Бунда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, мустақиллик йилларида миллий кадриятларнинг тикланиши, раҳбарлар олдига қўйилаётган сиёсий талабларнинг кучайиши, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиб бораётгани, сўз эркинлиги ва ошкораликнинг кескин ошиши, коронавирис пандемияси раҳбарлар фаолиятини мураккаблаштирган омил вазифасини ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Чеченова Л.С. Экономические основы адаптации хозяйственного руководителя к условиям рыночной экономики: Автореф. дисс. на соиск. уч.степ.канд. экон. н. – М., 1997. – С. 3.

2. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 26.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 276.

4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Демократик ислохотларни янада

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-том. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 103-104.

5. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг қафолатидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 53.

6. Мирзиёев Ш.М. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 378.

Наширга проф. С. Чориев тавсия этган

ЗАМОНАВИЙ СОЦИУМДА ИЖТИМОЙ КАПИТАЛ АҲВОЛИНИ ЎЛЧАШ УСЛУБИЁТИ

Норқобилов М. (ТерДУ)

Аннотация. Мақолада ижтимоий капитал жамиятдаги ижтимоий алоқалар характери, жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги даражасини, уларнинг бошқа кишилар ва институтларга ишончи меъёрини, умумий ижтимоий норма ва қадриятларга мойиллиги даражасини ифодаловчи тушунча сифатида таърифланади. Муаллифнинг фикрига кўра, бугунги кунда мамлакатлардаги ижтимоий капитал аҳволини ўлчашнинг турли услублари мавжуд. Улар орасида жаҳоннинг турли минтақаларида кенг апробациядан ўтган Фукуяма услуби, ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги даражасини индексда ифодалаш услуби, ижтимоий капитални баҳолаш услуби айниқса аҳамиятли ҳисобланади.

Таянч сўзлар: *ижтимоий капитал, ижтимоий капитал тушунчаси генезиси, ижтимоий капитални ўлчаш услублари, Фукуяма услуби, индексда ифодалаш услуби, SOCAT услуби.*

Аннотация. В статье социальный капитал определяется как понятие, выражающее характер социальных отношений в обществе, степень взаимодействия членов общества, норму их доверия к другим людям и институтам, степень их предрасположенности к общепринятым социальным нормам и ценностям. По мнению автора, сегодня существуют различные методы измерения состояния социального капитала в странах. Среди них особенно значимыми считаются обширно апробированные в разных регионах мира метод Фукуямы, индексный метод выражения уровня развитости социального капитала, метод оценки социального капитала.

Ключевые слова: *социальный капитал, генезис понятия социального капитала, методы измерения социального капитала, метод Фукуямы, индексный метод, метод SOCAT.*

Аннотация. The article defines social capital as a concept expressing the nature of social relations in society, the degree of interaction of members of society, the norm of their trust in other people and institutions, the degree of their predisposition to generally accepted social norms and values. According to the author, today there are various methods of measuring the state of social capital in countries. Among them, the Fukuyama method, the index method of expressing the level of development of social capital, and the method of assessing social capital, which have been extensively tested in different regions of the world, are considered particularly significant.

Key words: *social capital, genesis of the concept of social capital, methods of measuring social capital, Fukuyama method, index method, SOCAT method.*

Ижтимоий капитал – жамиятдаги ижтимоий алоқалар характери, жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги даражасини, уларнинг бошқа кишилар ва институтларга ишончи меъёрини, умумий ижтимоий норма ва қадриятларга мойиллиги даражасини ифодаловчи тушунчадир. Тушунча илк бор инглиз олими Л.Ж.Ханифаннинг мақоласида қўлланилган эди¹. Муаллиф уни жамиятдаги бирдамликнинг шаклланганлиги даражасини ҳамда кишиларнинг ижтимоий ҳаётга иштироки меъёрини белгилаш учун ишлатганди. Шундан сўнг узок йиллар давомида мазкур тушунча илмий муомалада бўлмади. Ўтган асрнинг 60-йилларига келибгина илмий манбаларда “ижтимоий капитал” тушунчаси қайта

¹ Hanifan L. J. Annals of the American Academy of Political and Social Science. — The rural school community center, 1916.

пайдо бўла бошлади. Жумладан, америкалик олима Ж.Жейкобс ушбу тушунчани ижтимоий алоқаларнинг аҳамиятини ифодалаш мақсадида ишлатди¹.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб “ижтимоий капитал” тушунчаси Ғарб социологиясининг энг муҳокамабоп тушунчаларидан бирига айланди. Унинг мазмуни ва таркиби тизимли равишда П. Бурдьё томонидан атрофлича очиб берилди. Олим ижтимоий капитал деганда муайян манфаат келтириши мумкин бўлган ижтимоий алоқалар йиғиндисини тушунади². Кейинчалик унинг мулоҳазалари социолог Д.Коулмен ва сиёсатшунос Р. Пэтнам томонидан ривожлантирилди³. Улар жамиятда барча аъзолар томонидан қўлланиладиган, амал қилинадиган ижтимоий меъёрлар ва ахлоқий кадриятлар мажмуи мавжудлигини қайд қиладилар. Олимларнинг фикрига кўра, бу меъёр ва кадриятлар умумжамият миқёсида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради. Масалан, Р. Пэтнам “ижтимоий капитал” тушунчасини ижтимоий ҳаётнинг характерли хусусиятлари (ўзаро таъсир, меъёрлар, ишонч) билан боғлайди, у жамиятдаги иқтисодий фаолият субъектларига умумий мақсад йўлида самарали ҳаракат қилишга имкон беради, деб таъкидлайди. Олимнинг таъкидлашича, ижтимоий капитал жамиятдаги иқтисодий фаровонликни таъминлашда, ижтимоий-сиёсий соҳа ривожига эришишда ҳал қилувчи роль ўйнайди⁴.

Бугунги кунда ҳам ижтимоий капиталнинг мазмуни ва таркиби билан боғлиқ турли назарий хулосалар илгари сурилмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бундай хулосалар кўплигига қарамасдан, фикрларни ягона махражга келтириш ниҳоятда мушкул. Чунки тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи ижтимоий капитални бутун жамиятнинг муҳим атрибути сифатида талқин қилади. Бунда ижтимоий капитал шахс хулқ-атворининг жамиятда умумэтироф этилган нормаларга мутаносиблигини кўрсатувчи тушунча сифатида таҳлил қилинади. Изланувчиларнинг иккинчи гуруҳи ижтимоий капитални муайян ижтимоий гуруҳдаги ресурслар ва ижтимоий алоқаларни ифодаловчи тушунча сифатида таърифлайди. Учинчи гуруҳ тадқиқотчилари ижтимоий капитални индивидга хос бўлган хусусиятлар мажмуи тарзида тасаввур қилади. Уларнинг фикрига кўра, бу хусусиятлар индивиднинг аниқ бир ижтимоий гуруҳга аъзолиги шарофати билан шаклланади⁵.

Ижтимоий капитал мазмуни ва динамикасини чуқур илғаб олиш учун конкрет-тарихий даврдаги аҳволини аниқлаш, ўлчаш зарур бўлади. Бунинг учун эса аввало уни ўлчаш имконини берадиган услубиётни умумлаштириш керак. Бугунги кунда мамлакатлардаги ижтимоий капиталнинг аҳволини аниқлашнинг, *ўлчашнинг турли услублари* мавжудлигини қайд қилиб ўтмоқ даркор. Мазкур услублар турли-туманлигининг сабаби шундаки, биринчидан, мутахассислар, биз таъкидлаб ўтганимиздек, “ижтимоий капитал” тушунчасининг мазмунини, таркибий тузилишини турлича тасаввур қиладилар. Тасаввурлар ва тадқиқот мақсадларидаги тафовутлар изланувчиларнинг бир гуруҳини бир турдаги услубга, иккинчи гуруҳини бошқа турдаги услубга мурожаат этишга мажбур қилади. Иккинчидан, ижтимоий капитал таркибий элементларининг ижтимоий алоқалар ичига сингиб кетгани ҳам муайян қийинчиликлар туғдиради. Чунки ижтимоий алоқалар туркумидан том маънода ижтимоий капитал вазифасини ўтовчи ҳолатлар ва феноменларни ажратиб олиш бирмунча мушкул. Учинчидан, бугунги кунда замонавий жамиятдаги ижтимоий капитал аҳволи турли ижтимоий институтлар томонидан муттасил ўрганиб борилади. Ушбу институтлар турли ижтимоий функцияларни бажарганлари боис ўлчов услубларини ҳам уларга мутаносиб равишда танлайдилар.

¹ Jacobs J. *The Death and Life of Great American Cities*. — New York: Random House, 1961.

² Бурдьё П. Социология политики. — М., 1993.

³ Коулмен Дж. Капитал социальный и человеческий // *Общественные науки и современность*, 2001. — №3; Пэтнам Р. Чтобы демократия сработала. Гражданские традиции в современной Италии. — М.: Ad. Margmem 1996.

⁴ Пэтнам Р. Чтобы демократия сработала. Гражданские традиции в современной Италии. — М.: Ad. Margmem, 1996. — С. 25.

⁵ Красная Н.А. Структура социального капитала.// *Система ценностей современного общества*, 2012, — №23. — С. 218.

Бугунги кунда жамиятдаги ижтимоий капиталнинг аҳволи ва ривожланганлиги даражасини ўлчашда энг кўп қўлланиладиган уч услуб мавжуд. Улардан биринчиси “Фукуяма услуби” деб номланади. Бу услуб Ф.Фукуяманинг “Ишонч: ижтимоий фазилятлар ва фаровонлик сари йўл” номли асарида ифодалаб берилган. У муайян ижтимоий гуруҳ вакиллари амал қиладиган норма ва қадриятлардаги тафовутларни таҳлил қилиш орқали ишонч радиусини аниқлашга қаратилган. Бунда файласуф қуйидаги формулага таянишни таклиф қилади:

$$SC = ((1/rn)*gr*c*n)1\dots t,^1$$

Ифодадаги rn – ижтимоий капиталнинг юксалишига хизмат қилмайдиган гуруҳлар (масалан, жиний гуруҳлар) фаолиятини кўрсатувчи ишончсизлик радиусини, gr – ишонч радиусини; c – ижтимоий гуруҳлардаги ҳамжиҳатлик ва ички алоқалар меъёрини кўрсатувчи сифатий коэффициентни, n – фуқаролик жамиятидаги ижтимоий гуруҳлар сонини, t – вақт функциясини англатади². Мазкур формула, муаллифнинг фикрига кўра, нафақат жамият ижтимоий капиталнинг ривожланганлигини аниқлаш имконини беради, балки бир жамият шароитида турли ижтимоий капиталлар мавжудлигини ҳам намоиш этади.

Иккинчи услуб *ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги даражасини индексда ифодалаш услуби* деб номланади. Бунда жамиятдаги ижтимоий алоқалар мустаҳкамланишига, фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончнинг ошишига хизмат қиладиган статистик кўрсаткичлар, факт ва аргументлар умумлаштирилади ва мазкур умумлашмалар асосида жамият ижтимоий капиталнинг индекси аниқланади. Бугунги кунда мазкур услуб турли жамоатчилик институтлари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўлланилмоқда. Масалан, АҚШнинг 1952 йилда ташкил этилган “Edelman” фирмаси индексда ифодалаш услубини фуқароларнинг давлат органларига, жамоатчилик ташкилотларига, диний муассасаларга, оммавий ахборот воситаларига муносабатини аниқлаш мақсадида қўллайди. Ушбу муносабат асосида фуқароларнинг турли ташкилотларга ишончи индекси аниқланади. 1993 йилда ташкил этилган ва бугунги кунда жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларида фаолият олиб бораётган “Transparency International” халқаро нодавлат ташкилоти индексда ифодалаш услуби ёрдамида давлат органларида коррупциянинг илдиз отганлиги даражасини аниқлайди. Ёндашувга кўра, коррупцион ҳолатларнинг камлиги ижтимоий капиталнинг ривожланганлигидан, кўплиги эса унинг заифлигидан далолат беради. 2007 йилда Лондонда ташкил этилган ва мустақил хайрия ташкилоти сифатида фаолият олиб бораётган Легатум Институти ушбу услуб ёрдамида жаҳон мамлакатларининг фаровонлиги индексини аниқлашга интилади. Индекс жамият турмушининг турли жиҳатларини ўзида мужассам қилган саккиз категорияга (иқтисодиёт, тадбиркорлик, бошқарув, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, шахсий эркинликлар, ижтимоий капитал) тааллуқли 79 кўрсаткич таҳлили асосида белгиланади³.

SOCAT (Social Capital Assessment Tool – ижтимоий капитални баҳолаш услуби) номини олган учинчи услуб ўтган асрнинг охирларида Жаҳон банки мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Услуб ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги даражасини олти тоифага (гуруҳ ва тармоқларнинг зичлиги ва турли-туманлиги, оиладаги ва ижтимоий алоқалардаги ишонч даражаси, умумжамоавий саъй-ҳаракатлар, ижтимоий ҳамжиҳатлик даражаси, коммуникациялар аҳволи, фуқароларнинг сиёсий масалаларни ҳал қилишдаги иштироки даражаси) таснифланган кўрсаткичларни баҳолаш асосида аниқлашни назарда тутди⁴.

¹ Стебаков А.А. Методы измерения уровня социального капитала в России и за рубежом. // Известия Саратовского университета. Серия Экономика. Управление. Право, 2014, Т. 14, Вып. 2, Ч. 2. – С. 431.

² Ўша ерда.

³ Стебаков А.А. Методы измерения уровня социального капитала в России и за рубежом // Известия Саратовского университета. Серия Экономика. Управление. Право, 2014, Т. 14, Вып. 2, Ч. 2. – С. 432.

⁴ Ўша ерда. – С. 434.

Келтирилган услубларнинг барчаси жиддий аҳамиятга молик, албатта. Уларнинг барчаси у ёки бу тарзда ва кўламда жаҳон мамлакатларда турли ташкилотлар томонидан апробациядан ўтказиб келинмоқда. Бироқ улар орасида энг кўп қўлланилаётгани индексда ифодалаш услубилигича қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мазкур услуб ижтимоий капиталнинг барча таркибий элементлари – шахслараро ҳамкорлик, ўзаро ишонч, ижтимоий нормалар, жамият аъзолари учун умумий бўлган қадриятларнинг шаклланганлиги даражасини муфассал ифодалаш имконини беради. Иккинчидан, ушбу услуб ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги ҳолатини белгилашда ҳам иктисодий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий-маданий соҳаларга доир кўрсаткичларга мурожаат қилишни тақозо этади. Учинчидан, бу услуб ижтимоий капитал индексини белгилашда тасодифий эмас, зарурий алоқаларга таянади. Тўртинчидан, у мутахассислар ва халқаро экспертлар томонидан энг кўп эътироф этилган услуб ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатлар ижтимоий капиталининг индексини белгилашдан аввал улардаги шахслараро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва ўзаро ишонч, фуқароларнинг ижтимоий нормаларга амал қилиши, кишилар учун умумий бўлган қадриятларнинг шаклланганлиги даражаси ўрганилмоқда. Бунинг учун минглаб респондентлар орасида социологик сўровлар ва суҳбатлар ўтказилади, мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётига доир расмий статистик маълумотлар, акт ва аргументлар таҳлил қилинади. Мазкур изланишлар асосида мамлакатлар ижтимоий капитали индекси белгиланади. Жумладан, 4-5 баллик индекс ижтимоий капиталнинг энг юқори даражада ривожланганини, 2-4 баллик индекс ижтимоий капиталнинг юқори даражада ривожланганини, 0-2 баллик индекс ижтимоий капиталнинг ўрта даражада ривожланганини, 0 баллдан кам индекс ижтимоий капиталнинг паст даражада ривожланганини ифодалайди. Одатда бундай индекслар асосида жамият аъзолари турмушининг фаровонлиги даражаси ва миллий ҳамжиҳатликнинг шаклланганлиги меъёри хусусида хулоса қилинади.

Хулоса қиладиган бўлсак, замонавий социумдаги ижтимоий капиталнинг аҳволини, ривожланганлик даражасини аниқлаш учун, бир томондан, уни шу жамиятда кечаётган иктисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий жараёнлар контекстида таҳлил қилмоқ, иккинчи томондан эса, ижтимоий капитал мазмуни ва ҳажмини имкон қадар муфассалроқ аниқлашда қўл келадиган услубларга таянмоқ лозим бўлади. Бу борада кейинги ўн йил мобайнида жаҳоннинг турли минтақаларида кенг апробациядан ўтган Фукуяма услуби, ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги даражасини индексда ифодалаш услуби, ижтимоий капитални баҳолаш услуби айниқса аҳамиятли ҳисобланади. Апробация натижаларининг гувоҳлик беришича, мазкур услублар объективлик тамойилига мувофиқ равишда ўтказилган социологик тадқиқотлар, аниқ статистик маълумотлар, факт ва аргументларга таянганидагина реал вазиятни аниқлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Hanifan L. J. Annals of the American Academy of Political and Social Science. – The rural school community center, 1916.
2. Jacobs J. *The Death and Life of Great American Cities*. — New York: Random House, 1961.
3. Бурдые П. Социология политики. – М., 1993.
4. Пэтнам Р. Чтобы демократия сработала. Гражданские традиции в современной Италии. – М.: Ad. Margmem 1996.
5. Красная Н.А. Структура социального капитала.// Система ценностей современного общества, 2012, – №23. – С. 218.
6. Стебаков А.А. Методы измерения уровня социального капитала в России и за рубежом // Известия Саратовского университета. Серия Экономика. Управление. Право, 2014, Т. 14, Вып. 2, Ч. 2. – С. 431.

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

ILM-FAN YUTUQLARI QADRIYAT SIFATIDA

Boybekova Sh.A. (QarDU)

Аннотация. Мақола О‘zbekistonda ilm-fanni rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarning mazmun-mohiyatiga bag‘ishlanadi. Oxirgi yillarda ilmiy tadqiqot ishlarini samaradorligini oshirish, kadrlar tayyorlash jarayonini modernizatsiya qilish kabi ta‘lim tizimini rivojlantirishning ustuvor masalalari atroflicha o‘rganilgan.

Tayanch so‘zlar: qadriyat, ma‘naviy meros, demokratik davlat, islohot, taraqqiyot, insonparvarlik, intellekt, ilm-fan, moddiy va ma‘naviy hayot, fuqarolik jamiyati, tafakkur tarzi, ilmiy tadqiqot.

Аннотация. Статья посвящена сути комплексных реформ в развитии науки в Узбекистане. основное внимание будет уделено сути комплексных реформ в области развития. В последние годы детально изучены приоритеты развития системы образования, такие как повышение эффективности научных исследований, модернизация учебного процесса.

Ключевые слова: ценности, духовное наследие, демократическое государство, реформа, развитие, человечество, интеллект, наука, материальная и духовная жизнь, гражданское общество, образ мышления, научные исследования.

Annotation. The article is devoted to the essence of complex reforms in the development of science in Uzbekistan. the focus will be on the substance of comprehensive development reforms. In recent years, the priorities for the development of the education system have been studied in detail, such as increasing the efficiency of scientific research, modernizing the educational process.

Key words: Values, spiritual heritage, democratic state, reform, development, humanity, intellect, science, material and spiritual life, civil society, way of thinking, scientific research.

Bugungi kunda mamlakatimizda ilm - fan sohasida katta yutuqlarga erishilmoqda. Yoshlar dunyo qarashida ilmiy dunyoqarashni rivojlantirish va mustahkamlash muhim ahamiyat kasb etadi. Bu davrda jamiyatning qadriyatlar sistemasini tarkibida ham muhim o‘zgarishlar ro‘y bermoqda. Jamiyatning ma‘naviy qadriyatlar sistemasida fan, ilmiy bilish, ratsionalizm ustuvorlik qilmoqda.

Ma‘lumki, jamiyat va inson hayotida madaniy-ma‘naviy qadriyatlar katta o‘rin egallaydi. Unga ilmiy texnikaviy va intellektual imkoniyatlar, maorif, ta‘lim-tarbiya, tibbiy xizmat, milliy meros, turli shakllarda namoyon bo‘ladigan madaniyat durdonalari, til, adabiyot, san‘at, xalq hunarmandchiligi mahsulotlari, noyob tarixiy va madaniy yodgorliklar, arxitektura va hokozolar kiradi. Ilm-fan insonni abadiylashtiradigan, uni ezgulik va bunyodkorlikka da‘vat etadigan qadriyat ekanligi islom dinining muqaddas kitoblari bo‘lgan Qur‘oni Karim va Hadisi shariflarda, donishmand xalq og‘zaki ijodiyotida o‘zining yorqin ifodasini topgan.

Ilmiy qadriyatlarning inson va jamiyatning ma‘naviy kamolotidagi ahamiyati masalalari Muso al Xorazmiy, Ahmad Farg‘oniy, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayxon Beruniy, Ibn Sino va boshqa mutafakkirlarining asarlarida muhim o‘rin tutgan. Ular ilmiy qadriyatlarning avlodlar va zamonlarni bir-biri bilan bog‘lovchi xalqa, insonni axloqan poklovchi va ezgulikka da‘vat etuvchi muhim vosita sifatida tavsiflanganlar. Buyuk mutafakkirlarning asarlarida ilmiy qadriyatlar, ma‘naviy qadriyatlar ulug‘lanadi. Sharq mutafakkirlari aytganidek ¹ “Eng katta boylik –bu aql zakovat va ilm, eng katta meros- bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik bu bilimsizlikdir”. Mamlakatimiz rahbari ta‘kidlaganidek eng katta boylik aql, zakovat va ilm ekanligini yoshlarimizga singdira olsak, eng katta ma‘naviy qadriyat ilm ekanligini tushuntira olsakkina ko‘zlagan maqsadimizga erishamiz.

XXI asrda axborot texnologiyalarining rivojlanishi, kompyuterlarning inson faoliyatining barcha sohalariga kirib borishi ilmiy bilimlardagi integratsiya jarayonlarini ikki falsafiy fanlardagi integratsiyalashuv va umumilmiy bilimlardagi integratsiyalashuv jarayonlari yo‘nalishida rivojlandi. Olam ilmiy manzarasining o‘zgarishi, “universal evolyutsionizm” tamoyili g‘oyasining vujudga kelishi ilmiy bilimlardagi integratsiya jarayonlariga katta ta‘sir ko‘rsatdi. Ilmiy bilimlardagi integratsiya jarayoni bir fanning yoki ilmiy bilimlarning bir-biriga aralashib ketishi emas, balki ularning sintezi, organik birligi ma‘nosida tushuniladi. Bunda

¹ Qarang: Mirziyoyev Sh. O‘zbekiston Respublikasining Oliy majlisga Murojaatnomasi // – B.11.

bilimlar tizimidagi asosiy tushunchalarda transformatsiya yuz beradi. Ilmiy bilimlardagi integratsiya jarayonlari fanlarning tushuncha va kategoriyalari unifikatsiya bo'lishi; umumiy ilmiy metodlarning paydo bo'lishi; bir fan metodlarining ikkinchi fanlarga kirib kelishi; umumiy tadqiqot obyektlari va kompleks fanlarning paydo bo'lishi tarzida namoyon bo'ladi.

Axborot texnologiyalarining keng qo'llanilishi umumilmiy bilimlardagi integratsiya jarayonlarining kuchayishiga sabab bo'ldi. Natijada, axborot, virtuallik, nohizizlik zamonaviy ilmiy bilimlarning umumiy tushunchasiga aylandi. Kompyuter va Internetning katta imkoniyatlari tabiatshunoslik va aniq fanlar: ikkinchi tomondan ijtimoiy va gumanitar fanlar orasidagi to'siqlarni yengishga imkon bermoqda. Bu yangi tafakkur tarzi shakllanib, insoniyat intellektual olamini boyitishga xizmat qiladi.

Demak, ilmiy bilimlardagi zamonaviy integratsiya jarayonlari asosida, birinchidan ilmiy bilimlar rivojlanishining ichki qonuniyatlari, ikkinchidan axborot texnologiyalarining rivojlanishi yotadi va bu jarayon kelajakda yanada kuchayadi. Bunga asosiy omil bo'lib global evolyutsionizm g'oyasi xizmat qiladi. Zero, borliqning barcha sohalarida – tabiat, jamiyat, inson madaniyat, fan, falsafa va hokazo koevolyutsion jarayonlar haqidagi tasavvurlar, bu jarayonlarning mexanizmlarini aniqlash, tabiiy va gumanitar bilimlarning yanada yaqinroq o'zaro ta'sirini kuchaytirishni talab etadi. Bundan tashqari, insoniyat oldida turgan global muammolar ham ilmiy bilimlardagi integratsiya orqali hal qilinadi.

Shubhasiz aytish mumkinki, ilmiy bilimlardagi integratsiya jarayonlari oqilonalikning bir ifodasi sifatida dastlab ilmiy bilimlar, keyinchalik esa turli ilg'or texnologiyalari orqali o'z samarasini berib boraveradi.

Umuman olganda, fan yer yuzidagi barcha xalqlarni birlashtiruvchi, ularning mushtarak manfaat va maqsadlari uchun xizmat qiluvchi ma'naviy- intellektual qadriyatdir. Chunki Yer yuzidagi barcha xalqlar turli diniy e'tiqodga, turli axloqiy qadriyat va madaniyatga, turlicha badiiy-estetik didga, turlicha siyosiy tizim va mafkuraga tayanar ekan, faqat ilmiy qadriyatlarga gina xalqlar va mamlakatlarni bir-biri bilan yaqinlashtiradi.

Mamlakatimizda fan, ta'lim-tarbiya sohasida amalga oshirilayotgan tub islohotlar shubhasiz, murakkab ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni oqilona hal etishda ilm-fan salohiyatidan to'laroq foydalanishga, xalqimizning ilmiy-intellektual salohiyatini yuksaltirishga qaratilgandir. Yosh avlodning ma'naviy va ilmiy qarashlarini to'g'ri shakllantirish uchun milliy o'zlikni anglatish, ilmning mazmun mohiyatini, tarkibiy qismlarini, inson hayotidagi vazifasi va ahamiyati haqida atroflicha yoritib ular qalbida yuksak ilmiy ma'naviy, diniy me'zonlarni, talablarni qaror toptirish, jamiyat tafakkurini rivojlantirish zarur. Ta'limni yangicha tushunish shaxsning ma'naviy qadriyatini uning erkinligi bilan uyg'unlashtirish, ta'limni insonparvarlashtirish kabi tamoyillar asosida shaxsning intellektual madaniyatini tarkib toptirish mumkin. Buning oqibati o'laroq, insonparvarlik tamoyillariga asoslangan ta'limning yangi qadriyatlar sistemasi yuzaga keladi. Binobarin, ta'limni gumanitarlash odamlarni bu dunyoda o'zlarini anglashni ta'minlaydi, ta'limni insonparvarlashtirishning asosiy maqsadi esa gumanistik dunyoqarashni, tegishli bilim va ko'nikmalarni tarkib toptirishga olib keladi. Ayni mana shu o'zaro bog'langan insoniy va intellektual fazilatlar mutanosibli ta'lim va bilim jarayonini qadriyatli ong darajasida tushunishga, fan va ilmiy qadriyatlar mohiyatini to'g'ri anglab yetishga olib keladi.

Ilmiy qadriyatlar ma'naviy qadriyatlarimizning muhim tarkibiy qismi va tayanch qadriyat sifatida o'zining qator xususiyatlari, rivojlanish qonuniyatlari bilan ajralib turadi. Ilm-fanni qadriyat sifatida anglash, avvalo, ilmiy bilimlar va fanning jamiyat va shaxs hayotidagi buyuk yaratuvchilik qudrati demokratik qadriyatlar qaror topishi bilan bog'liqligini anglashni talab etadi.

Ilmiy qadriyatlar - kishilardagi intellektual –ma'naviy qobiliyat va iste'dodni ro'yobga chiqarish, ajdodlarimiz ilmiy merosini chuqur o'rganish, voqelikni tadqiq etish orqali yangilik va kashfiyotlar yaratishga imkon beradigan g'oyalari, asarlar, o'quv va ilmiy muassasalar, olimlar jamoasi, ilm ahllari majmuasidir. Ilmiy qadriyatlar keng qamrovli falsafiy tushunchadir. Bu tushuncha fandagi vorisilik, an'anaviylik, novatorlikni dialektik tarzda uyg'unlashtiradi. Ilmiy qadriyatlar tarkibiga eng avvalo insoniyat tarixida chuqur iz qoldirgan barcha buyuk

allomalarimizning o'lmis asarlarini kiritish mumkin. Ilmiy qadriyatlarning boshqa qadriyatlardan afzalligi, ustunligi – uning ishonchli, tajribada sinalgan bilimlar berishidir. Ilmiy qadriyatlar tarkibini ta'lim-tarbiya va ilmiy muassasalar ham tashkil etadi. O'quv muassasalar ezgu maqsadni – yoshlarni fan asoslarini, fan yangiliklarini singdirishni, yoshlarda ilmiy tafakkur va ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirishni maqsad qilib qo'yadi. Biz rivojlangan bozor iqtisodiyotiga asoslangan zamonaviy davlat qurish yo'liga qadam qo'yib kuchli davlatdan kuchli fuqarolik jamiyati sari izchillik bilan o'tishni ta'minlar ekanmiz, faqat milliy va umumbashariy qadriyatlar uyg'unligi zaruratini teran anglaydigan, zamonaviy bilimlarni, intellektual salohiyat va ilg'or texnologiyalarni egallagan insonlarga o'z oldimizga qo'ygan strategik taraqqiyot maqsadlariga erishish mumkin.

Milliy-ma'naviy omillar halol-poklik, o'zaro mehr-oqibat, millatparvarlik, vatandoshlik, adolat, haqiqatparvarlik, burch, adolat kabi fazilatlarimiz rivojiga keng yo'l ochib berdi. Yurtimizning porloq kelajak sari borishida ma'naviy omillar va ularning zamona ruhiga monand tarzda transformatsiya bo'lishi dolzarb ijtimoiy masaladir.

Fan qadriyat sifatida anglana boshlashi bilan kishilarning xulq-atvori, hatti-harakatlari va o'zaro munosabatlarida ilm-fan ahllariga xos bo'lgan sifat va fazilatlar shakllana boshlaydi. Fan kishilar hamisha aniqlikka, rostgo'ylikka, haqiqatni bilishga intiladilar. Ular ko'p gapirishni emas, balki ko'proq fikrlashni, mulohaza yuritishni ma'qul ko'radilar. Olimlar o'tmishdagi ulug'allomalarning yozib qoldirgan ilmiy nazariya va ta'limotlarini haqiqat deb biladilar, o'zlari ham uzoq yillar davomida erishgan ilmiy natijalarini haqiqat sifatida bayon etadilar. Fan kishilarda rostgo'ylik, haqiqatparvarlik, taraqqiyparvarlik singari fazilatlarini tarbiyalaydi.

Demokratik jamiyatda haqiqiy olim ilmiy qadriyat sifatida e'zozlanar ekan, olimda yuksak grajdanlik tuyg'usi, mas'uliyati yuksak axloqiylik bilan uyg'unlashadi. Haqiqat, halollik va diyonat demokratik jamiyatda olim qadr-qimmatini oshiruvchi muhim insoniy fazilat umumbashariy qadriyat sifatida namoyon bo'ladi.

Vatanni sevisish hamisha fidoyilikni talab etadi: olim o'zini fanga to'la bag'ishlasagina biron-bir muvaffaqiyatga erishishi mumkin. Fan ahllarining har bir muvaffaqiyati faqat milliy taraqqiyot uchungina emas, balki butun insoniyatning farovonligi, taraqqiyoti uchun xizmat qiladi. Fanning umuminsoniy qadriyat sifatida anglanishi va qadrlanishi uning baynalminal tabiati bilan uzviy bog'liqdir.

Falsafa hozirgi kunda inson mohiyatining qadriyatli mazmunida o'z asoslarini ilgari suradi. U inson hayotining mutlaq qadriyati sifatida e'tirof qilinuvchi ilmiy kashfiyotlarning taqdiri va ularning ijtimoiy oqibatlari bilan qiziqadi. Olim, ijodkor shaxsi tadqiqot jarayonida befarq qoldirilmaydi. Falsafiy ijodda doimo insonning o'z-o'zida murakkablashuvi ro'y beradi. Bu olamni anglashning yanada yangi qirralarini ochib beradi. Shuning uchun falsafada har bir tizim mualliflashgan va falsafiy bilimlar egallanilganda shaxsning roli alohida ahamiyat kasb etadi. Falsafa shunday intellektual faoliyat turiki, unda muntazam o'tmishdagi buyuk olimlar Aristotel, al-Forobiy, Beruniy, Kant, Gegel, Avloniy, Fitrat va zamondoshlarimiz bilan doimiy muloqot talab qilinadi.

Ilmiy va axloqiy qadriyatlar bir-birisiz rivojlana olmaydi: kishilar haqiqiy odamiylikka, yaratuvchan qobiliyatga, mehr-shafqatli, insof-diyonatli, halol bo'lishga erishadilar. Shuningdek fan kishilardagi axloqiy poklikni, mehnatsevarlik, fidoyilik, halollikni talab etadi. Binobarin, olimlik va odamiylik bir-birini taqozo etadigan tushunchalardir. Ilmiy asosda fikrlash tarzi kishilar hayot faoliyatining yetakchi tendensiyasiga aylanishi bilan odamlar o'rtasidagi munosabatlarda tub sifatiy o'zgarishlar ro'y beradi: so'zning qadri ortadi; so'z bilan ish, til bilan dil o'rtasida o'zaro mutanosiblik vujudga keladi. Jamiyat a'zolarining intellektual salohiyati yuksala borishi, ilm-fan yutuqlarining keng ommalashtirilishi bilan "fan tili" keng omma uchun tobora tushunarliroq bo'lib boradi: yangi ilmiy tushunchalar milliy tilning boyishiga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Keng omma o'rtasida ilmiy tafakkurning rivojlanishi esa o'z navbatida ilm-fan kishilariga xos axloqiy sifatlarning keng ommalashuviga imkon beradi.

Bugungi kunda mamlakatimizda shu davrgacha amal qilinib kelgan "davlat bosh islohotchi" tamoyili "Jamiyat bosh islohotchi" tamoyiliga o'z o'rnini berdi. Mazkur tamoyil fuqarolik jamiyatida jamiyatning ilm-fan taraqqiyotining bosh homiysi ekanligini ham anglatadi. Demak,

fanning milliy va umumbashariy qadriyat sifatida rivojlanishi uchun qulay imkoniyatlar vujudga keldi. Ilmiy muassasalar, tadqiqot institutlari va ta'lim muassasalariga faqat davlatgina emas, balki nodavlat tashkilotlar, ko'ngilli jamiyat va uyushmalar, turli jamg'armalar homiylik qila boshladilar. Biroq ilmiy qadriyatlarning umuminsoniy, umumiylik qadriyat sifatida qaror topishi uchun buning o'zi yetarli emasdir. Olim mehnatining samaradorligi, ijtimoiy mazmundorligi va jamiyat taraqqiyoti uchun xizmat qilishi – ana shularning barchasi ilmiy qadriyatlar rivojlanishining muhim shartidir.

Fan-texnika taraqqiyoti fanni jamiyatning ishlab chiqarish kuchiga aylantirgan davrda u olim bir o'zi ishlaydigan soha bo'lmay qoldi. Hozirda fan deyarli hamma joyda davlat yoki ilmiy-sanoat korporatsiyalari nazorati ostida kompleks rivojlanmoqda. Bunday sharoitda iste'dodli ixtirochi-olim qudratli, lekin ruhsiz konveyer tarzida aylanadigan ilmiy-sanoat ishlab chiqarishining juda ko'p omillariga to'la bog'liq bo'lib qolmoqda.

Umuman olganda, jamiyatda ma'naviy qadriyatlarning negizini tashkil etayotgan ilmiy qadriyatlar va ularning tarixiy bosqichlari hamda o'rni va ahamiyatini o'rganish; ilmiy qadriyatlar subyekti bo'lmish olimlarning ijtimoiy masuliyati masalalariga e'tibor qaratish; zamonaviy ta'lim rivojida ilmiy qadriyatlarni takomillashtirish bo'yicha amalga oshirilayotgan “Ta'lim to'g'risida”gi qonunlar, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturining” ahamiyati masalalari, jamiyat taraqqiyotida ilmiy qadriyatlarning o'rni va ahamiyatini ilmiy tahlil qilish umummilliy, ijtimoiy-siyosiy ehtiyojlar tarzida, dolzarb muammo sifatida kun tartibiga chiqmoqda.

Demak, ma'naviy yangilanish jarayonida ilmiy qadriyatlarni tadqiq etishga nafaqat nazariy-metodologik, shu bilan birga, amaliy jihatdan qiziqishning ortib borishi tabiiydir.

Qadriyatlar mohiyatini ilmiy asosda tushunish esa, narsa va hodisalar mohiyatini inson va uning manfaatlar nuqtai nazardan bilish va qadrlashga, insonni yaratuvchan faoliyatini kuchaytirishga, inson shaxsini yanada takomillashtirishga imkon beradi. Ma'naviyat va qadriyatlar tushunchasi bir-biri bilan uzviy bog'liq tushuncha. Ma'naviyat keng qamrovli tushuncha. Qadriyat esa ma'naviyatning asosiy tarkibiy komponentidir. Qadriyat- voqelikdagi muayyan hodisalarning umuminsoniy, ijtimoiy-axloqiy, madaniy-ma'naviy ahamiyatini ko'rsatish uchun qo'llaniladigan tushunchadir. Qadriyatlar bilan bog'liq bulgan masalalar hayotning eng muhim masalalaridan biri hisoblanadi.

Ilmiy qadriyatlar tarkibini ta'lim-tarbiya va ilmiy muassasalar ham tashkil etadi. O'quv muassasalar ezgu maqsadni – yoshlarni fan asoslarini, fan yangiliklarini singdirishni, yoshlarda ilmiy tafakkur va ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirishni maqsad qilib qo'yadi. Ilm-fan, ta'lim-tarbiya, hunar egallashni izchillik bilan amalga oshirish iqtidorli yoshlarga ochilgan keng imkoniyatdir. Bugungi kunda yoshlarimizning teran bilim, yuksak salohiyat egasi bo'lishi, o'z maqsadlar erisha oladigan kadrlarni bo'lib shakllantirishdan iboratdir. Axborot texnologiyalar asrida ilmiy qadriyatlar maqomining ortib borishida ta'lim sistemasining o'rni va ahamiyati hamda zamonaviy ta'lim jarayonida ilmiy qadriyatlar samaradorligining oshirish yo'llari va olimning ijtimoiy mas'uliyati masalalari o'rganishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh. O'zbekiston Respublikasining Oliy majlisga Murojaatnomasi // B.11
2. Jalalova G. Ilmiy bilimlardagi integratsiya jarayonlarining mohiyati // Falsafa va ijtimoiy taraqqiyot. – T.: O'zbekiston Faylasuflari milliy jamiyati, 2008. – B. 26.
3. Milliy istiqloq g'oyasini shakllantirishda tashkiliy-uslubiy yondashuvlar. – T.: Akademiya, 2002. – B. 172-173.
4. Shermuxamedova N.A. Falsafa va fan mutanosibliigi // O'zbekistondagi demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasini amalga oshirishda falsafa fanining o'rni. – T., 2011, – B. 22.
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тўйчи ҳофиз – Шаршара. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” нашриёти, 2005. – 704 б.

Nashrga prof. S. Choriyev tavsiya etgan

**МАЪНАВИЙ ДЕСТРУКЦИЯ – ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДАГИ
ЖАРАЁНЛАРНИНГ МУҲИМ ТЕНДЕНЦИЯСИ****Бекмуродова Г. (ҚарДУ)**

Аннотация. XXI асрда кишилик жамиятининг маънавий соҳасида ҳам кўплаб конструктив жараёнлар юз берди. Айни пайтда бу соҳада конструктив жараёнларга муқобил равишда деструктив жараёнлар ҳам кечмоқда. Бундай жараёнларнинг энг аҳамиятлилари маънавий ишлаб чиқаришнинг тижоратлашгаётгани, маънавий билимлар ривожининг секинлашуви, ахлоқий бефарқлик муҳитининг шаклланаётгани билан боғлиқ. Ушбу маънавий-деструктив жараёнлар маънавий ишлаб чиқариш жараёнини жамият эҳтиёжларидан узиб қўймоқда, ижтимоий аҳамиятга молик билим ва ғоялар ишлаб чиқариш жараёнини заифлаштирмоқда, жамият аъзоларининг янги билим ва ғоялардан воқифлиги даражасини пасайтирмоқда, нотўғри жамоатчилик фикрини шакллантирмоқда, кишилар маънавий эҳтиёжларида салбий ўзгаришларни юзага келтирмоқда, ижтимоий психология ва мафкурада негатив тенденцияларни пайдо қилмоқда.

Таянч сўзлар: *деструкция, маънавий деструкция, маънавий ишлаб чиқариш тижоратлашуви, маънавий билимлар ривожининг секинлашуви, ахлоқий бефарқлик муҳити.*

Аннотация. В XXI веке в духовной сфере общества произошли ряд конструктивных изменений. Вместе с тем, в этой сфере происходят также деструктивные процессы. Наиболее значительные среди них связаны с коммерциализацией духовного производства, замедлением развития духовных знаний, формированием атмосферы морального безразличия. Эти духовно-деструктивные процессы удаляют процесс духовного производства от потребностей общества, ослабляют процесс производства социально значимых знаний и идей, снижают уровень осведомленности членов общества о новых знаниях и идеях, формируют ошибочное общественное мнение, создают негативные изменения в духовных потребностях людей, формируют негативные тенденции в социальной психологии и идеологии.

Ключевые слова: *деструкция, духовная деструкция, коммерциализация духовного производства, замедление развития духовного знания, атмосфера морального безразличия.*

Annotation. In the XXI century, a number of constructive changes have taken place in the spiritual sphere of society. At the same time, destructive processes are also taking place in this area. The most significant among them are related to the commercialization of spiritual production, the slowdown in the development of spiritual knowledge, the formation of an atmosphere of moral indifference. These spiritually destructive processes remove the process of spiritual production from the needs of society, weaken the process of production of socially significant knowledge and ideas, reduce the level of awareness of society members about new knowledge and ideas, form erroneous public opinion, create negative changes in people's spiritual needs, form negative trends in social psychology and ideology.

Key words: *destruction, spiritual destruction, commercialization of spiritual production, slowing down the development of spiritual knowledge, atmosphere of moral indifference.*

Турли соҳаларда рўй берган конструктив ва деструктив жараёнлар жамият аъзоларининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий воқеликка муносабатини ўзгартирди. Кишилар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар моҳиятини ўзгача тасаввур қила бошладилар, бошқача баҳолайдиган бўлдилар. Инсон маънавий оламидаги бундай ўзгаришлар қонуний равишда жамият маънавий соҳасининг тубдан янгиланишига олиб келди. Замонавий жамиятдаги маънавий ишлаб чиқариш жараёни ҳам, ижтимоий онг шакллари характери ҳам, ижтимоий психология табиати ҳам, мафкуравий вазият ҳам кескин ўзгармоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби мазкур янгиланишларда қатор конструктив ва деструктив жиҳатлар, жараёнлар, ҳолатлар кўзга ташланади.

Аввало, XX асрнинг иккинчи ярми ва янги асрнинг дастлабки чорагида замонавий жамият маънавий соҳасида кўплаб *конструктив* жараёнлар юз берганини қайд қилмоқ керак. Бу жараёнлар ўзининг турли-туманлиги билан тавсифланади, албатта. Жумладан, кейинги ярим аср мобайнида:

- маънавий ишлаб чиқариш сифати ўзгарди; хусусан, бугунги кунда ушбу жараён мутлақо янгича нормалар, тамойиллар, ресурслар асосида амалга оширилмоқда. Билимлар, ғоялар, назариялар, таълимотлар, кадриятларни яратиш жараёни техник ва технологик жиҳатдан ҳам такомиллашди. Оқибатда маънавий ишлаб чиқариш жараёни том маънода

жамият ҳаётининг турли соҳаларини ривожлантирувчи, кишилар маънавий эҳтиёжларини тўлақонли қондирувчи омилга айланди;

- ижтимоий онг шакллари бойиди; хусусан, ижтимоий аҳамиятга молик янги ва янги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, илмий, фалсафий ва бошқа тасаввур, билим, ғоя, назария, таълимот, кадриятлар вужудга келди. Бу билим ва тасаввурларнинг ижтимоий борлиққа таъсири кўлами ниҳоятда кенгайди;

- ижтимоий психология рационаллашди; хусусан, унинг таркибидаги ақл ва мантиққа асосланган билим, одат, анъаналар миқдори ошиб, мистик ва иррационал элементлар улуши камайиб бормоқда. Тўғри, ушбу жараён турли жамиятларда турли маромда ва миқёсда содир бўлаяпти. Лекин мистик дунёқараш ўрнини рационал дунёқараш эгаллаётганини бугунги куннинг энг маъбул тенденцияларидан бири сифатида эътироф этмоқ лозим;

- мафкуравий плюрализм юзага келди; хусусан, умумсайёравий контекстда фикрлаганда, кишилик жамияти яқка мафкура ҳукмронлигидан кутулди. Яқка мафкура ҳукми остида қолган ҳудудлар борган сари камайиб бормоқда, боз устига, бу ҳудудларда ҳам муқобил ғоя ва мафкураларнинг шаклланаётганини кўриш мумкин. Бундай мафкуравий плюрализмни шакшубҳасиз кишилик жамиятининг ютуғи сифатида қабул қилмоқ даркор.

Айни пайтда замонавий жамиятнинг маънавий соҳасида конструктив жараёнларга муқобил равишда *деструктив* жараёнлар ҳам кечмоқда. Бундай жараёнларнинг энг аҳамиятлиси *маънавий ишлаб чиқаришнинг тижоратлашаётгани* билан боғлиқ. Маълумки, тижорат деганда “*савдо* ва савдовоситачилик фаолияти, товарлар ва хизматларни сотишда иштирок этиш ёки сотишга кўмаклашиш”¹ тушунилади. У иқтисодий фаолиятнинг алоҳида ва муҳим кўринишидир, чунки у бозордаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Тижорат қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, тижоратнинг объекти маҳсулотларни сотиш ва харид қилиш билан боғлиқ. У маҳсулотларни сотиш ва етказиш, уларни сақлаш, савдога тайёрлаш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Тижоратнинг асосий мақсади – даромаддир².

Биз тижоратнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсади ҳақидаги назарий мулоҳазаларни бежизга келтираётганимиз йўқ. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти ривожининг таъсири ўлароқ маънавий ишлаб чиқариш жараёнида ҳам тижоратга хос бўлган хусусиятлар пайдо бўла бошлади. Жумладан, биринчидан, бугунги кунда муайян талаб мавжуд бўлган ва уларни қондиришга хизмат қиладиган билим ва ғоялар, таълимот ва назарияларни ишлаб чиқаришга эътибор қаратилаётир, холос. Иккинчидан, маънавий маданият маҳсуллари, масалан, бадиий асарлар, фильмлар, мультфильмлар, суратлар, кўрсатувлар, мақолалар ва шу қабилар моддий маҳсулот каби сотиладиган ва харид қилинадиган объект бўлиб қолди. Учинчидан, маънавий маданият артефактларини сақлаш, тарғиб қилиш ва бўлғуси авлодларга етказиш функцияларини бажармоғи лозим бўлган институтлар хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилотларга айланди. Тўртинчидан, маънавий ишлаб чиқариш жараёни ҳам моддий ишлаб чиқаришга хос маҳсулотларни сотиш ва етказиш, уларни сақлаш, савдога тайёрлаш билан боғлиқ босқичлардан таркиб топадиган бўлди. Бешинчидан, маънавий ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади даромад топиш билан боғлиқ бўлиб қолди.

Маънавий ишлаб чиқаришнинг тижоратлашуви фан, таълим, адабиёт ва санъатда хавфли тенденцияларга сабаб бўлмоқда. Масалан, барча мамлакатлар илм-фанида биринчи навбатда даромад келтириши ва моддий ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши мумкин бўлган илмий изланишларни молиялаштиришга интилиш кўзга ташланади. Ваҳоланки, илм-фан фақат ишлаб чиқарувчи куч функциясини эмас, кишилар дунёқарашини юксалтириш,

¹ Тижорат.// qomus.info.

² Теоретические основы коммерции.// madrace.ru.

уларга маърифат тарқатиш, оламдаги объектларни тасвирлаб бериш, келажакни башорат қилиш функцияларини ҳам бажармоғи даркор¹. Илмнинг тижоратлашуви, нукул даромад келтириши мумкин бўлган ихтиро ва кашфиётларга эътиборнинг жамланиши бу функциялар ижроси учун ўрин қолдирмаяпти. Санъатда кечаётган жараёнлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Бугунги кунда санъат асарининг кадр-қиммати унинг сотилувчанлиги билан белгиланмоқда. Кетган харажатларни қоплаган, жиддий даромад келтирган фильм, асар, кўрсатув ва шу кабиларгина кадрли, аҳамиятли саналмоқда. Асарнинг ғояси, унинг сюжети, тарбиявий ва маърифий аҳамияти эса даромад соясида қолиб кетди. Бунинг натижасида санъат асари ўзининг энг асосий функцияси – кишиларнинг эстетик туйғулари ва дидини шакллантириш вазифасини бажаролмай қоляпти.

Қизиғи шундаки, тижоратлашув жараёнлари дин соҳасини ҳам қамраб олаяпти. “Черковнинг расмий нуқтаи назарига кўра, ибодатхонада ҳар қандай диний хизмат бепул амалга оширилмоғи лозим, ҳеч ким бунинг учун пул тўлашга мажбурланмаслиги керак. Лекин амалиётнинг кўрсатишича, аслида ибодатхоналарда ҳеч қайси хизмат бепул кўрсатилмайди, черковларда турли диний хизматларнинг расмий прејскурантлари мавжуд. Айрим черковлар ўз тижорий нуқталарини (дўконларини) ибодатхонадан ташқарироқда жойлаштирадидлар, бошқаларида эса маҳсулот ва хизматлар савдоси бевосита ибодатхонанинг ўзида амалга оширилади”².

Маънавий ишлаб чиқариш жараёнининг тижоратлашуви иккинчи деструктив жараён – *маънавий билимлар ривожининг секинлашуви*га сабаб бўлди. В.Г.Торосян ва Н.Е. Дробязколар мақоласида маънавий билимлар табиати, таркиби ва ривожланиш хусусиятлари айниқса ёрқин очиб берилди. Мутахассислар антик даврда “otium” ва “negotium” тушунчалари муомалада бўлганини эслайдилар. Уларнинг таъкидлашича, “negotium” иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай турини ўз ичига олса, “otium” ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятдан эмас, инсоннинг маънавий юксалишига хизмат қиладиган фаолият турларидан таркиб топган. Бу турларга, масалан, мутолаа, мусиқа, фалсафа, назм, математика, астрономия киритилган. Мазкур соҳаларга доир билимлар жамият ва инсон борлигини тавсифлашга, жамиятдаги воқеа ҳамда жараёнларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлашга, шунингдек, инсоннинг шахс сифатида шаклланишини, унинг маънавий юксалишини таъминлашга хизмат қилган. Интеллектуаллик, эстетиклик ва ахлоқийликни ўзида жамлаган бу маънавий билимлар озод фуқарони шакллантирувчи марказий омил сифатида тавсифланган³. Улар ўтган асрнинг иккинчи ярмига қадар ҳатто шахс ижтимоий мақомини белгиловчи манба вазифасини ўтаган.

Лекин XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб вазият тубдан ўзгара бошлади. Биз таъкидлаб ўтганимиздек, бозор иқтисодиёти асосларининг қарор топиши амалий аҳамиятга молик, қисқа муддатда даромад келтиришга қодир билимларни яратишга эътиборни кучайтирди. Бунинг натижасида шахс дунёқарашини шакллантиришга хизмат қиладиган маънавий билимлар сояда қолиб кетди. Амалий билимларни шакллантиришга хизмат қиладиган тадқиқот лойиҳаларига ажратмалар ҳажми борган сари ортиб, маънавий билимлар яратувчи ижтимоий-гуманитар фанларга доир изланишларни молиялаштириш муттасил камайди. Буни мамлакатларнинг илм-фан ривожига ажратган инвестициялари таркибидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, расмий маълумотларга қараганда, АҚШда 2019 йилда илмий тадқиқотлар учун 118 миллиард доллар ажратилган. Хитойда худди шу йили илм-фан учун 322 миллиард доллар сарфланган. Eurostat тақдим қилган маълумотларга кўра, Европа Иттифоқи 2019 йилда бу мақсадларга 306 миллиард евро маблағ йўналтирган.

¹ Рябоконе Н.В. Наука и венаучные формы познания.// <http://www.miu.by>.

² Бабаева Т.Б. Чувства верующих как источник коммерциализации церкви // Вестник Таганрогского института управления и экономики, 2019, – №1. – С. 121.

³ Торосян В.Г., Дробязко Н.Е. Кризис науки или Наука в кризисном социуме?// Наука и современность, 2014, – №30. – С. 188.

Россияда эса илмий изланишлар учун харажатлар 6 миллиард долларни ташкил қилган¹. Эътиборли жихати шундаки, мазкур ажратмаларнинг арзимас фоизигина маънавий билимлар яратувчиси – ижтимоий-гуманитар фанларни молиялаштиришга сарфланган, холос. Масалан, Россияда 2007 йилда тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш учун ажратилган маблағнинг 2,3 фоизи ижтимоий фанларга, 1,3 фоизи гуманитар фанларга тўғри келган². Бу кўрсаткич кейинги йилларда ҳам сезиларли даражада ўзгаргани йўқ. Бошқа мамлакатларда ҳам худди шундай вазиятни кўриш мумкин. Нопропорционал молиявий таъминот, маблағлар тақсимоотида даромад тамойили устуворлиги аниқ ва техник фанлар гуркираб ривожланаётган бир шароитда ижтимоий ва гуманитар фанлар ривожига, маънавий билимлар тараққиётининг секинлашувига олиб келди. Кейинги йилларда ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида жаҳоншумул аҳамиятга молик таълимот ва назариялар вужудга келмаганининг асл сабабларидан бири ҳам шунда.

Бу ҳолат замонавий жамиятда жиддий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, маънавий билимлар ривожининг секинлашуви кишилик жамиятидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий жараёнларни тасвирлаш, тавсифлаш, таснифлаш, уларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш, келажакдаги ривожига доир башоратларни баён этиш, ижтимоий воқеаларни илмий асосда бошқариш имкониятларини камайтирмоқда. Маънавий билимлар танқислиги инсон маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш ва ифодалаш, уларни бартараф этиш йўллари топишга ҳам халал бермоқда. Сирасини айтганда, кўпгина мутахассислар³ томонидан жамият ва шахс маънавий деградацияси аломатлари сифатида қайд этилаётган ҳолатларнинг сабабларидан бири ҳам маънавий билимлар ривожининг секинлашувига бориб тақалади.

Маънавий ишлаб чиқариш тижоратлашуви оқибатида маънавий билимлар ривожининг секинлашуви жамиятда *ахлоқий бефарқлик муҳитини* шакллантирди. “Ахлоқ – “кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси. Ахлоқ талаблари кишиларнинг феъл-атвори ва фаолиятида ўз ифодасини топади.”⁴ У барча даврларда ижтимоий барқарорликни, шахслараро ҳамжиҳатликни, шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини, инсонпарварлик ва адолатпарварлик тамойиллари устуворлигини таъминловчи омил вазифасини ўтаган. Шу боисдан ахлоқ ва унинг мазмуни ва ижтимоий аҳамиятига доир илмий мавзуларни махсус тадқиқ этган барча мутахассислар уни маънавиятнинг бирламчи негизларидан бири сифатида эътироф этадилар⁵.

Инсоният тараққиётининг барча босқичларида ахлоқий нормалар ва кадрятлар ривож топар экан, унга муқобил равишда ахлоқсизлик ҳам шакллана борган. Шу нуқтаи назардан фикрлаганда, ахлоқсизлик ахлоқ каби инсониятнинг мудом йўлдоши бўлиб келган. Бироқ XX асрда ахлоқ оламида туб ўзгаришлар содир бўла бошлади: ахлоқ ва ахлоқсизлик ўртасидаги мувозанат бузилди, ахлоқсизлик тизимли тус ола бошлади. Жамият ҳаётида маънавий декаданс аломатлари пайдо бўла бошлаганини илк бор О.Шпенглер ўзининг “Европа қуёшининг ботиши” номли асарида таъкидлаб ўтганди⁶. Аср ниҳоясига келиб, вазият янада кескинлашди. “Афсуски, – деб ёзади В.Ю.Лисицин, – XX аср ва XXI асрда кишиларнинг ахлоқий деградацияси инсониятнинг асосий хусусиятларидан бирига айланди ва сайёрадаги ҳаётга тааллуқли бўлган асосий муаммолар рўйхатида биринчи ўринга чиқди.”⁷ Мутафаккирлар бунинг сабабларини турли соҳалардан

¹ Сколько тратят на науку Россия, США, Китай и страны Евросоюза.//zen.yandex.ru,2020,1 декабря.

² Полетаев А.В. Показатели развития общественных и гуманитарных наук в России в период эко-номического подъема // Управление наукой и наукометрия, 2009, – №8. – С. 227.

³ Бек У. Общество риска. На пути к другому модерну / Пер. с нем. – М.: Прогресс-Традиция, 2002.

⁴ Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Ж. 1. – Т.: Ўзб. фойл. миллий жам. нашр., 2019. – Б. 119.

⁵ Эрқаев А. Маънавиятшунослик. 2-китоб. – Т.: Маънавият, 2018. – Б.133.

⁶ Шпенглер О. Закат Европы // Соч. в 2-х томах. Т. 1. – М.: Мысль, 1998.

⁷ Фромм Э. «Иметь» или «Быть». – М.: АСТ, 2007.

излайдилар. Масалан, немис файласуфи ва социологи, машхур Франкфурт мактабининг ёркин намоёндаларидан бири Э. Фромм ахлоқсизликнинг асосий сабабини ҳаётнинг мазмунини ташкил этувчи мўлжал ва қадриятларнинг ўзгаришидан излайди. Рус файласуфи А.А. Зиновьевнинг фикрига кўра эса, инсон шахсининг емирилиши, унинг ижтимоий механизмнинг мурватига айланиши пировардида ахлоқсизликнинг ёйилишига сабаб бўлди¹. Лекин, чуқурроқ ўйлаб қарасак, қадриятларнинг ўзгариши сабаблари ҳам, инсон шахсининг емирилиши сабаблари ҳам моддийлик устуворлиги, унинг оқибати ўлароқ маънавий ишлаб чиқаришнинг тижоратлашувига бориб тақалади.

Аmmo биз масаланинг бошқа жиҳатига эътиборни қаратмоқчимиз. Гап шундаки, кишилик жамиятида ахлоқсизлик ҳоллари тизимли тус олгани сайин унга бўлган толерантлик, бефарқлик кайфияти қарор топмоқда. Тадқиқотчи И.А. Мироненконинг мақоласида жамиятнинг тизимли ахлоқий деградациясидан дарак берувчи ташвишли фактлар тилга олинади. Хусусан, унинг таъкидлашича, Россияда ҳар йили 2 минг бола қотиллик қурбони бўлмоқда, 2 миллиондан ортиқ бола ота-она шафқатсизлигидан азият чекмоқда. Беш мингдан зиёд аёл ўз эрининг калтаклаши натижасида вафот этмоқда. Ҳар тўрт оиланинг бирида аёллар, кексалар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳоллари қайд қилинмоқда. Болалар жиноятчилигининг ўсиш суръатлари умумий жиноятчилик суръатларидан 15 баробар баландлигича қолмоқда². Бундай маълумотларни нафақат Россия, балки бошқа мамлакатлар ҳаётидан ҳам топиш мумкин. “Замонавий ахлоқ танқидчилари, – деб ёзади у, – мазкур статистикага мурожаат этарканлар, нафақат ушбу ҳодисаларни, балки жамиятнинг уларга толерант муносабатда бўлаётганини, уларни одатий, бартараф этиб бўлмайдиган ҳаётини нормалар сифатида қабул қилаётганини кўрсатиб ўтадилар. Шу тариқа ёвузликка толерантлик, унга кўникиш шаклланмоқда, бу толерантлик эса энг ғайриинсоний ёвузлик шакллариининг қарор топишига замин яратмоқда”³.

Ахлоқий бефарқлик янги асрнинг энг деструктив жараёнларидан бири даражасига кўтарилди. Чунки “ахлоқ ҳаётнинг барча соҳаларида – оилада, маҳаллада, меҳнатда, ишлаб чиқаришда, шахслараро, гуруҳлараро, миллатлараро ва ҳ. к. алоқаларда одамларнинг ўзаро муносабатини ва қарашларини тартибга солиди”⁴. Ахлоқсизликнинг тизимли тус олиши, айниқса ахлоқий бефарқликнинг илдиз отиши эса ушбу муносабат ва қарашларни издан чиқармоқда, маънавий инқироз хавфини вужудга келтирмоқда. Шу боисдан “келажақда инсониятнинг яшаб қолиш масаласини ечиш иқтисод, энергетика, янги технологиялар қаторида ахлоқ масалаларига”⁵ боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, XXI асрда кишилик жамиятининг маънавий соҳасида ҳам кўплаб конструктив жараёнлар юз берди. Айни пайтда бу соҳада конструктив жараёнларга муқобил равишда деструктив жараёнлар ҳам кечмоқда. Бундай жараёнларнинг энг аҳамиятлилари маънавий ишлаб чиқаришнинг тижоратлашаётгани, маънавий билимлар ривожининг секинлашуви, ахлоқий бефарқлик муҳитининг шаклланаётгани билан боғлиқ. Ушбу маънавий-деструктив жараёнлар маънавий ишлаб чиқариш жараёнини жамият эҳтиёжларидан узиб қўймоқда, ижтимоий аҳамиятга молик билим ва ғоялар ишлаб чиқариш жараёнини заифлаштирмоқда, жамият аъзоларининг янги билим ва ғоялардан воқифлиги даражасини пасайтирмоқда, нотўғри жамоатчилик фикрини шакллантирмоқда, кишилар маънавий эҳтиёжларида салбий ўзгаришларни юзага келтирмоқда, ижтимоий психология ва мафкурада негатив тенденцияларни пайдо қилмоқда.

¹ Зиновьев А. А. Глобальный человек. – М.: Эксмо, 2006.

² Мироненко И. А. Проблемы нравственности // Вестник Ленинградского государственного уни-верситета им. А. С. Пушкина, 2010, – №4. – С. 64.

³ Ўша ерда.

⁴ Эркаев А. Маънавиятшунослик. 2-китоб. – Т.: Маънавият, 2018. – Б. 134.

⁵ Ўша ерда. – Б.145.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бабаева Т.Б. Чувства верующих как источник коммерциализации церкви // Вестник Таганрогского института управления и экономики, 2019, – №1. – С. 121.
2. Торосян В.Г., Дробязко Н.Е. Кризис науки или Наука в кризисном социуме? // Наука и современность, 2014, – №30. – С. 188.
3. Полетаев А.В. Показатели развития общественных и гуманитарных наук в России в период экономического подъема // Управление наукой и наукометрия, 2009, – №8. – С. 227.
4. Бек У. Общество риска. На пути к другому модерну / Пер. с нем. – М.: Прогресс-Традиция, 2002.
5. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Ж. 1. – Т.: Ўзб. файл. миллий жам. нашр., 2019. – Б. 119.
6. Эркаев А. Маънавиятшунослик. 2-китоб. – Т.: Маънавият, 2018. – Б.133.
7. Шпенглер О. Закат Европы // Соч. в 2-х томах. Т. 1. – М.: Мысль, 1998.
8. Фромм Э. «Иметь» или «Быть». – М.: АСТ, 2007.
9. Зиновьев А. А. Глобальный человек. – М.: Эксмо, 2006.
10. Мироненко И. А. Проблемы нравственности // Вестник Ленинградского государственного университета им. А. С. Пушкина, 2010, – №4. – С. 64.

Наширға проф. С. Чориев тавсия этган

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ РОЛИ

Омонов Р.Р. (ЎзМУ)

Аннотация. Мазкур мақолада давлат ҳокимияти органларини модернизациялашувида ахборот коммуникацияларининг роли ҳақида фикрлар илмий таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада ахборотлаштириш соҳасида давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кунда мамлакатимизнинг стратегик вазифаси сифатида эътибор қаратилаётганлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: *давлат, ҳокимият, модернизация, ахборот, коммуникация, глобаллашув, ислохот, Япония, Сингапур, Ҳиндистон, Германия.*

Аннотация. В данной статье научно анализируются мнения о роли информационных коммуникаций в модернизации органов государственной власти. Также в статье выделено, что проводимые государством реформы в сфере информатизации в настоящее время рассматриваются как стратегическая задача нашей страны.

Ключевые слова: *государство, власть, модернизация, информация, коммуникация, глобализация, реформа, Япония, Сингапур, Индия, Германия.*

Annotation. This article scientifically analyzes opinions on the role of information communications in the modernization of public authorities. The article also emphasizes that the reforms carried out by the state in the field of informatization are currently considered as a strategic task of our country.

Keywords: *State, power, modernization, information, communication, globalization, reform, Japan, Singapore, India, Germany.*

Глобаллашув шароитида жаҳонда техноген цивилизация жараёнлари кетаётган бир вақтда давлат ҳокимияти органларини модернизация қилишда ахборот коммуникацияларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Сабаби бугунги кунда ахборот коммуникацияларининг ривожланиб бориши фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жихатдан тараққий этишида улкан ҳисса қўшмоқда.

Дунё миқёсида глобал ахборотлаштириш жараёнларини фаоллашуви замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тез суръатларда ривожлантириш ва барча соҳаларга жорий этишни тақоза этмоқда. Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарувида жорий этилиши давлат хизматчилари учун бир қатор қулайликлар яратиб, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу сабабли ҳар қандай демократик жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлат ҳокимияти органларини модернизациялашда ахборот коммуникацияларининг ролига бўлган қизиқиш янада ортиб бормоқда. Зеро, ҳозирги ахборот коммуникациялари давлат бошқарув органларини модернизациялашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, ахборот коммуникацияларига асосланган давлат бошқаруви фуқаролик жамияти ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тизимини кенг ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, барқарор тараққиётга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас”[1], -дея таъкидлани бежиз эмас, албатта.

Дунёдаги кўплаб ривожланаётган давлатларда бугунги замон талабидан келиб чиққан ҳолда давлат бошқарув органлари тизимини модернизациялашда ахборот-коммуникация тизимларининг афзаллик тамонларини тадқиқ этишга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда.

Бугунги кунда жамиятимизни ахборотлаштириш соҳасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз учун стратегик вазифа ҳисобланади. Чунки, бугунги замон талаби ҳар қандай жамият ва давлат миқёсида ахборот соҳасига алоҳида эътибор қаратишни тақоза этмоқда.

Шу сабабли, фуқаролик жамияти ривожланишида давлат бошқарув органларини модернизациялашда ахборот-коммуникацияларни қўллаш тамойиллари ва халқаро

тажрибаларни ижтимоий-сиёсий тадқиқотларда қиёсий ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат бошқарув органларини модернизациялашда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “ахборот-коммуникация тизимларининг кенг қўлланиши, давлат бошқарувининг электрон шаклда ташкил этилаётгани, бу яхши албатта, ўз навбатида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар кўришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”[2]. Зеро, Ўзбекистон Республикаси шаклланаётган глобал ахборот жамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилмоқда. Ушбу мақсадларга эришиш учун ҳукуватимиз томонидан Ўзбекистонда ахборотлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тез суръатларда ривожлантириш, уни иқтисодиёт ва жамиятнинг барча соҳаларида жорий этиш ҳамда фойдаланишнинг стратегик вазифалари белгиланди.

Шу ўринда, мамлакатимизда давлат бошқарувига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жамиятни ахборот жиҳатидан кенг қўламли қайта ўзгартиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу давлат бошқаруви самарадорлигини жиддий равишда ошириш, давлатнинг жамият билан ҳамда унинг айрим институтлари ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларини оптималлаштириш имконини беради. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам давлат бошқарув органларини модернизациялашда ахборот-коммуникацияларнинг ролини янада ошириш борасидаги ислохотлар долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу жараёнларнинг мураккаблиги, кўпқирралиги, қўллаш мумкин бўлган соҳаларнинг кенглиги, жадал суръатлар билан ривожланиши доимий янгича ёндашувларни талаб этади.

Дарҳақиқат, Республикамиз биринчи Президенти Ислон Каримов, “ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ”[3], -дея бежиз таъкидламаган. Демак, жамият бошқарувини модернизациялаш ва унинг тараққиётини янада такомиллаштириш кўп ҳолларда ахборот ва коммуникация билан боғлиқ бўлиб, уни тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини такомиллаштириш бўйича илғор хорижнинг ривожланган Япония, Сингапур, Ҳиндистон, Германия каби давлатларнинг тажрибасини қиёсий ўрганиш орқали амалиётга жорий этиш ўзининг бир қанча йўналишларни яратиш имконини беради. Бу йўналишлар қаторига қуйидагилар киради:

- ахборот соҳасидаги рақобат бардошликни ошириш, монополизмга қарши кураш (оммавий ахборот воситаларида мулкнинг жамланиши устидан назорат, компанияларнинг қўшилишига рухсат бериш, йирик монополиячи компанияларни бўлиб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш);

- аҳолига ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ва зарур техник имкониятлар яратиш;

- миллат ва ёш авлоднинг ахборот соҳасидаги манфаатларини ҳимоя қилиш;

- миллий-маданий мерос ва ахборот тилини муҳофаза қилиш, бошқа мамлакатларнинг ғайриинсоний ахборот экспансиясига қарши туриш;

- мамлакатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш, қароқчиликка қарши кураш;

- компьютер ва юксак технологиялар соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш;

- давлат муассасаларида ахборот ва телекоммуникация технология-ларидан фойдаланилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш;

- глобал компьютер тармоқларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

- ахборотлаштиришнинг барча йўналишлари, даражаларида миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш;

-ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган гуруҳларни ахборот- коммуникация технологиялари лойиҳаларини молиялашнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқишга жалб қилиш.

Ўзбекистон Республикасида ахборот саноати ва янги ахборот муносабатларининг ривожланишига жаҳонда мазкур соҳада содир бўлаётган жараёнлар, чунончи: телекоммуникациялар бозорининг эркинлашиши, давлат алоқа операторларининг хусусийлаштирилиши, ахборотни етказиб бериш воситалари (кабель ва телефон тармоқлари, йўлдошлар, компьютер тизимлари ва ш.к.) ва уларни ишлаб чиқарувчилар - теле ва киностудиялар, ноширлик уйлари, ахборот агентликларини ўз ичига олувчи янги ахборот бирлашмаларининг вужудга келишига туртки берди.

Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистонда ахборотлашган жамиятни шакллантириш ва уни ривожлантириш соҳаси бўйича истиқболли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараённинг объективлиги мамлакатимизнинг келажакда жаҳон ахборот ҳамжамиятига қўшилиши муқаррарлигини белгилаб бермоқда. Шу талаблардан келиб чиқиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Асосий мақсадимиз – Ўзбекистоннинг дунёдаги давлат бошқаруви сифатида юқори бўлган, ахборот- коммуникация технологиялари кенг жорий этилган 30 та давлати қаторига киришни таъминлашдан иборат [4], – дея таъкидлаган эди. Зеро, ахборот цивилизациясининг моддий ва маънавий неъматларидан баҳраманд бўлиш Ўзбекистон аҳолисининг муносиб ҳаёт кечиришини, мамлакатнинг иқтисодий раванқ топишини таъминлаши ва шахс эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратади. Ўзбекистон технологик ва иқтисодий жиҳатдан жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли иштирокчиси ҳуқуқида, ўзининг сиёсий мустақиллиги, миллийлиги ва маданий анъаналарини сақлаган ҳолда, ривожланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат сифатида тобора нуфузи ошиб бормоқда.

Жаҳон алоқа тармоқларининг, биринчи навбатда, глобал Интернет тармоғининг пайдо бўлиши, унинг иқтисодий асосларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш соҳасида жиддий ўзгаришларга замин яратган.

Бугунги кунда ахборот технологиялари социум ҳаётининг барча жабҳаларига кириб борар экан, нафақат унинг қурилмасига, балки инсоннинг алоҳида турмуш тарзи ва усулига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан жамиятни ахборотлаштириш муаммолари, унинг ижтимоий натижалари хорижлик тадқиқотчилари билан бир қаторда мамлакатимиз олимларининг ҳам эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Маълумотларга кўра 2022 йил январь ойида дунё бўйича ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг умумий сони 4,62 млрд. кишига етиб, дунё аҳолисининг 58,4 фоизини ташкил этмоқда [5]. Айниқса, рақамлаштириш жараёнининг тобора авж олиб бориши натижасида дунёда инсонларнинг кундалик ҳаётига ижтимоий тармоқлар борган сари кўпроқ таъсир ўтказмоқда.

Ташвишланарли ва хавотирли томони шундаки, бугунги кунда ёшларнинг аксарияти ижтимоий тармоқдаги суҳбатни турли учрашувлар, мусиқа ва дўстлар даврасидан афзал кўришмоқда. Тадқиқотчилар интернет ва компьютерни инсон руҳияти, соғлиғи ҳамда маънавиятига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлашмоқда. Бошқа касалликлар каби «юкумли internetukus» мавжудлиги қайд этилмоқда. У қимор ўйини каби юкиб, кишини ён-атрофдан, ижтимоий ҳаётдан ажратиб кўяди. Маълумотларга кўра, интернетдан фойдаланувчиларнинг 5 фоизга яқини шундай хасталикка чалинган [6].

Глобаллашув шароитида интернетнинг ғоявий таъсир ўтказиш миқёси ва кўлами кескин даражада ортиб бормоқда. Айниқса, интернет тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли маълумотлар, турли бузғунчи ғоялар, халқимизнинг миллий менталитетига ва одоб-ахлоқига жиддий таҳдид солаётгани бугун барчамизни ташвишлантирмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам интернет фойдаланувчиларининг сони кун сайин ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг 35 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар ва уларнинг аксарияти айнан ёшлардир.

Ахборотлаштириш жараёни сўнгги юз йилликдаги илмий-техникавий тараққиётни ифодаловчи шакли ва самараси сифатида ўзининг икки хил хусусиятига эгадир. Яъни биринчиси ахборот техникаси ва ахборот технологияларини тарқатишда алоҳида техник аҳамият касб этса, иккинчиси эса жамиятда кечаётган жараёнларга ва инсонларнинг алоҳида турмуш тарзига таъсир кўрсатишида намоён бўлган. Бу борада, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот коммуникация макони тараққий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда, қитъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришга хизмат қилмоқда” [7]. Зеро, бугунги глобаллашув даврида замонавий ахборот маконида мафкуравий таъсир ўтказиш ниятида ўткир қуролга айланиши оқибатида турли хил сиёсий кучлар ундан ўз манфаатлари ва мақсадлари йўлида фойдаланиши тобора ойдинлашмоқда.

Айниқса, ахборотлашган жамиятнинг янги кўринишлари сифатлари глобаллашув шароитида тобора кучайиб, жамият ёки давлат доирасида у мазкур жараёнлар билан уйғунлашиб, унинг бир қисми бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва телекоммуникацияларнинг ривожланиш жараёнлари охириги ўн йил ичида ахборотлашган жамиятга ўтиш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига мамлакатнинг кўшилиши учун жиддий замин ва шарт-шароитлар яратиш имконини берди. Ахборот ижтимоий-иктисодий, технологик ва маданий ривожланишнинг муҳим ресурсига айланмоқда.

Бугунги кунда телекоммуникация ва компьютер тармоқлари соҳасида Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторига кириш учун дадил одимламоқда. Айниқса, давлат органлари республика даражасида, шунингдек аксарият вилоятларда ахборот тизимлари ва телекоммуникация тармоқлари билан таъминлаш соҳасида муайян ютуқларга эришилган. Ўзбекистон бебаҳо маданий ва ахборот бойликларига эга –мамлакатда ноёб ҳужжатлар, адабиётларни ўзида жамлаган архив фондлари, кутубхоналар мавжуд. Ахборот ресурсларининг умумий ҳажмига кўра мамлакатимиз Осиёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мультимедиа саноати жадал суръатларда ривожланмоқда. Ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш рейтинги натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, бу борада йилдан-йилга самарадорлик ошиб бормоқда. Ҳозирда ахборот, ахборот технологиялари, воситалари, маҳсулотлари ва хизматлари Ўзбекистон бозорининг энг жадал ривожланаётган секторларидан бирига айланиб бормоқда. Маҳаллий ахборот бозори ахборотлаштириш ва телекоммуникацияларни ривожлантириш жараёнларининг барча дастурий-техник воситалари билан таъминламоқда. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ахборотлаштириш соҳасидаги амалга оширилаётган давлат сиёсати мамлакатимизнинг интеллектуал потенциалини ривожлантиришга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 86 б.
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 46 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир / Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмади. – Т.: Ўзбекистон, 2005. Т. 13. – Б.194.
4. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашри. –Тошкент: O‘zbekiston, 2021. – Б. 91.
5. DIGITAL 2022: ANOTHER YEAR OF BUMPER GROWTH // <http://wearesocial.com/blog/2019/01/digital-2019-global-internet-use-accelerates>
6. Журенков К. Интернетукус – заразный // Психология зависимости. – Минск: Харвест, 2004. – Б. 135-151.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 октябрдаги МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. <http://press-service.uz/ru/lists/view/1132>

Наширга проф. С. Чориев тавсия этган

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТГА РАИСЛИГИ ВА
САМАРҚАНД САММИТИ – МАМЛАКАТИМИЗ ПРАГМАТИК ТАШҚИ
СИЁСАТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ**

Рашидов Р.Р. (ЖИДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада жорий йил давомида Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё минтақасидаги нуфузли ташкилотлардан бири Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)га раислиги давомида амалга оширилган ишлар, шу жумладан 15-16 сентябрь кунлари юксак савияда ўтказилган Самарқанд саммити ва уларнинг аҳамияти ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги, Самарқанд саммити, “Шанхай руҳи”, “Самарқанд руҳи”, конструктив мулоқот, ҳамкорлик, биргаликда ривожланиш, умумий муваффақият, Марказий Осиё ШХТнинг “географик ядроси”, Самарқанд бирдамлиги ташаббуси, очиқ ва конструктив мулоқот учун қулай майдон.*

Аннотация. В данной статье рассказывается о мероприятиях, проведенных в период председательства Республики Узбекистан в Шанхайской организации сотрудничества (ШОС), которая является одной из самых влиятельных организаций Евразийского региона и о состоявшейся 15-16 сентября Самаркандском саммите ШОС и их значении.

Ключевые слова: *Шанхайская организация сотрудничества, председательство Узбекистана в ШОС, Самаркандский саммит, «Шанхайский дух», «Самаркандский дух», конструктивный диалог, сотрудничество, совместное развитие, общий успех, Центральная Азия «географическое ядро» ШОС, Самаркандская инициатива солидарности, комфортная площадка для открытого и конструктивного диалога.*

Annotation. This article describes the events held during the chairmanship of the Republic of Uzbekistan in the Shanghai Cooperation Organization (SCO), which is one of the most influential organizations in the Eurasian region, and the Samarkand summit of SCO held on September 15-16 and their significance.

Key words: *Shanghai Cooperation Organization, Uzbekistan's SCO Presidency, Samarkand Summit, "Shanghai Spirit", "Samarkand Spirit", constructive dialogue, cooperation, joint development, common success, Central Asia "geographic core" of the SCO, Samarkand Solidarity Initiative, comfortable platform for open and constructive dialogue.*

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммити тарихий аҳамиятга эгаллиги ва юксак даражадаги муҳим халқаро тадбирлиги билан ажралиб туради.

Мазкур саммит фақат ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувигина эмас, балки ҳозирги дунёда конструктив мулоқот ва ишончли ҳамкорлик қилиш истагида бўлган мамлакатлар вакилларининг учрашуви бўлди, десак ҳам муболаға бўлмайди.

Жорий йилда ШХТга раислиги давомида мамлакатимиз томонидан кенг кўламли дипломатик, ташкилий саъй-ҳаракатлар амалга оширилди ва сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг мезбон сифатида олий даражадаги тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатлари кенг миқёсда эътироф этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Самарқанд саммити якуни ва Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги натижаларини сарҳисоб қилар эканмиз, мамлакатимиз нафақат мазкур ташкилот олдида, балки бутун инсоният олдида турган долзарб масалаларни ўзаро мулоқот ва ишонч ҳамда ҳамкорлик орқали муҳокама қилиниши ва уларнинг ечими борасида асосли таклиф-ташаббуслар билан чиққанлиги намоён бўлади.

Мамлакатимизнинг ШХТга раислиги давомида ташкилот миқёсида 80 дан зиёд турли йўналиш ҳамда мавзулардаги тадбирлар юқори савияда ташкил этилди ва ўтказилди¹. Бу борадаги фаолликни халқаро ташкилотлар фаолиятида кам учрашини ва илгари ШХТга раислик қилган бошқа ҳеч бир давлат томонидан бундай фаоллик кўзга ташланмаганлигини таъкидлаш ўринлидир.

¹ Самарқанд саммитида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ташаббуслар илгари сурилди / “Янги Ўзбекистон” газетаси. – № 191 (713). 17 сентябрь 2022 йил. – Б. 1-3.

Давлатимиз раҳбарининг ШХТ кун тартибидаги долзарб ва келгусида муҳим аҳамият касб этиши кутилаётган масалалар бўйича таклифлари ташкилот миқёсида ижобий тарзда кутиб олинди ва уларнинг аксарияти ўзаро конструктив мулоқотни йўлга қўйиш ва олиб бориш орқали ҳамкорликни юритиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Бунда хавфсизлик соҳасидаги масалалар, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида транспорт-логистика ва савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш ҳамда ташкилот миқёсида ривожланишнинг янги нукталарини излаш бўйича илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар ўзбек дипломатиясининг халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида янги қараш ва ёндашувларни намоён қилаётганлигидан дарак беради.

Давлатимиз раҳбарининг мақоласи – ШХТ бугунги кун ва истиқболдан сўзловчи концептуал қарашлар уйғунлиги. Самарқанд саммити арафасида давлатимиз раҳбарининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” номли мақоласи¹нинг эълон қилиниши ўзига хос маънога эга. Ушбу мақола нафақат ШХТ доирасидаги, балки бутун дунё аҳамиятига молик масалаларни қамраб олганлиги билан эътиборга моликдир. Хусусан, унда бугунги пандемиядан кейинги даврда халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган мавжуд тизими издан чиқиб бораётгани, геосиёсий қарама-қаршилиқлар яна қайтадан кучаяётгани ва натижада давлатлар ўртасида юзага келган ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини мураккаблаштираётгани ҳамда бундай ҳолат кўпгина давлатларнинг бугунги ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётганлиги хусусида сўз боради.

Президентимиз юқоридаги вазиятнинг умумий таҳлилидан келиб чиқиб, шундай дейди: “Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавfli муаммолар гирдобидан чиқишнинг яққо ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир”².

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда ҳар бир давлат халқаро ҳамкорликка интилмоқда. Зеро, ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилидир. Самарали ҳамкорлик юритиш бугунги куннинг долзарб муаммоларини баҳамжихат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл эканлиги очиқ равшандир.

Давлатимиз раҳбари самарали халқаро ҳамкорликни тегишли халқаро ва минтақавий тузилма ва ташкилотларсиз таъминлаб бўлмаслигига урғу бериб, ҳозирги даврда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти улкан географик маконни қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот эканлигини таъкидлайди.

Мақола билан танишар эканмиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг жозибadorлигини таъминлаган қуйидаги бир қатор тамойиллар яққол кўзга ташланаётгани ва кадрият сифатида жой олаётганига эътибор қаратиш мумкин:

- ҳар қандай блоклардан холи мақомда бўлиш;
- очиқлик ва учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани;
- тенглик ва суверенитетни ҳурмат қилиш;
- ички ишларга аралашмаслик;
- сиёсий қарама-қаршилиқ ва ихтилоfli рақибликка йўл қўймаслик.

¹ Мирзиёев Ш.М. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик. 12.09.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5495>

² Ўша жойда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ташкилот доирасида ўзаро алоқалар ва ҳамкорликнинг ўтган давр мобайнидаги таҳлилидан келиб чиқиб, ШХТнинг келгуси ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этувчи қуйидаги янги стратегик йўналишлар намоён бўлаётганлигига эътибор қаратиб ўтади:

- транспорт ва ўзаро боғлиқлик;
- энергетика;
- озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги;
- инновациялар;
- рақамли трансформация;
- “яшил” иқтисодиёт.

Шунингдек, мазкур мақолада Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги даврида амалга оширилган ишларнинг сарҳисоби келтирилиб, бунда биргаликда ривожланиш орқали умумий муваффақият сари интилиш устуворлик қилганини англаш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги давр хусусиятларидан келиб чиқиб, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш лозимлиги ва бу борада “Самарқанд руҳи” феномени ана шундай халқаро ҳамкорликка мустаҳкам пойдевор бўлишини илғари суради.

Конструктив мулоқот ва ҳамкорлик – саммит муҳокамаларининг етакчи жиҳати. ШХТ Самарқанд саммитида мазкур ташкилот тарихида биринчи марта 14 та давлат етакчилари ва 10 та халқаро ташкилот раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этганликлари билан ажралиб туради. Ўзбекистон Марказий Осиё, шунингдек Шарқий ва Жанубий Осиё ҳамда Яқин Шарқ, Каспий денгизи минтақаси давлатлари раҳбарларини бир майдонга тўплади.

Саммит давлатлар етакчилари учун минтақавий ва глобал кун тартибидаги бир қатор долзарб мавзуларни муҳокама қилиш учун самарали платформа бўлиб хизмат қилди.

“Бу пандемия синовларидан сўнг узок қутилган дўстларнинг юзма-юз учрашуви, бу шахсий мулоқот ва мамлакатларнинг келажагини белгилаб берувчи қўшма қарорлар қабул қилиш имкониятидир”¹, – деди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ташкилот фаолияти кенг ҳамкорликка йўналтирилган бўлиши ҳамда Марказий Осиё ШХТнинг “географик ядроси” мақомини сақлаб қолиши лозимлигига урғу берди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, Президентимизнинг чиқиши ШХТ фаолиятининг бир қатор концептуал жиҳатларини қамраб олган бўлиб улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очиқлигини сақлаб қолиш;
- хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига қатъий риоя қилиш;
- иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари келгусида ШХТ доирасидаги ўзаро ҳамкорликни янада тараққий этиши йўлида ташкилот доирасида қуйидаги бир қатор форум ва учрашувлар ўтказишни таклиф этди:

- Ўзбекистонда ШХТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш;
- ШХТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш ва келгуси йилда унинг биринчи учрашувини ўтказиш;
- ҳар йили ШХТ йирик савдо ярмаркасини ўтказиш;
- келгуси йили Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш;
- Тошкент шаҳрида Минтақаларо ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этиш;
- келгуси йили Ўзбекистонда ШХТ биринчи транспорт форумини ўтказиш;
- ШХТ Иқлим кенгашини тузиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. 16.09.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5542>

–ШХТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, кўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари кўшимча форматларни таъсис этиш;
–келгуси йилни “ШХТ маконида туризмни ривожлантириш йили” деб эълон қилиш;
–“Самарқанд руҳи” тамойиллари ва уларнинг амалий ижросига доир масалаларни сиёсий етакчилар, жамоатчилик, ишбилармонлар, академик ва эксперт доираларининг нуфузли вакиллари иштирокида келгуси йили Самарқанд халқаро форумида кўриб чиқиш.

Ушбу таклифлар илгари сурилишини Ўзбекистон томонининг ШХТни институционал жиҳатларини мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ўзига хос позицияси сифатида эътироф этиш лозим.

Ташкилот фаолиятида намоён бўлиб келган “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқиш учун давлатимиз раҳбари томонидан “Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлиги ташаббуси” илгари сурилди ва мазкур ташаббус саммитнинг муҳим янгилиги сифатида эътироф этилди. Ўзида ихтилофларга қарамасдан умумий келажак учун ҳамкорликка тайёрлик ва “Самарқанд руҳи” тамойилларига ҳамфикр бўлганларнинг барчасини глобал цивилизациялараро мулоқотга жалб қилиш каби эзгу мақсадларни мужассам этган Самарқанд бирдамлиги ташаббуси саммит иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Афғонистон – ШХТ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири. Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларида Афғонистон мавзуси етакчи мавзуга айланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг барча учрашув, форум ва йиғилишларида албатта, Афғонистон мавзусига эътибор қаратиб келмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон ташаббуси билан Афғонистон мавзусида алоҳида халқаро даражадаги конференция ва учрашувларнинг ташкил этилаётганлиги ва юқори савияда ўтказилаётганлигини ҳам ўзбек дипломатиясининг афғон йўналишидаги катта саъй-ҳаракатлари натижаси сифатида баҳолаш лозим¹.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШХТнинг энг устувор йўналишларидан бири бўлиши ҳақида давлатимиз раҳбари Самарқанд саммитида таъкидлаб ўтди. Президентимиз бу борада жорий йилнинг 25-26 июль кунлари бўлиб ўтган Тошкент конференциясини қўллаб-қувватлаганликлари учун ҳамкасбларига алоҳида миннатдорлик билдириб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида афғон халқи яхши кўшничилик ёрдамига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтожлигини, Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмасликни ва Кобул билан конструктив алоқаларни юритиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Истиқболда Ўзбекистоннинг ШХТ доирасидаги фаолиятида катта аҳамият касб этувчи масалалардан бири бу шубҳасиз, минтақа давлатларининг мавжуд халқаро транспорт-логистик ва транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш бўлади. Бу борада айниқса, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ўзаро боғлиқликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, бундай улкан лойиҳага албатта, Афғонистонни ҳам жалб этган ҳолда, афғон заминининг иккита минтақани боғловчи кўприк сифатидаги родини оширилишига эришиш стратегик аҳамият касб этади. Бу борада давлатимиз раҳбари стратегик жиҳатдан яна бир муҳим лойиҳа – Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар темир йўли коридори курилишини ҳам қўллаб-қувватлашга чақирди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш, умуман олганда, ШХТ маконида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун кенг имкониятлар очиши мумкинлигига урғу берилди.

¹ Рашидов Р. ШХТ саммити – мамлакатимиз прагматик ташқи сиёсатининг амалий ифодаси / “Янги Ўзбекистон” газетаси. – № 198 (720). 2022 йил 27 сентябрь. – Б. 1-2.

Бундан ташқари, Президентимиз Термиз шаҳрида Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фондни биргаликда таъсис этишни таклиф этди. Мазкур фонд маблағлари афғон заминидаги ижтимоий инқирозни бартараф этиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилиши маълум қилинди.

Юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги ҳамда Самарқанд саммитининг юксак даражада ташкил этилиши ва ўтказилишининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиб ўтмоқчимиз.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг очиқ ва конструктив мулоқот учун қулай майдон сифатидаги роли яққол намоён бўлди. Буни биз сўнгги йилларда мамлакатимизнинг бир қатор халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга учрашувлар ва форумлар ҳамда конструктив мулоқот ўтказиладиган ўзига хос маконга айланганлигида кўришимиз мумкин. Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорлик ва интеграция масалалари, қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ҳамда ушбу заминнинг келгуси тараққиёти билан боғлиқ масалалар юзасидан ўтказилган бир қатор тадбирлар шулар жумласидандир. ШХТнинг Самарқанд саммити эса ана шундай тадбирларнинг энг нуфузлиси бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Иккинчидан, самарадорлик нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги ҳамда Самарқанд саммити алоҳида ўринга эга бўлди. Хусусан, Самарқанд саммити доирасида жами 44 та ҳужжат имзоланганлиги ушбу анжуманнинг самарадорлиги ва натижадорлигини кўрсатиб турибди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳужжатларнинг аксарият қисми Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган бўлиб, бутун ташкилот фаолияти учун катта аҳамият касб этади. Булардан 18 таси қарорлар, 4 та халқаро шартномалар ва 22 та бошқа ҳужжатлардир. Хусусан, стратегик ҳужжатлар сифатида “ШХТга аъзо давлатларнинг Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс режаси”, “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой” темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича уч томонлама битим ҳамда “Иқлим ўзгаришига муносабат бўйича ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Қўшма баёноти” қабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон томонидан ШХТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга киришиш таклифи ҳам илгари сурилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва ШХТ оиласига кирувчи давлатлар ўртасида жами 36 та ҳужжат имзоланди. Жумладан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида 15 та ҳамда Ўзбекистон ва Эрон ўртасида 15 та ҳужжатлар имзоланди.

Айтиш мумкинки, Самарқанд саммити доирасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ва қарорлар Шанхай ҳамкорлик ташкилотини келажакда тараққий топтириш ва ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини белгилаб берган, шунингдек ўзаро муносабатлар ва алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамловчи ҳужжатлар бўлади.

Учинчидан, ташаббускорлик – Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ёрқин хусусиятига айланди. Ушбу хусусият сўнгги йилларда ўзбек дипломатияси самарали фаолиятининг ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон дунёдаги халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида ва ҳамкор давлатлар билан муносабатларда минтақа ва дунё тараққиётининг долзарб масалалари ҳамда инсониятнинг барқарор ривожланиши юзасидан, шунингдек икки ва кўп томонлама муносабатларни юритиш ва мустаҳкамлаш юзасидан асосли таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Айниқса, мамлакатимиз сўнгги йилларда ШХТ доирасида 50 дан ортиқ таклиф ва ташаббусларни илгари сурганлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг исботидир. Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги ва Самарқанд саммити ҳам бунинг ёрқин ифодаси бўлди.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги ҳамда Самарқанд саммити халқаро илмий ва академик доираларда юксак эътироф ва баҳоларга сазовор бўлмоқда. Шундай эътирофлардан бирига эътибор қаратиш ўринли бўлар эди. Жумладан, жаҳондаги илмий

ва эксперт-тахлилий доираларда юкори нуфузга эга мутахассис, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси Сиддхарт Саксена шундай дейди:

“Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммити бошқаларни сиқиб чиқариш ва босим ўтказиш орқали эмас, балки барчани бирлаштириш орқали кейинги ривожланиш позициясини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Айнан шу ерда Шавкат Мирзиёев ҳамжиҳатлик бўйича ажойиб ташаббусни илгари сурди.

Марказий Осиёнинг ижобий тажрибаси бугун глобал Самарқанд ташаббусига айланмоқда. Хитой ва Ҳиндистондан тортиб Туркия ва Туркменистонгача турли сиёсий ва ижтимоий тизимлар вакиллари муштарак мақсад йўлида бирлашдилар. Бу инклюзивлик, мультилатерализм ва цивилизациялараро ўзаро ҳамкорлик руҳининг ҳақиқий намоёнидир”.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити чин маънода тарихий учрашув бўлди. Ўйлаймизки, ШХТга Ўзбекистон раислиги давомида шаклланган “Самарқанд руҳи” узоқ йиллар давомида ташкилот фаолиятида акс этиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик. 12.09.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5495>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. 16.09.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5542>

3. Самарқанд саммитида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ташаббуслар илгари сурилди / “Янги Ўзбекистон” газетаси. – № 191 (713). 17 сентябрь 2022 йил.

Рашидов Р. ШХТ саммити – мамлакатимиз прагматик ташқи сиёсатининг амалий ифодаси / “Янги Ўзбекистон” газетаси. № 198 (720). 27 сентябрь 2022 йил.

Наишга проф. С. Чориев тавсия этган

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Хушматова Г.Н. (ЎЗМУ)

Аннотация. Масаланинг моҳияти ёшларимиз жамиятга қандай билим, қандай интеллектуал ва маънавий бойлик, қандай замонавий билимлар билан кириб келишидадир, бунинг учун давлатимиз ёшларимизга қандай имкониятлар яратиб бермоқда. Ёшларни қўллаб-қувватловчи қандай ташкилотлар фаолият юритмоқда мақола шу ҳақида.

Таянч сўзлар: *ёшлар, ёшлар сиёсати, ёшларга оид давлат дастури, ёшлар ташкилотлари.*

Аннотация. Суть вопроса в том, какие знания, какое интеллектуальное и духовное богатство, какие современные знания несет в общество наша молодежь, и какие возможности предоставляет для этого наше государство. В статье идет речь о том, какие организации работают для поддержки молодежи.

Ключевые слова: *молодежь, молодежная политика, государственная молодежная программа, молодежные организации.*

Abstract: The essence of the question is what knowledge, what intellectual and spiritual wealth, what modern knowledge our youth brings to society, and what opportunities our state provides for this. The article deals with what organizations work to support youth

Key words: *youth, youth policy, state youth program, youth organizations.*

Кириш.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилди. Ёшларнинг жамиятдаги энг фаол қатлам экани, уларнинг ижтимоий сафарбарлиги юксаклиги ҳам Давлат ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаган омиллардан бири бўлди. Ўзбекистонда ёшларга оид Давлат сиёсатининг мақсади ёшларнинг ривожланиши, уларнинг ижодий салоҳиятини тўла намоён қилишлари

учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароит ва қафолатларни таъминлаш қилиб белгиланди. “Ҳозирги муҳит яна бир бор маҳаллий кенгашлар, маҳаллий раҳбарлар ёшларга эътибор беришлари кераклигини кўрсатади. Умуман олганда, ҳар қандай жамият тараққиётида ҳал қилувчи ролни ушбу жамиятнинг келажаги боғлиқ бўлган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ривожланиши ўйнайди. Шунинг учун ислохотларимизни кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш масалаларида биз замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ғайратли, ташаббускор, ҳар томонлама ривожланган Ёшларимизни ўзимизга таянч деб биламиз”[1], деди давлат раҳбари.

Асосий қисм.

Бугун мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар қўлами чегара билмайди. Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда ёшлар ташкилотлари Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана оладиган, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Президентимиз томонидан бир қанча Фармон ва фармойишлари имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон “Ёшлар иттифоқи” ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисидаги”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи марказий кенгашининг 2017 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг умумий ўрта таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарори, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгашининг 2017 йил 8 августдаги 2017 йил 10 августдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида Сардорлар кенгаши сайловини ўтказиш тўғрисида”ги қўшма хатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мамлакатда ёшлар ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, оммалаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган давлат ҳужжатлари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ёшлар ташкилотининг ривожланишини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

– 1991-1996 йиллар. Бу давр ёшларнинг Совет Иттифоқи таркибидаги ёшлар ташкилотлари фаолиятини тугатиб, демократик фуқаролик жамиятига мос эркин, коммунистик ақида ва мафкурадан ҳоли бўлган ёшлар ташкилотларини тузишга шароит яратиш билан характерланади.

– 1996-2001 йилларда Ўзбекистон ёшлар ташкилоти сифатида “Камолот” жамғармаси тузилди, унинг республика миқёсида тузилмалари шакллантирилди, ижтимоий мақсадлари ойдинлаштирилди. Шу тариқа, “Камолот” ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган жамғарма сифатида иш бошлади.

– 2001-2016 йилларда мазкур ташкилот ўз фаолиятини тубдан ўзгартирди. Шу йиллар мобайнида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистондаги энг кенг тармок

отган ҳаракатлардан бирига айланди. “Камалак” Болалар ташкилоти ҳам Ўзбекистондаги энг нуфузли болалар ташкилоти сифатида самарали фаолият кўрсатган.

– 2017 йил ва шу йилдан кейинги даврлар. Бу даврда ёшлар ташкилотининг энг янги даври том маънода юксалиш даври бошланди. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни”, деб эълон қилинди.[2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш; ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш; демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш; ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш; ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва бошқалар...[3].

Фармонда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва назорат ўрнатиш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши ташкил этилди. Айти пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича худудий идоралараро кенгашлар фаолият юритмоқда.

Буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига “Темурбеклар мактаби”[4] номи берилди.

Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолият натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгилликларни кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг нашрларини чоп этишга ихтисослашган “Ёшлар

нашриёти уйи” ташкил этилди. Қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларини янада кучайтириш мақсадида “Қизларжон” журнали таъсис этилди. Фармонга кўра, ёшларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” республика танловлари, “Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” анъанавий республика фестиваллари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, 2017–2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “катта етакчи” ва “тўғарак раҳбари” штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган “ёшлар етакчиси” штат бирлиги жорий этилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида “ёшлар етакчиси” вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдориди ҳар ойлик устама белгиланади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди.

Юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришадиган йигитларни тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори”[5] медали таъсис этилди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгиланди. Таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келадиган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови, шунингдек, ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланмоқда.

Муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018–2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйлари барпо этиш дастури ишлаб чиқилади. Мазкур дастурда барча йирик шаҳарларда – кўп қаватли, қишлоқ туманларида – 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилган.

Республикаимизнинг туман марказлари ва шаҳарларда Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил этилмоқда. Фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартиби жорий этилди. Фармонда белгиланган яна бир муҳим нарса – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-марифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)

бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланиши ёшларга қаратилаётган эътиборнинг давлат сиёсати даражасида кўтарилганидан далолатдир. Бу сиёсат, бугун ёхуд эртанигина эмас, олис келажак тақдиримизни ўйлаб жорий этилгани бежиз эмас.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш керакки, ҳозирги кунда республикаimiz аҳолисининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этади. Демак, мамлакатимиз ҳаётида уларнинг тутган ўрни ҳам улкан. Бинобарин, мамлакатимиз келажаги, Ватанимиз тақдири ҳам ана шу ёшлар қўлида. Шу боис, ёшлар таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, уларнинг орзу умидлари, ўй-хаёлларига мададкор бўлиш асосий вазифамизга айланмоғи керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони.
2. Бўронова Д.Д. Ёшларга оид давлат сиёсати динамикаси ва муамолари (Ўзбекистон мисолида): Сиёсий фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2009.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/3255680#undefined>
4. <https://milliygvardiya.uz/uz/menu/dlja-postupajuschih-v-shkoly-temurbek>
5. Ўзбекистон Республикасининг 28.12.2017 йилдаги ЎРҚ-451-сонли Қонуни,
6. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотномаси (2021 йил ҳолатига кўра).
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожатномаси.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ВАЛЕНТЛИК НАЗАРИЯСИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР

Ибрагимов Ж. (Абдулла Орипов ижод мактаби)

Аннотация. Ўзбек тилшунослигида валентлик назарияси бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилган. Валентлик назариясига оид ишларнинг дастлабкилари ўтган асрнинг ўрталарига тўғри келади ва шу туфайли худди рус тилида бўлгани каби, бу тадқиқотлар асосан феълнинг лексик хусусиятларига таянган ҳолда олиб борилган. Тилшуносликда сўзнинг семантик валентлиги тушунчаси билан бир қаторда ташқи валентлик, ички валентлик, формал валентлик, синтактик валентлик, логик валентлик каби валентликлар ҳам мавжудлиги, буларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туриши ҳақида фаразлар мавжуд.

Таянч сўзлар: *валентлик, лугавий, грамматик шакл, синтактик, бирикма, актант.*

Аннотация. В узбекском языкознании достаточно проведены исследования по теории валентности. Первые работы по теории валентности относятся к середине прошлого века, а потому, как и в русском языке, эти исследования основывались в основном на лексических свойствах глагола. В языкознании наряду с понятием семантической валентности слова существуют гипотезы о том, что существуют такие валентности, как внешняя валентность, внутренняя валентность, формальная валентность, синтаксическая валентность, логическая валентность, каждая из которых отличается своими особенностями.

Ключевые слова: *валентность, лексическая, грамматическая форма, синтаксическая, сочетания, актант.*

Annotation. In Uzbek linguistics, research on the theory of valency has been sufficiently carried out. The first works on the theory of valency date back to the middle of the last century, and therefore, as in the Russian language, these studies were based mainly on the lexical properties of the verb. In linguistics, along with the concept of the semantic valence of a word, there are hypotheses that there are such valences as external valence, internal valence, formal valence, syntactic valence, logical valency, each of which has its own characteristics.

Key words: *valency, lexical, grammatical form, syntactic, combinations, actant.*

Ўзбек тилшунослигида валентлик назарияси бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилган. Валентлик назариясига оид ишларнинг дастлабкилари ўтган асрнинг ўрталарига тўғри келади ва шу туфайли худди рус тилида бўлгани каби, бу тадқиқотлар асосан феълнинг лексик хусусиятларига таянган ҳолда олиб борилган. Ўзбек тилшуносларидан И.Кўчқортоев, Р.Расулов, А.Нурмонов, Ш.С.Сафаров, Н.Қ.Турниёзов, С.Мухамедова, М.Миртожиев, Ў.Шарипова, М.Абузаловаларнинг валентликка доир тадқиқотлари фикримиз исботидир [1, 2, 3, 4, 5]. Гапда сўзлар маълум қоидалар, меъёрлар асосида бири-бирига бирикади, яъни семантик-синтактик алоқага киришади. Ҳар қандай синтактик алоқа синтактик муносабатлар натижасидир. Тилшуносликда “*синтактик муносабат*” атамаси гап таркибида сўзлар орасидаги ўзаро боғланиш, алоқа маъносини англатади. Дунёнинг бир қанча тилларида синтактик муносабатлар дастлаб икки турга бўлиб ўрганилади: предикатив ва нопредикатив. Ўзбек тилида предикатив муносабат деганда гап тузилишининг асоси (гапнинг маркази) кесим билан боғлиқ бўлган синтактик алоқа тушунилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек тилидаги содда гапларни кузатсак, ҳар бир гапда – қайси сўз туркуми ва унинг қандай шаклда бўлишидан қатъий назар – шаклланган кесимнинг мавжудлигини кузатамиз (албатта, тўлиқсиз гаплар бундан мустасно. Зеро, тўлиқсиз гапларда ҳам олдинги гапдаги кесимга ишора мавжуд). Гапларда гарчи бош бўлак бўлса ҳам, эга иштирок этмаслиги ҳам мумкин. Бироқ кесим гапнинг асосини ташкил этади ва, албатта, иштирок этади. Кесим гапнинг маркази бўлиб, у тасдиқ-инкор, майл, замон, шахс-сон маъноларини кўрсатади, ҳукми ифодалайди ва гапнинг бошқа бўлақларини ўз атрофида бирлаштиради. Масалан, *Қиш юртимизга эрта келди* гапида кесим (*келди*) тасдиқ маъносида, хабар майлида, ўтган замон, III шахс бирлик шаклида ифодаланган бўлиб, гапнинг иккинчи даражали бўлақлари – ўрин холи (*юртимизга*) ҳамда

пайт ҳоли (*эрта*) билан ўзаро синтактик муносабатга киришган. Нопредикатив боғланиш бундай хусусиятга эга эмас. Бунда сўзлар ўзаро турли усулда ва турли воситалар билан синтактик муносабатга киришади. Тенг боғланиш ва эргаш боғланиш (тенглашиш ва эргашиш) нопредикатив боғланишнинг турлари ҳисобланади. Грамматик жиҳатдан бири-бирига тенг бўлган сўзларнинг ўзаро грамматик муносабатга киришишидан тенг боғланиш юзага келади. Тенглашиш муносабати, одатда, тенг боғловчилар ва санаш оҳанги орқали ифодаланади. Масалан: *уй ва хаёллар; дафтарлар, қаламлар; Эргаш боғланишда грамматик жиҳатдан тенг бўлмаган сўзлар ўзаро грамматик муносабатга киришади сўз бирикмалари ва гапларни юзага келтиради. Масалан: намунали уйлар, китоб ўқимоқ, ўйлаб қарор қабул қилиш; Тобеланиш муносабати, асосан, синтактик шакл ясовчи қўшимчалар, кўмакчилар, флексия, сўз тартиби, оҳанг каби воситалар ёрдамида вужудга келади.*

Гап таркибидаги сўзларнинг муайян қуршовда, бошқа бир сўзлар билан бирика олиш имкониятлари тасодифий ва бутунлай эркин эмас. Улар муайян қонуниятларга бўйсунди. Маълум тил бирлигининг бошқаси билан синтактик алоқага кириши қонуниятлари валентлик тушунчасида бирлашади. Сўзлар орасидаги синтактик муносабат асосида сўзнинг бирикиш-бириктира олиш имкони ётади. Синтактик муносабат сўзнинг валентлик қобилятига эга эканлигини, бирикиш-бириктира олиш умумий хусусиятининг жонли нутқда, сўзлар орасидаги турли хил бирикишларда — хусусийликда намоён бўлишини кўрсатади ва бу аслида “умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса” диалектикасининг намоён бўлишидир. И.Кўчқортоев хатто феъл актантилари ўз хусусиятларини қай даражада намоён қилиши учун уларнинг жойлашиши ва ҳолатлари ҳам муҳимлигини таъкидлар экан [2; 71-72], субстанциал-прагматик ёндашувга ҳам қисман мурожаат қилади.

Ўзбек тилшунослигида валентлик тушунчаси остида уч жиҳат фарқлаб ўрганилди:

- 1) сўз валентлиги;
- 2) синтактик валентлик;
- 3) грамматик шакл валентлиги.

Сўз валентлиги масаласида профессор Ҳ.Ғ.Неъматов фикрига кўра икки муаммони фарқлай олиш ўта муҳим: лисоний валентлик ҳамда нутқий валентлик. Лисоний валентлик сўзнинг семантик структурасида мужассамланган яширин имконият бўлиб, у маълум бир сўзнинг муайян бир маъновий туркум сўзлари билан меъёрий равишда боғлана олиши, бирика олиш қобилятига эга эканлигини ифодалайди. Сўзларнинг лисоний валентлигидаги бу имконият сўз валентлиги ёки семантик (маъновий) валентлик деб юритилади. Мисол тариқасида [сотмоқ] сўзининг маъновий валентлигини кўриб ўтамыз. *ким? нимани? кимга? қачон? қандай? қанчага? нима сабабдан? нечта ёки қанча? (Кеча Улугбек қўшнисига тўртта қўйни ўғлига кийим олиб бериш учун 4 миллионга жуда тез сотди).* Бу рўйхатни вазиятга қараб яна давом эттириш мумкин.

Демак, [сотмоқ] сўзи ўз маъносини тўла очиб бериши учун юқоридаги сўроқларга жавоб бўла оладиган сўзлар билан кенгайтирилиши (нутқда бирикиб келиши) талаб этилади. Нутқий валентлик яширин имконият, моҳият, умумийлик, зарурият бўлган лисоний валентликнинг моддийликка эга бўлиши, яъни воқеланишидир. Бу ҳақида Р.Расуловнинг фикрлари ҳам ўринли: “сўз валентлиги субстанциал факт сифатида сўзнинг доимий ички хусусияти бўлиб, бу хусусият нутқ фаолиятида, сўзларнинг ўзаро боғланишида юзага келмайди. У, айтилганидек, нутққача, яъни тилда — тил «бирлиги» сифатида сўз семантик структурасида мавжуд бўлади, «яшайди», потенциал имконият тарзида сакланади. Нутқда эса ушбу имконият, субстанциал факт «харакатга келади», намоён бўлади, турли нутқ бирликларида ўзининг конкрет ифодасини топади” [1; 13].

Луғавий валентлик бириктирувчи лексеманинг маъновий жиҳатдан ўзига мос бўлган бирикувчиларни танлашидир. Масалан, [ичмоқ] лексемаси [нон] лексемасини бириктира олмайди, [нон] лексемаси [ичмоқ] лексемасидаги бирорта ҳам бўш ўринни тўлдиролмайди. Чунки бу лексемалар ўзаро маъновий жиҳатдан мувофиқ эмас. Бирикаётган лексемалар бир-бирига маъновий жиҳатдан мос бўлиши учун уларнинг маъно структураларида мувофиқ маъно семалари (маъно бўлакчалари) бўлиши лозим бўлади.

Юқоридаги мисолда [нон] лексемасининг агрегат ҳолатга кўра [қаттиқ] жисми англиши [ичмоқ] лексемасидаги [суyoқлик] семасига мувофиқ эмаслиги бу лексемаларнинг бирикишига тўқинлик қилади. Шу сабабли [ичмоқ] лексемаси [суе], [чой] каби суyoқликни англишувчи лексемалар билан бемалол бирикма ҳосил қила олади, чунки бу лексемалар [ичмоқ] лексемасининг бўш ўрнини тўлдира олади. Албатта, баъзан лексемаларнинг кўчма маънолари ёрдамида қасам ичмоқ каби бирикувлар ҳам кузатилиши мумкин. Бирикувчи ва бириктирувчи лексемалар маънолари мувофиқ бўлмагани бу каби ҳолларда меъерий валентлик бузилган. Бундай бирикувлар соф нутқий ҳодиса бўлиб, [ичмоқ] ва [қасам] лексемаларининг лисоний моҳиятидан ўрин олмаган. Чунки [қасам] лексемасида [суyoқлик] семаси мавжуд эмас. [Ичмоқ] лексемаси эса [суyoқлик] семаси мавжуд актантиларнигина бириктира олади. Биз луғавий валентликни от ва феъл туркумларидан олинган намуналар асосида далиллашга ҳаракат қилдик. Лекин валентликнинг бу тури нафақат от ёки феълга, балки бошқа сўз туркумларига ҳам хосдир.

Синтактик валентлик лексема валентлигининг иккинчи томони бўлиб, у ҳоким мавқедаги лексеманинг тобе лексемаларни ўзига тортиш учун уларнинг маълум бир синтактик шаклда - келишик, кўмакчи, равишдош, сифатдош қўшимчаларини олган ҳолда бўлишини талаб қилишидир [6; 22]. Бу ҳоким лексеманинг синтактик мавқеи, грамматик шакли томонидан белгиланади. Масалан, *Китобни ўқиди*, *Китоб ўқилди* синтактик курилмаларидаги *китобни* ва *китоб* сўзларининг грамматик шакли ҳоким мақомдаги лексеманинг грамматик шакли билан белгиланган. Албатта, луғавий валентлик синтактик валентликка боғлиқ, улардан бири ўзгарса, иккинчиси ҳам ўзгаради. Масалан, *Акамни* лексемаси *югурмоқ* лексемаси билан бирикма ҳосил қилолмайди, чунки бунда синтактик валентлик мувофиқ эмас. Лекин *югурмоқ* лексемасини орттирма нисбат қўшимчаси *-тир* билан шакллантирсак, вазият ўзгаради. Энди *югуртирмоқ* лексемаси *акамни* лексемаси билан бирикма ҳосил қила олади. Чунки орттирма нисбатдаги феъл тушум келишигидаги от билан “бўш катагини тўлдира олади”.

Сўз валентлиги субстанциал ҳодиса сифатида сўзнинг доимий ички хусусияти бўлиб, бу хусусият нутқ фаолиятида сўзларнинг ўзаро боғланишида пайдо бўлмайди. У нутққача, яъни тилда – тил «бирлиги» сифатида сўз маъно таркибида мавжуд бўлади, юзага чиқишга тайёр турган имконият тарзида сақланади. Демак, маълум бўладикки, лексеманинг лисоний валентлиги икки ёқлама бўлиб, унинг маъновий томони лексемаларга қандай лексемалар бирика олиши меъери, чегарасини кўрсатса, синтактик томони бирикувчи сўзнинг қандай грамматик қўшимчаларни олишини белгилайди.

Бириктирувчи сўз маълум бир маъновий туркум (гурух) сўзлар билан бирикиши учун бу туркум сўзларнинг маълум бир синтактик шаклда бўлишини талаб этади. Сўз лисоний валентлигидаги бу томон синтактик валентлик дейилади. Маъновий валентлик ва синтактик валентлик сўз лисоний валентлигининг ажралмас икки томонидир. Синтактик валентлик билан маъновий валентлик баъзи ҳолатларда ўзаро нисбий мутаносиб боғлиқликда бўлади, яъни бири ўзгарса, иккинчиси ҳам ўзгаради.

Баъзан валентликнинг бир кўриниши ўзгарса-да, иккинчиси ўзгармаслиги ҳам мумкин. Ҳар бир сўзнинг маъно валентликлари бирикиш имконияти бўлиб, у фақат нутқда юзага чиқиши мумкин. Турли ҳолатда турлича акс этиши мумкин, лекин бу бирикув, албатта, тил қонуниятига тўла мос келиши лозим бўлади. Кўринадикки, сўз маъносининг мантиқий таркиби бирламчи бўлиб, шу асосда унинг валентлиги шаклланади. Демак, сўз унинг мантиқий таркиби билан унинг валентлиги ўртасидаги муносабат ҳақидаги фикрлар анча мунозарали бўлса-да, уларнинг боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу соҳа тилшуносларнинг катта қисмини ўзига жалб этади. Ҳар қандай ҳолда ҳам сўз маъносининг мантиқий таркиби, унинг синтактик валентлиги ўзаро жипс боғланган. Уларнинг бирини иккинчисисиз тадқиқ этиб бўлмайди. Зеро, сўз валентлиги шу сўз иштирокида тузиладиган бирикмалар ҳақида тасаввур беради, яъни сўз валентлиги ўрганилар экан, у тадқиқотчи учун бирикмалар, уларнинг қолипларини ўрганиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Айтилганлардан маълум бўладикки, сўз валентлиги унинг

синтактик валентлиги ҳақида ҳам тасаввур беради ва улар жуда зич боғлиқ бўлган тушунчалардир.

Аффиксал морфемаларнинг бирикувчанлик қобилияти грамматик шакл валентлиги деб юритилади. Грамматик шакл валентлиги моҳиятан маъновий валентликка ўхшашдир, бироқ умумийлик даражасига кўра семантик валентликдан анча юқори бўлиб, категориал умумлашмалар даражасидадир. Масалан, қаратқич келишигининг морфемаси ўзидан кейин келган сўз таркибидаги эгалик қўшимчаси билан бирика олиш валентлигига эга, бу сўз бирикмаси таркибида мувофиқлашади. Улар бир-бирини танлаган, бирикиш учун тил бирликларининг бир-бирини тақозо қилиши эса валентликдир. Лексемаларга грамматик шакллар қўшилганда уларнинг бирикувчилари сирасида ўзгариш юз бериши табиий. Масалан, *Ўқитувчи* лексемаси биринчи шахс, бирликни англатувчи *-ман* қўшимчасини қабул қилмаса, *мен* лексемаси билан бирикма ҳосил қилиши шарт эмас, лекин шу қўшимчани қабул қилиши *ўқитувчи* лексемасининг *мен* лексемасига бирикишини мажбурий қилиб қўяди. *Ўқитувчи* лексемасининг бўш ўринларида *мен* лексемасига жой очилишига асос грамматик шакл(*-ман*)дир. Шу сабабли бундай валентлик тури *грамматик шакл валентлиги* дейилади. Грамматик шакллар ўзлари қўшилиб келган лексеманинг лисоний (маъновий ва синтактик) валентлигини ё кенгайтиради, ёки чеклайди. Масалан, эгалик қўшимчаси ўзи қўшилиб келган исм туркумига мансуб сўзларга қаратқич келишиги шаклида турган бошқа исм билан қаралмиш – қаратувчи алоқаларига киришиш имкониятларини беради. Демак, ўзи қўшилиб келган сўзнинг синтактик имкониятларини кенгайтиради. Сўз шакли маъновий ва синтактик валентлиги шу сўз шакли учун асос бўлган лексема лисоний валентлигидан кенг. Шундай ҳодисани орттирма нисбат морфемаси билан ўтимсиз феъл лексема бирикишида кўриш мумкин. Қиёсланг: *Машина юрди. Бола ухлади. [ухла], [-юр] феъллари воситасиз тўлдирувчи билан бирика олмайди. Лекин ҳайдовчи машинани юргизди. Она болани ухлатди, меъёрий бирикмалардир. Воситасиз тўлдирувчи билан бирика олиш валентлик қобилиятини [юр-], [ухла] лексемаларига орттирма нисбат морфемаси берди, бошқача айтганда, бу феълларга қўшилиб келгач, у морфема ўз валентлигини олиб келди. Айрим грамматик шакллар ўзи қўшилиб келган лексеманинг лисоний валентлигини торайтиради. Масалан, мажхул ва ўзлик нисбат шакллари ўтимли феълни ўтимсизлаштиради, унинг воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш имкониятини чеклайди.*

Тилга субстанциал ёндашиш нафақат луғавий шаклларда, балки морфологик (грамматик) шаклларда ҳам валентлик қонуниятининг мавжудлигини кўрсатиб берди. Тилшуносликда грамматик валентлик тушунчаси грамматик шаклнинг маъновий ва синтактик томонини диалектик бирликда кўриш натижасида пайдо бўлди. Лексемалар каби грамматик шакллар ҳам валентликка эга бўлиб, улар лексема валентлигини ўзгартириши, лексема валентлигига таъсир қилиши мумкин. Бошқача айтганда, аффиксал морфемаларнинг бирикиш қобилияти грамматик шакл валентлигидир. Қуйида таркибида грамматик шакл мавжуд бўлмаган ҳамда грамматик шаклли лексеманинг бирикув имкониятларини кузатайлик: *Китоб* сўзи *[-лар]* кўплик шаклини қабул қилганидан кейин аниқ миқдорни билдирувчи исталган сон билан бирикиш имкониятини йўқотади, ёки *кулмок* феъли орттирма нисбат шаклини олса, тушум келишигидаги сўзлар билан бирикиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, «китоб» лексемаси *[-имиз]* эгалик морфемаси билан шаклантирилганда «бизнинг» сўз шакли билан бирикишга имконият туғилади: бизнинг китобимиз. Бундай хусусиятни нафақат кўплик, нисбат ва эгалик, балки бошқа турдаги қўшимчаларда ҳам кузатиш мумкин. Тил ҳодисаларига субстанциал ёндашиш туркий тилларнинг грамматик, хусусан морфологик шаклларда ҳам валентликни ажратиш имкониятини беради. Грамматик шакл сўзнинг лисоний валентлигини ўзгартириши-кенгайтириши ёки аксинча торайтириши мумкин. Шунинг учун грамматик шакл валентлиги ва сўзнинг лисоний валентлиги орасидаги фарқ грамматик шакл валентлиги билан белгиланади, деган ҳукми илгари суриш мумкин.

Валентликнинг субстанциалликка алоқадор томонларини тадқиқ қилган М.Абузалова субстанциал ёндашишда лексик валентлик билан бирга грамматик валентлик –

грамматик (морфологик) шакллар, шунингдек, синтактик категориялар (позициялар)нинг валентлиги тушунчаси ҳам фарқланишини таъкидлайди [5; 78].

Лисоний бирликнинг валентлик ўринларини тўлдирувчи бирликлар актантлар деб ҳам юритилади [6; 20]. Шунингдек, актантлар ҳам ўз валентлигига эга ҳисобланади. Аммо ҳоким лексеманинг валентлиги тортувчи мавқеда бўлганлиги учун *ҳоким валентлик* унга бирикувчи лексеманинг валентлиги *тобе валентлик* ҳисобланади. Лисоний бирликлар ҳам маъно жиҳатдан, ҳам грамматик жиҳатдан бир-бирига мувофиқ бўлсагина, бирикма ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, бириктирувчи лексема ўзига бирикиши лозим бўлган лексемани нафақат маъно жиҳатдан, балки унинг маълум бир грамматик шаклда бўлишини ҳам талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, валентлик нутқда сўзлар орасидаги синтактик алоқани, сўзларнинг, грамматик шаклларнинг ўзаро бирикувини таъминловчи имкониятлар мажмуидир. Синтактик алоқадан валентлик келиб чиқмайди, балки валентликдан синтактик алоқа келиб чиқади. Сўз валентлиги ва синтактик алоқа диалектик боғлиқ, ўзаро бир бутун, ажралмас, айна вақтда, ҳар бири нисбий мустақил бўлган ҳодисалардир. Маълум бўладики, валентлик ўзбек тилшунослигида етарлича тадқиқ қилинган. Баъзи атамаларни номлашдаги ҳар хиллик (масалан, бир манбада *сўз валентлиги*, бошқа манбада *луғавий валентлик ёки семантик валентлик*) валентликнинг умумий моҳиятини англашга монеълик қилмайди. Валентлик тил бирликларининг бирикиш-бириктира олиш қобилиятини англаувчи тушунча бўлиб, луғавий, синтактик, грамматик шакл; лисоний, нутқий; ҳоким ва тобе каби турларга бўлинади. Шу ўринда тилшунослиқда сўзнинг семантик валентлиги тушунчаси билан бир қаторда ташқи валентлик, ички валентлик, формал валентлик, синтактик валентлик, логик валентлик каби валентликлар ҳам мавжудлиги, буларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туриши ҳақида фаразлар мавжуд. Бу тип валентликларнинг бири муайян сўзнинг семантик хусусиятларидан, яна бири бирикувчиларнинг ўзаро бирика олиш имкониятидан, бошқаси ўзаро бирикувчи сўзларнинг шаклидан келиб чиққанлиги туфайли луғавий, синтактик ва грамматик шакл валентлигига хос назарияларни такрорлайди ва валентликни шу уч турга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989. –141 б.
2. Қўчқортоев И.К. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – 167 б.
3. Шарипова Ў. Ўзбек тилида юмуш феълларининг маъно валентликлари: фил. фан. номз. дисс. ...автореф. – Тошкент, 1996. – 24 б.
4. Жоллыбекова М.Р. Типология неполных предложений диалогической речи в разноразностных языках (на материале английского и каракалпакского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Нукус, 2008. –156 с.
5. Абузалова М. Субстанциал морфология, валентлик ва синтактик қурилма: филол. фанл. докт. (DSc) дисс. автореферати. – Самарқанд, 2018. – 240 б.
6. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили, III қисм, – Тошкент, 2006. – 162 б.

Наширға проф. Б.Менглиев тавсия этган

СИНГАРМОНИЗМ ТАРИХИЙ ЎЗАК ЯСАЛИШНИНГ МЕЗОНИ СИФАТИДА**Жумаев Т. (ҚарДУ)**

Аннотация. Мақолада туркий тиллардаги сингармонизм ҳодисасининг воқеланиш мезонлари, тарихийлик билан боғлиқ йўллари ва унинг ўзбек тилида сўз ясалиш имкониятларини намоён қилиш хусусиятлари баён қилинган.

Таянч тушунчалар: *сингармонизм, танглай гармонияси, лаб гармонияси, ассимиляция, лаҳжа, туркий тиллар, имло, фонетик ҳодиса.*

Аннотация. В статье рассмотрены способы возникновения феномена сингармонизма в тюркских языках, пути его истории и особенности его способности образовывать слова в узбекском языке.

Ключевые слова: *сингармонизм, палатальная гармония, губная гармония гармония, ассимиляция, диалект, тюркские языки, орфография, фонетический феномен.*

Annotation. The article describes the methods of occurrence of the phenomenon of synharmonism in the Turkic languages, its historical ways and the features of its ability to form words in the Uzbek language.

Key words: *synharmonism, tanglai harmony, lip harmony, assimilation, dialect, Turkic languages, spelling, phonetic phenomenon.*

Сингармонизм масаласи ўзбек тили учун XX аср бошларидан муаммо, чунки бизнинг тилимиз туркий тиллар орасида таркиб жихатидан мураккаб – уч лаҳжанинг қоришувидан юзага келган. Бир неча лаҳжали туркий тиллар кўп эмас, борлари ҳам икки лаҳжали тиллар ҳисобланади. Бунга мисол қилиб қримтатар ва олтой тилларини олиш мумкин, холос. Қримтатар тили ўғуз ва кипчоқ лаҳжаларидан тузилган бўлса, олтой тили уйғур-ўғуз ҳамда қирғиз-кипчоқ лаҳжаларининг қоришувидан бунёд бўлган [1; 277].

Тилимизнинг мураккаб таркиблилиги араб алифбосида иш олиб борган даврлар – 1929 йилгача жуда кўп тортишувларга сабаб бўлди, то лотин ёзувига ўтмагунимизча бир қарорга келинмади. Лотин ёзувидаги имло ҳам Иттифокдаги сингармонизм тиллар замирида Москвадаги “Яналиф” кўмитаси томонидан тартиб берилган эди. Бу ҳаракат ҳам турли лаҳжали вакилларимиз учун беҳад қийинчиликларни келтириб чиқарди. Ўзбек олимлари томонидан амалга оширилган (1934) қисқартирув – 9 унлили тизимдан 6 унлили тизимга ўтилиши ҳам муаммоларни тўлиқ ҳал қила олмади. 1440 йилда кирилл алифбосига ўтилди ва имло қоидалари қайтадан ишлаб чиқилди. Олдинги имлолар, асосан, “а” унлисига урғу берган бўлса, энди “о” лашув фаоллашиб кетди. Бу муаммолар бугунги кунгача ўз ечимини топгани йўқ. Бемисл ечимсизликларнинг сабаби битта – тилимиз таркибининг кўп тармоқчилигидир. Шунинг учун ҳам олимларимиз масалага ўз келиб чиқишлари – лаҳжавий мансубликларига қараб ёндашадилар. Бу эса хатолик эмас – ҳақиқат.

Шунинг учун ҳам сингармонизмга бўлган муносабат турли-туман: бир қур олимлар ўзбек тилида сингармонизм мавжудлигини тан олсалар, иккинчиси инкор этишади, учинчи гуруҳ эса унинг бузилганлигини уқтиришади.

Уйғунлик фонетик ҳодисалардан бири бўлган товушлар сингиши (ассимиляция)нинг бир туридир. Маълумки, унлилар кенг-торлик, қаттиқ-юмшоқлик ва лабланган-лабланмаганлик белгиларига кўра тасниф қилинади. Ўзагидаги унлининг кўшимчадаги унлини уч белгисига мослаштириши унлиларнинг тўлиқ уйғунлашуви (гармонияси) дейилади. Унлиларнинг бундай уйғунлашувида ўзак билан кўшимчадаги унлилар айнан бир хил бўлади. Унлиларнинг тўлиқ уйғунлиги туркий тиллардан фақат қирғиз тилида учрайди: *аттар* – “отлар”, *қолдор* – “қўллар”, *көлдөр* – “қўллар” тарзида. Ўзақдаги унлиларнинг кўшимчадаги унлиларни баъзи белгиларга кўра ўзига мослаштириши унлиларнинг тўлиқсиз уйғунлиги дейилади [2; 46].

Ҳозирги ўзбек тилида унлиларнинг тўлиқсиз уйғунлиги ўтмишнинг мероси сифатида етиб келган. Биз, асосан, танглай (палатал-веляр, лингвиал) ва лаб (лабиал) уйғунликларини учратамиз. Лекин бугунги замонавий ўзбек тилшунослик соҳасидаги аксарият адабиётларда уйғунлик инкор қилинади. “Лаб гармонияси ўзбек тилида деярли

учрамайди. Умуман, ҳозирги ўзбек адабий тили сингармонизм қоидаларига бўйсунмайди. Эски ўзбек адабий тилида эса сингармонизм қонуни анча изчил ва айрим ҳолларда тўлиғича амал қилган”¹.

Тилимизнинг ботиний структурасига қатъият ва синчковлик билан назар ташланса, уйғунликнинг асл моҳияти – унинг умумтуркийлик белгилари то ҳануз борлигига гувоҳ бўламиз. Бунинг учун тонналаб, балки минглаб тонналаб кум ичидан олтин зарраларини излаб топишдек машаққатли меҳнат ҳамда саботу собитқадамлик зарурати лозим бўлади.

Танглай гармониясининг кучсизланганлиги ёки, аниқроқ айтиладиган бўлса, бузилганлигини ўзакнинг қаттиқ-юшоқлигидан, тарихий этимологик қатламга мансублигидан қатъи назар феълларнинг ҳаракат номларини ҳосил қилишда фақат *-моқ* кўшимчасининг кўшилишида кўринади: *айламоқ, инграмоқ, сурмоқ, термоқ; фойдаланмоқ, завқланмоқ, шакланмоқ* ва ҳ.к. Тарихан эса эски туркий ва эски ўзбек тилида бу сўзлар сингармонизм қоидалари бўйсунган. Мисоллар:

*Истасэм давр аҳлыдын ишқыңны пинҳан айләмәк,
Кечәләр гаҳ ингрәмәкдур адатым гаҳ сингрәмәк.* (МЛ, 8)

*Гул узра сунбули очмоқ ажабдур,
Күешқа соя чирмошмоқ ажабдур.* (ФШ, 8)

Сингармонизм ўзбек тилида, юқорида айтиб ўтилганидек, кучсизланган, лекин унинг белгилари ёки қолдиқлари ҳозирги ўзбек шеваларининг кўпларида ўз таъсирини йўқотмаган. Бундай хусусият, асосан, лабланган унлили ўзақларнинг ёпиқ бўғинларда учрайди: *қўл+ум, кўз+ум, сўз+ум*. Агар шу типдаги сўзларга кўпликдаги эгалик кўшимча қўшилганда лаб уйғунлиги бузилади, чунки иккинчи бўғин очиқ бўғинга ўтади: *қў+ли+миз, кў+зи+миз, сў+зи+миз* ва ҳ.к. I шахс бирликдаги эгалик кўшимчасининг лабланган унлили шакли эски туркий тилда кўпроқ учрайди, лекин шунда ҳам унинг лабланмаган унлили шакли ҳам барабар истеъмолда бўлган. Эски туркий тилнинг нодир намуналари бўлмиш “Девону луғотит турк”, “Аттуҳфату-закия фи-луғатит-туркия”, “Таржумон турки-муғули ва форсий” асарларида учрайди: *буздун* [3; III, 329] – муздан; *орундун* [3; II, 201] – ўриндан; *ондун* [1; I, 76] – ўнг томондан; *туғдумиз* [3; II, 438] – тугдик. Мазкур ҳолат эски ўзбек тилининг айрим ёзма ёдгорликларида ҳам учрайди, хусусан, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” достонида: *сөзүмиз* [4; 67]; *қолуңуз* [4; 32]; *мулкнун* [4; 60] сингари қўлланишлар мавжуд. Мисоллар кўрсатиб турибдики, лаб уйғунлиги эски туркий тилдаёқ бузилиб бўлган, сақланиб қолган лаб уйғунликлари ўзидан олдинги даврдан мерос сифатида мавжуд бўлган. Ўзбек тилининг айрим сингармонизм ривожланган шеваларида I шахс кўпликдаги эгалик кўшимчасининг лабланган ва лабланмаган *-имиз²/-умиз²/-умуз²* шакллари тенг қўлланишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин: *сўз+имиз~сўз+умиз~сўз+умуз//қуш+ымыз~қуш*

+умыз~қуш+умуз тарзида. Ўзбек тилида кўшимчаларнинг лабланган-лабланмаган вариантлари аралаш қўлланилса, ҳозирги турк, туркман, озарбайжон, қозок, нўғай, каби туркий тилларда, ва ҳатто, ўзбек тили билан қарлук тилларининг бир шахобчасига мансуб бўлган уйғур тилида ҳам кўшимчанинг очиқ-ёпиқлигидан қатъи назар кўшимчанинг лабланган кўриниши қўлланаверади. Ўзбек тилида лаб уйғунлиги кўпроқ бузилишга юз тутганлиги боис бу кўшимчаларнинг ҳар икки варианты истеъмол этилади.

Шунингдек, кўп ҳолларда *учинчи* тартиб сонининг иккинчи бўғинини лабланган унли билан талаффуз этиш ва, ҳатто, ёзиш ҳолатларига ҳам кўплаб гувоҳи бўлиш мумкин: *уч+ун+чи* тарзида. Бу хусусият ўзлашма сўзларда ҳам сақланганлиги юқоридаги фикримизни янада ёрқинроқ далиллайди, масалан, *Муқумий* (ад.орф.да Муқимий).

Ҳозирги ўзбек шеваларида, асосан, қипчоқ ҳамда ўғуз лаҳжаларининг аксарият шеваларида танглай уйғунлигининг белгилари анча ёрқин сақланиб турибди. Масалан:

¹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/singarmonizm-uz/>

барган, келган, алган, билган, атқа, сўзга, бардым, келдим каби. Ўзбек адабий тилида уларнинг сингармонизмсиз варианты қабул қилинган: *борган, келган, олган, билган, отга, сўзга, бордим, келдим* тарзида. Тилимизнинг имло қоидалари эса фақат кейинги кўринишни қатъий талаб қилади. Аммо ўтмишнинг – сингармонизмли тилнинг содиқ мероси сўзларда ўзакнинг қаттиқ-юмшоқлигини исботловчи фонетик қолдиқлар талай топилади. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

I. Қаттиқ ўзакли сўзлар:

II. Юмшоқ асосли сўзлар:

I. Ўзакнинг қаттиқлигини кўрсатувчи энг ёрқин белги унинг таркибида *қ, ғ* ундошларининг мавжудлигидир. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, олтой даврида ундошлар икки гуруҳга бўлинган: қаттиқ ундошлар ва юмшоқ ундошлар. Вақт ўтиши билан қадимги туркий тил даврига келиб *қ, ғ* қаттиқликни, *к, ғ* юмшоқликни кўрсатувчилик хусусиятини сақлаб қолган, холос. Бундай фонетик ҳодиса ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжудлигини кўрсатувчи далиллар кўплаб топилади: *чиқ+қан, бутоқ+қа, чироқ+қа; ёруғ+қа=ёруққа, чирог+қа=чироққа; илиғ+қа=иликка, эшикка=эшикка, билакка, юракка, тилакка* ва ҳ. к.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида шундай сўзлар борки, уларнинг таркибида юқоридаги икки жуфт ундошлар мавжуд эмас, лекин уларнинг қаттиқлигини билдирувчи унсулар бугунги кунда ҳам ўзлигини йўқотмаган Масалан:

а) лабланмаган унлили ўзақларда: *силлиқ, иссиқ, сариқ, чирмовуқ;*

б) лабланган унлили ўзақларда: *очиқ, ёйиқ, ориқ, ориқ, ёвуқ, совуқ, товуқ, дудуқ, узуқ, бузуқ, сувлуқ, тузуқ, юлуқ, буйруқ, булдуруқ, бўйинтуруқ, ютуқ, чумчуқ, урчуқ, учуқ, пучуқ, тумшуқ* каби.

II. Ўзакнинг юмшоқ асосли эканлигини унинг қаттиқлигидан кўра аниқлаш анча мушкул. Чунки бундай хусусиятни англашга бўлган фонетик ишора кўзга ташланмайди, индифферент унлилардан фойдаланувчи ўзбек адабий тили бунга имкон бермайди. Аниқроғи, бу белгиларнинг фонологик қиймат касб этишлари бизнинг тилимиз учун тарихан жуда узоқлашиб кетган. Шундай бўлса-да, қатрада қуёш акс этганидек, элас-элас – ўта хира ҳолда етиб келган сақланмалар ўзакнинг юмшоқ тарихли эканлигидан гувоҳлик беради. Масалан:

а) лабланган унлили ўзақларда: *узлуқсиз, узук, билақузук, сузук, тузук, зулуқ, муқ, туйнуқ, етуқ;*

б) лабланмаган унлили ўзақларда: *кичик, ичкилик, бирик, севиқли, эмиқли, эндиқлида, бирлик, чекка, тикка, тешиқ, бирикма, инғичка, тирка, ичак, юрак, элак* ва ҳоказо.

Инсоннинг ибтидоий-зоҳирий қолдиқлари унинг соч-соқоли сингари шакли-шамойилида бўлса, ботиний жиҳатлари характер-хусусиятида, хатти-ҳаракатларида, ўй-хаёлларию фикр-хаёлларида намоён бўлади. Демак, унинг ташқи реликтив формасини ҳис қилиш органлари орқали осон англаб олиш мумкин бўлса, ички ҳолатини тажриба-таҳлилу вақт давомийлиги натижасида аста-секинлик билан кашф этилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг сингармонистик архаик қолдиқларини ҳам шу жараёнга менгзаш ўринли бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баскаков А.Н. Введение в изучение тюркских языков. – Москва: Наука, 1969. – 467 с.
2. Неъматов Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 94 б.
3. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. I том. – Тошкент, 1960. – 234 б.; II т., – Тошкент, 1962. – 214 б.; III том. – Тошкент, 1963. – 250 б.

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ МЕТАФОРИК
ТЕРМИНЛАРНИНГ ОНТОЛОГИК ТАБИАТИ**

Суярова Н. (ҚарДУ)

Аннотация. Тилларнинг миллий-маънавий, этнокогнитив хусусиятлари, аввало, турли шакл, тур ва асосларга эга бўлган мураккаб механизмли метафорада ўзига хос ўрин тутди. Ҳар қандай метафора тил иштирокчиларининг яшаш тарзи, маданияти, муҳити, даражаси, диний эътиқоди каби турли ташқи, шунингдек, тилнинг структураси, лексик захираси, функционал услублари ва нутқ шакллари хусусиятлари каби ички омилларни ҳисобга олган ҳолда яратилади. Метафора борлиқни билиш, тилда акс эттириш, номлаш ва таснифлашнинг, нутқни таъсирчан баён этиш, унга бўёқдорлик бахш этишнинг асосий усулларидан биридир.

Таянч сўзлар: *метафора, онтологик, метафоризация, поэтика, аналогия, метафорик маъно, интеллектуал олам, замон, макон.*

Annotation. National-spiritual, ethno-cognitive features of languages, first of all, have a special place in metaphors with complex mechanisms that have different forms, types and foundations. Any metaphor is created taking into account various external factors, such as the way of life, culture, environment, level, religious beliefs of the participants of the language, as well as internal factors, such as the structure of the language, lexical reserve, functional styles and features of speech forms. Metaphor is one of the main ways to know existence, to reflect it in language, to name and classify it, to express speech effectively, and to give it color.

Key words: *metaphor, ontological, metaphORIZATION, poetics, analogy, metaphorical meaning, intellectual world, time, space.*

Аннотация. Национально-духовные, этнокогнитивные особенности языков, прежде всего, занимают особое место в метафорах со сложными механизмами, имеющими разные формы, виды и основы. Любая метафора создается с учетом различных внешних факторов, таких как образ жизни, культура, среда, уровень, религиозные убеждения участников языка, а также внутренних факторов, таких как структура языка, лексический запас, функциональные стили и особенности речевых форм. Метафора — один из основных способов познать существование, отразить его в языке, назвать и классифицировать, эффектно выразить речь, придать ей окраску.

Ключевые слова: *метафора, онтология, метафоризация, поэтика, аналогия, метафорический смысл, интеллектуальный мир, время, пространство.*

Метафора нутқнинг таъсирчанлиги ва яратувчанлик вазифасига мувофиқ равишда антик дунёда риторикада вужудга келиб, инсоният интеллектуал оламининг барча соҳаларини забт этган. Тилнинг бутун кудрати метафорада мужассамлашган. Энг кучли тасвир воситалари ҳам метафорага таянади. Хосе Ортега-и-Гассет фикрича, “метафора – фикрнинг бемисли қуроли, илмий тафаккур шакли метафора – бу ифодаларни кўчиришдир”.

Мулоқот тизимида вужудга келган метафорада мулоқотнинг ўзида бўлгани каби қатор омиллар иштирок этади:

- ўхшатиловчи ва ўхшовчи объектлар;
- сўзловчи ва тингловчи шахс;
- мулоқот вазиёти;
- мулоқот муҳити;
- мулоқот интенцияси;
- замон;
- макон.

Мулоқотда сўзловчи шахснинг интеллектуал сифати муҳим роль ўйнайди. Ўз ақлий салоҳияти натижаси ўларок, у бир турдаги нарса ва ҳодисалар билан иккинчи бир турдаги нарса ва ҳодисалар орасидаги мутаносиблик ва ўхшашликни кўради. Улар орасидаги сифатий монандликни топади. Зоҳиран тамомила ноўхшаш ҳодисалар орасидаги ботиний ўхшашликларни топиш, шу асосда бирининг номи билан иккинчисини аташ юксак интеллектуал салоҳият натижасидир. Сўзловчи бир кишини *туллак* деб атар экан, бунда у икки ҳолатдан бирини намоён қилади:

– беихтиёр ўрганган тил билимини (яъни бу сўзни атроф-муҳитда кимгадир нисбатан қўлланишини эшитган ва сўзнинг биринчи асосий маъносини билмайди);

– онгли равишда эгаллаган борлик ҳақидаги билимини (яъни уч ёшдан ўтган, энди уни тутиш қийин бўлиб кетган, айёрлик даражасини тажриба натижасида эгаллаган, овчиларни чув тушириб кетадиган бедана).

Биринчи ҳолатдаги шахс сўзнинг асосий маъносини билмайди ва унинг метафорик ҳосила маъносини ўзининг анъанавий тафаккур тарзига мувофиқ равишда қўллайди. Иккинчи ҳолатдаги шахсда уч хил хусусиятдан бири намоён бўлади:

– у *туллак* сўзининг бош маъносини ўзгалардан эшитган ёки тасодифан бирор манбада учратган;

– у *туллак* сўзининг одамларга нисбатан қўлланишига гувоҳ бўлиб, сўзнинг маъносини билишга онгли равишда интилган ва билиш натижасида сўзни метафорик маъносини қўллашда онглилик тамойилига таянган.

– у *туллак* сўзининг бош ва ҳосила маъноларини идрок этиш натижасида тилнинг бугунги ҳолатида бош ва ҳосила маъно билан асосий ва иккинчи даражали маъноси мувофиқ келмаслигини, бугунги кунда бу сўзнинг бош маъноси (“бир ёшдан ўтган бедана”) халқ орасида унутилганлиги, метафорик ҳосила маъноси эса фаоллашиб, бош маънони ўз соясида қолдириб кетганлигини илмий асосда идрок этади.

Ана шу икки хил объект орасидаги муносабат онтологик табиатга эга бўлиб, синхрон ижтимоийлик нуқтаи назаридан бу алоқа унутилган, сўзнинг онтологик маъноси заифлашган, сўз маънолариаро ворисийлик тамойили асосидаги пассивлашув-фаоллашув ҳодисаси юз берган.

Кўп ҳолларда метафоранинг иккиёқлама семантик табиатга эгаллигини, унинг асосий ва белгилловчи хусусияти эканлигини, бу метафорик маънони асосий маъносиз тушуниш ва қабул қилиш мумкин эмаслигини таъкидлашади. Агар шундай муносабатда бўлинадиган бўлса, ўзбек тилидаги *қуралай*, *мегажин*, *арлон* сўзларининг бугунги кундаги фаол ва кенг истеъмолли маъноларини метафорик маъно эканлигини инкор этишга, инкор этиш эса бош ва ҳосила маънолардаги сўзни сўзлар, яъни шаклдош ифодалар сифатида қарашга олиб келар эди. Чунки гарчи бу сўзларнинг бош маънолари (*мегажин* – “чўчқанинг ургочиси”, *қуралай* – “кийикнинг боласи”, *арлон* – “итнинг эркаги”) луғатларда мавжуд бўлса-да, умумистеъмол эмас ва бу унинг синхрон ижтимоийлик хоссаси кучсизланаётганидан далолат беради. Ҳолбуки, бу сўзларнинг умумистеъмол метафорик ҳосила маънолари билан кам истеъмолли бош маънолари орасидаги алоқа узилмаган, лекин унутилиш даражасида осила маънонинг фаоллашуви ҳам, бош маънонинг пассивлашуви ҳам фақат лисоний ҳодиса эмас. У тил соҳибларининг ижтимоий ҳаёти, дунёқараши, турмуш тарзи, миллий ва этник ментал муҳити, табиат олами билан алоқасининг даражаси кабилар билан белгиланади. Масалан, табиат олами билан инсоният олами орасидаги алоқалар янги даврда ўзгача тус олмоқда. Бугунги кунда табиат ва инсоният алоқасини бундан минг йил олдинги ҳолат билан қиёслаб бўлмайди. Бир замонлар овчилик, деҳқончилик, хунармандчилик бақамти ривожланган бўлса, ҳозирги пайтда овчилик билан кам сонли кишилар шуғулланадиган бўлган. Натижада ов билан боғлиқ сўз ва атамалар, овланадиган ҳайвон ва паррандаларнинг номлари ҳам унутилмоқда. Бу эса юқорида келтирилган каби кўплаб сўзларнинг ижтимоийлик белгисига путур етказмоқда. Улар фақат метафоралар заминида кўринмас ҳолатда яшамоқда. Н.Д.Арутюнова таъкидлаганидек, “метафорасиз лексика мавжуд бўлмайди”.

Арастунинг “Поэтика” асарида метафора (тўғрироғи эпифора) тушунчасига таъриф берилгандан буён бу ҳодисага қизиқиш кучайса кучайди-ки, асло сусайган эмас. “Кўчма сўз (метафора) нарсага хос бўлмаган, жинсдан турга, ёки турдан жинсга, ёхуд турдан турга кўчирилган ёинки ўхшатирилган сўздир”.

1. Жинсдан турга кўчирилган сўзларга “Ана менинг кемам турибди” жумласи мисол бўла олади. Бу ерда умуман “турибди” сўзи “лангарда турибди” хусусий маъносини англатади.

2. Турдан жинсга кўчирилган сўзлар. “Минглаб шавкатли ишларни қилди Одиссей.” жумласидаги “минглаб” сўзи умуман “кўплаб”нинг хусусий ҳолати бўлгани учун, бу ўринда “кўплаб” маъносини англади.

3. Турдан турга кўчирилган сўзлар. Масалан, “Мис билан жонни бўшатиб” ва “сув заррасини чарчамас мис билан кесиб”. Биринчи ҳолда “бўшатиб” сўзи “кесиб” маъносида, иккинчи ҳолда “кесиб” сўзи “бўшатиб” деган маънода келяпти.

4. Ўхшатирилган сўз бу ерда мен иккинчи сўз биринчисига қанчалик алоқаси бўлса, тўртинчи сўз учинчисига шунчалик алоқдор бўлган ҳолни назарда тутаман. Шунинг учун (шоир) иккинчи сўз ўрнига тўртинчини ёки тўртинчи сўз ўрнига иккинчисини айтиш мумкин. Гоҳо бунга алмаштирилган сўзлар алоқадор бўлган сўз ҳам қўшилади. Масалан, коса Дионисга қанчалик алоқадор бўлса, қалқон Аресга шунчалик алоқадор. Шунинг учун косани “Дионис қалқони”, қалқонни эса “Арес косаси” дейиш ҳам мумкин”.

Метафора асосида ўхшашлик туриши масаласида шу соҳа билан шуғулланаётганларнинг ҳаммаси деярли ҳамфикр. Аммо ана шу ўхшатишнинг метафорадаги ўрни ва мустақил кўриниши борасида фикрлар ажралиб кетади.

“Метафора қисқарган ўхшатишдир” (А.Потебня). Яъни ўхшатишга хос бўлган “каби”, “худди”, “айнан”, “ўхшамок” ва ҳоказо сўзлар туширилса, метафора юзага келади:

У гул каби гўзал ва нафис эди // У гўзал ва нафис эди.

Поляк олими Я.Касьянь ҳам юқоридаги фикрни ривожлантиришга ҳаракат қилади. “Агар келиб чиқишини текширадиган бўлсак, шаксиз, аниқлаш мумкин бўладики, у ёки бу метафора у ёки бу ўхшатишдан ривожланган бўлади.

Бироқ шундай асосда худди қарама-қарши ҳулоса ҳам чиқариш мумкин кўплаб ўхшатишлар метафорадан келиб чиққан”. Шунинг учун айрим олимлар метафора ва ўхшатиш орасидаги фарққа алоҳида эътибор берганлар.

Масалан, Веселовский, И.Кукин, М.Штейнлар фикрича, ўхшатишда ўхшатилаётган нарсалар ажралиб тасаввур қилинса, метафорада улар бир бутундек тушунилади .

А.Вежбицкая фикрича, метафора моҳиятан инкорни назарда тутди: кўзлар – олов, инсонлар – ваҳший шерлар дейилганда, ҳеч ким ҳақиқатан ҳам кўзни олов, одамни шер деб ўйламайди, бундай фикрни рад этади, инкор қилади. Ўхшатишда эса ўхшашлик ўз мавқеини сақлаб қолади. Қадимий метфоралар мазмуний қурилишини текширар экан, Ортега-и Гассет ҳам шунга ўхшаш фикрни олға сурганди: “Онг ривожланишининг жуда ибтидоий боскичларида метафоранинг луғавий ифодасида иккиланган жараён аввало тасдиқ, сўнг инкор акс этиб туради .

Демак метафора ва ўхшатиш орасидаги муносабатга қараш икки хил экан:

1. Метафора – қисқарган ўхшатиш, яъни улар орасида фарқ ташки шаклланишидадир.

2. Метафора ва ўхшатиш ўзаро мазмуний (ички) шаклланив жиҳатидан фарқ қилади.

Умуман, метафорага берилган таърифларда уни ёндош ҳодисалар билан қўшиб юборилган ҳолатлар кўп учрайди.

Масалан, Э.Кассирер метафорага қуйидагича таъриф беради: “Метафорани бир тасаввур номини унга мутаносиб қандайдир белгига эга бўлган ёки у билан қандайдир билвосита “аналогия” ларни назарда тутувчи бошқа соҳа – бошқа тасаввурга кўчириш деб тасаввур қилиш мумкин”.

Таърифдан кўринадики, Кассирер метафора асосида ўхшашликни кўрмайди, балки умуман ҳар қандай “аналогия” ларни назарда тутди. Натижада метафора тушунчаси остига метонимия ва синекдоха ҳам киритилади. Чунки ном кўчаётган ва номи қабул қилаётган предметлараро белгининг табиати изоҳланмайди: (ўхшашликми, боғлиқликми, бутун қисмликми...) шунинг учун ном кўчишининг бир неча хил белгига асосланганлиги билан фарқланувчи турлари чатишиб кетади.

Ф.Уилрайт метфоранинг икки турини тақдим этади. Эпифора “маънонинг ўхшатиш воситасида кенгайишини ва тарқалишини”, диафора “синтез ва ёнма-ёнлик ёрдамида янги маънонинг туғилиши” ни билдиради .

Аввало, шунга эътиборни қаратиш лозимки, Ф.Уилрайт маъно кенгайиши ҳақида гапирганда, маъно таркибида (структураси-семик қурилишида) муайян ўзгаришларни (кенгайиш ҳисобига) назарда тутди. Сўзнинг метафорик қўлланиши эса мутлоқ мазмуний таркиби моҳиятини ўзгартирмайди. Унинг мазмуни ўзининг онтологик бутунлигини сақлаб туради. Ф.Уилрайт эпифора атамаси остида назарда тутган ҳодиса одатда тушуниладиган метафорадан бошқа нарса эмас.

Арастуниг бу атамани (эпифора) метафора атамаси ўрнида қўллаганлигини муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлайди. Диафора умуман кўчим эмас, кўпроқ символ ёки ундан ҳам кенгроқ бўлган бадиий тасвир воситасини эслатади. Албатта, диафоранинг ҳам лисоний асослари мавжудлиги шубҳасиз. Бироқ бу асослар метафораникидан тубдан фарқ қилади. Диафорада “тушунчалар бирлашиши ўхшашликка эмас, хиссий мутаносибликка асосланади”. Муаллиф диафорани метафоранинг тури сифатида тақдим қилишга ҳеч қандай назарий асос кўрсатмайди.

Ўзбек тилида метафора лексик маъно тараққиёт йўлларида бири сифатида қаралади ва кўчимнинг ўхшашликка асосланган тури сифатида баҳоланади. Ш. Раҳматуллаев метафора кўчимнинг бошқа турлари билан синкретик ишлатила олиш имкониятига эътибор қаратади: метафорик-функционаллик, метафорик-метонимия, метафорик-синекдоха ва ҳоказо. Самолётнинг қаноти метафорик бирикмасида қуш қанотига нафақат вазифа, балки шаклан ҳам ўхшайди.

Шунинг учун бу каби ҳолатларни функционал-метафорик кўчириш деса бўлади. Ўзбек тилшунослигида компонент-семик таҳлилга эътибор ривожлана бошлагач, метафора табиатини ўрганишга ана шу таҳлил усуллари тadbиқ этишга интилишлар юзага кела бошлади. Шу хил йўналиш намоёндаларидан бири З.Тохиров метафорани лексема семемасининг прагматик семаси сифатида баҳолайди. Шунингдек, метафора ва ўхшатиш орасидаги фарқни (услубда) шаклдагина кўради.

Умуман олганда, метафора тилнинг, аниқроғи, инсониятнинг пойдор хусусиятларидан бирidir. У тилда фундаментал қийматга эга ҳисобланиб, нисбатан алоқа муносабатлари яқин бўлган кишилар ўртасида қўлланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лингвистический энциклопедический словарь. гл. ред. В.Н. Ярцева. – 2-е изд., доп. – М.: Большая рос. энцикл., 2002.
2. Ортега-и-Гассет Х. Две главные метафоры / Теория метафоры. Сборник статей – М.: Прогресс, 1990.
3. Арутюнова Н. Д. Метафора. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Прогресс, 1990.
4. Базылев В.Н. Новая метафора языка (Семиотико-синергетический аспект): Дис. д-ра филол. ... наук. – М., 1999.
5. Москальчук Г.Г. Структура текста как синергетический процесс Дис. д-ра филол. ... наук. – Барнаул, 1999.
6. Мышкина Н.Л. Лингводинамика текста (Контрадиктно-синергетический подход): Дис. д-ра филол. ... наук. – Пермь, 1999.
7. Гребенкина О.С. Коммуникативно-прагматическая интерпретация многозначного высказывания с позиций контрадиктно-синергетического подхода: Дис. канд. филол. ... наук. – Пермь, 2002.
8. Кушникова Л.В. Взаимодействие языков и культур в переводческом пространстве: гештальт-синергетический подход: Дис. д-ра филол. ... наук. – Пермь, 2004.
9. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. Теория метафоры. – М., 1990.
10. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. – М., 1985.

Наширға проф. Б.Менглиев тавсия этган

PRAGMATIC ANALYSES OF PHRASEOLOGICAL UNITS

Sabirova Sh. (UrSU)

Annotation. In this article we set out to show the pragmatic analysis of phraseological units, to establish the syntactic constructions necessary for the semantics of phraseological units, characterized by the constructive conditionality of their functioning, to show the determinism of the structure that defines the use of phraseological units in speech, the grammatical structure and the lexical-grammatical composition of verbal complex-prototype of the phraseological unit.

Key words: *pragmatic, linguistic, analyses, phraseological, phenomena, modern.*

Аннотация. Ушбу мақолада биз фразеологик бирликларнинг прагматик таҳлилини кўрсатиш, фразеологик бирликларнинг семантикаси учун зарур бўлган, улар фаолиятининг конструктив шартлилиги билан тавсифланган синтактик конструкцияларни ўрнатиш, фразеологик бирикмаларнинг қўлланилишини белгилловчи тузилманинг детерминизмини кўрсатишни мақсад қилганмиз. нутқдаги бирликлар, грамматик тузилиш ва фразеологик бирликнинг оғзаки комплекси-прототипининг лексик-грамматик таркиби.

Таянч сўзлар: *прагматика, лингвистика, таҳлил, фразеология, феномен, модерн.*

Аннотация. В данной статье мы поставили задачу показать прагматический анализ фразеологических единиц, установить необходимые для семантики фразеологических единиц синтаксические конструкции, характеризующиеся конструктивной обусловленностью их функционирования, показать детерминированность структуры, определяющей употребление фразеологических единиц. единицы в речи, грамматический строй и лексико-грамматический состав глагольного комплекса-прототипа фразеологизма.

Ключевые слова: *прагматика, лингвистика, анализы, фразеология, феномен, модерн.*

It is well known that phraseological units are characterized by complex, non- elementary semantics that also integrate pragmatically oriented information since the most diverse types of information are interwoven in phraseological units: description, reflecting the denotative core of meaning; the speaker's assessment of the situation described by the phraseological unit; information about the emotional-evaluative attitude of the speaker to the signified, motivated by the associative-figurative representation that is associated with the internal form of the phraseological unit and phraseological picture of the world; functional and stylistic significance. All these types of information are characterized by syncretism, they form an indissoluble unity and at the same time reflect the structure of the meaning according to the types of information transmitted, and can be isolated in the structure of the meaning of phraseological units and highlighted through semantic oppositions of phraseological units in the corpus of the whole language. However, the dialectic of describing phraseological units on a communicative functional basis lies precisely in determining how to divide this unity into parameters that can be reconnected in the description without losing the integral meaning of idioms as a language phenomenon. To disassemble the object of analysis of phraseological units, while maintaining their integrity during synthesis, is a requirement that phraseological parameters (types of information) must meet as the minimum units for describing phraseological units. The parameterization of the value of phraseological units has great explanatory power, reflecting the essential properties of the object of analysis and allowing it to be applied to the creation of highly informative phraseological dictionaries of the language. A significant place in the semantic structure of phraseological units is occupied by pragmatic components. Under pragmatic information, we mean a combination of diverse relationships, assessments (social, ideological, aesthetic, moral, emotive, etc.) associated with the functioning of phraseological units.

The subject of pragmatics at the level of phraseology are primarily such components of the semantics of phraseological units as evaluative and emotive. However, the pragmatics of phraseological units can be understood more broadly as the sum of "connotations (social, cultural, ethical, historical, emotive, expressive, evaluative, associative), as well as the specifics of semantics (features of a denotative orientation) are all numerous and diverse elements" (Sklyarevskaya, 1993), accompanying the phraseological meaning (and partly included in its

structure), “ which speech act carry information about the intentions of the speaker of the speech situation, the status of interlocutors on the assessment of the subject of the speech, etc” (Sklyarevskaya,1993). In general, pragmatics is determined by the need to choose linguistic means (in our case, phraseological units) speaking to express a wide variety of intentions. Thus, pragmatics can be characterized in the most general form as the attitude of speakers to the signs of the language (Morris, 1971). As we will see later, pragmatics has no clear contours; it includes a complex of issues related to the speaking subject, addressee, their interaction in communication, and the situation of communication. Pragmatic information was revealed and described mainly at the semantic, stylistic, grammatical levels. As for phraseology, there is a very small number of works in which pragmatics was the direct subject of description (Telia 1996). There are still many questions regarding the pragmatics of phraseological units that have not yet been resolved. Many components of pragmatic information contained in phraseological units were not identified, the mechanism of interaction of pragmatic elements with other components of the semantics of phraseological units, in particular, denotation, motivational and functional-style components was not described, types of implementation of pragmatic information in phraseological units (explicit and implicit) were not clarified identification form; it is also necessary to clarify how cultural and national features of phraseological units influence the formation of pragmatic information, etc. The world of phraseology of the modern English language is large and diverse and every aspect of its research, of course, deserves due attention. A lot of researchers have been written about phraseology, and the interest of researchers in this area of the language does not wane. The very fact of the presence in the language, in addition to words of whole verbal complexes, which are sometimes identical with the word and more often are a unique linguistic phenomenon, characterized by vivid expressiveness, imagery and emotionality, serves as an occasion for us to study this particular section of linguistics. A. I. Alekhina notes that “the study of phraseology as a systemic phenomenon, which has its own units of research and is characterized by its unique organization of these units, began in the recent past and continues to the present” (Alekhina, 1982). The question of phraseology as a linguistic discipline was posed by such an outstanding linguist as professor E.D. Polivanov, who believed that “there is a need for a special department that would be commensurate with the syntax, but at the same time had in mind not general types, but individual meanings of the data of individual phrases, similar to the fact that vocabulary deals with individual (lexical) meanings of individual words” (Polivanov, 1991). This part of linguistics Polivanov named phraseology. He foresaw that phraseology would take a separate and stable position (like phonetics, morphology, etc.) in the linguistic literature of the future, “when in the sequential formulation of various problems our science will be free from random gaps” (Polivanov, 1968). Summarizing a wide range of views on phraseology, the following can be noted. In modern linguistics, two areas of research are clearly outlined. The first direction of the starting point is the recognition that the phraseological unit is such a unit of language that consists of words, that is, by its nature - a phrase. At the same time, some scientists express the idea that the object of phraseology is all concrete phrases that are really possible in a given language, regardless of the qualitative differences between them. So, for example, M.M. Kopylenko and Z.D. Popov say that: “Phraseology covers all ... combinations of lexemes existing in a given language, including the so-called” free “phrases” (Kopylenko, Popova, 1989). In their understanding, phraseology is “a special section of linguistics that studies the laws of compatibility of lexemes”. On the other hand, the object of phraseology within the boundaries of this direction is recognized only by certain categories and groups of phrases that stand out from all the possibilities in speech with special originality. Depending on what features are considered when selecting such phrases, the composition of such units in the language is determined. Only these “special” phrases can be called phraseological units. Despite the conventionality of concepts and the related distinction, it is usually said that phraseology can be represented: a) as a phraseology of a language in the “broad” sense of the word, which includes phrases that are completely rethought and phrases in which there are unreasoned component words. An example of such a “broad” understanding of the volume and composition of phraseology is the point of view of V.L. Arkhangel'sky (1964) and others; b) as a phraseology in the “narrow” sense of the

word, which includes only phrases reinterpreted to the end. Among the works reflecting such an understanding of the volume and composition of phraseology include, for example, articles by Zhukova (2006). In both cases, the verbal nature of phraseology, as well as the lexical nature of its components, is not called into question by scientists. Phraseology is recommended to be considered as a contamination of the features of a word and a phrase; the homonymy of phraseology and its correlation in terms of phrase structure is emphasized. At the current stage of the development of phraseology, the researchers are particularly interested in developing theoretical directions that will take a fresh look at the rich phraseological material accumulated over the centuries and subject it to more thorough analysis in the light of new linguistic trends, especially such as cognitive linguistics and the theory of discourse. One of the most important in modern linguistics is the functional direction. With a functional approach, the study of language processes is carried out inextricably linked with the needs of the communicative activity and involves the consideration of the human factor. According to V. N. Telia, “The nature of phraseological units makes it necessary to study them within the framework of the anthropological paradigm that is emerging in the sciences of the humanitarian cycle. The human factor in the language of the dead language factor in man moves into the focus of linguistic studies” (Telia, 1996). The main function of a language that is directly related to a person is considered cognitive. Cognitiveness underlies the formation of a conceptual picture of the world and reflects the process of perception and understanding of reality, which is carried out in concepts that are typical for a given language. The cognitive approach to the study of the phraseological system of the language allows us to present phraseology in a new perspective, refracting it through the prism of thinking and types of knowledge, and also to see new aspects of the relationship of phraseology with grammar and vocabulary. The following aspects are distinguished in the composition: significative, denotative, and connotative (Kunin, 1996). I. I. Chernysheva notes the peculiarities of phraseological semantics that distinguish it from the lexical semantics: “If you represent the meaning of secondary education signs in the form of a set of semantic components, then in the word and in phraseological units as denotative, denotative- connotative and connotative components will be present” (Chernysheva, 1999). However, the way of education and the material embodiment of connotation in a word and phraseologism are not the same. If, in a word, a semantic shift is created as a result of a change in denotation, then in phraseology this is a complete metaphorizing of a variable phrase or partial, depending on the type of phraseology. The fact that in phraseologism the semantic shift affects the phrase (phraseological unity) or predicative combinations (phraseological expressions) creates a figurative motivation of meaning, phraseological image, which forms the semantics of a broad plan, with the ability to situational concretization in the text. The connotative component of the meaning of phraseology, in contrast to the similar component of the lexical unit of secondary education, has the potential to increase the expressive potential through modification of the component composition. It is with this that the specificity of the expression of connotation through separately formed formations is connected. The denotative component of meaning is understood as the part of the sign reflecting in generalized form objects and phenomena of extralinguistic reality. The denotative component is basically a concept that characterizes an extralinguistic object (Popova, Sternin, 2007). The high significance of the connotative aspect in phraseology is explained by the two-pronged semantic structure of phraseological units built on figurative rethinking. Imagery contributes to the expressiveness and vivid emotionality of phraseological turns, creates objective prerequisites for expressing a diverse range of assessments in relation to the objects of reality he calls, it becomes one of the main incentives for the formation of the connotative component of their semantics. Therefore, “exploring the phraseological image as one of the sources of the rich connotation of phraseological units, we, first of all, reveal the specificity of the connotative component of the meaning of phraseological units - the main component of phraseological semantics” (Alekseeva, 1998). Many researchers argue that there is still no generally accepted understanding of connotation, and its composition and structure have not been adequately studied (Telia, 1996). The opinions of linguists on the question of what place the connotation occupies in the structure of the meaning of phraseological units differ. Often, the connotation is considered

additional content that is “superimposed” on the significative and denotative components of meaning. However, this point of view does not consider the unity of the rational and the emotional in human knowledge. The most popular in modern linguistics, is the opinion that the connotative macro component, along with the significative and denotative components and intertwined with them. A. B. Kunin believes that the connotative aspect is “the stylistic coloring of the phraseological units, their emotionally expressive side, that is, the attitude of the native speaker to extralinguistic entities, or the increase in the effectiveness of linguistic influence devoid of an evaluative element” (Kunin, 1970). A.F. Artyomova assigns a leading role to the connotative aspect in the semantic structure of phraseological units since it is the connotation that largely determines the informative value of phraseological units (Artyomova, 1991). Understanding the connotation of the complex of all signals aimed at the emotional impact on the recipient, the researcher states: “The connotation is a macro component of the semantic structure that absorbs all the information - stylistic, evaluative and emotional, which together create content that is traditionally correlated with the concept of expressivity”. V. N. Telia understands by connotation “any pragmatically oriented component of the plan of the content of linguistic entities (morphemes, words, phraseologisms and text fragments), which supplements their denotative and grammatical content on the basis of information correlated with pragmatic factors of various kinds” (Telia, 1996).

In determining the essence of connotation, V. N. Telia notes the importance of associative-background, that is, empirical, cultural-historical, worldview, etc., knowledge of those who speak this language about the properties or manifestations of the indicated reality or situation. Idioms are not created every time anew; they are extracted from the memory of a native speaker in a finished form and reproduced as something whole and indivisible. If we talk about the connotative aspect of phraseological units, then we can distinguish the following components that give phraseological units semantic completeness: evaluative, emotive, expressive, and functional-stylistic. The connotation is included in the semantics of phraseological units, usually or occasionally. Thanks to it, phraseological units acquire expressiveness and make the language vibrant and expressive. The connotation of phraseological units is based on the principle of language saving. It does not formally express the speaker’s intention to produce a certain effect on the listener. The attitude of the addressee and the addressee to the object from the world “real” is based on some knowledge about the world “real”, on the sensory perception of objects from this world. The totality of all information about this relationship is a connotation. The connotative component, called in modern studies “incremental subtlety”, “semantic complementarity”, “new meaning”, “increment of meaning”, is created by an internal living form that provides a figuratively associative perception of the situation (Kabanova, 2011). A study of the structural and semantic properties of phraseological units, characterized by a sign of constructive conditionality, allows us to state some general points. In our study, we made a general acquaintance with the formulation of the problem of studying linguistic units characterized by a sign of constructive conditionality in English studies, showed the specifics of a structurally determined meaning based on the lexical meaning of a word, identified the factors that influence the formation of construction that replenishes the meaning of phraseology. We have developed a new interpretation of the nature of the constructive conditionality of phraseological units that determine this phenomenon of determination. The analysis of the internal form of phraseologism provided informative, significant data for identifying the specifics of constructive conditioning in the field of phraseology, and made it possible to combine the available data in a new and more adequate way. Having analyzed the phraseological image and its role in the breadth of compatibility of the units under consideration, it was possible to show that constructive conditionality in the field of phraseology depends not only on the specifics of the semantics of phraseological units but also on the specifics of phraseological images motivating semantics. The phraseological image clearly shows the action, phenomenon, or property that becomes a motivational attribute that forms a phraseological meaning.

Phraseology is the greatest treasury and the enduring value of any language. It, like a mirror, reflects the history and centuries-old experience of the labor and spiritual activities of the

people and their moral values. Phraseology reflects the world of feelings, images, assessments of this or that people, it is most directly connected with the culture of speech production. In addition, phraseology is an inexhaustible source of knowledge of the language as a developing and changing system. It contains both modern language formations and the most ancient language forms and constructions. Therefore, for those who are interested in the history and culture of the English people, phraseology is one of the most fascinating and entertaining areas of the language. As for the phraseology of the English language, we can talk about its formation as a linguistic discipline, which is facilitated by a wide range of phraseological studies in the field of English. At present, the theoretical directions in phraseological studies that allow one to consider the available rich material in the light of such modern branches as discursive theory and cognitive science can be considered relevant. It seems necessary to apply a functional approach to studying the role of phraseological units in the communicative process, considering the principle of anthropocentrism. Phraseology is still faced with completely unresolved problems. One of the pressing problems at this stage is the problem of phraseological significance, discussed by both local and foreign researchers in the field of phraseology. The semantic structure of phraseological units is complicated by the presence of a living WF, since the meaning of phraseological units correlates with both the literal meanings of lexemes and the meaning of the prototype. The fact that phraseological units form a certain system in a language that has its own laws indicates that they need to be studied in the light of the theory of language universals. Pragmatics deals with the description of the facts of language in the aspect of human activity and the study of the behavior of signs in communication processes. The pragmatic function of phraseological units is realized in a particular context and consists of a targeted effect on the recipient. This study focuses on the pragmatic potential of rethought terminological phraseological units, which are used to express the subject's emotional attitude to the subject of thought and to produce a specific, pragmatic effect on the recipient.

Bibliographic references

1. Alekhina A. I. 1982. Idiom of modern English. Minsk: Higher School.
2. Alekseeva L. M. 1998. Term and metaphor. Perm.
3. Amosova H. H. 1965. On the diachronic analysis of phraseological units. In: Studies in English phraseology. L.: Leningradskaja Univerzita., pp.101-107.
4. Arkhangelsky V. L. 1964. Stable phrases in modern Russian. In: Rostov-onDon, pp.121-137.
5. Arnold I. V. 1999. Semantics. The style. Intertextuality. SPb: SPbSU.
6. Arutyunova N. D. 1990. Discourse. In: Linguistic Encyclopedic Dictionary. M.: Sov. Encyclopedia, pp. 136-137.
7. Buyanova L. Yu. – Kovalenko, E.G. 2004. Russian phraseologism as a mental-cognitive means of linguistic conceptualization of the sphere of moral qualities of a person: Monograph. Krasnodar.
8. Kopylenko M. M. – Popova, Z. D. 1989. Essays on general phraseology (Phrase combinations in the language system). Voronezh: Voronezh State University.
9. Kabanova E. V. 2011. Conceptualization of temperature in the German language picture of the world: Dis ... cand. filol. sciences.
10. Polivanov E. D. 1991. Proceedings in Eastern and General Linguistics. Nauka.
11. Sklyarevskaya G. N. 1993. Metaphor in the language system. St. Petersburg: Nauka.
11. Teliya V. N. 2004. Cultural strata in phraseological units and discursive practices. YaSK.
12. Zhukova L. S. 2006. Concept LANGUAGE in the English national consciousness (based on the material of the modern British press). pp.70-75.
13. Zvegintsev V. A. 1976. Sentence and its relation to language and speech. In: Moscow State University. 307.

Recommended for publication by Prof. B.Mengliyev

**БАДИЙ МАТННИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ТАСНИФИДА
СОЦИОПРАГМАТИК БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ****Йўлдашева Х.Қ.** (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада матн яратилишида инсоннинг ёши, жинси кабиларнинг ўрни, турли ёш ёки жинсдаги тил эгалари томонидан яратилган матнларнинг бир-биридан фарқлиниши, матн яратилиши ва таснифида социопрагматик билимларнинг аҳамияти каби масалалар ёритилган.

Таянч сўзлар: *матн, бадий матн, социопрагматик ёндашув, адресант, адресат, ижтимоий омиллар, социопрагматик билимлар.*

Аннотация. В статье рассматривается роль возраста и пола человека в создании текста, различия между текстами, созданными носителями разного возраста и пола, значение социопрагматических знаний в создании текста и классификации.

Ключевые слова: *текст, художественный текст, социопрагматический подход, адресант, адресат, социальные факторы, социопрагматическое знание.*

Аннотатсион. The role of human age and gender in text creation, the differences between texts created by speakers of different ages and genders, the importance of sociopragmatic knowledge in text creation and classification are discussed in the article.

Key words: *text, artistic text, sociopragmatic approach, addresser, addressee, social factors, sociopragmatic knowledge.*

Маълумки, ҳар бир матн кўп қиррали ва турли аспектларда ўрганилиши мумкин бўлган нутқий фаолият маҳсулидир. Матн ахборотни ифодалашига кўра информатив, муайян нутқ услубига тегишли эканлигига кўра стилистик, матнни идрок этиш масаласи билан боғлиқ ҳолда психологик, нутқ вазияти, мулоқот иштирокчилари билан алоқадор эканлигига кўра прагматик, эстетик вазифасига кўра лингвопоэтик, ижтимоийлик белгиси жиҳатидан социопрагматик ва бошқа хусусиятларига кўра нутқ фаолиятини ўрганувчи турли фан соҳаларининг текшириш объекти бўла олади. Шунингдек, матн нутқда тил воситалари орқали вербал ифодаланишига кўра тилшуносликнинг ўрганиш объекти саналади. Шу жумладан, бадий матн ҳам ахборот-маълумот бериш, ҳиссий таъсир кўрсатиш; услубий хосланганлик, ижтимоийлик, маданийлик белгиларига эгаллиги; муаллифнинг психологик ҳолати, руҳий кечинмалари, ташқи олам ҳақидаги билим ва тасаввурлари, улар билан боғлиқ ассоциациялари; халқ тафаккури, дунёқараши, қизиқишлари, одоб-ахлоқ меъёрлари кабиларни акс эттиришига кўра турли фан соҳаларининг тадқиқ объекти бўла олади.

Бадий матн, аввало, бадий-эстетик манба сифатида, шунингдек, социопрагматик ва социомаданий аспектларни қамраб олувчи манба сифатида аҳамиятлидир. А.Р.Абитова қайд этганидек, матн тадқиқига социопрагматик ёндашувда тил белгиларининг маълум даражада социомаданий вазият муҳити билан шартлиниши ҳамда социомаданий омиллар таъсири остида функциялашувини ўрганиш муҳим [1; 217]. Бадий матнда ҳам социопрагматик белгилар қаторида социомаданий аспектга алоқадор хусусиятлар ҳам кўзга ташланади.

Матннинг бу типи, аввало, ижтимоий контекстда воқеланишига кўра ажралиб туради. Шунингдек, бадий матн яратилишида тилнинг жамият аъзолари, уларнинг ижтимоий мавқеи, ёши, жинси, касби, маданий қарашлари кабилар билан боғлиқлиги ва бу белгиларнинг унда намоён бўлиши ушбу матн типининг ҳам социопрагматик, ҳам социомаданий аспектга хос характерли жиҳатларидир.

З.Н.Волкова тақидлаганидек, “Матн – бу семантик бирлик, структур (формал ва композицион) ва мазмун бутунлиги билан характерланувчи, муайян вазият билан шартланган ижтимоий аҳамиятга эга коммуникатив бирлик” [3; 97] экан, бадий матн ҳам ижтимоий, маданий омилларга ҳамда муайян вазиятга тобе, уларга боғлиқ ҳолда яратилувчи матн типи саналади. Бадий матннинг бу каби омиллар билан боғлиқлиги унинг мураккаб қурилишга эгаллигини кўрсатади.

Бадий матннинг ижтимоийлик табиати, аввало, матн муаллифи, адибнинг социопрагматик билимлари билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Бошқача айтганда, бадий матннинг ижтимоийлик табиатини аниқлашда ҳамда уни айнан шу белгиси асосида таснифлашда бадий матн билан боғлиқ социопрагматик билимларнинг ўрни аҳамиятли.

Ҳар қандай матн тилнинг ижтимоий вазифалари билан боғлиқ ҳолда яратилиши боис у куйидаги социопрагматик билимлар билан бевосита алоқадор бўлади:

1. Тил ва миллат муносабати, нутқ яратилишида миллий-маданий қарашлар ва тасаввурларнинг ўрни масаласи.

2. Адабий тил ва шевалар муносабати, уларнинг ўзаро алоқаси.

3. Тилнинг нутқда инсоннинг жамиятдаги ижтимоий роли, ижтимоий мавқеи кабиларга боғлиқ ҳолда воқеланиши масаласи.

4. Тилга ижтимоий муҳит, нутқ шароитининг таъсири масаласи.

5. Коммуникация жараёнида тилнинг нутқий стратегия, коммуникатив тактика кабилар билан боғланиши масаласи.

6. Кўптиллилиқ ва унинг нутқ яратилишига таъсири муаммоси ва бошқалар.

Инсон бирор бир матн яратар экан, унинг миллати, тили, шеvasи, касб-кори, ёши, жинси, ижтимоий мавқеи унинг нутқига кўчади; оилада, касбий фаолияти жараёнида, таълим олиш жараёнида бажарадиган роллари, атроф-муҳитга муносабати кабилар нутқига таъсир ўтказади. Ёки тил билими унинг нутқида бевосита акс этади. Жумладан, яратилган ҳар қандай матнда инсоннинг тилни қай даражада билиши, нутқ яратиш кўникмаси намоён бўлади. Инсон тил билимига, тил воситаларидан ўринли ва мақсадли фойдаланиш маҳоратига эга бўлмас экан, матн ярата олмайди. Айнан социопрагматик билимлар инсоннинг тил бирликларини қай даражада эгаллаганлиги ва улардан нутқ жараёнида ўринли фойдалана олиши масаласини қамраб олади. Зеро, мулоқот компетенциясига эга бўлишлиқ маълум бир нутқ вазиятида тилдан ўринли фойдалана билишликни тақозо этади.

Баъзан инсон матн яратишда касбий билимларига таянади. Шу сабабли унинг нутқида касб-коридан келиб чиққан ҳолда ёндашувлар, сўз қўллаш, жумла тузишдаги ўзига хос жиҳатлар кузатилади. Ўқитувчи, врач, инженер, деҳқон ёки савдо ходимининг нутқидаги касбий хусусиятлар билан боғлиқ тафовутларнинг кузатилиши бежиз эмас, албатта.

Матн яратилишида инсоннинг ёши, жинси ҳам муҳим ўрин тутаяди. Турли ёш ёки жинсдаги тил эгалари томонидан яратилган матнлар бир-биридан фарқлашиб туради. Бу ҳолат тил эгаларининг ёши ва жинси улар яратган матнларда ҳам бевосита акс этишини кўрсатади.

Худди шундай, тил эгаларининг ижтимоий мавқеи, жамиятда бажарадиган роллари, ҳатто улар яшаётган ижтимоий муҳит, нутқ вазияти кабилар ҳам улар яратган матнларда бевосита намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси матн таснифида тил ва жамият, тил ва ундан фойдаланувчиларнинг ижтимоий хусусиятлари, маданий қарашлари ҳақидаги билимларнинг муҳим ўрин тутишини далиллайди.

Шу нуқтаи назардан яратилган бадий матнларда ҳам бевосита куйидаги социопрагматик билимлар намоён бўлади:

1. Адресантнинг бадий матндаги ижтимоий роли, вазифалари ҳақидаги билимлар.

Бадий асарда адиб, яъни ёзувчи, шоир, драматург адресант, яъни матн яратувчи ролини бажаради. У ўзи яратган асарнинг бош ва марказий субъекти ҳисобланади. Адресант бадий матн яратишда куйидаги вазифаларни бажариб, турли ижтимоий мақомларга эга бўлади:

1) тил воситаларидан фойдаланиб, бадий нутқ яратади. Бунда у *нутқ яратувчи шахс* мақомида бўлади;

2) ўзи яратган бадий нутқини бошқаларга узатади. Бунда у *матнни узатувчи шахс* мақомида иш кўради. Адиб бадий асарини газета, журналларда эълон қилиш,

нашиётларда чоп этиш, китоб дўконларида сотиш, кутубхоналарга топшириш орқали асарини китобхонларга “узатади”;

3) тасвир объекти ҳақида ахборот беради, уни тавсифлайди. Бунда адиб *маълумот-ахборот берувчи шахс* мақомида бўлади. Адиб бадий матнда тасвирланаётган объектнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериб ўтади, унга тавсиф бериш орқали китобхонга олдиндан маълум бўлган билимларни эслатади ёки объектнинг унга маълум бўлмаган айрим белги-хусусиятлари ҳақида ахборот беради. Баъзи маълумотлар китобхоннинг билимлари доирасига кирмайдиган маълумот-ахборот кўринишида бўлиши ҳам мумкин;

4) тасвир объектига нисбатан баҳоси, субъектив қарашларини ифода этади. Бунда адиб *баҳо ифодаловчи шахс* мақомида бўлади. Адиб асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисага, “ўзи бошқараётган” асар персонажлари хатти-ҳаракатларига муносабат билдиради: зарур ҳолатларда уларни маъқуллайди ёки қоралайди, воқелик бўйича юзага келган ҳиссий кечинмаларини изҳор қилади;

5) бадий матн орқали адресат билан коммуникатив муносабатга киришади. Бунда адресант *билвосита коммуникатив алоқага киришувчи шахс* мақомида бўлади. Адиб бадий матн яратар экан, унинг кимга мўлжалланганлигини олдиндан ҳис қилган ҳолда, ўз китобхонларининг истак-хоҳишлари, қизиқишлари, руҳияти, ёш, жинс хусусиятларини инобатга олган ҳолда матн яратади. Бундай ҳолатда адиб адресат билан билвосита боғланади. Кўрсатилган социопрагматик билимлар болалар, аёллар, эркақлар, маълум касб-кордаги кишиларга атаб ёзилган махсус турдаги бадий асарларда бевосита акс этади.

Англашиладики, адиб-адресант бадий матнда кўп қиррали субъект мақомида бўлади. Матн яратувчи субъект ҳақида фикр юритар экан, С.И.Виноградов *адресант* тушунчасининг мураккаб структурага эгаллиги ва у матнда турлича моҳият касб этиб, қуйидаги вазифаларда иштирок этишини қайд этади: 1) аниматор сифатида (жумлани талаффуз қилади / ёзади); 2) муаллиф сифатида (жумла яратади); 3) принципиал инсон сифатида (жумлада ўз позициясини ифода этади) [4, 305].

Ю.Д.Апресян матнда муаллифнинг баҳо муносабатини ифодалаши масаласига эътибор қаратади. У матнда адресантнинг воқеликка баҳоси, ифода этилаётган хабар мазмунига ҳамда адресатга муносабати акс этишини таъкидлайди [2, 137].

Дарҳақиқат, муаллиф бирор бир матн яратар экан, унда тасвирланаётган объектга нисбатан ўз баҳосини баён қилади. У ташқи олам ҳақидаги билим ва тасаввурлари, қарашлари, коммуникатив мақсади ва истак-хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда тасвир объектини баҳолайди, унга муносабат билдиради.

Хулоса қилиш мумкинки, бадий матнда адресант ролида адиб (ёзувчи, шоир, драматург) келади. У бадий матн яратар экан, ўз роли ва вазифалари доирасида иш кўради. Бу ҳақидаги билимларига таянади.

2. Адресатнинг бадий матндаги ижтимоий роли, вазифалари ҳақидаги билимлар.

Бадий асарда адресат ролини матнни мутолаа қилувчи ёки тингловчи китобхон бажаради. Бадий матн яратишда адиб адресат ҳақидаги ижтимоий билимларга, яъни унинг истак-хоҳишлари, қизиқишлари, ёши, жинси, касби ва бошқа хусусиятлари ҳақида билимга эга бўлиши лозим бўлади. Шу билан бирга адресат ҳам ўзининг шахсий сифатларидан келиб чиққан ҳолда бадий матнни ўқиш учун танлайди.

Адресат бадий матнни мутолаа қилиш ёки ўқиб эшиттирилаётган матнни тинглаш жараёнида қуйидаги ижтимоий мақомларга эга бўлади:

1) бадий матнни мутолаа қилади ёки эшитади. Бунда у *нутқни қабул қилувчи шахс* мақомида бўлади;

2) адресат бадий матнни мутолаа қилиш ёки ўқиётган матнни эшитиши жараёнида уни идрок қилади. Бунда у *матнни идрок этувчи шахс* мақомида бўлиб, *китобхон лисоний шахси* даражасига кўтарилади. *Китобхон лисоний шахси* тушунчаси матн ярата олиш қобилиятига эга бўлган ҳамда яратилган матнни ўқиб ёки эшитиб, уни идрок эта олувчи шахсга нисбатан ишлатилади;

3) адресат бадиий матнда узатилган ахборотни қабул қилади. Бунда у *маълумот-ахборотни қабул қилувчи шахс* мақомида бўлади. Адресат бадиий матнни мутолла қилар экан, унда тасвирланган объектнинг хусусиялари ҳақида маълумотга эга бўлади. Улар адресатга олдиндан маълум ёки унга аввалдан маълум бўлмаган ҳамда унинг билимлари доирасига қирмайдиган маълумот-ахборотга бўлинади;

4) адресат эстетик-ҳиссий таъсирга учрайди. Бунда у *эстетик-ҳиссий таъсирни қабул қилувчи шахс* мақомида бўлади. Адресат бадиий матнни мутолла қилар экан, унда турли ҳиссий кечинмалар, руҳий ўзгаришлар юзага келади;

5) адресатда бадиий матнда тасвирланган воқеа-ҳодисага нисбатан баҳо муносабати шаклланади. Бунда у *баҳо ифодаловчи шахс* мақомини эгаллайди. Адресатнинг бадиий матнга муносабати унинг асар бўйича билдирган ижобий ёки салбий баҳоси орқали юзага чиқади;

6) адресат бадиий асар муаллифи билан коммуникатив алоқага киришади. Бунда адресат *коммуникатив алоқа иштирокчиси* мақомида бўлади. Адресат бадиий матнни мутолаа қилар экан, унда воқеа-ҳодиса, персонажлар хатти-ҳаракати тасвирдан қониқиш ёки эътироз ҳисси юзага келади. У асар бўйича ўз қарашлари, унга берган баҳосини адибга оғзаки ёки ёзма тарзда баён қилиш орқали у билан коммуникатив алоқага киришади. Баъзан бундай алоқа бадиий матнни ўқиш жараёнида адресатнинг ички нутқи шаклида билвоста амалга ошади;

7) адресат бадиий матнни ўз эҳтиёжлари, қизиқиши, истак-хоҳиши асосида ёки ёш, жинс хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танлайди. Бундай ҳолатда у *матн танловчи шахс* мақомида бўлади.

Кўринадики, бадиий матнда адресант ва адресатнинг ижтимоий роллари муҳим аҳамиятга эга. Адресант ҳам, адресат ҳам бадиий матнда, аввало, социологик тавсифлари – ижтимоий мақоми ва роли, жинси, ёши, касб-кори каби шахсий хусусиятлари билан қатнашади. Адресат адресант нутқи орқали социопрагматик тавсифга эга бўлади. Адресат ҳақидаги социопрагматик билимлар бадиий матнда унинг тавсифини яратишда муҳим ўрин тутади.

3. Тасвир объекти ҳақидаги социопрагматик билимлар. Бадиий матнни яратишда адибнинг тасвирланаётган объект (ташқи оламда юз берган турли воқеа-ҳодисалар, шахслар ҳаёти, улар томонидан содир этилган ҳодисалар; нарса-предметлар, уларнинг хусусиятлари; инсоннинг ҳиссий кечинмалари, истак-хоҳишлари, қизиқишлари ва бошқалар) ҳақидаги билимлари, бу билимларнинг объектив оламдаги шу турдаги объектлар билан боғлиқлиги, уларга мос ёки номослиги, реал ёки нореаллиги масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Адибнинг тасвир объекти ҳақидаги билимлари, тасаввурларининг мукамаллиги матнда тасвирнинг аниқ ва ҳаққоний бўлишини таъминлайди. Тасвир объекти ҳақидаги социопрагматик билимлар объектга тавсиф беришда, унинг моҳиятини очиб беришда аҳамиятлидир.

4. Мулоқот шароити ҳақидаги социопрагматик билимлар. Бадиий матннинг яратилишида *мулоқот шароити* тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир матн тури мулоқот шароити билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Нутқ иштирокчиларининг ижтимоий тавсифлари уларнинг ўзаро мулоқотида намоён бўлади. Бундай мулоқот муайян нутқ шароитини тақозо этади. Бу жиҳатдан ёндашганда, ҳар бир бадиий матн кўриниши ҳам бевосита мулоқот шароити билан боғланади.

Маълумки, ҳар бир нутқ кўриниши бевосита у амалга оширилаётган макон, замон, нутқ вазияти каби омиллар билан алоқадор ҳолда яратилади. Булар *мулоқот шароитини* яратувчи омиллар бўлиб, матн яратувчисидан ўзи ҳақидаги билимларга эга бўлишлиликни тақозо этади. Жумладан, мулоқот жараёнининг макон ёки замон аспекти билан боғланиши матнга таъсир кўрсатиб, унинг характери, йўналишини ўзгартириши мумкин. Ёки мулоқот жараёнининг нутқ вазияти билан боғланиши бадиий матн мазмуни, характерининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли бадиий матнни яратишда мулоқот

жараёнига таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар ҳақида билимларга эга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, коммуникация иштирокчилари ўртасида мулоқот жараёни муайян нутқ вазияти билан боғланганда ҳам матннинг мазмуни, характери шу нутқ вазияти асосида шаклланиши кузатилади. Ушбу ҳолатлар матн яратилишида нутқ шароити ҳақидаги билимларга эҳтиёж туғилишини кўрсатади.

5. Мулоқот шакллари ҳақидаги социопрагматик билимлар. Матн яратилишида муаллифнинг мулоқот шакллари ҳақидаги билимлари ҳам иштирок этади. Матн яратувчи мулоқотнинг қандай шакллари мавжудлиги ҳақида билимга эга бўлиши лозим. Бу билимлар мулоқот шакллари тўғри ва ўринли танланишига хизмат қилади. Жумладан, матн яратувчи мулоқотнинг оғзаки, ёзма, электрон шаклларида фойдаланиши мумкин. Тўғри ва мақсадли танланган мулоқот шакли узатилган матнни идрок этиш жараёнининг самарали кечишига ёрдам беради. Бадиий матнни яратишда адиб мулоқотнинг ёзма шаклини қўллар экан, ўрни билан имо-ишоралар, мимик ифодалар, сукут сақлаш каби мулоқотнинг ёрдамчи воситаларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Мулоқотнинг ушбу ёрдамчи воситалари ҳақидаги билимлар бадиий матннинг яратилишида адибга қўл келиши, матннинг таъсир кучини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Кўринадики, бадиий матн яратилишида социопрагматик билимларга эҳтиёж, зарурат туғилади. Бундай билимлар унинг таснифида ҳам муҳим роль ўйнайди.

I. Адресант омили асосида бадиий матннинг қуйидаги социопрагматик типларини ажратиш мумкин:

1. Адресант тавсифлари акс этган бадиий матнлар.
2. Адресантнинг маълумот-ахбороти акс этган бадиий матнлар.
3. Адресантнинг баҳоси акс этган бадиий матнлар.
4. Адресантнинг эстетик-ҳиссий муносабати акс этган бадиий матнлар.

II. Адресат омили асосида бадиий матннинг қуйидаги социопрагматик типларини ажратиш мумкин:

1. Адресатда тавсифий тасаввур ҳосил қилувчи бадиий матнлар.
2. Адресатда маълумот-ахборот ҳосил қилувчи бадиий матнлар.
3. Адресатда баҳо муносабатини ҳосил қилувчи бадиий матнлар.
4. Адресатда эстетик-ҳиссий муносабат ҳосил қилувчи бадиий матнлар.

Бадиий матнда адресат омили матннинг коммуникатив белгиси, яъни унинг кимга мўлжалланганлик белгиси билан узвий боғлиқ. Бу жиҳатдан бадиий матнни қуйидаги типларга ажратиш мумкин: 1) болаларга мўлжалланган бадиий матнлар. Бу турдаги матнларни ўз ичида кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган бадиий матнлар, мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган бадиий матнлар, мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган бадиий матнлар тарзида типларга ажратиш мумкин; 2) катталарга мўлжалланган бадиий матнлар. Бу типдаги бадиий матнларни ҳам ўз ичида таснифлаш мумкин: ёшларга мўлжалланган бадиий матнлар; ўрта ёшдаги кишиларга мўлжалланган бадиий матнлар; кекса ёшдаги кишиларга мўлжалланган бадиий матнлар.

III. Тасвир объекти омили асосида бадиий матннинг қуйидаги социопрагматик типларини фарқлаш мумкин:

1. Ижтимоий шахс омили: а) шахснинг ижтимоий мавқеи акс этган бадиий матнлар; б) шахснинг ижтимоий роли акс этган бадиий матнлар; в) шахснинг гендер хусусияти акс этган бадиий матнлар; г) шахснинг касб-кори акс этган бадиий матнлар; д) шахснинг миллати, диалектал белгиси акс этган бадиий матнлар;

2. Ижтимоий воқелик омили: а) реал ижтимоий воқелик акс этган бадиий матнлар; б) нореал ижтимоий воқелик акс этган бадиий матнлар.

IV. Мулоқот шароити омили асосида бадиий матннинг қуйидаги социопрагматик типларини фарқлаш мумкин:

1. Мулоқот жараёни макон аспекти билан боғланган бадиий матнлар.
2. Мулоқот жараёни замон аспекти билан боғланган бадиий матнлар.
3. Мулоқот жараёни нутқ вазияти билан боғланган бадиий матнлар.

V. Мулоқот шакллари омили асосида бадий матннинг куйидаги социопрагматик типларини ажратиш мумкин:

1. Мулоқотнинг ёзма шаклига асосланган бадий матнлар.
2. Мулоқотнинг оғзаки шаклига асосланган бадий матнлар.
3. Мулоқотнинг электрон шаклига асосланган бадий матнлар.

Хуллас, бадий матн ижтимоий контекстда воқеланар экан, унинг яратилишида социопрагматик билимлар муҳим ўрин тутди. Бу билимлар матнни социопрагматик аспектда таснифлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абитова А.Р. Социопрагматика текста «поток сознания» (на материале современной немецкой прозы): Дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 1999. – 217 с.
2. Апресян Ю.Д. Интегральное описание языка и системная лексикография // Избранные труды. Т. 2. – М.: Языки русской культуры, 1995. – С. 137.
3. Волкова З.Н. Истоки французского литературного языка. – М.: Высш. школа, 1983. – С. 97.
4. Виноградов С.И., Платонова О.В. Культура русской речи. Учебник для вузов. – М., 1999. – С. 305.

Наирга проф. Б.Менглиев тавсия этган

НЕОЛОГИЗМНИНГ БОШҚА ИННОВАЦИОН ҲОДИСАЛАР БИЛАН ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Ахмедов А.Б. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақола неологизмнинг бошқа инновацион ҳодисалар, хусусан окказионализм, потенциализм, услубий контаминант кабилар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёритишга бағишланган.

Таянч сўзлар: *неологизм, окказионализм, потенциализм, контаминант.*

Аннотация: статья посвящена выявлению сходств и различий неологизма с другими инновационными явлениями, в частности, окказионализмом, потенциализмом и стилистической контаминацией.

Ключевые слова: *неологизм, окказионализм, потенциализм, контаминант.*

Annotation: the article is devoted to identifying similarities and differences between neologism and other innovative phenomena, in particular, occasionalism, potentialism, stylistic contamination.

Keywords: *neologism, okkasionalism, potentialism, contaminant.*

Неологизмнинг моҳиятини тўлиқ очиб бериш учун унинг бошқа инновацион ҳодисалардан, хусусан, окказионализмлардан фарқли ва ўхшаш хусусиятларини ажратиш зарур. Айрим тадқиқотчилар окказионализмни неологизм таркибига киритса, бошқалари уларни кескин фарқлайди. Рус тилшунослари В.И.Заботкина¹, Л.П.Лобанова², Е.В.Розен³ ва б. окказионализмни неологизм таркибига киритади.

Окказионализм термин сифатида илк бор Н.И.Фельдманнинг «Окказионал сўзлар ва лексикография» номли мақоласида тилга олинган: «Окказионал сўз деганда, тил тизимидаги каммаҳсул ёки умуман маҳсулдор бўлмаган, шунингдек нуткий сўз яшаш қолиплари асосида ясалган ва оддий мулоқот жараёнида ёки бадий асарларда экспрессивликни таъминлаш мақсадида маълум бир вазиятда яратилган сўзларни тушунаман. Потенциал сўз каби окказионализм ҳам тил ҳодисаси эмас, балки нутк ҳодисаси. Сўзнинг окказионал шаклини ҳам худди шундай тушунаман»⁴.

¹ Заботкина В.И. Новая лексика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1989. – 124 с.

² Лобанова Л.П. Современный немецкий язык как объект межкультурной коммуникации // Инсотранные языки и межкультурная коммуникация: сб. науч. ст. – М.: ГУУ, 2001. – С. 34-54.

³ Розен Е.В. Новые слова и устойчивые словосочетания. – М.: Просвещение, 1991. – 187с.

⁴ Фельдман Н.И. Окказиональные слова и лексикография // Вопросы языкознания. – 1957. – № 4. – С. 64-73.

Окказионализм термини тилшуносликка оид адабиётларда кенг қўлланишига қарамадан, ҳануз умумэтироф этилган, ягона таърифга эга эмас. Илмий адабиётларда ушбу ҳодисани ифодалаш учун жуда кўп терминлар ишлатиб келинмоқда: окказионализм, стилистик неологизм, индивидуал неологизм, ясалма сўзлар, метеор сўзлар, бир кунлик сўзлар, эгологизмлар, бир марталик ясалмалар, индивидуал-муаллифлик неологизмлари ва ҳ.к. Немис тилшунослигида эса мазкур ҳодисани ифодалаш учун *Okkasionalismus*, *Einmalbildung*, *Ad-hoc-Bildung*, *Textwort*, *Augenblicksbildung*, *Gelegenheitsbildung* каби терминлар қўлланиб келинмоқда. Фикримизча, юқорида тилга олинган терминлар ичида окказионализм энг мақбулидир. Тилшуносликка оид адабиётларда ҳам, асосан ана шу термин қўлланади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, янги сўзлар жамият ҳаётида содир бўлган янги ҳодиса, пайдо бўлган янги предметларни номлаш эҳтиёжи туфайли яратилади. В.В.Виноградов фикрича, «янги сўз ясалиши узлуксиз давом этадиган жараён, бироқ бундай сўзларнинг барчаси, дастлаб нутқ факти ҳисобланади, тайёр ҳолда кўп марта қўлланиши натижасидагина тил фактига айланади»¹. Немис тилшуноси М.Кинне ҳам худди шундай фикрни билдиради: «Ҳар қандай неологизм пайдо бўлиш босқичида, дастлаб окказионализмдир»². Олимнинг таъкидлашича, неологизм пайдо бўлишидан бошлаб, то тил тизимига сингиб кетгунгача бўлган даврда қуйидаги босқичларни босиб ўтади: пайдо бўлиш → узулланиш → тил тизимига қабул қилиниш → лексикализация / интенграция. Рус тилшуноси Н.А.Лаврова бу ҳолатни бошқача қўринишда тасвирлайди: индивидуал нутқ → узус → норма → система³. Дарҳақиқат, ҳар қандай янги сўз, нутқий амалиётда, дастлаб окказионал тарзда пайдо бўлади, кейинчалик қўлланиш доирасини кенгайтириб, умумқўлланиш касб этакими йўқми, ёки бир марталик қўлланишдан сўнг яратилган контекстида қолиб кетадими, буни вақт кўрсатади. В.Д.Девкин таъкидлаганидек, «янги сўзнинг тақдири тарих ҳукмига ҳавола»⁴. Аксарият окказионализмлар юқорида кўрсатилганлардан фақат дастлабқисини, яъни пайдо бўлиш босқичини босиб ўтади, қолган учтаси неологизмга ўтиш босқичи ҳисобланади. Бу босқичларни кам сонли окказионализмлар босиб ўтади ва неологизм мақомига эга бўлади, бироқ окказионализм моҳиятан неологизмлик мақомига даъвогарлик қилмайди.

Немис олими В.Фляйшер «Ҳозирги немис тилида сўз ясалиши» номли асаридан неологизм пайдо бўлишининг 5 асосий сабабини кўрсатади:

- 1) янги реалияларни номлаш эҳтиёжи;
- 2) тил тежамкорлиги;
- 3) фикрни аниқ, лўнда ва тушунарли ифодалаш эҳтиёжи;
- 4) ифодавийликни кучайтириш билан боғлиқ услубий ҳолатлар;
- 5) моҳиятни англамаган ҳолда амалга ошириладиган услубий ҳолатлар (мавжуд терминларни қайта номлаш, кўп ишлатиладиган синонимлар билан алмаштириш)⁵;

В.В.Виноградов фикрича, янги сўзнинг пайдо бўлиши ва янги маъноларнинг ҳосил бўлишига, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятнинг бошқа соҳаларининг тараққий этиши, инсон тафаккурининг ривожланиши каби омилларнинг ҳам таъсири катта⁶.

Рус олими Т.В.Попова окказионал сўзнинг яратилиш сабабини қуйидагича изоҳлайди:

¹ В.В.Виноградов, – С. 168.

² Kinne M. Der lange Weg zum deutschen Neologismenwörterbuch: Neologismus und Neologismenlexikographie im Deutschen: zur Forschungsgeschichte und zur Terminologie, über Vorbilder und Aufgaben // Neologie und Korpus / hrsg. Von Wolfgang Teubert. Tübingen: Günter Narr Verlag, 1998. – S. 86.

³ Лаврова Н.А. О соотношении понятий контоминант, окказиональное слово, неологизм. Признаки контаминированных образований (на материале английского языка) // Учение записки Казанского университета. Том 152, кн. 6. Гуманитарные науки. 2010. – С. 153-154.

⁴ Девкин В.Д. Особенности немецкой разговорной речи. – М.: 1965. – С. 32.

⁵ Fleischer W., Barz I. Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache. Göttingen: Walter de Gruyter, 2012. – S. 14-18.

⁶ Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977. – С. 129.

- 1) фикрни аниқ ифодалаш эҳтиёжи (эҳтимол, узуал сўзлар бу вазифани тўла бажара олмас);
- 2) муаллиф, сўзловчининг ўз фикрини қисқа ифодалашга интилиши (окказионализм сўз, сўз бирикмаси, ҳатто, гап ўрнида қўлланиши мумкин);
- 3) нутқ предметига муносабат, тавсиф, баҳо ва ҳ.к. бериш эҳтиёжи;
- 4) ноанъанавий, ноодатий усулда ясалган сўз семантикасига эътиборни жалб қилиш;
- 5) тавтологиядан қочиш;
- 6) поэтик нутқда шеър ритмини сақлаш, қофияни таъминлаш, керакли инструментровкага эришиш эҳтиёжи¹.

Демак, неологизмнинг пайдо бўлиши ҳам ижтимоий, ҳам алоҳида шахснинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлса, окказионализмнинг яратилиши, кўпинча алоҳида шахснинг индивидуал эҳтиёжлари билан боғлиқ.

Тилшуносликда окказионализмнинг кенг ва тор талқинлари мавжуд. В.В.Лопатин ва А.Г.Лыковларнинг ишларида окказионализм кенг нуқтаи назардан тадқиқ қилинган. Унга кўра окказионализм таркибига аниқ бир нутқий вазиятда тилда мавжуд сўз яшаш қолиплари ва усуллари асосида ёки уларга зид равишда ясалган барча бир марталик ясалмалар киритилган. Шунга кўра окказионализмнинг потенциал ва индивидуал-муаллифлик каби турлари фарқланади.

Потенциал сўзлар тилда мавжуд маҳсулдор сўз яшаш усуллари асосида тил меъёрларига мувофиқ ясалади. Бундай сўзлар тил захирасида потенциал ҳолатда мавжуд бўлади, уларнинг яратилиши ва қўлланиши учун қулай нутқий вазиятнинг туғилиши кифоя. Улар сўз бирикмаси ва гап каби нутқда осон ва эркин ясалади, шу туфайли тил тизимига тезроқ кириб боради. Бундай сўзларни неологизм ва окказионализм ўртасидаги оралик бирликлар, деб ҳисоблаш мумкин.

Индивидуал-муаллифлик сўзларига бадий ва илмий матнларда, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, интернет, реклама матнларида ҳамда жонли сўзлашув нутқида айрим якка шахслар (муаллифлар) томонидан яратиладиган, тилда мавжуд маҳсулдор, каммаҳсул, умуман маҳсулдор бўлмаган, шу билан бирга, нутқий (окказионал) сўз яшаш усул ва воситалари асосида, ҳатто уларга зид равишда ясалган, умумқўлланиш касб этмаган бир марталик нутқий ясалмалар қиради. Бундай сўзлар яратилган вазият ва контекстга узвий боғлиқ бўлиб, шу контекст доирасида қўлланади, камдан-кам ҳолларда контекст доирасидан ташқарига чиқиши, кенг қўлланиш касб этиши ва тилнинг луғат қатлаmidан жой олиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш керакки, индивидуал-муаллифлик окказионализмларининг кундалик сўзлашув ва болалар нутқида қўлланиладиган ҳолатларида муаллифини аниқлаш имконсиз.

Е.А.Земская, Э.М.Ханпира, Р.Ю.Намитокванинг ишларида окказионализм тор нуқтаи назардан тадқиқ қилинган бўлиб, улар индивидуал-муаллифлик сўзларини окказионализм, потенциал сўзларни эса неологизм, деб ҳисоблайди.

Мазкур ишда, юқорида тилга олинган ясалмаларнинг барчаси кенг маънода окказионализм термини остида бирлаштирилди ва таҳлилга тортилди.

Окказионализмни неологизмдан фарқлаш учун унинг асосий фарқловчи белгиларини ажратиш зарур. А.Г. Ликовнинг фикрича, окказионал сўзлар қуйидаги асосий фарқловчи белгиларга эга:

- 1) нутққа мансублик;
- 2) иждоқорлик (яратувчилик) маҳсули эканлиги;
- 3) ясама сўзлик;
- 4) бир марталик қўлланиш;
- 5) контекстга боғлиқлик;
- 6) экспрессивлик;
- 7) номлаш вазифасининг асосий (бирламчи) эмаслиги;
- 8) алоҳида шахсга мансублик;

¹ Попова Т.В. Русская неология и неография. – Екатеринбург. 2005. – С. 28.

9) номеъёрийлик¹.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу белгиларнинг аксарияти неологизмларга зид. Энди уларни имкон қадар таҳлил қилишга ўтамыз:

1. Тилшунослик объектнинг кўпгина олимлар томонидан эътироф этилган икки томонламалиги турли хил дихотомик формулаларда ўз аксини топган: *ergon* – *energia* (В.Хумбольдт), схема – узус (Л.Ельмслев), код – хабар (А.Мартине, Р.Якобсон), компетенция – қўлланиш (Н.Чомский), тил – нутқ (Ф.де Соссюр). Бу зидланишлар айнан бир хил бўлмаса-да, охир-оқибат тилшунослик фани объектнинг икки томонлама эканлигини кўрсатади². Тил ва нутқнинг ўзаро узвий боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этишини ҳисобга олсак, тилни тизим, нутқни эса бу тизимнинг мулоқот жараёнида фаоллашуви сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Демак, гарчи ҳар икки бирлик дастлаб нутқда, нутқий фаолият жараёнида пайдо бўлса-да, неологизм юқорида тилга олинган босқичларни босиб ўтиб, тил тизимига қабул қилинади, шундай экан у тил бирлиги. Окказионализм эса аксарият ҳолларда яратилган контексти доирасидан ташқарига чиқмайди, қайта қўлланмайди, тил тизимга кириб бормайди, демак у нутқ бирлиги.

2. Неологизмдан фарқли ўлароқ окказионализм қайта қўлланмайди, балки ҳар сафар аниқ нутқий вазиятга мос ҳолда янгидан яратилади. Бу ҳолат унинг ижодкорлик маҳсули эканидан дарак беради.

3. «Мохиятига кўра окказионализм ясама сўз бўлиши шарт, чунки у камида икки морфеманинг эркин бирикуви натижасида ясалади»³. Бироқ Н.А.Лаврова фикрича, окказионализм ясама сўз бўлиши шарт эмас. Олима ўз фикрини туб ва ясама окказионал сўзларга инглиз тилидан мисоллар келтириш орқали асослайди⁴. О.С.Захарова ҳам худди шундай фикрни билдиради: «Окказионализм туб (кое-какность, путинизм) ва ясама (вэзоми, (В.Хлебников), иоб (Т.Толстая) сўз бўлиши мумкин»⁵. Аксарият окказионализмлар ясама сўз эканлигини инкор этиб бўлмайди, бироқ бу туб сўз окказионал бўла олмайди, дегани эмас. Неологизмга келсак, туб, ясама, қўшма сўз, ҳатто, сўз бирикмаси ва фразеологизм ҳам неологизм бўлиши мумкин.

4. Кўп сонли тил эгалари оғзаки нутқда у ёки бу окказионализм такрор қўлланиши мумкин, бироқ бу аксарият ҳолларда тасодифий бўлиб, барча янги сўзларнинг ясалиши ягона манба – сўз яшаш тизими эканлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, баъзи окказионализмлар турли ёзувчиларнинг асарларида, шунингдек, бир ёзувчининг ҳар хил асарларида учраш ҳоллари кузатилади. «Окказионал сўзнинг турли муаллифлар асарларида қўлланиши, ё унинг кенг қўлланиш касб этаётганидан ёки муаллифлар бир-биридан беҳабар ҳолда уни ишлатаётганидан дарак беради. Бир муаллиф ижоди доирасида, унинг қаламига мансуб турли асарларида қўлланиши, окказионал сўзнинг юксак маҳорат билан яратилганлиги туфайли атайлаб такрор қўланаётганидан гувоҳлик беради. Бундай такроран қўлланиш индивидуал бўлиб, тил жамоасига хос эмас, шунинг учун сўзнинг тил тизимидан жой олаётганини англатмайди»⁶. Неологизмга кўп марта, такрор қўлланиш, окказионализмга эса бир марта қўлланиш хос, бироқ бу кейингиси учун мутлақ белги ҳисобланмайди.

¹ Лыков А.Г. Современная русская лексикология (русское окказиональное слово): учебное пособие для филол. фак. ун-тов. – М.: Высшая школа, 1976. – С. 7-36.

² Лаврова Н.А. О соотношении понятий контомиант, окказиональное слово, неологизм. Признаки контаминированных образований (на материале английского языка) // Учение записи Казанского университета. Том 152, кн. 6. Гуманитарные науки. 2010. – С. 152.

³ Лыков А.Г. Современная русская лексикология (русское окказиональное слово): учебное пособие для филол. фак. ун-тов. – М.: Высшая школа, 1976. – С. 7-36.

⁴ Лаврова Н.А. О соотношении понятий контомиант, окказиональное слово, неологизм. Признаки контаминированных образований (на материале английского языка) // Учение записи Казанского университета. Том 152, кн. 6. Гуманитарные науки. 2010. – С.156.

⁵ Захарова О.С. К проблеме соотношения понятий «окказионализм» и «потенциальное слово». Вестник РУДН, серия Лингвистика, 2013, – №3. – С. 18.

⁶ Нухов С.Ж. Семантические аспекты окказионального словообразования современного английского языка: Дис. ... канд. Филол. наук. – М., 1987. – С. 68.

5. Маълумки, нутқда кўп маъноли сўзнинг маъноларидан фақат биттаси фаоллашади. Нутқнинг бир парчаси сифатида контекстнинг асосий хусусияти ҳам айнан ана шунда намоён бўлади ва шу орқали сўзнинг контекстга боғлиқлиги белгиланади.

Неологизмнинг контекстга боғлиқлиги нисбий бўлиб, контекстсиз ҳам маъноси тушунарли бўлади. Окказионализм контекстуал бирлик бўлиб, аксарият ҳолларда контекстга боғлиқ ҳолда яратилади, маъноси контекст доирасида ойдинлашади. «Алоҳида семантик мотивланган окказионал кўшма отларнинг семантик тавсифи контекстга боғлиқ бўлиб, айнан контекст компонентлар ўртасидаги семантик-синтактик алоқани аниқлаб беради. Уларнинг семантик мотивланганлиги фақат контекстдагина тўлиқ ойдинлашади: алоҳида ҳолда, контекстдан ташқарида қаралганда, улар ё ноодатий (одатга зид) тарзда ясалган бирликлар сифатида тушунилади, ё маълум даражада қоришиқ маънога эга бўлади»¹.

Тилшуносликка оид адабиётларда окказионализмнинг контекстга боғлиқлиги масаласида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, М.С.Ретунская² ва М.У.Калниязовнинг³ ишларида контаминант (контаминация усулида ясалган сўзлар) ва окказионализмнинг контекстга боғлиқлиги факультатив белги сифатида қаралади, уларнинг маъноси контекстсиз, нутқий вазият тўғрисида маълумотга эга бўлмасдан ҳам тушунарли бўлиши мумкинлиги эътироф этилади. Бизнингча ҳам окказионализмнинг контекстга боғлиқлигини мутлақ белги сифатида ажратиш тўғри эмас, чунки аксарият окказионализмларнинг маъноси контекстга боғлиқ бўлса, айримларининг маъносини контекстсиз ҳам тушунса бўлади.

6. Экспрессивлик деганда тил белгисининг ифодали-тасвирий хусусияти тушунилади. Унинг муҳим жиҳати – образлилик ва интенсивлик. Экспрессивликнинг адгерент ва ингерент турлари фарқланади. Адгерент тур фақат контекстдагина фаоллашади, демак, у контекстга узвий боғлиқ. Ингерент тур контекстга боғлиқ бўлмайди, сўзнинг ҳар қандай қўлланишида намоён бўлаверади. Сўзнинг окказионаллик ва экспрессивлик хусусияти айнан тенг эмас. Агар окказионал сўз тил меъёрига мос, анъанавий, одатий сўз яшаш усуллари ёрдамида ясалган бўлса, унинг экспрессивлиги кучсиз, мабодо меъёрга зид, ноанъанавий, ноодатий сўз яшаш воситалари ва қолиплари асосида ясалса, бундай сўзнинг экспрессивлиги кучли бўлади. Окказионализмнинг экспрессивлигини у бажарадиган вазифалар белгилайди. Окказионализм нутқда номинатив, тежамкорлик, метрологик ва экспрессивлик каби вазифаларни бажаради. Окказионал терминлар экспрессивликдан холи, бунинг терминга қўйиладиган талаблар билан изохлаш мумкин. Бадиий адабиётларда қўлландиган окказионализмнинг экспрессивлиги кучли. Диалектал нутқда окказионализм экспрессивлик билан бирга номинатив ҳамда тежамкорлик каби вазифаларни ҳам бажаради. Халқ оғзаки ижодида окказионал сўзнинг экспрессивлиги асосий мезон ҳисобланмайди.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, экспрессивлик ҳар икки бирликка хос хусусият экани аён бўлади, у неологизмга қараганда окказионализмда кучли, чунки окказионал сўз ясалиши ва бажарадиган вазифалари, кўп ҳолларда экспрессивлик билан узвий боғлиқ.

7. Номинация неологизм учун асосий ва бирламчи вазифа ҳисобланса, окказионализм учун иккиламчи ва факультатив вазифадир. Окказионализмнинг асосий вазифаси экспрессивликни юзага келтириш ва кучайтириш бўлиб, айна шу мақсадда турли нутқий вазиятларда яратилади. Шунинг учун аксарият окказионализмлар нутқнинг марказида эмас, балки сарҳадларида қолиб кетади. Бироқ камдан-кам ҳолларда яратилиши биланоқ тил фактига айланиши ҳам мумкин. Бундай окказионал сўзлар жамият ҳаётида

¹ Ахмедов А.Б. Ҳозирги немис тили лексикасида инновацион жараёнлар: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б. 105.

² Ретунская М.С. Английское окказиональное словообразование (на материале имен существительных и прилагательных): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Горький, 1974. – 21 с.

³ Калниязов М.У. Окказиональные и потенциальные слова в языке современной периодике (Суффиксальные имена существительные): Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1978. – 166 с.

содир бўлган янги ҳодиса, яратилган янги предмет билан бирга пайдо бўлади, шунинг учун нутқий амалиётда синовдан ўтмасдан тезда тил тизимига қабул қилинади. Бу ҳолда нутқ (янги сўзнинг пайдо бўлиши) ва тил (сўзнинг луғат таркибидан жой олиши) фактлари бир бутун бўлиб қўшилиб кетади.

8. Бежизга окказионализм «муаллифлик ясалмаси» ёки «индивидуал ясалма» деб аталмайди. Бу белги унинг аниқ бир муаллифга тегишли эканидан далолат. Окказионализмни яратар экан муаллиф унга хос таркибий ва семантик хусусиятларни алоҳида ажратиб, таъкидлаб кўрсатишга ҳаракат қилади. Бироқ ҳар доим ҳам окказионал сўзнинг муаллифини аниқлаш осон кечмайди. Бадий асарларда яратилган окказионализмнинг муаллифини аниқлаш мумкин, бироқ ОАВ ҳамда сўзлашув нутқида бунинг имкони йўқ. Тил тизимида пайдо бўлган неологизмнинг муаллифини ҳам, айрим истисно ҳолларни ҳисобга олмаганда, аниқлаш жуда қийин, ҳатто баъзан бунинг мутлақо иложи йўқ.

9. Номеъёрлик аксарият окказионализмларга хос хусусиятлардан бири. Окказионал сўз тилда мавжуд меъёрий маҳсулдор, шу билан бирга, меъёрга зид, ноодатий, каммаҳсул, умуман маҳсулдор бўлмаган, индивидуал нутқий сўз яшаш усуллари ва воситалари орқали ясалади. Бадий асарларда муаллифлар асар тилини жонли, образли, таъсирчан қилиш мақсадида атайлаб меъёрдан четга чиққан ҳолда окказионал сўзларни ижод қилади, зеро буни бадий асар тилининг ўзига хослиги тақозо этади. Неологизмга келсак, у нутқий амалиётда сараланиш ва танланиш босқичида тил меъёрлари талабларига жавоб берадиган бирлик сифатида шаклланади.

Неологизм окказионализмдан ташқари, потенциализм, контаминант каби бошқа инновацион ҳодисалар билан ўхшаш ва фаркли хусусиятларга эга. Тилшунослик илмида потенциализмлар, асосан окказионализмнинг бир тури сифатида қараб келинди ва унинг таркибида ўрганилди. Айрим ҳолларда бу термин окказионализмга ўхшаш, бироқ айнан тенг бўлмаган бирликни ифодаласи, бошқа ҳолларда у билан синоним сифатида қўлланади. Рус тилшуноси Н.И.Фельдман¹ ҳар икки терминни янгилик белгисига эга, маҳсулдор усуллар асосида ясалган синоним сўзлар сифатида қўллайди, бироқ у ҳар иккиси учун окказионализм терминини қўллашни маъқул кўради. Д.Б.Масленников потенциализм термини мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, Н.И.Фельдман фикрига қўшилади ва окказионализм термини камрови кенг экани, ҳар икки ноузвал бирлик хусусиятини ўзида мужассамлаштирганини таъкидлаб, уларни маҳсулдор ҳамда каммаҳсул усуллар орқали ясалган окказионализмлар каби икки турга ажратади². А.Г.Лыков³ потенциализмни тизимли, окказионализмни тизимсиз окказионализм сифатида қарайди, В.В.Лопатин⁴ окказионализм таркибига потенциал сўзни ҳам киритади. О.Г.Винокур ҳам окказионал ва потенциал сўзларни бирлаштиради: «ҳар бир тилда кундалик амалиётда ишлатиладиган сўзлар билан бир қаторда амалда мавжуд бўлмаган, бироқ тарихий тасодиф туфайли пайдо бўлиши мумкин бўлган потенциал сўзлар мавжуд»⁵. Е.А.Земская, Э.И.Намитоква ва Э.Ханпиранинг ишларида потенциал ва окказионал сўзлар бир-бирига қарама-қарши қўйилади ва турли гуруҳларга ажратилади. Е.А.Земская фикрича, «потенциализм тилда мавжуд сўз яшаш қоидалари асосида, окказионал сўз эса сўз яшаш қоидаларига зид, индивидуал ижодкорлик асосида ясалади»⁶.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, потенциализм неологизм билан окказионализм оралиғидаги бирликдир. Потенциализмнинг окказионал сўздан устунлиги унинг неологизмга ўтиш имкониятининг катталиги, тилда мавжуд маҳсулдор, меъёрий сўз

¹ Фельдман Н.И. Окказиональные слова и лексикография // Вопросы языкознания. – 1957. – № 4. – С. 66-67.

² Масленников Д.Б. Окказионализмы в футуристической поэзии и особенности их функционирования: Дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2000. – С. 35.

³ Лыков А.Г. Современная русская лексикология (русское окказиональное слово): учебное пособие для филол. фак. ун-тов. – М.: Высшая школа, 1976. – С. 10-16.

⁴ Лопатин В.В. Рождение слова. Неологизмы и окказиональные образования. – М.: Наука, 1973. – С. 70-71..

⁵ Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: Высшая школа, 1991. – С. 320.

⁶ Земская Е.А. Словообразование как деятельность. – М.: Комкнига, 2005. – С. 181.

яшаш усул ва қолиплари асосида ясалишидир. Унинг дунёга келиши учун тасодифий бир туртки, зарурий шароит туғилиши етарли. Шунинг учун ҳам бундай сўзлар потенциал сўз ҳисобланади.

Контаминантлар контаминация усулида ясалган сўзлардир. Услубий контаминантлар окказионализм каби нутқ ҳодисаси ҳисобланади. Услубий контаминант деганда услубий бўёқдор, луғатларда қайд қилинмаган бирликлар тушунилади. Контаминант терминлар неологизм каби тил ҳодисасидир.

Окказионализм ва контаминантларнинг нутқда қўлланишини тилда мавжуд барча ҳодисалар нутқда ҳам мавжудлиги, бироқ нутқда мавжуд ҳодисаларнинг барчаси тилда мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Нутқий амалиёт жараёнида яратиладиган контаминантлар окказионализм каби неологизм босиб ўтадиган босқичлардан ўтса, тил тизимига қабул қилинади, акс ҳолда нутқий ясалма сифатида қолиб кетаверади.

Демак, контаминантлар семантикаси ва услубий тавсифига боғлиқ ҳолда неологизм ёки окказионализмга айланиши мумкин. Контаминант терминлар неологизм ҳисобланади, чунки улар жамият ҳаётида пайдо бўладиган янги реалаялар билан бирга туғилади, бу ҳолда махсус ёхуд умумтил луғатларида қайд этилади ва (коннотациядан холи) денотатив маънога эга бўлади. Услубий контаминант окказионализм каби бир марталик қўлланиш, контекстга боғлиқлик, ижодкорлик маҳсули, экспрессивлик, номёърийлик сингари хусусиятларга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедов А.Б. Ҳозирги немис тили лексикасида инновацион жараёнлар: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. – Тошкент, 2018. – 126 б.
2. Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977. – 312 с.
3. Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: Высшая школа, 1991. – 448 с.
4. Девкин В.Д. Особенности немецкой разговорной речи. – М.: 1965. – 318 с.
5. Заботкина В.И. Новая лексика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1989. – 124 с.
6. Захарова О.С. К проблеме соотношения понятий «окказионализм» и «потенциальное слово» // Вестник РУДН, серия Лингвистика, 2013, – №3. – С. 14-25.
7. Земская Е.А. Словообразование как деятельность. – М.: Комкнига, 2005. – 224 с.
8. Калниязов М.У. Окказиональные и потенциальные слова в языке современной периодике (Суффиксальные имена существительные): Дис. ... канд филол наук. – М., 1978. – 166 с.
9. Лаврова Н.А. О соотношении понятий контаминант, окказиональное слово, неологизм. Признаки контаминированных образований (на материале английского языка) // Учение записки Казанского университета. Том 152, кн. 6. Гуманитарные науки. 2010. – С. 153-156.
10. Лобанова Л.П. Современный немецкий язык как объект межкультурной коммуникации // Инсотранные языки и межкультурная коммуникация: сб. науч. ст. – М.: ГУУ, 2001. – С. 34-54.
11. Лопатин В.В. Рождение слова. Неологизмы и окказиональные образования. – М.: Наука, 1973. – С. 70-71.
12. Лыков А.Г. Современная русская лексикология (русское окказиональное слово): учебное пособие для филол. фак. Ун-тов. – М.: Высшая школа, 1976. – 119 с.
13. Масленников Д.Б. Окказионализмы в футуристической поэзии и особенности их функционирования: Дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2000. – 165 с.
14. Нухов С.Ж. Семантикологические аспекты окказионального словообразования современного английского языка: Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1987. – 168 с.
15. Попова Т.В. Русская неология и неография. – Екатеринбург. 2005. – 96 с.
16. Ретунская М.С. Английское окказиональное словообразование (на материале имен существительных и прилагательных): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Горький, 1974. – 21 с.
17. Розен Е.В. Новые слова и устойчивые словосочетания. – М.: Просвещение, 1991. – 187 с.
18. Фельдман Н.И. Окказиональные слова и лексикография // Вопросы языкознания. – 1957. – № 4. – С. 64-73.
19. Fleischer W., Barz I. Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache. Göttingen: Walter de Gruyter, 2012. – S. 14-18.

20. Kinne M. Der lange Weg zum deutschen Neologismenwörterbuch: Neologismus und Neologismenlexikographie im Deutschen: zur Forschungsgeschichte und zur Terminologie, über Vorbilder und Aufgaben // Neologie und Korpus / hrsg. Von Wolfgang Teubert. Tübingen: Günter Narr Verlag, 1998. – S. 86.

Наширга проф. Б.Менглиев тавсия этган

АЛЛЮЗИЯ ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Очилова Д.Б. (ҚарДУ)

Аннотация: Ушбу мақолада аллюзия стилистик конвергенция таркибида бадий матннинг экспрессивлигини ошириш усули сифатида кўриб чиқилган. Мисол тариқасида Жон Драйденнинг “Аврагзеб” драмасидан олинган стилистик конвергенциянинг батафсил таҳлили берилган. Жумладан, стилистик конвергенция таркибида аллюзиянинг эпитет, қиёслаш, метафора, шахслантириш каби троплар билан ҳамоханликда қўлланилган мисоллар келтирилган. Бу мисоллар орқали стилистик конвергенциянинг беқиёс экспрессив имкониятлари кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: аллюзия, стилистик конвергенция, эпитет, шахслантириш, қиёслаш, метафора.

Аннотация: В статье рассматривается аллюзия в составе стилистической конвергенции как приём выразительности художественной речи. Дается подробный анализ стилистической конвергенции взятые из драмы «Аврагзеб» Джона Драйдена. В частности, описываются случаи слияния аллюзии с эпитетом, сравнением, метафорой, персонификации и перифразой. Анализ примеров демонстрирует большой выразительный потенциал аллюзивной конвергенции.

Ключевые слова: аллюзия, стилистическая конвергенция, эпитет, сравнение, персонификация, метафора.

Annotation: The article deals with allusion as a part of stylistic convergence as a method of expressiveness of artistic speech. A detailed analysis of examples from the drama “Aureng-Zebe” by John Dryden was given. In particular, it describes the cases in which allusion is combined with epithet, simile, metaphor and periphrasis. The observation demonstrates the high expressive potential of allusive convergence.

Key words: allusion, stylistic convergence, epithet, simile, personification metaphor.

Интертекстуаллик концепцияси жуда кенг бўлиб, уни тадқиқ этиш ва ўрганишда М.М. Бахтин, Ю.Кристева, И.В.Арнольд, Е.Ж.Баженова, Л.Грузберг, ўзбек олимлардан Ф.М.Хажиева, А. Халилова ва бошқалар бел боғлашган. Бахтиннинг фикрича, ҳар бир матн бир диалог бўлиб, унда матн ичида яна бир матн мавжуд. 1967 йилда илк маротаба интертекстуаллик тушунчасини илгари сурган олима Юлия Кристева интертекстуаллик матн ичида матн бўлиб турли маданиятлар ва матнларни бир-бири билан боғлиқлиги деяр таъриф бериб ўтган.

Лингвистик таҳлиллар символизм, аллюзия, перифраза, цитата ва эпиграф каби тил бирликлари интертекстуалликнинг муҳим таркибий қисми эканлигини белгилаб қўйган.

Е.Ж. Баженова “интертекстуаллик ходисасини тилнинг турли коммуникативлик қатламларида ўрганишимиз матнни нафақат лингвистик томонидан, балки ижтимоий, сиёсий, тарихий ва маданий томонларини кенгроқ англашимизга кўмак беради. Интертекстуалликда матннинг маъносини янада чуқурроқ тушуниб, матн ичидаги ғояни бошқа фикрлар билан боғлаб, янги маънони идрокимизга талқин қиламиз”, деб таъкидлаб ўтган.¹ Л. Грузбергнинг фикрича эса, “интертекстуаллик бадий асарнинг яширин, энг чуқур семантик қатламини, ғоясини ўрганишимизда асосий стратегиядир” деб таърифлаган².

Интертекстуаллик назариясининг асосчиларидан бири Ж. Жаннет интертекстуалликни: **шахсан интертекстуал** - мустақил тузилмага эга бўлган яъни “матн

¹ Баженова Е.А. Интертекстуальность// Стилистический энциклопедический словарь русского языка. – Москва: Наука, 2003. – Б. 108.

²Л. Грузберг. Интертекст. Интернет журнал,Филолог http://philolog.pspu.ru/module/magazine/do/mpub_6_121

ичида матн”ни қўлланилиши, **паратекстуал** – ўз ичига иллюстрация ҳамда кириш гапларни олиши, **метатекстуал** - матнга (кўп ҳолда танқидий ёндашилган) изоҳ берувчи, **архитекстуал** – матнни асл манбасига боғлиқлик томонини изоҳловчи турларга бўлиб таҳлил қилган. Шахсан интертекстуал турига аллюзия, ремиссия ва цитаталар киради.¹ Бу учала восита бир-бирига яқин бўлса-да, улар ўртасида муайян фарқ мавжуд.

Н.А. Фатеева эса цитата бу - бирор бир матнда бошқа матндан маълум бир танлаб олинган жумла ёки тўлиқ фикр бўлиб, асосий матн ортидаги матн вазифасини бажаради. Интертекстуалликни қайта ишлаш орқали муаллиф “ўзининг” фикри билан “ўзганинг” фикри ўртасидаги умумийликни кўрсатишга интилади, бироқ аллюзия қўлланилганда эса интертекстуаллик биринчи ўринга чиқиб унинг вазифаси бошқа матндан олинган фикр билан муаллиф фикрини бириктирувчи омил сифатида фикрларни бир-бирига боғлаб, матннинг умумий семантик-конструктив қисмига айланиб кетиши деб таъкидлайди.²

Аллюзия интертекстуалликнинг энг мураккаб ва энг муҳим қисми ҳисобланади. Л.К. Граудина ва Е.Н. Ширяева аллюзияни маълум бир яратилган матнга бирор бир прецедент (аввалдан мавжуд) факт – адабий ёки тарихий фактлар билан боғлашдан иборат бўлган матн яратиш усулидир дея таъкидлайди. Матнда аллюзия вазиятга, фактга, ҳолатга, маълум шахсга ишора қилади. Шунга кўра аллюзия ўз ичига олган маълумотига қараб **адабий, тарихий** ҳамда **аралаш** турларга бўлинади. **Адабий аллюзиялар** прецедент матндан олинган ва муаллиф томонидан ўзгариш киритилган эпизодлар, образлардир. **Тарихий аллюзия** тарихий шахслар ёки фактларни матнга мисол қилиб қўлланишидир. **Аралаш** аллюзиялар ҳам мавжуд бўлиб, бунда матнда муаллиф томонидан тарихий ва адабий аллюзияларга хос белгиларни қўлланишига тушунилади.³

Гальперин И.Р. аллюзияга қуйидагича таъриф берган, “хаммага маълум бўлган сўз ёки иборанинг (аллюзиянинг) бирламчи маъноси матнда бир идиш вазифасини бажариб, бу идиш иккинчи янги маъно билан тўлдирилади” (... the primary meaning of the word or phrase which is assumed to be known (i.e. the allusion) serves as a vessel into which new meaning is poured)⁴. Аллюзия турли стилистик троплар билан ҳамоҳангликда, бу тропларнинг стилистик хусусиятларини кучайтиришга хизмат қилади. Л.И. Лебедева аллюзияга қуйидагича таъриф берган, “Аллюзия лотин тилидан олинган бўлиб, allusion – шаъма, ҳазил маъносини билдириб, кўпчиликка маълум бўлган тарихий, афсонавий, диний матнларга шаъма қилиб бадий матнда иккиламчи қўшимча маънони касб этади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу тушунча маълум бир матнда турли манбалардан баъзи воқеалар, шахслар, жойлар ва бошқаларга нисбатан ишоравий элементларни юзага келтириш жараёнини ифода этади.⁵ Шу билан бирга аллюзия стилистик восита сифатида машҳур адабий, диний, тарихий, мифологик факт, воқеа-ҳодиса, шахс ва жой номининг бошқа ёзма ёки оғзаки нутқ жараёнида қўлланилишидир.

Ушбу мақолада юқорида келтирилган олимлар назариясига таяниб, аллюзия стилистик воситасини XVII аср Англия Реставрация даври адабиётининг буюк намоёниси Жон Драйденнинг “Аврангзеб” фожиаси мисолида таҳлил қилишга уриндик.

Реставрация даврининг буюк драматурги Жон Драйден ўз замондошлари сингари мумтоз юнон ва рим мифологиясига тез-тез юзланиб, **аллюзия** стилистик восита ёрдамида фикрини лўнда ва аниқ етказиб беришга ҳаракат қилди. Драмада қўлланилган аллюзиялар таркибий-семантик жиҳатдан **бир сўз, фразеологик бирлик** ҳамда **тўлиқ гап** кўринишида

¹ 1. Фатеева Н.А. Типология интертекстуальных элементов и связей в художественной речи. – С. 27.

² 2. Е. Г. Еременко. Интертекстуальность, интертекст и основные интертекстуальные формы в литературе. Уральский Государственный вестник. – №6. 2012, – С. 134. <https://cyberleninka.ru/article/n/intertekstualnost-intertekst-i-osnovnye-intertekstualnye-formy-v-literature>.

³ 3. Ўша манба.

⁴ 4. Граудина Л.К., Ширяев Е.Н. Культура русской речи. Средства речевой выразительности. – М.: Наука, 2005. – С.132-135.

⁵ 5. Гальперин И.Р. Стилистика английского языка: учеб. – 3-е изд. – М.: Высш. школа, 1981. – 187 (334).

⁶ 6. Ўша манба.

ифодаланган. Матнда аллюзия ифода этувчи маълумотига қараб **адабий, тарихий** ҳамда **аралаш** аллюзиялар турларига бўлинади.

Драйден ижодида аллюзия стилистик конвергенция таркибида **метафора (metaphora), ўхшатиш (simile), киноя (irony), шахслантириш (personification), эпитет (epithet), эллипсис(ellipsis)** каби стилистик воситалар билан кўпроқ қўлланилиб матнда кўйидаги вазифаларни бажарганига гувоҳ бўлдик:

- *фожиадаги образни очиб беришида;*
- *фожиадаги вазиятни томошабин ва китобхонга етказиб бериши учун;*
- *тарихий ва сиёсий воқеаларни жонлантиришида;*
- *философик-эстетик фикрни ёритиб бериши учун хизмат қилган.*

Юқоридаги фикрларни исботи сифатида фожиада қўлланилган аллюзия драма протагонисти Аврангзеб образини аниқроқ қилиб гавдалантириш мақсадида фойдаланилган:

*But Aureng-Zebe, by no strong passion swayed
Except his love, more temp'rate is, and weighed.
This Atlas must our sinking state uphold;
In council cool, but in performance bold.
He sums their virtues in himself alone,
And adds the greatest, of a loyal son;
His father's cause upon his sword he wears,
And with his arms, we hope, his fortune bears. (Act I, 102-109 lines)*

Мазмуни:

Бироқ Аврангзеб тамом ўзгача, ҳеч қандай куч ўзгартира олмас уни, Муҳаббати уни пинхона, доим жиловлар ўз хиссиётларини. Шу Атлант¹ бизни чўкаётган салтанатимизни қутқара олар Қарор қилганда совуққон у, аммо қирол амрини сўзсиз бажарар Барчасин (тўрт ака-ука) фазилатларин ёлғиз унда мужассам Бунга кўшимча, ўз падарига у жуда вафодор ҳам Отасин умидин қиличи ила оширар амалга Умид қиламиз билаклари ила тақдирини ҳал қилишига².

Юқорида келтирилган мисол **адабий аллюзия** тури бўлиб, драманинг асосий ғояларидан бири адиб “*томошабинга (китобхон)га завқ улашиб, уни тарбиялаш*”-классицизм тамойилларига риоя қилган ҳолда, Аврангзебни барча ижобий фазилатларга эга қилиб таърифлаган, уни мифологик қаҳрамон Атлантга қиёслаб, чўкиб бораётган давлатни (худди мифологик қаҳрамон бутун фалакни елкаларида кучгани сингари) қутқариб қолиши кераклигини китобхонга уқтиради. Аврангзеб отаси учун барчасидан воз кечиб ўз давлати равнақи ва отаси учун ҳар қандай мушкул синовларни енгиб ўтиши намоён қилинган. Бу билан Драйден Европа томошабинига ота ва ўғил муносабатларини шарқона намуна сифатида келтиради. Эндиликда фуқаролар урушидан фориғ бўлган Европа аҳлига сабр, садоқат ва тинчлик каби тушунчаларни аҳамиятини сингдирмокни ният қилиб кўйган.

Драйден, *This Atlas must our sinking state uphold* мисрасида Аврангзебни қадимги юнон мифологик қаҳрамони Атлантга қиёслаб аллюзия истиорасини қўллаган. Биргина **Atlas** (Атлант) сўзи аллюзия вазифасида келиб, матнда кўшимча маънони касб эттирган. *Sink (чўкмоқ) va state (давлат)* сўзлари турли коллакацияларга мансуб бўлган сўзлар бир контекстда келиб, маъжозий маънода инкирозга юз тутган давлат маъноларини ифодалаган. *In council cool, but in performance bold* – “**he**” олмоши туширилиб қолиши (эллипсис) стилистик восита сифатида сўзловчининг нутқини хис-ҳаяжон ҳамда

¹ 104 қаторда: Атлант (грек, миф. қаҳрамони)

²Очилова Д. “Жон Драйденнинг “Аврангзеб” трагедияси” (таржима). – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2014. – Б. 27.

Аврангзебни фикр юритганда теран (совуққон), жангда жасур каби фазилатларига урғу бериш мақсадида қўлланилган. *He sums **their** virtues in himself alone* мисрасида “*their*” олмоши ҳам эллипсис стилистик восита вазифасида қўлланилиб, Аврангзебнинг учала ака-укаси маъносида қўлланилган. Драматург “*their*”- олмоши орқали, *уч ога ва инининг* ижобий фазилатлари биргина Аврангзебни фидойилиги олдида маъно жихатдан пасайтириб кўрсатиш мақсадида қўллаган.

*His father's cause upon his **sword** he wears,*

And with his arms, we hope, his fortune bears- метафора стилистик воситаси сифатида қўлланилган. “Sword” (килич) ва “wear” (киймоқ) икки хил контекстга тааълуқли сўзлар бўлиб, биргаликда ‘*Отасин ишини қилич ила оширап амалга*’ деган маънони англатган.

Хуллас, аллюзия бошқа стилистик воситалар билан қўлланиб уларни стилистик хусусиятларини кучайтириб, адиб фикрини китобхон тассавурида жонлантириб, тарихий ва сиёсий вазиятни, ижобий ва салбий образлар табиатини, философ-эстетик фикрнинг ёритиб беришда қўлланганига гувоҳи бўлдик.

Зеро, жаҳон адабиётини ўрганиш орқали маданий билим кўламини кенгайтириш, ғарб адабиёти ҳақида дунёқарашни янада ривожлантириш қолаверса, бадиий асарда ифодаланган муаллифнинг эстетик дидини, услубини, асл ғоясини тушуниш ва англашимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гальперин И.Р. Стилистика английского языка: учеб. – 3-е изд. – М.: Высш. школа, 1981. – 187 (334).
2. Граудина Л.К., Ширяев Е.Н. Культура русской речи. Средства речевой выразительности. М.: Наука, 2005. С.132-135
3. Еременко Е. Г. Интертекстуальность, интертекст и основные интертекстуальные формы в литературе. Уральский Государственный вестник, – №6, 2012. – Б.134.
4. Очилова Д. “Жон Драйденнинг “Аврангзеб” трагедияси” (таржима). – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2014. – Б. 27.
5. Фатеева Н.А. Типология интертекстуальных элементов и связей в художественной речи. – Б. 27-38.

Наширға проф. Б.Баҳриддинова тавсия этган

ФЕЪЛЛАРНИНГ АСПЕКТУАЛ ТАРКИБЛАНИШИ

Муратова М.И. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири аспектualiлик, унинг таркибланиши ва инглиз тилидаги to tell феълининг аспектuali-семантик майдони дунё тилшуносларининг илмий ишлари орқали ўрганиб чиқилиб, бадиий адабиётлардан келтирилган мисолларда таҳлил қилинди. Шунингдек, нутқ фаолияти феълларининг актлари, аспектuali семантикаси ҳамда аспектuali вазиятлари кўриб чиқилди.

Таянч сўзлар: аспектualiлик, семантик майдон, турилокутив, иллокутив, перлокутив, инхоатив аспектuali вазият, интератив аспектuali вазият, процессуал аспектuali вазият, терминатив аспектuali вазият, натижавий аспектuali вазият

Аннотация. В данной статье рассматривается аспектualiность как один из актуальных проблем его виды в аспектualiно-семантическом поле глагола to tell в английском языке и исследуются на основе научных работ мировых лингвистов и анализируются на примерах из мировой литературы. Рассмотрены также акты глаголов речевых деятельности, аспектualiные семантики и также виды аспектualiности.

Ключевые слова: аспектualiность, семантическое поле, турилокутив, иллокутив, перлокутив, инхоативная аспектualiная ситуация, интеративная аспектualiная ситуация, процессуальная аспектualiная ситуация, терминатив аспектualiная ситуация, результативная аспектualiная ситуация

Annotation. This article discusses one of the topical problems of linguistics - aspectuality, its types and aspectual-semantic field of the verb to tell in English are studied on the basis of scientific works of world linguists and analyzed using examples from world literature. Acts, aspectual semantics and aspectual situations of verbs of speech activity are also considered.

Key words: *aspectuality, semantic field, turlocutionary, illocutionary, perlocutive, inchoative aspectual situation, interactive aspectual situation, procedural aspectual situation, terminative aspectual situation, resulting aspectual situation*

Аспект феъл сўз туркумининг йирик функционал - семантик майдони саналиб, ҳозирги кунда жаҳон тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда. “Аспект” атамаси лотинча “spectare” сўзидан олинган бўлиб, “кўрмоқ” деб таржима қилинади. (1:23) Тилшуносликда аспектуаллик деганда, ҳаракат оқими хусусиятини ифодаловчи турли воситаларни ўз ичига оладиган функционал-семантик категория тушунилади. (2:340) Шунинг таъкидлаш жоизки, аспект ва замон феъл сўз туркумининг бир – бирига ҳамма вақт боғлиқ бўлган икки грамматик категорияси бўлиб, ташқи вазият кўзда тутилган замондан фарқли ўлароқ, аспект вазиятни ички ва нодеиктик (бевосита тасдиқловчи) хусусиятга эга, чунки у вазиятнинг вақтини бошқа бирон бир вақт нуқтасига боғламайди. Шундай қилиб, аспект вазиятнинг ички вақтинчалик ташкил этилган истиқболни билдиришда хизмат қилади.

Тилшуносликда аспектуаллик одатда ҳаракат оқими хусусиятини ифодаловчи турли воситаларни ўз ичига оладиган функционал-семантик категория сифатида қаралади. Аспектуал функционал-семантик майдонини морфологик, синтактик, сўз ясовчи, лексик-грамматик воситалари, лексик бирикмалар ташкил қилади. Аспектуалликнинг асосий компонентлари сифатида биринчи навбатда феълларнинг тус грамматик категориясини ажратиш кўрсатиш мумкин. Аспектуаллик майдонининг структурасида ҳар бир конкрет тилдаги аспектуал компонентларнинг қайси бири асосий ўрин тутишига боғлиқ. Масалан, словян тилларида аспектуаллик майдони марказида тус грамматик категорияси жойлашган. Аспект грамматик категорияси йўқ тилларда, яъни герман ва туркий тилларда аспектуал функционал семантик майдон марказини чегараланганлик/чегараланмаганлик категорияси ташкил қилади. (3)

Инглиз олими Комри Бернард (Comrie, Bernard) аспекти вазиятнинг "ички вақтинчалик тузилмаси" тўғрисидаги турли қарашлар сифатида белгилайди. У перфектив ва имперфективлик ўртасидаги фарқга эътиборини қаратади, перфектив маънони оддий ва имперфектив давомий маънога яъни чегараланганлик ва чегараланмаганликга ажратади. (3:26) Шу нуқтаи назардан, аспект ушбу концепцияга бирлаштирилиши кераклиги сабабли, перфектив ва имперфективлик ўртасида чегара ҳосил қилиш мумкин. Комрининг таснифи шунинг кўрсатадики, вазият "ташқи нуқтаи назардан, чегараланган (перфектив) ёки ички нуқтаи назардан давом этаётган яъни чегараланмаган (имперфектив) сифатларда кўриши мумкин." (2:364) Чегараланганлик бутун вазиятларни бир бутун сифатида тақдим этилишини англатади. Бу вазиятга ташқи томондан қаралганда, унинг ички вақтинчалик тузилиши анланмаганда юзага келади. Комрининг сўзларига кўра, "барча вазиятнинг бошланиши, ўртаси ва охири бирлашган ҳолда, таҳлил қилиб бўлмайдиган ягона яхлитлик сифатида тақдим этилади; бу вазиятда кириш ҳаракатини ташкил этувчи турли индивидуал босқичларга бўлиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилинмайди".

Бошқа томондан, чегараланганлилик унинг ички вақтинчалик тузилишига қарайдиган ички истиқболни таъминлайди. Аспектуал нуқтаи назарга келганда, чегараланганлик ва чегараланмаганлик вазиятнинг объектив хусусиятларини эмас, айнан шу вазиятнинг иккала нуқтаи назардан ҳам намоён бўлишини тақозо этишини эътироф этилади. (3:26)

1. John read that book yesterday. (Жон кеча ўша китобни ўқиди.)
2. While he was reading the book, the postman came. (У китобни ўқийётганда, почтачи келди.)

Ушбу мисолларда аспектдаги фарқ билан тақдим этилган бир ҳил вазият намоён бўлган бўлиб, биринчи мисол ташқи нуқтаи назардан тақдим этилган чегараланган вазиятни тасвирласа, иккинчи мисол ички нуқтаи назардан тақдим этилган чегараланмаган вазиятни тасвирлайди. Комрининг таснифи чегараланганлиқнинг пастки даражаси бўйича одатий ва чегараланмаганлиқ доимийлик ўртасидаги кейинги фарқни тақдим этади.

Феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини карама-қарши кўйиш, феълнинг ҳаракат оқими давомидаги якуний чегаранинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ёки ҳаракатнинг мавжуд чегарага интилганлиги, интилмаганлигининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлашга хизмат қилади. Чегараланмаган феълларнинг чегараланган феъллардан фарқи шундаки, улар ташқи предмет йўналмасини кўрсатадиган чекловчи предметлар билан аниқланмайди. Улар ўзлари учун муқим бўлмаган ҳаракат содир бўладиган макон ёки давомийликни кўрсатадиган локал ва вақт кўрсаткичли ҳол билан мослашиши мумкин. (1:24)

Аспектуал вазият – гапдаги тил воситалари ёрдамида ифодаланган аспектуал маъноларни (ҳаракатнинг бошланғич фазаси, якуний нуқтага интилиши, ҳаракат оқими ёки ҳаракатни тугалланишини) ифодалайди. Унинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, **инхоатив аспектуал вазият** асосий аспектуал вазиятларга ҳаракатнинг бошланиши ва давом этишини аниқлашга, **интератив аспектуал вазият** такрорий ҳаракатни аниқлашга, **Процессуал аспектуал вазият** ўрта оқимда бўлган ҳаракатни, **терминатив аспектуал вазият** тугал нуқтага етган вазиятни ва **натижавий аспектуал вазият** ҳаракатни тугалланиб, бирор натижага келганлигини аниқлашга. Аспектология билан шуғулланувчи тадқиқатчиларининг кўпчилиги аспектуал маъноларни бутун гап структурасида, яъни эга, кесим, тўлдирувчи, ҳолни ифодаловчи воситаларда ҳам аспекти аниқловчи хусусиятлар мавжуд деб таъкидлайди.

Куйида to speak феълнинг гаплардаги аспектуал маъноларини кўриб чиқамиз.

1. "We put the oxygen tube to his mouth and I said 'Can you speak, Peter?' (Theodor Dreiser. Twelve man. P.31) – ушбу мисолда speak феъли чегараланган инхоатив аспектуал вазиятни ташкил қилиб, сўзловчининг тингловчидан маълумот олиш, ҳолатини билиш мақсадида қўлланилган.

2. I speak of anything else (Theodor Dreiser. Twelve man. P.63) – бу гап чегараланмаган аспектуал вазиятни ҳосил қилиб, сўзловчининг вазиятни ўзгартиришга ҳаракатини билдиради.

3. I cannot speak coherently, ... (Theodor Dreiser. Twelve man. P.85) – бу гап чегараланган интератив аспектуал вазиятни билдириб, сўзловчининг нутқидаги чекланганликдан дарак беради.

4. ... I could scarcely speak (Theodor Dreiser. Twelve man. P.111) – бу гапда ҳам чегараланган аспектуал вазиятни ташкил қилиб, сўзловчининг вазиятдаги ҳолатини билдиради.

5. ... he was now speaking for dictation and not for an audience to hear, ... (Theodor Dreiser. Twelve man. P.124) – бу гапда чегараланмаган процессуал аспектуал вазият акс эттирилиб, сўзловчининг мақсади баён қилинган.

6. We were speaking of the characteristics of certain individuals, (Theodor Dreiser. Twelve man. P.1571) – бу гапда ҳам чегараланмаган процессуал аспектуал вазият намоён бўлиб, сўзловчининг тингловчига маълумот бериши акс этган.

7. "Before I started to work for this office there wasn't a day that I didn't meet and speak friendly with Elihu. (Theodor Dreiser. Twelve man. P.157) – ушбу мисол эса чегараланган терминатив аспектуал вазиятни аниқлашга, сўзловчи учинчи шахсга бўлган муносабатини билдирган.

8. I asked of the young man who had spoken from the corner. (Theodor Dreiser. Twelve man. P.35) – чегараланмаган терминатив аспектуал вазият субъектнинг ҳолатини ифодалаган.

9. we've been quarreling, too, haven't spoken for a week. (Theodor Dreiser. Twelve man. P.58) - bu gapda esa chegaralanган процессуал аспектиал вазият сўзловчининг субъект ўртасидаги маълум бир вақт орасидаги муносабатини билдирган.

10. ... the doctor always spoke of him sympathetically as "Poor old Id Logan" (Theodor Dreiser. Twelve man. P.82) – bu gap chegaralanмаган интератив аспектиал вазиятни ташкил қилиб, сўзловчининг субъектга бўлган муносабати акс этган.

11. Your brother spoke to me about you. (Theodor Dreiser. Twelve man. P.88) – bu gapda chegaralanган терминатив аспектиал вазият тингловчига информатив бўлиб хизмат қилган.

12. Of course, I asked him down and he came and spoke of his health. (Theodor Dreiser. Twelve man. P.149) – bu gap chegaralanган терминатив аспектиал вазиятни ҳосил қилиб, субъектнинг ҳолатини сўзлаб бериши акс эттирилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида келтирилган бадиий адабиётдан олинган мисоллар таҳлилида инглиз тилидаги to speak феъли чегараланган, чегараланмаган, инхотив, интератив, процессуал шунингдек, терминатив аспектиал вазиятларни ташкил қилиши яққол намоён бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. F. Мирсанов. to walk феълининг аспектиал семантикаси. <https://adi.uz> > pdf >
2. Binnick, Robert The Markers of Habitual Aspect in English. *Journal of English Linguistics* 33(4). 2005: 339-369. [Full Text](#)
3. Comrie, Bernard. *Aspect: An Introduction to Verbal Aspect and Related Problems*. Cambridge, England: Cambridge University. 1985: 26-32 p. ISBN 0-521-21109-3 [Google Book Search](#)
4. T. Dreiser. Twelve man. 1919 y. 231 p.

Наишра проф. Б.Бахриддинова тавсия этган

“TO SEE”– FE’LIDA OBSERVER SEMANTIKASI VA UNING KOGNITIV TAHLILI

Davurova U.J. (QarDU)

Аннотация. Ushbu maqolada fe'l semantikasini tahlil qilishda kuzatuvchining o'rni va uning kognitiv tahlili ingliz tilidagi to see fe'li orqali ko'rsatib berilgan.

Tayanch so'zlar: *taksonomik sinf, observer, metafora, stimuly va obraz, semantic ma'no, kognitiv yondashuv, informator, eksperiment, grammatik shakl.*

Annotation. This article is investigated the role of the observer in the analysis of verb semantics and its cognitive analysis through the English verb to see.

Key words: *taxonomic class, observer, metaphor, stimulus and image, semantic meaning, cognitive approach, informatory, experiment, grammatical form.*

Аннотация. В данной статье исследуется роль наблюдателя в анализе семантики глагола и его когнитивном анализе через английский глагол to see.

Ключевые слова: *таксономический класс, наблюдатель, метафора, стимул и образ, смысловое значение, когнитивный подход, информативность, эксперимент, грамматическая форма.*

Zamonaviy tilshunoslikda fe'l semantikasini tadqiq etishda kognitiv yondashishga keng e'tibor qaratilmoqda. Bu kabi yondashuv til hodisalarini tashkil etadigan so'z, konseptlarni va ularning kategoriyalarini aniqlashda muhim o'rin tutadi. Xususan, fe'l semantikasining shakllanishi va ma'no ko'chishida gap bo'laklari (ega, to'ldiruvchi, hol) ta'siridan tashqari voqea va hodisalarni, jarayonni tasvirlanishida observer (kuzatuvchi) semantikasining o'rni ham beqiyosdir [5,18].

Fe'l semantikasini tasvirlashda inson (shaxs), jonsiz predmet, hodisa va boshqa ko'plab taksonomik sinflar alohida o'rin tutadi [2,92]. Agarda fe'l ma'nosi biror- bir taksonomik sinf a'zosini talab qilsa, u holda taksonomik sinf a'zosi fe'l semantikasining o'zgarishiga ham olib kelishi mumkin. Misol uchun “ko'rmoq” fe'lida persept material obyektga (*I see a book on the table*) va shuningdek vaziyatga (*he saw her coming*) tegishli bo'lishi mumkin. Ammo barcha lug'atlar mazkur kontekst uchun bir xil ma'noni berishadi. Kontekstdagi biror komponentning

o'zgarishi yoki qo'shilishi yangicha ma'noni yuzaga kelishiga ham sabab bo'lishi mumkin. Misol uchun *again* ravishining qo'shilishi harakatga qayta kirishish ma'nosini yuzaga keltirsa, *often* ravishining qo'llanilishi holatning takrorlanishini, ya'ni iterativlikni hosil qiladi.

Fe'l semantikasi vaziyatda qatnashuvchi komponentlarning aniqlanishiga qarab vujudga keladi. Shuning uchun ham fe'l semantikasi vujudga kelishida uning valentligini to'ldiradigan gapdagi ot xususiyati bilan ifodalanadi. Fe'l leksemasi gapda qo'llanilganda vaziyatda qo'llaniladigan barcha komponentlarni tasvirlaydi.

Y.Paducheva tomonidan kiritilgan taksonomik sinflar (obyekt, obyekt va substansiya, hodisa, jarayon, faoliyat, holat) [4; 34] tomonidan ontologik kategoriya atamasi bilan yuritiladi. Mazkur metaforalar, konseptlar bir obyektning boshqasiga metaforik o'zgartirilishiga asoslangan bo'ladi.

Taksonomiya, taksonomik sinflar tushunchalarining kiritilishi metaforani tushunishdagi, talqin etishdagi yangicha qadam bo'ldi desa ham bo'ladi. Metafora – bu so'zga tegishli bo'lgan bosh, kategorial (taksonomik) ma'nosining o'zgartirilishi hisoblanadi. Taksonomiya metanomiya uchun ham muhim o'rin tutadi.

Har qanday leksik birlik bo'lishidan qati nazar, ular bir xil yoki bir-biriga o'xshash sintaktik birlikka, leksik-semantik birikmaga yoki grammatik shakllar va ularning ma'nolari, shuningdek, fikrning kommunikativ- prosodik shakllanishiga bog'liq. Boshqa so'z bilan aytganda, sistema hosil qiluvchi fikrlar turli leksik birliklarning semantik xususiyatini aniqlaydi.

Turli sathdagi til birliklarining o'zaro kombinatsiyalashuvi fe'l semantikasidagi ma'nolarning sistemalashuviga olib keladi. Buning natijasida fe'l ma'nosi leksik birlikning turi, uning sintaktik boshlanishi, leksik-semantik aloqasi, grammatik shaklning ta'siri natijasida o'zgarib boradi.

Ingliz tilshunosi B.Levin yaratuvchi va tasvirlovchi fe'llar guruhini ingliz tilidagi uchta guruhini keltiradi. Ushbu guruhlar o'rtasidagi farq tasviri va obyektning pozitsiyasi, o'rni, fe'l bilan munosabatga kirishish imkoniyatlarida aks etadi [2; 152].

Hissiy sezish guruhi fe'llari o'zlarining aktant strukturasida farqlanadi. Jumladan, to see fe'lini oladigan bo'lsak, mazkur fe'l gapdagi stimul va obraz o'rtasida yuzaga keladigan munosabat va aloqani bog'laydi. Ushbu fe'lning bosh, denotative ma'nosi vositasiz to'ldiruvchi olganda, o'sha to'ldiruvchi ham stimulni, ham obrazni anglatadi. Masalan: I see Kate. Ammo ko'chma, yasama ma'nolarda to see fe'li shaxsning, kuzatuvchining, narratorning fikri sifatida qaraladi. Mazkur holda stimul va obraz tarqalishi mumkin, ya'ni har bir ushbu a'zolarining o'z sintaktik pozitsiyasi mavjud bo'lishi mumkin.

He had seen enough of him at Lossie House to know what he was.

Ko'rmoq fe'li kognitiv pozitsiyadan talqin qiladigan bo'lsak informator vazifasini bajaradi. O'sha ko'rish orqali inson ongida ko'rilgan obyekt (yoki shaxs, voqea, hodisa) to'g'risidagi tasavvur paydo bo'ladi. Masalan: *“Have you ever seen such legs, and such a neck, and such a head, and such hindquarters.... She's such a beauty; it's little wonder the marquis bought her the moment he laid eyes on her.”*

Shaxs yoki subyekt ongida harakat yo'naltirilgan obyekt to'g'risida biror tassavvurga ega bo'lish semantikasi yuzaga keladi. Masalan, *You'll just ride her to Forres market next week and see what you can get for her.*

Mr. Crathie's feelings overcame him, and he was a wrathful man to see as he strode up to the youth with clenched fist.

Ko'rish orqali bilimga ega bo'lish. Oldingi tassavurni haqiqiy jonlantirish ma'nosi ko'zga tashlanadi: *If I see you about the place after sunset, I'll horsewhip you,” said the factor and walked away.*

Subyekt to'g'risidagi birinchi yoki boshlang'ich ma'lumotga ega bo'lish semantikasi hosil bo'ladi. Misol tariqasida, *For to fear as the marquis of Lossie was not merely to take from Florimel the title she supposed her own but to declare her illegitimate, seeing that the marquis' first wife...;*

So when I saw you coming up the dune, I just felt I had to tell you.

Subyekt tassavvuridagi ma'lumotning haqqoniyligi to'g'risidagi bilimning informatsiyasi ko'zga tashlanadi. Masalan:

...it's doubtful Malcolm would have ever seen the need the identity himself as the marquis.

Maqsad natijasida yuzaga keladigan birinchi ma'lumot. Mazkur hol faqatgina to see fe'lining semantikasi yordamidagina emas balki ushbu felning grammatik pozitsiyasi, ya'ni infinitiv shaklida maqsad holda qo'llanilishi natijasida amalga oshadi. Fikr isboti uchun, *Losh, it was a picture to see him standing with that. For you see, I loved him before I knew there was a drop of his blood in me.*

"I would rather not", he replied, "but we'll have to see how he carries himself";

Subyekt tassavvurida mavjud bo'lgan obyekt (shaxs)ning qay darajada aks etishi ushbu obyekt to'g'risidagi bilim borasidagi ma'lumotni keltirilishi kabi semantic ma'no, kognitiv bilim ifodalanadi: *"And it can't be that I should ever forget the face you showed me in the coffin-the prettiest, saddest face I ever saw" returned Malcolm with a quaver in his voice.*

Subyektning obyekt borasidagi keyingi ma'lumotlarga ega bo'lish maqsadi yuzaga kelgan. Albatta mazkur semantik ma'no faqatgina to see fe'lining semantikasi emas, balki u bilan kelgan *would rather, have to* modal birikmalarining semantik kombinatsiyasi orqali vujudga keladi. Ushbu ma'nolarga taalluqli misollarga e'tibor qaratganimizda uni kuzatishimiz mumkin: *...he would rather see married to any honest fisherman in the Seaton of Portlossie House to know what he was.*

"That's what you have to go and see"

Subyekt va obyekt o'rtasida yuzaga kelgan tasodifiy uchrashuv semantikasi hosil bo'ladi. Mazkur holda obyekt to'g'risidagi ma'lumot subyekt ongida turlicha aks etadi. Ushbu hol birinchidan oddiygina ma'lumot sifatida aks etishi mumkin. Ikkinchidan, emotive hol yuzaga kelishi, uchinchidan, negativ reaksiya vujudga kelishi ehtimoli mavjud. Masalan, *With the wind from the northwest, they soon reached Duff Harbour were Malcolm went on shore and saw Mr.Souter.*

"My dear, Lady Lossie! See how close he is riding to us now"

But he was annoyed to see once or twice a look between them that indicated some sort of intimacy at least.

Subyekt ongida bo'lgan negativ informatsiyaga nisbatan pozitiv ma'lumotning hosil bo'lish semantikasining shakllanishini ifodalaydi. Misol tariqasida, *Malcolm saw nothing mad in it, and the lawyer had to admit he ought to know best.*

Alas! Her eyes might have rested on him twenty times without his face once rousing in her mind the thought of the fisher-lad.

Subyekt ongida uning o'sha obyekt yoki voqea-hodisa borasidagi ma'lumotning cheklanganligi va undagi bilimning yetishmasligi, keyingi harakat bo'yicha imkoniyatining chegaralanganligi semantikasi hosil bo'ladi. Mazkur hol odatda gapda to see fe'lining inkor shaklida qo'llanilishi orqali ifodalanadi. Masalan: *And except he could be near her as a servant, he didn't see a chance of doing anything for her without disclosing facts which might make all further service impossible.*

Subyekt ongida obyekt to'g'risidagi butun ma'lumotning aks etish semantikasi gavdalanadi, ya'ni obyektning o'sha vaqt jarayonidagi holati subyekt ongida shakllanadi. Masalan: *Behind the form of the earl his mind's eye saw that of Lizz Findlay, out in the wind on the BOAR's Tail dune, her shawl wrapped about herself.*

Ko'rinib turibdiki, subyekt ya'ni inson kognitsiyasida, ongida paydo bo'ladigan bilimning, ma'lumotning, fikrning bosh informatory to see fe'li hisoblanadi. Mazkur fe'l tomonidan ifodalanadigan harakatlar, jarayonlar, obyekt to'g'risidagi ma'lumotlarning inson ongida shakllanishi, tassavurning paydo bo'lishi bevosita ushbu fe'lining kognitiv tilshunoslikdagi o'rnini belgilash imkonini beradi. Ko'rib chiqilgan tahlil va izohlar orqali ushbu fe'lining kognitiv belgilarini keltirishimiz mumkin:

- Subyekt ongida ma'lumot borasidagi narrativlik informatsiya;
- Subyekt to'g'risidagi birinchi yoki boshlang'ich ma'lumotga ega bo'lish;
- Maqsad natijasida yuzaga keladigan birinchi ma'lumot;

- Subyekt ongida bo'lgan negativ informatsiyaning yuzaga kelishi;
- Subyekt ongida hosil bo'lgan obyektga nisbatan emotive holatning yuzaga kelishi.

Fikr anglash metaforalari odatda ko'rish orqali yuzaga kelgan voqea va hodisalar natijasida namoyon bo'ladi. Bu ma'nolar to see fe'lining bevosita kognitiv jihatdan verballasha olish imkoniyati kengligidan dalolat beradi. Natijada to see fe'li fikr, bilim, dunyoqarash, qarash, xulosa kabi so'z konseptlari bilan verballasha oladi.

Turli sathdagi til birliklarining o'zaro kombinatsiyalashuvi fe'l semantikasidagi ma'nolarning sistemalashuviga olib keladi. Buning natijasida fe'l ma'nosi leksik birlikning turi, uning sintaktik boshlanishi, leksik-semantik aloqasi, grammatik shaklning ta'siri natijasida o'zgarib boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Minsky M. A phramework for representing knowledge. In: P.H. Winston (eds). The psychology of computer vision. New York: McGraw – Hill, 1975. – p. 211-277p.
2. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М.: Наука, 1976. – 208 с.
3. Падучева Е.В. Семантические исследования: семантика времени и вида в русском языке. Семантика нарратива. – М.: Языки рус. культуры, 1996. – 256 с.
4. Падучева Е.В. Кто же вышел из «Шинели» Гоголя? (о подразумеваемых субъектах неопределенных местоимений) // Известия РАН, 1997. – № 2. – С. 20–27.
5. Падучева Е.В. Еще раз о генитиве субъекта при отрицании // ВЯ 2005. – № 5. – С. 84–99.

Наишра проф. Б.Бахриддинова тавсия этган

ЭВИДЕНЦИАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИ ВА ЭВИДЕНЦИАЛ КЛИШЕ БИРЛИКЛАРИ ЕВРОПА ВА ОСИЁ ТИЛЛАРИ ТУРКУМИДА

Хамраева М.Г. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада инглиз тилидаги барча сезги феъли эвиденциал таҳлил қилинган. Унда мазкур феълнинг ўзига хос маъно англатувчи семалари аниқланган ҳамда турли маъновий муносабатга кириша оладиган эвиденциал клишелари бадиий адабиётлар мисолида чуқур ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: сезги феъллари, сема, эвиденциаллик, клише, оддий клише, махсус клише, морфема, аффикс, дефис, апостроф, суффикс.

Аннотация. В статье в сопоставительном аспекте анализируются эвиденциальные стороны всех глаголов восприятия английского языка. Определены своеобразные семы данных глаголов, передающие различные значения, а также подробно описаны особенности семантических отношений эвиденциальных клитиков в контексте вместе с окружающими словами.

Ключевые слова: глаголы восприятия, сема, эвиденциальность, клише, простые клитики, специальные клитики, просодия, морфема, аффикс, дефис, апостроф, суффикс.

Abstract. The article provides an evidential analysis of all the verbs of perception in English as well as in Uzbek. It deeply identifies the specific semantics of the verb and elaborates on its evidential clitics, which are combined with various semantic relationships.

Key words: verbs of perception, seme, evidentiality, clitics, simple clitics, special clitics, prosody, morpheme, affix, hyphen, apostrophe, suffix.

Эвиденциаллик лингвистик категория бўлиб, сўзловчи унинг ёрдамида бирор воқеани тавсифлашда бевосита иштирокчи вазифасини бажаради. Бирор шахснинг маълум фактга доир ўз фикрини ёки ўзганинг фикрини бевосита бошқа шахсга етказиши ёхуд билдириб қўйиши эвиденциалликнинг аҳамиятли томонидир [Kratschmer 2010; 331]. Эвиденциаллик бу ташқи дунёдан олинган субъект ҳақида онгда пайдо бўлган маълумот манбаси бўлиб, когнитив аҳамиятга эга ҳисобланади [Heijnen 2010; 38]. Эвиденциаллик маълум умумий назарий атамаларнинг семантик функцияси бўлиши билан бир қаторда ана ўша атамаларнинг тилдаги лексик ва грамматиқ ижросини таъминловчи кенг тарқалган когнитив атамалар [Langaker 2015; 49].

Эвиденциаллик тушунчаси ҳақида таърифларнинг турлича ва хилма-хил бўлишидан қатъи назар, бу ҳодиса когнитив асосга эга бўлиб, сўзловчи томонидан етказилаётган маълумотнинг тингловчида ишонч уйғотиши орқали сўзловчининг ‘эпистемологик’ маконига алоқадор маълумотига асосланади [Bednarek 2006; 635].

Тилшуносликда эвиденциал ҳодисалар бевосита ҳамда билвосита тарзда юзага келади. Зеро, эвиденциал таҳлилда бир нечта сезгилар *кўриши (see)*, *эшитиши (hear)*, *ҳис қилиши (feel)*, *хид билиши (smell)* ва *таъм билиши (taste)* каби сезгилар иштирок этиши кузатилади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида эвиденциал клише атамасига эътибор қаратилмаган, гарчи кўпчилик европа олимлари ушбу атамани қисман таърифлаб беришган бўлса ҳам. Шу боис, биз ўз мақоламизда ушбу атамани ёритиб беришни лозим топдик.

Клише бу – эркин ёки боғланган морфема бўлиб, у сўзнинг синтактик характеристикаси ҳисобланади, аммо фонологик жиҳатдан кўпинча бир хил, баъзан айро ҳолда талаффуз қилиниши ҳам мумкин. Клише худди аффикс ёки суффикс каби бир хил талаффуз қилиниши мумкин бўлган қўшимча бўлиб, у фраза даражасида синтактик вазифа бажариши мумкин. Бошқача қилиб айтганда клишелар аффикслар шаклига эга бўлибгина қолмасдан функционал сўзларнинг тарқалишида ҳам иштирок этиши мумкин. Чунончи, *he's (he is) va he's (he has) ёки it's (it has) ёки it's (it is)*. Шунингдек, *heel* ҳамда *he'll* сўзларини ҳам эвиденциал клишега мисол қилиб келтиришимиз мумкин [Runic 2014; 16].

Клишелар ўз мезбонларига энг қуйи даражали муносабатни аффикслар эса, ўзакларига энг юқори даражали муносабатни билдирадилар [Zwicky 1985; 285].

Ж.Клаванс эвиденциал клишеларни икки турга бўлиб ўрганишни таклиф қилади: 1) оддий; 2) махсус. *Оддий клишелар* – бу эркин морфемалар бўлиб, улар ибора ёки гапда яқка ҳолда келиши мумкин. Клишелар гапда асосий вазифани бажармаганлиги сабабли, улар фонологик жиҳатдан яқин бўлган сўз билан биргаликда қўлланилади. Бунда улар ҳамиша (*host*) мезбон ёки ўзак бўлмиш сўздан маъно олади. *Махсус клишелар* эса сўз билан боғланган морфемалар ҳисобланади, одатда улар ўзакка бирлашиб кетган бўлади ва ўз ўзакнинг бир қисми сифатида сўз ёки жумла таркибида фаол қўлланади. Ушбу шакл ясовчи морфема ҳеч қачон диққат сўзлашувчилар контекстининг диққат-марказида бўлмайди, фақат урғу орқали талаффуз қилинади. Шунинг учун, бир хил маъно ҳамда ўхшаш фонологик тузилишга эга бўлган махсус клишелар контекстда мезбон сўз билан бежириим ҳолда боғланади [Clavans 1995; 9].

Мазкур назарияларга асосланиб, олима эвиденциал клишеларни грамматикалашнинг айримларини тарихий жараёнидан ўтган элементлар дея таърифлайди. Булар, *лексик элемент* → *клише* → *аффикс*. Ушбу модулга кўра, маълум бир контекстдаги автоном лексик элемент вақт ўтиши билан мустақил сўзнинг тўлиқ хусусиятларини йўқотиши ва морфологик қўшимчанинг хусусиятлари бўлмиш *префикс*, *қўшимча*, *инфикс* ва *суффикс* кабиларни эгаллаши кузатилади.

Аксарият клишеларнинг ўхшаш хусусияти бу просодик¹ мустақилликнинг етишмаслигидадир. Бунда клише ўзининг ёнидаги қўшни сўзга қўшилиб, унинг эгаси бўлиб олади. Орфографик конвенцияларда клишелар турли хил йўллар билан ўрганилади: уларнинг айримлари алоҳида сўз сифатида ёзилса, бошқалари эса ўзининг мезмонлари орасида ёзилади, баъзилари мезбонларига хужум қилиб уларни енгади, аммо пунктуация белгиси бўлмиш дефиз ҳамда апостроф орқали белгиланади [Clavans 1995; 21].

Инглиз тилида клишелар қуйидаги ҳолларда учраши мумкин: *we're, he's, ain't, don't, didn't*. Аҳамиятли томони шундаки, клишеларни барча сўз туркумлари таркибида учратишимиз мумкин. Аммо, бизнинг тадқиқотимиз феълга қаратилганлиги боис, биз фақат сезги феъллар таркибидаги клишеларни таҳлил қилиб кўрамиз. Масалан,

¹ Просодик бу – нутқдаги фонетик сегмент каби элемент бўлмаса-да, бўғин таркибида оғзаки нутқнинг каттарок бўлимлари (интонация, урғу ва ритм) таркибида фаол тарзда учрайди.

All news we hear's fake. The radio we listen's on the fireplace.

All the news we hear is fake. The radio we listen is on the fireplace.

Бундан ташқари, клишелар ёрдамчи сўзлар ёки модал феъллар билан бирга қўлланилиши мумкин: *Speak louder, I can't hear you! I won't see you anymore! She couldn't feel it. You shouldn't smell the coffee. I mustn't taste it. You needn't listen to her.* Агар сезги феълларини морфологик таҳлил қиладиган бўлсак, унда эвиденциал клишеларни суффикслар таркибида ҳам учратишимиз мумкин. Мисол учун, *un/hear/ing, tast/y, smell/y, feel/ing.*

Маълумки феъл ясовчи суффикслар барча тилларда мавжуд. Демак, сезги феълларида ҳам суффикслар йўқ эмас. Инглиз олимлари сезги феъллари таркибида учрайдиган суффикс ва аффиксларни клишелар гуруҳига киргизадилар. Мисол учун: *hear/s – hear/ing – hear/d, smell/s-smell/ing – smell/ed, taste/s-taste/d-tast/ing, look/s – look/ing-look/ed.*

Ўзбек тилида *-иб, гач, -кач, -қач, -ди, -ти, -ган, -кан, -қан* каби замон ясовчи феъл суффиксларини эвиденциал клише туркумига киргизишимиз мумкин.

Роман тилида клишелар *lo atamos [loa'tamos]* (биз уни боғладик) кўпликда *lo* (уни) клишеси орқали қўлланилади, чунки ушбу гапда у тўлдирувчи вазифасида келиб, феъл билан боғланмоқда.

Испан тилида эса *Ele ligou é para Paula* - У телефон қилган одам Пауладир. Мазкур гапда *é* клишеси дир маносини билдирмоқда.

Шветсия, Дания ҳамда Норвегия тиллари бўлмиш немис тилида клишелар куйидаги ҳолларда учрайди *-sk* (from *sik*), *-mk* (from *mik*), *-k* (from *ek*), and *-ðu / -du / -tu* (from *þú*) " [*Hávamál*, 116].

Рус тилида: *ди* (савол ясовчи қўшимча), *же* ва *то*(урғу), *не* (прокритик яъни инкор), *бы* (истак майли).

Польша тилида: *-by* (ёрдамчи сўз), *się* (ўзлик олмоши) *no* ҳамда *-że* (урғу), *-m, -ś, -śtu, -ście* (шахс ясовчи қўшимча), *mi, ci, cię, go, tu &c.* (урғу олмаган кишилик олмоши).

Кроатия тилида: *sam, si, je, smo, ste, su; and bih, bi, bi, bismo, biste, bi* (замон ясовчи қўшимча), *(me, te, ga, je, nas, vas, ih)*, датив келишиги *(mi, ti, mi, joj, nam, vam, im)* аккузатив келишиги кабиларни ўз ичига олади [*mand*].

Клишеларни гап таркибида куйидаги ҳолларда учратишимиз мумкин:

• *Pokažite mi ih.* "Show (pl.) them to me."

• *Sve sam vam ih pokazao (jučer).* "I showed all of them to you (yesterday)." Ушбу гапда клише all олмошига урғу берилмоқда.

• *Jučer sam vam ih (sve) pokazao.* "I showed them to you yesterday." Мазкур гапда клише "yesterday" пайт ҳолига урғу берилмоқда.

• *Znam da sam vam ih već pokazao.* "I know that I have already shown them to you."

Мазкур гапда клише you олмошига урғу берилган.

• *Zar sam vam ih jučer pokazao?* "Did I (really) show them to you yesterday?" Бу гапда клише қўмакчи орқали намоён бўлган.

Kad biste mi ih sada dali... "If you (pl.) gave them to me now..." Мазкур гапда if you would юкласи орқали ёритилган [Zwicky/Pullum 1985; 285].

Стенфорд университети олимлари А.Звики ва Г.Пуллумлар клишеларни аффикслардан фақлашни куйидаги тўрт гуруҳга бўлиш орқали ёритиб беришган:

1. Клишелар ўз мезбонларини танламайдилар. Чунки улар керакли пайтда ҳар қандай сўзга таъб тортмай ҳужум қиладилар, улар маълум сўз туркумига семантик ёки умумий ҳолда ҳужум қиладилар.

2. Клишелар асосиз гапларни намоён қилмайдилар. Бошқа томондан аффикслар лексикалашган бўлади ва ҳамма сўзларда ҳам кўплик шаклида *-s* суффиксини олавермайди. Масалан, *child* сўзининг кўплиги *children bo'ladi*.

3. Клишелар морфологик идиосинкразияни намоён қилмайди, Чунки, улар тилнинг қолган қисмида морфологик қоидаларга бўйсунди. Аффикслар бунда *irregular* яъни нотўғри бўлиши мумкин.

4. Клишелар материал мавжуд бўлган аффиксли клишелардан ташкил топган бўлади. Аффикслар бошқа аффиксларга хужум қилиши мумкин, аммо материал клишеларга хужум қила олмайди [Zwicky/Pullum 1985; 287].

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, клише термини барча тилларда ҳар қандай элемент бўлишидан қатъи назар, типик сўз ва типик аффикс каби грамматик статус оралиғидаги лингвистик элемент ҳисобланади. Клишелар тилшуносликнинг морфология бўлимида чуқурроқ ўрганилиб, назарий жиҳатдан камёб бўлган лингвистик просодик атама сифатида юзага чиқади. Клишелар синтактик жиҳатдан сўзнинг фраза ҳамда мураккаб гап таркибидаги сатҳларини яшашда иштирок этиб, сўзнинг бошида баъзан охирида келган қисмига, қайси сўз туркуми бўлишидан қатъи назар фонетик ҳамда лексик хужум қилади ва қўшилиб олиб, сўзнинг маъно англатувчи бўлаги сифатида хизмат қилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, юқорида биз клишеларга асосий изоҳ бериш орқали маълум критерияни постлексик клише ва морфологик аффиксга ажратиб олиб сезги феъллари таркибида келганининг ҳамда уларнинг ҳар иккиси просодиянинг етишмаслиги билан характерланганининг гувоҳи бўлдик. Бунда иккита категория ўртасида аниқ бир боғлиқлик мавжуд эмас, гарчи уларни морфологизация орқали ажратиб олиш мумкин бўлса ҳам. Бир томондан эвиденциалликда асл клишеларнинг кузатувчи хусусиятлари кластерлар орқали аниқланган бўлса, бошқа томондан аффиксларнинг моҳиятли мисоллари эмпирик асосга доир бўлган аффикс категориясини намоён қилади. Кейинги мақолаларимизни эвиденциалликнинг бошқа таҳлилларини ҳам кўришингиз мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Heijnen A. Relative Evidentiality in European Languages: Linguistic coding and its anthropological background, 2010. – P 388.
2. Anderson B. Evidentials, paths of change, and mental maps. Berlin: Mouton de Gruyter, 1986. – P 273.
3. Kratschmer A. The Linguistic Realization of Evidentiality in European Languages. Berlin: Mouton de Gruyter. 2010. – P 331-368.
4. Zwicky A., Pullum G. Clitics and particles. Ohio State university. Language volume 61, number 2. 1985. – P. 109-127.
5. Bednarek M. Epistemological Positioning and Evidentiality in English News Discourse, 2006. – P. 635-660.
6. Runic J. A New Look at Clitics, Clitic Doubling and Argument Ellipsis: Evidence from Slavic. Doctoral dissertation. University of Connecticut Graduate School, 2014. – P. 160.
7. Clavans J. On Clitics and Cliticization. The Interaction of Morphology, Phonology and Syntax. 1995. – P. 210.
8. Langacker R. Cognitive Grammar. – Oxford: Oxford University Press, 2008. – P. 571.

Наишга проф. Б.Баҳриддинова тавсия этган

SHE'RIY TURKUMNI SHAKLLANTIRUVCHI BIRLIKLAR

Fayzullayeva O.X. (GulDU)

Аннотация. Mazkur maqolada she'riy turkumni ham shaklan, ham mazmunan shakllantiruvchi unsurlar Mirtemirning lirik turkumlari misolida tadqiq etilgan. Undagi shakliga xos komponentlar sirasiga sarlavha, epigraf, qismlarning nomlanishi, kompozitsion vosita yoki usullarning mavjudligi kabilar nazarda tutilgan bo'lsa, mazmunga xos unsurlar sirasiga shoirning badiiy niyati asosida shakllantirilgan mazmun, lirik qahramon kechinmasi tavsifidagi izchillik, poetik obraz ishtirokidagi ketma-ketlik va boshqalar tushunilishi o'rganildi. Turkumlarni birlashtiruvchi komponentlar mazmun va shakl dialektikasi asosida shakllantirilishi haqida xulosaga kelindi.

Tayanch so'zlar: *she'riy turkum, badiiy g'oya, motiv, konseptual birlik, unsurlar, matniy bog'liqlik, sarlavha, epigraf, bog'ishlanish, mavzu birligi, janrlar birligi, umumiy mazmun, vaqt birligi, joy birligi va boshqalar.*

Annotsatsiya. В данной статье на примере лирических циклов Миртемира исследуются элементы, формирующие поэтический цикл как по форме, так и по содержанию. Среди компонентов, характерных для его формы, таких как заглавие, эпиграф, наименование частей, имеется в виду наличие композиционных средств или приемов, тогда как элементы, характерные для содержания, - это содержание, формируемое на основе художественного замысла поэта, изучалась системность в описании переживаний лирического героя, последовательность с участием поэтического образа и т. д. Сделан вывод о том, что компоненты, объединяющие категории, формируются на основе диалектики содержания и формы.

Ключевые слова: поэтический цикл, художественная идея, мотив, понятийная единица, элементы, текстовая связь, заглавие, эпиграф, посвящение, тематическая единица, жанровая единица, общее содержание, единица времени, единица места и др.

Annotation. In this article, the elements that shape the poetic cycle both in form and content are studied on the example of Mirtemir's lyric cycles. Among the components specific to its form, such as the title, epigraph, the naming of parts, the presence of compositional tools or methods are meant, while the elements specific to the content are the content formed based on the artistic intention of the poet, the consistency in the description of the lyrical hero's experience, the sequence with the participation of the poetic image, etc. was studied. It was concluded that the components uniting the categories are formed based on the dialectic of content and form.

Key words: poetic cycle, artistic idea, motif, conceptual unit, elements, textual connection, title, epigraph, dedication, thematic unit, genre unit, general content, time unit, place unit and others.

XX asr adabiyotshunosligida “sikl” tushunchasining nazariy mazmuni butun yaxlitlikning bir turi sifatida siklning tipologik xususiyatlari, shakllarini o‘z ichiga olganligi ma’lumlashadi. Siklning xos xususiyatlari sifatida ulardagi mazmunan bir-biri bilan bog‘langan bir nechta asarlarning mavjudligi; ikkilamchi tarkibiy yaxlitlikning mavjudligi; matnlar o‘rtasida assotsiativ bog‘liqlik; sikldagi she’rlarning tartibi va muallifning atrofida olamga munosabati; markaziy motivga, g‘oyaga asoslanish; turkumning bir qator tizimli elementlari – uslubiy, ritmik, majoziy-metaforik, intonatsion umumiyliги bilan XX asr poeziyasining “katta shakli” hisoblanishi kabilar nazarda tutiladi.

Turkumning eng muhim vazifalari kompensatorligi, ya’ni badiiy asarlarni bir-biriga bog‘lay olishi va kommunikativligi, ya’ni turkumning tarkibiy xususiyatlari, siklning barcha elementlarini bir-biriga o‘zaro bog‘lay olishi hisoblanadi.

Turkumni shakllantirish jarayoni o‘quvchining san’at asarlari jami, turkumga uning muallifi tomonidan kiritilgan intertekstual aloqalar tizimi va turkumni tashkil etuvchi unsurlari to‘g‘risida xabardor bo‘lish jarayonidir.

“Sikl” atamasini keng tushunish taklif etiladi: matnning kontekstual tabiatning estetik butunligi¹, konseptual birlik, unsurlarning matniy bog‘liqligi, badiiy olamning umumiyliги, sarlavha – va turkum shakllanishining ehtimoliy mezonlari (nomi, epigraf, bag‘ishlanish, mavzu birligi, janrlar) umumiy mazmun, vaqt birligi, joy birligi, ichki g‘oya birligining mavjudligi va boshqalar.

Turkumlilikni shakllantirishning o‘ziga xos mezonlari sifatida turkumlar mazmunidan anglashilayotgan umumiy kayfiyat, tabiat tasviri, she’riy matnlarni tashkil etishningo‘xshashligini ham ko‘rsatish mumkin. Turkumni shakllantiruvchi birliklarni Mirtemirning mashhur “Qoraqalpog‘ daftari” turkumi misolida ko‘rib o‘tish maqsadga muvofiq. Mazkur turkum shoirning Qoraqalpog‘istonga safari natijasi o‘laroq yozilgan bo‘lib, turkum tarkibida 20 ta she’r mavjud. She’rlar hajmi har xil bo‘lsa-da, ularning lirik qahramoni shoir Mirtemirning o‘zi bo‘lib, uning safar taassurotlari, o‘y-kechinmalari she’rlarning asosiy mavzusi va mazmunini tashkil etgan. Turkumdagi birinchi she’r “Daryo jimir-jimir, osmon lojuvard” deb boshlangan. Ushbu peyzaj lirikasi namunasi bo‘lgan she’r Qoraqalpog‘istonning o‘ziga xos tabiatini aks ettirgandir.

*Daryo jimir-jimir, osmon lojuvard,
Bog‘lar mudramoqda, dala bepoyon.*

¹ Ляпина Л.Е. Литературный цикл в аспекте проблемы жанра // Проблемы литературных жанров. – Томск, 1990. – С. 47.

*Kuyla, to'lib-toshib, ko'rmagin hech dard,
Kuylasang balqiydi zaminu zamon;
Bog'lar mudramoqda, dala bepoyon¹.*

Bundagi lirik qahramon qalbidagi cheksizlikni qamrash va bepoyonliklikdan bahramand bo'lish hissi ifodasi tabiat tasvirlari bilan omuxta tarzda bayon qilingan. Unda shoir “daryo jimir-jimir”, “osmon lojuvard”, “dala bepoyon” kabi sifatlashlardan, “bog'lar mudramoqda” kabi jonlantirishlardan unumli foydalangan. She'rga besh misralik band shakli tanlangan bo'lib, u tuzilmasiga ko'ra uch banddan iborat. Keyingi bandda esa shoir tasvir vositalarini biroz murakkablashtiradi:

*Suvda qalqib o'ynar kumush tangalar,
Yorug' tun sharpasi kelar Amudan.
Cho'chitmasin to'qay, ho'v ko'lankalar,
Ko'ngrim qo'shiq istar senday suluvdan,
Yorug' tun sharpasi kelar Amudan².*

“Kumush tangalar” majoziy tasvir talabiga ko'ra shakllantirilgan istiora bo'lib, u yog'duning suvdagi aksi ma'nosini bermoqda. Ularning o'ynayotgani va “tun sharpasi”ning kelishi, “to'qayning cho'chitishi” jonlantirish bo'lib kelmoqda. Bu bandda “Yorug' tun sharpasi kelar Amudan” misrasining ikki marta takror qo'llanilishi ma'noni kuchaytirishga xizmat qilgan. She'ring uchinchi bandi endi yuqorida aytilgan “yorug' tun sharpasi”ning oydinligidan foydalanib, o'sha oydinga suluvdan qo'shiq eshitish istagi ma'nosini ifodalagan. “Berdaq to'qiyolmay ketgan sho'x g'azal; Kuyla, kuylash uchun oydin – soz mahal...” deyish orqali qoraqalpoq yurtining sevimli shoiri Berdaq nomi esga olinadi, bu esa asosiy mazmun shu yurt safari taassurotlari ifodasi ekanligini esga soluvchi tafsil – detal vazifasini o'taydi.

Turkumdagi navbatdagi she'r “Amu qirg'oqlari” deb nomlangan she'r bo'lib, sarlavhasidan ham uning Amudaryo haqidaligini anglatadi. She'r tuzilmasi bandlarga ajratilmagan ikki qismdan tashkil topgan. Birinchi qismdan ajratilmagan qirq satr bo'lsa, ikkinchi qism to'rt satrdan iborat.

*Ey sen, suluv daryo, azamat daryo.
Ey sen, tentak to'lqin, tizginsiz to'lqin,
Ey sen sahrolarning dardiga davo,
Ey qudrati jahon, ey qalbi jo'shqin³.*

She'rdagi qo'llanilgan “ey sen” anaforasi ma'noni kuchaytirishga xizmat qilgan. Ushbu parchada shoir Amudaryo ta'rifi uchun to'lig'icha sifatlash – epitetlardan foydalangan. Uni ko'rish uchun Sirdaryo sohillaridan kelganligini ta'kidlash orqali bu diyorga qadrdonlik lirik qahramon tomonidan ta'kidlanadi. She'rdagi “Oyning kokillari halqayu halqa”, “oltin qirg'oq”, “to'lqinlarning mudhish quchog'i”, “ezgu qatra”, “sahrolarning asriy dardiga doru” kabi tashbehtar qo'llaniladi.

Navbatdagi she'r “Ertangi kun” deb nomlanadi. Uning tuzilmasi boshida va oxiridagi to'rt misra va o'rtadagi 51, 11, 63, 17, 11 satrlik beshta alohida qismlardan tashkil topgan. Bunday nomutanosiblik lirik qahramon kechinmasidani noizchilik, erkinlik tufayli yuzaga kelgan. Ushbu she'rdagi lirik kompozitsiyada qo'llanuvchi usullardan bo'lgan “anaforik kompozitsiya – bir xil jaranglagan tovush, so'z va iboralarning, asosan, misralar boshida, ba'zan esa to'liq misra holicha takrorlanib kelishiga asoslanadi⁴ va “kompozitsion xalqa – kompozitsion bo'laklarni muayyan doiraga olib, lirik she'r qurilishiga o'ziga xos yaxlitlik bag'ishlovchi kompozitsion priyom⁵”. Boshlovchi misra yoki band oxirida yana takrorlansa, bunga halqa deyiladi. She'rdagi mana shu usullardan foydalanilgan, quyidagi satrlarda har ikkala usul ham qo'llanilgan:

¹ Mirtemir. Asarlar. 4 jildlik, 3-jild. – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1982. – B. 68.

² Mirtemir. Asarlar. 4 jildlik, 3-jild. – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1982. – B. 68.

³ O'sha kitob. – B. 68.

⁴ Jamoa. Adabiyot nazariyasi. – T: Fan, 1978. – B. 308.

⁵ O'sha kitob. – B. 310.

Inson mehnatida rang olur hayot,
Inson mehnatida o'zgarur jahon¹...

Turkumdagi navbatdagi she'r "Askar esdaligidan" deb nomlanadi. Bu she'r sakkiz bandlik va besh bandlik to'rt satrlik bandlardan tashkil topgan ikki qismdan iborat. Ushbu she'r urush mavzusidagi personajli lirika namunasi bo'lib, uning lirik qahramoni – she'ring personaji bo'lgan askar yigit. Birinchi qismda uning urushga ketishi, ikkinchi qismida esa frontdan yurtiga qaytishi haqida tush ko'rayotgan holati ifodalangan.

Turkumdagi "Ko'l bo'yida" she'ri ikki qismdan tashkil topgan. Unda shoir xalq og'zaki ijodida ko'p uchraydigan $4+4=8$ va $2+3=5$ kabi qo'shma vaznga xos bo'lgan turoqlanish tartibidan foydalangan:

Yashil shahar yonboshida

Zumrad ko'l ko'rdim.

Zumrad ko'lining naq qoshida

Qumloq cho'l ko'rdim².

"Kegaylidan..." she'ri ham personajli lirika namunasi bo'lib, besh bandli ushbu she'rda Kegaylidan kelgan chorvador qiz Oyjamolning ta'rifu tavsifi keltirilsa, sakkiz satrlik besh banddan iborat "Barqut" she'rida Nukus shahrining o'ziga xos jihatlari barqut bilan o'xshash holatda tavsiflanadi. Turkumdagi "Yangajon", "Hodisa" she'rlari hazil she'rlar bo'lib, 4 satrlik uch bandlik she'rdir.

Navbatdagi "Sajda emas" she'ri esa 8 misralik bandlar yg'indisi bo'lib, 19 ta band jamlangan yirik hajmli she'rlardan biridir. Unda cho'ponning o'z baxtini topish jarayoni aks ettirilgan. "Qora soch" she'ri 8 satrlik banddan 6 tasining birlashmasi tarzida shakllantirilgan. Unda Qora sochli malakka oshiqning dil rozlari tavsiflangan. "Bulut" she'ri ikki qism, unda an'anaviy to'rt satrlik bandlardan ikkitasi birlashtirilgan. Ushbu she'r sof peyzaj lirika namunasi bo'lib, unda Qoraqalpog'istondagi tabiat lavhalari aks ettirilgan:

Ko'k yuzida pag'a bulut – oq bulut,

Oq bulutdan sut yog'armi yoki qut?

Pag'a bulut – yaxshi ko'klam elchisi,

Havolarda yomg'ir isi, sel isi³...

Osmondan suzib o'tayotgan oq bulutdan sut yoki qut yog'ishida o'zgacha ma'no bor. Ya'ni sut – chorvachilikning, qut – dehqonchilikning yaxshi bo'lishiga ishora ma'nosida kelmoqda. Qoraqalpoqlarda keng yaylovlar hisobiga chorvachilik ham asosiy sanoat turi bo'lganligidan sut va qut tushunchalari she'r davomida yonma-yon qo'llanilaverilgan. Mazkur she'rda shoir anaforik kompozitsiya turidan unumli foydalangan:

Ko'k yuzida pag'a bulut – oq bulut...

Bir qarasang – osmon to'la oqqular,

Bir qarasang – baland qorli cho'qqilar,

Bir qarasang – ko'z ilg'amas oq barqut⁴.

Oq va pag'a bulut tasviri navbati bilan bir oqquv (oq qush)ga, bir baland qorli cho'qqiga, bir oq barqutga o'xshatilgan. "Bir qarasang" anaforasi uchta misraning boshida kelishi orqali ma'no kuchaytirilishiga erishilgan. "Ko'k yuzida" birligining keyingi qismda yana bir bor kelishi ham anaforik kompozitsiyani dalolatlaydi.

Ko'k yuzida – yorug', oydin bir ro'yo...

Usta rassom chizmish ajib manzara –

Tepa-tepa paxta – beg'ubor, sara,

Kuzgi xirmonlarning akslari go'yo⁵...

¹ Mirtemir. Asarlar. 4 jilddik, 3-jild. – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1982. – B.74.

² Mirtemir. Asarlar. 4 jilddik, 3-jild. – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1982. – B.79.

³ O'sha kitob. – B. 95.

⁴ Mirtemir. Asarlar. 4 jilddik, 3-jild. – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1982. – B. 95.

⁵ O'sha kitob. – B. 95.

Ushbu bandda bulut bu safar “yorug‘ va oydin ro‘yo”ga, “beg‘ubor va sara tepa-tepa paxta”ga o‘xshatilishi orqali uning kuzgi xirmonni mo‘l qiluvchi sehrli kuchiga ishora qilinmoqda. She‘rdagi majoziy tasvirlarning barchasi yomg‘irning – suvning hayotbaxshlik xususiyatiga ishora tarzida shakllantirilgan.

Turkumdagi “Tongdan ham chiroyli” she‘ri 4 ta 4 satrlik bandlarning jamlanmasi bo‘lib, unda bir go‘zal qizning tongdan ham go‘zal ekanligi ta‘rifi keltiriladi.

*Tong shu‘lasi sochin har bir tolası,
Yuzlari go‘yoki tog‘lar lolasi.
Husni – tong husniday toza va tengsiz
Suluv tabiatning so‘lim bolasi*¹.

Ushbu parchada istiora, o‘xshatish, sifatlash kabi tasvir vositalaridan unumli foydalanilgan. Turkumdagi so‘nggi she‘r “Qoraqalpoqda Toshkentni sog‘inish” deb nomlangan bo‘lib, katta hajmli ushbu she‘rda shoir Qoraqalpog‘iston safariga yakun yasab, Toshkentga qaytish istagi bilan birga har ikkala o‘lkaning cheksiz boyliklarini yana bir bor esga olib o‘tadi.

Shoirning yana bir turkumi “Qirg‘iz she‘rlari” deb nomlangan bo‘lib, unda “Qirg‘izlar”, “Chag‘alay”, “Men seni...”, “Qirg‘iz xalqiga”, “Azalik”, “To‘qtag‘ulga”, “Bovurdoshlik” kabi o‘n bitta she‘r jamlangan bo‘lib, ularda qirg‘iz xalqining o‘zligini ifoda etuvchi barcha jihatlar tilga olingan. Ushbu she‘rlarning lirik qahramoni ham bu yurtga safar qilgan shoirning o‘zidir. She‘rlar kompozitsion jihatdan turfa xil tuzilmaga ega.

Turkumdagi “Oh. Mening boyoqish yuragim” deb boshlanuvchi she‘rda shoir 4 satrlik bandga yana kompozitsion yechim shaklidagi yarim satrni qo‘shib shakllantirgan.

*Oh, mening o‘zbaki yuragim,
Mayliga bo‘linsang yuzga ham,
Bir zarra qolsa ham bo‘lma kam,
Osonmi shu zayl yurmagim,
O‘zimga ne qoldi?*²

Turkumdagi “Ko‘l bo‘yida” she‘ri an’anaviy 4 satrlik 5 banddan tashkil topgan bo‘lib, unda shoir anafolik kompozitsiyadan unumli foydalangan. “Og‘ajon, oqsam – daryo, tinsam ko‘lmen” misrasi eng so‘nggi band boshida yana bir bor takrorlangan. “Og‘ajon”, va “bahramand” so‘zlari ham misralar boshida takrorlanib, anaforalarni hosil qilgan.

*Og‘ajon, oqsam – daryo, tinsam ko‘lmen,
Og‘ajon, o‘zingizday men ham mo‘lmen,
Hovurimdan tog‘ boshida pag‘a bulut,
Qahrimdan qora bulut, jala, do‘lmen*³.

Turkumning so‘nggi “Sirboyga bag‘ishlaganim” she‘ridagi bandlar 10 satrdan tashkil topgan 6 ta bandni qamraydi. Bandlardagi 8 misra a-b, v-b, g-b, d-b tarzida qofiyalangan, 9-10-misralar esa ye-ye shaklida alohida qofiyalangan. Mana shu ikki misra she‘r barcha olti bandlarning oxirida birdek takrorlangan. So‘nggi ikki misraning bandlar so‘ngida takrorlanishi kompozitsion yechim shakliga mos keladi.

Yuqoridagi tahlillardan ham ko‘rinib turganidek, Mirtemir qalamiga mansub “Qoraqalpoq daftari” va “Qirg‘iz she‘rlari” turkumlari tarkibidagi she‘rlar umumiy miqdor yoki bandlar miqdori yoki misralar miqdori jihatidan ham umumiylik xususiyatiga ega emas. Turkumlar tarkibida turli miqdordagi va turfa shakllardagi band turlaridan foydalanilgan. Mirtemir turkumlarini bog‘lab turuvchi unsurlar sifatida undagi umumiy badiiy niyatni, safar taassurotlari mazmunini, mavzuni, lirik qahramon bo‘lgan shoir kechinma va o‘y-xayollari ifodasini, makon va zamonning, ya‘ni xronotopning bitta ekanligini va boshqalarni anglash mumkin.

Mirtemir mazkur turkumlarda kompozitsiyaning anaforali, yechimli va xalqa shaklidagi usullaridan unumli foydalana bilgan. Turkum tarkibidagi she‘rlarga alohida sarlavhalar

¹ O‘sha kitob. – B. 96.

² Mirtemir. Asarlar. 4 jilddik, 3-jild. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1982. – B.111.

³ O‘sha kitob. – B.112.

tanlangani va ayrimlariga alohida epigraflar berilganligi ushbu she'rlarning mustaqil asar sifatida maqomini ko'rsatadi.

Mirtemir turkumlari tarkibidagi poetik obrazlar ham shoirning g'oyaviy niyatiga xizmat qilgan, chunki ular ham turkum mavzusi va mazmuniga mos ravishda tavsiflanayotgan hudud kishilari yoki majoziy tasvirlarda esa o'sha hudud bilan bog'liq tushunchalar sifatida aks ettirilganligi fikrimizning dalilidir.

Xullas, she'riy turkumni shakllantiruvchi komponentlar deyilganda uni ham shaklan, ham mazmunan shakllantiruvchi unsurlar nazarda tutiladi.

Turkumlarning shakliga xos komponentlar sirasiga ulardagi umumiy sarlavha, epigraf, qismlarning raqamlanishi yoki nomlanishi kompozitsion vosita yoki usullarning mavjudligi kabilar kiradi. Mazmunga xos unsurlar sirasiga shoirning badiiy niyati asosida shakllantirilgan bosh g'oya, mazmun, lirik qahramon kechinmasi tavsifidagi izchillik, poetik obraz ishtirokidagi ketma-ketlik va boshqalar tushuniladi. Umuman, turkumlarni birlashtiruvchi komponentlar mazmun va shakl dialektikasi asosida shakllantiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Jamoa. Adabiyot nazariyasi. 2 tomlik. 1-tom. – T.: Fan, 1978. – 415 b.
2. Ляпина Л.Е. Литературный цикл в аспекте проблемы жанра // Проблемы литературных жанров. – Томск, 1990. – 126 с.
3. То'uchiyev U. Adabiy tur va janrlar. 3 tomlik, 2-tom. – T.: Fan, 1992. – Б.27.
4. Mirtemir. Asarlar. 4 jilddik, 3-jild. – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1982. – 240 b.
5. Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы / пер. с англ. – М., 1978. – 326 с.
6. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа. 1999. – 240 с.

Nashrga f.f.d. N.Shodmonov tavsiya etgan

XVI-XVII АСР МАНБАЛАРИДА МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН АДАБИЙ КЕЧАЛАРИ

Қораев Ш. (ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти)

Аннотация. Ушбу илмий мақола ҳукмдорлар шоири Муҳаммад Шайбонийхон ҳузурида сарой шоирлари Камолиддин Биноий ва Муҳаммад Солиҳ каби иждорлар иштирокида ўтказилган шеърят кечаларига бағишланади.

Ўрта асрлар манбаларида қайд этилганидек, “Олий мажлис” деб аталган шеърят кечаларида ҳукмдорлар шоири бошчилигида мушоиралар ҳамда шеърый мусобақалар олиб борилган.

Муҳаммад Шайбонийхонга бағишланган қасидалар ва мадҳиялар ўқилган мазкур йиғинлар, ўз навбатида, мумтоз адабиётимиз ривожига хизмат қилган.

Таянч сўзлар: *сарой шоирлари, қасиданавис, мушоиралар, маддоҳ, “Шайбонийнома”.*

Аннотация. Эта научная статья посвящена литературным встречам, проводимым царя и поэта Мухаммада Шайбанихана с участием великих поэтов, таких как Камолитдин Биной, Мухаммад Салих.

В средние века на поэтических вечерах “Олий Маджлис” литературные деятели устраивали поэтические конкурсы под руководством царского поэта.

На литературных собраниях, способствовавших развитию нашей классической литературы, поэты дворца восхваляли узбекского хана Мухаммада Шайбанихана.

Ключевые слова: *дворцовые поэты, касиданавис, литературные диалоги, мадох, “Шайбонийнома”.*

Annotation. This scientific article is dedicated to the literary meetings held in the presence of the kild and poet Muhammad Shaibanikhan with the participation of great poets such as Kamoliddin Binoi, Muhammad Salih.

In the Middle Ages, on literery nights called Oliy Majliss, literery figures organized poetry competitions under the leadership of the poet of kings.

At the literary meetings, which contributed to the development of our classical literature, the poets of the palace praised the Uzbek khan Muhammad Shaibanikhan.

Keywords: *Palace poets, kasidanavis, literary dialogues, madoh, "Shaybaniynoma".*

Ўрта Осиё худудиди XV – XVI асрларда ҳукм сурган шайбонийлар давлати асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон (1451–1510) нафақат ҳукмдор, у шунингдек, олим, дин пешвоси ва сўз санъаткори – шоир бўлганлиги кўпчиликка маълум:

*Хон эрур подшаҳи олами сўз,
Хон эрур эрта-кеч ҳамдами сўз.
Хон сўзи шиқи жаҳонидиндур,
Хон сўзи гайб лисонидиндур.
Хон ўзи ошиқ эрур, ориф ҳам,
Борча сўз жонибидин воқиф ҳам.
Хон ўзи сўзни баса хўб айтур,
Назм ила насрни марғуб айтур.
Қайси хондур бу, муайян билгил,
Айтайин мен санго равшан билгил.
Тенгрининг сояси Шайбонийхон,
Ким ани қўйди халифа раҳмон.
Ғайбдин оти Муҳаммад бўлди,
Қобили давлати сармад бўлди.¹*

Муҳаммад Шайбонийхоннинг ижодий фаолияти ва адабий мажлислари ўз даврининг қатор тарихий ва адабий манбаларида ёритилган. Мулла Шодийнинг “Фатхномаи хоний”, Муҳаммад Солиҳ ва Камолддин Биноийнинг “Шайбонийнома”лари, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Муҳаммад Фахрий Ҳиравийнинг “Равзат ус-салотин”, Бобурнинг “Бобурнома”, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққири ахбоб”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”, Алоуддавла Ҳусайн Қазвинийнинг “Нафоис ул-маосир”, Сом Мирзонинг “Тухфаи Сомий”, Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад Қатағаннинг “Мусаххир ал-билод” номли асари каби қимматли манбаларда ҳукмдор шоирнинг ижодий киёфаси акс этган.

1. Дастлаб, Шайбонийхон “Девон”ида унинг ҳаёти, ижоди ва мажлисларига доир қимматли маълумотлар мавжудлиги ҳақида тўхталмоқчимиз: “Самарқандни олганда баса Кўк-саройда тўй қилиб, валадимни тахтга миндуруб, ул мажлисда зебо санамларни келтируб, ўғлум Муҳаммад Темур Боҳодирни сандалда ўлтуртиб, бу газални айттим:

*Эй манга саждагоҳи ол қошларинг меҳробидур,
Бу кўнгил қушин тутарга шул кўзинг саййодидур.
Новакинг ўқлари жоним кўз ёшимдин сусади,
Ваҳ бағир қонидин ичкан кирпугинг пайкони дур.
Ғунча лаълин кўргали бу лаълу маржонлар тўқуп,
Инглари олинда ё Раб кўзларим намноки дур.
Оташин ёқут лабиндин ёқилиб шиқинг оти,
Май ичиб ким маст бўлса шул гўйинг чавгонидур.
Муҳтасиб манъ этмагил маъшуқ куйиндин ҳар заман,
Кўз ёшим ваҳ отиндин ҳар замон гамноки дур.
Ул парини Кўксарой ичинда ҳар дам кўргали,
Зулфи анбар-бўйу мушкин васфида девонидур.
Эй Шабоний шул санам жавринда новмид ўлмагил,
Бас кўнгил ораста қилгил дилбаринг сандоли дур.²*

¹ Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1989. – Б. 25.

² Şeybani Han Divani. (Inceleme-Metn-Yaqub Qorasoy). – Konya, 1989. – С. 136.

Бинобарин, Хуршид Даврон ёзганидек, у шоир сифатида Шайбонийхон, Шоҳбахт, Шойбоқ, Шойбек, Шебони, Шоҳибек, Шайбоний тахаллуслари билан шеърлар ёзган, камдан-кам ижодкорга насиб этадиган рутба – “Девон” эгаси бўлган. Бу девон 300 дан ортиқ ғазал, рубоий, туюқ, чистон, таърих ва бошқа жанрдаги асарларни ўз ичига олган. Девон Истанбулда Тўпқопи саройи музейида сақланади.

Муҳаммад Шайбонийдан, нафақат шеъринг девон, шу билан бирга диний мазмундаги “Баҳр ул-худо” номли дoston, ўғли Темур султонга атаб панд-насиҳатлардан иборат китоб ёзган, демак, ҳаёти бетўхтов жангу жадал ичида кечганига қарамай, катта маърифий мерос қолдирган инсон эди. Ишончим комилки, Ҳазрат Мир Алишер Навоий хоннинг “Девон”и, дostonу ҳикматномаси билан танишиш имкониятига эга бўлганда, бу асарларга муносиб баҳо берган бўларди.

Хукмдор шоирнинг “Баҳрул худо” (“Ҳидоят денгизи”) номли қасидаси 1508 йилда ўзбек тилида яратилган. Бу қасидада шоирнинг диний-тасаввуфий қарашлари бадий ифодаланиб, ўзбек хонининг бошидан ўтган воқеалар унинг ички кечинмаларини билан уйғунлашиб кетган. Ушбу қасида тасаввуф шайхлари Абулҳасан Харрақоний ва Боязид Бастомий макбаралари зиёратида ёзилган:

*Эрди тўққуз юз тақи ўн тўрт ҳижрат вақтидин,
Ким, бу гулшан ичра топти булбули табъим наво.
Манзилим ул вақт эди Бастом била Домгонда,
Ким, менга қилди мадад арвоҳи поки анбиё.
Пири Ҳароқоний – тариқатнинг имоми Булҳасан,
Барча орифларга султон Боязид ул муқтадо.*

Муҳаммад Шайбоний адабий меросининг асосий қисмини уруш тафсилотлари, ҳаётинг муаммолар, дарвешлик кечинмалари билан йўғрилган диний-тасаввуфий қарашлар акс этган ғазаллар ташкил этади. Улар ўз замонида кенг тарқалган ва машҳур бўлган. “Меҳмонномаи Бухоро” асарида қайд этилган эътирофдан келиб чиқсак, яъни Шайбонийнинг тасаввуфий ғазалларига жуда кўп шарҳлар ёзилгани бунинг яққол далилидир.¹ Унинг мазкур девони Туркияда Ёқуб Қорасуй томонидан нашр этилган.²

Муҳаммад Шайбонийхон сарой шоири Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сида ҳам етук шоир сифатида таърифланган:

*Шеърни ҳўб танир завқ била,
Ўзи ҳам ҳўб айтур шавқ била.
Турки абъёти эрур шарбати ноб,
Форсий шеърлари ҳам сероб.
Борча серобу салису дилкаш,
Табъ аҳлига жалису дилкаш.³*

Шоир Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” дostonида зикр этилишича, ўзбек хонининг шеърлари Мовароуннаҳр ва Хуросонда севиб ўқилган ва ғазаллари муғаннийлар томонидан шаҳару қишлоқларда ва унинг ҳузуридаги адабий мажлисларда куй жўрлигида мутолаа қилинган:

*Юзунгни кўрдум ул чортоқ ичиндо,
Очилмиш тоза гул ёпроқ ичиндо.
Табассум қилсанг ул гунча лабингдин,
Дегойсен бол томар қаймоқ ичиндо.
Кел эй соқий, юкунуб бир аёқ тут,
Манга дилбар била қишлоқ ичиндо.
Шабонийга берубтур нусратин ҳақ,
Қовуб мен хусрав(ин) чақмоқ ичиндо.⁴*

¹ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфоханий. Михман-наме-йи Бухара” (Записки Бухарского гостя) Перевод, предисловия и примечания Р.П. Джамиловой. – Москва: Наука, 1976. – Б. 9-17.

² Даврон Х. Шайбонийхон ҳақида. https://t.me/SHAYBONIYLAR_1

³ Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1989. – Б. 28.

⁴ Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. –Б. 30.

Бироқ, Бобур “Бобурнома”да Шайбонийхон шеърларига салбий баҳо берган: “*Яна Қози Ихтиёр била Мухаммад Мир Юсуфгаким, Ҳирийнинг машхур ва хуштабъ муллоларидин эдилар, бовужиди омилиқ тафсирдин сабақ айтти. Яна Мулло Султон Али Маиҳадий била Беҳзод мусаввирнинг тасвир ва хаттига қалам кичоруб, ислоҳ қилди. Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт айтур эди ва минбарда ўқутуб, Чорсуда остуруб, шаҳр элидин сила (совга) олур эди*”.¹

2. Ҳасанхожа Нисорий “Музакири аҳбоб”да шоирлар даврасида мушоиралар ўтказадиган ҳукмдор ҳақида шундай ёзган: “*Соҳибқирон хон (Шайбонийхон) илму фазилятлардан хабардор, аниқроғи, уларни тўла эгаллаган киши эди. Шеърят соҳаси ва шоирларга эътиқод—эътибори катта бўлган. Мудом олиму фозилларни ўзига ҳамсуҳбат қилган. Яхши шеърлари бор. Ҳазрати Нажмиддин Кубро (Унга тангри раҳмати бўлсин)нинг вафоти таъриhini яхши айтган. Таърих:*

*Онинг таърихидур шаҳи шуҳадо,
Яна бир алиф бирла бўлур адо.
Бу туюқни ҳам манзур бўларлик айтган:
Сўғд ичинда ўлтурурлар ёбулар,
Ёбулар минган оти ёбулар.
Ёбуларнинг илгидан эл тинмади,
Ё булар бўлсин, бу ерда ё булар.*²

Ҳерман Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида Нисорий фикрларини тўлдириб, Шайбонийхонни шундай тасвирлаган: “*Шайбонийнинг шахси хусусида шуларни айтиши мумкин: у ҳар ҳолда ўзининг эронлик душманлари тарафидан тасвир этилганидек, нимани хоҳласа, шуни бажариб юрувчи ваҳший бир кимса эмас эди. Масалан, у замоннинг руҳоний уламоларига катта ҳурмат, ҳатто болаларча итоат қилиб, барча уруш сафарларида ўзи билан баробар кичкина гўзал кутубхонасини олиб юрар, Темури каби у ҳам давр уламоси билан диний мунозараларга қатнашган. Қуръоннинг баъзи бир оятлари ҳақида Ҳиротнинг пешқадам тафсирчилари бўлган Қози Ихтиёр ва Мухаммад Юсуфлар билан баҳслашган. Бобур Шайбонийнинг маъносиз ва лаззатсиз шеърлар ёзганини, уларни (Ҳиротда) минбардан ўқишга амр этганини истеҳзо билан баён қилади. Аслида эса, бу уруш одами маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва замонасидаги тендош шоирларнинг аксариятидан ортиқ даражада қалам соҳиби бўлган. Чунки унинг шеърлари, душманлари фикридан тескари ўлароқ, буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суратда воқиф эканини кўрсатмоқда.*”³ Ҳерман Вамбери ҳақ. Илмга тиришқоқ Шайбонийхон ҳокимият тепасига келмасдан бурун Бухородаги мадрасада икки йил машхур илоҳиётчи олим мавлоно Мухаммад Хитоийдан таълим олган, Ҳофиз Ҳусайн Бусирий ва Хожа Маҳмудлар билан яқин муносабатда бўлган: “*Улар ҳатто мунтазам равишда бир-бирлари билан борди-келди қилишган. Бир гал Ҳофиз Ҳусайн Шайбонийхон ҳузурда бўлса, иккинчи сафар хон (Шайбонийхон) унинг қошига ташириф буюрган. Умуман ҳар иккаларининг мажлиси уламо ва шуаронинг иштирокисиз ўтмаган*”.⁴ У тасаввуф намояндаси машхур Шайх Мансурнинг муридидир.⁵

3. Мухаммадёр ибн Араб Қатағаннинг “Мусаххир ал-билод”ида ёзилишича, Шайбонийхон ёшлигида Султон Аҳмад Мирзо ҳузурига келган, адабий йиғинларида қатнашган ва шундан сўнг Амир Абдулалӣ Тархон билан Бухорога қайтиб келиб, илм ўрганган: “*Бухорода муқим туриб, гўзал хислатли бу шаҳзода (Шайбонийхон) икки йил давомида Қуръони карим қироати илмини эгаллашга қаттиқ бел боғлади. Дастлаб, илму фазилятлар эгаси, илм тугунларини ечувчи, қийин масалаларни осонгина ҳал қилувчи*

¹ Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1990. – Б. 186.

² Мухаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1989. – Б. 166-167.

³ Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990. – Б. 91.

⁴ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 248.

⁵ Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990. – Б. 79.

Мавлоно Муҳаммад Хитойи ҳузурда таҳсил олиб, ул жанобни ўзининг устози деб билди. Каломуллоҳи мажидни қайта такрорлаб, ҳофизлар пешвоси, Оллоҳ оятларини тўла ёд олган Жалолиддин Маҳмуд назаридан ўткарди. Ул шариатишиор бузруквор ёрдами билан қироат қоидаларининг нозик томонларидан ҳам тўла хабар топиб, Қуръон илмида яна ҳам мукамаллик даражасига етди ва воқифлик касб этди. Ўша давр мобайнида фохира Бухоро шахрининг кўплаб ҳофизи қуръонлари ул ҳазратнинг суҳбати саодатига етишиб турдилар... Шунингдек, замон ҳофизларининг муқтадоси, даврон қорийларининг пешвоси, каломуллоҳи мажидни ёд олган ҳофиз Ҳамид ҳам умри мангуга уланган зот дарслари мажлисида ҳозир бўларди. Бахт хислатли шахзода икки йил давомида шаҳарлар фахри Бухорода яшаб, билимига билим қўйганча зоҳирий ва маънавий илмларни касб этгач, қайтиши байроғини Дашти Қипчоқ томон ҳилпиратди.”¹

Дардмандона чекибон овоз,
Қилса Қуръон ўқимоқни оғоз.
Йиғлатур тенгрсевар қулларни,
Боглатур дев келур йўлларни...
Чун тиловат била машғул бўлур,
Анго арвоҳи муқаддас ўкулур.
Усру махражни риоят айлар,
Они билганга иноят айлар.
Бўлса юз ҳофизи фархунда калом,
Бориси воқифи мадду идғом.
Ул қилур бўлса қироат оғоз.
Чиқмас ул хайлдан асло овоз...
Ҳақ сўзин ул ўқур бўлса алҳақ,
Ани ўзар киши йўқтур мутлақ.²

4. Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да ҳукмдор шоирни “фирдавсмакон Шохбудоғ тожсининг бахти ва Абулхайрнинг набираси эди. Унинг шавкати ва адолати замон аҳлига маълумдир. Унинг баёнини бирор муносиб сўз билан бошлаш мушкул,” деб зикр этган: “Баҳодир, одил, карим ул-таъб ва бетакаллуф подшоҳ эди. Идроки ва таъби баланд эди. Турк бўлганлиги учун туркий иборалардан ниҳоятда баҳраманд эди. Шунга кўра ундан гоҳ-гоҳида бирор назм зоҳир бўлар. Ва Маишҳади муқаддасда Ҳазрат Имом Али ар-Ризо (алайҳит-таҳийёту вас-сано)га атаб қасида айтган. Мана бу икки байт ўша қасидадан дур. Назм:

Тусу Маишҳадким, лутфи эҳсон андадур,
Равзаи Султон Али – шоҳи Хуросон андадур.
Гумбазинг қуббаси оламга бўлди нурбахш,
Кўрк эрурким, партави хуршиди тобон андадур.
Унинг мана бу форсий матлаъси ҳам машҳурдир. Матлаъ:
Булбулони ту ки жонам булбулон оварди,
Булбулони шаккарин то булбулон оварди.³

(Мазмуни: Жонимга булбулларни келтирган сенинг булбулинг, Шакар (сўзли) булбуллар булбул келтирди.)

Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг ёзишича, “Шахсан Муҳаммад Шайбонийхон ҳамда у тузган ва қарийб 100 йил яшаган давлатимиз хусусига келсак, у ва авлодлари фаолияти ва қолдириб кетган маданий, маърифий ва меъморий ёдгорликларга қараб баҳо бермоқ жоиздир. Шайбонийхоннинг ким бўлганлигини, дунёқараши ва маънавий қиёфаси қандай бўлганлигини билмоқ ва аниқламоқ учун лоақал унинг ғазалларини ўқимоқ лозим. Фақат

¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қагаан. Мусаххир ал-билод. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 34.

² Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги АСН, 1989. – Б. 26-29.

³ Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. – Т.: Мумтоз сўз, 2014. – Б. 34-35.

ачинарли ери шундаки, шўролар даврида чоп этилган тарихий ва бадиий китобларда бу тарихий шахс ҳақида нотўғри таассурот ҳосил қилинган эди.”¹

5. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сида “Мусаххири билод”да ёзилганидек, Шайбонийхон Бухорода азиз авлиёлар, тасаввуф пешволари, ҳофизи куръонлар суҳбатида таҳсил кўргани ва тасаввуф илмини чуқур билгани айtilган:

*Ақл ила Бу Алиий асрдур ул,
Шоҳ эмас, валиий асрдур ул...
Илми бор ончаки бир кишварда,
Бўлмас илм сўзи дафтарда.
Ул қилур ҳал бори мушуқларни,
Соқит айлар бори сойилларни.
Асру кўп масъаладур ёд анго,
Илмдин жон эрур обод анго.
Курса тавҳиду тасаввуф сўзига,
Йўқтурур ҳеч таваққуф сўзига.
Бир рисолаки киши ёд қилур,
Хон анинг сўзларини хўб билур.
Авлиё суҳбатига еткандур,
Атқийё хидматига еткандур.²*

Тарихий маълумотлардан маълумки, Шайбонийхон атрофида кўплаб шоирлар бўлган. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий адабий суҳбатларида иштирок этган, маълум муддат Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилган шоир Муҳаммад Солиҳ 1499 йилда Шайбонийхон хизматидаги киради ва адабий мажлисларининг надими(суҳбатдош)га айланади. Муҳаммад Шайбонийхон унга “амир-ул-умаро” ва “малик-уш-шуаро” унвонларини беради.³

Зайниддин Восифийнинг “Бадоеул вақоъ”сида келтирилган Шайбонийхон сарой шоири Муҳаммад Солиҳнинг Бобур сингари чигатой султонлари танқид қилинган рубойиси хоннинг мажлисларида ўқилган, дейишимиз мумкин:

*Мискин Чигатойки, кундузи тундир онга,
Аҳволи паршиону қаро тундир онга,
Мағрур бўлуб, ер юзига сизмас эди,
Сичқон тўшуги эмди минг олтиндур онга.⁴*

6. “Бобурнома”да Бобур Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийхоннинг отига бир туркий маснавий (“Шайбонийнома”) битибдур. “Рамали мусаддаси махбун” вазнидаким, “Субҳа” вазни бўлгай, бисёр суст ва фурудтур, ани ўқигон киши шеърининг беътиқод бўлур,⁵-деб ёзган. Бобурга қарши ўларок, Ҳерман Вамбери шоир Муҳаммад Солиҳ тўғрисида ижобий фикрларни билдирган: “Муҳаммад Солиҳ жуда гўзал шеър йўли билан битилган зафарнома – “Шайбонийнома” соҳиби; “Лайли ва Мажнун”га ўхшаши туркий гўзал газаллар ва маснавийлар ёзган. Бобур унинг асарларини адабий қимматини инкор қилади. Бунга Муҳаммад Солиҳнинг Шайбонийга мақбул киши экани ва ўзбек хони саройи шоири бўлгани сабаб бўлса керак”.⁶

1492 йилга қадар Оқ кўюнли туркманлар давлати ҳукмдорлари Султон Яъқуб Оқ кўюнли (1478-1490) ва Бойсунқур (1490-1493) саройида хизмат қилган Камолитдин Биноий Самарқандга келгач, дастлаб Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг иккинчи ўғли Хожа Қутбиддин Яҳё (1500 йил 11 август куни ўлдирилган)нинг хизматида кирган. 1496 йилнинг июль ойида шоир ва тарихшунос олим Муҳаммад Солиҳ (1535 йилда вафот этган) билан бирга Бобур Мирзонинг хизматида ўтади. 1500 йил июль ойида, яъни Самарқанд

¹ Ибраҳимов А. Бизким ўзбеклар. – Т.: Шарқ НМАК БТ, 2011. – Б. 319.

² Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1989. – Б. 28.

³ Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. – Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016. – Б. 7.

⁴ Зайниддин Восифий. Бадоеул вақоъ. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979. – Б.167.

⁵ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ НМАК БТ, 2002. – Б.139.

⁶ Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 73.

Шайбонийхон томонидан эгалланган сўнг у ўзбек хони хизматига киради ва унинг хос шоирига айланади.¹ “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи” китобида Мавлоно Биноий тўғрисида Ҳерман Вамбери куйидаги маълумотларни келтириб ўтган: *“Мулло Биноий ҳиротлик бир банно-меъмор ўғли бўлиб, Мир Алишер билан оралари бузулгунча Мирзо Хусайн Бойқаро саройининг илтифотида сазовор ҳолда яшаган. Кейинчалик Мовароуннахрга кетиб, Султон Маҳмуд саройи доирасида эътибор қозонган ва ниҳоят, Шайбоний Муҳаммадхон уни сарой шоири қилиб олган”*.²

Бу Шабониға Биноий дер навойи қилингиз,

*Чун Навоийга мурассаъ сўзлари осон эрур.*³

Демак, бу байтга асослансак, Биноий Муҳаммад Шайбонийхонни Навоийдек шеър ёзишга даъват этган. Бироқ, хон “Навоийга мурассаъ сўзлари осон эрур”, деб шоирлар султони даражасида ижод қила олмаслигини тан олган. Бундан ташқари, Шайбонийхон Навоий газалларига назиралар ҳам ёзган.

7. Муҳаммад Таниш ал Бухорийнинг “Абдуллонома”сида Мавлоно Биноий Шайбонийхон билан ҳарбий юришларда ҳам бирга бўлгани ҳамда сафарларда ташкил этилган мушоира кечаларида ҳам қатнашгани қайд этилган.

Ҳарбий маҳорабада мағлуб бўлган асир хонлар – Султон Аҳмадхон ва Султон Маҳмудхонларнинг авф этилиши муносабати билан бир мажлисда Биноий туркий рубоий айтган: *“Фазлу камол биносининг бонуси, диққат ва хаёл асосининг қурувчиси мавлоно (Камолиддин) Биноий ўша воқеага бағишланган бу икки рубоийни (ўша) маҳалга муносиб тузиб, (Шайбоний)хоннинг кимёасар назарларига келтирди.*

(Биринчи) рубоий:

Ул хонки тариқи караму эҳсондир,

Шоҳлар бори чашму, жисм аро жондир.

Гар мурувват этиб бағишлади хонларни,

Андин чи ажаб халифатураҳмондир.

(Иккинчи) рубоий:

Ўқдур, сендек аршад қувватли хон,

Ҳам пок этак билан футувватли хон.

Хонларни олиб бағишлади мурувват,

*Ким кўрди сенинг каби мурувватли хон.”*⁴

9. Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” муҳим тарихий манбалардан бири ҳисобланади. Бўрибой Аҳмедовнинг ёзишича, Шарқшунослик институтида 844-рақамда сақланаётган ягона нусха ҳисобланган бу нусха (ҳаммаси бўлиб 41 варақдан иборат, ҳажми 22X 31,5 см; чиройли настаълик хатида) ноёб нусха ҳисобланади ва Шайбонийхоннинг шахсий котиби Мирза Муҳаммад Мунший томонидан кўчирилган. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, унинг баъзи варақларини (3а, 24 а, 31 а ва б.к) Муҳаммад Шайбонийхон ўз қўли билан кўчирган. Лекин кўп текширишлардан кейин бу нусха “Шайбонийнома”нинг қискартирилган нусхаси бўлиб чиқди. Асарнинг тўла нусхаси 1965 йили ушбу сатрлар муаллифи тарафидан аниқланди...Биз уни “Шайбонийнома”нинг номаълум нақли” деб атадик.

“Шайбонийнома”нинг номаълум нақли ҳажм жиҳатдан 844-рақамли нусхадан икки баробар зиёд (104 варақ) ва “Футухоти хоний” (“Хоннинг фатҳлари”) деб аталиб келинган...

Биз “Шайбонийнома” номаълум нақлининг ҳар учала нусхасини бир-бири билан солиштириб ўрганиш натижасида “Шайбонийнома” ҳам, “Футухоти хоний” ҳам бир асар деган хулосага келдик. Лекин “Шайбонийнома”нинг ўша номаълум нақли XV асрнинг 70-йиллари бошидан 1500 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Биноий уни 1503 йилга

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 216.

² Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Т.: Ғ.Фулом номидаги АСН, 1990. – Б. 73.

³ Şeybani Han Divanı. (İnceleme-Metin-Yaqub Qorasoy). – Konya, 1989. – С. 148.

⁴ Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. – Т.: Шарқ НМК БТ, 1999. – Б.74.

кадар ёзган. Асарнинг “Шайбонийнома” деб шухрат топган қисқа нақли эса 1505 йилгача бўлиб ўтган воқеалар (1505 йили Хоразмнинг кўчманчи ўзбек қўшини тарафидан истило қилиниши)ни ўз ичига олади...

Хўш, “Шайбонийнома” қискартирилган нусхасининг пайдо бўлишига нима сабаб бўлган? Асарнинг кенгайтирилган нақли, биринчидан, фақат 1500 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади, иккинчидан эса оғир услубда ёзилган, унда ортиқча шеърий парчалар кўп. Маълумки, 1500 йилдан кейин ҳам Шайбонийхон давлати тарихида кўп воқеалар содир бўлди: 1505 йили Хоразм, 1506 йили Балх, 1507 йили Хуросон кўчманчи ўзбек қўшинлари томонидан истило этилган. Шубҳасиз, ўзбек хони мана шу воқеаларнинг ҳам асарда акс этирилишини истаган, қолаверса унинг услубини ҳам соддалаштиришни Биноидан талаб қилган. Шундан кейин асарнинг қисқача нақли пайдо бўлган.¹ Бизнингча, ҳукмдорлар шоири “Девон”идаги куйидаги шеърида Биноийнинг айнан мазкур “Шайбонийнома”си қискартирилган нусхасини назарда тутган бўлиши мумкин:

*Эй Биноий бу китобинг бўлди кеч,
Бир сенингдек қайда бўлгай қўли кеч.
Бизга Урганч юришида ярамай,
Сен фарозатда бўлурсен қўли кеч.
Кетди уш молинг қароқчи қўлидин,
Не турурсен эмди анда қўли кич.²*

8. Мутафаккир шоир Фазлуллоҳ Исфохоний ўзининг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида Шайбонийхон ҳузурида ўтказилган Биноий каби шоирлар иштирокидаги мушоира кечалари ҳақида ҳам ҳикоя қилган. Ана шундай шеърий мажлислардан бири Бухоро яқинидаги Қасри Орифонда бўлиб ўтган. Фазлуллоҳ Исфохоний мазкур адабий кечада хонга бағишланган туркий қасида тақдим этилганини ёзар экан, у ҳам Шайбонийхон мадҳ этилган қитъасини ўқиган.³

“Шайбонийнома”да Султон Маҳмуд Баҳодир Шайбонийхон ҳузурига келгани, ҳукмдор билан мажлис қургани қаламга олинар экан, унда “*Мажлисе қурдилар, андоққи дема, Ишрате сурдилар андоққи дема, Бор эди ул аро созанда баса, Шавқ ила сози навозанда баса*” деб мажлисда куй-қўшиқлар ижро этилгани ёзилган.

Султон Ҳусайн Бойқаро суҳбатдошларидан бўлган истеъдодли шоир Мирмўғул Шайбонийхон ҳузурида бўлиб, куйидаги шеърини хонга тақдим этган:

*Олма оламники, оламда баса гамлар бор,
Ол кўнғил мулкинию, кўрки, не оламлар бор.*

Бу байтни Шайбонийхон тинглаб, офарин айтиб: “*Фирдавсий Султон Маҳмуд Ғазнавийга олтмиш минг байтдан иборат “Шоҳнома” айтган. Султон Маҳмуд бунинг учун ўттиз минг динор берган. Сен бир байт айтдинг. Мен сенга олтмиш минг шоҳрухий бераман,*”⁴ деган. Мавлоно Соҳибдоро Муҳаммад Шайбонийхон Нахшабдан чиқиб, Ҳиротни босиб олгани муносабати билан қасида-таърих ёзиб, бир йиғинда ўқиб берган.⁵ Мавлоно Қабулий Бухорий хушсуҳбат ва мақбул киши бўлган. Шайбонийхон айниқса унинг суҳбатини хуш кўрган.⁶

Муҳаммад Шайбонийхон шеърий йиғилишлардан бирида “Фасаййукифайкухумуллоҳ” оятини жалий қаламида чиройли битиб, фозиллардан таъриф қилишларини сўраган. Шунда шоир Ҳофиз Султон Али Убеҳий унинг таърифида бу қитъани айтган:

*Бар маснади иқбол тун Хусрави Жамжох,
Эй хони жаҳонгир ки аз лутфи илоҳ.
То лавҳу қалам ҳаст, касе дар ҳама олам,*

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 246-247.

² Şeybanî Han Divanı. (İnceleme-Metn-Yağub Qorasoy). – Konya, 1989. – С. 42.

³ Фазлаллаҳ ибн Рузбихан Исфохоний. Михман-наме-йи Бухара” (Записки Бухарского гостя) Перевод, предисловия и примечания Р.П. Джамиловой. – Москва: Наука, 1976. – Б. 66.

⁴ Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 343.

⁵ Кўрсатилган асар. – Б. 343.

⁶ Алишер Навоий: Комусий луғат. Биринчи жилд. – Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016. – Б. 82.

*Нанавешт ба хубӣ чу хатти хуби ту дилхоҳ.
Бар хубии хаттат ду гувоҳ ба адолат,
Кофист ду кофи “фасаййукифайкухумуллоҳ.”¹*

(Мазмуни: Эй оламни олувчи хон, тангри лутфи туфайли, Иқбол тахтида ўтирган Жамшид мартабали Хусрав (подшоҳ) сенсан. Тоқим лавҳи қалам бор экан, ҳеч бир киши барча оламда, Сенинг яхши хатинг каби даражада мақбул қилиб ёзаолмаган. Хатинг яхшилигига адолат юзасидан икки гуноҳ – “фасаййукифайкухумуллоҳ”нинг икки “коф” ҳарфи етарлидир).

Муҳаммад Шайбонийхон ҳузуридаги мажлисларда мушоиралар билан бирга, илмий, диний, бадий мавзуларда қизгин мунозаралар ҳам олиб борилган. Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийнома”да “Нуктаси нуктаи қуръонийдур, Мажлиси-мажлиси – руҳонийдур” деб, йиғинларда диний-ирфоний масалалар муҳокама қилинганлигига урғу берган. Қизиғи Муҳаммад Солиҳ яна бир ўринда “Ўзга хонлар киби мажлис қурмас, Айшу ишрат соридин дам урмас” деб, мўғул хонлари ва чигатой султонлари (темурий мирзолар)нинг чоғир мажлисларини ҳамда абгор ҳолини қаттиқ танқид остига олган.

Хулоса қилиб айтганда, шоҳлар шоири Муҳаммад Шайбонийхон даври адабий муҳити ўзида бир томондан Фазлуллоҳ Исфажоний, Муҳаммад Солиҳ, Биноий, Убеҳий каби қатор истеъдодли шоирларни жамлаган бўлса, иккинчи томондан шоҳлар шоири Шайбонийхон таъсири ўлароқ, бу сулоланинг деярли барча вакиллари шеър ёзган ёки адабиётга, шеърятга ихлосманд бўлган. Энг муҳими, ҳукмдор ҳузурида ташкил этилган шеърят кечалари мумтоз адабиётимиз тараққийига хизмат қилган. Адабиётшунослар олдида турган навбатдаги вазифа эса мазкур адабий муҳитнинг бошқа намояндалари номини аниқлаш ҳамда мавзуни чуқур тадқиқ этишдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1989. – Б. 25.
2. Şeybanî Han Divanı. (İnceleme-Metn-Yaqub Qorasoy). – Копуа, 1989. – С. 136.
3. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфажоний. Михман-наме-йи Бухара” (Записки Бухарского гостя) Перевод, предисловия и примечания Р.П. Джамиловой. – Москва: Наука, 1976. – Б. 9-17.
4. Хасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб. – Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 30.
5. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1990. – Б. 186.
6. Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990. – Б. 91.
7. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 248.
8. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 34.
9. Фаҳрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. – Т.: Мумтоз сўз, 2014. – Б. 34-35.
10. Ибраҳимов А. Бизким ўзбеклар. – Т.: Шарқ НМАК БТ, 2011. – Б. 319.
11. Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. – Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016. – Б. 7.
12. Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979. – Б. 167.
13. Хофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. – Т.: Шарқ НМАК БТ, 1999. – Б. 74.

Наишра ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

Н.НОРҚОБИЛОВНИНГ “ҚУЁШ ТУТИЛГАН КУН” ҲИКОЯСИДА “ТАБИАТ ЎЧИ” КОНЦЕПЦИЯСИ

Файзуллаев Х. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Н.Норқобиловнинг “Қуёш тутилган кун” ҳикояси инсон ва табиат муаммоларининг поэтик талқинига кўра тадқиқ этилган. Ёзувчи томонидан “табиат ўчи” концепциясининг қай тарзда рамзий тасвир этилгани ёритиб берилган.

¹ Кўрсатилган асар. – Б. 161.

Таянч сўзлар: “Табиат”, “наботот”, “жамодот”, “анамалистик адабиёт”, “анамалистик ҳикоя”, “анамалистик образ”, ҳикоя, жанр, сюжет, эпизод, детал, сюжет чизиги.

Аннотация. В данной статье исследуется рассказ Н. Норкабилова «День, затмеваемый солнцем» с точки зрения поэтического осмысления проблем человека и природы. Писатель объясняет, как символически изображается понятие «природный огонь».

Ключевые слова: «Природа», «растительность», «джаматот», «анамалистическая литература», «анамалистический рассказ», «анамалистический образ», повесть, жанр, сюжет, эпизод, деталь, сюжетная линия.

Annotation. In this article, N. Norqabilov's story "Sun Eclipsed Day" is researched according to the poetic interpretation of the problems of man and nature. The writer explains how the concept of "nature fire" is symbolically depicted.

Key words: "Nature", "vegetation", "jamatot", "anamalistic literature", "anamalistic story", "anamalistic image", story, genre, plot, episode, detail, plot line.

Барча асарларида инсон ва табиат муаммосини теран бадиий таҳлил қилиб келаётган ёзувчи Нормурод Норқобиловнинг “Қуёш тутилган кун” ҳикояси бир қарашда табиат ҳодисасига дахли йўқдек туюлади. Ҳикоя воқеалари деярли ижтимоий, маиший майдонларда кечади. Ҳикоя сюжетига акс эттирилган воқеа анча мураккаб. Ёзувчининг моҳирлиги шундаки, у шундай мураккаб воқеани 13 саҳифага сиғдира олган.

Собир полвон тасодифан қишлоғи тутзоридан ўтаётиб, чинқирганча ўзига томон чопиб келаётган қизни кўриб қолади. Ваҳима ичидаги қиз жон ҳолатда уни қучоқлаб олади. Ёқавайрон ҳолатда тутзордан югуриб чиққан Боборайим говни кўриб баттар қичкиради. Йигитнинг орқасига яшириниб олиб ундан паноҳ сўрайди. Кейин маълум бўлишича, умри камоқдан камоққа алмашиб ўтаётган қонхўр Боборайим бокира бу қизни зўрламоқчи экан. Оқибат Собир полвон билан Боборайим гов ўртасида аёвсиз муштлашув бўлиб ўтади. Ёзувчи воқеанинг асосий моҳиятини мана шу муштлашув негизида, қуйидаги бадиий-психологик композиция доирасида очиб беради:

1. *Образлар орасидаги мураккаб туташув:* Жабрдийда қиз Собир полвоннинг тоғасини ўлдирган, эндиликда камоқда бўлиб, хотини болаларини олиб онасиникига кетиб қолган Ваҳобнинг синглиси. Шу сабаб онаси билан ҳайҳотдек ховлида ғарибона кун кечиради. Қиз номусига тегмоқчи бўлган Боймурод гов эса бу ишини Ваҳобдан ўч олиш учун қилади. Сабаби камоқхонада Ваҳобдан озор кўрган бўлади. Баҳром эса Собир полвоннинг тус тоғаси. Бир қарашда Собир полвоннинг манфаати Боймурод гов билан тўқнашмайди. Аксинча, тоғасининг қотилидан ўч олаётган Боймурод гов ўзи билмаган ҳолда Собир полвон манфаатига хизмат қилади. Шу сабабдан Боймурод гов Собир полвоннинг бу ишини тушунолмади:

- Лекин бу қишлоқнинг ўз эгалари бор! -Собир полвон унинг гапини чўрт кесди. - Ўлмаган улар! Қизни сенга хафа қилдириб қўймаймиз!

- “Сен”лаб қолдингми?

- “Сиз”лашга арзимаёсан!

- Ахир унинг акаси тоғангни...

- Ул йигитга бу баҳонамас...

- “Ул-ул”лаб ўларкансан-да, бу дунёда ул қоптимми.

- Бор экан-ки, қошингда турибман!¹

2. *Содир бўлган воқеалар ўртасидаги мураккаб туташув.* Ўша муштлашувдан кейин Собир полвоннинг “қонини ичиш”га қасам ичган Боймурод говнинг гапи қишлоқ аҳлида саросимадан ҳам кўра катта қизиқиш уйғотади. Фалокат ҳақида ўйлаш ўрнига Боймурод гов Ваҳобнинг синглисини “бузиб қўйибди” деб гап тарқатишади. Бошқа бир тўда бу ишни Собир полвон қилибди деган гапни тўқишади. Қизни кўз остига олиб юрган Бобур сарик ҳам осонгина қиздан воз кечади, Боймуроддан кўрқиб қишлоқдан қочиб кетаётганини атроф-теваракка номус иши деб тушунтирмоқчи бўлади. Ҳатто қизнинг онаси ҳам Боймуроддек ваҳший чангалидан аранг қочиб қутулган қизига ишонмайди. Одамларнинг

¹ Норқобил Н. Бўрон қўпган кун. Қисса ва хикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 226.

гапи деб уни кўз очирмай қўяди. Собир полвоннинг жўралари зоҳирда ундан аҳвол сўраш учун келгандек бўлишса-да, асл мақсадлари гап олиш, кўчадаги гап-сўзларни унинг оғзидан тасдиқлатиш эди.

- Лекин сен маладессан!

- Синглисини бузиб, тоғангни ўчини олдингми, демак, сен ҳақиқий эркаксан! – шунинг учун манвун ичиб юбор.

Полвон барча жўралари кўзида Раҳим пакана тилидан учган шу сўзлар маъносини англагач, унинг кўзига: “Қуёш нурсизланиб, олам зимистон тортгандек бўлади”¹.

- Тоғанни Ваҳоб эмас, силар, силарга ўхшаганлар ўлдирган! -дейди у ўзининг уйида ош пишириб, ароқ ичиб оғзини пойлаб турган жўраларига. – Энди эса шўрлик бир қизнинг бошини емоқчимисанлар?! Йўк, уни силарга едириб қўймайман! Энди эса жўна баринг!..² Дарҳақиқат, тоғаси Баҳромни ҳам ғийбат у миш-мишлар ўлдирган эди. Даладаги ўша тутзордан барг юлиб, қопни кўтаришни эпломмаган аёлга ёрдам берган, тутлар орасидан чиқишаётгани, аёлнинг чанг уннаган “эгнини қоқаётганини” кўриб қолган бир шум кампир бу ҳолатни ошиқиш равишда аҳли ғийбатга етказган, гап урчий-урчий Ваҳобни ошқора (тўйхонада) қотиллик қилишга мажбур этган эди: “У (Ваҳоб – Х.Ф.) тоғаннинг кўксига зарб билан пичоқ санчгандан сўнггина нима иш қилиб қўйганини англайди. Тўй эгасининг қўлида жон бераётган тоғаннинг кўзларида шу маънони уқийди: “Нечун? Нима (?) айбим учун?”³.

3. *Ҳикоя сюжети воқелигининг табиат ҳодисаси – кун тутилиши билан узвийлиги:* Дастлаб ўқувчи қуёш тутилиши ҳақидаги гапни Собир полвоннинг жўралари оғзидан эшитади:

- Эшитдингларми, эрта-индин қуёш тутиларкан.

- Шиша топиб қорайтириб қўйиш керак экан.

- Қора кўзойнак ҳам бўлаверади.

- Салимнинг дўқонида унақасидан қолмабди, барини опқўйишибди.

- *Охир замон бўладиёв деб, чоллар қўрқиб юрганмиш...*⁴

Ҳолбуки, охирзамон бўлаётганини фақат чолларгина пайқашмаган эди. Бу сўз ҳали қуёш тутилиши ҳақидаги хабардан бир кун олдин Боймурод гов билан чанг йўлни тўзитиб тепалашган, қутқарилган қиз “майин дуррачаси” билан юзидаги қонларни артаётган Собир полвон тилидан тасодифан айтилган эди: “–Боя...-дейди ёқимли бир ҳисдан боши айланиб, -кун тутилдими деб ўйлабман!.. Кейин бундай қарасам чанг-тўзон... Кулга ағнаган тайхардай, тоза юмалашибмиз-да ўзиям...”⁵. Ёзувчи бу табиат ҳодисасини яна бир рамзий ҳолат билан тасвирий ифодалайди. Яъниким, Собир полвон тутзордаги воқеага гувоҳ бўлгунига қадар олам ёп-ёруғ эди. Воқеа ривожланган, икки йигит муштлашаётган пайтда сарғиш тусга киради. Юқоридаги жумлада Собир полвон тилидан шу манзара тасвирланади. Воқеалар оқими кульминация нуқтасига чиқиб, Боймурод гов номардларча Собирнинг кўксига пичоқ санчганида қизаради, қонга бўялади. Асар охирида қуёш буткул тутилиб оламни зулмат қоплайди. Таҳлил давомида айрилган тўртта тасвирий ифода ўзаро уйғунлашади.

Асар ҳақида мулоҳаза: Бошқа асарларда бўлганидек бу баркамол ҳикояда ҳам баъзи мантиқий, сўз қўллаш услубига кўра кичик хатоликлар бор. Шулардан иккитасини айтиб ўтамиз. Биринчиси, юқорида таҳлил қилинган Собир полвоннинг тоғаси Баҳром ўлими олдидан айтган гапи “Нечун? Нима (?) айбим учун?!” тарзида эмас, “қайси айбим учун” шаклида ифодаланиши керак эди. Иккинчиси, жўралари Собир полвоннинг олдида қизни ғийбат қилишганидан жаҳлланган полвон бақувват бармоқлари орасига сиқиб, пиёлани парчалаб юборади. Ёзувчи буни “панжалари орасида бурдаланган” деб беради. Аслида

¹ Норқобил Н. Бўрон қўпган кун. Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 223.

² Шу асар. – Б. 223-224.

³ Шу асар. – Б. 223.

⁴ Шу асар. – Б. 219.

⁵ Шу асар. – Б. 220.

бурдаланиш юмшоқ нарсаларга, гўшт, нон, тери каби нарсаларга нисбатан қўлланса тўғри. Қаттиқ жисм, айниқса, чиннига нисбатан синдириш, парчалаш сўзлари ишлатилгани маъқул.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи Н.Норқобилов ҳикоядек кичик жанр доирасида ҳам улкан фалсафий концепцияларни ўртага ташлай олади. “Қуёш тутилган кун” ҳикоясида тасвирланган одатдаги бир воқеа ёзувчи томонидан шу тарзда рамзийлаштирилганки, ҳикояни мутолаа қилган ўқувчи беихтиёр инсон ва табиатнинг уйғунлиги, шу йўриққа амал қилмаган жамиятдан табиат ўч олиши ҳақидаги фалсафий хулосага эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ашурова Ш.А. Инглизбабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анамалистика жанри хусусиятлари (Э.Сетон-Томпсон ва Н.Норқобилов ижоди мисолида): Филол. ф. б. фалс. док. (PhD)...дисс. – Тошкент, 2020.
2. Норқобилов Н. Четдаги одам. Ҳикоялар. – Тошкент: Чўлпон, 2019.
3. Норқобилов Н. Бўрон қўпган кун: Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007.
4. Норқобилов Н. Бекатдаги оқ уйча. – Тошкент: Шарқ, 2000.
5. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ НМАКБТ, 2007.
6. Расулов А. Шайдолик / Норқобилов Н. Бўрон қўпган кун: Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007.
7. Томпсон Э. Ёввойи йўрға. Рус тилидан Тоғай Мурод таржимаси. – Тошкент: Ношир, 2010.

Наирига ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

XURSHID DO‘STMUHAMMAD ROMANLARIDA OBRAZ, XARAKTER, PORTRETLAR TASVIRIDA PSIXOLOGIZM VA MAJOZ UYG‘UNLIGI

Qurbonova F.I. (TIQXMMI Milliy tadqiqot universiteti huzuridagi Qarshi irrigatsiya va agrotekhnologiyalar instituti)

Annotatsiya. Roman – odam va olam munosabatlarini o‘ziga xos yo‘sinda, serqatlam kompozitsion yaxlitlikda idrok etuvchi janr. Unda mohiyatan dunyo badiiy tajribalari sintezlashgan bo‘ladi. Zotan, hech bir romannavis izlanishlari faqat bir milliy adabiyot doirasida cheklanib qolmagan.

Tayanch so‘zlar: *mif, fantastika, detektivlik va ilmiylik.*

Annotation. The novel is a genre that perceives the relationship between man and the universe in a unique way, in a complex compositional whole. It is essentially a synthesis of world artistic experiences. Indeed, no novelist’s research has been limited to a single national literature.

Key words: *myth, fiction, detective and science.*

Аннотация. Роман — жанр, который своеобразно, в сложном композиционном целом воспринимает взаимоотношения человека и мироздания. По сути, это синтез мирового художественного опыта. Действительно, исследования ни одного писателя не ограничивались одной национальной литературой.

Ключевые слова: *миф, фантастика, детектив, наука.*

Vaqtini unutgan o‘zini ham unutadi. O‘zini unutgan odam mo‘ljalni, rejani, hisob-kitobni unutadi. Yashamayotgandek yashaydi¹, – deb yozadi muallif va romanda ham shu aqidaga tayanadi.

Yozuvchi Xurshid Do‘stmuhammad “Teogeniya” (Gesiod), “Metamarfozalar”, “Qahramon ayollar” (Ovidiy), “Iliada” (Gomer) singari dostonlarni ishtiyoq bilan o‘qib o‘rgandi. Biroq bu asarlarning turlicha jahoniy talqinlari Sharq-islom adabiy-estetik tafakkuri ta’sirida kamol topgan o‘zbek adibini qanoatlantirmadi. Shuning uchun ham, ma’bud Zevs va Sizif munosabatlari bilan bog‘liq an’anaviy mavzuni milliy folklor, mumtoz adabiyot an’analari, Sharqona e’tiqodiy asoslar negizida, jahon adabiyoti badiiy ifoda usullaridan keng foydalangan

¹ Do‘stmuhammad Xurshid. Donishmand Sizif.Roman. – T.: O‘zbekiston NMIU, 2016. – B. 283.

holda, mutlaqo yangicha poetik tahlil va tadqiq qilishga qo‘l urib, “Donishmand Sizif” nomli roman yaratdi.

Roman – odam va olam munosabatlarini o‘ziga xos yo‘sinda, serqatlam kompozitsion yaxlitlikda idrok etuvchi janr. Unda mohiyatan dunyo badiiy tajribalari sintezlashgan bo‘ladi. Zotan, hech bir romannavis izlanishlari faqat bir milliy adabiyot doirasida cheklanib qolmagan. Romaniy tafakkur poetik ifodasi badiiy xronotopning uch tarkibli zamon-makon shakllari ishtiroki – “xronotop qopqasi orqali”¹ amalga oshadi. Shu bois, janrda kechadigan sinkretizm, sintetizm, differentsiatsion va modifikatsion jarayonlar hamisha tarixiy poetika nuqtai nazaridan tahlil qilinadi. Mustaqillik davrida tarixiy-madaniy, ijtimoiy-ma`rifiy va psixologik jihatdan qayta uyg‘onib, o‘z tarixiy asoslariga qaytayotgan milliy adabiy-estetik tafakkur roman doirasida zamonaviylashish sari harakatlanmoqda. Janr amaliyotida kechayotgan estetik yangilanishlarga tayanib, aytish mumkinki, postsovet makonidagi milliy romanlar endilikda, taqlid bosqichidan asta-sekin sintetizm va differentsiatsiya jarayonlariga o‘tmoqda. Milliy roman janriy belgilari, kompozitsiyasi, syujeti, obrazlar olami, turfa motivlarga murojaat etish yo‘sinlari, uslubi tinimsiz tozarish va yangilanish og‘ushida ekani yuqoridagi fikrni tasdiqlaydi. Ammo kanonlashuv mexanizmining ishga tushganiga ham ancha bo‘ldi. Jumladan, roman o‘ziga nisbatan kichikroq janrlar va boshqa badiiy birliklarni bemalol “hazm” qilish orqali sintetik mohiyat kasb etmoqda. Milliy roman ko‘plab janrlarga xos xususiyatlarni o‘z tarkibiga singdirib olayotgan ekan, bunday sinkretik jarayon uning sintetik bosqichida ekani va ichki tabiatida poetik tarmoklanish paydo bo‘lishi tabiiyligini ko‘rsatadi.

Adabiyotshunos D.To‘raev “XX asr boshlarida o‘zbek adabiyotida ham mifologiyadan foydalanish, xalq og‘zaki ijodiga qahramonlarni real obrazlarga onlantirishga urinishlar bo‘lgani”² ni qaydi etadi. Jadid adabiyoti ijodkorlar tomonidan yaratilgan “Qiyomat” (Fitrat), “Yorqinoy” (Cho‘lpon) singari asarlarda xalq og‘zaki ijodi motivlari va SHarq mifologoyasidan foydalanilganligi ko‘rsatgan munaqqid, shoir Asqar Qosim tomonidan Esxilning “Zanjirbanb Prometey” asarini o‘zbek tiliga tarjima qilish asnosida “Samo sirlari” dostonining yaratilganligini esga olib o‘tadi.

Ma`lumki, janrning har bir ichki shakllariga xos muayyan belgi-sifatlar ham sekin-asta oydinlashmoqda. Afsuski, shakllanayotgan yangi kanonlarni yaxlit tasavvur etishga imkon beruvchi umumlashma xarakterdagi tadqiqotlar yuzaga kelmadi. Bizningcha, o‘zbek romani sintetik taraqqiyoti ayni bosqichidagi romannavislarni shartli ravishda ikki guruhga ajratish imkonini beradi: 1. Poetik tafakkuri taqlid bosqichi bilan bilvosita aloqador adiblar. Ular roman shakli, mazmuni va poetik ifoda jihatlarida o‘zlari taqlid qilayotgan ob`ektdan uncha yiroqlashmagan ijodkorlardir. 2. Poetik tafakkurida sof germeneytik munosabat yetakchilik qiluvchi adiblar. Ular namuna-obyektini o‘ziga maqbul yo‘sin va badiiy-estetik niyat ijrosiga muvofiq shakl va mazmunda yangilashni uddalashmoqda. Ta`kidlash o‘rinliki, biz ikkinchi guruhga mansub sanagan adiblarga milliy romanning yangi ichki shakllari, betakror poetik ifoda yo‘sinlari yuzaga kelishiga munosib ulush qo‘shmoqda. Yangilanayotgan milliy romanlar sinkretizmida Qur`oni karimda keluvchi voqealar (jannat hayoti, bashariyat vakillari yaratilishi, Hobil va Qobil qissasi, Nuh alayhissalom to‘foni voqeasi kabi) hamda ularning miflashgan talqinlarida mujassam ilohiy ibrat birlamchi manba vazifasini o‘tamoqda. Bu tipdagi yangilanishlar namuna-ob`ektiga madaniy munosabat ustuvorligi jihatdan mohiyatan an`anaviydir. O‘zbek romanlarining “Donishmand Sizif” (X.Do‘stmuhammad) kabi ayrim namunalarida qadim Yunon adabiy an`analariga xos syujet, kompozitsiya, obraz, motiv va detallarning ilg‘or Yevropa romanlari bilan o‘zaro uyg‘unlashib, islomiy negizda yangicha talqin qilinishi kuzatilmoqda. Adib Sizif obrazining oldingi talqinlarida kuzatiluvchi: hiylakorlik, makkorlik, kazzoblik, dog‘ulilik, yolg‘onchilik, isyonkorlik singari salbiy sifatlarni inkor etadi. Chunki uning xarakterida Korinf shahrini bunyod etish, mamlakat xazinasini boyitish, odamlarni vabodan qutqarish, ularga shodlik ulashish, isrofgarchiliklarga barham berish, har qanday

¹ Baxtin M. Romanda zamon va xronotop shakllari. Tarixiy poetikada ocherklar. Rus tilidan U. Jo‘raqulov tarjimasi. – T.: Akademyashr, 2015. – B. 43.

² To‘rayev D. Sizifrivoyati o‘zbek olimlari diqqatida / Ma`naviy olam talqinlari. – T.: Akadem nashr, 2020. – B. 54.

mushkulotni tafakkur kuchi hamda yaqin mahramlar maslahati bilan oqilona hal etish, nurga talpinish, mehnatu mashaqqatdan choʻchimaslik kabi qatʼiyat va zukkolik, kuchli iroda mujassam. Bularning barchasi Sizifni donishmand deyishga asos beradi. Romanning nomlanishi ham obrazning yuqoridagi tarzda poetik idrok etilishi bilan izohlanadi. “Zevs oʻrnatgan ilohiy tartib-intizomga qarshi chiqish, donishmandlik belgisi boʻla oladimi?” degan haqli savol tugʻiladi. Zotan, ilgari mavjud badiiy talqinlarga koʻra, Zevs – tangrilar va bandalar shohi, butun jahon hukmdori. Osmon, momaqaldiroq hamda chaqmoqlar xudosi. Zamon va makonning mustaqillik davri kesimida milliy roman sintetik bosqichi ijodkorning obʼyekt-namunaga munosabati, poetik mahorati, uni qanday shakl va yoʻsinda badiiy talqin etishiga koʻra muttasil oʻzgarib, yangilanib bormoqda. Shu maʼnoda, hozircha uning qay tartib va yoʻsinlarda kechayotgani, qardosh adabiyotlardagi ayni tipdagi jarayonlar bilan nechogʻlik tutashligini aniqlash ancha mushkul. Bu hol maxsus yondashuv usullarini talab etadi va monografiyaning obʼekti va maqsadiga kirmaydi. Shunisi aniqki, zamonaviy oʻzbek romanlari uchun muayyan xududiy adabiyot uzil-kesil “namuna” vazifasini oʻtayotgani yoʻq. Zotan, sintetizm tabiatan muayyan madaniy-tarixiy, badiiy-estetik kanonlar doirasi bilan cheklanuvchi sunʼiy hodisa emas. U mohiyatan ulkan kamrovli, umuminsoniy poetik tafakkur mahsulidir. Filologiya fanlari doktori U.Joʻraqulov “Xamsa” xronotopi badiiy sintez hodisasi ekanini ishonchli dalillashga muvaffaq boʻlgani ham bu fikrni toʻla tasdiqlaydi¹. Istiqloq davrida yuzaga kelgan A.Dilmurodning «Fano dashtidagi qush», “Rang va mehvar”, “Zarradagi olam”, X.Doʻstmuhammadning “Bozor”, “Donishmand Sizif”, N.Eshonqulning “Goʻroʻgʻli”, U.Hamdanning “Isyon va itoat”, “Sabo va Samandar”, “Yoʻl”, Isajon Sultonning “Boqiy darbadar”, “Ozod”, “Genetik” singari romanlarda umumturkiy va jahon adabiyotida sayqal topgan qadimiy mavzularga murojaat qilish, obraz, xarakter, portetlar tasvirida psixologizm va majoz uygʻunligi kuchaydi. Soʻz nafosati hamda maʼno serqatlamliligiga eʼtibor ortdi. Sharq mutafakkirlarining merosi va joriy adabiy jarayon tajribasi shuni tasdiqlaydiki, qadimgi yunon afsonayu rivoyatlaridagi taqdiri azal va mahkumlikni mustahkam milliy eʼtiqod ufqidan boqib, teranroq tahlil va talqin qilish mumkin. Jumladan, qadimgi yunon falsafasining eng yirik tadqiqotchisi Forobiy borliq muammosini mutlaqo yangicha hal qilgan edi. X.Doʻstmuhammad “Bozor” romanidayoq Forobiyning ijtimoiy-axloqiy va siyosiy qarashlarini ijodiy oʻzlashtirdi. Bu hol oʻsha romandagi Fozilbek obrazi mantiqan mutafakkirning jamiyatni baxt-saodatga eltuvchi yetuk, xosiyatli, yuksak fazilatli inson haqidagi orzulariga borib tutashishi misolida kuzatiladi. Qadriya obrazi ham Forobiyning maʼrifat tantanasi, ilm istiqboli, inson kamoloti, ezgulik qaror topishi, odamlararo hamjihatlik singari qarashlaridan ajralmaydi. “Bozor” romani milliy-eʼtiqodiy asoslari ancha sertarmoqdir. Bunga ishonch hosil qilish uchun romandagi Zar (Zaratushtra) bobo obrazini kuzatish kifoya. Nafs oʻpqoniga botgan kasu nokas va doʻzaxiy alanga taftida jizgʻanagi chiqayotgan odamlar – foniy dunyo evrilishlari qarshisida aql-idrok betadbir ekanidan oʻrtangan qahramon ilohiy iroda qoʻlloviga ulugʻ ehtiyoj sezadi. Xarakter yaratishda yangicha ijodiy izlanishlar olib borilganligi natijasida bir-biriniga oʻxshamaydigan obrazlar paydo boʻldi. Xurshid Doʻstmuhammadning Sizif, Fozilbek, Qadriya, Zar bobo («Bozor») kabi qaxramonlarining xarakteri, portretti, psixologiyasi oʻtgan asrda yaratilgan shoʻro davriga xos qaxramonlardan tamomila farqlanadi. Masalan, Zar boboning oʻtmishi, oilasi, yaqinlari, hayot tarzi haqida maʼlumot berilmaydi, ammo kitobxon oʻziga juda yaqin tutadi. Gavjum bozorda borayotgan Fozilbek kutilmaganda Qadriyani uchratib qoladi. Qadriyaning portreti asarda shunday chizilgan: «Xushruiyga qiz eʼtiborini tortdi. «Oppoqqina ekan-a!, deb yubordi u beixtiyor ovoz chiqarib, shuday dedi-yu, chamasi notanish qizning chehrasidagi nurli oqlik uning koʻngliga toʻlaligicha koʻchdi-qoldi. Azbaroyi entikib ketdi. Hatto begona qizga ochiq-oydin baqrayishdan oʻzini tiya olmadi»². Koʻrinadik, yozuvchi Qadriya Fozilbek bilan ilk koʻrishgan chogʻilayoq yigitning diqqatini oʻziga tortadi. Anchayin kamsuqum, soʻzlarini tortinibgina aytadigan, ichidagi goʻzallik yuz-koʻzlarida aks berib turgan, koʻngli siniq, biroz parishonhol koʻringan bu qiz tashki koʻrinishidan shunday ammo, uning ichki olami, yon atrofga boʻlgan munosabati, oʻzin tutishi, odamlarga qoʻyadigan talabi, nimalarni qadrlashi, nima

¹ Joʻraqulov U. Alisher Navoiy “Xamsa”sida xronotop poetikasi: Filol. fan. d-ri... diss. – T., 2017. – B. 264.

² Doʻstmuhammad Xurshid. Bozor/Roman. – T.: Sharq NMK, 2000. – B. 36.

maqsadda yashayotgani, kimligi va qandayligi kitobxonni qiziqtirib qo'yadi. Qadriyaning portretini chizishda muallif uning o'ziga xosligini har safar to'ldirib boshni ma'qul ko'radi. Qizga xos bo'lgan sharqona hayo, odob, o'zini boshqalardan tortib turishi, boshqa bir olamda yashashi kabilar uning yuz-ko'zida aks etgan ifoda, siniq tabassumi, shikasta ovozi orqali to'liq namoyon bo'ladi. Qadriya portretini ichdan nurlantirib turgan narsa islomiy tafakkur bilan bog'liq.

Badiiy asarlarda bugun janrlararo uzviy ichki aloqadorlik: mif, fantastika, detektivlik va ilmiylik sintezlashib, sinkretiklashib ketmoqda. Adabiyotshunoslikda ayni hodisa "postmodern" metodiga asoslangan intilishlar sifatida ham baholandi. Shubhasiz, yuqorida sanalgan yozuvchilar muttasil o'qib-o'rganadi, izlanadi, odam va olamni sinchkovlik bilan kuzatib, ko'rgan, bilgan, his qilgan va tasavvur, taxayyul puchmoqlarida jilvalangan narsa-hodisalar, kechinmalar haqida tinimsiz muhokama-mushohada qiladi. Shu ma'noda, ularning XX asr jahon adabiyotidagi yangicha qarashlar, xususan, postmodern adabiyoti namunalari bilan tanish ekanligiga shubha yo'q.

Foydalanilgan adabiyotlar

- o'stmuhammad X. Qissalar. – T.: Sharq NMAKBT, 2011. – 512 b.
 o'stmuhammad X. Qissalar. – T.: Yangi asr avlodi, 2021. – 798 b.
 o'stmuhammad X. Roman. – T.: Yangi asr avlodi, 2021. – 734 b.
 o'stmuhammad Xurshid. Bozor. – T.: "Sharq" nashriyot-matbaa kontserni bosh tahririyati, 2000. – B. 192.
 o'stmuhammad Xurshid. Kuza // Sharq yulduzi, 2010, – № 1. – B. 23-75.
 o'stmuhammad Xurshid. Najot nafratdami yo... muhabbatda! // Tafakkur, 1996, 1-son. – B. 74-80.

Наируга проф. Д.Тўраев тавсия этган

YOSHLAR MA'NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHDA KITOBNING O'RNI

Porsieva Z.M., Ismoilova M.B. (QarDU)

Annotatsiya: ushbu maqolada kitob mutolaasi yoshlar ta'lim-tarbiyasida ma'naviy tafakkurning ozuqasi ekanligi haqida fikr mulohazalar berib o'tilgan.

Tayanch so'zlar: *kitob, ma'naviyat, tafakkur, qalb, fikr, komil inson, ёшлар тарбияси.*

Аннотация: В данной статье высказываются мнения о том, что чтение книг является источником духовного мышления в воспитании молодежи.

Ключевые слова: *книга, духовность, мышление, сердце, мысль, совершенный человек, воспитание молодежи.*

Annotation: This article expresses opinions that reading books is a source of spiritual thinking in the education of young people.

Key words: *book, spirituality, thinking, heart, thought, perfect person, youth education.*

Har qanday millatning ma'naviy-ruhiy dunyosini kitobga bo'lgan munosabati, kitobxonlik darajasi aniqlab beradi. Yaxshi kitob eng yaqin maslahatchi, sadoqatli do'st va bebaho boylik hisoblanadi. Yoshlarning ma'naviy tarbiyasida esa, uning o'rni naqadar yuksak sanaladi. Muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan kitob mutolaasi muhimligi, yoshlar orasida uni targ'ib qilish masalasiga davlat siyosati darajasida e'tibor qaratib kelinmoqda. Shu bois, prezident tomonidan ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbusda ham aynan yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular orasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish masalasiga alohida e'tibor qaratilganligi, kitob o'qish inson tafakkurining ozuqasi ekanligining dalilidir.

Darhaqiqat, inson o'zining fikrlash qobiliyati, ma'naviyat dunyosi bilan tirikdir. Odamni boshqa mavjudotlardan ajratib turuvchi omillardan biri ham aynan uning ma'naviyati hisoblanadi. Bu borada, jahon madaniyatiga munosib hissa qo'shgan ajdodlarimizning ham erishgan betakror yutuqlarining asl zamirida, kitob mutolaasi turganligini ta'kidlash o'rinlidir.

Albatta, kitobga bo'lgan yuksak mehrlari ila ajdodlarimiz o'z maqsadlari sari intilib, yuksak ma'naviyat sohibiga aylanishgan.

Kitobning inson hayotidagi o'rni borasida Abdurahmon Jomiy quyidagilarni bayon etgan:

*Kitobdan yaxshiroq do'st yo'q jahonda,
G'amxo'ring bo'lgay u g'amgin zamonda.
U bilan qol tanho hech bermas ozor,
Joningga yuz rohat beradi takror.¹*

So'z mulkining sultoni Mir Alisher Navoiy ham 7 yoshlarida Farididdin Attorning "Mantiq-tayr" asarini yod olgan, shuningdek, buyuk muhaddisimiz Imom al-Buxoriy hazratlari esa olti mingdan ziyod hadisni yod bilgan.

Atoqli adibimiz Oybekning ta'rif qilishicha, kitob – tafakkurning tolmas qanotlaridir.

Kitob o'qigan inson, qaysi sohada ishlamasin, to'g'ri fikrlash, oqu qorani ajratish, murakkab vaziyatlarda oqilona qaror qabul qilish ko'nikmasiga ega bo'ladi. Bundan tashqari, nutqi ravon bo'ladi, odamlarni o'z ortidan ergashtira oladi.

Shu ma'noda aytilish mumkinki, kitob – insonning qalb gavhari, tafakkur xazinasidir. "O'zimdagi barcha yaxshi xislatlarim uchun kitobdan minnatdorman"² – deya e'tirof etgan edi, buyuk rus yozuvchisi Maksim Gorkiy.

Yuqorida buyuk ajdodlarimiz va taniqli yozuvchilarning kitob muta'alasi ila yuksak martabalariga erishganligiga guvoh bo'ldik. Demak, ma'rifatli oilalarda va ta'lim muassasalarida kitobga yuksak e'tibor qaratish farzandlarimizning ma'naviy tarbiyasida qo'l keladi.

Har bir o'qituvchi yoshlarda kitob o'qish, axborot olish madaniyatini yanada rivojlantirib borishi zarur. Ularga kerakli maslahat berishi lozim deb o'ylaymiz. Kitob mutolasida yoshlar o'zi uchun zarur, yangi kuch hamda qanot bera oladigan kitoblarni tanlab o'qishi muhimdir. Shunchaki o'qish, bu – diqqatni to'plashga majbur etuvchi mashg'ulot. Ovunish uchungina o'qish esa, o'z-o'zini aldashdir.

Demak, kitob o'qish madaniyati juda keng qamrovli tushuncha va murakkab muammo bo'lib, taxminan quyidagi holatlarni o'z ichiga oladi:

- kitoblarni tanlab olish;
- kitobni qanday o'qish kerakligini bilish;
- kitob o'qiganda nimalarga alohida e'tibor qaratish va nimalarni esda saqlab qolishni bilish;
- kerakli ma'lumotlarni qayerdan, qanday, qaysi vositalardan foydalanib topishni bilish;
- olingan bilimlardan o'z o'rnida foydalana olish;
- qayta o'qish-kitobxonlik ko'nikmasini shakllantirish;
- kitobni tez va sekin o'qishni farqlay olish;
- kitobni o'qib, uning maftunkor olamiga kira bilish.

Agar har bir o'qilgan kitob quvonch va alam, shijoat hamda ruhiy tazarru olib kelmasa, jahon adabiyoti tarixini bilishdan ma'no yo'q.

Fikr-mulohaza qilmasdan o'qish – xushmanzara tabiat qo'ynida ko'zni bog'lab yurmoq demak. Biz o'quvchi-yoshlarning kitobga bo'lgan qiziqishlarini shakllantirish va rivojlantirish uchun ularga rahbarlik qilishimiz va ular bilan til topib ishlashimiz lozim. Buning uchun esa ularni har tamonlama o'rganishimiz lozim.

Ba'zi yoshlar haqiqiy kitobsevar bo'lsalar, boshqalari esa kitob o'qishni yoqtirmaydilar. Ammo, shunga qaramay barcha yoshlarni kitob o'qishga qiziqtirish muhim. Manbalarda³ berilgan quyidagi ko'rsatmalar yoshlarni kitobga mehr qo'yishiga yordam beradi degan fikrdamiz:

- Zamonaviy texnologiyalardan foydalanish;*
- Mutolaa burchagi tashkil qilish;*
- Bolalarni tez-tez kutubxonaga olib borish;*
- Kitoblarni tez-tez suhbat mavzusiga aylantirish;*
- Bolalarga namuna bo'lish;*
- Har kuni kitob o'qib berish.*

¹ hikmatlar.uz/quote/2276

² <http://www.marifat.uz/marifat/ruknlr/manaviat/4609.htm>

³ <http://taqvim.uz/uz/library/view/284>

Kitob insonning tafakkurini charxlovchi noyob quroldir. Kitoblar bilan yaqindan tanishgan sayin inson ko'p narsalarga o'zgacha nigoh bilan nazar solishni boshlaydi. Shu bois, kitob doimo insonlar uchun yaqin do'st, hamroh, dono maslahatchi bo'lib kelgan.

Olimlar bolani kitob o'qishga jalb qilish uchun, uni yaxshi qog'ozga mohirona bosilgan ajoyib kichik hikoyalar va chiroyli rasmlar bilan tanishtirish kerakligini maslahat berishadi¹.

Albatta, bolalarning kitob o'qishga bo'lgan qiziqishiga televizor, internet, kompyuter o'yinlari va shularga o'xshash bir qancha omillar salbiy ta'sir ko'rsatadi. Biroq, bu omillar zamonaviy dunyo rivojlanishining ma'lum bir bosqichidir va biz bolalarni kitob o'qishga mehrini oshirishda shu kabi telegram kanallari, bepul ilovalar, audio kitoblar, maxsus kitob saytlardan unumli foydalanishimiz kerak.

Buning uchun esa, avvalo, milliy adabiyotimiz va jahon adabiyotining eng sara namunalarini ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirish va ularni keng targ'ib qilishga alohida e'tibor berishimiz muhim ahamiyat kasb etadi.

Agar siz, farzandingizni kitobga bo'lgan mehrini oshirmoqchi bo'lsangiz, boshlang'ich bosqichda uni tinglashni, u bilan o'qiganlarini muhokama qilishni, samimiy suhbat jarayonida uning badiiy didini aniqlashni va farzandingiz yoqtiradigan kitoblarni topishingiz kerak bo'ladi.

Shu unitmaslik kerakki, yoshlarda kitobxonlik madaniyati asosan kattalar misolida shakllanadi. Shu bois, oila davrasida birorta qiziqarli kitobni ovoz chiqarib o'qish, olingan taassurotlar haqida so'zlab berish, bir-biriga kitob tavsiya qilish kerak. Farzandlarga yoshligida uxlashdan oldin qisqa hikoyalar o'qib berish ham samarali natijalar beradi.

Biz, farzandlarimiz qalbida kitobxonlikka mehr uyg'otganimiz, kitobxon va tafakkurli avlodni voyaga yetkazganimiz sari ilm-fan, texnika, madaniyat va san'atda jahon miqyosidagi yutuqlar ko'zga tashlanaveradi!

Darhaqiqat, kitob o'qish analitik fikrlashni ham rivojlantiradi. Kitob o'qish tufayli ongimiz ham rivojlanadi. Miya sharlarining o'zaro aloqalari mustahkamlanadi va umuman olganda aql oshadi, pirovardida kitob mutolaasi bilan insonda o'z dunyoqarashi shakllanadi.

Demak, inson kamoloti va bilimining manbai kitob bilan bog'liq. Yoshlar uchun ma'naviy ozuqa olishning va chin ma'noda inson bo'lib yetishishning birdan bir yo'li bu kitob mutolaasi hisoblanar ekan.

Yoshlarning kitob o'qishga bo'lgan qiziqishini oshirishga, ularni kitob bilan do'st bo'lishga, aholining kitobxonlik saviyasini yanada oshirishga alohida e'tibor qaratish davlat siyosati darajasidagi muhim masaladir.

Biz o'quvchi-yoshlar o'rtasida *"Men sevgan qahramon"*, *"Mening o'qigan qiziqarli kitobim"* mavzularidagi davra suhbatlarini o'tkazib turishimiz ham foydalidir².

Mavzu doirasida biz yoshlar orasida so'rovnomada o'tkazdik. So'rovnomada qatnashgan yoshlardan 30 foiz – Sarguzasht, 25 foiz – Fantastik, 23 foiz – Ertaklar, 15 foiz – Badiiy va 7 foiz – Badiiy bo'lmagan kitoblarga qiziqishi borligini ma'lum qilishdi.

Shuningdek, ko'pgina yoshlarimiz 5 tadan ortiq, o'zlari o'qigan kitoblarining mualliflarini sanab berishdi,

Demak, siz sevib o'qiydigan kitoblar qaysi mavzuga doir bo'lmasin, ular insonni komillik sari yetaklaydi. Darhaqiqat, bu ma'naviy sarchashma farzandlarimizning dunyoqarashini yanada boyitibgina qolmaydi, balki, nutqini ham o'stirib, xotirasini mustahkamlaydi. Shu ma'noda, Yurtboshimizning kitob – tafakkurning ozuqasidir, -degan ibratli so'zlari ayni haqiqatdir.

Yoshlarda tafakkur qanchalik keng bo'lsa, ular yuksak kengliklar sari intilishdan tolmaydi. Kitobga bo'lgan qiziqish o'sib kelayotgan yosh avlodning ma'naviy dunyosini boyitishga xizmat qiladi. Har bir inson kitoblar orqali uning ma'naviy xazinasidan, cheksiz imkoniyatidan iloji boricha ko'proq foydalanib, o'zining, o'zgalarning hayotini mazmunan boyitishi mumkin. Kitob-ruhiyatimiz ozuqasi, u bilan do'stlashish nafaqat bizni ma'nan yuksaltiradi, balki jahonga tanitadi, ezgulikka yetaklaydi.

¹ Штейман, А. Страсть к чтению/ А. Штейман // Библиотека в школе. – 2009. - № 19. - с. 34

² Matjonov S. Maktabda adabiyotdan mustaqil ishlar (O'qituvchi uchun metodik qo'llanma). – T.: "O'qituvchi", 1996.- 208-b

Shu ma'noda aytish mumkinki, kitob – insonning qalb gavhari, tafakkur xazinasidir. Biz shunga erishishimiz kerakki farzandlarimiz uchun kitob eng bebaho sovg'a bo'lsin. Shundagina fardandlarimiz biz orzu qilganday, ma'naviy yetuk, teran fikrlay oladigan, katta va kichikka mehribon, Vataniga sodiq, insofli, diyonatli va oliyjanob insonlar bo'lib kamol topadilar.

Kitobxonlik tasavvurimizni, tafakkurimizni, xotiramizni, dunyoqarashimizni rivojlantirishda cheksiz imkoniyatlar beradi. Demak, kitobxonlik shaxsiyatimizni rivojlantiradi.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mavlonova R.A. va boshqalar. –Pedagogik texnologiyalar. T.: Fan, 2008.
2. Matjonov S. Maktabda adabiyotdan mustaqil ishlar (O'qituvchi uchun metodik qo'llanma). – T.: "O'qituvchi", 1996.-208-b.
3. Porsieva Z. M., Ismoilova M. B. The Book is a Noble Teacher /International Journal on Integrated Education. Volume 4, Issue 11, Nov 2021
4. <http://hikmatlar.uz/quote/2276>
5. <http://taqvim.uz/uz/library/view/284>
6. <http://www.marifat.uz/marifat/ruknlar/manaviat/4609.htm>

Nashrga f.f.d. N.Shodmonov tavsiya etgan

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ МИФОЛОГИЗМА В РУССКОЯЗЫЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ УЗБЕКИСТАНА

Буранова Ж.А. (ҚарГУ)

Аннотация. В статье прослеживается изучение мифологизма, как нового явления в литературном пространстве. Рассматривается эволюция развития мифологизма в исследованиях русскоязычных ученых Узбекистана.

Ключевые слова: аллегоризация, миф, мифологизм, мифологизация, неомиф, неомифологизм, притчевость, ремифологизация, Русскоязычная литература.

Annotsiya. Maqolada mifologizmning adabiy makonda yangi hodisa sifatida o'rganilishi kuzatilgan. O'zbekiston rusiyazabon olimlarining tadqiqotlarida mifologiya taraqqiyoti evolyutsiyasi ko'rib chiqiladi.

Tayanch so'zlar: allegorizatsiya, mif, mifologizm, mifologizatsiya, neomit, neomitologiya, masal, remifologizatsiya, rusiyazabon adabiyot.

Annotation. The article traces the study of mythologism as a new phenomenon in the literary space. The evolution of the development of mythologism in the research of Russian-speaking scientists of Uzbekistan is considered.

Key words: allegorization, myth, mythologism, mythologisation, neomyth, neomythologism, parable, remythologisation, Russian literature.

Мифологизм как художественное явление реализуется в произведениях русскоязычных писателей Узбекистана, создавших особое пространство в литературном процессе Узбекистана, бытующее на русском языке независимо от национальности авторов, пишущих на русском языке. Исследователь А.Балтабаева считает, что «Русскоязычная литература Узбекистана – наднациональное явление, определяющим критерием этого литературного феномена являются язык художественной литературы, географическая закреплённость вне зависимости от национальной принадлежности, особое эстетическое сознание: симбиоз восточной ментальности и русского культурного сознания, синтез русских и восточных традиций, что обуславливает ее структурно-содержательное своеобразие. Русскоязычная литература Узбекистана существует как самостоятельное явление в литературном пространстве Узбекистана, при этом взаимодействуя с национальной литературой» [2; 40].

Э.Абуталиева, изучая художественные произведения 80-х годов с точки зрения пространства и времени, отмечает, что в современной русскоязычной литературе «и

пространство, и время теряют свой линейный однородный характер, – в этом заключается одна из важнейших тенденций в современной литературе, реализующаяся в усилении аллегоризации, притчевости, мифологизации» [1; 3]. Анализируя пространство и время в русскоязычной литературе Средней Азии, она указывает, что «главное отличие двух типов сюжета – разная реализация категории пространства и времени. Классический сюжет в качестве нормы использовал хронологическое изложение событий. Первоначальное нарушение хронологии воспринимается как особый художественный приём, как нечто сугубо индивидуальное. В современной литературе нормой стало не пространство, нарушение хронологии, но и необычайная свобода перемещений в пространстве и времени, временной хаос естественен» [1; 14]. В этом принципиальное различие классического и современного сюжета. Важное значение при истолковании произведения имеет контекст. Анализируя романы русскоязычных писателей Средней Азии, Абуталиева особо подчеркивает символику мифа: «Сама романная форма требует более многомерного, глубинного охвата действительности, и богатство символики мифа позволяет использовать его как своеобразную матрицу для семантизации современного сюжета. Парадигма мифа живет в эмпирике дня сегодняшнего, отрезки которой налагаются на мифологическую реальность» [1; 14]. Говоря об особенностях мифа, она отмечает, что «миф обнажает скрытую суть происходящего, чередование событий, содержащихся в мифе и происходящих вокруг – это своего рода чередование метафор» [1; 14].

Н.Сыздыкбаев в контексте исследования творчества Ч.Айтматова анализирует этико-философские воззрения русскоязычных писателей. Как и Э.Абуталиева, он изучает русскоязычную прозу и исследует художественные произведения с точки зрения мифологизации: «появляется целый ряд многонациональных писателей, пишущих на русском языке (и потому относимых к русскоязычной литературе), творчество которых не только отражает происходящие в обществе перемены, но и вбирает в себя весь спектр духовно-философских и этических проблем, поднимающихся над бытовым, узко социальным, ориентированных на постижение «вечных» проблем бытия» [4; 19].

По мнению Н.Сыздыкбаева, для литературы XX века характерен реалистический метод с использованием целого ряда условных элементов. «Такая стилистическая разнородность свидетельствует о сознательности синтетического использования всех возможных современных форм и приёмов художественного изображения бытия человека для выражения чёткой авторской позиции» [4; 19]. Ряд русскоязычных писателей обратились к условным художественным приёмам: мифы, притчи, образы-символы. Следует отметить, что в мифологизированном произведении притча имеет особенную природу, в ней особенно акцентирована символичность.

Рассуждая о роли и значении нового феномена «неомиф», Н.Сыздыкбаев дает ему следующее определение: «неомиф – это авторский миф, созданный писателем как своего рода аналог классического мифа, это результат проекции мифологического мышления на современную жизнь. Закономерным художественным результатом создания неомифа становится неомифологизм, в широком смысле слова – следствие «ремифологизации культуры и литературы», в более узком смысле – вся совокупность специфических свойств текста, возникающих под влиянием ремифологизации литературы» [5; 6]. Также он рассматривает процесс проникновения неомифологизма в литературу в XX столетии как способ постижения мира и человека. Н.Сыздыкбаев называет неомифологизм «определённым историческим этапом развития мифологизма», как и «тип сознания, породивший особую форму художественного мышления, чрезвычайно значимого для разных форм искусства изучаемого периода» [5; 6]. «Неомифологизм – проявление тенденции восстановления целостности мировосприятия и миропостроения, способ спроецировать нравственный статус человека на принципы древней, «наивной» этики, под влиянием которой формируется как ментальность отдельного этноса, так и духовный мир человека как такового. Он выделяет два понятия, свойственные неомифологизму: «мифологизация» как процесс насыщенного авторского художественного текста темами, мотивами, персонажами классических мифов и «мифологизм» как наличие в

художественном произведении особых содержательных и формальных свойств, возникающих вследствие внесения в него принципов построения мифа» [5; 6].

О.Гибралтарская, рассматривая произведения русскоязычных писателей Узбекистана, отмечает следующее: «Для всех этих произведений характерен отказ от детерминировано-психологического принципа изображения человеческого сообщества на уровне мифического сознания. Показ сосуществования и взаимопроникновения двух реальностей: «низшей», первичной, вроде бы очевидной, но не подлинной и «высшей», подлинной, на уровне которой теряют всякий смысл и значение стереотипы поведения, пригодные для жизни в обманно-очевидной реальности» [3; 47-50]. Благодаря такой форме повествования обновляется содержательная основа русскоязычного текста.

На достаточно широком использовании мифологических сюжетов в русскоязычной прозе настаивает и А.Балтабаева: «Современная русскоязычная повесть Узбекистана, творчески переосмысляя традиции создания жанра повести в русской и узбекской литературах, активно использует притчевость, как один из принципов конструирования текста» [2; 100-113].

В русскоязычной литературе в XX веке миф широко использовался в новых формах или в качестве образа, мотива и сюжета произведения. Аллегорическая форма мифа позволила писателю с помощью условных образов создавать своеобразный мифологизированный элемент. Начиная со второй половины XX века в прозаических произведениях наблюдаются полифоничность изображения событий, переплетение мифа с реальными событиями действительности, трансформация древних мифов и ряд других метаморфоз, свидетельствующих о проникновении нового явления в русскоязычную и узбекскую литературу, так называемый неомифологизм.

В русскоязычной литературе конца XX столетия происходят те же изменения, отражающие происходящие в обществе перемены, весь спектр духовно-философских и этических проблем, возвышающихся над бытовым, узко-социальным, ориентированных на постижение «вечных» проблем бытия. В литературе формируется новое явление – неомифологизм. Термин возник в конце XX в., но неомифологизм в художественных произведениях возник раньше, в 20-е годы XX века. Возникновение неомифов, широкое использование этого приема привлекло за собой «ремифологизацию культуры и литературы».

Таким образом, развитие современной русскоязычной литературы Узбекистана протекает в русле реалистических традиций русской и узбекской литератур XX века и вместе с тем неразрывно связано с новыми эстетическими тенденциями эпохи: стремлением к расширению духовных границ, поиском новых форм и методов, смешением различных стилей, трансформацией литературных родов и жанров.

Литература

- 1.Абуталиева Э.И. Пространство и время в русскоязычной прозе Средней Азии (на материале творчества Тимура Пулатова и Тимура Зульфикарова): дисс. ... кандидата филол. наук. – Т., 1993.
- 2.Балтабаева А.М. Развитие жанра повести в русскоязычной литературе Узбекистана: Дисс. ... доктора философ. наук. – (PhD). – Т., 2020.
- 3.Гибралтарская О.Н. Репрезентация художественных систем М.А.Булгакова, А.П.Платонова, Б.Л.Пастернака в современной русскоязычной литературе: автореферат дисс. ... доктора филол.наук. – Т., 2020.
- 4.Сыздыкбаев Н.А. Художественное выражение этико-философских воззрений Чингиза Айтматова (1970-1980 годы): дисс. ... кандидата филол. наук. – Т., 2002.
- 5.Сыздыкбаев Н.А. Художественный неомифологизм в литературе второй половины XX века. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2012.

Рекомендовано к печати доц. Ё.Хамраевой

ВАРИАНТНОСТЬ УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ТЕРМА

Садинова Д.У. (ҚарГУ)

Аннотация. В статье рассматриваются типы вариативности узбекских народных термина. Приводятся примеры из репертуаров известных узбекских народных бахши.

Ключевые слова: *бахши, вариативность, дастан, сказитель, строфа, репертуар, терма, термачи, шаир.*

Аннотация. Мақолада ўзбек халқ термаларининг турлари хақида сўз боради. Машхур ўзбек халқ бахшилари репертуаридан мисоллар келтирилади.

Таянч сўзлар: *бахши, вариативлик, достон, ҳикоя қилувчи, байт, репертуар, терма, термачи, шоир.*

Annotation. The article deals with the types of variability of Uzbek folk terms. Examples from the repertoires of famous Uzbek folk bakhshi are given.

Key words: *bakhshi, variability, dastan, narrator, stanza, repertoire, terma, termachi, shair.*

Вариантность – одна из важнейших особенностей фольклора. В узбекской фольклористике начиная с произведения профессора Тура Мирзаева «Узбекские варианты дастана «Алпамыш», вплоть до отдельных вариантов дастанов произведены очень много исследования. Но, если говорить о вариантах термина, даже их исследователи тоже на это не останавливались. Вариантность общенародного и на примере отдельных жанров является сложным случаем. Но с точки зрения традиционного формульного стиля, в узбекской фольклористике существуют несколько варианты термина:

1. Классическая вариантность. Наши наблюдения показывают, что чем в составе термина много композиционных формул, формул слов и словосочетаний, формул полустихий, тем широко распространены варианты в эпических школах разных регионах.

Из репертуара представительства Булунгурской школы Фазыла шаира:

*Tulkilar sher bo'lib, osharlar tog'dan,
Zog'lar bulbul bo'lib, ucharlar bog'dan.
Katta turib kichik so'ylar adog'dan,
Beklar yoqasidan tutsa kerakdir.*

*Лисы переходят через гор, как львы,
Вороны улетают, как соловей из садов.
Не дают слов, старшему младенцу,
Могут они захватить с воритника Бека*

Из репертуара представительства Ширабадской школы, термачи Баймарада Баймат оглы:

*Tulkilar sher bo'lib, osharlar tog'dan,
Bulbullar lang qilib, bo'lib, uchadi bog'dan.
Katta turib kichik so'ylar adog'dan,
Kattasini kichigi ursa kerakdir.*

*Лисы переходят через гор, как львы,
Соловья дружно улетают, из садов.
Не дают слов, старшему младенцу,
Может избить старшего младенца. (Пер. И.Турсунова.)*

Как видно, несмотря на то, что эти школы далеко друг от друга, но в этих термина формульное слово «kerakdir» является единой опорой.

2. Вариантность, созданная в сфере композиционного и формульного слова, но с изменением содержания современного характера. В такой вариантности содержание первой строфы термина не изменяется.

Вариант Фазыл шаира от слова Гор-оглы термина «Дни мои» (“Kunlarim”)

Birimda (A) bilmadim yaxshi yomonni, (A)
Ikki yoshda (A) tanib ota-onamni, (B)
Uch yoshimda (A) berdi tili – zabonni, (B)
To'rt yoshimda (A) tosh otishgan kunlarim... (B) (Формульное слово)

*В первый год я не отличал хорошее от плохого,
 В два года я узнал отца и мать.
 В три года я начал разговаривать,
 В четыре я, играя, кидался камнями...*

Такая строфа соотносится и в термина Саидмурад Панох оглы. Изменение в содержании видно в следующих строфах:

Фазыл шаир:

*Olti yoshda (A) qumsab ota-onamni,
 Og'ir mehnat ezdi ota-onamni.
 Ena-bola topolmadik bir nonni
 Parcha non deb yig'lab o'tgan (B) kunlarim. (Формульное слово)*

*В шесть лет скучал я по родителям,
 Тяжёлый труд мучил всегда их.
 Я с матерью не смогли найти куска хлеба,
 Дни мои, когда плакал, чтобы мне дали хлеб.*

В варианте Саидмурада Панох оглы:
O'n ikkidan chiqdim o'n uch yoshimga, (A)
*Qora kunlar tushib qoldi boshimga.
 Yoqam xo'l bo'p ko'zdan oqqan yoshimga,
 Otam o'lib, yetim qolgan (B) kunlarim. (Формульное слово)*

*Мне исполнилось двенадцать, перешёл в тринадцать,
 Чёрные дни стали преследовать меня.
 Ворота стал мокрым от слез моих,
 В дни, когда умер отец и я осиротел...*

Из современного произведения Ислама шаира Назар оглы «К счастливому поколению» (“Baxtli ovlodlarga”):

*O'n uchimda bo'ldim yetim,
 Qoldi tanda suyak, etim.
 Poda haydab o'tdi yoshlik,
 Chupon edi avlodlarim.*

*В тринадцать лет я осиротел,
 Стал я тощим, кости да кожа.
 За стадом провёл своё детство,
 Был я постухом мои ребяташки...*

Как явствует из примера, в советский период народные сказители в кругу «эпических знаний» (Гацак В.М) поднялись на более высокую ступень индивидуального творчества.

Как видно на примере, несмотря на то, что есть большое изменение в содержании термина сказителей, но все они созданы в сфере формул композиции, слова, полустилия.

3. Терма, созданные на основе формул слова, словосочетания, полустилия, но содержание совсем новое, имеющиеся авторства. Ещё одна из особенностей формульного стиля в том, что он кроме углубления в фольклоре природу вариантности, помогает определить ясность в искусственности в фольклоре. Например:

*Nar yurtga polvon Oktabr,
Haybatda sulton Oktabr.
Bir chohi davron Oktabr,
Davlatim Sulton Oktabr,
Maxbubi jonon Oktabr.*

*Богатырь всех стран Октябрь,
Величественный Султан (царь) Октябрь.
Царство счастья Октябрь,
Богатый Султан Октябрь,
Красавица мира Октябрь.*

или

*Arzimni eshiting, yor-u, yoronlar,
Bir menday (A) vallamat bormi jahonda? (Формульное словосочетание).
Miroxur, jevachi, mulla eshonlar, (A)
Sharimday mamlakat, (B) bormi jahonda? (Формульное словосочетание).*

Все типы вариантности в вышеуказанных терминах, соответствуют в репертуаре всех народных сказителей (термачи, бахши, халфы). Все современные термина относятся к третьему типу. При изучении третьего типа термина надо обратить внимание на следующие:

а) во-первых, народные сказители верили существующей политике, во-вторых, были заказаны эти термина со стороны власти. Поэтому не имеющие ни какие значения в науке эти термина изучаются как факт;

б) народные сказители при советской власти создавали произведения о великих людях, героях труда и войны, мире, о краях, где они выросли и путешествовали. Эти народные произведения обогащали мировую общенародную фольклористику.

Литература

1. Алпомиш. Ўзбек халқ қахрамонлик достони / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи Ҳ.Зарифов. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 400 б.
2. Зариф Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 65-88.
3. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 151 б.
4. Мирзаев Т. Искусство узбекских народных сказителей и особенности их эпического репертуара: Автореф. дисс...док. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 48 с.
5. Мусақулов А. Достон ва терма муносабатига доир // Адабиётшу-носликка оид оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 176-184.
6. Мусақулов А. Ўзбек фольклорига терма ва оралик шакллар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – № 4. – Б. 41-45.
7. Турсунов И.Н. Ўзбек халқ термаларининг тарихий асослари ва бадиияти: Фил.фан. ном. дисс. – Тошкент, 2011.

Рекомендовано к печати доц. Ё. Хамраевой

АНАЛИЗ СЮЖЕТА И ОБРАЗОВ В РОМАНЕ УИЛЬЯМА ФОЛКНЕРА «АВЕССАЛОМ, АВЕССАЛОМ!»

Жумаева Н.Г. (КарГУ)

Аннотация: В данной статье рассматривается жанр и стиль письма романа «Авессалом, Авессалом!» и в том числе коротко излагается сюжет и образы характерны в этом произведении Уильяма Фолкнера.

Ключевые слова: юг, готика, наследство, персонаж, детектив, история, мораль, роман.

Аннотация: Ушбу мақолада Уильям Фолкнер қаламига мансуб “Авессалом, Авессалом!” романининг жанри ва ёзилиш услуби муҳокама қилинади, ва шунингдек, асар сюжети ва асосий қаҳрамонларнинг қисқача мазмунни таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: жануб, готика, мерос, персонаж, детектив, ҳикоя, ахлоқ, роман.

Annotation: This article discusses the genre and writing style of the novel "Absalom, Absalom!", including a brief summary of the plot and a short analysis of main characters typical in this work by William Faulkner.

Key words: South, gothic, legacy, character, detective story, morality, novel.

«Авессалом, Авессалом!» (Absalom, Absalom!) — роман американского писателя Уильяма Фолкнера, написанный в стиле южной готики, впервые был опубликован в 1936 году. Роман представляет собой историю трех семей на юге Америки, действие которой происходит до, во время и после Гражданской войны, и в основном сосредоточена на жизни главного героя Томаса Сатпена. "Авессалом, Авессалом!" — роман, резко осуждающий обычаи и нравы Южных штатов Америки. Это поистине удивительно, когда мы понимаем, что автор романа, Уильям Фолкнер родился и вырос на Юге, и его жизнь тесно связана с историей Юга. В этом произведении речь идет о родстве, братоубийстве, похоти, честолюбии и рабстве. Темы Фолкнера отличаются глубоким психологизмом, автор погружает читателя в глубинный слой нашего сознания - человеческие страсти и амбиции, выходящие за рамки гуманной морали. Сюжет "Авессалом, Авессалом!" — один из самых уникальных в современной художественной литературе, привлёкшей к себе множество читателей и критиков.

Помогая читателю понять полную концепцию своего романа Фолкнер включает в конце романа: 1) хронологию центральных событий; 2) генеалогию персонажей (например, Фолкнер показывает, что Квентин умер в год окончания романа, что делает его смерть частью романа) произведения, но сведений об этом в сюжете романа у нас нет); 3) карта округа Йокнапатафа, где происходили центральные события. "Авессалом, Авессалом!" во многих отношениях самый блестящий из всех романов Фолкнера. В современной художественной литературе встречаются редкие примеры более совершенного приспособления формы к материи и сложности, которая в каждом пункте оправдывает себя важностью и интенсивностью, которые она придает.

Роман известен своим сложным стилем включающийся в себя несколько рассказчиков, растянутые предложения, многочисленные неологизмы и навязчивое использование пунктуации, что сбивает с толку как критиков, так и читателей, и считается почти бесконечным для обсуждения. Среди таких критиков ученый Майкл Миллгейт, который называет этот роман «наиболее тщательно изложенным из всех романов Фолкнера» и называет его «блестяще созданным произведением». [1: 150] Джон Т. Мэтьюс восхваляет «самую одаренную» работу Фолкнера [2:115], Роберт Дейл Паркер восхищается «искусным использованием языка» автора [3:11] и Клинт Брукс заявляет, что этот роман «во многих отношениях является наиболее блестяще написанным из всех романов Фолкнера». [4:323] Большинство других критиков придерживаются менее определенной точки зрения. Они придают прозе книги разные качества: «скучная» [5:651], «отвлекающая» [6:129], «слишком много информации» [7:431], "медленная" [8:49], "необычная" [9:462], «темная» [10:39], «противоречивая» [11:96], «сбивающий с толку» [12:113] «переменная» [13:93], "жесткая, быстрая речь" [14:7]. Несмотря на такой подход, большинство критиков считают, что сложный стиль письма — каким бы требовательным ни был читатель — так

или иначе поддерживает, усиливает или иным образом передает смысл некоторым темам, выраженным в романе.

Эрик Моттрам продвигает другую точку зрения, описывая технику Фолкнера как «способ изображения событий и персонажей во времени, связывая их друг с другом». Как искусство — это аморальный застой, а как нравственность — гибель [15:129]. Джеймс Гетти, который понимает "Авессалом, Авессалом!" как удивительно тонкое изображение языковых контрастов, позволяющее глубоко понять природу языка и жизни, завершает свою диссертацию одобрительным выводом того, что осуждает Моттрам: «Возможно, Фолкнер не способен драматизировать эти мудрости языка, функция которого может заключаться только в создании гипотетического потенциала, это указывает на дезорганизацию человеческого разума и его образное равновесие в преодолении этой неудачи [16:108]. Но Гетти также отличается от Моттрама открытием лингвистического значения, определенного в романе "Авессалом, Авессалом!" Он считает этот роман самым совершенным из художественных произведений, ставящих под сомнение возможности языка и значения; как великое проявление умирающего языка и откровение природы этого языка, оно кажется непревзойденным. В нем Фолкнер утверждает, что, поскольку сила Томаса Сатпена и яркость воображения Квентина проявляются и становятся достоянием обществу в их неудаче, а величайшее достижение языка состоит в том, чтобы создать потенциал для значения, который иначе не был бы реализован в конфликте между порядком и беспорядком. Приведенные выше классификации показывают, насколько Фолкнер оставил свою книгу на усмотрение критиков. В оценке Гетти достижений Фолкнера взаимозависимость этих определений указывает на то, в какой степени оба они отражают его собственное мышление благодаря своему источнику. Такой анализ называется "Авессалом, Авессалом!" характерно для критиков.

Стиль Фолкнера прекрасно показан в "Авессалом, Авессалом!". Альфред Казин пишет: «Это потому, что его техническая мощь и то, что следует назвать тональным предложением, настолько глубока, также как и риторика Фолкнера, что в его творчестве можно прочесть каждую точку зрения и доказать их всех [17:458].

Сам Фолкнер так описывает свой стиль: «Нет. Это история Сатпена. Но затем, когда какой-либо персонаж появляется в книге, каким бы второстепенным он не был, он рассказывает свою собственную биографию — и в этом романе как любой персонаж, Сатпен рассказывает свою собственную биографию используя тысячей различных терминов» [18:275]. Сюжет произведения, как в романе «Шум и ярость», Фолкнер строит «Авессалом, Авессалом!» не на основе истории главных героев, а на основании окружающих их других персонажей, «Авессалом, Авессалом!», что кажется противоположным характеру раскрытия скрытых течений подсознания в «Шуме и ярости». Некоторые из дискуссий пересказывают истории, которые передавались в семье Компсонов из поколения в поколение, таким образом, основные эпизоды могут повторяться в романе два или три раза. Томас Сатпен (1807–1869) изображает семью и повествовательная среда является 1909–1910 годы, события в романе передаются из уст Розы Колдфилд, отца Квентина, и Шрива Кэннон, соседа Квентина по комнате в Гарварде.

В рассказе Сатпена Фолкнер иногда разделяет и погружает читателя в чудесное море мыслей, которое полностью его завораживает. Как и в сюжете другого романа автора «Свет в августе» (1932), «Авессалом, Авессалом!» имеет элементы детектива, включающего в себя не личность убийцы, а характеристики тайны. Хотя многие детали и большая часть смысла являются предметом споров, рассказчик не оспаривает основной идеи рассказа Сатпена. Какое главное событие? Сюжет романа начинается с разговора миссис Розы и Квентина. В первой главе также описывается юность Квентина: *Quentin had grown up with that; the mere names were interchangeable and almost myriad. His childhood was full of them; his very body was an empty hall echoing with sonorous defeated names; he was not a being, an entity, he was a commonwealth. (Absalom, Absalom, p 12)*- значение: Квентин вырос с этим; простые имена были взаимозаменяемы и почти бесчисленны. Его детство было полно ими; само его тело было пустым залом, в котором звучали звучные имена побежденных;

он не был существом, сущностью, он был государством. В то же время, в 1833 году, 25-летний Томас Сатпен прибыл в Джефферсон и со своим умом и энтузиазмом создал свою плантацию и генеалогическое древо.

That was all that the town was to know about him for almost a month. He had apparently come into town from the South—a man of about twenty-five as the town learned later, because at the time his age could not have been guessed his age could not have been guessed because he looked like a man who had been sick. (А,А, р 32)- значение: Это было все, что город знал о нем почти за месяц. Он, по-видимому, приехал в город с юга — человек лет двадцати пяти, как город узнал позже, потому что в то время нельзя было определить его возраст, потому что он выглядел как больной человек."

Одной из проблем этого романа является идентификация рассказчика. Томас Сатпен покупает 100 квадратных миль земли у вождя индейцев Чикасо Иккемотуббе вместе с 20ти гавайскими рабами. Далее в соотрудничестве с французским инженером строит там величественный особняк, который он называет "Сатпеновой сотней". В следующем году у Сатпена рождается дочь по имени Клейти от рабыни-мулатки. Четыре года спустя он женился на очень уважаемой дочери местного торговца, и вскоре у него родились сын Генри и дочь Джудит. Генри и Джудит растут вместе со своей сводной сестрой Клейти, которая работает горничной. В 1859 году Генри поступил в колледж при Государственном университете, где подружился с Чарльзом Боном, джентльменом из Нового Орлеана. Посетив несколько церемоний в замке Сатпен, Бон обручился с Джудит, но на Рождество 1860 года Генри поссорился со своим отцом и уехал с Боном, потеряв свои права на наследство. Мужчины возвращаются после окончания Гражданской войны, когда Эллен (мать Генри и Джудит) умирает в 1863 году. Кульминация романа начинается, когда война только что закончилась: Генри убивает Бон и исчезает у ворот крепости Сатпен и это потому, что Генри узнает Чарльза как своего брата а Чарльз был влюблен Джудит а так как они родные друг другу Генри убивает своего сводного брата.

And yet, four years later, Henry had to kill Bon to keep them from marrying. (А,А р 99)- значение: И все же четыре года спустя Генри пришлось убить Бона, чтобы они не поженились.

В следующем примере он разговаривает с Джудит и сообщает ей что он убил Чарльза.

-Now you cant marry him.- Why cant I marry him? - Because he's dead. -Dead? -Yes. I killed him. (А,А р 172)- значение: Теперь ты не можешь выйти за него замуж. Почему я не могу выйти за него замуж? Потому что он мертв. Мертв? Да. Я убил его.

Совершая убийство он в каком-то значении предотвратил самое плохое которое мог бы произойти из-за вины Томаса Сатпена.

Вернувшись с войны на свою процветающую плантацию, овдовевший Сатпен делает предложение своей золовке Розе Колдфилд, но Роза отменяет помолвку, когда Сатпен требует, чтобы она родила мальчика до их свадьбы и чтобы он унаследовал его наследство. В 1867 году Сатпен знакомится с Милли Джонс, внучкой Уоша Джонса, которая помогает ему управлять небольшим загородным магазином. Когда Милли рождает девочку, Сатпен бросает их, а разъяренный старик Джонс убивает Сатпена, Милли и ее ребенка. История крепости Сатпен продолжается даже после его смерти. Два года спустя Джудит и Чарльз Этьен умирают от кори, а Клейти и Джим Бон остаются одни в заброшенной крепости Сатпен. Когда роман начинается в сентябре 1909 года, Роза Колдфилд приглашает Квентина Компсона рассказать о событиях истории Сатпена перед его уездом, и Квентин сопровождает Розу в крепость Сатпен, где происходит последний шок романа: они обнаруживают Генри, старого который прятался от совершенного им преступления. В декабре Роза снова возвращается, чтобы вернуть Генри в город, но Клейти поджигает замок, убивая себя и Генри. В руинах замка Сатпен, остывших до синего пепла, Джим Бон бродит безнадежно, без лекарств, и в одиночестве. Так заканчивается оригинальное истории Сатпена, также-как заканчивается и история Томаса Сатпена, мечтавшего о большом генеалогическом дереве, о вечном богатстве. Фолкнер не представляет историю Томаса Сатпена в логически текучей форме, вместо этого он переполняет роман удивительными эпизодами и запутанными событиями.

Роман написан в готико-детективном стиле, а истории героев показаны для того, чтобы сделать произведение более привлекательным. Одним из таких персонажей является упомянутый выше Томас Сатпен, который является главным героем, отбрасывающего свою тень на мир, как герой, взятого из мифа или легенды, который сказочник воплощает в произведении исходя из своих потребностей. Томас Сатпен, главный герой, который отбрасывает свою тень на мир подобно герою, взятому из мифа или легенды, и каждый рассказчик воплощает его в произведении исходя из своих потребностей.

He came here with a horse and two pistols and a name which nobody ever heard before, ... seeking some place to hide himself,... (A,A p14)- значение: Он приехал сюда с лошадью, двумя пистолетами и именем, которое

никто никогда не слышал, ... ищет какое-то место, чтобы спрятаться, ...

Следующие примеры относятся к жизни Розы, одного из главных прототипов произведения, которая моложе своих племянников и родилась ценою жизни матери, из-за чего живет с чувством вины.

She was ten now and following the aunt's dereliction (Miss Rosa now kept her father's house as the aunt had done, until the night the aunt climbed out the window and vanished) there was not only no one to make her try to play with her nephew and niece on those days formal and funereal, she did not even have to go out there and breathe the same air which he breathed (A,A p 64)- значение: Сейчас ей десять, и из-за невнимательности тетушки (теперь мисс Роза хранила отцовский дом, как это делала тетя, до той ночи, когда тетя вылезла в окно и исчезла) не только некому было заставить ее играть с племянником и племянницей в эти торжественные и похоронные дни, она даже не могла выйти и дышать тем же воздухом, которым дышал он.

В романе мистер Колдфилд (отец Розы и Эллен) воплощен как очень строгий, вспыльчивый человек. Автор описал персонажа по имени Coldfield которое означает холодное поле на английском языке.

...he would not even allow Miss Rosa to look out the window at passing soldiers. He had closed his store permanently and was at home all day now. He and Miss Rosa lived in the back of the house, with the front door locked and the front shutters closed and fastened. (A,A p81)-... значение: Он даже не позволял мисс Розе смотреть в окно на проходящих солдат. Он закрыл свой магазин навсегда и теперь весь день был дома. Он и мисс Роза жили в задней части дома, входная дверь была заперта, а передние ставни закрыты и заперты.

Сестра Розы, Эллен, жена Томаса Сатпена, не является главным героем произведения, но она также широко представлена от слов её сестры Розы.

Ellen was in her late thirties, plump, her face unblemished still. (A,A p 68)- значение: Эллен было около тридцати, полная, с безупречным лицом.

У Томаса и Эллен были двое детей, Генри и Джудит, которые не могли насытиться материнской любовью, потому что Эллен рано умерла. Романе описывается внешность её детей в следующем примере:

Judith with her mother's hair and her father's eyes and Henry with his hair halfway between his father's red and Ellen's black and eyes of a bright dark hazel—... (A,A p65) - значение: Джудит с волосами матери и глазами отца, и Генри с волосами на половину между рыжим отца и черным цветом Эллен, и глазами ярко-темно-орехового цвета как у матери...

Еще один важный персонаж в романе это— Чарльз Бон. Он является незаконным сыном Томаса Сатпена от смешанной кровью который оставил его и его мать только из-за этой причины. Спустя годы Чарльз и Генри находят друг-друга не зная что они братья и становятся друзьями.

Charles Bon of New Orleans, Henry's friend who was not only some few years older than Henry but actually a little old to be still in college and certainly a little out of place in that one where he was—a young man of a worldly elegance and assurance beyond his years, handsome, apparently wealthy... (A,A p74) - значение: Чарльз Бон из Нового Орлеана, друг Генри, который был не только на несколько лет старше Генри, но и на самом деле немного староват для того, чтобы учиться в колледже, и, конечно, немного неуместен в том

колледже, где он был, — молодой человек светской элегантности. и не по годам уверенный в себе, красивый, внешне богатый...

С помощью различных рассказчиков и выражения ими своей позиции, роман отражает историко-культурный дух Юга Фолкнера, где прошлое присутствует всегда, и постоянно пересматривается людьми, которые периодически пересказывают историю. И таким образом происходит процесс мифотворчества и ставится под вопрос истина. "Авессалом, Авессалом!" является процессом, а не результатом «сборки» рассказа Томаса Сатпена: сюжет произведения требует уточнения, но он ещё больше запутывает читателя. Сюжет в романе характеризуется «разорванной» непрерывностью и ассоциативной связностью, а большинство рассказчиков оторвано временем от описываемых ими событий или вынуждено довольствоваться историями других персонажей. Истина никогда не бывает окончательной, а всегда является «продуктом» индивидуального разума, множающимся с каждым рассказчиком.

"Авессалом, Авессалом!" во многом считается самым блестящим из всех романов Фолкнера, хотя произведение написано строчка за строчкой, абзац за абзацем, а его структура переходит от одной ноты к другой и вновь поднимается до невыносимой кульминации. По общему признанию, роман труден, сила и значение этого романа ценны для читателя. В современной литературе есть редкие примеры сложности, оправдывающие важность и интенсивность, с которой форма подчиняется материи и в каждой точке. К числу таких произведений можно отнести и этот роман Фолкнера "Авессалом, Авессалом!"

Использованная литература

1. Millgate, Michael. *The Achievement of William Faulkner*. Athens: U of Georgia. P. 150, 1989.
2. Matthews, John T. *The Play of Faulkner's Language*. Ithaca: Cornell UP, 1982. P. 115.
3. Parker, Robert Dale. *Absalom, Absalom! The Questioning of Fictions*. Boston: Twayne, 1991, p.11.
4. Brooks, Cleanth. *William Faulkner: The Yoknapatawpha Country*. P. 323.
5. Aiken, Conrad. "William Faulkner: The Novel as Form." *The Atlantic Monthly* (1939): 650-54. P. 651.
6. Crawford, Bartholow, Alexander C. Kern, and Morris H. Needleman, eds. *An Outline of American Literature*. New York: Barnes and Noble, 1945. P. 129.
7. Berthoff, Warner. "'The Flight of the Rocket' and 'The Last Good Country': Fitzgerald and Hemingway in the 1920s. *The New Pelican Guide to English Literature*. Vol. 9, American Literature. Ed. Boris Ford. London: Penguin, 1988. P. 431.
8. "Interview." Stephen Longstreet. *Conversations with Faulkner*. Ed. M. Thomas Inge. Jackson: UP of Mississippi, 1999. P. 49.
9. Riedel, F. C. "Faulkner as Stylist," *South Atlantic Quarterly* 56 (1957): P. 462.
10. Paterson, John. "Hardy, Faulkner, and the Prosaics of Tragedy." 32-41. *Twentieth-Century Interpretations of Absalom, Absalom!* Ed. Arnold Goldman. Prentice: Edgewood Cliffs, NJ, 1971. P. 39.
11. Scott, Arthur L. "The Faulknerian Sentence." *Prairie Schooner* 27.1 (1953): 91-98. JSTOR. Web. 12. March, 2015. P. 96.
12. Slatoff, Walter J. "The Edge of Order: The Pattern of Faulkner's Rhetoric." *Twentieth-Century Literature* 3.3 (1957): p.113.
13. Aswell, Duncan. "The Puzzling Design of *Absalom, Absalom!*" *William Faulkner's Absalom, Absalom! A Critical Casebook*. Ed. Elisabeth Muhlenfeld. New York: Garland, 1984. P. 93.
14. Howe, Irving. *William Faulkner: A Critical Study*. 3rd ed. Chicago: U of Chicago P, 1975. P. 221.
15. E. Mottram. Mississippi Faulkner's Glorious Mosaic of Impotence and Madness', *Journal of American Studies*. Vol.2, No.1, April, 1968. P.129.
16. Гетти. Пределы метафоры. – Корнелл, 1967, – С. 108.
17. Казин А. На родных землях. Интерпретация современной американской прозы, 1943, – С. 458.
18. Фредерик Л. Гвинн, Джозеф Л. Блотнер, «Фолкнер в университете», University of Virginia Press, 294, 1995. – С. 275.
19. Cleanth Brooks, "William Faulkner, The Yoknapatawpha Country" Louisiana State University Press, Baton Rouge, 1990. P. 323-324.

Рекомендовано к печати доц. Ё.Хамраевой

“ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий, услубий

журналида мақола чоп этиш учун қўйиладиган

ТАЛАБЛАР

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ўртада ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида бериледи.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6–10 саҳифа ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда мақола сўнггида бериледи. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт. Матн ичида керакли ўринларда талаб этилаётган адабиётнинг рақами, ундан кейин икки нукта қўйилиб, фойдаланилган бетлар ёзилади ва катта қавс ичига олинади ([1:176] тарзида).
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастида, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши шарт.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ҳамда электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола qarduxj@umail.uz электрон почтаси ёки +998973853373 телеграм манзили орқали жўнатилади.
12. Қўлёзма ҳуқуқидаги мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.
13. Қўшимча ахборотларни www.xabarlar.qarshidu.uz веб-саҳифаси ёки +99899-056-33-14 телефон рақами орқали олиш мумкин.

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071

Теришга 13.10.2022 йилда берилди.
Босишга 19.10.2022 йилда рухсат этилди.
24.10.2022 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84, 1/8.
Times New Roman гарнитураси.
Наشريёт ҳисоб табағи 20,25.
Буюртма рақами: № 89.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.